



### **Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

«Ей Одам фарзандилари, шайтон ота-онангизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта у (яъниким, шайтон алайҳилаъна) ва унинг ёрдамчилари сизни ўзингиз кўрмайдиган томондани кўриб туради. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз».

«У (яъниким Оллоҳ) бир гуруҳни ҳидоят қилди. Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки улар Оллоҳни қўйиб, шайтонларни ўзларига дўст тутдилар, ҳамда ўзларини, албатта, ҳидоят топувчилар деб ҳисоблайдилар.»

(«Аъроф» сурасининг 27, 30-оятларидан маъно таржима.)

*Худовандо, на қилдим турфа ёздим,*

*Шаётин макри бирлан йўлдан оздим.*

*Пушаймонман паришон ўтган ишдан.*

*Баҳору тийра моҳ ёзу қишдин.*

*(Сўфий Оллоҳёрнинг «Саботул ожизийн» китобларидан.)*

Борлиқ оламларни яратиш баробаринда бизларни — одам болаларини йўқдан бор қилган, иймон, маърифат, илму адаб, ҳикмат баҳш этган, ўзининг ваҳдати зотини, асмаи сифатини бизларга — қулларига билдирган Холиқи даҳрга мадҳу таҳсинларимиз ва шукрларимиз бўлсин. Раҳим ва Раҳмон ҳабиби, оламлар нури, олимлар фаҳри бўлмиш Муҳаммад мустафо салалоҳу алайҳи ва салламга салоту салом ва таҳийят бўлсин.

Муҳтарам пайғамбар афандимизнинг азиз авлодларига, хонадонлари аҳлига, дин йўлида ёрдамчилари, дунёи охиратда содиқ ёрлари мартабасидаги улўф биродарларига саловотлар бўлсин. Ва жами анбиё саловатуллоҳи алайҳим ва авлиёи киром руҳларига восил бўлсин ва биз мискинлардан рози ва ҳушнуд бўлсинлар. Инша Аллоҳ, омийн. Аммо баъд:

Шукрларимиз бўлсинким, неча йиллардан бери шайтонга тобе олам аҳволининг баёни баҳонасида сиз муҳтарам китоб муҳиблари билан биргамиз. Сизлардан бениҳоя миннатдорманким, саховатингизни аямаганингиз ҳолда бир ожиз ва нотавон банда сабаби билан қоғозга туширилган мазкур битикдаги саҳвул-қаламга кечиримли бўлдингиз, узрларимизни эътиборсиз қолдирмадингиз. Яна бир қувончимиз шуки, шайтон васвасасига берилмоқлик, шайтонга қарши жиҳодда мағлуб бўлмоқлик оқибати Сиз — азизларни лоқайд қолдирмади. Сиз билан биз «Фалончи қўшним (ёки ҳамкасбим, ёки қариндошим) менинг душманим», де-йишга одатланганмиз. Мен буни бир оз ўзгачароқ тарзда баён қилган бўлардим. Сабабки, Одам боласининг Одам боласига душманлиғи дуруст эмасдур. Одамнинг ягона душмани — иблисдур! Иблиснинг энг зўр қуроли — нафс. Демакки, биз душманни атрофимиздан эмас, ўз вужудимиздан, ўз руҳимиздан изламоғимиз жоиз. Буюрилмишким, «ла-тазанил холқа бимизаника, ваззин нафсака би мизонил қавм». Маъноси будирким: «Халқни ўз ўлчовинг ила ўлчамагил, билъакс, ўз нафсингни қавм (халқ) ўлчови (мезони) ила ўлчагил».

Шунга бизлар амал қилсак, ҳидоят йўлидан тоймасмиз, инша Аллоҳ.  
Тўртинчи китобга жамланувчи фикрларни қоғозга тушириш аввалида айрим изоҳларни баён этмоққа ҳожат сезилди. Дастлабки умидимиз — воқеалар баёнини уч китобга жамлаш эди. Учинчи китобда умидга еткурган Тангримизга шукрлар қилганимиз ҳолда асарга сўнгги нуқта қўйилганини маълум этиб эдик. Яширмаймиз, дастлабки аҳдга биноан ўзимизни зўрлаган ҳолатда асарни якунлагандай бўлиб эдик. Ана шу зўракилик талабчан китобхонларимизга маъқул келмабди. Учрашувларда, мактубларда асар якун топмагани хусусида танқидий фикрлар билдирилди. Шу кезлари гиёҳвандлик оқибатлари муаммолари хусусида ҳужжатли филм учун маълумотлар тўплашга тўғри келди. Мазкур жараён ҳам асарни давом эттиришга даъват этди. Бизни энди ҳижолатга солаётган бир сабаб бор: «Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлар», деганларидек, асарнинг чўзилиши оқибатида Сиз — азизлар ҳафсаласини пир қилиб қўймасак бўлгани... Начора, яхши умид билан яна қўлга қалам олдик, раҳмли Парвардигоримиздан хайрли ниҳоясига етказмоғини сўраймиз.

### **Муножотимиз будир:**

Илоҳо Парвардигоро! Иззатинг ва жалолинг ҳаққи, анбиё мурсалин ва авлиёи солиҳийн ва уламои росихин разияллоҳу анҳум ажмаъийн арвоҳи шарифлари ҳурмати, биз заиф ва гуноҳкор қулларингни ҳам бу қавмдан бенасиб қилмагил ва ул хос наслиданким, буларга насиб этдинг, бизларни ҳам маҳрум қилмагил. Ва шаръий амалларимизни гуноҳларимизга каффорот айлагил ва сўнгги нафасда иймонимизни шайтон макридан ўзинг сақлагил. Омийн я Роббил алабийн\*!

Шундан сўнг Ҳақ таоло инояти билан баёнларимизни бошлармиз, биавниллоҳи таоло.

---

\* Фаридиддин Аттор ҳазратларининг лафзларидан фойдаландик. Оллоҳ у зотдан рози бўлғай.

## **Ў Ў Ў Ў**

### **1**

Лаҳтак булутлар қитмирилиги туфайли яйраб нур тарата олмаётган қуёш шом киришини кутмаёқ бота қолгандай бўлди. Тонгда эса Беғубор осмон умидида кайта бош кўтардию яна булутлар шумлигига учради. Олмония қуёшининг тайинсизлигига, файзсиз тонгларига Манзуранинг чидаши оғир кечди. Зотан, унинг қалби шу қуёш каби ожиз ҳолатда эди. Гарчи ўғилларининг тўйдан кўнгли равшанлашган бўлса-да, ҳавотир булутларининг чақинидан бағри куйиб турарди.

Ери Асадбекнинг, қизи Зайнабнинг аянчли аҳволдан беҳабар бўлса-да, ўзига ҳам номаълум бир туйғу кўнглини ғашлик булути билан чирмаб турарди. Асадбекнинг телефонда тўнг оҳангда гаплашиши уни ажаблантирмас, бу ҳолатга йиллар бўйи кўникиб кетган эди. Уни эзаётган нарса бошқа — эри ҳар сафар «уйга қайтишга шошилма»,— деб гапни қисқа қилади. Қудалари эса «Қачон қайтасизлар?» деб очиқ айтишмаса ҳам кўз қарашларидан шу маъно сезилиб турарди. Ўғиллари нигоҳида ҳам шу савол зухур эди. Маъсума аёл саволга жавоб қайтаришга қодир бўлсами эди, бу ерда бир он ҳам қолмасди.

Қанотлари қайрилган эмас, қирқиб олинган қуш ҳолатидаги Манзура тунда қуёш балқишини кутган нотавон каби эридан ҳар дақиқада бир мужда кутарди.

Манзура қамоқдаги маҳбус ҳолатида эди, дейилса юмшоқроқ айтилган бўлади. Чунки маҳбус озодликка қачон чиқишини билади, шу кунни, соатни, орзиқиб кутади. Кутиш ҳам у учун бир саодат. Ҳар тунда ёстикқа бош қўйиб ҳар тонгда кўз очишининг ўзиёқ бир бахт. Манзура эса яна қанча тунд тонгларни мусофирликда қаршилашини билмайди.

Ўзини қафас темирларига уравериб қанотларини мажруҳ этган қуш аҳволидаги Манзуранинг дарди қудаларига аён эди. Шу боис кўнгил хиралиги тарқаб, дилга бир ёруғлик мўралармикин, деган мақсадда Шветсарияга сафар қилишни таклиф этишди. Меҳмоннинг ихтиёри мезбонда бўлгач, Манзура нима дея оларди? Ўғиллар онадаги ташвиш булутини нари ҳайдаш ниятида Алп тоғларининг беназир гўзаллигини мадҳ этишди. «Боланинг кўнгли далада» деганлари балки шудир. Ҳозир ғойибдан бир овоз келиб «жаннат эшиклари сенга очилади, кирасанми ё уйингга борасанми?» дейилса у ҳеч иккиланмай уйга қайтмоқни ихтиёр этарди. Зотан, аҳли оилага муҳаббат ҳам иймоннинг гўзал бир кўринишидир.

Икки ўғли, икки келини, Гулузор бегим ҳамроҳлигида мақталган ерларга борган Манзуранинг зимистон кўнглига равшанлик мўралай олмади. У фарзандлари кичиклигида Нанайга бир неча марта чиққан, сув омбори қурилиб, қишлоқ бузилгач, анчагача кўнгли вайрон бўлиб юрган эди. Кейинчалик Маҳмуднинг хотини билан бошқа қишлоқларга ҳам чиқди, Шоҳимардонга ҳам борди. Бироқ, дастлаб чиққанида дилига ўрнашгани учунми, бошқа жойларни Нанайга ўхшата олмади. Шветсария Алплари деб ном чиқарган, дунёдаги мана ман деган бойларнинг севимли масканига айланган бу қорли тоғлар унинг ақлини лол қила олмади. Тўғри, у ёзлоққа чиққан, қорли тоғларнинг ҳавосидан эса нафас олмаган эди. Маҳмуднинг хотини «Опа, болларни олиб Чимёнга чиқайлик, чена учиб келишсин», деганида «Қишнинг совуғида тоғда бало борми?» деб унамаган эди.

Келинлари билан ўғилларининг яйраб чанғи учаётганларини кўриб ҳам кўзлари қувонди, ҳам «булар ўқишяпти, десам чанғи учишдан бўшашмаган шекилли» деган фикрга келди. Манзура «ўғилларим чанғи учишни шу ерда ўрганишган», деб ўйлаб янглишди. Чўлпоной билан Муштарийнинг шу ерда ўрганганлари айни рост. Абдусамад билан Абдуҳамиднинг Жамшид ҳамроҳлигида тез-тез Чимёнга чиқиб туришганидан у беҳабар эди. Болалари бир сафар ижозат сўрашганида «йиқилиб, у ер-бу ерини синдириб олмасин» деган: ҳавотирда рухсат бермаган, юраги қайнаб турган ўғилларининг яширинча чиқишларини эса хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қорли ёнбағирдаги одамлар орасидан Манзура ўғилларини нигоҳи билан излайди. Йиқилиб тушаётганлар ўғлидай туюлиб, юрагига бир зирапча санчилгандай сесканади. Ҳолатини сездирмасликка ҳаракат қилса-да, Гулузор бегим ундаги ҳавотирни фаҳмлаб:

— Бу ернинг қори худди пар болиш кабидир, йиқи-лажак ўлсангда бир ҳузурланурсан, — деб қўйди.

— Сиз ҳам учасизми? — деб сўради Манзура ажабланиб.

— О, албатта, — деди Гулузор бегим қаҳва ҳўп-лаб. — Бу шунчаки шўхлик меваси эмас, сихҳат учун-да лозим ўлароқ бир амалдир.

Улар ўтирган қаҳвахона осойишта, таралаётган ёқимли оҳанг ҳам шунга мос эди. Гулузор бегим бошини эгганича ниманидир ўйлади, ҳатто ҳузурда азиз меҳмон ўтирганини ҳам унутгандай бўлди. Сўнг бошини кўтариб дераза оша ташқарига қаради-да, худди ўзига ўзи гапиргандай пастроқ овозда:

— Неки вор, хапси чўх гўзалдур, — деди. Кейин юзини қудаси томон буриб, қўшиб қўйди: — Аммо хапсидан Ватангина гўзалмишдир!

Кейинги жумлада армон зухур эди. Бироқ, ўз ёғига қоврилиб юрган Манзура буни «уйингизни соғингандирсиз?» деган маънода тушуниб енгил сесканди.

Тақдир иплари фарзандлари туфайли гўё боғлангандай бўлган бу икки аёлнинг соғинчлари, армонлари бир-бирига сира ўхшамас эди. Таъбир жоиз бўлса Ватан соғинчи Гулузор бегимга ота мерос, қон билан кирган, жон билан чиқғувчи фазилатдир. Ўзининг эмас, волидайн киндик қони тўкилган Ватан тупроғига қадам қўймай, ҳавосидан нафас олмай туриб соғиниш қандай бўлишини тасаввуримизга сиғдиришимиз, баён этишимиз ғоят мушкул. Ватан — яъни ота юртни соғиниш даражаларини белгиламоқда «мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас», деган ҳикматни ҳисобга олмақ балки жоиздир? Дейдиларки, булбулни «гар олтун қафас ичра» сақласангиз ҳам сайрамас экан.

Манзурадаги соғинч ҳислари эса бутунлай ўзга. Ватан исми ўлчовсиз туйғудан ҳоли, демоқлик ноўриндир. Чунки у соғинаётган оила, ҳовли, яқинлари — Ватаннинг зарраларидир.

Яратганнинг мўъжизаларига ақл бовар қилмайди: шу каби тоғ, шу каби қор кўпгина юртларда мавжуд. Гулузор бегим айтганларидай, бу ернинг қори пар ёстиқдай юмшоғу бошқа ерники тошдай қаттиқ эмас. Эътиборли жиҳати шундаки, қорли тоғларнинг ҳар бири ўша юрт эгаси учун суюмлироқ. Шу боис ҳам Манзурани бундаги манзара лол қолдира олмади. Балки эри, қизи ҳам ёнида бўлса бу чиройни илғармиди?

Қаҳва ичаётган Гулузор бегим билан таъмсиз туюлган бўлса-да, мезбоннинг ҳурмати учун ўзини зўрлаб чой ҳўплаётган Манзурани боғлаб турувчи бир нарса бор: бу қалблардаги ҳисларни юқори мақомда баён этолмаслик, бу ҳислар тўлқинида жўш уриб суҳбатлашолмаслик ёки баҳслаша олмаслик.

Шаҳарчани айланиш ҳам, қаҳвахонада ўтиравериш ҳам Манзурани зериктирди. Меҳмоннинг ўғиллари билан шаҳар сайрига чиққанидан фойдаланган Гулузор бегим эса қизларига қўшилиб чанғи учди, кўнгил чигилини ёзиб олди. Бир ҳафта — ўн кунга мўлжалланган саёҳат Манзуранинг кўнглига қараб, уч кундаёқ ниҳоя-сига етди.

Шветсариядан кетмай туриб Маҳмуд — Чувриндига кўнғироқ қилиб муаммони ойдинлаштироқчи бўлди.

— Маҳмуджон, акангизнинг дардини сиз яхши биласиз, келаман, деб ўзлари келмаяптилар, қайтиб кетай десам, унга унамайдилар, сиз бирон нима билсангиз айтинг, — деди.

Чувринди нима десин? Янгаси «акангизнинг дардини сиз яхши биласиз», дейди. Зоҳирий дардини-ку билади, аммо айта олмайди. Ботиний дардини эса гумон кўзлари билан кўради. «Акам дард билан ёлғиз ўзлари олишиб, ёлғиз ўзлари мағлуб бўлмоқчилар. Янгамнинг кўз ёшлари тўкиб ўтиришларни истамаяптилар», деб таҳмин қилади. Таҳминида озгина жон бўлса-да, хожасининг асл мақсадини у ҳам аниқ билмайди.

Сўнги онлари яқинлашганини сезган мағрур бургут ўлимни инида кутиб олмай осмонга парвоз қилиб сўнг ўзини қоя тошларига урар экан. Чувринди хожасини ана шу бургут мисолида кўрарди. Унга фақат бир нарса: сўнги парвознинг қачон ва қандай бўлиши номаълум эди. Чувринди буларни ҳам айта олмади. Шунинг учун:

— Акам тайёрланыптилар. Бу ерда зарур ишлар чиқиб қолди. Акамдан аввал Зайнаб борсалар керак. Бир-икки кундан кейин рухсат тегадиган бўлиб турибди, — деб қўя қолди.

Бу мужмал жавоб Манзурани қаноатлантирмай Олмонияга қайтган куннинг эртасига уйига кўнғироқ қилди. «Адаси, сиз кейинроқ келарсиз», деган таклиф ҳамда қайтмоқлик аҳдини маълум қилиб қўйиш ниятида эди. Болохонадаги йигитнинг «Бек акам жанозага кетганлар» дейиши юрагидаги хавотир учқунини ўт олдирди.

— Кимнинг жанозаси? — деб сўради овози титраб.

Йигит «бу шумхабарни айтиш мумкинми ё йўқми?» деган мулоҳазада сукут сақлади. Аслида у «Бек акам йўғидилар-а», деб гапни қисқа қилмоғи жоиз эди. Хаёли кутилмаган фожиа билан банд бўлгани учун беихтиёр равишда «жанозага кетганлар» деб юборган эди.

— Кимнинг жанозаси? — деб қайта сўради Манзура.

— Маҳмуд акамники, — деди йигит бир оз довдираган ҳолда.

— Қайси Маҳмуд? — Манзура «Қайси Маҳмуд» эканини англаган бўлса-да, «ишқилиб мен танимайдиган бошқа одам бўлсин», деган илинжда қайта сўради. Йигитнинг навбатдаги сукути бу илинжга қувват бергандай бўлиб, сўнг эса ғиппа бўғиб қўя қолди: Чувриндининг фожиаси ҳақидаги шумхабар ҳушини олди.

Манзура гўшакни жойига қўйгач «кўнглимнинг хижиллиги бекорга эмас экан», деб ўйлади. Туғишган укасидай бўлиб қолган одамнинг фожиаси дастлаб уни гангитган бўлса, сўнг ўзи яшаётган оламда ҳалокатлар тасодифий бўлмаслигини билгани учун ҳам хавотир ўтида қоврила бошлади. Эрининг сафарни пайсалга солиши, Маҳмуд — Чувриндининг икки кун аввалги мужмалроқ жавоби, ниҳоят фожиа ҳақидаги хабар юрагининг бир чеккасини

жизиллатиб турган хавотир чўғига мойдек сепилиб аланга олдирган, энди бу ўтни ўчириш мумкин эмас эди. Мана шу ташвиш гулхани ундаги мутелик чегарасини бузди. Манзуранинг беором қалби уни камдан кам ҳолларда юз берувчи инқилобга даъват этди. Фақат қудаларини эмас, ўғилларини ҳам ажаблантирган ҳолда сафари якун топганини маълум қилди.

«Меҳмоннинг иззати уч кун эди, тўй баҳонасида шунча қолиб кетдим, қизларимни дарров бағрингиздан юлиб олгим келмади», деб лутф қилмоқчи бўлди-ю, аммо лабларидаги енгил титроқ, кўзларидаги паришонлик кўнгил нотинчлигини аён қилиб қўйди.

Манзуранинг шу кунга қадар қайтишга шошилмаёт-гани қудаларга малол келмаётган бўлса-да, «у томонлар тинчликмикин, ишқилиб?» деган хавотирлари мавжуд эди. Қудаларининг қайтмоқлик хусусидаги аҳди бу хавотирни нари сургани билан рўпараларига айрилиқ балосини кўндаланг қилиб қўйди. «Бунча шошмасангиз, ҳали сизга тўйганимиз йўқ», деган сохтароқ лутф қудани аҳдидан қайтара олмаса ҳам айтилди.

Юртни соғинган юраклар қалбларининг икки парчасини юлиб олиб юртга узатишди.

О, бу бахтга ташна юраклар рўпарада бало булутларининг ямлашга шай турганини билишсами эди...

Инқилобга жазм этган муштипар ўз қарори билан қайғу-аламлар кўчасига бурилганини билсами эди...

## 2

Бир кун олдин Асадбек ғалати туш кўрган эди.

Буни туш дейиш ҳам қийин. Машинада келатуриб бир дақиқанинг нари-берисида мизғиди. Радиода айтилаётган гапларни эшитиб турди, демак, ухлади, де-йиш мумкин бўлмаганидек, туш кўрди, демоқлик ҳам ўринсиз. Балки хаёлига чақмоқ каби урилган беўхшов манзара унга тушдай туюлгандир. Манзура уйда бўлганида бориб айтарди, у йўйиб бир маъно чиқарарди... Асадбек ўзича маъно қидириб кўрди-ю, «бунақа бемаъни тушда маъни нима қилсин» деган тўхтамга келди. Унинг фикри тўғри: алоқ-чалок, маънисиз тушлар кўп кўрилади, аммо бунақаси учрамайди.

Нима эмиш, кафанга ўраб-чирмалган Асадбек тобутда ётганмиш. Тобут ҳам қизиқ, атрофига оқ мато ўралган эмас, шағал ташийдиган замбилга ўхшаш, ўликнинг ҳам кўнглини айнитадиган бир бало эмиш. Одам оз эмиш. Кафанланган Асадбек «Ўйнаб-кулиб юриб минглаб ошна-оғайни орттирибман-у, тобутимни кўтарадиган йигирмата дўст топа олмабман-да», деб ўйлаб хўрлиги келибди. Тирик одам хўрланса чораси осон: бировни уриб-сўкар, ёки йиғлаб олар.

Кафанланган бечора нима қилсин? Асадбек оқ сурпга эмас, алам матосига ўралганича ётаверганмиш. Бу ҳам майли, чидай оладиган манзара. Тобут олдидаги манзара жиннининг ҳам эсини тескари қилиб юбориши мумкин.

Нима эмиш: жирканч тобут олдида қўш сурнай, қўш ноғора, қўш карнаю қўш чилдирма! Бакабакабум авжида. Олдинда эса тўн кийиб белини боғлаган Кесакполвон ер тепиниб ўйнаб боряпти. «Ҳой аҳ-моқ, — дермиш кафанланган Асадбек, — бел боғлаган одам ҳам тобут олдида ўйнайдими?» Бу саволни эшитган Кесакполвон қаҳ-қаҳ отиб кулармиш. «Тўй бўлганидан сўнг ўйнайман-да» дермиш. «Тўй? — деб ажабланармиш кафанланган Асадбек, — кимга тўй, кимга аза?» «Бизга тўй, — дермиш Кесакполвон, — сенга эса аза...» Кейин мозорга олиб боришди. Мозорми ё шаҳар аҳлатхонасимиз — ажратиш қийин бўлган бир жой. Агар шу жойни ўликка кўрсатиб «сўнгги маконингни кўриб қўй» дейилса, ўрнидан туриб қочиб қолиши аниқ. Лекин кафанга чирмалган Асадбек чорасиз эмиш, қоча олмасмиш. Лаҳадга қўйилиб, тупроқ тортила бошлаганида қорининг тиловати эшитилмайди, билас, яна ўша қўш сурнай, қўш ноғора авжига чиқади. Ҳамма ўйнайди-қувнайди. «Ўлик кўмишга ҳам қасам ичирвордиларинг...» деб ғижинармиш лаҳаддаги Асадбек. Кейин қараса лаҳаддаги бошқа одаммиш, ўзи қабр тепасида турганмиш. Лаҳаднинг оғзи очикмиш, пастда юзи очилиб, қиблага мойил қилиб қўйилган одамга «Ким экан?» деб қарармиш-у, аммо танимасмиш...»

Кўрганлари мана шулар. Даҳшат деса даҳшат эмас, фикрлашга, маъни қидиришга ҳам арзимайдиган та-йинсиз бир манзара... Ўша онда шу фикрда эди.

Аммо эртасига, Чувриндининг ўлимини эшитгач, бемаъни саналган шу тушни яна ёдга олди. Юзи очилиб, қиблага мойил қаратиб қўйилган майитни эслади. Тобут олдида, сўнг қабр атрофида ўйнаётган Кесакполвон кўз олдида гавдаланди. «Бизга тўй, сенга аза», деган гап қулоғи остида жаранглади.

Чувриндининг уйига келиб кутилмаган фожиадан гангиб қолган ўғлини бағрига босганида, ўз фарзандидай суюмли бу йигитчанинг хўнграб айтган гаплари кечаги туш зиндонининг қулфига калит бўлиб тушди гўё. «Кечаси чақиртирган экансиз, келганларида кайфлари бор эди, машинани мен ҳайдай қолай десам, кўнмадилар... Ажал чақирган экан...»

Ажал чақирган экан... Нима демоқчи бола? «Сиз — ажалсиз!» демоқчими? Боланинг ўйламай айтиб юборган гапи Асадбекни ўйлантириб қўйди. Чувриндини у чақиртирмаган эди. Ким чақиртирди? Чақиртирган «ажал»-нинг исми — Ҳайдар-Кесакполвонми? Ё Хонгирейнинг чаёндай изғиб қолган одамларими? Ё хожасига содиқ қолган Ҳосилбойваччанинг йигитлариданми? Қанча ўйламасин, тарозининг палласи Кесакполвон томон босиб кетаверди. «Хонгирей ҳам, Ҳосилбойваччанинг йигитлари ҳам Маҳмудни ўлдириб бир манфаат тополмайди. Касд қилса менга ташланарди. Ё мени «ўладиган касал, шундай ҳам тинчиб кетади», деб аяшадими», деган хулосага келди. Хулосаси бир томондан тўғри эди: Хонгирей унинг тузалмас хаста эканини билгач «хотиржам ўлволсин», деб марҳамат қилган эди. Хулосанинг нотўғри ери шундаки, хотиржам ўлволишга изн берган Хонгирей унинг хотиржам ўлишини хотиржам равишда кута олмас эди. «Қирол ўлди, яшасин қирол!» деганларидек янги қирол муаммоси уни бефарқ қолдириш мумкин эмасди. Гап ўзига муте одамни қирол тахтига ўтқазилмагани эмас. Тахтга ким ўтирса ҳам қайириб олишга қурби етади. Бўйсинишни истамаган янги қиролга аталган биттагина ўқ тўппонча ўқдонидан занглаб қолмайди. Хонгирейнинг муддаоси бош-қа: Асадбекка вафо қилмаган тахтга лалаймаган одам ўтириши шарт. Сиёсатчилар тили билан айтганда, бу тахтга кураш йўли билан борган маъқул. Ким ақллироқ бўлса, ким раҳмдил бўлмаса, ким рақиби қалбини суғуриб олиб чайнаб ютишга қодир бўлса — ўша қирол!

Асадбек Кесакполвоннинг тахтга интилишини кутган-у, аммо Хонгирейнинг бу мақсадидан беҳабар эди. Кесакполвоннинг карнай-сурнай навосига эмас, балки Хонгирейнинг дўмбрасига ўйнаётганини кейинроқ фаҳмлайди. Кейинроқ фаҳмлайдию илон чақиб доғда қолган одам ҳолига тушади. Инграйди, тўлғонади, қани эди бундан бир фойда бўлса?!

Бунга ҳали вақт бор. Ҳозирча илон унинг илиқ бағрида, озгина бесаранжомлиги инobatга олинмаса роҳатда дейиш ҳам мумкин.

Жанозага қадар ҳам, қабрга тупроқ тортилаётганда ҳам Асадбек беихтиёр равишда Кесакполвонни кузатди. Майит лаҳадга қўйилаётганда Кесакполвоннинг «Вой жигарим! Вой укажоним!» деган ўкириги «Вой, отам!» деб бўзлаётган болаларнинг ноласини босиб кетди. Асадбек гўрков тутган кетмон юзига бир сиқим тупроқ ташлагач, Жалил уни ёмғирдан панага, нарироқдаги шийпонга тортмоқчи бўлди. Бу билан хаста дўстини ҳам ёмғирнинг савалашидан, ҳам руҳий азобдан ҳимоя этмоқчи эди. Асадбек унга норози қиёфада қаради. Шунда Жалил намланган кўзлар эгасининг дарду ғам денгизи нақадар мавжли эканини фаҳмлади. Кўзларининг бу каби дардли боқишини у кўп йиллар муқаддам кўрганди. Укаси, сўнг онаси дафн этилаётганда ҳам қорачиқни шундай ғам пардаси тўсган эди. Асадбек ўшанда ҳам овоз чиқариб йиғламаган эди.

Асадбек Чувриндининг ўғли қўлидаги белкуракни олиб қабрга беш-олти марта тупроқ ташлагач, бир оз чекинди, аммо узоқ кетмади. «Таборақ» ўқилиб, юзларга фотиҳа тортилгач, Жалил тарқалаётган одамларга қўшилиб нари юрди, сўнг қабр тепасида ёлғиз қолган Асадбекни, у томон юра бошлаган Кесакполвонни кўргач, тўхтади.

Асадбек «ҳамма ёқни бўктириб ташлайман» дегандай керилиб ёғаётган қор аралаш ёмғирнинг

қилиғига парвосиз равишда турарди. «Бу ер менинг жойим эди, Маҳмуд укам... Сенга қасд қилганни хор қилмагунимча ёнингга келмайман...»

Қадимда қабристонни зиёрат этмоққа ижозат йўқ экан. Сўнг «бандалар мазористонни кўриб охиратни ўйласин, деган мақсадда рухсат этилган экан. Шунга кўра эртами-кечми қисмати қаттиқ гувалага бош қўймоқ бўлмиш одам тавбани, шайтон васвасасидан қутулмоқни ўйлаши керак. Юзларига қор зарралари, совуқ ёмғир томчилари урилаётганини сезмай турган Асадбек эса измини иблис ҳукмига тўла топшириб, яна тошга айланган қалбини қасам билан қувватлантирган эди. Зулм-га зулм билан жавоб қилмоқ унинг наздида ҳақиқат эди.

Ҳукм қатъийлашган пайтда кимдир қўлидан ушлаб тортди. Ўгирилиб қаради: Кесакполвон.

— Сен менинг юрагимга тупурдинг, — деди Асадбек.

— Ундай дема, Асад, агар шу менинг ишим бўл- са — Худо урсин!

— Йўқол!

— Асад...

— Йўқол дедим!

Кесакполвон уч-тўрт қадам чекинди-ю, аммо йўқолмади. Ошнасининг шумшайиб туришига тоқат қилолмаган Жалил унга яқинлашиб, жиққа ҳўл елкасига қўл ташлади.

— Асад, юр, келди-кетдига қараб туришинг керак.

Асадбек акасининг йўриғидан чиқмайдиган мўмин боладай Жалил бошлаган йўлга юрди.

Машина Чувринди яшаган кўчага яқинлашганда Асадбек Ҳалимжонга:

— Ўнгга бурма. Тўғрига ҳайда, — деди. Сўнг пича сукут сақлагач, қўшиб қўйди: — Эски уйимга ҳайда.

Жалилга унинг бу қарори ғалати туюлди.

— Сен бу ерда туришинг керак, — деди у.

— Туролмайман... чидолмайман.

— Бормасанг... сендан кўришади...

Асадбек жавоб бермади. Ҳалимжон бурайми ё кетаверайми, дегандай машинани секинлатди.

Буни сезган Асадбек зардали товушда буюрди:

— Тўғрига ҳайда, дедим!

Жалил Асадбекнинг бу буйруғига эътироз билдирмади. Машинадан тушиб ошнасига эргашганда Асадбек уни остонада тўхтатди:

— Уйингга борақол.

Жуда майин, дардли, айни чоқда илтимос оҳангида айтди. Бошқа вазият бўлганида Жалил «Одамга ўхшаб гапиришни ҳам билар экансан, а» деб узиб олган бўларди. Ҳозир эса «укамдан хабар олай-чи», деб ота ҳовлисига кириб кетди.

Совуқ уй. Совуқ танча. Худди қирқ йил аввалги каби.

Ҳўл палтосини ечмай танчага ўтириб, қунишди. Эти увишди. Дераза орқали ташқарига қаради.

Осмону замин ҳукмронлиги учун бир неча соатлик олишувдан сўнг бемаврид ёпирилган шошқалоқ ёмғир қишнинг сўнгги совуқ нафасига дош беролмай чекинган, қор зарралари эса ғалабадан масъуд, шошмай-шошмай, яйраб-яйраб, учиб-учиб, сўнг аталаси чиқаёзган ерга аста қўнарди. Икки ярим ойлик қиш ҳукмида томир-томирларигача музлаётган замин юзига қўнаётган қор зарраларидан гўё жунжикарди, ҳўл палтоси билан совуқ танчада ўтирган одам каби қунишарди. Орадан кўп фурсат ўтмай ер сатҳи оқарди. Асадбекнинг хаёлига урилаётган фикрлар бу беозор қор зарралари каби эмас, балки беаёв урилувчи дўл сингари эди.

Красноярга бориб қайтгунига қадар бу уйга ҳар келганида, шу ерда ўтириб дераза оша кўча томонга қараганида гўё эшик очиларди-ю, чана кўтарган дадаси кўзига кўринарди. У бир-икки қадам босарди-ю, аммо уй остонасига етиб келолмасди. Унинг изидан ўша икки одам пайдо бўларди. Дадасининг «Тойчоқ!» деган хитобини уларнинг «Биз дўстларимиз, отанг — халқ душмани!» деган совуқ саслари бўғиб ўлдирарди. Отасининг қабрини зиёрат қилиб қайтгач, ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, бу манзара кўринмай қолди. Кимдир уй ичида хўрсинди. Бир эмас,

бир неча марта хўрсинди. Асадбек бу ҳолатдан бир оз чўчиди ҳам. Уйда узоқ ўтира олмади. Ҳозир ҳам дадасини кўриш илинжида яна қаради. Эшик очилди...

Эшик очилди-ю, Жалил ижроқўм вакилини бошлаб кирди. Асадбек «йўлни нариги маҳалладан сол, бу ер бузилмайди», дегач, «ижроқўмдан келган ўртоқ» беихтиёр равишда «иш бошланган, лойиҳани ўзгартириб бўлмайди», деб юбордию тилини тишлади. Асадбекнинг ўқрайиб қарашига дош беролмай, изига чекинди. Жалил унга эргашган эди, Асадбек заҳарли овози билан уни тўхтатди:

— Жалил!

— Кузатиб қўяй, — деди Жалил, остона ҳатлаб.

— Жалил! — заҳарли овоз энди таҳдид либосига ўралди. — Ўтир. Чақирилмаган меҳмон, ўзи кетаверади.

— Танчага чўғ олиб чиқаман.

— Ўтир дедим, сенга!

Жалил қайтиб, танчага омонат ўтирди. Кейин ўрнидан туриб қўшни хонага кирди-да, электр печи олиб чиқиб қўйгач:

— Аҳмоқлик ҳам эви билан-да. Сен аҳмоққа қўшилиб шамоллашга тобу тоқатим йўқ, — деб яна ташқарига чиқди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг хокандоз тўла чўғ кўтариб кириб танчага солди. Чап панжасида сиқимлаб турган исириқни чўғ устига ташлаб, жойига ўтиргач, «гапинг бўлса, ана энди гапир» дегандай ошнасига қараб олди.

Асадбекнинг унга айтадиган гапи йўқ эди. Фақат бир неча дақиқалик ёлғизликдан сўнг дўстининг ёнида бўлмоғини истаб қолганди. Бир зумлик сукутдан кейин Жалил қарашига ярашиқли жавоб олди:

— Илгари ҳам шунақа аҳмоқмидинг ё энди аҳмоқ бўляпсанми?

— Ҳа, укаxon, нимага ачишиб қолди?

— Ўртоғингни бошлаб киришинг шартмиди?

Жалил нотўғри иш қилганини англаб турса ҳам айбига иқроор бўлгиси келмади:

— Уйма-уй юрган экан, мен бошлаб келибманми?

Жалил авж пардасини озгина кўтариш эвазига даҳанаки олишувни дебочасидаёқ ўз фойдасига ҳал қилди. Итининг феъли эгасига маълум деганларидек, ошнасининг қилиғини яхши билган Асадбек «яна бобиллаб бермасин», деган ҳавотирли ўйда мағлублик тамғасига итоат этиб, битта гапдан қола қолди.

Оёғидан иссиқ ўтгач, бадани бўшашди. Уйқу босиб мудрай бошлаганда кўча эшик очилиб, остонада тўн билан телпак кўтарган Ҳалимжон кўринди. Жалил ўрнидан тураётганида Асадбек кўзларини очиб, ташқарига қараб олди-да, ошнасининг меҳрибонлигидан ийиб кетди. Тўн, телпак, иссиқ жун кўйлак, жун пайпоқ олиб келишга Ҳалимжонни жўнатиш ҳатто ўзининг ҳам хаёлига келмаган эди. Асадбек кийимларни алмаштириб олгач, декчада қайноқ шўрва, иссиқ нон, чой киритилди. Асадбекнинг иштаҳаси бўлмаса ҳам ўртоғининг зўри билан шўрвани хўриллатиб ичиб олди-ю, пешонасидан тер чиқиб, танаси яйради.

Икки пиёла чойни кетма-кет ичиб олгач, Жалил лўлаболишга ёнбошлади:

— Камбағалнинг тўйгани — чала бой бўлгани, — деди у кекириб. — Сенга қўшилиб мен ҳам бой бўлдим, худога шукр.

— Мен-чи? — деди Асадбек.

— Сен мандан батарроқ камбағалсан.

— Шўрва ичгандан кейин ҳамми?

— Сен камбағал-бой деганда нимани тушунасан ўзинг? Пулинг кўп бўлса бойсан-у, йўқ бўлса камбағалмисан? Пул деганинг қўлнинг кирими? Собитхоннинг гапларини эшитганмисан?

Одамнинг чўнтаги эмас, иймони бой бўлиши керак. Эгамнинг олдига шу бойлик билан бориб рўпара бўласиз.

— Шўрва ичса, иймон бой бўладими?



— Калланг жойидами? Шўрва нимаю иймон нима, фарқига борасанми ўзинг?

Жалилнинг чала муллалиги тутиб, у ер-бу ерда эшитганларини дастак қилиб «амри маъруф»ни бошлаб юборди. Асадбекнинг жимгина ўтириб тинглаши Жалилга илҳом берди — ҳали у, ҳали бунисидан чў-қилаб-чўқилад, бўзчи билганини тўқиганидай гапираверди.

Асадбекнинг сомелиги зоҳиран эди. Хаёли Чувриндининг ўлимига доир муаммолар чигилини ечиш билан банд бўлгани сабабли айтилаётган насиҳатлар у қулоғидан кириб бунисидан чиқар, мияга ўтишга, фикр хазинасидан жой олишга унинг ожиз ҳолати йўл қўймас эди. Унинг учун энг маъқули — Жалилнинг тинмай «сайраб» туриши. Нима деса ҳам майли, гапирса бас, ҳозирги ҳолатида Асадбекнинг вайрон кўнгли ёлғизлик азобига дош беролмайди. Жалил уйига кириб чиққунича буни ҳис қилди — уй деворлари ўрнидан силжиб, уни сиқа бошлади.

Жалилнинг жим ўтириши эса, ёлғизликдан ҳам ёмонроқ.

Тош бўлиб қотган, муҳрланган қалбни эритмоқ фурсати ўтганини фаҳхламаган Жалил ошнасининг ўзига хос мамлакат фиръавни эканини, охират қисмати ҳам фиръавники каби эканини ўйлаб кўрмаган эди.

— Худо сенинг жонингни қайтиб берди, бир ўлиб, бир тирилдинг, — деди Жалил. — У дунёга ўтишингга бир қарич қолувди. Ўлсам нима бўламан, деб ўйла-дингми ҳеч?

Бу савол Асадбекнинг сомелиги сохта экани, «амри маъруф»ни тингламаётганини фош қилиб қўйди.

— Сенга гапиряпманми ё деворгами? — деди Жалил зардали оҳангда.

— Гапингни қайтар, тушунмадим, — дедим Асадбек енгил йўталиб.

— Эшитсанг тушунардинг, — Жалил шундай дегач, саволини такрорлади.

Асадбек хаёлидаги паришонликни яшириш учун жавобдан бўйин товлади:

— Ўлимни ўйлаш учун касал бўлиш шартми, ўзинг ўйламайсанми?

— Менинг ўйлашим бошқа, сеники бошқа. Оллоҳ чақирса, «лаббай!» деб кетавераман. Менинг бу дунёда ачиниб ташлаб кетадиган матоҳим йўқ. Сенга қийинроқ, шунча тўпланган мол-дунёни ташлаб кетиш ўзи бўладими? Ҳали бу топган-тутганларингни ҳисобини беришинг ҳам бор. У ёқда юмшоқ каравоту пар ёстиқлар йўқ. Муздек ерда ётасан...

Бу гапни эшитган Асадбек худди лаҳадда ётгандек сесканиб кетди:

— Гапингнинг совуқлигини қара, ойинг музхонада туққанларми сени?

— Гапим совуқ бўладими, иссиқми — ҳақиқат шу!

Кўча эшиги очилиб, Тўлқин кўринмаганида уларнинг бу «ширин» суҳбатлари сўкиш билан яқунланиши аниқ эди. Тўлқин уларнинг синфдоши, айнан шунинг йўқолган пероси туфайли болалар Асадбекка тупуриб, «халқ душманининг боласи»га ўз нафратларини изҳор этишган эди.

Жалил танчанинг чўғхонасидаги чойнакни олиб чой қуйиб узатди. Асадбек Тўлқинни ҳар кўрганида ўша тупуриш воқеасини эслаб, бир ижирғаниб оларди. Айни дамда, юраги зардобга тўлиб эзилиб турган онларда унинг ташрифи дард устига чипқондай бўлди. Тўлқин бемаврид кирганини фаҳмлаб, қандай туриб кетишни билмай каловланди.

— Асадбек ака, қалай, яхши юрибсизми? — деди-ю, кўзларини ундан олиб қочиб, нажот умидида Жалилга қаради. Асадбек «ҳа» деб қўя қолса, осмон узилиб ерга тушмас эди. Шундай бўлса ҳам индамади. Орадаги бир лаҳзалик совуқ сукутни Жалилнинг овози қувди:

— Қачондан бери Асад сенга ака бўлиб қолди? — деди у бир оз киноя оҳангида.

— Ҳа, энди ҳурматлари бор-да.

— Ҳурмати зўр бўлса бошқаларга зўр, сен билан менга у бор-йўғи бир ошна. Қолгани сен билан менга сариқ чақа. Ҳа, бирон ёққа шошяпсанми ё акагинангни кўриб иштонингни ҳўл қилиб қўйдингми? — Жалил бу гаплари билан «маънили бирор гапинг ё юмушинг бўлмаса кета қолганинг маъқул», дегандай ишора қилди. Тўлқин буни тушунди, қайноғи ўлмаган чойни ҳўплаб, оғзи куйса ҳам ютди-да:

— Жанозага ўтиб кетаётган эдим, қарасам эшик очик экан, балки сизлар ҳам борарсизлар,

баҳонада кўришиб қўяй, деб кираверганим, — деди.

— Ким ўлибди? — Жалил шундай деб у узатган пиёлани олди-да, гулдор патнис устига қўйди.

— Сўхроб ота, бир пайтлар почтачи бўлган одам-чи?

Бу гапдан кейин Асадбек унга ялт этиб қаради. Тўлқин у одамнинг хатчи эканини таъкидламаса ҳам Асадбек яхши билади. Красноярдан қайтгач, отасининг хатларини ким ёқиб юборганини билганда уни бўғиб ўлдиргиси келганди. Шунини эслади-ю «Барибир ўлибди-а» деб тўнғиллади. Тўлқин унинг гапини англамай «менга гапирдимиз?» деган савол назари билан Жалилга қаради. Жалил Асадбекнинг гапини эшитиб, тушунган бўлса-да, эътиборсиз равишда фотиҳага қўл очди. Тўлқин қайнотасининг ҳузурига илк бор кирган куёв каби довдираб ўрнидан турди. Остона ҳатлаётганида Асадбек уни тўхтатди:

— Тўлқин, сендан бир илтимос, ошна, ўша жанозага бориб юрма, у палидни ёқиб кулини совурган одам савобга қолади. Сен болларни тўплаб кел. Ош қилиб беришни ният қилган эдим, бугун би-ир ўтиришайлик.

Тўлқин «хўп» дедию «гапи чинми?» дегандай Жалилга қаради:

— Ҳа, мен буни битта ошга туширганман.

— Асадбекни шу пайтгача ҳеч ким туширмаган, сенга йўл бўлсин, — деди Асадбек, кейин Тўлқинга юзланди. — Кўчада турган болани айтвор, кирсин.

Тўлқин кўчага чиқиши билан Ҳалимжон илдам юриб келиб уй остонасида тўхтади.

— Сен нима қилиб турибсан?! — деди Асадбек унга қаҳрли нигоҳини қадаб. — Ким келса киритаверасанми?

— Болаликдаги ўртоғингиз эканлар, — деди Ҳалимжон гуноҳкор одам товушида.

— Аканг мен билан ўтирганида бировни қўйма ёки аввал сўраб, кейин қўй, нима дединг, укам? Жалил вазиятни юмшатишга уринмаса ҳам Асадбек хаёлига келган фикрдан кўнгли бир оз юмшагани туфайли йигитга бошқа танбеҳ бериш нияти йўқ эди.

— Болларга айт, иккию икки\*га мўлжаллаб харажат қилиб чиқишсин, — деди Асадбек. «Ўтмиш эса ҳамини тотли» деганларидек, болаликда орттирилган дўстлари, улар яхши бўладими ё аблаҳми — фарқсиз, кўнгил тусаб туради. Бундай нафс хуружи бошқаларга нисбатан Асадбекда камроқ содир бўларди. Не ажабки, ҳозир эзгин бир кайфиятда ўтирганда, ҳатто Тўлқиннинг ташрифи ёқмай турганида камнамо соғинч уйғонди. Жалил буни тушуна олмас, Асадбекнинг эса изоҳ бермоққа тоқати йўқ эди.

— Менга қара, укам, маҳаллачилик деган гаплар бор. Ош пишгунча жанозага чиқиб кела қолайлик, — деди Жалил.

Асадбек қовоқ уюб қараб қўйди-ю, индамади.

— Ҳали ҳам аламинг бормиди унда. У бечора атай қилибдимиз? Мусулмон мусулмоннинг гуноҳини уч кун ичида кечириб юбориши керак.

Бу гап Асадбек вужудидаги ғазаб отининг бир сапчишига сабаб бўлди. Қўли беихтиёр равишда патнис устидаги пиёлага югурди, беихтиёр равишда пиёлани чангаллади, беихтиёр равишда уни Жалилга қаратиб отмоқчи бўлди, аммо кўз кўзга тушиши билан фикридан қайтди, совуб қолган чойни ён томонга сепиб ташлаб, пиёлани «тўқ» этиб жойига қўйди.

— Азроилнинг туғишган жияни бўлсанг ҳам ўзингни босиб ол, бола, — деди Жалил. — Нега тўхтадинг? Отавермайсанми, башарамни мажақламайсанми? Қонсираган бўлсанг, бира тўла сўйиб ташлай қол.

— Ўчир! — Асадбек шундай деб бақирди-да, сўнг тин олди. Кейин ҳорғин овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай деди: — Менга қара, дономахсум, сен туғилишинг билан киндигингни ўзинг кесгансан, а? Билиб қўй, мен у ҳаромнинг гуноҳини уч юз йилда ҳам кечмайман. Ўлганимда шу исқиртнинг ёнига қўйгин, гўрда ҳам бўғиб ётаман. Сен оғайнимсан-у, аммо дардинг бошқа. Юрагимни кемириб ётган қуртлар борлигини билмайсан. Билмаганингдан кейин писта қилиб ўтир.

Ешик оғзида Ҳалимжон кўринмаганида эҳтимол Жалил ҳам писта қилиб ўтириш қўлидан

келмаслигини айтган бўларди. Ҳалимжон унинг қалампирга беланаётган гапларини тилга чиқмай қолишига сабабчи бўлди.

— Болаларга айтдим, — деди Ҳалимжон ҳисобот оҳангида. — Янгам телпон қилганмишлар. Асадбек учун бу хабар хавотирсиз эди. Шу сабабли босиқлик билан сўради:

— Нима дебди?

— Сизни сўрабдилар халос.

Асадбек «бўпти, боравер», деган маънода ишора қилди. Хотинининг бу кўнғироғи улуф қайғулар саройи дарвозаси қулфига солинажак очқич эканини унинг ғофил қалби сезмади.

Кесакполвон азиз фарзандидан айрилиб, дунё кўзларига қоронғу кўринаётган ота қиёфасида турар эди. Қабристонга келганларнинг аксари қорининг тиловатидан сўнг тарқалишди. Унинг «қайғули» кўринишига биров аҳамият берди, биров эътиборсизгина қараб қўя қолди. У ўзини мотамсаро қилиб кўрсатишга тиришса-да, олазарақ кўзлари ғамдан йироқ эканини ошкор этиб турарди. Яқинроқ танишлар «бандалик», деб таъзия билдириб қўярди. Унинг олазарақ кўзлари эса одамлар орасидан Асадбекни қидирарди. Юраги айрилиқ азоби билан эмас, хавотир ташвиши билан тепарди.

Асадбекнинг қабр тепасидаги гапи, ҳозир эса кўринмай қолиши уни қафасга тикилган маҳлуқ ҳолатига солди. «Сен менинг юрагимга тупурдинг», деган гапнинг маъзани чақмоқчи бўлди. Болаликда «халқ душманининг ўғлига нафратини изҳор этиш учун» юзига тупургани нечундир эсига келмади. Асадбек илгарилари аччиқланганида ҳам уни «йўқол!» деб ҳайдаб қоларди. Аммо бугунгиси бошқачароқ оҳангда, «бутунлай йўқол» деган мазмунда жаранглади.

«Нима учун дарров мендан гумонсиради?» деб ўйлади Кесакполвон. Кейин ўзидан ўзи нафратланди: «Асад, агар шу менинг ишим бўлса — Худо урсин!» деган гапи энди ўзига ғалати туюлди. «Нега дарров қасам ичдим. Нега ўзимни оқлашга уриндим?» деб ғашланди. «Қўрқоқ, олдин мушт кўтарар» деганлари каби хатога йўл қўйганини фаҳмлаб, қафасдан чиқиш йўллари излай бошлади. Агар Асадбек шу ерда бўлганида ёнида туриб, бир-икки гаплар билан юмшатишга ҳаракат қилармиди... Шундай ўйларди-ю, аммо Асадбекни қандай гаплар юмшата олиши мумкинлигини билмас эди. Шунинг баробарида дарғазаб хожасининг қайда қолганини ёки қайга жўнаганини ҳам билмасди.

Кесакполвон беўхшов пилдирак каби хизмат қилиб юрган Хумкаллани кўзи билан имлаб, машинаси томон юрди. Хумкалла ҳаялламай, тезгина яқинлашди.

— Бек аканг кўринмай қолди-ку? — деди Кесакполвон лабига сигарет қистириб.

Хумкалла чўнтагидан чаққонлик билан ёққич олиб унга олов тутди:

— Жалилхон акамиз билан биллашиб мошинага ўтирувдилар. Кейин билмадим, ҳайронман, қаёққа кетишдийкин? — деди.

— Бу акангни нима деб чақирувдинг? — Кесакполвон унга ўқдек кўзларини қадади.

— Бек акам чақиряптилар, тез етиб келинг, дедим.

— Ўзига айтганмидинг?

— Ўзлари ҳали келмаган эканлар, ўғилларига та-йинловдим. Оғзимга рўмолча тутиб гапирдим, мени танимади.

— Ҳайвон! — Кесакполвон шундай деб бармоқлари орасида тутаётган сигаретни унинг юзига отди. Хумкалла бир сесканиб, орқасига тисланди. Атрофда одамлар бўлмаганида уч-тўрт тепки мазасини тотиб кўрмоғи тайин эди.

— Ҳайвон, йўқол! — деди Кесакполвон. У ҳам Асадбек каби ғазаб билан гапирди. Хумкалла шошиб изига қайтди-ю, «йўқол!» дегани оддий ҳайдаш эмас, балки ҳукм эканини фаҳмламади. Кесакполвон Асадбекнинг нима учун дарғазаб бўлганини энди тушунди. Хожасининг юрагини бир-икки гап билан юмшатиш мумкин эмаслигини ҳам англади. Шу пайтга қадар Асадбек билан неча марта хафалашган, аразлашган бўлса, буларнинг барчаси ҳолва экани, қабр тепасида айтилган гаплар тил учида эмас, юрак қаъридан отилиб чиққанини ҳам фаҳмлади.

Ярим тунда Москвага, Хонгирейга қўнғироқ қилиб «Маҳмуд тинчиди» деб суюнчиланганда бўлажак хожасининг «еҳтиёт бўл, ўзинг ҳам тинчиб қолмагин», деган огоҳлантиришини эсладию эти бир сесканди. Бу сесканиш енгил қўрқувнинг зарбиданми эди ё ивиган палтосидан ўтиб баданига санчила бошлаган совуқданми — фарқлай олмади. Хумкалланнинг орқасидан бир зум тикилиб туриб, бу бефаҳмни туққан онасини эшакка рўпара қилиб сўкинди-да, машинаси эшигини очиб, орқа ўриндиққа ўтирди. Олд ўриндиқ филофининг чўнтагидан бир учи чиқиб турган коньяк шишасини олиб қопқоғини очди, пиёлага қўйишга қаноат қилмай, шундайлигича кўтариб, нафаси қайтгунига қадар қултиллади ичди. Бу билан нафси ором олмагани сабабли яна кўтарди. Сўнг ўриндиқ орқасида турган икки нокнинг бирини олиб карсиллатиб тишлади. Коньяк баданига илиқлик бергач, шиша учинчи маротаба кўтарилди, аммо бу сафар камроқ ичди. Қопқоқни бураб маҳкамлагач, шишани жойига қўйди. Шу дамда у фақат «Жигари»нинг ўлиминигина эмас, балки навбатдаги икки сайднинг тақдиридан бўлак ҳамма нарсани унутган эди. Тезлик билан овланажак жоннинг аввали — Хумкалла. Унинг умр баёнига нуқта қўйиш Кесакполвон учун оғир иш эмас. Чирт этиб юборгандай бир гап. Фақат «қаерда, қачон, қандай?» деган саволларга жавоб топса бас. «Жигари» Маҳмуд тақдирига доир бу уч саволга жавоб топган онда «укаҳони»га бироз ачинган эди. Хумкаллага эса ачинмади. Одам тупроқда ўрмалаётган қумурсқани беҳос босиб олмай деб раҳм қилади. Не қайғуки, Яратган бундай фазилатни барча бандаларига бир хилда беравермас экан. Кесакполвонни яхши билган одам Тангрининг бу мўъжизасига лол қолиб, кичкинагина гавдага шунчалар кўп бешафқатлик, бераҳмлиқ, зулм чўғи қандай жо бўлган экан, деб ёқа ушлайди.

Қонни қон билан ювиб бўлмайди, деган оддий ҳақиқатни англашга қалдирғоч мўйловини силаганча ўйга толган Кесакполвоннинг ақли қосирлик қилар эди. У кеча қонга беланган қўлини эртага яна қон билан ювмаса ўз қони дарёсига фарқ бўлишинигина биларди. Жонини асраб қолиш учун жон олмоқдан ўзга йўл унга кўринмас эди.

У неча кунлардан бери гумони таъқибда бўлган Ҳалимжонни ҳам ўйлади. Ҳосилбойваччанинг қайси гўрга тиқилгани билан қизиқиб юривчи бу йигитга ҳам қатъий бўлмаса-да, ҳукм чиқариб қўйган эди. Ҳалимжон фақатгина «милитсияга сотилган» деган гумон тўрида экани учун эмас, балки Кесакполвонга бўйсунмай, Чувринди билан Асадбекка содиқ бўлгани учун ҳам бу дунёда яшаб юриш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Кесакполвон шу ҳукмни ижро этмоқ фурсати етди, деган тўхтама келди. Ҳалимжон билан Хумкаллани бир-бировига қайраб қўйса бас, қайсиниси ақллироқ бўлса яна уч-тўрт кунча тирик қолади. Кейин эса ўзи ҳам қурбонининг изидан етиб боради.

Кесакполвон бундан ўзгача ният, ўзгача режа қилиши мумкин эмасди.

Идоранинг янги раҳбари хона ашёларининг ўрнини ўзгартиради. Бу барчанинг кўз ўнгидаги зоҳирий иши. Ботиний иши эса ходимларнинг маълум қисмини ҳайдаб, улар ўрнига ўзига садоқатли одамларни тўплашдан иборат бўлади. Кесакполвон зоҳирий ишларга муҳтож эмасди, шу боис ботиний юмушларни ҳали тахтга ўтирмаёқ бошлаб юбораётган эди. Шайтанат оламининг ўзга дунёдан фарқи ҳам шунда: саройга ёлғиз эмас, ишончли аёнлар билан бирга кириб борилади. Даҳлизга тўшалмиш чиройли энсиз гиламни эмас, мурдалар кўкси босиб ўтилади. Биринчи бўлиб Чувриндининг мурдасини босиб ўтган Кесакполвон ҳушини тахт жилваси ўғирлаган эди. Бу жилва фоҳишанинг ишваси каби алдамчи экани, олам яралганидан бери тахт ҳеч кимга вафо қилмаганини фаҳм этмоққа у қодир эмасди.

У бироз ўйлангач, режаси хом туюлиб, ундан воз кечди. Ҳалимжон хоин бўлса ҳам Асадбек қўнжида тура тургани маъқул, деб фикр қилди. Ундан ташқари «қутурган ит олдидаги суюқни тортиб олишга уриниш хавфли» деган тўхтама ўзига маъқул келди.

Ҳали бир ўрин совумай туриб, иккинчи тўшакни етим қолдирмоқни қасд қилган Кесакполвон бу ерга нима учун келганини ҳам унутган эди. Кўзи фотиҳага келаётганлар томонга қадалган бўлса-да, хаёли Хумкалланнинг калласини олиш муаммоси билан банд эди. Бировни беаёв уриб

роҳатланувчи Кесакполвон кўп йиллардан бери ўзи одам ўлдирмасди. Бу «қора иш»ни мулозимлари рисоладагидай бажарар эдилар. Масаланинг мушкул томони шундаки, улар бегоналарнинг ёки рақибларнинг жонларини роҳатланиб суғурар эдилар. Ўз шерикларининг юрагини ҳам шундайин роҳат ила суғура оладиларми ё йўқми — Кесакполвон учун айнан шуниси қоронғу эди.

Фотиҳа ўқиб чиқаётганлар орасида Қозини кўрган Кесакполвон машинаси эшигини қия очди. Тўдадан ажраб машина сари юра бошлаган Қози қадамини илдамлатди. Эшикдан бош суқиб салом бергач, хожасининг «ўтир!» деган амрига итоат этди — чаққонлик билан машинанинг орқа томонидан айланиб ўтиб, Кесакполвоннинг ёнига ўтирди.

«Йўқол!» деб ҳайдалганидан кўнгли ғашланган, машина томон дамба-дам қараб қўяётган Хумкалла бу манзарани кўриб жойида пича қотди, киприк қоқмаган ҳолда машина томон тикилди. Безовта кўнгли уни алдамаётган эди. Чиндан ҳам бу онда унинг тақдири ҳал этилаётганди.

Кесакполвон мулозимидан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига пиёлага коньяк қуйиб узатди:

— Ма, исиниб ол.

Қози совқотмаган бўлса ҳам, хожасининг бу марҳаматидан мамнун бўлган ҳолда пиёлани бир кўтаришда бўшатди-да, лабини ялаб қўйиб, эгасига термулган ит каби қараб турди.

— Хумкаллани кўрдингми? — деб сўради Кесакполвон.

Қози бу тагдор савол замирида қандай маъно яширинганини англамай «Ҳа»деб қўйди.

— Шу бола менга ёқмаяпти, — деди Кесакполвон.— Одам десанг одамга ўхшамайди, маймун десанг маймунга ўхшамайди. Бу хумдай каллани кўтариб юраверишдан гавдаси эзилиб кетди. Гавдасига раҳм қилсакмикин?

Хожасининг мақсадини уққан Қози жавобни ҳаяллатмади:

— Савоб бўларди.

— Савобнинг додаҳўжаси дегин! Хумкалла акахонига жа-а садоқатли эди-а? Жа-а қуйиб, эзилиб кетди-ку, бояқиш. Шу бугундан кечикмай борсин ёнига, акахони зерикиб қолмасин.

— Машина уриб кетсинми ё поезд-моезд босиб олсинми?

— Изи қолмасин. Лекин мозорга тикма, хитлар айланиб юришибди.

— Гап йўқ, йўлини қиламан.

Қози шундай дейиши билан Кесакполвон уни ёқасидан олди:

— Иси чиқмасин, бунга фақат сену мен биламан. Агар сал нари-бери бўлса орқасидан ўзинг ҳам жўнайсан, — Кесакполвон шундай деб уни бир-икки силкиди, сўнг ёқасини бўшатмаган ҳолда, аммо мулойимроқ оҳангда қўшиб қўйди: — Чойхонани ўзинг ишонган болага топшир. Энди менинг ёнимда сен юрасан.

Қози мансаб пиллапоясидан кўтарилиб, ноиблик даражасига етгани, бу мартабанинг баҳоси Хумкалланинг жони эканини англади-ю, хожасига қуллуқ қилди.

---

\* «Икки кило гўшту икки кило гуруч» демоқчи.

## II 6 o 6

### 1

Бу дунёда иблис етовида юрувчи одамлар бор экан, прокуратура терговчиси ишсиз қолмайди. Бир учи Асадбекка бориб тақаладиган чигал ишларни ечиш машаққатидан расман озод этилган, аммо норасмий равишда кузатувларини давом эттираётган Зоҳид Шарипов яқин орада прокуратурадаги хонасини тарк этажagini ҳали билмас эди.

Борлиқни шом қоронғулиги ютиб, идорадаги расмий иш вақти тугаган онда Зоҳидни прокурор

йўқлади. Бу ердаги иш вақтига «расмий» деб нисбат беришимиз бежиз эмас. Чунки бу идорадаги иш ҳажмини ҳам, иш вақтини ҳам белгилаб бўлмайди. Баъзан тунлар тонг-ларга уланишини, баъзан бир неча кунлаб уйга бориб келишга ҳам имкон бўлмаслигини ҳамма ҳам билавермайди. Идорада ишловчилар эса «иш вақти тугадими?» деб соатларига қарамайдилар. Зоҳид бу соҳанинг машаққатларига милитсияда ишлаб юрган кезлариёқ одатланиб кетган. Шу боис бошлиқнинг кечки йўқловидан ажабланмади. Шаҳар прокурори ҳам соҳада бошланган янгиликлар, ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ бу идорага қўйилган эди. Озодалик билан тартибни хуш кўрувчи прокурор ҳақида Зоҳид ёмон гап эшитмаган эди. Зоҳидни фақат бир нарса ажаблантирарди: тартибни хушловчи прокурор идорасидаги айрим ходимларнинг фирром ўйин юритишларидан хабардормикин? Зоҳид прокурор билан асосан мажлисларда кўришарди, юзма-юз ҳолда гаплашиш шарафига ҳали муяссар бўлмаган эди.

Зоҳид хонага кирганида прокурор ниманидир ўқиб ўтирарди. У бош кўтариб «келинг, ўтиринг», деб қўйди-да, ўқишни давом эттирди. Зоҳид саломининг жавобсиз қолганидан, бундай совуқ тарздаги муомаладан бир оз оғринди. Прокурор кўлидаги «Иш»ни охиригача ўқиб тугатмагунига қадар бошини кўтармади. Ўн беш дақиқа шу зайлда, совуқ сукут ҳукмида ўтди. Прокурор сўнги саҳифани ўқиб бўлгач, «Иш»ни ёпди-да, совуқ қолган қаҳвадан бир хўплади. Кейин Зоҳидни ажаблантирган ҳолда ўрнидан туриб у билан кўришди. Сўнг ҳозиргина ўқиб тугатган «Иш»ни Зоҳидга узатди:

— Бу ишни ўзимиз юритмасак бўлмайди. Милитсия аччиқ ичакдек чўзиб юборди. Ишни чўзган улару гапни мен эшитаман. Диққат билан ўқиб чиқинг. «Иш» ниҳоятда чигал. Гумондаги икки киши саккиз ойдан бери ўтирибди. «Угро»да ишлаганингиз учун бу «Иш»ни сизга ишонапман. Тезлатинг, аммо... шошилманг. Тушундингиз-а? Бу «Иш»га тегишли ҳамма масалани фақат мен билан бирга ечасиз.

Прокурор шундай дегач, яна ўрнидан турди-да, ҳам муваффақият тилаш, ҳам хайрлашиш мақсадида қўл узатди.

Зоҳид хонасига қайтиб, «Иш»ни варақлади. Саккиз ой муқаддам йўқолган бетон заводи директорининг мурдаси Бўзсув тўғонидан топилганини эшитган эди. Бетон заводи директори Мавлон Шокаримов вино заводи бошқони Қилич Сулаймонов каби шаҳарга донг таратган бўлмаса-да, бекорга ўлдирилмагани аниқ эди. Шокаримов бирон кишининг шахсий ғарази қурбони бўлгани ё тасодиф билан ўлганми ёки бирон тўданинг ғашига тегиб қўйганми? Тўданинг... Қайси тўданинг? Дастлабки саволлар гирдоби Зоҳидни ўзига торта бошлади. «Қотил» деб эмас, «Қотилликка даҳлдор», деб қамоққа олинганлардан бири Шокаримовнинг ҳайдовчиси Эшпўлатов, иккинчиси эса ўйнаши Зарипова эди. Шокаримовнинг уйи шаҳардан йигирма беш чақирим нарида экан. Шаҳарнинг кунботар томонидаги янги уйда ўйнаши яшаган. Эшпўлатов хўжайинини охириги марта шу уйга олиб борган. Авваллари ярим кечагача бўлса ҳам шу ерда кутган экан. Охириги сафар Шокаримов унга «Сен кетавер, эрталаб шу ерга келасан», деган. Эшпўлатов айтилган вақтда келган, бир соат кутган. Сўнг юқорига кўтарилиб, эшик қўнғироғини босган. Зарипова эшикни дарров очмаган. «Аканг кеча келмаганлар» дегану эшикни ёпган. Эшпўлатов ичкарида бир эркакни кўрган. Ҳайрон бўлиб заводга борган. Хўжайин йўқ. Уйга борган — хўжайин йўқ. Кечгача заводда кутган. Кейин уйига бориб хабар берган. Зарипова аввалига «ҳеч қанақа Шокаримовни танимайман», деб ўйнашидан тонган. Кейин «баъзи-баъзида келиб турардилар, аммо орамизда ҳеч гап бўлмаган, ўша куни келмаганлар», деган. Эрталаб уйда эркак борлигини ҳам рад этган. Терговчи ҳам бу далилга нечундир эътиборсиз қараган.

«Демак, машинадан тушган, йўлакка кирган, уйга эса чиқмаган. Йўлакда биров кутиб турганми, йўлакда ўлдирганми?» Зоҳид саккиз ой мобайнида ечилмаган масалага бир онда ойдинлик кирита олмас эди. Уни чулғаетган саволлар милитсия ходимларини ҳам гангитган, масаланинг турли ечимларини излаб кўришган, аммо боши берк кўчада тентирашдан ўзга чорани топа олишмаган эди.

Хуфтон қоронғулиги ҳукми остидаги совуқ шамол дераза тирқишларидан беманзират кириб турган дамда Зоҳид «Иш»ни учинчи марта ўқиб ўтирган эди. Шаҳар милитсияси терговчисининг айби ёки лоқайдлиги туфайли йўл қўйилган хатони аниқлай олмади. Зоҳид «Иш»ни олиб борган терговчини танир эди. Маёр Солиев билан кўп йиллардан бери ҳамкорликда хизмат қилувчи бу тажрибали терговчи урдасидан чиқолмаган ишни Зоҳид эплай олармикин?

Уйга қайтаётган Зоҳидни шу савол ҳам ўйлантирди. Тонгда идорасига ўтмай, ишни шу терговчи билан гаплашишдан бошлашга қарор қилди.

Шаҳар ички ишлар бошқармасида қандайдир бесаранжомлик мавжудлигини Зоҳид навбатчи хонасига кирганидаёқ сизди.

Зоҳид аввалига маёр Солиевни сўради. Навбатчи қисқагина қилиб «йўқлар» деди-ю, «бошқа нарса сўраманг», дегандай юзини бурди. Зоҳидга керак бўлган маёр Илёсов ҳам йўқ эди.

Ичкарига ўтмоқчи бўлган Зоҳидни навбатчи тўхтатиб «ака, кирганингизнинг фойдаси йўқ, ҳозир ҳамма темир йўл бекатида», — деди.

«Нимага?» деб сўрашнинг ҳожати йўқ эди. Ҳамма бекатдами, демак, фавқулодда ходиса рўй берган. Айтиш мумкин бўлмаган сирни айтиб қўйган навбатчи энди Зоҳидга чўчинқираб қараб турарди. Унинг аҳволини сезган Зоҳид «Хавотир олма, мен ҳеч нимани эшитмадим», деди-ю, изига қайтди.

У дастлаб ишхонасига бормоқчи эди. Лекин қандайдир куч уни бекат сари ундайверди. У ғайритабиий бу кучга бўйсуниб, йўловчи машинага қўл кўтарди.

Бекатнинг асосий биноси ўраб олинган, тамошаталаб одамларнинг яқинлашишига йўл беришмаётган эди. Зоҳид биринчи ҳалқадаги соқчи йигитларга ўзини танитиб ўтди-ю, иккинчисида тўхтатилди. Гувоҳномасини кўрсатиб, «ака, катталарингиз ичкарида, сизнинг киришингизга ҳожат йўқ», деган жавобни олди. Нима қиларини билмай, атрофига аланглади-ю, ер ости йўлагига олиб тушувчи зинапоя яқинида турган маёр Илёсовни кўриб, ўша томон юрди.

## 2

Шокаримов ўлимига доир «Иш»ни Зоҳид иккинчи марта ўқиётганида маёр Солиев уйга кетишга отланаётган эди. Шоҳ бекатдан узатилган хавотирли хабар темир жавонга қўйилган қуролни қайта қўлга олишга мажбур этди. Уфадаги қамоқхонадан «Қассоб» лақабли жиноятчи қочганини улар эшитишган, аммо тез орада бу ерда пайдо бўлиб қолишини кутишмаган эди. Қамалмасидан илгари «Қассоб» қайси шаҳарларда яшаган, «ов» қилган бўлса, ўша ерларда пистирмалар қўйилиб, пойланаётган эди. Биз «жиноятчи» деб атовчи одамларнинг айримларида бўрининг сезгирлиги бўлади. Тузоқ қаерга қўйилганини олдиндан фаҳмлайди-ю, пистирмадагиларни доғда қолдиради. «Қассоб» шу тоифадан эди. Адашиб кириб қолган пашша ҳам изига йўл топа олмай қоладиган қамоқхонадан қочиб қутилишга ақли етган одамнинг пистирмалар қўйилганини англамаслиги мумкин ҳам эмасди. У ўзи бўлган шаҳарларни айланиб ўтди-ю, аср чоғида шу бекатда поезддан тушди. «Қассоб» пистирмаларни айланиб ўтди-ю, аммо тақдир ёзуғини чалкаштира олмади. Ўн етти жувоннинг гўштини еб, отувга ҳукм этилган, жазодан қутулдим, деб эркин нафас олаётган «Қассоб» суратлари бу ерларга ҳам етиб келганини фаҳмласа-да, «кўпчилик орасида биров мени танимайди», деб ўйларди. Хизматга яқиндагина кирган милитсионер йигит расмини икки соатгина бурун қўлида ушлаб турганини, «ростданам ўн етти хотиннинг гўштини еганмикин?» деб ўйланганини эса билмас эди. Милиса йигит ҳам суратдаги одамхўрга икки соатдан сўнг бекатда рўпара келарман, деб ўйламаганди. «Қассоб»нинг олазарақ кўзлари дастлаб хатардан огоҳ этувчи ҳеч қандай ҳаракатни илғамди. Шундай бўлса-да, бекат биносини тарк этиб кўчага чиқишга шошилмади. Юкхонага тушиб сумкасини қўйди. Сўнг ҳожати бўлмаса-да, чиптахонадаги турнақатор навбатда турди. Унинг фикрича, пистирма қўйилган бўлса, кўчада, одам сийрақроқ ерда қўлга олишга уринишади.

Одам кўп ерда отишма бўлишидан қўрқишади. «Қассоб» шу сабабли ҳам ташқарига чиқишга шошилмади. Унинг йўл қўйган хатоси ҳам айнан шунда эди: шошқич чақирувга биноан ёрдамчи кучларнинг етиб келишига ўзи шароит яратиб берди. Хатосини тушунганда эса кечиккан эди. Чиптахонадан чиқиб ўзини гавжумроқ тўдага урганда икки кураги ўртасига тўппонча тиралиб, «Қимирлама, қўлингни кўтар!» деган буйруқ янгради. У амрга итоат этди: қўлларини кўтарди-ю, бошини буриб орқасига қаради. Иккинчи қаватда туриб «Қассоб»нинг ҳаракатларини кузатаётган маёр Солиев шошқалоқ йигитнинг ўзбошимчалигидан ғазабланди. «Қассоб»нинг орқасига ўгирилиб қараши эса зулм вулқони отилажагидан уни огоҳ этди. У беихтиёр равишда тўппончасини яланғочлаб югурди. «Қассоб»ни ўзим кўрдим, ўзим ушлаймаман», деган нияти амалга ошай деб турган йигит юқорига кўтарилган қўллардан бирининг қандай қилиб айлаганича гарданига урилганини сезмай ҳам қолди. Тўппонча ушлашга кўникмаган титроқ бармоқлари тепкини босишга ҳам улгурмади. «Қассоб» эса тўппончани унинг қўлидан тортиб олишга ҳам, тепкини босишга ҳам улгурди. Шу оннинг ўзида қочмоққа шайланган болалик аёлнинг сочларига чанг солиб тўхтатди-да, тўппончани чаккасига тираб:

— Қайт, қайтларинг! Бир қадам боссаларинг отаман! — деб таҳдид қилди.

Ҳам қўрқув, ҳам сочлари қаттиқ тортилганидан уйғонган оғриқ сабаб бўлиб, аёл бағрига босган боласини тушириб юборди. Бир ёшдан эндигина ошган гўдак оқ мрамор устига тушиб чириллаб йиғлади. Пешонасида қон кўринди. Аёл талвасага тушиб типирчилай бошлаганида «Қассоб» унинг бошига тўппонча дастаси билан қаттиқ урди-да, иккинчи қўлини унинг бўйнидан айлантириб бўғиб олди. Аёлнинг хушсиз гавдаси осилиб қолди. Талвасага тушган одамлар ўзларини турли томонга уриб паноҳ изладилар. Шу топда ҳамманинг жони ўзига ширин эди. «Бировни туртиб юборарман, биров йиқилиб майиб бўлар», деган ўй ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Пешонасидан қон оқаётган гўдакнинг чириллаши ҳам бировнинг қулоғига кирмасди.

Ҳамма ўлимдан қочарди. Бугун бўлмаса қачондир ўлим шаробини тотилларини билсалар ҳам қочардилар.

Бу онда «Қассоб»га бошқаларга нисбатан Солиев яқин келиб қолган эди.

— Аёлни қўйиб юбор! — деб бақирди у тўппонча ўқталганича.

— Қайт! Тўппончани ташла, бўлмаса отаман! — деб бақирди «Қассоб».

Маёр Солиев бир нафас иккиланди, сўнг юмшоқроқ тарзда гапирди:

— Яхши, ташлайман, аёлни қўйиб юбор. Болага қарасанг-чи!

— Боласига ўзинг қарайвер. Қуролингни ташламасанг иккаласи ҳам ўлади.

— Яхши, — Солиев шундай деб тўппончасини қўлтиғи остидаги филофга солмоқчи бўлди.

— Ерга қўй, — деб буюрди Тўнғиз. — Шерикла-рингга айт, тўппончаларини жойига солиб, четга чиқишсин. Билиб қўйларинг, сенларнинг ўқинг жонимни олгунича тепкини босишга улгураман.

Солиев тўппончани ерга қўйди-да, атрофга қараб олди. Бу қарашдаги маънони англаган йигитлар тўппончаларини филофга солдилар.

— Агар бу товуққа раҳминг келаётган бўлса, майли уни қўйиб юбораман, аммо ўрнига ўзинг келсан. Розимисан?

— Йўқ, борманг, — деди йигитлардан бири.

Солиев бир қўлини кўтариб «жим» деган ишора қилди.

— Фойдаси йўқ бу қилган ишининг. Ҳамма ёқ ўраб олинган. Барибир қочолмайсан.

— Сен менга ақл ўргатма. Бешгача санайман. Менга барибир, мен ўлимга ҳукм қилинган одамман. Бир... икки...

«Қассоб» қуруқ таҳдид қилмаётган эди. Ўлимидан олдин ҳам икки жонни баҳридан ўта олишга қодир эди. Солиев қонга беланиб ётган милитсионер йигитга қараб олди, назарида у ҳали тирик эди. Пешонасидан қон оқаётган гўдак ҳам нажот тилаганича унга қараб йиғлаётгандай



бўлди. «Қассоб» эса санарди: тўрт... Яна бир сониядан сўнг бу боши бузуқнинг тепкини босиб юборишидан ҳеч нима қайтаролмаслиги мумкин.

— Розиман, қўйиб юбор уни, — деди Солиев олдинга бир қадам босиб.

— Тўхта, сен аввал иккита кишан ол, — деб буюрди «Қассоб».

— Иккита кишанни нима қиласан?

— Ишинг бўлмасин, айтганимни қил!

Солиев чўнтагидан бир кишан чиқариб, орқасига қаради. Йигитлардан бири унга иккинчи кишанни узатгач, «Қассоб» томон юрди. Тўрт қадам қолганда «Қассоб»:

— Тўхта! — деб буюрди. — Қўлларингни кишанла!

Буйруқ адо этилгач, Солиев яна икки қадам босди.

— Энди ўнг билагинга кишаннинг бир ҳалқасини сол, — деб буюрди «Қассоб». Бу буйруқ ҳам сўзсиз бажарилди.

— Орқанга ўгирилиб, икки қадам тисарил.

Солиевга «Қассоб»нинг мақсади аён бўлган эди. Унинг хаёли ҳозир «Қассоб»ни ушлашда эмас, азобланаётган гўдакнинг ҳушсиз онаси билан қонга беланган йигитни қутқаришда эди. Шу боис буйруқларга сўзсиз итоат этаётган эди. Унинг мақсадини англамаётган йигитлар эса отишга шай туришарди. Солиев орқасига ўгирилган дамда уларга бир қараб олиб «зинҳор ота кўрманлар» деб нигоҳи билан ишора қилди.

— Тўхта! — Солиевнинг гарданига «Қассоб»нинг сассиқ нафаси урилди.

Уч сониянинг ўзида кишаннинг бир ҳалқаси «Қассоб»нинг чап билагига илинди, аёл қўйиб юборилди. Шунда Солиев чаккасига тўппонча тиралишини кутган эди. Аммо кутгани содир бўлмади. Шу нуқтага тикилиб турган ўнлаб кўзлар учун ҳеч бир кутилмаганда тўппонча қўйин чўнтакка солинди, ўрнига эса панжалари «лимончик» деб эркалаб аталувчи, ўсмирнинг муштумидек келадиган бужир бомбани олди. «Қассоб» бомбани эҳтиёт ҳалқачасини тишлари билан узиб ташлади-да, уни Солиевнинг кўкрагига босди:

— Қани энди отларинг, хунасалар! Ҳа, отмайсанларми! — деди у хансираб.

— Бақирма, нега ўкирасан? — деди Солиев хотиржам оҳангда. Бу хотиржамлик, талвасадан йироқлик «Қассоб»ни бир оз ажаблантирди. Солиевнинг аҳволидаги бошқа одам кўрқмаган тақдирда ҳам асабийлашмоғи лозим эди.

Солиев тўппончани ерга қўйганида ҳам, қўлига кишан урганида ҳам, ҳатто орқасига ўгирилиб тисарилганида ҳам ўзини таваккал ҳукмига берган эди. «Қассоб»нинг чангалига тушгач, таваккал чекиниб ўрнини кўрқув эгаллай бошлади. Қилиб қўйган иши энди ўзига ҳам ёқмай бир оз асабийлашди. Аммо бу кўрқув, бу асабийлик қулига айланмади. Кўрқувни ҳам, асабийликни ҳам сиртига чиқармай бўғиб туришга ўзида куч топди. Уйғонаётган талвасани сездириб қўйиши мағлубият белгиси эканини биларди, шу боис рақибига сир бой бермади. «Қассоб» Солиевдаги хотиржамлик сабабини англамай, унинг бўйнини қисди:

— Сен менга ақл ўргатма! — деб вишиллади.

— Секинроқ,— Солиев кишанли қўлларини кўтариб бўйнини бўшатмоқчи бўлди. — Ўлдириб қўйсанг ўзинга ёмон бўлади. Сен жазавага тушмагину мақсадингни айт: мени гаровга олдинг, энди нима қилмоқчисан? Шаҳарга чиқишинга йўл очиб беришсинми?

— Жим бўлмасанг, тилингни суғуриб оламан.

«Қассоб» шундай деб бақирди-да, атрофга олазарак қараб «ўлжаси» билан турмоққа қулай ер излади. У ҳалқа орасида эканини биларди, шундай бўлса-да, қочиш имкони туғилиши ёки ўқлар ёмғиридан қутулиш чораси изланиши мумкинлигини ҳам ҳисобдан чиқармагани. Эшик томон ҳам, зинага яқин паналик ҳам унга маъқул келмади. У пана ерни эмас, ҳалқанинг қоқ ўртасини танлади. «Отишма бошланса бир-бирини отиб ўлдиради, у дунёга ёлғиз кетмайман» деб фикр қилди-да, «ўлжаси» билан тисланди. Дастлабки ўлжаси — ҳушсиз аёл ва йигит мурдасидан ўн қадамлар узоқлашгач, Солиев:

— Аёл билан болага қарашсин, — деди.

— Қарашсин, — деди «Қассоб» марҳаматли жаноб овозида. Сўнг амр этди: — Хўжайинингни чақир, талабим бор.

— Хайруллинни чақиринглар, — деди Солиев баланд овозда.

Йигитлар орасидан калта чарм палто кийган одам ажралиб чиқди.

— Сен кимсан? — деб сўради «Қассоб» ундан.

— Угро бошлиғиман, — деди Хайруллин деганлари.

— Мен сенга хўжайинни чақир, дедим! — «Қассоб» шундай деб тиззаси билан Солиевнинг орқасига теп-ди. — Бунингни мен этигимга патак ҳам қилмайман.

— Бу ерда ундан каттаси йўқ. Сен айтавер, у каттамизга етказди.

— Каттанга бориб айт: менга битта самолёт билан бир миллион пул керак.

Хайруллин Солиев билан кўз уриштириб олди-да, «хўп» деганича орқасига чекинди.

— Бир соатда ҳал бўлмаса, шеригинг ўлади! — деб бақирди «Қассоб».

— «Ўламиз» дегин. Энди ёлғиз ўлиш йўқ.

— Тўғри айтасан, ё бирга яшаймиз ё бирга ўламиз. Сен шерикларингдан умид қилма. Уларинг олифтагарчилик қилиб тўппонча ўқталганлари билан отишолмайди.

— Нега отишолмас экан?

— Отишга-ку, отишади, лекин тегиза олишмайди. Мен қанақа машқ қилишларингни билмас эканманми? Уч ойда учтагина ўқ отасанларми? Учта ўқ отиб мерган бўлган борми дунёда? Агар гапимга ишонмасанг, гаров ўйнайман: ҳозир сени қўйиб юбораману тўппончани чиқариб отишни бошлайман. Ана ўшанда кўрасан томошани: бу томондаги шерикларинг рўпарадагиларини отиб қўйишади. Камида беш-олтитанг жўнайсан ашулаларингни айт-иб.

— Бошқача йўли ҳам бор, — деди Солиев. — Сен мени қўйиб юборасан, йигирма қадамдан гугурт чўпини қўйиб отишамиз.

«Қассоб» тиззаси билан яна тепди:

— Ё сен жиннисан ё мен аҳмоқман.

— Иккинчиси тўғри. Аҳмоқ бўлмасанг, самолёт сўрайсанми, пул сўрайсанми? Қаёққа учиб борасан?

— Нима ишинг бор, балки Исроилга учарман?

— Исроилга учасанми ё бошқа ёққами, ерга қўнишинг билан ушлашади-ю, «Петровка»даги акаларингга икки қўллаб топширишади. Сен сиёсатчи эмассан, сенга шафқат қилишмайди.

— Ўчир овозингни!

Ҳақ гап ҳеч кимга, ҳатто одамхўрга ҳам ёқмайди. Солиев тўғри гап учун учинчи марта орқадан тепки еди.

Қамоқдан қочган жиноятчини ушлаш — милитсиянинг оддий вазифаларидан бири. «Тезкор гуруҳ» деб аталган йигитлар «оддий вазифа»нинг бунақа якун томон бурилишини сира кутишмаганди. Булар-ку, ёш йигитлар, ҳатто Солиев ҳам кўп йиллик тажрибасида бундай ҳолга дуч келмаган эди. Бир милитсионернинг ўлдирилиши, зобитнинг гаровда ушлаб турилиши, жиноятчининг бомба билан таҳдид қилиши бир неча дақиқа ичида катта-кичик идораларга маълум бўлди. Аввал ўринбосарлар келишиб «Қассоб» билан музокара юритмоқчи бўлишди. Сўнг вазиятнинг нақадар жиддийлиги инобатга олиниб, катталарга хабар берилди. Катталарнинг ҳам самолёт билан пул ваъда қилмоқдан ўзга чоралари йўқ эди. «Қассоб» аввалига яна бир соат кутишга кўнди. Сўнг қор ёғаётгани, самолёт учмаётгани туфайли яна кутадиған бўлди. Пулни эса бетўхтов келтирилишини талаб қилди.

Бу ўлим ҳалқасидан қутилиб кетишига «Қассоб»нинг ишончи йўқ эди. Самолётларда қочаётганларнинг қисмати, Солиев эслатмаса-да, унга маълум. Қамоқдан қочаётганида чет элдан паноҳ топиш нияти ҳам, режаси ҳам йўқ эди. «Енди тавбамга таяндим, бурнимга сув кирди, кўздан йироқроқ бирон овлоқда тинчгина яшайман», деган мақсаддан ҳам йироқ эди. Тошлардан тошларга урилиб оқувчи бебош ирмоқ суви каби қисматни аъло деб билган «Қассоб» яна қассобчилигини давом эттирмоқдан бошқа нарсани ўйламасди. Агар милитсионер

йигитга дуч келиб қолмаганида бир неча кундан сўнг қайси бир лақма жувон гўшtidан ўзи туккан чучварани еб роҳатланиб ўтирган бўларди.

Ёнди эса қўлидаги бомбани чангаллаганича нажот кутарди. Нажот қайдан келади — ўзи билмайди. Нажот билан биргаликда қайси бир туйнукдан ўқ отилиб чиқиб қаншарига санчилишини ҳам кутади. Талаб қилган самолёт билан миллион пул ўрнига мерган отган ўқ ҳада этилмоғи мумкинлигининг ҳақиқатга яқинроқ эканини ҳам кўнгли сезади. «Бу фараон самолёт билан миллион пулга арзирмикин ўзи? Арзимаса нимани кутишяпти? Шартта отиб ташлаша қолишмайдами? — деб ўйлаган «Қассоб» мерган яшириниши мумкин бўлган томонларга жавдираб қарайди. Жон олишни хуш кўрувчи одам жон беришни истамайди. Нажот кутаётган бу одам ўзи учун энг яхши, энг мақбул нажот ана шу мерган отган ўқ эканини тан олгиси келмайди. Қўлидаги бомба эмас, гўё ўзининг юрагига ўхшайди. Панжасини очса тамом — юракдаги жон чиқади-ю, учади-кетади. Учиб бориб кўнар манзили ҳам аниқ — азоблар оташи. Зулмдан роҳатланувчи жон учун ўзгачароқ манзил йўқ.

Не ажабки, маёр Солиевга ҳам бу бомба айна дамда юракка ўхшаб кўриниб кетди. Бомба ихтирочиларининг қалтис ёки шум ҳазилимикин бу? Ҳозир неча жуфт кўз юракка ўхшовчи бу бомбага тикилиб турибди. Балки кўзга кўринмас Азроилнинг кўзлари ҳам шунга қадалгандир? Вақт-соати етганида унинг амри билан панжалар очилар, бомба портлар... Балки портламас... Балки Азроилга битта жон керакдир? Балки кимдир тирик қолар?..

«Ҳозир пул олиб келинади» деган ваъдадан сўнг жимлик ҳукмронлиги бошланган эди.

Кутилмаганда зинапоя панжарасига суяниб турган йигитлар овозларини кўтариб баҳслашиб қолишди:

— Отиш керак,— деди бири,— битта ўқ билан ўлдирилса панжасини очишга улгурмаслиги ҳам мумкин.

— Бу ишончсиз,— деди иккинчиси,— ўқ отилиши билан бомба ушланган панжага маҳкам ёпиши керак.

Солиев уларнинг мақсадини, нима демоқчи бўлишганини англади. «Қассоб» ўзбекчани тушунмаса ҳам кўнгли бир шумликни сезиб:

— Жим бўларинг! — деб бақирди.

Солиев эса аста бош чайқаб, шерикларига «отманг-лар» деган ишора қилди.

— Шерикларинг нима дейишди? — деб сўради «Қассоб».

Солиев «Қассоб»ни ҳайрон қолдириб тўғриси айти қолди:

— Сени отиш керакми ё йўқми, деб тортишишяпти. Хўжайинларнинг сенга ён босаётганларидан норози бўлишяпти.

Солиев шундай дейишга деди-ю, «Қассоб»нинг вужудида тутаётган гумонга мой сепиб, ёндириб қўйганини англаб, тилини тишлади.

Самолёт билан пулнинг унишига ўзи ҳам унча ишонмаётган «Қассоб» атрофдагиларнинг ғимирлаб бошқа чора излашаётганига амин бўлди.

Оқу қорага, пасту баландга бўлинган бу дунёнинг ишлари қизиқ. Қочган ҳам Худо деркан, қувган ҳам. Қоранинг бағрида оққа қарши фитна ясалади, оқнинг бағрида қорани маҳв этмоқ режаси пишади. Атрофдагилар бомбани чангаллаб турганнинг ҳаёти якунини тезлаштиришни қанчалар хоҳлашса, буниси умрининг янада узайишини шунчалар истайди. Ҳар икки томоннинг ўз ҳақиқати, ўз адолати бор. Атрофдагиларнинг ҳақиқати шуки, суднинг ҳукми тўхтовсиз амалга оширилиши шарт. Ўзга чора бўлмоғи мумкин эмас.

«Қассоб»нинг ҳақиқати бутунлай бошқа.

Фоний оламдаги одамларнинг бармоқ излари бир-бирига ўхшамагани каби, уларнинг дунёни кўришлари, фаҳм этиш даражалари ҳам турлича. «Қассоб»нинг жиноят «халтаси»да (ҳужжатларнинг далолатига қараганда) ўн етти аёлнинг жони бор. Агар шунчаки «ўн етти одамни ўлдирган қотил» дейилса ҳайратга ҳам, ажабланишга ҳам ўрин қолмайди. Чунки унга нисбатан бир неча баробар кўпроқ одам ўлдирганлар ҳам бор. Шундай тоифалар борки, улар

кимнидир айбдор бўлгани учун ўлдирмайдилар, балки шунчаки жон олгилари келгани учунгина қон тўкадилар. Сув ичгиси келган одамнинг сув ичиши, кино кўргиси келганнинг томоша кўриши оддий ҳол бўлгани каби бутунлай танимаган одамни ўлдириб бериш ҳам бу тоифа учун оддий ҳолатдир. Аммо «Қассоб»нинг қотиллиги бу «одатий ҳол» доирасига ҳам сиғмайди. Унинг жиноятларига оид «Иш»ларда «одамхўр» деган атама ҳам учрайди. Шундай баҳо берган терговчи, шубҳасиз, янглишган. «Қассоб» одамхўр бўлганида эди, эркагу хотинни фарқламай, аралаш еяверарди. Ҳолбуки у фақат хотинларнинг гўштини хуш кўрган. Уфадаги терговчи «нега фақат хотинларни ўлдириб, гўштини егансиз?» деб сўраганида у «хотинларники ширинроқ бўлишини билмайсизми?»— деб жавоб берган эди. Терговчи бу ёлғон гапга ишонган, ҳолбуки «Қассоб» эркакнинг гўштини емаган, қайси гўшт ширинроқ эканини фарқлаши мумкин эмасди.

Уфада унинг бўйнига тўққизта хотиннинг жони илинганида у яна саккизтасининг номини, ўлдирилган жойини айтиб берди. Бу саккизтасининг қотили сифатида саккизта одам аллақачон ҳукм қилиб юборилган эди. Уфада бу саккизтани «Иш»га тиркашни аввалига хоҳлашмади. Ёпиғлиқ қозоннинг ёпиғлиқ қолмоғини маъқул кўришди. «Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди» деганларидек, Уфадагилар саккизта шаҳардаги ҳамкасбларининг шарманда бўлишларини ишташмади. Саккизта беайб одамнинг азобланиши уларни мутлақо қизиқтирмади. «Қассоб» эса уларнинг тақдирини ўйлади, демоқ тўғри эмас. «Яна саккизтасининг гўштини еганман», деб ўжарлик қилиб туришига бошқа сабаб бор эди. Тўққизтага ҳам, ўн еттитага ҳам бир хил жазо бўлганидан кейин сал шов-шув билан, ўзининг қаричи билан ўлчаганда «мардлик» билан кетишни маъқул кўрди.

«Қассоб»нинг ўн етти аёл гўшtidан чучвара тугиб егани ҳақиқат эди. Аммо ўлдирилганлар сони ўн етти эмас, ўн саккизта эди. Биринчи аёлни ўлдириб, гўштини емаган эди. Чунки унинг биринчи ўлжаси — ўзини туққан онаси эди.

У яшайдиган уй Сочи деб аталмиш гўзал шаҳарнинг денгиз қирғоғига яқин гўшасига жойлашган эди. Гўзал шаҳардаги боланинг ҳаёти гўзал бўлавермас экан. Баъзан ярим тунга қадар, баъзан тонгга қадар кўчаларда санқиб юришга мажбур бўларди. Кўчада қанча юриши бир хонадан иборат уйларидаги маишатнинг қанча давом этишига боғлиқ эди. Гўдаклик чоғларида ҳали эси кирмаган пайтларда «отам ким, отам қани?» деб кўп сўраган. Оқу қорани ажрата бошлагач эса «отамнинг кимлигини ўзи ҳам билмайди» деган тўхтамга келиб, бу саволларини бас қилди. Қўшни синфда ўқийдиган олтинсоч қиз унинг ўсмирлик юрагида муҳаббат деб аталмиш туйғуни уйғотганида ҳали онасига нисбатан нафрати тўлиб тошмаганди. Мактабни битириш кечаси юрак ютиб муҳаббат изҳор этганида олтинсоч малак лабини буриб «мени онангга шерик қилиб оласанми?» дегач, ақлини тамом йўқотди. У дамларда мактабни битирувчилар «Сочининг сурурли тонги» деб номланган байрамни нишонлашарди. Бўлғуси «Қассоб» байрамни рад этилган муҳаббатига мотам тутган ҳолда шампан виноси ичиш билан бошлаб, «сурурли» тонгни қонли бармоқларига тикилган ҳолда милитсия хонасида қаршилади. Йўқ, у куни онасини ўлдирмади. Онаси бағридаги эркакка пичоқ урди халос. Онасини қамоқдан қайтгач ўлдирди. У ҳукми қамоқдалигида қабул қилган эди: «болалигимни ўғирлагани учун...» Ҳукм аёвсиз эди. Жиноятга оид қонунларда бемехр оналарга бундай жазо қўлланилмайди. Наридан «оналик ҳуқуқидан» маҳрум этилади. Агар она гўдагини жисмонан маҳв этса, шубҳасиз, қамалади. Аммо ўзи дунёга келтирган боласининг болалигини ўғирласа, болалигини бўғиб ўлдирса — унга жазо йўқ. Шу боис онасига жазони «Қассоб»нинг ўзи ўйлаб топди, ўзи ҳукм қилди, ўзи ижро этди.

Бу ҳукм ва ижро ҳеч бир сўроқ қоғозларида қайд этилмаган. Умри фоҳишалик билан ўтган аёл жасадининг майда-майда бўлаклари ҳузурини шаҳар ахлатхонасидаги итлар кўришди. Шубҳасизки, бу итлардан ҳеч ким «Сен бугун кимнинг гўштини единг?» деб сўрамайди... Онасига доир воқеалар, ўсмирликнинг сурурли дамлари унинг учун олис ўтмиш бўлса-да, нутилган хотиралар эмасди. Унинг покизароқ кўнгил мулки шугина эди ва ундан бировнинг

бахраманд бўлишига йўл қўйилмасди. Уфадаги терговчига, суд раисига бу кўнгил мулки эшикларини очган тақдирда ҳам, биринчи қадамга ундаган, мажбур этган руҳий ҳолат барибир инобатга олинмас эди. «Ўзи яхши бола экан, муҳит мажбурлабди», деган фикр ёки тўхтаманнинг жонини сақлаб қололмасди.

Ҳозирги чораси ҳам чўкаётган одамнинг хасга тирмашиши каби эканини фаҳмласа-да, чиқмаган жондан умиди бор эди.

— Менга қара, фараон, — деди «Қассоб» Солиевнинг орқасига енгил туртиб. — Шерикларинг сени сариқ чақага ҳам олмас экан. Ўлишинг тайин бўлиб қолди.

— Ўлишимиз, дегин.

— Ҳа, албатта бирга ўламиз.

— Худди эгизаклар каби, — Солиев шундай деб маҳзун тарзда кулимсиради. «Қассоб» бу аламли чехрани кўрмади. Шу нуқтага тикилганича ҳар қандай тасодифга шай турганларнинг айримлари илғашди-ю, аммо унинг нима сабабдан кулимсираганини фаҳмлашмади.

— Йўқ, фараон, — деди «Қассоб» юмшоқроқ оҳанг-да. — Эгизаклар уч-тўрт дақиқа фарқи билан туғилишади. Сен билан мен эсам бир нафасда ўламиз. Мен-ку барибир итдай отиб ташланадиган одамман. Ҳа, сенлар мени бир ҳайвон қаторида кўрсаларинг ҳам одамман. Қутурган итни отиб ташлаб қандай роҳатлансаларинг мени ҳам ўлдириб шундай ҳузурланасанлар. Фақат сенгина маза қила олмайсан. Тўғрими, алам қиялпими?

— Йўқ.

— Қулоққа лағмон илма.

— Бўладиган гапни айтяпман: ўлимдан кўрқмайман. Гап қачон ўлишда эмас, қандай ўлишда.

— Ҳа... ҳали шунақами? — «Қассоб» бир оз ўйга толди. Сўнг тиззаси билан яна тепди. — Мен билан бирга ўлишдан ҳазар қиялпсанми? Тақдиринг шу экан, фараон, чида. Сен менга ўхшаганлардан нафратланиб яшадинг. Мен эса сенга ўхшаганлардан нафратланиб яшадим. Мен қаерда туғилдим қандай ҳаёт кечирдим? Мен бошқа олам эдим, сен бошқа дунё эдинг. Қара, тақдир мени шу ерларга ҳайдаб келиб, қўлларимизни боғлади. Демак, тақдиримиз бир экан. Сенга ўзининг йўлинг маъқул эди. Шу йўлингни тўғри деб билдинг. Менга эса ўзимнинг йўлим маъқул эди. Энди нима дейсан?

— Нима дердим, қўлларни боғлаб турган бу кишан сен айтган тақдир занжири эмас.

Солиев «Қассоб»нинг яшаган олами ҳақида, бу оламнинг фалсафаси ҳақида уч-тўрт оғиз гап айтмоқчи эди, аммо фикридан қайтиб, гапни шу тарзда қисқа қилиб қўя қолди. Умр бўйи балчиқ сувидан баҳра олган одамга булоқ сувининг афзаллигини гапиришдан не наф? Жарга қулаётган, ҳалокати аниқ бўлган кимсани «жарга яқинлашма», деб огоҳлантиришдан не наф?

— Фараон, сен Худога ишонасанми?

Кутилмаган саволга Солиев дарров жавоб бера олмади.

— Фараон, ўлиб қолдингми, жавоб бер, Худога ишонасанми?

— Ишонаман.

— Аҳмоқсан. Мен эса ишонмайман. Худога ишонсанг айт-чи, нима учун мени бунақа қилиб қўйдиди?

— Худога ишонмаганинг учун.

— Лақиллама, фараон, ишонган сен ҳам, ишонмаган мен ҳам бир хилда ўляпмиз-ку?

— Мен ҳали ўлаётганим йўқ.

— Ўляпсан... ўлиб бўлдинг, фараон. Фақат ўлимингни расмийлаштириш қолди. Жонинг ишонганинг Худонинг эмас, менинг қўлимда. Истасам ҳозир ўласан, хоҳласам эрталабгача яшайсан. Сен ўзингни яхши одам деб ҳисоблайсан-а? Мен эса сенинг назарингда энг ёвуз, энг тубан, энг ифлос одамман. Сен мени танимасанг ҳам шундай деб ҳисоблайсан. Чунки мен — одамхўрман. Сен шу маълумотга ишониб мени ўлдириш мақсадида бу ерга келган эдинг. Сендан олдин-роқ мен шеригингни отдим. Бунга ҳам мен айбдорманми? Йўқ, бир сўтакнинг қўлига тўппонча бериб қўйган сен айбдорсан. Мен ўзимни ҳимоя қилдим, уни ўлдирмасам ўзим

Ўлардим. Хотинни гаровга олмаганимда ўша заҳоти отардинг мени. Ўйлаб ҳам ўтирмай отардинг, а? Ахир сен у хотиннинг кимлигини билмайсан-ку? Балки у мендан ҳам баттардир? Балки у йигирмата эркакни авраб, тўшагига олиб киргандир, кейин ўлдириб, гўштини егандир? Сенлар мен ўлдирган хотинларга ачинасанлар, а? Кимлар эди улар, билмайсан-ку? Билмай туриб ачинаверасан. Ҳаммасининг эрлари бор эди, болалари бор эди. Эрлари бўла туриб мен билан ўйнашишди. Бузуқликлари учун эрлари ҳам индамайди, сенлар ҳам жазоламайсанлар. Эрига хиёнат қилиш жиноят эмасми? Жиноят. Одам ўлдиришдан ҳам баттар жиноят. Шунинг учун мен уларни жазоладим. Бу яхшилигим учун сенлар мени ўлимга ҳукм қилдинглар. Бу адолатдан эмас, фараон. Ҳозир сени қўйиб юборсам бошимга юзлаб ўқлар ёғилади. Баданимни илма-тешиқ қилиб ташлайсанлар. Менга биттагина ўқ кифоя қилишига ақллари етмайди. Фараон, нега жимсан? Менинг ҳақиқатим олдида Худойинг ҳам жим қолади. Сен «Худога ишонаман», дейсан. Лақиллама, фараон, сен Худога эмас, тўппончанга ишонасан. Сенинг Худойинг шу тўппонча, пайғамбаринг манави кишан. Ана, сенинг Худойинг ҳам, пайғамбаринг ҳам менга хизмат қиляпти. Додингни кимга айтасан?

— Биринчи марта қачон одам ўлдирган эдинг?

— Ҳа, фараон, бу сенга нима учун керак бўлиб қолди.

— Ўша пайтда қўлимга тушганинда уч-тўрт оғиз гап гапирар эдим. Энди фойдаси йўқ. Сенга қараб ўша пайтда ўқ узилган. Фақат юрагингга санчилиши қолди. Сен балки бугун қутулиб кетарсан, лекин билиб қўй, ўқ изига қайтмайди, сенга атаб узилганми, демак, адашмайди. Ҳукмни Уфадаги суд чиқарди, деяпсанми, бекор гап. Ўша биринчи қадамингда ўзингга ўзинг ҳукм ўқигансан. Ўқни ҳам ўзинг узгансан. Бошқалардан ўпкалама.

— Шундайми, у ҳолда ўлим мен учун нажот, сен учун эса фалокат, жазо экан. Бунга нима дейсан?

— Мен ўлимнинг шарпасини сезмаяпман.

«Қассоб» шунақами, «сезмасанг, сезиб ол», дегандай панжасидаги бомбани Солиевнинг кўкрагига қаттиқроқ босди. Ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилаётган Солиев шундан сўнг ўзини беҳол сезди. Йўқ, «ҳозир бомба портлар, танам қийма-қийма бўлиб кетар», деб қўрқмади. Хизмати юзасидан ҳаминиша ўлим билан беркинмачоқ ўйнайдиган одамнинг енгил турткидан ваҳимага тушиши мумкин эмас. Алҳол, Солиев вужудидаги беҳоллик сабабини билмади. Бу сабабни кейинроқ, шифтга тикилиб ётган дамларда англайди.

Одам боласи туғилиб, дунёни кўрган онидан ўлим билан қувлашмачоқ ўйинини бошлайди. Ўлим қувлайди, одам боласи эса қочаверади. Кимдир бу ўйинда тез чарчайди, ўлим тезгина қувиб етади. Баъзилар эса узоқ, жуда узоқ қочади. Ҳатто ўлим тезроқ югура қолса эди, тезроқ менга ета қолса эди, деб нолалар қилади. Ҳатто югуриб ҳоригани учун секинроқ юра бошлайди. Не ғамки, шу онда ўлим ҳам югуришни бас қилади. Югура-югура чарчаган, ҳаётдан тўйган одам ўлим ета қолсайди, деган илинжда тўхтайди. Не қайғуки, ўлим ҳам тўхтайди. Чунки... қувлашмачоқ ўйинининг ниҳояси, оқибати қочаётганининг ҳам, қувлаётганининг ҳам ихтиёрида эмас. Ҳолиқи олам белгилаган вақт ва манзилга етилгунга қадар бу ўйин давом этаверади.

Солиевни қувиб келаётган сайёд — ўлим айна шу бекатда сайдига етиб келдими экан? Бунга ёлғиз Яратган билади.

### III 6 o 6

#### 1

Учоқ бекаси Масков ўн икки даражали совуқ билан қаршилаётганини эълон қилиб, эҳтиёт камарларини боғлаган ҳолда қўнишга тайёргарлик кўришни илтимос қилди. Филдирақлар ерга дўқиллаб тегиб, учоқ силкинганида Манзура «Худога шукр», деб пичирлади.

Уйига етиб олишига ҳали фурсат бўлса-да айрилиқ кунларининг тугаётгани унинг қалбини қувонч нури билан ёритди. Шунинг баробарида шодлик қуёши юзини ташвиш булути тўсишга уринди.

Чувриндининг ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач, қайтиш ихтиёрини билдирди-ю, уйига қўнғироқ қилиб аҳдини эрига билдиришдан чўчиди. Ана шу дамларда Асадбекнинг ўзи қўнғироқ қилиб мушулини бир оз енгиллаштирди. Одатдаги салом-алиқдан сўнг Манзура юрак ютган ҳолда сўрамоқчи бўлди:

— Адаси, Маҳмуджонга...

Саволини охирига етказа олмай эрининг тўнг жавобини эшитди:

— Ишинг бўлмасин...

Дарвоқе, Манзура эрининг ҳаётига, ишларига аралашмоқ ҳуқуқидан маҳрум эканини унутибди. Асадбек, фақат у эмас, балки бошқа эркалар ҳам «умр йўлдоши» деб аталгувчи хотинларининг чегарасини аниқ белгилаб қўйишади. Ҳалқадан иборат бу ҳудуд орасидагина аёллар эрларининг умрларига йўлдош бўлишлари мумкин, яъниким, тўшақда эрнинг кўнглини олиш, болалар туғиб бериш, фарзандларни тарбиялаш, эрнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш ҳуқуқи уларга тўлалигича берилган. Бу ҳуқуқ ҳалқасидан бир қарич чиқиш ёки чиқишга уриниш, агар омадли бўлсалар сўкиш билан, шўрпешона бўлсалар калтак билан мукофотланади.

Ҳар бир аёл каби Манзура ҳам билиб-билмай баъзан чегара чизиқларига яқинлашиб қолади. Эрининг «ишинг бўлмасин», ёки «ақлинг етмайдиган ишларга аралашма» деб тўнғиллаши унга чегарада турган аскарнинг «Тўхта, отаман!» деган ҳайқириғидай эшитилиб, яланг оёғи билан чўғни босиб олган одам ҳолатида изига қайта қоларди. Асадбек сўнгги марта қўнғироқ қилганида ҳам ўз одатига содиқ қолди: саволининг ярмини ичига ютиб «ишинг бўлмасин», деган жавобдан қаноатлана қолди. Эри «Яна нима гапинг бор?» дегач, аҳдини айтишга қийналиб, бир зум тилдан қолди.

— Нима, ўлиб қолдингми? Гапир, гапинг бўлса! — деган амрдан сўнг тилига жон қайтгандай бўлди-ю, тутила-тутила мақсадини маълум қилди. Бу хабарни эшитган Асадбек жимиб қолди. Манзура вулқон отилишини кутган бечора ҳолида, бармоқларидаги қалтироқни ошкор қилмаслик учун гўшакни маҳкамроқ қисиб, қулоғига қаттиқроқ босди-да, рўпарасидаги ўғилларига нажот кўзлари билан боқди. Абдулҳамид онасидаги ўзгаришни сезиб «айбни бизга юклайверинг» деган маънода кўрсатгич бармоғини кўкрагига нуқиб қўйди.

Манзура кутган вулқон портламади, вазмин, дардли овоз эшитилди:

— Сени биров ҳайдадимми?

— Йўқ, адаси, ўғилларингиз...

— Самадга бер.

Ўғлининг саломига совуқ тарзда алик олган Асадбек қачон учишларини сўраб, Масковга кутиб олувчи одам юборажагини айтишдан нарига ўтмади

Асадбек ўғилларига индамайди, захрини Манзурага сочади. Манзура ишончли қалқони билан ўзини ҳимоя қилишга ҳар он шай бўлса-да, эри отган захарли сўз тошлари бу қалқонни ёриб ўта олмаслигини яхши билса-да, барибир зириллаб туради. Никоҳ кечаси Асадбек чимилдиққа кириб келишидан сал олдин янгасининг «нима бўлсаям ҳамиша битта гапдан қолишни ўрган», деган ўғити бутун умр давомида унга ишончли қалқон сифатида хизмат қилди. Агар ҳар сафар битта гапдан қолганида биттадан гугурт чўпи ташлаб қўяверганидами шаҳарни чўп босиб кетиши аниқ эди. Эринмаган одам бу чўпларни темир йўли сингари териб чиқса Ер юзини неча бора айланар экан...

Ерга тегиб калтак емаганининг бир сабаби Асадбекнинг онаси тақдирини унутмагани бўлса, иккинчиси ана шу «бир гапдан қолиш» деб аталувчи қалқон ҳимоясида эканлиги эди.

Масковнинг музлаган ерига қадам қўйган Манзура-на навбатдаги «бир гапдан қолиш» учун уйига ошиқарди.

Чегарачилар назоратидан ўтиб, божхона расм-русм-лари майдончасига ўтишганида Манзура тўсиқ орти- да турган Жамшидни кўрди-ю, тошдай қотди. Ҳатто киприклар ҳам ҳаракатдан қолдилар. Абдусамад жомадонлар билан овора эди. Акасига кўмаклашишга ҳозирланган Абдулҳамид онасидаги ўзгаришни сезиб, тўхтади. Онаси тикилиб турган томонга қараб Жамшидни кўрди-ю, жилмайганича қўлини ҳаволатиб, саломлашган бўлди. Сўнг онасига:

— Жамшид акам келибдилар, ойи, — деди.

— Вой тавба, астаффируллоҳ! — деди Манзура пичирлаб.

— Ҳа, ойи? — деди ажабланган Абдулҳамид.

— Ростданам Жамшид акангми?

— Ҳа, танимадингизми?

Танимаганида бунчалик ҳолсизланмас эди. Бошқа аъёнларга нисбатан яқинроқ, суюмлироқ бўлган Жамшиднинг ўлимини Манзура ўғилларига айтмаганди. Ку-йиб, қовжираб, деярли кўмирга айланган жасад учун Чувриндининг уйида ўзи ўрин солганини, ғассол келгунига қадар она қаторида мурданинг ёнида ўтирганини, сўнгроқ эса Жамшиднинг ўлимини эшитган Зайнабнинг ўзини осганини айтганида Абдулҳамид бундай деб сўрамаган бўлар эди.

Ўғли таниди. Демак, тўсиқ ортидаги йигит — Жамшид. Унда Чувриндининг уйида кимнинг ўлигига ўрин солди? Ё тирилиб қайтдимми бу йигит? Кўмирга айланганини кўрмаганида ҳам «тирилибди» деган гапга ишониши мумкин эди. Балки кўраётгани арвоҳдир? У ҳолда... ўғлига ҳам арвоҳ кўриндимми?

Божхоначиларга жомадонларни очиб кўрсатаётган Абдусамад гап талашиб овозини баландлатгач, она-бола беихтиёр ўша томонга қарашди. Абдулҳамид «Сизлар шу ерда турунглар», деб келинлар билан Манзурани қолдириб, ўзи акаси томон юрди. Ўғилларининг гап талашаётганидан, божхоначиларнинг зарда қилаётганларидан хавотирланган Манзура келинларига «шу ерда жилманглар», деб фарзандларига яқинлашди. Ўрисчани дурустроқ билмагани сабабли нима воқеа юз берганини дарров англамади. Англамаса-да, ярим ўрисча, ярим ўзбекчалаб болаларини ҳимоя қила кетди. Гўштдор малла божхоначи «гражданка, сиз нари турунглар» деб Манзуранинг билагидан ушлаганида Абдулҳамид қизишиб «Нега онамни туртасан!» деганича унинг қўлини силтаб тортди. Даҳанаки жанг Манзура келиши билан росмана олишувга айланиб кетай деди. Абдусамад укасини четга тортиб танбеҳ бераётганида Жамшид тўсиқ эшиги олдидаги соқчи йигит кафтига пул қистирди-да, шошганича йигитларга яқинлашди.

— Кеннайи, сиз келинларингизнинг ёнига бориб тура қолинг, — деди. Кейин Манзуранинг нари кетишини кутмай, Абдулҳамиднинг елкасини ушлаб силкитди: — Калланг борми, кимга осиялсан?

— Ўзини кўрмайсизми?

— Ўчир, аҳмоқ!

Манзура жойига қайтгач, Жамшид ака-укаларни ҳам қолдириб божхоначилар билан ўзи гаплаша бошлади. Оқибат шу бўлдики, ўзи билан келган йигитга аёлларни топшириб меҳмонхонага жўнатди. Ака-укани эса юклари билан бирга милисахонага олиб кетдилар. Улар билан изма-из етиб келган Жамшид милисахонанинг катталари билан тил топишга уринди. Божхонада тафтиш қайдномаси ёзилмагани учун бу ерда иш осон битар, деб ўйлаб янглишган эди. Милисахонада ҳам терговчи сўроқни бошламай ака-укаларни «изолятор» деб аталмиш вақтинчалик қамоққа қамади. Жамшид «Иш»нинг расмийлаштирилишига шошилишмаётганидан, гапларини бееътибор тинглашаётганидан бир шумликни сизди. Шу боис улар қаршисида кўпам эланмай, изига қайтди. Телеграфга кириб Бек акасига нохуш хабарни билдирди-да:

— Юкларидан қора дори чиққанмиш, — деб изоҳ берди.

Бу гапдан сўнг Асадбекдан бир неча сония садо чиқмади.

— Хонгирейга айтсаммикин? — деб сўради Жамшид.



Бу сафар жавоб ҳаялламади:

— Йўқ, — деди Асадбек бўғиқ овозда. — Сен аралашмай тур, ўзим етиб бораман.

Милисаларга гапи ўтмагач, Жамшид Хонгирейга учрашмоқни ўйлади-ю, аммо «Хонгирейнинг иши бўлса-чи, бу?» деган савол хаёлини бир ёритиб ўтди. «Агар бу ишда Хонгирейнинг қўли бўлса, гапимни сариқ чақага олмайди, Бек акамнинг оёқларига бош уриб келишларини хоҳлайди, деган фикр уни тўхтатди.

Жамшиддан совуқ хабарни эшитган Асадбек ҳам биринчи галда Хонгирейни эслади. Эслади-ю, мақсадини ҳам англади: энди оёқларига бош уриб боришдан ўзга чораси йўқ. Шу топгача эркакман, деб қаддини ғоз тутиб юрган Асадбек энди эгилишга мажбур. Бу қимор ўйинига анов-манов нарса эмас, ўғилларининг жонлари тикилган. Кўнгли шу хорликни сезарди. Сезгани учун ҳам уларнинг қайтишларини истамаётган эди.

Хожасига шумхабар етказган Жамшид «Бек акамнинг жаҳллари чиқди» деб ўйлади. У жаҳл эмас, нақ жоннинг ўзи чиқаёзганини фаҳхламади. Шумхабарни эшитган топда Асадбек бўлажак хорликни, таъзим қилиб бориб балчиққа булғанишини ўйламади. Йўқ, буни анча кейин ўйлайди. Ҳозир унинг кўзларига фақат болаларининг жони кўринди. «Болалар қамоқда» деган гап унга «болалар тобутда» дейилгандай эшитилиб, вужудига муз югурди. Жамшиднинг «гаплашдим, анча юмшатдим», дейиши ҳам бу музни эрита олмади. Ўзининг тезда етиб боражагини айтгач, «Кеннайингга индамай қўя қол», деди.

Ҳожаси огоҳлантирмаса ҳам Жамшид нима воқеа юз берганини янгасига айтмас эди. Ваҳима тўрига ўралиб йиғига банди бўлиб ўтирган аёлларга «аҳвол чатоқ, юкинлар орасидан анча қорадори чиқибди» де-йишининг оқибатини яхши биларди.

Манзура меҳмонхонага жойлашгунига қадар, юраги ёрилиб кетгудай даражада потирлаб ураётган бўлса-да, аламли йиғи бўғзидан бўғса-да, ўзини тутишга куч топди. Хонага кириб оромкурсига омонат ўтирди. Ўтирдию мушук панжасидаги онасига мўлтиллаб тикилаётган кабутар полопонлари ҳолидаги келинларининг кўзларига кўзи тушгач бошқа чидай олмади. Ювиниш хонасига ўтиб унсиз йиғлади. Қалбидан нидо вулқони портлаган бўлса ҳам овоз чиқармади. Унсиз йиғла-моқ — унинг қисмати. Яратган унга шу азобни раво кўрган экан, дардини кимларга айтсин?

Ҳамма уни бахтли ҳисоблайди. Агар емоқ-ичмоқ, кийинмоқ, безанмоқ бахт ҳисобланса Манзурани энг бахтли аёллардан бири демоқ мумкин. Ўлчови, замони, макони бўлмаган бахт аталмиш тушунчага Манзуранинг ўзи ҳам тушунмайди.

Манзурани бахтли деб ҳисобловчилар, «шу аёлга насиб этганиндан менга ҳам бер», деб Тангрига тавалло қилғувчилар уни ҳозирги аҳволда бир кўрса-лар эди, «агар бахт шу бўлса бахтсизлиги қандай экан?» деган муаммога жавоб топа олмай яна Яратганга юзланар ва бу аёлга ўхшатиб қўймаслигини сўрар эдилар.

Манзуранинг қорни тўқ, усти бут бўлиши баробарида ташвиш сандиғи ҳам тўла эди. У таниш-нотаниш одамлар оғзидан баъзан тўғри, баъзан миш-мишларни эшитиб қолганида «бундан кўра қимор ўйнаб юрганлари маъқул эди», деб қўярди. Қайтар дунё, деганларидек, бошқаларга раво кўрилган зулм фарзандларига қайтиши мумкинлигини ўйлаганда эса баданига муз югуриб «қимор ўйнаб, мени ютқизиб юборганлари минг марта афзал эди», деб қўярди. Дейишга дерди-ю, ке-йинроқ ношукрликка йўл қўйганини фаҳхлаб, тавба қиларди. Шу топгача хонадони бошига қора кунлар тушмагани балки шу тавбалар, дуолар туфайлидир? Шиддат билан бостириб келаётган қора кунлар сели қаршисида энди унинг тавбалари, дуолари ожизлик қилиб қолгандир?

Ровийлар айтурларким, чўпон сурувни қайтаргач, совлиқларни соғиб, бир қултум сутга ҳам хиёнат қилмай, хўжасига бераркан. Хўжайин эса сутга сув қўшиб, пулларкан. Чўпон хўжасини ҳаромдан қайтармоқчи бўлганида даъвати эвазига орқасидан тепки ебди. Бир куни сурув ўтлаб юрганда қўққисдан сел келибди-ю, қўйларни суриб кетибди. Оқшомда сўппайиб қайтаётган чўпонини кўриб, хўжайин «Қўйлар қани?» деб сўрабди. «Сиз сутга қўшган сувлар йиғилиб

селга айланди-ю, сурувни суриб кетди», дебди чўпон.

Ҳар қандай айбли ишлар, гуноҳ амаллар йиғиндисининг томчилардан вужудга келган кўл каби сел қудратига эга бўлишини ва бу қудрат жазо дарвозаларини очиб юборажагини кўп қатори Манзура ҳам билмасди. Қизи Зайнаб ўғирланган куни бу жазо дарвозасининг қия очилганини, энди эса баралла очила бораётганини у фикр қилиб кўрмади. Бошлари узра жазо шабадалари эса бошлаганда эр-хотин тавба билан саждага бош қўйганларида балки ибодатлари жазо сели йўлига тўғон бўла қолармиди, валлоҳи аълам?

Энди эса кеч.

Ёз чилласи ўрнини навбахор қайта эгаллай олмагани каби ғам-ташвиш булутларидан ёғила бошлаган алам дўлларига чора йўқ энди.

Манзура бугунги ҳолатдан эзилади. Юраги эса эртанинг аламларидан сўзламоқни истаб беҳаловат тепади. У эса тилсиз юрагининг фарёд билан айтаётган сўзларини англамайди. Уларни кузатиб келиб, меҳмонхонага жойлаштирган йигит чақиртирган ресторан ходимлари дастурхон тузадилар. Манзуранинг ҳам, келинларининг ҳам томоқларидан овқат ёки бир тишлам нон тугул, бир қултум чой ҳам ўтмади.

Манзура келинларига нима деб изоҳ беришни ҳам, нима деб юпатишни ҳам билмас эди. Унинг ўзи шу топда бир дононинг изоҳига, бир меҳрибоннинг овутишига муҳтож эди. Муштарий қўйиб узатган чойни олишга олди-ю, кўнгил учун лабига ҳам олиб бормади. Кўзи келинларининг нигоҳлари билан тўқнашгач, шу болаларни туғиб катта айб иш қилиб қўйгандай бошини ҳам қилди.

Чўлпоной ҳам, Муштарий ҳам савол муҳрланган назарларига қайноналаридан жавоб талаб қилмаётган эдилар. Ота-оналарининг ҳикоялари орқали бу мамлакатни оч, ваҳший бўри кўринишида тасаввур этган, бир ҳавотир билан йўлга чиққан келинларнинг юраги қуш ҳадиги билан тепарди. Ота-оналари юртларига кимлар ҳукмрон эканликларини билиб турсалар-да, мамлакатдаги кейинги ўзгаришларга умид билан қараб, Асадбекнинг ўғилларини куёв қилмоқликка жазм этган эдилар. Бўрилар ҳукмидаги ўрмонда қашқиру шоқоллар ҳам давр суришини улар ҳисобга олмаган эдилар. «Мубҳам у диёрда қандай яшаб кетаркинмиз?» деган ташвишдаги келинларга бу ҳодиса кутилмаган, ажабтовур туюлмади. Уларнинг юраклари қандайдир нохуш воқеанинг албатта содир бўлажагини сезган эди. Аммо «мамлакат тупроғига қадам қўйишга улгурмай эрларимиз ҳибсга олинарлар» деб ўйлашмаган эди. Яхшики улар Олмон полиси билан Москва милисаси орасида осмон билан ерча фарқ борлигини билишмайди. «Адвокатлар иштирокидаги савол-жавобдан сўнг ҳадемай чиқиб келишади» деган ўй уларни бир оз бўлса-да, хотиржамликда ушлаб турарди. Эрларининг зах ва совуқ, қоронғу ва бадбўй қамоқ хонасида қунишиб ўтиришганини билишсами, буни Манзура ҳам билсами, учовларининг азадор хотин ҳолатига тушмоқликлари аниқ эди. Юрт соғинчи билан умр кечираётган ота-оналарининг армонлари соясида улғайган қизлар никоҳдан сўнг танмахрамларидан ватанлари ҳақида эшитган нурли ҳикояларга бир ишониб, бир ишонмай сафарга отланишган эдилар. Абдусаммад ҳам, Абдулҳамид ҳам уларни алдамаган эдилар. Улар Русия истилосида унсиз инграётган Ватан ноаларини эмас, қуёш нурида яшнаётган юрт табиатини мақтаган эдилар. Бунинг учун уларни ёлғончига чиқармоқ ноўриндир, чунки Ватанда туриб улар Ватан ноаларини эшитмас эдилар. Бу азобли ингроқни армонда яшаётганлар жон қулоқлари билан тинглаб, юракларидаги ноалари билан жўр бўлар эдилар. «Бедарднинг олдида бошимни оғритма», деганларидек тўкин дастурхон атрофида улғайган болаларнинг Ватан аламларидан воқиф бўлмоқликлари мумкин эмас эди. Абдусаммад билан Чўлпонойни, Абдулҳамид билан Муштарийни бир-бирларига айнан шу тўкин дастурхон бирлаштириб турарди. Дунёни англамак, Ватан тақдирига қуюнмак борасида уларнинг қалблари бошқа-бошқа эди. Шунинг баробаринда Асадбек билан Музаффархон, Манзура билан Гулузор бегим ҳам бу масалада ўзга-ўзга оламнинг фуқаролари эдилар.

Жамшид таксига ўтириб меҳмонхонага яқинлашганида хожасидан бир нарсани сўраб олмаганини фаҳмлаб, афсусланди. Шу боис меҳмонхона назоратчиси чўнтагига беш сўмликни қистириб ичкари ўтгач, юқорига кўтарилмай, телефон кўшклари томон юрди.

Асадбек аъенининг овозини эшитиши билан хавотирланиб:

— Яна нима бўлди? — деб сўради.

— Кеннайимларни жўнатиб юбора қолсаммикин, деб сўрамоқчийдим...

Асадбек бу масалани Жамшид айтмасдан илгарироқ ҳал қилиб қўйган эди. Шу сабабли жавобни ҳаяллатмади:

— Тайёр турларинг, одам боради.

Жамшид еттинчи қаватга кўтарилиб, аёллар жойлашган хона эшиги олдидаги шеригига яқинлашди.

— Айтганингиздай чой-пой қилдим, — деди йигит Жамшиднинг савол назарига жавобан.

— Йиғи-сиғи қилишмаяптими?

— Йўқ.

— Битта-яримта кузатмаяптими, сезмадингми?

— Йўқ. Биров яқинлашмади.

— Ичкарида гап-сўз бўлмадимми? — Жамшид шундай деб шифтга қараб олди. У овоз ёзиб олувчи ускуналар ўрнатилган бўлиши мумкин, деган гумонда шеригини аввалроқ огоҳлантирган эди. Йигит ҳозирги саволдан Жамшиднинг мақсадини англаб, «йўқ» деган маънода бош чайқади. Шундан сўнг Жамшид эшикни аста тақиллатиб, сўнг қия очди-да:

— Кеннайи, кирсам майлими? — деб сўради.

Қафасга солинган қушлар ҳолатидаги аёллар қия очилган эшикка нажот кўзлари билан қарашди. Жамшиднинг ортидан Абдусамат билан Абдулҳамидни кўрмоқ илинжида термулдилар. Жамшид остона ҳатлаб ичкари кирганидан сўнг ҳам эшикдан кўзларини узмадилар. Манзура Жамшидга яқинлашиб, палтосининг ёқасини аста ушлади-да:

— Ўғилларим қани? — деб енгил силтади.

— Озгина қоғозбозлик ишлари бор экан, келиб қолишади, — деди Жамшид хотиржам тарзда.

Она қалби бу хотиржамлик пардаси ортида ёлғон яширинганини сезиб, Жамшиднинг кўзларига тикилди. Асадбекнинг баданни тешиб юборгудай ўткир нигоҳларига кўникиб қолган Жамшид учун бу маъсума кўзларнинг тикилиши нима экан? Жамшид худди ҳеч қандай воқеа юз бермагандай, ўғиллари ростдан ҳам ҳозир кириб келадигандай хотиржам тарзда қараб тураверди, ҳатто сал жилмайган ҳам бўлди.

— Тўғриси айт, — деди Манзура титроқ овозда. — уларни... қўйиб юборишдими?

Манзура аслида «уларни қамашмадимми?» деб сўрамоқчи эди. Аммо бу хунук сўзни тилга олишдан ирганиб «қўйиб юборишдими?» деб сўради. Жамшид Манзура тилидан учиши мумкин бўлган савол ўқларига жавоб-қалқонларини тайёрлаб қўйган эди.

— Кеннайи, болларни ушлашгани йўқ-ку? — Жамшид шундай деб мўлтиллаганча тикилиб турган келинларга қараб жилмайди. — Биз томонларда қоғозбозликни яхши кўришади. Битта ҳарф нотўғри тушса ҳам қитмирлик қилаверишади.

— Қорадоричи? — деди Манзура пастроқ овозда.

— Шунга ишондингизми? Божхонанинг томоғи қичишса шунақа қилиқ қилади. Нафсига уриб қўйдим, тинчишди. Агар ростданам қорадори бўлганида қоғозлар тўлдиришарди, ҳаммаёқни ваҳимага тўлдириб юборишарди. Битта ҳам қоғоз ёзишмади-ку, ўзингиз кўрдингиз-ку?

Манзура «алдамаяпсанми?» дегандай унга қараб тураверди, палтосининг ёқасини бўшатмади.

Жамшид эса ўз онасини қучган меҳрибон ўғил каби Манзуранинг елкасига кафтини қўйди:

— Ҳозир ака билан гаплашдим, — деди суюнчилик хабари билдиргандай.

— Айтдингми, чақирдингми?

Бу савол унинг мўлжалида йўқ эди, шу сабабли бир оз гангиди. «Чақирдим, келадилар» деса

ишнинг жиддийлиги сезилиб қолади. «Келмас эканлар», деса уйга қайтишганида бу ёлғони ҳам фош бўлади. Жамшид «Нима бўлганда ҳам уйга етиб боришаверишсинчи» деган фикрда: — Акам кутяптилар. Аслида бир-икки кун Масковда айлантирай девдим...

Жамшиднинг гапи чала қолди. Манзура қўлини унинг ёқасидан олиб салгина чекинди-да: — Ҳа, Масковиям жувонмарг бўлсин! — деди.

Бу гапдан Жамшид жонланди:

— Акам ҳам шундай дедилар. Ҳозир сизларни кузатиб қўяр эканман. Болалар билан ўзим изма-из етиб бораман.

Манзура «шундай қиламизми?» дегандай келинларига қараб олди-да, улардан жавоб кутмай қарорини айтди:

— Бирга кетамиз. Бир кун минг кун эмас, кута- миз.

— Билмадим... — Жамшид сиқувга олиб уларнинг ҳадикдаги юракларини янада эзмаслик учун сукут сақлади. Сўнг иложсиз одамнинг овози билан давом эт-ди: — Акам нима дер эканлар.

Ҳозир одам келади.

— Ким?

Ким келишини Жамшиднинг ўзи ҳам билмас эди. Шу сабабли мужмал жавоб қилди:

— Акам шу ердаги яқинларига тайинлабдилар. Агар хоҳласангиз телефонни улай, акам билан ўзингиз гаплаша қолинг.

Жамшид Манзурани кўндириш учун атайин шундай деди. У янглишмади — мўлжални аниқ олди. Эри билан гаплашиш ҳақидаги таклифни Манзура ўйлаб ҳам ўтирмай рад қилди:

— Йўқ... керакмас.

Манзура хонага кириши билан уйга қўнғироқ қилишни ўйлаган эди. Аммо эрининг қаҳрли овозини эшитишдан чўчиди. «Бунга сен ўзинг айбдорсан!» деган ҳукмдан қўрқди. Ҳозир ҳам ана шу қўрқув тирноқлари орасида «йўқ» деб қайтиш ҳақидаги амрга бўйсунмоқдан ўзга чораси йўқлигини англади-ю, бу билан Жамшиднинг мушқулини енгил қилди.

Аёллар ҳузурида қоққан қозикдек туриш Жамшидга малол келиб, даҳлизга чиқди. Қўшни хонадан жой олган бўлишларига қарамай, бу эшикдан узоқлашмаган ҳолда соқчи каби туришди. Уларни кузатиб қўйиши лозим бўлган одам ҳадеганда келавермагач, Жамшид тоқатсизланди. Хожасидан «Кимга айтгансиз, ким келади, ким кузатади?» деб сўраб олмаганди. Буларни сўрашга ҳаққи ҳам йўқ эди. Бек акаси лозим топса ўзи айтарди.

Айтмадими, демак, Жамшид буларни билмаса ҳам бўлади. Айниқса телефонда ҳар қандай гап айтилавермаслигини Жамшид яхши билади. Билгани учун ҳам «шуни сўраб олмабман-да» деб афсусланмади. Жамшиднинг бетоқатлиги замирида «айтилган одам келадими ё йўқми?» деган ҳавотир йўқ эди. Хожаси ким билан-дир гаплашдими, кимгадир айтдими, демак, масала ҳал. Жамшид масаланинг тезроқ ҳал бўлишини, аёлларни тезроқ соғ-омон кузатиб, йигитлар ҳолидан хабар олиш учун милисахонага қайтишни истаётган эди.

Минг йиллик қари тошбақа сингари судралаётган вақт бетоқат юрагини сиқаётган дамда аёллар хонасидаги телефон жиринглади. Манзурага ҳам, келинларга ҳам телефоннинг бемаврид жиринги худди рўпараларида пинакка кетган бўлма илоннинг беҳос уйғониб, бош кўтаришидай туюлиб, чўчиб кетишди. Гўшакни кўтармоққа ҳеч бирлари журъат этишмади. Телефон тўртинчи марта жиринглаганда Жамшид эшикни тақиллатиб, кириб келди. Гўшакни қулоғига тутиб «алло» дейиши билан қўнғироқ қилган одам салом-аликсиз, муддаога кўча қолди: тезлик билан Домодедовога етиб боришлари лозимлигини тайинлади. Гап қисқа ва аниқ эди. Жамшид «хўп, яхши» дейишга ҳам улгурмай алоқа узилди.

Кўчага чиқишганда мижозга маҳтал бўш таксиларга ўтиришмади. Бироз кечикиброқ чиққан Жамшиднинг шериги худди бегона одамдай уларга эътибор бермасдан кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди. Келинлар бўш машиналардан бирига ўтирмай изғиринда кутиб туришлари сабабини билмай ҳайрон эдилар. Манзура ҳам эҳтиёт чораси кўрилаётганини билмай, танишларнинг машинаси келса керак, деган ўйда турарди. Қарши томондан уч-тўрт бўш такси

ўтгандан сўнг, йигит навбатдагисига қўл кўтарди. Манзура унинг машинага ўтирганини кўриб «иши бўлса бошқа ёққа кетаётгандир» деб ўйлади. Аммо орадан бир қанча муддат ўтгач, айти шу машина рўпараларида тўхтагандан сўнг Манзура йигитларнинг мақсадини тушунди. Олд ўриндикдаги йигит ўрнига Жамшид ўтирди, аёллар орқадан жой олдилар. Жамшиднинг шериги бошқа машина тўхтатиб, изма-из юрди.

«Домодедово» деб аталмиш ҳаволанида уларни ҳеч ким кутиб олмади. Шундай бўлса-да, Жамшид қандайдир кўзлар таъқиб этаётганини ҳис қилди. Телефондаги топшириққа биноан патталарни расмийлаштирувчи иккинчи бўлимдаги олтинсоч жувонга ҳужжатларни узатди. Жувон бир ҳужжатга, бир унга қараб олди-ю, патта илинжида соатлаб мўлтиллаб турган йўловчиларга эътибор ҳам бермай ишга киришди.

Жамшид аёллар олдида, шериги сал орқароқда назоратчининг тўсиғидан ўтиб, учоққа чиқишди. Аёллар жойлашиб олишгач ҳам Жамшид йўловчиларга зимдан кўз ташлаб кузатиб турди. Учоқ бекаси «Сиз нега турибсиз, жойингиз қаерда?» дегач, Манзура билан хайр-лашиб, пастга тушди. Зинапоялар олиниб, учоқ учиш майдонига қараб юрганидан сўнггина изига қайтди. Йигитга «Сен Бек акамни кут», деб ўзи милисахонага кетди.

Учоқ булутлар оқими билан олишиб, титрай-титрай юқорига кўтарилгани сайин Манзуранинг юраги ҳам титраб-титраб, парча-парча бўлиб узилиб ерда қолаётгандай зириллайверди. Уйга қайтмоқ умидининг бу тарзда амалга ошаётганидан аламда бўлган она қалбининг хотиржам тегиши мумкин ҳам эмасди.

Ўлди деб юргани йигитнинг тирик ҳолда кўргандаги ажабланиши ҳам унутилди, уйга қайтгач амалга ошажак суюнчли орзу-ҳаваслар юзини эса қора булут тўсди...

...Дарвоза остонасидан то меҳмонхонага қадар оқ пояндоз тўшалган... Бошларига оқ ҳарир рўмол ташлаган келинлари қутлуғ қадамлари билан пояндозни босиб остона ҳатлайдилар. Ичкарига бир қадам қўядилару эгилиб салом берадилар — таомил шундай: хонадонга, меҳмонларга, шунинг баробаринда муборак кунда йўқлаб келган руҳлар ҳурматига салом берилади. Кимдир «ҳаётлари ширин бўлсин» деган ният билан келинлари боши устидан ширинлик сочади. Адаси (яъни Асадбек!) «ҳаётлари тўкин бўлсин», деган ниятда пул сочади. Кейин аввал келинларининг, сўнг ўғилларининг пешонасидан ўпади. Агар биров келиб Манзурадан «Бу дунёга нега келдингиз нега яшадингиз?» деб сўраса у «мана шу бахтли онларни кўриш учун яшадим» деб жавоб бермоғи аниқ эди. Энди-чи?

Пояндоз солиш бировнинг хаёлига келармикин?

Сочқи сочиш-чи?

Ери, Асадбек нимани сочади, пулми?

Энди пул эмас, захрини сочади...

Манзура эрининг қай ҳолда қаршилашини кўз олдига келтириб, баттар эзилди.

Булутлар бағридан юлқиниб чиққан учоқ титроғи босилди. Лекин Манзуранинг юрагидаги титроқ сўна қолмади. Кўз илғамас кенгликдаги осмон унинг кўзига тор кўринди. Пастдаги булутлар ўрқачининг гўзаллиги уни мафтун этмади, балки дўзах ўтларининг тутуни бўлиб кўринди кўзига. У учоқда учмади, бадбахтлик тиконлари устидан ялангоёқ югуриб етди манзилига.

Учоқ кўнгач, ўрнидан туришга шошилмади. Савол назари билан қарашган келинларига «одамлар тушиб олаверишсин, туртиниб юрмайлик», деб изоҳ берди. Агар орада ташвиш олови ёнмаганида, ўғиллари бағрида бўлганида бундай демасди, ўзи биринчи бўлиб ошиқиб тушарди, қуш каби ошиқиб учарди ўйи томон. Ҳозир эса эри билан учрашиш онларини бир неча сонияга бўлса-да, ортга суришни истади. Гўё сал кечроқ тушса, ўғиллари ортдаги учоқ билан изма-из етиб келиб, уни эрининг қаҳрли нигоҳидан қутқариб қоладигандай эди.

Учоқ зинапоясидан ўттиз қадамча наридаги икки оқ «жигули» ёнида турган Кесакполвон Манзурани кўриши билан унга пешвоз чиқиб, сўрашди. Кейин келинларнинг саломига алик олиб, «қийналмай келдиларингми?» деб қўйди. Манзура эрининг кутиб олишига унчалик

ишонмаса-да, «келдилармикин?» деган ҳам илинж, ҳам хавотирда машиналарга қараб олди. — Келинларнинг нақ шкаладидан топибсан, Манзур! — деди Кесакполвон тиржайиб. Бу гап Манзурага малол келса ҳам, юрагидаги ғамни сездириб қўймаслик учун бош ирғаб жилмайишга уринди. Чўлпоной ҳам, Муштарий ҳам «Манзур» деб сенсирашидан бу паст бўйли жиккак одамни яқин қариндошлардан шекилли, деб ўйлашиб «келинларнинг нақ шкалад»и қандай эканини англашмаган бўлишса-да, аста жилмайиб қўйишди. Гарчи Асадбек бир неча марта «Бу сенга кеннайи бўлади, сизла» деб танбеҳ берганига қарамай «сен ошнамсан, бу синглим», деб ўз билганидан қолмаган Кесакполвоннинг сансирашига авваллари Манзура бефарқ қарарди. Аммо ҳозир келинлари ҳузурида малол келди.

— Паттани бер, юкларингни болалар олади.

— Юкларни... укаларингиз олиб келишади.

— Ҳа... Асад айтувди.

Манзура олд ўриндиққа, Ҳалимжоннинг ёнига ўтирди. Келинлар орқа ўриндиқдан жой олишди. Кесакполвон ўтирган машина изма-из юрди.

Дарвоза остонасидан то меҳмонхонага қадар бўлмаса-да, уч-тўрт қадам узунликда пояндоз солинган эди.

...фақат сочқи сочилмади.

...Манзуранинг бахтига ғазабни нигоҳдан таъна ўқлари ҳам ёғилмади.

...келинларининг пешоналаридан ўпиб, қутлаши лозим бўлган Асадбек кўринмади.

Пояндоз адоғида жилмайиб кутиб олган Зайнаб аввал келинойилари билан кўришиб, сўнг онасининг бағрига сингиб кетди. Бундай онларда она-боланинг йиғлаб кўришмоғи айб саналмайди, биров ажабланмайди ҳам. Бундай йиғи шодлик нишонаси деб изоҳланади. Бироқ, ҳозирги йиғи фақат соғинган юракларнинг эмас, балки аламга тўла қалбларнинг нидоси ҳам эдиким, буни атрофдагилар англашмади. Онанинг қалби ҳам, қизнинг қалби ҳам фақат ўзигагина маълум ғам захридан азобланиб нола қиларди. Агар Манзура қизи бошига тушган қора кунларни билсами, агар Зайнаб акаларининг нима сабабдан Москвада қолганларидан хабар топсами — бу йиғилар янада бўлакча бўлар эди.

— Қани, Манзур, фотиҳа бер, қассоб қараб қол-ди, — деди Кесакполвон она-боланинг унсиз дил розига барҳам бериб.

Манзура қизини бағридан бўшатиб, ёноғидаги кўз ёшларини кафти билан артди-да, Кесакполвоннинг кибрли боқувчи хотини, яна «қутлуғ бўлсин»га чиқишган қўшни хотинлар билан енгил-елпи кўришиб, ўнг қўлида пичоқ билан фотиҳага тайёр турган қассобга, оёқ остида бўйнини чўзиб, бўғзига пичоқ қадалишини кутиб ётган қўйга қаради.

— Қани, овмийн! — деди Кесакполвон баланд овозда.

Манзура ҳам фотиҳага қўл очиб, пичирлаганича дуо қилди. «Я оламлар Роббиси, ўзингнинг розилигинг учун атадиқ, даргоҳингда қабул эт, ҳар на бўлганда ҳам ёлғиз ўзингга шукр қиламиз, ёлғиз ўзингга сиғинамиз, ёлғиз ўзингдан умидвормиз, ёлғиз қудрат соҳиби ўзингсан!» демади. «Ей Тангрим, болаларимни ўзинг паноҳингда асра!» деб муножот қилди. Онанинг дилига ҳам, тилига ҳам бундан бўлак илтижонинг келмоғи мумкин эмасди. Пичирлаган лаблардан учган қалб нидосини атрофдагилар эшитишмади. Эшитишлари шарт ҳам эмас, чунки тингловчи ҳам, дуоларни ижобат этувчи ҳам Тангри таолодир.

Чўлпоной ҳам, Муштарий ҳам бу ажабтовур маросимдан гангиган ҳолда, ийманибгина туришарди. Манзура бошга оқ рўмол ташлашни, остона ҳатлагач салом беришни уларга тайинламаган эди. Оқ рўмоллар жомадонда, жомадон эса Москвада. Салом бериш ва бошқа урфларни Москвадан учганда йўл-йўлакай ўргатарман, деб ўйлаган эди, айтиш кўнглига сиғмади.

Қўй бўғзига пичоқ тортилиб, қон отилганда Муштарий чўчиб, «вой!» деб юборди-ю, юзини бурди. Бунақа манзарага биринчи марта гувоҳ бўлаётган опа-сингил ҳурмат-еътибор рамзи бўлмиш одатни ёввойилик, ҳатто ваҳшийлик белгиси сифатида қабул қилишиб, бир оз

кўнгиллари оғриди.

Меҳмонхонага кириб, тўкин дастурхон атрофида дуо қилишгач, Зайнаб онаси билан кўз уриштириб олгач, келин ойиларига имо-ишора қилиб ўрnidан турди. Қа-йин сингилларининг мақсадини англаган келинлар ижозат сўрагандай Манзурага қарашди. Манзура «тура қолинглар» деган маънода им қоқиб қўйгач, бир оз ҳижолат бўлганлари ҳолда ўринларидан туриб, Зайнабга эргашишди.

— Акамлар аэропортда қолишдимизми? — деб сўради Зайнаб, ҳовлига чиқишгач.

Келинлар «хабарингиз йўқми?» деган маънода ажабланиб қарашди. Чўлпоной вазиятни чигаллаштирмаслик мақсадида:

— Масковинда бир озлик юмушнида ёпмоқликлари лозим ўлур эмиш, — деб изоҳ берди.

Зайнаб ширин лафзда айтилмиш бу сўзларга яхши тушунмаса-да, мулозимат қоидасига кўра жилмайиб қўйди-да, рўпарадаги уй томон юрди. «Қайси бирингиз катта кеннойимсиз?» деб сўрашга ийманиб:

— Бу уй Самад акамга, буниси Ҳамид акамга атаб солинган. Ҳаммоми ҳам ичида, — деди. — Кириб чиқасизларми?

— Сиза чўх ташаккурларимиз ўлсин, Зайнаб бо- ну, — Муштарий шундай деб юзини Зайнабнинг юзига қўйган тарзда ўпди.

— Тенгри таоло сиздан-да ризо ўлсун, — Чўлпоной ҳам шу тарзда ўпгач, ҳар бирлари ўзларига аталган уйга киришди.

Манзура Олмонияда эканида, ҳали қайтиш фурсати маълум бўлмай туриб, аввал Чувриндининг хотинига, сўнг Зайнабга қўнғироқ қилган, келинларнинг уйларини ясатиб, келинлар учун уч-тўрт сидра кийим-бош олиб қўйишни тайинлаган эди. Чувриндининг хотини Элчин фожиасидан сўнг гангиб юрган Зайнабни ёнига олиб, шу хайрли ишлар баҳонасида овунар деган мақсадда бозорларга бирга тушиб, бирга ҳарид қилиб, уйларни бирга ясатган эди.

Келинлар уйга кириб кетишган дамда Манзура меҳмонхонадаги аёлларга узр айтиб, ташқарига чиқди. Зайнаб бундан қувониб, онасига яқинлашди-да, маҳкам қучоқлаб олди.

— Аданг қанилар? — деб сўради Манзура паст овозда.

— Красноярга кетяпман, дедилар.

— Қачон?

— Бугун.

— Нимага кетдилар яна, айтмадиларми?

— Бобомнинг қабрларига тош қўярмишлар.

— Вой Худойим, шу шартмиди ҳозир...

Зайнаб алдамади. Отасидан эшитган гапни айтди. Гапи оҳангида ёлғон бўлмагани сабабли Манзура унга ишонди. Асадбекнинг Москвага кетгани кузатиб чиққан Ҳалимжон билан Кесакполвонгагина аён эди. Нима учун кетгани эса Кесакполвоннинг ўзигагина маълум эди. Дастурхонга шўрва сузилгач, телефон жиринглади. Зайнаб меҳмонхонага кириб «Кеннайим, Маҳмуд акамнинг хотинлари...» деб чақирди. Онаси айвонга чиқиши билан «хабарлари йўқдир» деган мулоҳазада «кеннайим азадорлар, шунинг учун келолмадилар», деб қўйди.

Манзура гўшакни қулоғига тутиб, саломни эшитиши билан алик ўрнига кўнгил сўради:

— Бандалик экан, овсин, укамни бериб қўйиб- сиз, — деб йиғламсиради.

— Қандоқ қиламиз, опажон, пешонамиз шу экан,— деган жавоб йиғига уланди.

Телефон орқали йиғи-сиғи узоққа чўзилмай, Чувриндининг хотини кутиб олишга чиқолмаганидан ҳижолатда эканини билдириб, эрта-индин албатта йўқлаяжани маълум қилди. Манзура тил учида «Хўп, келинг, айланай овсин», деди-ю, «Азадор хотин чиллалик уйга келмай турса ҳам бўларди», деб ўйлади.

Манзура хизмат қилиб юрган Ҳалимжонни чақириб, сўйилган қўйнинг бир сонини олишни, нон, ноз-неъматлардан солиб тугун қилишни буюрди-да, ётоғига кириб жавонни очди. Ўғилларининг илгакда осифлиқ турган қўйлақларидан бир жуфтдан олиб, яхшилаб тахлаб, ялтироқ қоғозга

ўради. Сўнг Зайнабга «сен меҳмонларга қара, мен ҳозир келаман», деб қайнонаси ва қайниси дафн этилган қабристонга кетди. Ҳалимжон олиб келган тугунни гўрковларга бериб, ўзи машинага қайтди. Манзура эса тахта ўриндиқда узоқ ўтириб, Яратганга илтижо қилди.

## IV 6 o 6

### 1

Марҳумларнинг фақат қиёмат қойим бўлганида, сур чалинган онда тирилмоқлари маълумдир. Шундай бўлмаганда эди, Фиръавн тирилиб келиб Хонгирейнинг қилмишларини кўриб, аъёнлари Ҳомон ва Қорунга қарарди-да, «Сенлар ўтмиш ҳаётларингдан кўп ҳам куймаларинг. Сенлардан баттари ҳам бор экан. Сенлар-ку, мени худо деб билиб қилдиларинг барча гуноҳларни. Бу бефаросат бола эса ўзини ўз оламининг худоси деб фаҳм этипти. Мен дўзахга ҳукм қилинганман, аммо бу ақли қосир билан бир ўтда куймоқликдан ҳазар қиламан», деган бўларди.

Фиръавн тақдиридан беҳабар ўнлаб, юзлаб, балки минглаб, балки ундан-да кўпроқ бандалар сафидаги Хонгирейни у дунёда кутилажак азоблар мутлақо ташвишга солмас эди. Унинг айни дамларда ташвиши фақат бу дунёга хос — синган Асадбек ўрнига ўзининг содиқ вассалини қўймоқ. Ҳа, у Асадбекни синган ҳисобларди. Қуриган, синган шохларни гулханга ташлаб, оловда қўлларини иситиб роҳат олгани каби Асадбекнинг жон талвасасидан ҳузурланишни истаётган эди.

Қонундаги ўғри шохсупасида ўтирган, устози Зелихон томонидан «Княз» деб эркаланган Хонгирей қиморбозларни азалдан ёқтирмас эди. Ҳали ўғрилар оламида суюги қотмаган маҳалларда шериклари билан милитсия либосини кийиб қиморхоналарни беш-олти марта босган эди. Омади келиб катта ютуқ олган қиморбозларнинг ҳам додини берган эди. Унинг учун давлат хазинасини ургандан кўра қиморбозларнинг шўрини қуритиш дурустроқ эди. Чунки қиморбоз аҳли ҳукуматга арз-дод қилмагани учун таъқиб ташвишидан ҳоли эди. Катта қиморбозлар билан қонундаги ўғрилар орасида сулҳ мавжуд бўлгани сабабли «қонундагилар»нинг катталари Хонгирейнинг танобини тортиб қўйишгач, ресторан директорининг шўрини қуритаман деганида ўзининг шўргинаси қуриб қолди. Шу ҳолатнинг асосий сабабчилари қиморбозлар деб билиб уларга нисбатан сўнмас нафрати юрагига муҳрланди.

Шунданми, Хонгирей ўзга ўғрилардан фарқли ўлароқ, қимор ўйнамас эди. Ҳатто шунчаки ҳавас ёки кўнгил очар учун ҳам қўлига қарта олмас, ёнидагилар учун ҳам қиморга яқинлашмоқликни ман этган эди. Ўжарлик, ўз аҳдида қатъий туришда унга бас келувчининг топилиши қийин. Аҳдга вафо қилмоқ, қатъийлик покиза қалб эгалари учун яхши фазилат саналади. Зулм уруғи ниш урган юраклар учун эса офат эшигининг очилмоғидир.

Хонгирейнинг бу оламга кириб қолишига асосий сабаб ҳам шу ўжарлик эди.

Қофқазнинг осмон билан ўпишган ерларида жойлашган Ҳамзат овули фақат атрофидаги мағрур чўққилари билан эмас, йигитларининг бўйдор, бақувватлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб турарди. Эндигина ўн бешни қоралаган Афтондил эса гавдада ҳам, абжирликда ҳам йигирма ёшлилар билан баралла баҳслаша оларди. Чавандозликда, курашда овулнинг фахрига айлана бораётган эди. Майхўрлиги туфайли овулга иснод келтираётган одамнинг ўғли атроф овулларнинг ҳам назарига тушаётган пайтда шайтон ғолиблик қилди.

Тенгсиз чавандоз бўлиб етишаётган йигитчанинг уйида от тугул эшак ҳам йўқ эди. Афтондил учун эса бу бир адолатсиз ҳол эди. Бу ноҳақликка чек қўйишга аҳд қилган дамда қалбига зулм ўргимчаги ҳали тўрини ёймаган эди. Дастлаб аҳдини ҳалол тарзда амалга оширмаққа уринди. Тўй-ҳашамдаги пойгаларда, курашларда ғолиб чиқса-чиқмаса унга меҳрини боғлаганлар суюнчи сифатида пул берар эдилар. У ана шу пулларни йиға бошлади. «От бўлмаса той



оларман», деб ният қилди. Назран томондаги Ингуш овулда бир тойнинг доврўғини эшитиб, харидор бўлиб борди. Тойнинг эгаси нархни айтганида Афтондилнинг капалаги учиб кетди: тўплаган пули тойнинг битта түёғига аранг етарди. У тойнинг қимматини тахминан чамалаб кўрган, аммо зотдор тойнинг бу қадар қиммат бўлишини ҳисобга олмаган эди. Ўжар, мағрур, айни дамда соддадил йигитча «ҳозирча шу пулни ола тулинг, қолганини ке-йинроқ олиб келиб бераман», деди. Тойнинг эгаси бу соддалиқдан кулиб, «бўлмайди, иним», деб қўя қолса бўларди. Аммо у ҳазиллашиб «бу пулингга эшак олиб мина қол» деб мағрур йигитчанинг иззат-нафсига тегиб қўйди.

Худо урганни, банда ҳам туртиб ўтади, дейишлари рост экан. Назрандаги Ингуш овулдан алам билан қайт-ган Афтондилнинг ғам дарёси икки кундан сўнг тошгандан тошиб кетди: отаси пулни ўғирлаб олиб, шериклари билан бўкиб ичибди. Афтондил ҳар қанча аламда бўлса-да, отасига қарши гапирмади — ҳаддида турди, мағрур тоғликлар урфини бузмади. Айтилиши лозим бўлган гапларни онаси айтди: «Бу кунингиздан ўлганингиз минг марта яхши. Ўғлингиз от олмоқчи эди бу пулга, сизда инсоф деган нарса борми?! Кеча Наз-ранга борганида пули етмаган экан, тамом қуритдингиз-ку энди!» деди. Кайфи ҳали тарқаманган отаси эса қўл силтаб «Еркак одам пулим етмади, деб ўтираверадими, ёққан бўлса миниб келавермайдими? Битта ингушнинг тойини тортиб ололмаган чечен — чеченми», деб минғирлади. Шунчаки айтилган гап Афтондилнинг қулоғига ўрнашиб қолди. Эртасига эса отасининг кайф аралаш айтганлари ҳақ гапга айланди. Эшак сотиб олиб минишни маслаҳат бериб ҳақоратлаган одамни жазолаши керак эди. Отасининг айтганини амалга оширишни пайсалга солмади. Назранга той миниб келиш қасдида жўнади-ю... уйига бир ярим йилда қайтди. Той миниб эмас, «от ўғриси» деган лаънат тамғаси билан қайтди. Энди унинг кураш майдони ҳам, пойга майдони ҳам ўзгарди. Озодликдаги кунлари бир йилга бормади. Бир дўконни босаман, деганда саккиз йилга кетворди. Ёши ўн саккизга етгунига қадар ўсмирлар ахлоқ тузатиш лагериди бўлиб, сўнг Псковдаги катталар қамоқхонасига кўчирилди. Ахлоқ тузатиши лозим бўлган ерда ўғирлик бобидаги чала илмини анча тўлдирган эди. Псковга келиб эса, «олий маълумот» ола бошлади. Бу «олий маълумот»ни «академик» лақаби билан машҳур Зелихон берди. Кейинчалик «қонундаги ўғри» тожини кийиши ҳам айнан шу устозининг тавсияси билан амалга ошди. «Афтондил» исмининг «Хонгирей»га айланиши ҳам унинг истаги билан бўлди.

Биринчи марта ўтирганида унга «Зулук» деб лақаб беришган эди. Бу ном Зелихонга ёқмади. Йигитни синаб, ҳунарини ўргатгач, бир куни:

— Сен балчиқда туғилганмисан? — деб сўради.

— Мен тоғлиман! — деди Афтондил ғурур билан.

— Тоғда қўнғиз ҳам туғилади, бургут ҳам, — деди Зелихон. — Сен бургут бўла олармикансан?

— Мен бургутман! — деди у ишонч билан.

— Унда нима учун шунча йилдан бери «зулук» деган паст номни ортмоқлаб юрибсан. Бургут бўла олсанг, нимага чанг солишни билиб ол: қузғунга ўхшаб ўлакка овлама. Зулукнинг вазифаси нима, биласанми? Билмасанг билиб ол: у ҳаром қонни сўради. Ҳаром қон сўрувчи зулук билан ўлакка еювчи қузғуннинг нима фарқи бор? Сен лақабингни ўзгартир. Зулук деган номдан ор қилмаганингга ҳайронман.

Чиндан ҳам ор қилмаган эди. Бу дашномдан сўнг изза чекди.

— Мен сенга Хонгирей деб ном бераман. Мен Хонгиреевлар насабиданман. Сен ҳам Гирей хонлар сингари бу оламнинг зўри бўл, хони бўл!

Афтондил — Хонгирей Олтин ўрдага бўюнсинмай, Қрим хонлигига асос солган Гирей хонлари сулоласини, уларнинг европага даҳшат солганларини, Давлат Гирейнинг эса Москванинг додини берганини билмас эди. Буни Зелихон ҳам яхши билмас эди. Шубҳасизки, шогирдининг Давлат Гирей изидан бориб, Москвага ин қўйишини, Москванинг зўрларидан бирига айланишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Афтондилга устозининг биттагина гапи кифоя қил-ди — ўшандан бери у Хонгирей. Аммо номи

Ўзгаргани билан феъли аслича қолаверди. Ҳаром-харишнинг, ўлаканинг фарқига бормай яшайверди. Зелихон вақти-вақти билан унга дашном бериб турарди. Хонгирей устозининг дашномларини индамайгина эшитарди, бошини эгарди, кейин эса яна ўз йўлида давом этаверарди. У гарчи «Тоғликман!» деб ғурурланса ҳам, бургутман, деб керилса ҳам, устозига хиёнат қилишга мажбур бўлди: Зелихонни охиригача ҳимоя қила олмади. Ўз жонини гаровга қўйиб устозини сақлаб қолмоғи мумкин эди, аммо бундай қилмади, юрагини мой каби ўраган худбинлик бунга йўл қўймади.

Биринчи хиёнатни кўпчилик сезмай ҳам қолди. Зелихон ўлдирилгач, унинг руҳига ҳам хиёнат қилдики, буни бошқалар ҳам пайқашди. Биринчи галда Байгилдин фаҳмлади. Байгилдин ўша Псковдаги қамоқда Хонгирейни Зелихондан «қабул қилиб олган» ўғри эди. Банклар бўйича «мутахассис» ҳисобланган Байгилдин қамоқдан кейин ҳам Хонгирей билан бирга бўлди. Мустақил ишлашни ёқтирмайдиган Байгилдин оқибатда Хонгирейнинг ўнг қўлига айланди. Майда ўғирликлар барҳам топиб, Хонгирей қулочини каттароқ ота бошлаганда Байгилдинга иш ҳам қолмади. Аммо Хонгирей уни ёлғизлатмади, Байгилдин «маслаҳатчи» мартабасида юраверди. Байгилдин берадиган маслаҳатлари ҳавога учиб кетишини, Хонгирей ўз билганидан қолмаслигини билса ҳам уни ташлаб кетмади.

Шогирдининг Асадбекка осилаётганини фаҳмлаган Байгилдин аввалига индамади. Асадбекнинг ўғиллари ҳибсга олинганидан сўнггина аралашмоқликни маъқул кўрди.

Маматбей кириб Асадбекнинг ўғиллари раён милитсиясининг қамоқхонасида ўтиришганини маълум қилгач:

— Келишганимиздек, эртагача кутаимиз. Асад келса келди, келмаса ўғилларини Лефортовога ўтказиб юбораверамизми?

— Шошилма,— деди Хонгирей эснаб, — сен ўзбекларни яхши билмайсан. Ўлар жойда бўлса ҳам етиб келади. Ўзбекнинг кўзига жони эмас, боласи кўринади. Менинг кўнглим тўқ. Шу бир-икки кун ичида Асаднинг масаласи ҳал бўлади.

— Ўғилларидан қайси бири?..

— Айтувдим-ку? Бўшангроғи қолсин, отасига ўхшаганини тинчитасан.

— Биттаси аеропортда ғалва кўтарди. Жангарироқ экан.

— Ана, ҳукм тайин экан-ку? — Хонгирей бу сафар обдон керишиб, эснади. — Нима бало, ланжлик тарқамаяпти-ку?

— Қоняк қуяйми? — деди Маматбей ўрнидан туриб.

— Йўқ, сен чиқиб айт, аччиқ қаҳва беришсин.

Маматбей эшикни қия очиб буйруқни етказгач, яна Байгилдин ёнига ўтирди.

— Хон, — деди Байгилдин, — Сен Зеляни унутдингми?

Хонгирей унга қараб қўйди-ю, жавоб бермади. Байгилдин ҳам жавобга муштоқ бўлмаган одамдай бошқа гап қўшмади. Савол Хонгирейга ёқмадими, демак жавобдан умид қилмаслик керак. Саволни иккинчи бор қайтармоққа ҳожат ҳам йўқ.

Ўн олтидан эндигина ошган дуркун қиз ишва билан олиб кирган қаҳвадан уч-тўрт хўплагач, Хонгирей устозига қаради.

— Ўзбекларга қўл кўтаришга ҳаққим йўқлигини биламан. Чеченларга нон берганларга қўл кўтарсам, Зели оғамнинг руҳи чирқирайди, шуни айтмоқчимисиз?

Бу гап Маматбейга маълум эди, шу боис ҳожасини қувватлади:

— Улар ўйин қондасини буздилар, жазосиз қолдириб бўлмайди.

— Сен тўғри гапир, жазоламаймиз, тарбия қиламиз, — Хонгирей шундай деб оёқларини пастқам стол устига қўйиб, чалиштириб олди.

Байгилдин шогирдининг ўзи томон узатилган оёқларига эътибор бермади, кўнгли ҳам оғримади. Одоб деган тушунчадан йироқ бўлган олам учун бундай ўтириш нима экан, агар Хонгирей шу томон қараб таҳорат ушатса ҳам парвойига келмаган бўларди. Чунки бунда ёш эмас, мартаба муҳимроқ.

Байгилдин шогирдини огоҳлантириш билан вазифасини адо этган ҳисоблаб, гапни чувалаштирмади. Хонгирей эса ўнг билагидаги соатга қараб, яна эснади-да:

— Пончикни соат нечага айтгансан? — деб сўради.

— Вақт бўлди, келгандир, — деди Маматбей.

— Қара, келган бўлса чақир.

Маматбей яна ўрнидан туриб, эшикни очди-да, амр-га маҳтал турган йигитга имлагач, яна жойига қайтди. Дам ўтмай эшик баралла очилиб, остонада Селим кўринди.

— Селим, бормисан, орқадодим! — деди Хонгирей ўтирган ерида.

Селим салом берди-да, гавдасига ярашмаган ҳолда тез-тез юриб келиб, сўрашиш учун узатилган қўлни ўпиб, кўзига суртди. Бу қилиқ маъқул келиб, Хонгирей ўзини чин хон каби ҳис қилиб жилмайди-да, Селимга ёнидан жой кўрсатди.

— Қаерларда тентираб юрибсан? — деб сўради у Селим ўтиргач, елкасига қўлини ташлаб. — Қорабоғда эдинг, Бокуга кўчибсанми?

— Ҳа, энди... — Селим айбдор боладай бошини эгди. — Қорабоғдаги қариндошларни қора тортиб борувдим, у ернинг тинчи ҳам бузилди... Боку тинчроқ бизга.

— Сен қаерга борсанг, ғалва чиқяпти, нима бало шумқадаммисан? — Хонгирей шундай деб кулди. Маматбей ҳожасининг кўнгли учун тиржайди. Дам сигарет тутатиб, дам қаҳва ҳўплаётган Байгилдин эса бу гапларни эшитмагандай жимгина ўтираверди.

— Сен нима учун Ҳосил билан чиқишмай қолган эдинг? — деб сўради Хонгирей жиддийлашиб.

— Отанг-дан қолган молингни талашдингми?

— У нархни паст олди, бизга тийин ҳам қолмади.

— Ҳосил менинг одамим-ку?

— Буни билмабман.

— Сен ментларга хизмат қилдингми?

— Йўқ. — Селим шундай деди-ю, ичида нимадир узилгандай бўлди.

— Зели оғам сени нима учун дўппослади?

— Тушунмовчилик бўлган...

— Зели оғамни ўлдиришди. Унинг ўлими сенинг бўйнингда. — Хонгирей шундай деб Селимнинг бўйнига уч-тўрт шапатилади. — Сенинг ҳар бир томирингни битта-битта кесиб ташласам ҳам хумордан чиқмайман. Бўри ўлибди, эшитгандирсан?

— Йўқ...

— Лақиллатма, эшитгансан. Сен ҳар бир балони биласан. Сен титрама, пончик. Нима бало, иштонингни ҳўл қилиб қўйдингми, тур, чиқиб алмаштириб кел. Маматбей бунга лойиқ иштонинг борми? Хотинларники ҳам бўлаверади. Бунинг эркакка ўхшамай қолибди. Ўзингни тут, шу юрак билан Ҳосилга осилдингми? — Хонгирей шундай деб уни елкасига енгил муштлади. — Сени ўлдирмайман. Бир қоп гўштнинг жонини суғуриб олсам иснодга қоламан. Сен ҳозир кўч-кўронингни кўтарасану Ўзбекистонга қайтасан.

— Нега?

— Кокоин билан шуғулланасан.

— Ким билан... ишлайман? Яна Ҳосил биланми?

Хонгирей «Ҳосилнинг ўлимини ростдан ҳам билмайсанми?» дегандай унга тикилди:

— Ҳар ҳолда Илико билан эмас...

Бу гапдан сўнг Селим ростдан ҳам иштонини ҳўл қилай деди. Фарғонада эканида, ҳали Зелихоннинг тепкисини емай туриб, «Бўри» — Федянинг йўриғига юрмасидан аввал ғилай Шомил уни сиқувга олганида «Илико билан маслаҳатлашайчи...» деб, кимга суянажагини ишора қилиб қўйган эди. Ҳосилнинг Хонгирей билан алоқаси борлигини билганда бу гапни зинҳор айтмаган бўларди.

— Илико билан... алоқам йўқ, — деди Селим титроқ товушда. — Менга осилавермасин, деб шунчаки айтувдим.

— Биламан, — деди Хонгирей, — Илико сен билан ишлайдиган аҳмоқ эмас. Икки қулоғингга қўйиб ол: Ўзбекистон меники. У ерга бир-икки ишончли одам керак. Алоқаларингни йўқотмагандирсан, а?

— Бор... сиз билан ишлаш биз учун бахт.

— Тилёғламалик қилма. Мен билан ишлаган одам ҳеч қачон бахтли бўлмайди. Сен Ўзбекистонга боравер, нима қилишингни кейин айтаман.

— Мен аввал ўзим бориб, жой-пой қилсам...

— Ҳа, албатта, бир ўзинг борасан. Оиланг эса Москвада туради. Сен у ерда бошқага уйланиб, маиша-тингни қилавер. Маматбей, бунинг ўйнашларидан хабар олиб келдингми? Маматбей бош бармоғини кўрсатиб, «Зўр!» деган ишорани қилганича ишшайди. Селим эса оиласи гаровда эканини англаб зил кетди.

— Балки Бокуда... — деб гап бошлаган эди, Хонгирей унга ўқрайди.

— Галварс! Одамлар Москвада яшашга етишолмайдилару сен ноз қиласанми? Агар ҳалол ишласанг, уч йилдан сўнг ана у ерда, — Хонгирей устози ўтирган ерни имлаб кўрсатди, — ўтирасан.

Хонгирей шу гапни айтгач, Селим масала ҳал бўлганини англаб, ўрнидан турди. Остонага етай деганида Хонгирей уни тўхтатди:

— Ҳосилдан кўрқма, у ҳам ўлган.

Селим бу хабарни энди эшитгандай, Хонгирейга ажабланиб қаради. Хонгирей бошқа гапирмади. Ичида «Ҳа, тулки!» деб қўйиб сўкинди.

Бир неча соатдан сўнг Кесакполвон қўнғироқ қилиб, Асадбекнинг Москвага қараб учганини билдирди.

## 2

Бу воқеадан тўрт кун аввал Асадбек Чувриндининг жанозасидан сўнг эски уйига келиб ўтирганида Хонгирей Москвадан салкам икки юз чақирим нарида жойлашган Шаховской деб номланувчи ўрмон бағрида барпо этилган қароргоҳида маишат қилиб ётарди. Чувриндининг ўлими хусусидаги Кесакполвоннинг хабари унга айнан шу ерга етказилганди. Ўшанда Хонгирей хушxabарни айтган Маматбейдан:

— Асадбекнинг ўғиллари Германияда эдими?— деб сўраб, саволига жавоб кутмаёқ амр этган эди: — Хабар олчи, ҳар ҳолда қадрдонимнинг болалари, уйига қайтадиган бўлишса, Москвада уч-тўрт кун меҳмон қилайлик.

Уларни қандай кутиб олиш, қандай меҳмон қилиш режаси айнан ўша ерда, ўша дамда пишиб этилган эди. Ёвлашиб қолган икки одамнинг бири отасидан қолган эски уйда, болалик чоғида башарасига туфлаб, халқ душмани ўғлига нафратини изҳор этган дўстлари учун ош дамлатиб ўтирарди. Дўстларини кутаётган Асадбекнинг хаёли болалик хотиралари билан эмас, балки укасидай қадрдон бўлиб қолган Чувриндининг ҳалокати билан банд эди.

Шаховскойдаги қароргоҳда эса Хонгирей шохона дастурхон тузаб, ўғрилар оламига кириб топган Катс, Япончик, Тенгиз, Жамал, Михас, Каро, Якутёнок каби лақаблар билан ном чиқарган дўстларини кутаётган эди. Мазкур маишат Козлов салтанатининг барбод этилгани суюнчиси эди. Хонгирей шу зиёфат баҳонасида Ўзбекистонда ҳам тўла назорат ўрната бошлаганини маълум қилиб, «сенлар у томонларга буринларингни тикмаларинг», деб ишора қилиб қўймоқчи эди.

Осмонга ҳукмини ўтказишга, қуёш юзини тўсишга аҳд қилган қора булутлар оҳиста ва сокин сузиб юрган бўлсалар ҳам, улардан кўрққулик. Етарли қувват тўплагач, бир-бирига яқинлашади-ю, яшин чақнаб ҳамма-ёқ остин-устин бўлиб кетади. Шамол уларни ҳайдаб, қуёш юзи очилгунга қадар қора булутлар бағридан тўкилган дўл экинларни пайҳон қилишга улгуради. Шаховскойдаги қароргоҳ билан Асадбекнинг эски уйи орасида салкам бешминг чақирим масофа бўлса-да, бу икки жойни, бу икки жонни кўзга ташланмас иблисинг зулм

иплари бир-бирига боғлаб турарди. Қора булутларни-ку шамол ҳайдар, аммо қора ниятларга нима тўсиқ бўла олар экан?

Асадбек «дўстлар даврасида бир оз таскин топармикинман», деб янглишган эди. Танча атрофида фақатгина унинг жисми ўтирарди. Палов сузилиб, ҳиди нафсни бир қалқитиб олдию, бироқ томоқдан овқат ўтмади. Айниқса Жалилнинг бир гапи бошига гурзи каби урилди... Болаликдан бирга улғайган дўстлар йиғилгани билан давра суҳбати уй каби совуқ, узук-юлуқ мавзудаги гаплар бир-бирига қовушмас эди. Осмон каби тунд ўтирган Асадбекнинг кайфияти ҳазил-мутойибага йўл бермади. Ошналар «нима учун чақирди-ю, нима учун биров еб ўзи қуруқ қолгандай тумтайиб ўтирибди», деган маънода бир-бирларига саволомуз қараб қўйдилар халос. Бунинг сабабини фақатгина Жалил сўрай оларди. У жим ўтирибдими, демак бошқаларнинг ҳам сукут сақлаганлари дуруст. Агар Асадбек лозим топса, нега йўқлаганини ўзи айтади. Лекин кайфияти чатоқлигининг сабабини барибир билдирмайди. У ташвишини бировга дастурхон қилиб ёядиган тоифадан эмас.

Асадбекнинг қулоғига ошналарининг сўзлари дам кириб, дам кирмасди. Жалил суҳбатга қўшилмасидан олдин гап нима ҳақда кетаётганини англамай қолди. Тўлқин маҳалладаги бир қариянинг фарзандлари беоқибат, бемехр чиққанини айтаётганида Жалил унинг гапини шарт бўлиб:

— Худодан қайтибди, унинг ўзи ҳам отасини хорлаган эди, — деди.

Худодан қайтибди... Зайнаб ўғирланганида Жалил томонидан айтилган бу гап унутилмай, юрагини сич-қон каби кемириб ётган эди. Ҳозир ўша оғиздан чиққан ўша гап хонада момақалди роқ сингари гулдирагандек бўлди. Асадбекнинг бошига гурзи каби урилиб, товонига қадар зириллатди.

«Худодан қайтибди?.. Мени гапиряптими?» Асадбек шу хавотир билан ўртоқларига қаради. Жалил унинг боқишига эътибор бермай айни кунларда эзилаётган оқсоқолнинг бир вақтлар отасини қандай хорлаганини гапира бошлаган эди. Асадбек суҳбат мавзуини қисман англаган бўлса-да, бошига тўқмоқ каби урилган гапнинг захридан қутула олмади.

Худодан қайтибди... Асадбек ўшанда «Менинг маишат қилганимни кўрдингми?» деб баланд келишга уринса-да, фақат ўзигагина Оллоҳга маълум қилиқларини эслаб, бу ҳақ гап олдида таслим бўлган эди. Ана шу таслимлик ўшандан бери азоб берарди. Жалилнинг ҳозирги гапи бошқа одамга тегишли бўлгани билан унинг ярасини янгилади.

Худодан қайтиши...

Зайнабнинг қисмати, Маҳмуднинг ўлими... Яна Худо нималарни қайтариб, бошига солар экан?.. Ош ейилиб, бир пиёладан чой ичилди-ю, дўстлар давраси ортиқча лутфсиз тарқалди. Шундан сўнг Асадбек ҳам ўрнидан турди.

— Уйингга борасанми? — деб сўради Жалил ундан.

— Сени олиб бориб қўйишади, — деди Асадбек тўғри жавобдан бўйин товлаб.

Жалил бу гапдан «Борар ерим билан ишинг бўлмасин», деган маънони уқиб:

— Автобусда кетавераман, онам мени машинада туғмаганлар, — деди.

Асадбек яна тўнғиллаб қолишнинг олдини олиш мақсадида ҳазил оҳангида:

— Сени ойинг гармдорининг устига туққанлар, — деди.

Бир нима деб жавоб қайтаришга Жалилнинг тили қичиди-ю, аммо дўстининг аҳволини инobatга олиб, ўзини тийди.

Асадбек уйига қайтмади, Чувриндиникига борди. Шом кириб, хассакашлардан бўлак одамлар тарқалишган эди. Асадбек машинадан тушмай турибоқ, атрофга қараб Кесакполвонни қидирди. Ҳовлига, ундан меҳмонхонага кирганида ҳам нигоҳи уни излади. Муштоқлиги учун эмас, аксинча кўргиси келмаётгани учун ҳам қидирди. Жалил «ошнам укасининг ўлиmidан эзилиб кетди, шунинг учун жанозадан сўнг азадор хонадонга боргиси келмади», деб ўйлаб бир оз янглишди. Тўғри, эзилди. Бироқ Чувриндининг уйига келишидан тийилишига асосий сабаб Кесакполвонга рўпара келиш кўрқуви эди. Ҳа, айнан кўрқуви эди. У ўзини тутолмай аёнига

ташланиб қолишдан чўчирди.

Асадбек Кесакполвонга қабр тепасида туриб «юрагимга тупурдинг» деган гапини аниқ ишончга эмас, гумонга суяниб айтган эди. Фалокат тасодифан юз бердими ё биров атайин уюштирдими, Асадбек аниқ билмасди. У ҳаёти давомида катта-кичик фалокату фожиаларга кўп дуч келди. Ана шу ҳаётини тажриба унда «ҳеч қандай иш тасодифан юз бермайди» деган ақидага ишонтириб қўйган эди. Шу боис ҳам «машинаси тасодифан тўқнашиб кетибди» деган фикрни четлаб ўтди. Кейинроқ «ярим кечада бу кўчада «КамАЗ» нима қилади, бу ҳечам тасодиф эмас», деб ақидасига содиқ қолди.

Фожеа ҳақидаги хабарни эшитиб то Чувриндининг уйига келгунича турли гумонларни ҳақиқат тарозуси паллаларига қўйиб кўрди. Унга дадил қарши чиқиши мумкин бўлган Ҳосилнинг жасадини аллақачон лаҳад қуртлари еб адо этгандир. Шомилнинг танасиз боши ҳам неча қуртларга озуқа бўлгандир. Ҳосилнинг бошқа йигитлари бундай ишга жазм эта олмас. Унда ким?

Бу саволга Кесакполвоннинг кўзлари жавоб бергандай бўлди. Кесакполвон Асадбекни тили билан алдашга кўп уринган, лекин ҳар сафар кўзлари панд бериб қўярди. Асадбек буни болалик йиллари мактабда перо ўғирлаш воқеасидаёқ кашф этган эди. Ўқитувчи «Ҳайдар, сенчи, тупурмайсанми?» деганида Асадбек билан унинг нигоҳи тўқнашган, ўшанда Ҳайдар кўзларини олиб қочиб, ўғирлигини фош этиб қўйган эди. Ўшанда Асадбек «ўзим кўрдим, сен ўғирладинг», деган ёлғон гапини унинг қарашидаги ана шу хавотирликка асосланиб айтганди. Ерта тонгда Чувриндининг ҳовлисига қадам босиб кирганида рўпарасида Кесакполвон пайдо бўлди. Рўпара бўлди-ю, яқин кишисидан айрилган одамнинг дарди, қайғуси билан эмас, айбли кишининг хавотирли нигоҳи билан қаради. «Асад, Маҳмуджондан айрилиб қолдик», деди унинг титроқ лаблари. Аммо нигоҳи «ажал укахонимизни юлиб олди», деб фарёд урмади. Аксинча, Асадбекнинг савол зуҳурланган тик қарашига дош беролмай, «кечир мени, билмай қилиб қўйдим бу ишни» дегандай бўлди.

Асадбек бу икки аён орасидан гап қочар, тахт талашар, оқибатда келишиб олишар, деб ўйларди. Бироқ, бир-бирини ўлдириб юборар деган фикрдан йироқ эди. Айниқса Кесакполвон ўзи топган, ўзи тарбия қилган одамини ўзи яксон қилар, деб кутмаган эди.

Чувриндининг ҳовлисида тўқнашган нигоҳлар оқибатида туғилган гумон Кесакполвонни таъқиб эта бошлади. Чувриндининг ўғли «чақиртирган экансиз», дегач, бу гумон ҳақиқатга айлана борди. Ана шу ҳақиқат маълум нуқтага етгач портлаши мумкин эди. Асадбек айнан шуни истамади. Қабр тепасида туриб аёнини ҳайдаган бўлса-да, кейинроқ «ишқилиб адашган бўлайин, ишқилиб бошқа одам бўлсин», деб умид қилди. Чувриндининг ўлими уни заҳарли ўқ билан яралади. Асадбек «қачондир кимдир мени ўлдириб кетар, ўз ажалим билан ўлмасам керак», деб хаёл қиларди. Охирги ойларда Ҳосил бойваччадан хавотирланарди. Агар хавотири чинга айланса, Ҳосил отса ёки сўйса унчалик алам қилмас эди. Агар ҳозирги гумони тўғри чиққудай бўлса, аламга чидолмас, жонини шу алам панжаси суғуриб олар...

Асадбек Чувриндининг уйида Кесакполвонни учратмагач, бир оз енгил тин олди. Хизмат қилиб чарчаган йигитлар Асадбекни меҳмонхона остонаси қадар кузатиб, ўзлари ён томондаги хона томон юрдилар. Меҳмонхонага аввал Чувриндининг катта ўғли, салдан сўнг бошига қора рўмол ташлаган хотини кирди. Она-бола «жанозадан кейин кўринмай қолдингиз, тинчликми?» деб сўрашмади, Асадбек ҳам узр айтишни лозим топмади. Бир неча фурсат бир-бирларига қарашга ботинмай жим ўтирдилар. Асадбек сўз айтиш аввал ўзидан лозим эканини биларди. Ҳаммининг тилидан бирдай учадиган «бандалик...» дан бошласинми?

Асадбек сўз бошлашга қийналиб ўтирганида аёлларнинг бесабрлик одатига содиқ қолган келин (Чувриндининг хотинини у чин келинлик мартабасида кўрар эди) тилга кирди:

— Мулла ака, қишлоқда тоғалари бор экан, айттирсакмикин?

Савол келини томонидан берилган бўлса-да, Асадбек унга жавоб қайтариш ўрнига жиян мартабасидаги Чувриндининг ўғлига қараб сўради:

— Илгари борди-келди қилармидиларинг?

— Йўқ, — деди жиян «тўғри жавоб беряпманми?» деган маънода онасига қараб олиб, сўнг дадилроқ оҳанг-да қўшиб қўйди: — Биз уларни танитаймиз.

— Танымасаларинг нима қиласанлар хабарлаб. Тиригида ярамаган тоға энди келиб тирилтириб берармиди. Меҳрга арзийдиган одам бўлса, Маҳмуднинг ўзи оқибат қиларди. Энди гап бундай, Умиджон болам, аданг раҳматли етимликда катта бўлган эди. Сен «менинг ҳам пешонам шу экан», деб сиқилма. Сен мени «опоқ дада» деб катта бўлдинг. Ўлгунимча сенга ҳам, укаларингга ҳам дадаман.

— Мулла ака, сизнинг тани-жонингиз соғ бўлсин. Сиздан бошқа бизнинг яна кимимиз бор? Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг. Фотиҳага келаётганларга йигирманинг қачон бўлишини айтиб қўйсакимикин?

Асадбек бу сафар ҳам жиянига қараб жавоб берди:

— Буларни ўйламаларинг. Қачон, қаерда, нима қилишини ўзимиз биламиз. Умиджон болам, сен адангларнинг тсехларига бориб турармидинг?

— Ҳа... — Йигит бу сафар ҳам онасига айбли одамнинг нигоҳи билан қараб олди.

— Уч кун бу ерда тургин-да, кейин ишга қара. Аданг-нинг ишларини энди ўзинг юрғизасан.

— Мулла ака, — келин мурожаат этишга этиб қўйиб, фикрини баён қилмоққа иккиланганича паст овозда деди: — Ўғлингиз ўқишини тиклаб, давом эттирсамикин, девдик. Укангиз билан ҳам маслаҳатимиз шунақа бўлувди. Ўғлингиз бир эси йўқлик қилибми ташловди ўқишини, энди ўзи ҳам пушаймон, «ўқийман», деяпти, опоқ дадаси. Яна... Умиджон ўғлингиз ёш... бу ишларни эплотмайди.

Буралган тарзда баён қилинган фикрга яширилган мақсадни Асадбек англади.

Бу аёл эри бажарадиган барча ишларни аниқ билмаса-да, одамларнинг гап-сўзларига ишониб, тахмин қиларди. Лаззатли келинлик оламига кирган дастлабки ҳафталар, ойлар, йилларда эрининг уйга қайтишини хавотир билан кутиб, туни билан Манзура каби жойнамоз устида ўтиришни одат қилмаган, лекин ажинадан кўрққан қизалоқ каби ҳадиксираб кун ўтказарди. Гарчи шу оламнинг ноз-неъматларидан баҳрамандликда яшаса-да, фарзандларининг бошқа бежавотир олам фуқаролари бўлишларини истарди. Бу жиҳатдан унинг нияти Манзуранинг, нафақат Манзуранинг, ҳатто Асадбекнинг умидлари билан уйқаш эди. Шу сабабли ҳам Асадбек гапнинг замиридаги маънони дарров уқди. Уқди-ю, бироқ, аччиқланмади, «ношукр экансан!» деб ғазабланмади. Аксинча бу таклифни хотиржамлик билан қабул қилди:

— Ўқийди, ўқилаганига қўймайман. Маҳмуд менга ҳам «ўқишини тиклатаман», девди...

Асадбек бу гапнинг ёлғонлигини билдириб қўймаслик учун худди рост гапираётган одам каби она-болага бир-бир тик қараб олди. Тўғри, Чувринди ўғлининг ўқишидан гап очган эди. Фақат ҳозир Асадбек айтган тарзда эмас, балки «Бек ака, сизнинг ўғилларингизга ҳавасим келади. Умиджонимда ўқишга сира тоқат йўқ. Болалигидан шунақа. Китоб ўқи, десам йиғларди. Эндикун «ўқимайман» деб дангал айтди. Ўқимаса ўқимас. Лекин битта диплом тўғирлаб қўйсаммикин», деган эди. Ҳозир Асадбек «ўқилаганига қўймайман» деганда ўша «диплом тўғирлаш»ни назарда тутди. Бир озлик сукутдан сўнг у фикрини давом эттирди:

— Ўзимнинг болаларимни ўқитиб, сеникиларни кўчага ташлаб қўяманми? Сен айтмасанг ҳам ўқитаман. Хотиржам бўл, болаларингнинг ҳаммаси ўқийди. «Ҳоҳламайман» дейдиганини ҳам тинч қўймайман.

Хизмат қилиб юрган Хумкалла учта коса қўйилган патнисни кўтариб кириб, уларнинг гаплари узилди.

— Кеннайи, қўшнилардан қайноқ мошхўрда чиқди. Бек ака, сизникини қатиқламадим-а?

Хумкалла шундай деб косаларни дастурхон устига қўяётганида келин юзига оҳистагина фотиҳа тортиб, ўрнидан турди-да, «Мен ичкарида ича қоламан», деб эшик томон юрди.

— Кеннайи, сизникини олаверайми бўлмаса? — Хумкалла шундай деб битта косани патнис устига қўйиб, изига қайтди.

Чувриндининг ўғли Хумкалла киришидан то чиққунига қадар унга ғалати қараш билан қаради. Асадбек буни сезиб, у ҳам Хумкаллага тикилди. Тикилди-ю, унда саросима ёки довдираш ҳолатини илғамади. Кўпроқ Чувринди билан бирга бўлувчи Хумкалланинг феълени, қилиқларини яхши билмагани учун ҳам Асадбек ҳеч нима сезмади.

Асадбек ота ўйидаги паловхўрликда Жалилнинг зўри билан уч-тўрт қошиқ ош еган эди. Бошқа пайт бўлганида балки таомнинг ҳиди нафсни қитиқлаб уйғотарди. Аммо бир неча соат олдин ўлик чиққан уйда нафс уйғона олмади. Асадбек кўнгил учун қўлига қошиқ олди-да, овқатга ботириб айлантирди.

— Ич болам, совутма, — деди меҳрибонлик билан.

Чувриндининг ўғли ҳам кўнгил учун бир қошиқ ичиб опоқ дадасига қараб олди.

— Кечаси телефон қилган одамнинг овозини танидингми? — деб сўради Асадбек, косани сал нари суриб. — Мен адангларни чақирмаган эдим. Бу гап орамизда қолсин. Аянга ҳам айтма. Овозни кимга ўхшатдинг?

Умид елка қисиб, ерга қаради.

— Айтавер, қўрқма. Бу тасодифга ўхшамаяпти. Агар адангларни... ўлдиришган бўлса... унда сен... уларни ўлдирасан. Кетган келаркан, кетмонлаган қайтиб келмас экан. Мен бу ишнинг тагига етаман. Ғаламисни топиб ўлдирмасак, аданглар биздан рози бўлмайди. Ҳаёт шунақа, Умиджон болам, эркак одам қасос учун яралган.

Асадбек ҳаёт ҳақидаги, яралиш ва ўлим тўғрисидаги, меҳр ва зулм хусусидаги ўз дунёқараши, ўз хулосаларига таяниб айтди бу гапларни. У «ал қасосул минал Ҳақ» — «қасос Ҳақдандир» деган ҳақиқатнинг маъносига етмас эди. Асадбекдай одам бу ҳақиқат мағзини чақолмаса ҳаётнинг аччиқ мевасини эндигина тотган бу йигит нима десин? Ярим тунда отасининг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб «адамни ўлдиришибди», деган хаёлга банди бўлиб қолган йигитга Асадбекнинг ҳозирги гаплари қанот берди. У отасининг мурдаси уйга олиб келиниб, ғассолнинг қўлига топширилгунича ҳам, Ерга топширилиб, то фотиҳачилар оёғи узилгунича ҳам «Ким ўлдирди?» деган саволга жавоб топмоқ истади. Кўнгил сўровчиларнинг аксари унинг кўзига қотил бўлиб кўринди ҳам. «Бандалик...» деган сўзлари йигитнинг қулоғига «Бопладик...» дегандай эшитилди. Ҳатто... «опоқ дада» деб эркалаб меҳр қўйгани Асадбек ҳам бу рўйхатга бир кириб чиқди.

Ҳозир опоқ дадасининг дардли оҳангдаги гапларини эшита туриб ундан гумонсирагани учун уялди.

— Ота-боболаримиз ҳамиша шундай қилишган, — деди Асадбек. — Биз ҳам шундай қиламиз. Агар сен билан мен эплай олмасак, укаларинг улғайганида ўлдиришади у палидни. Агар укаларинг катта бўлгунича у ўлиб қолса, ифлослиги учун болалари жавоб беради. Ҳукм шу. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Энди айт, овозни танидингми? — Умиддан садо чиқавермагач, Асадбек унинг ҳозирги қарашига асосланиб — Хумкалла эмасми? — деб сўради.

Умид опоқ дадасига бир қараб олди-ю, ишончсизлик билан бош ирғади.

— Бўпти, бировга оғиз очма. Сен қарашингдан гумонингни сездириб қўйяпсан. Чақирган Хумкалла бўлса, чақиртирган ким? Бу ёғига аралашмай турасан.

Боланинг ташқи кўриниши отага ўхшагани билан феълли ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди. Умиднинг бўй-басти отасига тортса-да, қизиққонлиги ўхшамасди. Ёш йигитлардан вазминлик, чуқур мулоҳаза юритишни талаб қилишнинг ўзи тўғри эмас. Қизиққонлик барча ёшларга хос. Вақти келиб, бош турли деворларга урилиб, кўзи очилгач, унда ўша вазминлик, сермулоҳазалилик ўз-ўзидан уйғонади. Худо умрини берса, балки Умид ҳам отаси каби бўлар, валлоҳи аълам.

Ҳозир эса... Агар ҳозир Асадбек «тўғри фаҳмлабсан, отангни шу ўлдирган» деса, ўйламай-нетмай қўлига пичоқми ёки болтани олиб югуриб қолар эди. Асадбек шуни назарга олдим, ҳар нечук уни тийди.

Бола — бола-да. Асадбек «аянга айтма», деб та-йинлаган бўлса-да, онаси «опоқ даданг билан



нималарни гаплашдинг?» деб сўраганида бир озгина гуллаб қўйди. Тўғри, гумонини, қасос ҳақидаги гапларни айтмади. «Бу тасодифга ўхшамасмиш», дейишининг ўзиёқ онасини бир қалқитиб юборди.

Чувриндининг хотини бу айрилиқнинг тасодиф эмаслигини хабар эшитганидаёқ ҳис қилган эди. У бир кунмас бир кун оқибат шу бўлар деб қўрқиб яшади. Қўрқиб кутганининг юз берганини билибоқ кўз олди қоронғулашди. Бир неча лаҳза тилдан қолди. Хаёлидаги «ким ўлдирди?» деган савол булути қуюқлашди. Бу борада она-боланинг фикр-ўйлари ҳамоҳанг эди. Умиднинг гапларини эшитиб қалқишига сабаб бўлган нарса гумонининг тўғри экани эмас, балки бу ҳақиқатдан ўғлининг хабар топиши эди. Отасининг ўлдирилганини билган қайси ўғил тинч юраркин? Ёшлиқнинг қайноқ қонига қасос ўти ҳарорат берса янги фалокат юз очмасми экан? Бу фалокат боласини бирон балога гирифтор этмасми экан? Шу хавотир онанинг юраккинасини ёриб юборай деди. «Опоқ даданг адашганлар. Аданг бировга ёмонлик қилмовдилар. Бировнинг адангда хусумати бўлмаган. Бу бир фалокат, бир тасодиф», деб ўғлини чалғитмоқчи бўлди. Ўзи ҳам ишонмайдиган бу гапга ўғли ишонарми экан? Бу ҳақда ўйламади.

### 3

Ертасига эрталаб Асадбек яна келди. Бу сафар меҳмонхонага кирмади. Хассакашлар учун дарвозахонага қилинган жойга ўтирди. Кесакполвонни кўриб феъли бир бузилди, ранги бир бўзарди-ю, дарров ўзини қўлга олди. Худди кеча қабр тепасида туриб «Йўқол! деб ҳайдамагандай, сир бой бермаган ҳолда сўрашди. Аъёнининг «Ўзинг тузукмисан, хавотир олиб уйингга борувдим, йўқ экансан», деган саволига «Яхшиман, шукр», деб жавобни қисқа қилди. «Сен меникига борганинга мен бу ерда эдим», дейишининг ҳожати йўқ эди. Асадбек уйига қайтгач, бу ердан чиқиб қозихонага борган Хумкалла барча хабарни ҳожасига етказган, ҳатто қатиқ қўшилмаган мошхўрданинг ичилмаганини ҳам айтиб «бир нимадан хитланмадилармикин?» деб илова қилган эди. У садоқати учун ҳожасидан ширин сўз кўринишида бўлса ҳам бир мукофот кутган эди. Шўринг қурғур Хумкалла шўри қуриб қолганини, охирги мукофот ўлим шароби эканини тасаввур ҳам қила олмас эди. Умри адоғидаги сўнги хабарини айтиб бўлган Хумкаллани Қози маишатга таклиф қилиб «ижозат беринг» деган маънода ҳожасига қаради. Кесакполвон:

— Бўпти, бугун жа-а эзадиган кун бўлди, би-ир чигил ёзди қилларинг, — деб марҳамат қилди. Асадбек Кесакполвонга сир бой бермай ўтиргач, атрофни зимдан кузатиб Хумкаллани қидираётган паллада шаҳар чеккасидаги ахлатхона атрофида ҳамиша оч юрувчи итларнинг байрами авжга чиққан эди. Итлар галасидаги зўрлар қоринларини тўйдириб, узун тиллари билан тумшукларини ялаб нари кетишган, заифроқлари эса Хумкалланинг сўнги этларини суяқдан айириб ейиш билан овора эдилар.

Кесакполвон ҳозирча ўз тахтида ўтирган ҳожасининг олазарак қараб қўйишларини сезди, Ҳалимжонни чақириб қулоғига шивирлаганини кўрганда сергакланди. Ҳалимжон кетгач, Асадбек аъёнини имлаб чақирди.

— Дастурхонга қараб қўйсанг бўлмайдимми? — деди Асадбек бир оз зардали оҳангда. — Ўлар жойда эмасмиз-ку, ё бозорда мева-чеванинг уруғи қуриб кетибдимми?

— Энди... маъракада сипороқ бўлсин, дебман-да. Ҳозир қотирамыз, — деб ўзини оқлади Кесакполвон.

— Ўтир,— деди Асадбек, — Ҳалимни жўнатдим. Сен йигирмани ўйладингми?

— Ҳа, ўн тўққиз кунда қиламыз. Маҳмуднинг ҳурмати бор, дарров ўтказиб юборсак, айб бўлар.

— Қаерда бўлади?

— Шу ерда, ҳовлиси кенг, бемалол.

— Осмонга қараб қўй-чи?

- Уч-тўртта парашют олиб келиб тўсиб ташлаймиз.
- Бўлмайди. Анҳор бўйини гаплаш. Тузукроқ қориларни айттир.
- Қориларнинг хўррозини топтираман. Ё Собитхонингни Қўқондан олдириб келайми?
- Уни безовта қилма. Сен бундан буёғига йигитларга кўз-қулоқ бўлиб тур, бевошлик қилишмасин. Аввал ҳам айтувдим, а? Эсингдами? Замонга қараларинг, нозиклашиб қолди. Қозихонангни ёпдингми?
- Аллақачон ёпиб ташлаганман.
- Ҳосилнинг боллари тинч юрибдими?
- Гаҳ, десанг қўлингга қўнадиган қилиб қўйганман.
- Ҳайдар, энди иккаламиз қолдик. Бирга бошлаган эдик, охирида ҳам иккаламиз қолдик.
- Охирида деганинг нимаси?
- Ҳамма нарсанинг охири бўлади, оғайни. Мен сенга суянаман, мени ёлғизлатма.
- Асадбекнинг дардли оҳанг либосига ўраб айтган бу ёлғони худди рост гапдай эшитилиб, Кесакполвонни эритди. «Ҳа, энди ўлимини бўйнига олибди», деган фикр хаёлини бир ёритди. Асадбекнинг елкасига қўлини ташлаб, меҳрибонлик билан қучди:
- Унақа совуқ нафас қилма, ошна. Ҳали қиладиган ишимиз кўп.
- Бунга тўғри айтдинг. Қиладиган ишимиз кўп...
- Асадбек шундай деб аёнига қаради. Бу қараш замирида «Сенинг ишинг тахтга чанг солиш, менинг ишим эса бошқа», деган маъно яширинганини Кесакполвон фаҳхламади.
- Шу пайт хизматчи йигитлардан бири яқинлашиб, Москвадан Хонгирей сўраётганини айтди. Асадбек Кесакполвонга савол назари билан қаради-да, ўрнидан туриб, меҳмонхона томон юрди. Аёни эса икки қадам қўйиб эргашди-ю, сўнг тўхтади. Асадбек бундан сергакланди: «Нега тўхтади? Хонгирейнинг гапига нега қизиқмади?»
- Шаховскийдаги қароргоҳидан меҳмонларни кузатиб, Козлов масаласида ҳам, Асадбек масаласида ҳам муддаосига етган Хонгирей ҳол сўрагач, қайғули хабар эшитганини айтиб, таъзия билдирди-да:
- Асад, мен доимо сен билан биргаман, — деб тасалли берди.
- Асадбек миннатдорлик билдиргач, қисқа суҳбат якуни топди. Хабарнинг Москвага етгани ажабланарли ҳол эмас. Телефон гўшаги кўтарилса, бир-икки дақиқада ҳар қандай хабар Москва нима, дунёнинг нариги чеккасига ҳам етади. Лекин ўша гўшакни ким кўтарган, ким Хонгирейнинг рақамларини терган? «Хонгирейнинг шу атрофда изғиб юрган лайчаларими ё бағримда исиниб ётган илонлардан бирими?» — деб ўйлади Асадбек изига қайтар чоғида. — «Сен билан биргаман», деди. Ҳа, албатта, биргасан. Ўлсам ҳам сени бирга олиб кетаман». Кесакполвон жойига қайтиб ўтирмай, дарвозахонада турган эди. Асадбекни қаршилаб кўзини олиб қочган ҳолда:
- Тинчликми? — деб сўради.
- Тинчлик, — деди Асадбек унга тикилиб, — кўнгил сўраб қўйди. Меҳр-оқибати яхши шу йигитнинг.
- Ҳар нима қилса ҳам мусулмонлиги бор-да, — деди Кесакполвон.
- «Ҳа тулки, шу «мусулмон»га қул бўлмоқчимисан? Агар шу Хонгирей мусулмон бўлса, мен бўлмадим. Шунанга мусулмондан яна ўнта бўлса бу дунёда кофирнинг ҳожати йўқ». Асадбек бу фикрини ошкор қилмаслик учун ўзини мажбурлаб жилмайди-да:
- Тўғри айтдинг. Козлов деб унинг кўнглини хира қилганимиз чакки бўлди, — деди.
- Ярим соатга қолмай Ҳалимжон елим челақни тўлдириб узум олиб келгач, Кесакполвоннинг гумони тар-қади. Ҳалимжон хизмат қилиб юрган йигитлар даврасига қўшилганда Асадбек уни яна имлаб чақирди. Ҳалимжон қулоғига айтилган гапга маъқул ишорасини қилди-да, кўча томонда турган Кесакполвонга яқинлашиб «Зайнабни олиб келаман», деди.
- Кесакполвон «Мен ҳам қизимни олиб келсам бўларкан», деб ўйлаб, йигитлардан бирини имлаб чақирди.

Халимжон Зайнабни олиб келгач, дарров изига қайт-ди. Фотиҳачилар билан овора Кесакполвон унинг ғо-йиб бўлганини билмай ҳам қолди. Ҳалимжон бу сафар ҳожасидан олган асосий топшириқни бажариш учун кетди. Асадбек бу топшириқни эрталаб йўлда келаётганида айтиб қўйган эди. Шунга мувофиқ Ҳалимжонни ўша ондаёқ жўнатса бўларди. Лекин у йигитни икки марта чақириб, қулоғига шивирлаганда кўзи Кесакполвонда бўлди. Аъенининг саросимага тушиш ёки тушмаслигини текширмоқчи эди, кутгани амалга ошди.

Ҳалимжон Чувриндининг жони узилган ерга бориб, ўша ердаги хонадонларда яшовчилар билан учрашиб, ўзини «милитсия ходими» деб таништиргач, «КамАЗ»дан тушиб қочган одамнинг қиёфасини суриштирди. Одамлар учун «мен милитсияданман» деган гапнинг ўзи кифоя қилди. Биронтаси ҳужжат сўрамади. Айна дамда тайинли гап ҳам айтмади. Барчалари ярим тундаги фожиадан уйғонганларини, кўчага чиққанларида «КамАЗ»да ҳеч кимни кўрмаганликларини айтишди. Фақат биргина кампир «КамАЗ»дан тушаётган паст бўйли одам қорасини кўрганини билдирди. Ҳалимжон бу маълумотни эшитиши билан тезгина изига қайтди-да, фурсат топиб туриб Асадбекка билдирди.

Бу хабардан Асадбекнинг кўзлари ёнди:

— Хумкаллани топ, нега кўринмаяпти? — деди.

Ҳалимжон яна бир соатча ғойиб бўлиб, Хумкалланинг уйида тунамагани ҳақидаги нохуш хабарни етказди. Бу янгиликни эшитган Асадбекнинг кўкрагида бир нима портлагандай бўлиб, бу портлаш кучидан ҳосил бўлган тўлқин бўғзига қадар бостириб келди. Атрофида ҳеч ким бўлмаганида «мени гўл қилиб кетишди, ан-қайиб қолдим-а», деган афсус билан пешонасига бир шапатиланган бўларди. Ўзига неча жуфт кўз тикилиб тургани учун ташвишли эмас, хуш ёқувчи хабарни эшитгандай ўзини мажбурлаб жилмайди.

Пешинда қўшнилари пишириб чиқарган ошдан бир-икки қошиқ еган бўлиб, кетишга чоғланганида Жамшиднинг машинаси кўринди. Икки уй нарида тўхтаган машинадан Жамшид тушди-ю, юрарини ҳам, юрмасини ҳам билмай тўхтаб қолди. Фожеани йўлда эшитиб, ишониб-ишонмай келаётган Жамшид бу кўчага бурилди-ю, дарвоза ёнидаги одамларни кўриб юраги увишди.

Бир неча ой муқаддам шу дарвозадан куйиб кўмирга айланган майитни олиб чиқишган эди. Тутинган укасига «аза очган» Чувринди шу дарвоза оғзида уч кун бел боғлаб турган эди. Бунга Жамшид билмайди. Билгани — Маҳмуд акасининг ўрнида ҳозир Умид бел боғлаб турибди. Кеча бу ердан кўтариб чиқишгани ҳам бировнинг куйган мурдаси эмас, айнан Маҳмуд акасининг жасади... Юришга мажолли қолмаган Жамшид кўчага чиқиб келаётган Асадбекни кўргач тамом жойида қотди.

Жамшидга кўзи тушган Асадбек ҳам тўхтади-да, Кесакполвондан:

— Бунинг қаерда эди, нега кўринмади? — деб сўради.

— Ҳайронман, — деди Кесакполвон елка қисиб, сўнг Жамшид томон тез-тез юрди-да, унга яқинлашиб, баланд овозда:

— Қаерларда санқиб юрибсан, маржабоз?! — деб сўради.

Жамшид унга «қаердалигимни ўзингиз биласиз-ку?» деган маънода ажабланиб қараганида Кесакполвон пастроқ овозда «Сени мен эмас, Маҳмуд аканг юборган», деб шипшиди.

Кесакполвон орқа ўгириб тургани учун Асадбек унинг кейинги гапини эшитмади. Лекин Кесакполвоннинг бирдан у томон юриб қолганидан ажабланди. Бунақа пайтда битта имлаб қўйилса кифоя эди, Жамшид югуриб келарди...

Кесакполвонга эргашиб юриб келган Жамшид Асадбекдан бир қадам берида тўхтаб, салом бергач, «Бандалик...» деб таъзия билдирди.

— Қайси гўрларда юрибсан? — деди Кесакполвон жеркиб.

— Термизга бориб келдим, — деди Жамшид ерга боққанича.

Саволга алик олмаган Асадбек бу гапдан кейин унга ажабланиб қаради-ю, индамади.

Кесакполвон «Аҳмоқ, Термизни айтиб қовун туширди-ку», деб ичида сўқиниб қўйгач, сўроқни

давом эттирди:

— Термизда нима бор экан сенга?

— Меҳмонларни олиб бориб келдим.

— Қанақа меҳмон?

Жамшид ерга қаради, саволга жавоб бермади.

— Сендан сўраяпман, серраймай жавоб бер: қанақа меҳмон?

— Маҳмуд акамнинг... меҳмонлари. Уларни танитайман.

— Нимага боришибди?

— Билмайман. Битта уйга кириб чиқишди. Мен машинада ўтирувдим.

Асадбек ундаги саросимани сезса ҳам, парво қилмагандай бўлиб машинаси томон юрди.

«Маҳмуднинг қанақа меҳмони бор экан, Термизга нимага боради?» деган саволга ҳар қанча уринмасин, жавоб топа олмади.

Жавобни кечқурун Жамшиднинг ўзи олиб келди.

Асадбек телефонда Манзура билан гаплашиб, унинг қайтиш ҳақидаги қароридан ғашланиб ўтирганида болохонадаги йигитлардан бири Жамшиднинг киришга изн сўраётганини маълум қилди. Жамшид қайтганидан бери «мендан нари юрсин», деган ҳукмга итоат этиб, суюкли ҳожасига яқинлашмаётган эди. Шу боис ҳам бемалол остона ҳатлаб кира оладиган хонадони эшиги олдида тўхтаб, рухсат сўради. Асадбекка унинг бу одоби маъқул келиб, «кирсин», деди. Ҳовлига тасодифан чиққан Зайнаб дарвозахонадан кириб келаётган Жамшидни кўрди-ю, вужуди титраб кетди. Бироқ, оний саросимани енгилга ўзида куч топиб, тез-тез юрганича ошхонага кирди.

Яхшики шу дамда Асадбек дераза оша ҳовлига қарамади. Бу ҳолни кўрганида яна эски ярасига туз босилиб, Жамшид билан муомаласи бошқача бўлиши аниқ эди.

Жамшид хонага бир қадам қўйиб, салом берди-ю, тўхтади.

— Кир, киравер, ўтир, — деди Асадбек, унга рўпарасидан жой кўрсатиб.

Бу хонадонга ўғил, энг камида ука мақомида бўлган Жамшид энди худди бегонадай кириб, бегонадай омонат ўтирди.

— Термизга нима учун борганини айтгани келдингми? — деди Асадбек заҳарли оҳангда.

— Ҳа, — деб жавоб берди Жамшид унга тик қарай олмай. — Сизга ёлғон гапирувдим.

— Билганман. Энди рост гапирмоқчимисан? Агар сени Маҳмуд юборганида мен хабардор бўлардим. Менга-ку, майли, тупурдинг, ўлган акангга тўхмат қилишга уялмадингми? Бунақа палидликни Хонгирейдан ўрганиб келдингми?

— Бек ака, мени нима қилсангиз қилинг, лекин ўша жойда шундай дейишга мажбур бўлдим.

— Кимдан кўрқдинг?

— Кўрқмадим... Рост, мени Ҳайдар акам юборган эдилар.

— Меҳмонлари ким эди, ростдан танимасми- динг?

— Сал-пал танирдим. Хонгирейнинг йигитларидан эди. Бек ака, бу ишдан латта ҳиди келиб турибди. Уларнинг нияти — қорадори.

— Қаёқдан биласан?

— Гапларидан фаҳмадим. Озгина юк ҳам олишди.

— Аҳмоқ! Қўлга тушиб қолсанг учиб кетардинг-ку, ўйламадингми?

— Иложсиз эдим...

— Қани ўша меҳмонларинг?

— Самарқандда кузатдим, Масковга учиб кетишди.

— Ҳайдар акангга ҳисоб бердингми?

— Ҳа.

— Нима учун Ҳайдар акахонингни менга сотяпсан? Ахир у бечора сенинг жонингни сақлаб қоламан, деб қаерлардан ўлик қидириб топган-а!

— Ўзингиз айтдингиз... Маҳмуд акамга тўхмат қила олмадим.

— Сени ўлимга мен ҳукм қилган эдим.  
— Бу гап эсимдан чиққан.  
— Ростданми?  
— Эслаган куним — ўлганим.  
— Яхши. Сен Ҳайдар акангдан узоқлашма. Ҳозирча битта нарсани билсанг етарли — унинг фикри бузилган, эҳтиёт бўл.  
— Ҳайдар акам менга яна битта иш буюрганлар.  
— Қанақа иш?  
— Ҳалимни ўлдиришим керак экан.  
— Ҳалимними? Нега?  
— Хитларнинг одами, дедилар. Мен сал-пал ҳид олгандай бўлдим. Гапларида жон борга ўхшайди.  
— Яна текшир. Хитларнинг одами бўлса, ўлиши ҳечам мумкин эмас. Сен... шу ҳафта ичи Масковга борасан, Кеннайнинг билан укаларинг келишяпти, кутиб оласан.  
Асадбек шундай деб «Сенга рухсат» дегандай ўрнидан турди.  
Унинг «кеннайнинг билан укаларинг» дейиши орадаги тўсиқни олиб ташлаб, Жамшиднинг яна энг ишончли одамга айланганидан далолат эди.  
Асадбек Жамшид чиқиб кетгач, Ҳалимжон ҳақидаги гапни мулоҳаза қилиб «Хитларнинг одами бўлса, яна яхши, Ҳайдарнинг хизматини қилиб юраверади», деган қарорга келди.

#### 4

«Гуноҳларни сиз қилдингиз-у, жабрини болалар тортишсинми?..»

Кимдир шундай деб бақиргандай бўлди.

Ҳа, Жамшид Москвадан телефон қилиб Абдуҳамид билан Абдусаматнинг милисахонада ўтирганини хабар қилган ондаёқ қайдандир шу овоз келди.

Бир неча ҳафта илгари Зайнабга «Ўзингни ос» деган маънода арқон ташлаб чиқаётганида ҳам шунга яқин гап айтилиб эди. Ундаги овоз Жалилники эди. Буниси... Манзураники!

...Гуноҳларни сиз қилдингиз-у...

Бирон марта бўлсин эрига тик қарамаган Манзура бу сафар бақирди. Умр бўйи тўпланиб, куч йиққан дарди шу онда гўё портлади. Портлади-ю, Асадбекнинг руҳини тилка-тилка қилиб юборди. Агар Манзура унга рўпара бўлиб шундай деса Асадбек илгаригидек «ўчир овозингни» деб қайириб ташлашга куч тополмасди.

«...Юкларидан қора дори чиққанмиш...»

Асадбек бунини тасодиф ёки тушунмовчилик оқибати деб қабул қилмади. Илоннинг думини босиб олиб қўрқувда яшаётган одам каби Асадбек кейинги ойлар ичи Хонгирейнинг заҳар солиш онларини хавотир билан кутиб яшарди.

Манзуранинг қайтиш ҳақидаги қарори Асадбекнинг режаларини бузиб ташлади. Табиб муолажасидан сўнг Зайнабнинг ўзига келгани, Элчиннинг ҳолатидаги хавотирли онлар ортда қолганидан хабар топган Асадбекда қизини Олмонияга жўнатиш фикри қатъийлашди. У қарорини Чувринди орқали билдирганда Зайнаб «еримни бу аҳволда ташлаб кетолмайман» дебди. Асадбек бу гапдан ғашланиб Чувриндига:

— Эрини бўри ермиди, ҳужжатларини тайёрла, боради, — деди.

Ўша хунук воқеадан сўнг Асадбек гапи бўлса Чувринди орқали етказарди. Зайнабнинг жавобини ҳам Чувринди билдириб, орада холис воситачи вазифасини бажариб қолган эди. Эри яралангунга қадар Зайнаб отасига кўринмасликка ҳаракат қилди. Элчин касалхонага тушгач, асосан ота уйида яшай бошлади. Шунда ҳам ота-боланинг ўзаро муомаласи салом-алиқдан нарига ўтмаётган эди.

Асадбек куёвини Абдурахмон табибга кўрсатишни ҳам ўйлади. Фикрини айтганда Чувринди маъқуллаб:

— Табиб кўриб қўйганидан кейин Элчинни ҳам бирга юборсакчи? У ёқда зўр дўхтирлар бор, — деди.

— Йўқ, — деди Асадбек бош чайқаб. — Дўхтири зўр бўлса зўрдир, лекин янги қудаларга «куёвимни тузатиб беринглар» деб юбораманми? Қўй, Абдурахмон табиб ҳар қанақа касални тузатиб юборади.

Чувринди Зайнабнинг ҳужжатларини тайёрлаб қўйган эди. Агар ўлим ғолиб келмаганида эрталаб бориб идорадан ҳужжатларни олиб чиққан бўларди. Унинг ўлиmidан сўнг ҳам Асадбек Зайнабни жўнатиш фикридан қайтмади. Манзуранинг ногаҳоний қароридан шунинг учун ҳам аччиқланди.

— Зайнабни жўнатаётган эдим-ку? — деди бўғи-либ.

— Вой адаси, қудаларингизга айтиб қўйдим. Зайнаб кейинроқ келиб кетар.

— Ҳей!.. — Асадбек «онангни...» деб бир «ширин» гапини айтмоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. — У ер амма-холангнинг маҳалласими, Зайнабнинг бугун бўлмаса эртага лип этиб бориб келаверадиган...

— «Бўпти, билганингни қил». — Асадбекнинг шундай деб чекинишдан ўзга чораси йўқ эди. Билганини қилди хотини.

Оқибат бу...

Шунинг учун донолар «хотиннинг гапига қулоқ солу тескарисини қил», деб айтишгандир... Асадбек аввалига Манзурани айблади. Кейинроқ, ҳовури босилгач, ўзининг калтабинлигини тан олиб, барча айбни ўз елкасига олди. «Манзура бечора тагин ҳам чидаб турди у ерда. Бугун бўлмаса эртага барибир қайтиши керак эди. Ўлганимдан кейин шунақа қоп-қонга тушса ким қутқаради?..»

«Ўлганимдан кейин...»

Ўлганидан кейин ҳам Хонгирей уларни тинч қўймайдими? Хонгирейга нима керак? Асадбекнинг ўлими эмасми? Асадбек уруғи билан қирилиб кетиш даражасида гуноҳ қилибдими? Хўп, Козлов масаласидаги ўжарлиги дуруст бўлмади. Хонгирей «йўлимдан қоч», деганида нари турса олам гулистон эди. Бунда гап фақат ўжарликда эмас. Орада Козлов билан аҳднома бор эди, Асадбек бу аҳдга хиёнат қилиб паст кетишни истамади. Бугун Козлов масаласида чекинса, эртага бошқа ишда қуллуқ қилиб турса Хонгирейнинг уни эшакка айлантириб миниб олиши ёки бошга чиқиб истаган номаъ-қулчилигини амалга ошириши мумкинлигини ҳам ҳисобдан чиқармаган эди. Ҳосилнинг ўлими учун ҳисоб бериши керакми? Ахир уни Хонгирейга ўчакишиб ўлдирмади-ку? Ҳосил ўлимни ўзи сотиб олди-ку? Фақат беномус отагина Ҳосилнинг қилиғига чидаши мумкин эди. Агар ана шу номус қасоси учун жон бериши шарт бўлса — Асадбек тайёр!

«Хонгирей... дардинг бўлса эркакчасига дангал айтмайсанми? Найрангга бало борми? Ёки... дард чекиб инграганимда роҳат топасанми? Ундан кўра ўлдириб, жасадимни ёқиб, шу олов тафтида қўлингни иситиб маза қила қолмайсанми, номард!..»

Москвага учадиган учоқ ердан кўтарилгунича шу каби хаёллар қуршовида бўлган Асадбек Хонгирей билан учрашажаги аниқ эканини биларди, фақат қаерда, қай ҳолда кўришажаги хусусидаги тасавури алдамчи эди. Хонгирей тайёрлаб қўйган найрангларнинг навбатдагисини у етти ухлаб бир тушида кўрмас эди.

У ёруғлик оламидан тобора зимистон дунёсига кириб, ана шу зулумот қаъридан ёруғликни умид қилиб борарди.

Ўғилларининг юклари орасидан чиндан ҳам қора дори чиққан бўлса, қўрқулик эмас. Бир неча кунда бўлмаса-да, узоғи билан уч-тўрт ҳафтада чиқариб олишга ишонади. Аммо бу Хонгирейнинг иши бўлса... чораси қийин. Томирида иблис қони оқувчи кимса ҳам Хонгирей даражасида бешафқат бўлмас. Асадбек ўғрилар оламида «Княз» деб ардоқланувчи бу одамнинг қилиқларини эшитиб юрарди, бироқ, ғилай Шомилнинг калласини қутига солиб юборганини билгач, ундаги бешафқатлик даражасининг чегара билмаслигига амин бўлди. Қонундаги ўғриларнинг «Ўғридан бошқа ҳеч ким инсон тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга

эмас», деган ақидасига содиқ ҳолда иш юритувчи Хонгирей Асадбекнинг, унинг ўғилларининг тақдирини қандай ҳал этар экан?

Учоқ булутлар бағрини ёриб юқорига кўтарилар маҳалда қаттиқ титради. Бунақа пайтда ҳар қандай одам Худони эслаб қолади. «Ўзинг асрагин, Тангрим, фалон-фалон гуноҳларни бошқа такрорламайман», деб тавба қилади, онт ичади. Учоқ титроқдан тўхтаб, оҳиста уча бошлагач, тавба ҳам унутилади, Худо ҳам. Кўп каби Асадбек ҳам шундай эди. Ҳозир ундай бўлмади.

Учоқнинг қулашидан, ўзининг ўлимидан қўрқмади. Аксинча, «бу кунимдан ўлиб кетганим минг марта яхши эмасми?» деган фикр уни карахт қилиб қўйди.

Ёши эллиқдан ошибди. Қанчадан қанча нарсаларни кўрибди. Қизиқ... Нималарни кўрди? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани кўрмаганга ўхшайди. Рўпарасида зулмат, ортига ўгирилиб қараса, қоронғу бўшлиқ. Фақат уқубат учун туғилган одам ҳам у каби уқубат чекмаса керак... Қоқ суяк топган ит ҳам ўзини бахтли ҳис қилар балки. Шунча бойлиги бўла туриб нима учун Асадбек бахтсиз?.. Ҳар бир одамнинг бахт дарахти ўзига алоҳида бўлади. Бу бахт дарахтини бойлик булоғи суви билан суғориб мева олмоқчи бўлганлар янглишадилар.

Асадбек ана шу адашувчилардан бири эди.

Фақат иймон булоғидан сув ичган бахт дарахтигина ширин мева беришини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

Асадбек ана шу англамаганлардан бири эди.

Зулм булоғидан сув ичган бахт дарахти қиёматда заққум дарахтига айланажагидан барча хабардорми?

Асадбек хабардор бўлмаганлардан бири эди.

Учоқ титроғи тиниб, булутлар устига чиқиб олган онда икки қатор олдиндаги ўриндиқда ўтирган одамга Асадбекнинг кўзи тушиб, юраги бир ҳаприқди. Бошига дўппи кийиб олган бу одам ён томондан Собитхонга ўхшаркан.

Асадбек ўзининг сиҳати, ташвишлари билан андармон бўлиб уни йўқлай олмаган эди. Ҳозир шу дўппили кишининг чиндан ҳам Собитхон бўлиб қолишини истаб, унга қайта-қайта тикилди. У киши ортидан кимнингдир қаттиқ тикилаётганини сездими, бир-икки ўгирилиб қаради.

Дўппили бу кишининг ҳам соқол-мўйлови бўлса-да, юзида Собитхон юзидаги нур йўқ эди.

Шу киши баҳона бўлиб, Асадбек Қўқондаги шифохонада бўлган сўхбатни эслади:

Икки юз йил умр кўрган одам: «Балоли йиллар, фаровон йиллар... кун ўтади, тун ўтади. Туққан туғади, ўлган ўлади. Туққан туғмасайди мавжудот тугарди. Ўлган ўлмасайди — Ер юзи ундагиларга тор бўлиб қоларди», деган экан.

Ҳа... Ўлганлар ўлиб турибди. Лекин шунда ҳам Асадбекнинг назарида, кенг дунё жуда тор бўлиб кетаётган эди. Тор бўлмаса, салкам беш миллиард одам сиққан шу дунёга Маҳмуд сиғмасмиди? Дунё биргина шу одамга торлик қилдими?.. Дунё янада торайиб, энди кимларни сиқиб чиқаради экан?

«Бек ака!..»

Ёнидаги одам Собитхоннинг овози билан чақиргандай бўлди. Асадбек беихтиёр равишда унга қаради: бурнига кўзойнак қўндириб газетага мук тушиб ўқияпти.

Овоз эса яна такрорланди:

«Бек ака... Яхшилаб ўйлаб қаралса, бу дунё ҳаётидан тубанроқ нарса йўқ. Дунёни йиқилишга юз тутган деворга ҳам ўхшатишади.

Деворнинг йиқилажagini билган ҳолда унга суянамиз, а? Дунё ҳаётини сирпанчиққа ҳам ўхшатишади. Бу сирпанчиқда ҳеч кимнинг оёғи собит турмайди... сирпаниб яшаймиз... Кейин эса... сўнги зиёратгоҳга қараб жўнаймиз. Сўнги зиёратгоҳимиз — қабр. Бу зиёратгоҳни ҳеч эсламаймиз, эслагимиз ҳам келмайди. Ажални унутишда бир-биримизни ортда қолдириб кетамиз...»

Қўқон шифохонасидаги ўша учрашувдан сўнг кўп ойлар ўтди. Красноярдда юрганда, айниқса хасталик ўлим дарвозасига ҳайдаб келган кунларда Собитхоннинг гапларини кўп эслаган эди.

Кейинроқ ўлим остонасидан қайтиб, умид дарвозасига етганда ибодатдан йироқлашгани каби бу гапларни, Абдурахмон табибнинг гаплари қаторида, эслашдан узоқлашди.

Ер билан осмон орасида эслаши...

Осмонда нима бор?

Ерда нима қолди? Бир-бирларини бўридай ғажийдиган одамларми?

Шу савол хаёлига урилиши билан қулоғи остида Анварнинг гапи жаранглади. Ҳа, айнан ўша овоз, айнан ўша гап:

«Бўридай десангиз бўрилар хафа бўлишармикин? Бўрилар аҳил яшашаркан...»

«Бўричалик ҳам ақлимиз йўқ, — деб ўйлади Асадбек. — Бу дунёда сирпаниб яшарканмизми?

Мен сирпана-сирпана шу ҳолга келдимми? Энди сўнгги зиёратгоҳ қолдимми? Йўқ, ҳали вақт бор... Биламан, Маҳмуд у дунёда кимнидир оловли гуллар билан кутиб турибди. Аввал ўша гул эгасини топиб, жўнатай...»

Асадбек зулм либосига ўралган ниятини қандай амалга оширишини ўзи ҳам яхши билмайди. У бир йил аввалги Асадбек бўлганида зулматли олам ичра бу қадар сарсари кезмасди. Аравалар отлардан олдин чиқиб кетган замонда бир қаноти қирқилган, иккинчиси эса хиёнат қилган қуш баланд уча олармикин? Ўлжага дадил ва бехато човут сола олармикин? Ҳеч бўлмаса ўзини ҳимоя эта олмоққа куч топармикин?

Бир қанотнинг қирқилиши кутилмаган ҳол бўлди. Аммо иккинчи қанотнинг хоинлиги тасодифми? Бир қанотнинг қирқилишига сабаб бўлган иккинчи қанотнинг хоинлиги қачон бошланди? Ўзини зийрак ва сергак деб ҳисобловчи Асадбек нечун бу ҳолни пайқамай қолди? Қимор ўйнаб юрган кезларида рақибининг қарта тутган бармоқларига, жавдираган кўзларига қараб фирром ўйин бўлаётганини фаҳмлаб оларди. Бу ўйиндаги фирромликни нечун сезмади? Бир куни Кесакполвон Асадбекка:

— Укангнинг танобини тортиб қўй, менинг илдизимга болта ураман, деб овора бўлмасин, — деган эди.

Шунда Асадбек юшоқроқ оҳангда:

— Ҳаммамизнинг илдизимиз бир, болта урилса, баравар қуриймиз, — деб жавоб берган, Кесакполвон эса, қўл силтаб, зарда билан:

— Сен ҳам укахонингнинг гапларини айтяпсан, — деган эди.

Кесакполвон хиёнат кўчасига шундан сўнг кирдимми ё у дамда кириб бўлгандими?

Асадбек Абдурахмон табибникида шифо умидида юрган кезлари ўзи барпо этган олам қасрининг ёрила бошлаганини сезиб, «бу офат қачон бошланди?» деган саволига жавоб излаган эди. У Зайнабнинг ўғирланиши барча ташвиш эшикларини очиб юборди, деган тўхтамга келиб эди. Бу дунёда дунё умидида юрган кўп ғофил бандалар каби Асадбек ҳам Яратганнинг «Ябна Одама! Иза раайта-л-ғинаа муқбилан аълайна. Фақул занбун аъжилатун уқубаътуху»\* деган хитобидан беҳабар эди. Хабардор бўлганида ҳаёти ипларининг чигилини ечишда бу қадар қийналмас эди.

Бойлик ҳам келди, унинг изидан гуноҳ ҳам ҳаялламади.

Азоб-уқубат ва жазо ҳам нақд бўлди...

Ғофил банда буни билмайди.

Мухрланган қалб кўзларнинг нурини ҳам олиб қўйган.

Кўзлар очиқ, аммо оёқлар остидаги вайл чўғларини кўрмайди.

Бунинг ўрнига энг яқин аъёни бўлиб келган хиёнатчи қанотнинг хиёнатларини ўйлайди. Ўйлай-ўйлай хиёнат кўчасига бурилиш нуқтасини ўзича топгандай бўлади ҳам.

Зайнабнинг ўғирланишини ундан гумон қилмайди. Аммо тўйдан сўнг Элчиннинг кўчасига йигитларни қўйганида «Кимдан қўрқасан, — Асадбек чумчуқ пирр этса, юраги ширр этадиган бўлиб қолибди, деган иснодга қолмоқчимисан?» деб қайтарди. Асадбек «Тўғри, энди кимдан чўчийман?» — деб унинг гапига кириб аҳмоқлик қилди. Кейин Бўтқани масъул қилиб кўчага пойлоқчи қўйди, аммо бу тадбири уй ёниб бўлганидан сўнг сув сепиш каби бир чора эди.



Асадбек ўша нуқтадан то ўғилларининг бугунги қисматига қадар бўлган гап-сўзлар, воқеаларни хаёл чиғириғидан бир-бир, қайта-қайта ўтказиб кўрди.

Бир жанг аввалида мунажжим соҳибқирони акбарга «юлдузлар бу кунингизни шарафлашмаяпти», деганида у зот «Биз ўз ғалабамиз билан бу кунни шарафлагимиздур», деган эканлар. Агар мунажжим пайдо бўлиб Асадбекка шу мазмунда бир гап айтса, у шарафли кунга ишонч билан қадам қўя олармиди?

Ҳолбуки...

Тун хунук фожиага ҳомиладор бўлиб, кун уни туғишга тадорик кўрарди.

Учоқ ерга қўнганида қуёш бош кўтарарётган эди. Ёруғлик ваъдасида кўтарилаётган қуёшми бу ё мажҳул сароб — ҳеч ким билмасди.

---

\* Мазмуни будир: Эй Одам фарзанди! Агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, билгилки, азоб-қубати ва жазоси нақд бўлган гуноҳ келаётир («Ҳадиси қудсий»дан).

## Ҳ 6 0 6

### 1

Зулмат...

Ҳа, зулмат эди.

Нафас олди-ю, нафас чиқаришга улгурмади. Худди бирданига чироқ ўчирилгандай бўлди. Зулмат қандай бостириб кирганини сезмай қолди. «Ана энди ўлдим», деб фикрлашга ҳам улгурмади.

«Қассоб» қўлида асир эканида «Бу жинни бу балони портлатиб юборса, ўлар олдидан оиламга бир оғиз ҳам гапиролмай кетаманми?» деб афсусланган эди. «Келиб-келиб шундай ўлим менга насиб қиладими-я? — деб ўйлади маёр Солиев. — Уйда ҳеч бўлмаса уч-тўрт кун оёқни чўзилтириб ётиб, бола-чақага васиятни қилиб, сўнг жон беришнинг ҳам гашти бор экан-да, а?» Айтадиган гаплари кўп ҳам эмас, болаларига «онанг-ни ҳурмат қилларинг, ҳалол еб, ҳалол яшаларинг», дейди. Отаси унга шундай васият қилиб эди. Отасидан ошириб у нима дея оларди?

Аслида бу гапни кунда бўлмаса-да, тез-тез айтади. Аммо ўлими олдидан айтса у оддий гап мақомидан чиқиб, васият мартабасига кўтарилади.

Хотинига ҳам кўп гапирмайди. «Келининг билан ҳадеб ўчакишаверма, бечорани эзаверма», дейди халос.

Аслида бу гапни ҳам кунда бўлмаса-да, тез-тез айтади. У айтишдан чарчамайди, хотини ўз билгича яшашдан ҳоримайди. Солиев қайнона-келин можаросига пойдевор бўлгучи, кўпчилик эътибор бермайдиган бир сабабни аниқ билади: унинг хотини ҳам кўп оналар сингари ўғлини келинидан қизғанади. Йигирма йилми ё ундан кўпроқми ҳамиша қанотида юрган фарзандининг хуфтондан сўнг «ғойиб» бўлишига аввалига кўниқолмайди, кейин-кейин эса чидолмай қолади. «Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди», деган мақолнинг айнан ўшандай «қизғанчиқ» оналар тўқигани бежиз эмаслигини Солиев англайди. Гаплари шамолга соврилишини билса-да, танбеҳ бераверади.

Жон чиқиши олдидан сўнгги бор айтса бўларди. Аммо энди буниси оддий гап мақомидан чиқиб, васият мартабасига кўтариларди. Нодон хотини ҳеч бўлмаса, бир-икки ҳафта васиятга амал қилар ахир. Сўнг қизғаниш олови янада баттарроқ аланга олар. Олдинлари ёнида эри бўларди, ёлғизлик музхонасининг совуғи унга камроқ сезиларди. Эри ўлгач, музликлар аро ялангоёқ, яланғоч қолгандек бўлади. Тонгга қадар азобланади. Азобнинг аламини кимдан олиши эса тайин...

Темир йўл бекатида кўрагига бомба босилган ҳолда ночор турган маёр Солиев айтолмайдиган васияти баҳонасида шуларни ҳам ўйлаши кимгадир ғалати, балки ишончсиз туюлиши мумкин. Ҳолбуки, ғалат ҳолатларда ғалат ўйларнинг фикрни ёритиб ўтиши мутлақо ғалати эмасдир. Агар Солиевнинг ўрнида бир неча соат аввал «Қассоб»нинг ўқидан жон берган милитсионер йигит бўлганида бошқача ўйлаб, ўзгача васиятни фикр қиларди. Агар унга «ҳозир «Қассоб» сени отиб ўлдиради, васиятингни айтиб ол», деб имкон берилсами, биринчи галда ҳомиладор хотинига қараб: «Мендан ке-йин турмушга чиқсанг, болани «детдом»га берма, ота-онамга қолдир», демоғи шубҳасиз эди. Бироқ, унга бундай имкон берилмади, васиятсиз кетди. Солиевнинг ўйларида жон бор: васиятни айтиб, сўнг жон бериш ҳам ўзига яраша бир бахт — Тангрининг буюк марҳаматларидан бири...

Зулмат қаърида эканида ҳаёт ва мамот, васият тўғрисидаги ўйлар уни безовта қилмайди. Зулмат пардаси тешилиб, ойдинликнинг заиф нури қоронғулик билан олиша бошлаганида ниманидир сезди, қандайдир товушни эшитди. Ҳатто нималарнидир кўргандай ҳам бўлди. Аммо сезгани, эшитгани, кўргани нима эканини идрок эта олмади. Қулоқларига кираётган товушлар нотаниш, димоғига урилаётган ҳид ҳам бегона эди.

Кейин...

Ҳа, кейин «Қассоб»ни кўрди. Ҳамма ёғи қонга беланган «Қассоб» аввалига даф қилиш мақсадида, у томон бостириб келди.

Солиев ётган ерида қимирлай ҳам олмади.

— Қорним очди, — деди «Қассоб». — «Чучвара егим келяпти. Лекин сенинг гўштинг чучварага ярамайди. Эркак гўштини ейиш — менинг принтсипимга тўғри келмайди...»

Темир йўл бекатида чангалида бомба ушлаб турганида ҳам шундай деган эди. Бу гапни эшитиб Солиев «Шу тавиянинг ҳам принтсипи бор-а...» деб ўйлаб ғаши келган эди.

Ҳозир ҳам шундай ўйлади. Бир нарса демоқчи эди, тили айланмади. Фудранди.

— Ҳали ҳам ўлганинг йўқми? — «Қассоб» шундай деб энгашган эди, Солиевнинг кўрагига қон томди. Томчи қон қайноқ сув каби этини куйдириб, азоб бера бошлади.

Кутилмаганда «Қассоб» тисарилди. Кутилмаганда Солиев қувватга кириб, қаддини ростлади.

Буни кўрган «Қассоб» қоча бошлади. Солиев қувмоқчи бўлди: негадир қуш каби енгил учди.

— Тўхта, қочма, нега қочяпсан? — деб бақирди.

— Қувлама мени, барибир ета олмайсан.

— Тўхта, гапим бор сенда.

— Гапларингга бир кеча камлик қилдимиз? Сен билан бир тун бирга бўлдим. Энди ўлгунингча мени эслаб юрасан. Ўлгунингча мени қувлайсан. Қувлаш жонингга тегиб ҳам кетди.

Шундай деб «Қассоб» ҳам уча бошлади. Охири кўринмай кетди. Йўлда қонли излар қолди.

Шундан сўнг кўзларини очди.

Қаерда эканлигини билмади. Кўргани — оппоқ шифт унга қаерда эканини англатмади.

«Қассоб»ни қува-қува етиб келганим шу ерми, деган ўйда бир неча фурсат кўзлари бақрайганича қотди. Нотаниш товушлар ҳам тинди. Сукунат жарангидан қулоқлари шанғиллади. Кўп қатори у ҳам «Сукунат — жимлик демакдир» деб ҳисоблар эди. Аммо ҳозирги аҳволида сукунатдан қулоқлари қоматга келди. Сукунат шовқинини даф этмоқ учун қулоқларини кафтлари билан беркитмоқчи бўлди, бироқ қўллари унинг ҳукмига бўйсунмади. Билаклари оғир тошга боғлаб қўйилгандай кўтарилмади. Шунда қотиб қолган нигоҳи ҳаракатга келди. Унга хиёнат қилмаган жони аввалига киприкларини ўйнаб пирпиратди. Сўнг шифтга қадалган нигоҳ аста пастлади. Дастлаб кўрга-ни — тўнтариб қўйилган дори шиша идиш пўкагига уланган шаффоф ичак бўлди. Шиша идиш ичидаги яримлаб қолган заъфарон суюқлик қайнашни бошла-ётгандай дам-бадам пуфакча чиқариб қўяди. Маёр Солиев ана шу пуфакчаларни санаётгандай тикилиб ётди.

«Касалхонадаманми?»

Саволига заъфарон суюқлик оқиб ўтаётган шаффоф ичак жавоб берадигандай нигоҳини

юқоридан пастга томон туширди. Бироқ, кўзлари ичакнинг қаерга қадалганини кўролмади. Шундан сўнг бошини аста ён томон буриб, қўшни каравотда ётган одамни кўрди. Ҳаракатсиз ётган одамнинг тирикми ё ўлик эканини билмади. Унинг тепа томонидаги тўнтарилган шиша идишда пуфакчаларни кўргач, қўшниси ҳали ҳаёт эканини англади. «Ким бу? — деб ўйлади у. — «Қассоб»ми? Шунча отишмадан сўнг ҳам тирик қолдимиз?» Хонадаги ёруғлик етарли эмасмиди ёки Солиевнинг кўзлари хиралашганмиди, ҳар ҳолда тикилгани билан ён томонда ётган одамни таний олмади.

Бу орада эшик очилиб, ҳамшира кирди. Солиевда ҳаёт нишонасини кўриб, унга яқинлашди-да, ҳеч бир сўз айтмай, ўзини зўрлаган ҳолда жилмайди.

— Қаердаман?

Бу сафар ҳам овози чиқмади, фақат лаблари аста қимирлади. Ҳамшира лабларнинг қимирлашидан саволнинг мазмунини уққандай, ўша сохта жилмайишини канда қилмаган ҳолда майин кафтини унинг пешонасига қўйиб:

— Хавотирланманг, кризис ўтди, — деди. Кейин далда берувчи оҳангда қўшиб қўйди: — балки эрта-индин реаниматсиядан умумий хонага олишар...

«Кризис...», «Реаниматсия...»

«Зулмат — кризисмиди? Менга нима бўлди ўзи? — деб ўйлади Солиев — Бомба портламаган эди. Йигитлар киришганди. Балки ўшандан кейин портлагандир? Ёнимдаги яраланганлардан биттасими? Бошқалари қани?»

Тили гапга айланиб, буларни сўраганида ҳам ҳамшира жавоб қайтара олмас эди. Ҳамшира ён томондаги беморнинг ҳолидан хабар олгач, чиқиб кетди. Ҳамшира киргач, қайси бир бурчакка биқиниб олган сукунат у чиқиб, эшик ёпилиши билан яна хонага ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Солиевнинг бахтига бу сафар қулоқлари шанғилламади. Аҳён-аҳёнда даҳлиз томондан соатнинг чиқиллашини эслатувчи узук-узук, ожиз-ожиз товуш сукунат ҳукмига зарба бериб турди. Хаёллари аста-секин тиниқлаша бошлаган Солиев зулмат дунёсига кириш арафасидаги воқеаларни эслади.

## 2

Солиев жиноятчиларнинг изларидан тушган пайтларида кўп тунларни бедор ўтказган, бироқ, «Тун» деб аталмиш вақт бирлигининг бу қадар узун, бу қадар оғир-вазмин бўлишини сезмаган экан.

«Қассоб» ҳам, Солиев ҳам, атрофда сергак турган йигитлар ҳам «Тезроқ тонг ота қолсайди» деб кутишарди. Гўё бу машмашага тун айбдору, отажак тонг барча балоларни даф этадигандай эди.

Ўлим ёки ҳаёт дарагини бермоғи лозим бўлган тонг ҳам отди.

«Қассоб» чала бўғизлаб қўйилган ҳўкиз товушида бақриб, яна талабларини такрорлади. Бу томон ваъдани яна қуюқ қилди. Талаб ва ваъдалар қачонга қадар давом этажигини, қандай яқун топажигини ҳеч ким билмасди. Ҳамма қандайдир бир мавҳум тасодифга умид қиларди. Солиев ваъда бераётганлардан ҳам, атрофда кузатиб турганлардан ҳам ранжимас эди. Чунки бу муаммонинг ечимини ўзи ҳам билмасди. Билганда-ку, «шундай-шундай қилинса — олам гулистон» деб ғазабланса ҳам арзирди.

Юракни эслатувчи муштдеккина темир неча соатдан бери неча-неча юракларни беҳаловат тегишга мажбур қиларди. Портламай қолса-ку, барча масала бир нафасда ҳал бўлади-қолади. Тонгга яқин ҳолдан тойган Солиев бомбанинг портлаб кетишини ҳам истади.

У томон ҳеч қачон талабни бажармайди. «Қассоб» эса ўзича инсофга келмайди. Шундай экан, нимадан умид қилмоқ мумкин?

— Ҳа, фараон, чарчадингми? — деди «Қассоб» унинг ҳолини англагандай.

— Чарчашимнинг бировга фойда-зиёни йўқ. Ўзинг чарчаганга ўхшайсан. Бармоқларинг титрапти. Қўйиб юбора қол ўша зормандани.

— Чарчабсан, фараон. Ўлимни бўйнингга олдингми, демак, тамом бўлибсан. Иштонинг қуруқми ишқилиб? Ҳар ҳолда ҳўл иштонда ўлсанг шерикларингга кулги бўласан. Мен сенга бир яхшилик қилай: иштонинг қуригунича кутаман. Икки соат олдин ўламанми ё кейинми, менга барибир. Сен, — «Қассоб» истехзо билан тиржайди. — «мардларча ҳалок бўлсанг» битта медалга илиниб қоласан.

Солиев индамади. У «Қассоб» бақираётган пайтда талабларидаги қатъийликнинг сусайганини сезган эди. Ҳозир гапириш оҳангининг ҳам тундагидан фарқ қила-ётганини фаҳмлади. Фақат бу ўзгариш сабабини билолмади.

— Фараон, — деди «Қассоб», — қара, атроф ёришиб қолди. Лекин қуёш кўринмаяпти. Мен қуёшсиз кунни ёмон кўраман. — «Қассоб» шундай деб пича сукут сақлади-да, сўнг таъкид этди: — Жуда ёмон кўраман.

«Қассоб» тўғриси айтган эди. У болалик чоғларида денгиз қирғоғида ўтириб қуёш чиқишини томоша қилишни яхши кўрарди. Онасининг маишатига ҳалал бермаслик учун кўчага чиқиб кетганида у кўпинча қирғоққа борарди. Тўлин ой нурининг тўлқинчалар билан ўйинига узоқ-узоқ тикиларди. Сўнг эса қуёшни кутиб оларди. Тўлқинчалар юзини силаган ой нури қанчалик мафтункор бўлмасин, уфқни титратиб кўтарилган қуёшнинг ўзгача латофати бор эди. Боланинг назарида табиат чиройини очиб юборган қуёш унга янги кунда ширин ваъдалар бераётгандай бўларди.

«Бугун отанг қайтиб келади», дер эди Қуёш.

«Энди сени ҳечам ташлаб кетмайди», — деб ишонтирарди Қуёш.

«Онанг энди бегоналарни бошлаб келмайди», — деб ваъда қиларди Қуёш.

«Энди тунлари кўчаларда санқимайсан», — деб умид чироғини ёқарди Қуёш.

«Бугундан бошлаб сени биров «шилтаннинг боласи» деб камситмайди», — деб ҳимоясига оларди Қуёш.

Ўзининг онгида туғилган бу ваъдаларга бола ишонарди.

«Отанг қайтиб келса ҳам, тунларда санқимасам ҳам, барибир сени кутгани тонгда келаман», деб ҳам ваъдалар берарди.

Булутли тонглари эса ёмон кўрарди.

Онаси «Отанг кимлигини ўзим ҳам аниқ билмайман», деган рост гапни шубҳасизки, айтмас эди.

Шу боис «отанг бизни боқа олмай ташлаб кетган» деган ёлғонга бола ишонарди. Қуёшни кутаётган маҳалларида пул топиш, бойиб кетиш йўллари изларди.

Бир куни ўртоғига юрагини ўртаётган орзуларини айтди:

— Пулни нима қиласан, машина оласанми? — деб сўради ўртоғи.

— Йўқ, отамни топиб, уни боқаман.

— Нега? — деб ҳайрон бўлди ўртоғи.

— У бизни боқолмай ташлаб кетган экан. Эркак кишининг бундай қилиши — номардлик.

Номардлик жазосиз қолмаслиги керак. Мен уни боқиб жазолайман. Ҳар тишлам нонни тишлаганида мени ташлаб кетганидан уялади, афсусланади. Афсусланиб, афсусланиб, юраги сиқилиб қийналади. Қийналиб-қийналиб, охири ўлади...

Норасидалик чегарасидан ўтган ўсмирнинг истаги шу эди. У фақатгина Худога маълум бўлган онасини жазолашнинг турли усулларини мўлжаллаб қўйган эди. Тасодиф туфайли отасини топиб, ўйлаб қўйган жазолаш усулларидан бири қўлланилган тақдирда ҳам у болани айблаш жоиз бўлармикин? Ҳар ҳолда валади зинодан яна нималарни кутмоқ мумкин?

Унинг мурғак қалби, кирланишга улгурмаган онги фарзандини ташлаб кетмоқлик номардлик эканини фаҳм этарди. Номардлар қандай усулда бўлмасин жазо топмоқликлари шарт, деб ҳисобларди. Ўшанда ўртоғига жазонинг охири нима билан яқунланишини айтмовди. Унинг режасича, отаси «афсусланиб-афсусланиб» ўлгач, тобутга солиб кўмилмайди. Балки, жасади крематорийга топширилиб, куйдирилади. Унинг кули бир қутичага солинади, сўнг музейга топширилади-да, тагига «Номард отанинг кули» деб ёзиб қўйилади. Буни кўрган эркаклар

оқибатни ўйлаб қоладилар ва фар-зандларини ташлаб кетмайдилар.  
Болалик тасаввури шундай эди. Болаларини ташлаб кетувчиларнинг ҳаммасига шундай жазо қўлланилса, музейларда жой етишмай қолишини у ўйлаб кўрмаганди.  
Болалик орзулари ўттиз кунлик ой нури каби унга хиёнат қилди — зулмат қаърига сингиб кетди.  
Аmmo... қуёшга бўлган муҳаббати сўнмади.  
Булутли тонгга бўлган нафрати ҳам сусаймади.  
Зотан...  
Унинг бутун умри булутли тонг каби эди.  
Шубҳасизки...  
Умри адоғи айнан шундай булутли кунда бўлажагини у билмас эди.  
Қуёшли тонгни суйган бола умри адоғида қуёшни бир мартагина кўрмоқ илинжида кўз юмади...  
Болалигида тонг қуёши уни алдарди.  
Алҳол, унинг қуёши хиёнат қилди. Сўнгги нафасида бир қараб олишни истамади.  
Қуёш-ку... балки истагандир. Бироқ, заҳарли булутга чирмалган умри эвазига бу бахтдан маҳрум этилгандир...  
У отасининг жасадини куйдирмоқни ният қилган эди. Нияти ўзига насиб этади...  
Унга қадар эса...  
Чангалида бомбани ушлаганича, ҳазин овозда:  
— Қуёшсиз кунни ёмон кўраман, — деди.  
Маёр Солиев унинг овозидаги хазинликни сез-ди-ю, «ишқилиб бу ўзгариш яхшиликка бўлсин-да», деб ўйлади.  
— Фараон, сен Худога ишонаман, дединг, а? Шайтонга-чи? Шайтонга ишонасанми?  
Солиев дарров жавоб бермади. «Қассоб» ҳам «тез бўл!» деб қистамади. «Агар бу дунёда шайтон бўлса, бу сенсан», деб ўйлаган Солиев фикрини сиртига чиқармади. Илоҳий туйғулардан маҳрумлиги боис руҳлари ўлик, ҳайвоний ҳислари эса қувватли бу одамга нисбатан шу гаплар айтилса, балки шайтон алайҳилаъна ранжирмиди... Иблис «Қассоб»ни ҳидоят йўлидан адаштиргани рост, Худога бегона қилгани тўғри, хийлалари тўрига ўрагани, васвасалари гулханида қовургани айни ҳақиқат. Бироқ, иблисинг ўзи хотинларни ўлдириб, гўшларидан чучваралар тугиб емагандир... «Енг ширин чучвара сен маишат қилган жувоннинг гўштидан бўлади», деган хийласига ишонтира олган иблис ҳозир «Қассоб» лақабли бандасининг қонларини кўпиртириб қандай васваса қиляпти экан? Ёки «мана, охириги манзилингга эсон-омон етиб келдинг, энди мен сенга дўст эмасман», деб қочиб қолдимми?  
Ажаб... «Қассоб» умрининг сўнгги соатларида нечун қадрдони шайтонни эслаб қолди? Қизиғи шуки, шайтон етовида юргувчилар ҳамма вақт ҳам ўз йўлбошчиларини эслайвермайдилар. Бир озлик сукутдан сўнг «Қассоб» қадрдонини нима сабабдан эслаганини маълум қилди:  
— Мен шайтонга ишонаман, — деди у. — Билиб қўй: барчаларимизнинг хўжайинимиз шайтон бўлади. Менинг шайтоним бақувватми, демак, мен зўрман. Сеники кучлими, демак, сен зўрсан.  
— Ҳозир... сен зўрмисан? — деб сўради маёр Солиев.  
— Зўр бўлмасам шунча одам атрофда титраб турармиди? Лекин... фараон, билиб қўй: шайтон ҳар бир одамнинг кўкрагига мана шунақа бомбани босиб туради.  
— Кейин портлатадимми?.. Қачон портлатади?  
— Ҳар куни портлатади. Кейин юракни қийма-қийма қилиб ейди.  
Ертасига юрак яна ўсиб чиқади, у яна портлатади, яна ейди.  
— Фалсафанг қизиқ экан. Мен шайтон томирлардаги қонга аралашиб оқиб юради, деб эшитувдим. Сен ўша шайтон билан олишиб кўрмаганмисан?  
— Нега олишаман? У менга доим қувват берган.  
— Юрагингни қиймалашичи?

- Бун азоб деб ўйлаясанми? Йўқ, бу мен учун зўр роҳат эди.
- Ҳозир ҳам роҳатланаясанми?
- Ҳа.
- Ўзингни ўзинг алдама: ҳозир қўрқаясан!
- Алжима, фараон... — Қассоб шундай деб бир силтаб, бомбани унинг кўкрагига қаттиқроқ босди.
- Шайтонинг энди сенга қувват бера олмайди. Йўл ҳам кўрсата олмайди. Биттагина йўлинг бор сенинг.
- Биттагина йўл? Таслим бўл, демоқчимисан? Ақлинг калта экан, фараон. Иккинчи йўл-чи? Панжаларимни очиб юбориш учун менга қувват шарт эмас. Яна битта йўлим бор. Балки... кўрарсан.
- Ҳамма йўлларингнинг номи бир — чорасизлик.
- Бўлди, ўчир! Фалсафа сўқма менга.
- Мен фалсафа сўқийдиган файласуф эмасман. Тўғри гапни айтяпман. Сен катта фожианинг ҳалқумидан бўғиб турибман, деб ўйлаясанми? Панжаларингни очиб юборсанг дунёни ларзага соладиган фожа юз берадимми? Томизғичда денгиз сувидан икки томчи олиб ташланса нима ўзгаради? Дунё ғариблашиб қолади-ми?
- Томчи дедингми? Тўғри айтдинг. Сен чиндан ҳам арзимас бир томчисан. Шунинг учун ҳам миллион сўм ҳам, самолёт ҳам менга берилмайди. Нега лақиллатишаётганларини билмайманми? Хўжайинларинг Мос-квдан буйруқ кутишяпти. Москва марҳамат қилиб «сўраганини берларинг», деса беришади. Икковини отиб ташла, деса, отиб ташлашади. Москва учун сен кимсан? Ҳеч кимсан. Сендақалар миллионта. Москва нимадан кўрқади, биласанми? Халқаро жанжалдан. Бу ерда эса халқаро жанжал йўқ. — «Қассоб» шундай деб енгил титраб олди. — Фараон, тўғри айтибсан, чарчабман. Ҳамтовоқларингга айт, бир шиша ароқ беришсин. Солиев «Қўй, бу аҳволда ичма», демоқчи бўлди-ю, айтажак гапи харсангтошга отилган кесак каби наф бермаслигини билиб, тилини тийди. Шунинг баробаринда «бунга ароқ беринглар» ҳам демади. Чунки «Қассоб»нинг баралла айтган гапини сал нарида турган йигитлар эшитишган, улар учун Солиевнинг тасдиқ маъносидаги ишораси кифоя эди.
- Заҳарламай олиб келларинг, аввал шерикларинг ичади, — деди «Қассоб» йигитларга қараб. Сўнг яна буюрди: — автомат юкхонадаги қирқ еттинчи бўлинмани очасанлар. Шифри — 01958. Сумкани олиб келасанлар. Қулфини очишга ҳаракат қилмаларинг, бомбага уланган. Солиев сумкани нима мақсадда олдириб келмоқчи бўлганини фаҳмлади:
- Хумори тутдимми?— деб сўради у хотиржам тарзда.
- Зийрак экансан, фараон. Шерикларингга айт: мен қуруқ пўписа қилмаяпман. Сумкада ростдан ҳам кичкинагина бомбача бор. Кичкинагина бўлса ҳам уч-тўрт ҳамтовоғингни тинчитишга кучи етади.
- Солиев буйруқни бажарди.
- «Қассоб»нинг талаби ҳам тезликда адо этилди.
- Сумка оёғи остига қўйилгач, у кулди.
- Қара-я, фараон, ароқни бир пасдаёқ олиб келишди. Машиналарингга маишат учун олиб юрасанларда, а? Мен аҳмоқ, самолёт сўраб ўтирибман. Аслида сени икки шиша ароққа алмаштириб юборсам бўларкан. Энди нархингни билдингми? Қани ол, оч ароқ- ни. — Солиев буйруқни бажаргач, «Қассоб» шишанинг ярмидан сал юқорироғига бармоғини тираб деди: — Шу ергача ич. Қолгани менга.
- Мен ичмайман, — деди Солиев.
- Сендан «ичасанми?» деб сўрамадим, «ич!» дедим.
- Солиев одобли бола сингари буйруққа итоат этиб шишани кўтарди, бироқ, икки қултумдан кейиноқ қалқиб кетди. Йўтали босилгач, кейинги буйруққа итоат этгани ҳолда сумкани кўтарди.

— Ҳожатхонадаги учта шеригинг димиқиб кетишгандир, айт, даф бўлишсин, — деб буюрди «Қассоб».

«Оббо занғаре, шуни ҳам билиб турган экан-да?» деб ўйлаб, йигитларга ишора қилди.

«Қассоб»нинг талаби бажарилгач, ҳожатхона сари юрдилар. Солиев эшикни очиб, остона ҳатлайман, деганида «Қассоб» уни тўхтатиб, орқасига ўгирилди:

— Шерикларингни тўсиб оламан, қийналиб кетди. Халақит бермаларинг. Эшикни очган — ўлади!

Ичкари киришгач, «Қассоб» кишаннинг калитини сўради. Калит шимнинг чўнтагида, Солиев кишанли қўли билан ололмас эди. Шунда «Қассоб» панжасидаги бомбани Солиевга тутди:

— Ушла, фараон, жон ширин бўлса, маҳкам ушла.

Панжаларига бомба тегиши билан Солиевнинг юраги «шув» этиб кетди. Бош бармоғи билан эҳтиёт тугмасини босгунича товонидан сочининг учига қадар бир совуқлик югуриб ўтди.

«Қассоб» эса хотиржам равишда унинг чўнтагига қўл солиб, калитни олди. Ўзининг билагидаги ҳалқани ечиб, Солиевни сув қувурига кишанлаб қўйди-да, эшикка хавотир билан қараб-қараб олганича сумкани очди. Ундан елим халтача олиб, кафтига кукун ташлагач Солиевга «ана энди хуморбосди қиламан» дегандай қараб олди. Кейин кукунни бурнига тортди. Кўзларини юмиб чуқур нафас олди. Ҳузурли онлардан роҳатлангач, бу кайфни қувватлантирмоқ мақсадида ароқни кўтарди.

— Сен дунёнинг мазасини билмайсан, фараон. Ўлсам ҳам менга алам қилмайди. Чунки мен маза қилиб яшадим. Мен қамоқдан ўлимдан қўрққаним учун қочмадим. Ўлимимни кутиб ётишдан безиб қочдим. — Шундай дегач, яна кукун ҳидлади.

— Фараон, — деди у ҳузурланиб кўзларини юмгани ҳолда. — Сени бир миллионга олишмади. Сенинг ўлимингга рози улар. Лекин мен рози эмасман. Кел, сен билан шартнома тузайлик: мен сенинг ҳаётингни сақлаб қоламан. Сен эса менинг ўлигимни крематорийга ёқтирмайсан. Одам қаторида тобутга солиб кўмдирасан. Гўримнинг тепасига битта бут ҳам қўйдирасан.

— Худога ишонмайсан-ку?

— Ишонмаслигим тўғри. Лекин... ким билади, балки бордир? Сен эҳтиётдан бут қўявер. Балки фойдаси тегиб қолар. Келишдикми?

— Келишдик.

— Сенга ишончим бўлмаса ҳам ишоняпман. Бошқа иложим йўқ. Фараон, умрингда биттагина ўғил болалик қил: ваъдангни бажар, хўпми?

«Қассоб» шундан сўнг гапирмади. Солиев ҳам уни кузатиб жимгина ўтираверди. Ароқнинг сўнги қултуми бу дунёдаги ҳузурли роҳатнинг сўнги нафаси якунланганига далолат бўлди. «Қассоб» шишанинг бўғзидан икки бармоғи билан ушлаганича баланд кўтарди-да, унинг ичидан бир нима излагандек тикилиб турди. Сўнг бехос ташлаб юборди. Шиша чил-чил синди. «Қассоб» чап кафтида қолган кукунни шиша синиқлари устига сочди-да, Солиевга яқинлашиб, панжасидан бомбани олди, аммо эҳтиёт тугмасини босмади.

— Фараон, бўлди, ўзингни қийнама. Бу бомба порт-ламайди. Сенларни лақиллатиб хумордан чиқдим. Менга шу етади, — «Қассоб» шундай деб бомбани тувакка ташлади.

«Қассоб» портламайди, дегани билан Солиев кучли портлашни кутди. Ана шунда юраги яна бир қалқиди. «Қассоб» эса ён чўнтагидан икки тўппончани олди-да, ўқдонни текшириб, Солиевга қарамаган, «хайр» ҳам демаган ҳолда эшикка яқинлашди-ю, уни зарб билан тепиб очиб ташқарига отилди.

— Қани, отларинг энди! — деганча ҳайқириб тўппончаларнинг тепкиларини босди.

Солиев жонҳолатда:

— Отманглар! — деб бақирди.

Лекин унинг овозини ҳеч ким эшитмади. Пала-партиш отишма бир неча сонияда тинди.

Солиев шуларнигина эслайди.

Йўқ, бўшашиб, нафаси қайта бошлаганида йигитлар киришди...

Демак, ўзи чидаса ҳам юраги дош беролмабди-да...

Солиев бир оз ўзига келгач, «Қассоб»га берган ваъдасини эслади. Эслади-ю, ночор экани ҳам маълум бўлди: у беҳуш ётган кунларда «Қассоб»нинг эгасиз жасади куйдирилган эди...

### 3

Ер ости йўлагига олиб тушувчи зинапояда маёр Илёсовни кўрган Зоҳид унга яқинлашган онда бекат ҳожатхонасидаги «Қассоб» чап кафтидаги кукунни шиша синиқлари устига сочган эди. Зоҳид Илёсовдан «Нима гап?» деб сўрашга ҳам улгурмай, ичкарида отишма бошланди. Бир дақиқа атрофида давом этган пала-партиш отишма тингандан сўнг ҳам ўраб турган соқ-чилар ҳалқаси тарқалмади. Зоҳид-ку, эндигина келди, таъбир жоиз бўлса, у «чақирилмаган меҳмон». Аммо тун билан мижжа қоқмай, соқчиликда турган Илёсов ҳам ичкарига қўйилмади. Аслида Зоҳиднинг ичкарида қиладиган иши ҳам йўқ, устози Мақсуд Солиевнинг тақдири ҳам у учун номаълум эди. Атрофда юрган одамлардан фарқсиз ўлароқ, унга ҳам ичкарида нима воқеа юз берганини билишгина қизиқ эди. Солиевнинг тун билан гаровда ушлаб турилганидан хабардор бўлган Илёсов эса биродари тақдирдан хавотирлангани туфайли ичкарига интилган эди.

Отишма тингач, сал четроқда шай турган «Тез ёрдам» машиналари бекатнинг ойнаванд эшиклари қаршисига келиб тўхташди. Замбил кўтариб шошиб юрилганидан ичарида ҳамма масала ҳал этилгани аён бўлди. Аввал бошдан оёққача чойшаб тортилган одамни олиб чиқишди. «Кимдир ўлибди... Кимнинг жасади бу?»... деган савол назари билан Зоҳид билан Илёсов бир-бирларига қараб олдилар. Саволга икковларида ҳам жавоб йўқ эди. Бекатни ўраб турган соқчилар ҳалқаси заифлашиб, чекинди. Улар бекат эшигига анча яқинлашишганда яна бир замбил кўтариб чиқилди. Зоҳид «Тез ёрдам» машинасидан ўн беш қадамча нарида турган бўлса-да, кўзлари юмук, ранглари оқарган Солиевни таниб, юраги «шув» этиб кетди. «Яраланганларми, ё... Илёсовга қараган Зоҳид унинг кўзларидан ҳам айни саволни ўқди. Уларнинг қарашидаги савол ҳам бир, жавоб ҳам бир эди: яраланган! Хаёлларидаги жавобнинг ҳатолигини улар кейинроқ биладилар.

Ўша куни Илёсовдан «Иш»га алоқадор гапларни сўрашнинг мавриди эмасди. Одамлар тарқай бошла-гач, Зоҳид ҳам ишига қайтди-да, Шокаримов ўлимига доир маълумотларни қайтадан синчиклаб ўқий бошлади. Марҳумнинг шахсига тааллуқли сатрларга келганда нигоҳи бир нуқтада қотди. «Кеча нима учун эътибор бермадим? Бу тасодифми?..» деган хаёлда Шокаримов ишлаган жойларнинг номларини қайта ўқиди. Бетон заводида ўтгунига қадар таксопаркка директор бўлгани сирли қулфни оча олувчи калит бўлиб кўринди. Зоҳид ён дафтарчасига таксопарк рақамини ёзиб, тагига уч-тўрт чизик тортди-да, ундов ва сўроқ белгиларини қўйди. Бу таксопарк Зоҳидга яхши таниш эди. Шилимшиқ ўз ўлимини топгунига қадар айнан шу саройнинг янги «Волга»сини миниб юрган. Айнан шу Шокаримов ва унинг қанотидагилар таксопаркдан машина «ўғирланганини» то Шилимшиқ ўлдирилгунига қадар «билмай» юришган. Устига устак, Кесакполвоннинг топшириғини бажариб, ўликхонадан мурда олиб бориб берган Сайфи Турдиев ҳам айнан шу ерда ишларди.

Зоҳид ён дафтарчасидаги ёзувга тикилганича ўйланиб қолди. Назарида ҳозиргина ёзиб, остига чизилган рақам оддий белги эмас, балки сирлар сандиғининг сирли очкичи эди. Зоҳид бармоқларини ёйиб, сочларини юқорига қараб қайта-қайта таради. Сўнг пешонасидаги тери билан эт орасига чумолилар кириб олгандай ғимирлаб ғашини келтира бошлагач, чап кафти билан силади. Ўйлагани сайин ўйлари уни ўзи истамаган ҳолда асадбеклар олами томон тортаверди. Агар асадбеклар олами шахмат тахтасига қиёс этилса, Зоҳиднинг фикрича, Шокаримов ҳам Намозов каби пиёдалардан бири эди. Шоҳнинг манфаати учун пиёдаларнинг қурбон бўлиши табиий бир ҳол. «Пиёда» Шокаримов қандай манфаат учун қурбон қилинди экан? «Пиёда» Намозов илми, олим эди. Буниси эса ҳунар-техника билим юртини тамомлаган. Демак, мактабдаги ўқишини қойиллата олмаган. Ўқитувчиларнинг зўри билан «ҳунар ўрганиш



иштиёқида» билим юртига борган. Касби — ғишт терувчи! Бу ҳам Зоҳид учун ажабланарли сир эди. Шокаримовнинг қўлига ғишт ушлаган-ушламагани қанчалар жумбоқ бўлса, унинг қайси йўллардан юриб таксопарк бошлиғи курсисига ўтиргани шу қадар сир эди. Зоҳид «Иш»ни қайта-қайта ўқиб «Шокаримовнинг ўйнаши ҳам, ҳайдовчиси ҳам бесабаб ушлаб турилибди, эҳтиёт чораси ўзгартирилиши керак» деган тўхтама келди. Аммо Илёсов билан суҳбатлаша туриб қарорини амалга оширишга шошилмади.

Бекатдан қайтар маҳалида устозининг яраланмаганини, балки юраги ўйнаб, ҳушсиз бўлганини эшитган эди. Пешиндан кейин Солиевнинг аҳволидан хабар олгани касалхонага борди-ю, «инфаркт» деган ташҳисни эшитиб, беихтиёр равишда «Нега?» деб юборди.

Солиевнинг ҳаётдан беҳабар одам «Қассоб»нинг панжасидаги бомбадан кўрқиб юраги ишдан чиқибди», деган хулосага келиши мумкин. Ҳар ҳолда бекатдаги тунни бедор ўтказганлар, айниқса, Солиевни беҳуш ҳолда кўрганлар шундай деб ўйлашган эди. Ҳолбуки «Қассоб»нинг панжасидаги бомба сўнги туртки эди. Бу сўнги турткидан хабарсиз бўлган Зоҳид касалхона ҳовлисидаги кимсасиз айвон устунига суяниб, заиф қор учқунларининг сар-сари учишларига тикилиб турарди. У устознинг ҳаётини қисман бўлса-да билгани учун «Нега?» деган саволига ўзи жавоб топди. Неча ҳафталаб, ҳатто ойлаб бедор юриб, жонини гаровга қўйиб жиноят илдизини очганида биттагина телефон қўнғироғи билан барча ҳаракатлари чиппака чиқарилганида юрагидаги битта томир узилмадимикин? Жиноят иши катталардан бирининг тантик ўғлига тақалганида, қатъий туриб олгани учун «ўз вазифасига муносиб эмас», деган тамға билан ишдан четлатилганида-чи?

Солиев бошига тушган савдолардан айримларини ибрат тариқасида айтиб берганида Зоҳид «юрагингиз темирдан экан, чидабди», деганди. Мана энди маълум бўлди, юраги темирдан эмас экан.

Зоҳиднинг қишлоғида, уларникидан олти хонадон нарида бир одам яшарди. Асл исми Ғайрат бўлган бу кишини ҳеч ким ўз номи билан атамай, қисқа ва лўнда қилиб «Ғийбат» деб юритишарди. Унинг яна бир лақаби «Офат» бўлиб, айримлар борида барака усулида уни «Ғийбат Офат» деб улуғлашарди. «Ғийбат» дейилса-да — ярашиқли, офат дейилса-да — арзирли бу одам атрофдагиларнинг ёқтирмасликларини фахмларди. Шу боис дуч келган хонадонга кириб, ўзида йўқ обрўсини тўккиси келмас, мўмин-қобил бўлгани учун Зоҳиднинг отаси билан ҳамсуҳбат бўлишни ёқтирарди. «Ҳамсуҳбат» дейиш ҳам нисбий тушунча. Чунки Зоҳиднинг отаси суҳбатлашмас эди, тилининг тагига бир чеким нос ташлаб фақат эшитарди. Ўн икки йил муқаддам Зоҳид Ғийбат Офатнинг раис билан олишуви ҳақидаги «ахборот»ни бехос тинглаб, ғазабланган эди. «Менга мошин бермагунингача ҳар куни келаман, юқорига ёзиб сени тинчитмайман. Ё сен менга мошин берасан, ё мен сени инфаркт қиламан!» Ғийбат Офат бу гапни алоҳида бир ғурур билан айтган эди.

Раис бу одамнинг айби биланми ё бошқа сабабданми инфарктдан кўз юмган эди. Ўшанда Зоҳид «пичоқ уриб ёки бўғиб ўлдирганни «қотил» деймиз, қамаймиз, ҳатто ўлимга ҳукм қиламиз. Раиснинг қотили ким? Ғийбат Офатни айблай оламизми? Пичоқ урмоқ билан инфарктга олиб бормоқнинг фарқи нимада? Фақат усул бошқа, охир оқибат эса бир — бевақт ўлим!» Ҳозир касалхона ҳовлисидаги айвон устунига суяниб турган Зоҳид шуларни эслади. Эслай туриб «бировларни инфаркт қилувчи одамларнинг ўзлари ҳам инфаркт бўлармикинлар? Улар қандай ҳолда жон бераркинлар?» деб ўйлади.

#### 4

Илёсов жойига ўтиргач, пешонасини тириштирганича Зоҳидга қаради. Зоҳид бу қарашдан «Ука, бемаврид келибсан, бошимни қотирма», деган маънони ўқиб, хона соҳибининг сўз бошлашини кутди. Илёсов эса эринчоқлик билан стол тортмасини очди-да, сигарет олиб, лабига қистирди.

— Нима бўлганини эшитгандирсиз? — У шундай деб сўраб, жавоб кутмай сигарет тутатди.

—Касалликларини билдим.

— Худо бир асрабди ошнамни. Ундан кўра елкасиданми ё сониданми яралангани минг марта яхши эди. Инфарктнинг иши қийин, ука. Энди уни бу идорада бошқа кўрмайсан, мажруҳликка чиқариб юборишади. Мана шуниси инфарктнинг ўзидан ҳам ёмонроқ. Умр бўйи кўчада юрган одамнинг «қачон инфаркт бўларкинман, иккинчисида ўлармикинман ё учинчисидами?» деб уйда Азроил келишини кутиб ўтириши осонми? Мени қанча кутдингиз?

— Ярим соатча.

— Одам одамни ярим соатми ё беш соатми кутса бетоқатланади. Ҳар дақиқа, ҳар соатда ўлимни кутса-чи? Буни ҳеч ўйлаганмисиз? Сиз ҳали ёшсиз, хаёлингиз бошқа ёқда. Мен ҳам кам ўйлайман буни. Лекин ошнам энди тинмай шуни ўйлайверади. Ўйлай-ўйлай ўзини еб адо қилади. Инфаркт нима, биласизми? Бу касаллик эмас, аслида Азроилнинг ташриф қоғози. Кутилганга нисбатан кутилмаган меҳмон анча дуруст.

Илёсов ҳаёт ва мамотга доир фалсафасини айтиб бўлгунича Зоҳид тоқат билан ўтирди. Ортиқча гап қўшмади. Яқин одами бошига кулфат ёғилса ёки хасталикка чалинса киши «бу менинг тақдиримда ҳам бордир» деб хавотирланади. Ўзини гумонидаги кулфатни қаршилашга руҳан тайёрлайди. Ҳозир Илёсов ҳамкасбининг тақдиридан куйиб гапираётган бўлса-да, кўнглининг бир четиди «каминанинг ёзуғи ҳам шу» деган ҳақиқат ғимирларди. Узининг ҳам қачондир инфаркт бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр кечмиш ва келажакка оид фалсафаларини тўкиб солишга ундарди. Зоҳид ҳамсўхбати руҳий ҳолатидаги туғённи сезгани учун ҳам халал бермай тек ўтирди.

Азага келган хотин ростданми ё ёлғонданми ҳарчанд йиғламасин, оқибат ўзининг ташвишларига кўчади. Илёсов гапира-гапира бир оз енгил тортгандай бўлиб, «бу йигит менинг ҳасратимни эшитгани келмагандир», деган хижолатда изоҳ берди:

— Мақсуд акангиз сизга устоз бўлганлари учун айтяпман бу гапларни.

Илёсов бир неча нафас сукут сақлагач, фалсафа оламидан ҳақиқат дунёсига кўчди:

— Шокаримовнинг ишини сизга беришибди, эшитдим. Мендан бирон нарсани сўрамоқчимисиз?

— Ҳа, — Зоҳид шундай деб ўрнида бир қимирлаб олди. — Қоғозга тушмаган гаплар бўлса...

— Қоғозга тушмаган гапларми? — Илёсов Зоҳидга тикилиб қолди. — Қоғозга тушмай қолган гапларнинг асосийсини Шокаримов ўзи билан гўрга олиб кетган. Унча-бунча қолган гаплар ўйнаши билан ҳайдовчисининг тилида турибди. Билмадим, ҳақиқатни тилларига қўшиб суғуриб олиш керакми? Ҳар ҳолда мен улардан керакли маълумот ололмадим. Балки сизга ёрилиб қолишар? Сиз қидирадиган сир шу иккаласининг орасида. Узоққа бориб юрманг, ука.

— Ўлимга бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкинми?

— Масалан?

Зоҳид таксопаркка асадбекларнинг таъсири борлигини айтишни истамади. Шилимшиқ, Сайфи Турдиевга доир гапларни бу одам билмаслиги ҳам мумкин. Билмаса, хабардор бўлмай тургани ҳам маъқул. Алҳол Зоҳиднинг мақсади уни гумонларидан огоҳ этиш эмас, билакс, ундан бирон янгилик эшитиш эди.

— Масалан... таксопарк директорининг бетон заводига бошлиқ бўлиб қолиши мени ажаблантиряпти. У соҳада ҳам бу соҳада ҳам маълумоти йўқ экан?

— Бунақа ўринларда ўтириш учун маълумот шарт эмас, ука. Пул санашни, пулни тўғри тақсимлашни билса бўлди. Сиз китоб кўриб улғайган йигитсиз. Агар қоқилмайин десангиз, энди бу китобларингизни четга қўйиб ҳаётнинг китобини ўқинг.

Илёсовнинг бу ўгити Зоҳид учун янгилик эмасди. Илмдаги муаллими Ҳабиб Сатторовдан ҳам, бу соҳадаги устози Мақсуд Солиевдан ҳам эшитган. Ёши улугроқ одам борки, Зоҳидга ўхшаганларга шундай маслаҳат қилади. Зоҳидга бу гапларни эшитавериш эриш туюлади. Чунки у ҳаёт бошқа, китоб бошқа деган фикрни мутлақо ҳазм қила олмайди. Унинг ақидасига кўра, ҳар қандай китоб ҳаёт тажрибасига асосланган тарзда юзага келади. «Доно»лардан бири Зоҳидга «ҳаёт китобини ўқинг», деганида у ғашланиб:

— Ўзингиз ҳеч китоб ўқиганмисиз? — деб сўраган эди.

— Китоб ўқиб, бошимни оғритиб нима қиламан, мен ҳаёт кўрганман, — деган эди «Доно». Ўшанда Зоҳиднинг тили қичиб ўртоғига айтган гапларни айтиб юборган, кейин афсусланиб «Доно» ранжийди, деб ўйлаган эди. Аммо «Доно» Зоҳидни ҳайрон қолдириб ранжимади. Ҳолбуки у гап унча-бунча одамнинг баданини тешиб юбориши мумкин эди: бир куни Зоҳид уйда ётганида ҳамқишлоқ ўртоғи йўқлаб келди.

— Ҳа, яна бош оғрияптими? — деб кўнгил сўрагач, ўзича ташхис қўйди: — Китобни кўп ўқийсан-да. Мен сенга минг бир марта айтдим: ҳадеб ўқийверма. Мана мен битта ҳам китоб ўқимаганман. Шу ёшга кириб бир марта ҳам бошим оғримади.

Зоҳид ўртоғига ярим ҳазил, ярим чин оҳангида:

— Бошингнинг оғримаслиги китоб ўқимаганингдан эмас, сен яна юз йил яшасанг юз йил бош оғриғи нималигини билмайсан. Сенда оғрийдиган бошинг ўзи йўқ, — деган эди.

Ҳозир Илёсовга ҳам шунга ўхшаган гап айтворай деди-ю, тилини тийди. Фикрни чалғитмаслик учун муддаодан четламади:

— Ўйнаш билан ҳайдовчига қўлланилган эҳтиёт чораси сал ошириб юборилмаганми?

— Мен уларни ўз билгимча қамамадим. Жиноятга алоқаси бўлгани учун мен таклиф этдим, прокурор тасдиқлади. Хотинини қамаб қўйганим йўқ-ку?

— Эҳтиёт чорасини ўзгартирсаммикин, сиз нима дейсиз?

— Энди ука, «Иш» сизнинг қўлингизда. Нима қилсангиз қилинг. Фақат шошилманг. Хўжайинлар «Ҳа, бўл!» деб туришса ҳам арқонни узун ташлайверинг. Мен шошилмаган эдим, «Иш»ни сизга олиб беришди. Ақлим етганича гумонларим бор, аммо буни ҳозир сизга айтмайман. Ўзингиз бир ҳаракат қилиб кўринг. Кейинроқ маслаҳатим зарур бўлиб қолса келарсиз.

Илёсовнинг бу тарзда суҳбатга якун ясаши Зоҳидга малол келса-да, оғир олганини сездирмай хушмуомалалик билан хайрлашди. Умри «Угро»да ўтаётганларнинг терговчиларни, айниқса, ёшларни хушламаслиги, айрим ҳолатларда менсимаслиги Зоҳидга аён. Барча соҳаларда бор бўлгани каби ёш-қари мутахассис орасидаги муаммо бунда ҳам мавжуд. Ёшлар катталарни доғмада, яъни қотиб қолганликда айблашади. Катталар эса уларни «думбул» деб билиб ишларидан айб излашаверишади. Камчилик топилган тақдирда мамнуният билан танбеҳ беришади. Мусулмон одобига зид ўлароқ, бирон ёшнинг қоқилишини истовчилар ҳам йўқ эмас. Афсус шуки, бу тоифа «ёш биродарим илойим қоқилмасин, қоқилгудай бўлса ўзим суюйман», демайди. «Қоқилсин, йиқилсин, пешонаси ғурра бўлсин, бурни қонасин, шунда кўзи очилади, менинг қадримга етади», деб умид қилади. Қуруқ умид билан кифояланса кошки, баъзан киши билмас тарзда қоқилишига ёрдам бериб қўяди. Зоҳид бундай кимсаларни илм оламида ҳам кўрди, бунда ҳам учратиб, кўзи пишди. Хайриятки, туннинг муқобилида кун бўлгани каби, ёмоннинг пайини қирқувчи яхши ҳам бор. Солиев шу тоифадан бўлгани учун Зоҳид уни беҳад ҳурмат қиларди. Зоҳид «Илёсов Солиевнинг акси», деган фикрдан узоқ. У ҳақда ёмон гап эшитмаган. Ажабланарлиси шуки, яхши гап ҳам, айтайлик, «фалончига ёрдам берибди, қўллабди, ёнини олибди», деганга ўхшаш олқиш ҳам қулоғига чалинмаган.

Бировга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмайдиган одамдан эҳтиёт бўлиш керакми ё фақатгина аблаҳликни касб қилиб олгандан қўрқиш зарурми — Зоҳид бу масалани ҳам ўзича ҳал қилиб олган: у учун кейинги тоифа хатарли эмас, чунки бундай одамларнинг ҳужумига эртаю кеч шай турасан. Илимлик (Зоҳид биринчи тоифани шундай атайди) одамлар офтобда қолган сувга ўхшайди. Чанқаб келасану ичолмайсан, ичсанг кўнглинг ағдарилади.

Илёсов айрим ишларни Солиев билан бирга бажарарди. Унинг тажрибали, мулоҳазали экани Зоҳидга шундан маълум. Илимлик эканини яхши билмас экан, бугунги муомаласидан бунга амин бўлди. Зоҳид лозим бўлиб қолганда Илёсовни бу ишга жалб қилиши мумкин эди. Хонадан чиқа туриб «бу илимилиқсиз ҳам куним ўтар», деб қўйди.

Миркаримовнинг уйида мотамсаролик сояси йўқ эди. Кўк кийган аёлни, ғамнок болаларни учратарман, деб ўйлаган Зоҳид янглишди. Кейин «Бу уйдан ўлик чиққанига анча бўлди шу пайтгача оҳ-воҳ қилиб ўтиришармиди», деган фикрга келди.

Баъзилар пул топадилару ақл топмайдилар. Ё дан-ғиллама уй соладилар. Ёки доврўғи етти иқлимга кетадиган тўй қиладилар, ё ҳар йили бир марта, иштаҳалари келиб қолса, икки марта машиналарини янгилайдилар, шу зайлда қармоққа илинганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар: «Сотсиалистик мулкни талон-тарож қилиш»да айбланиб бор будларидан айриладилар. Зоҳид дарвоза олдида турганича атрофни кузатиб «Миркаримов бу тоифадан бўлмаган экан», деган тўхтама келди. Дабдабали тўй қилганми-йўқми — ҳозирча билмайди. Билгани — Миркаримовнинг номида машина ҳам, уй ҳам йўқ. Уй қайнонасининг номида, сутранг «09» хотинининг номида. Миркаримовнинг ақлига беш кетиш керакки, фақат хотинигина ўзининг номида. Қўлга тушгудай бўлиб суд «мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинсин», деган ҳукм чиқарганда маълум бўладики, бу «бечора»да мол-мулкнинг ўзи йўқ. Агар жиноят кодексида «Хотини ҳам мусодара қилинсин», деган модда бўлсами, бу зотлар хотинни ҳам бошқа бировнинг номига расмийлаштириб қўйишармиди, валлоҳи аълам? Бу дунёнинг қонунларини шу тариқа четлаб ўтиш мумкин. У дунёдаги сўроқлардан қай тарзда бўйин товланар экан? У дунёда хотиннинг номидаги машина қай тарзда харид қилингани хусусида ҳам ҳисоб берилармикин?

Шаҳар чеккасидаги қишлоқда чиройли пештоқли, кўкрак кериб турган оқ тунукали уйлар кўзга деярли ташланмайди. Аксинча, синчи ёки пахсаси кўтарилиб, у ёғига қўл калталиги туфайли ташлаб қўйилган уйлар кўпроқ. Миркаримовнинг уйи бошқалардан фарқли ўлароқ, кўча юзига эмас, боғ ичкарасига қурилган. Уйнинг дабдабасини боғдаги дарахтлар ёмон кўзлардан ҳимоя қилиб туради.

Зоҳид тўрт пахса баландлигидаги девор билан ўралган боғ дарвозаси олдида чалинган қўнғироғига жавоб кутиб анча турди. Бетоқатланса-да, тирқишдан мўралашдан ўзини тийди. Тўртинчи қўнғироқдан сўнг дарвоза ортида аёлнинг «Ким?» деган овози эшитилди. Зоҳид ўзини танитгач, дарвоза ўртасидаги эшик қия очилиб, эгнига пахталик нимча кийиб, елкасига жун рўмол ташлаган, киприклари узун-узун, қошлари камалак каби эгилган чиройли жувон кўринди.

«Қошу ёсиму дейин, кўзи қаросинму дейин», деган ашулани шоирлар шундай гўзалларга қараб туриб ёзишганда...» Зоҳид буни айни дамда, дарвоза остонасининг бу томонида турганида эмас, кейинроқ қайтар маҳалида ўйлайди. Ҳозир эса савол назари муҳрланган чиройли кўзларга қараб туриб мақсадини айтди. Жувон «бу одамнинг уйга киришга ҳаққи борми, қўяйми ё қўймайми», деган ўйда пича турди-да, сўнг чекиниб эшикни кенгроқ очганича «киринг», деб йўл бошлади. «Уйда эркак йўқ, гапингиз бўлса шу ерда сўрайверинг», дейиш «еркаксиз уйга бегоналарни киритма», деган одобдан дарс олмаган жувоннинг хаёлига ҳам келмади. Унинг изидан бораётган Зоҳид «бу қизими ё келиними?» деб ўзича фол очди. Бу кўхлик жувон Миркаримовнинг иккинчи хотини деган ҳақиқат тушига кирибдими?

Қишнинг ҳукм суриш вақти тақвимга кўра адоғига етган бўлса-да, совуқ нафаси ҳукмронликни давом эттираётгани сабабли ташқарида туриб гаплашиш имкони йўқ эди. Кунгай қилиб солинган ойнаванд айвон иссиқ экан. Зоҳид «шу ерда ўтира қолайлик» деган таклифни айтишга улгурмай жувон телевизор қаршисидаги стулни кўрсатиб «ўтиринг» деди. Ўзи ён томондан жой олиб, елкасидаги жун рўмолни суюнчиққа ташлади. Сўнг портфелини очиб, қоғозларини олаётган Зоҳиднинг ҳаракатларини зийраклик билан кузатди.

— Ўлдирган одамни топдингларми?

Сўроққа тайёрланаётган Зоҳид учун бу савол кутилмаган бўлмади. Бундай саволларни кўп эшитгани учун ҳам шошилмай, қоғозларни кўздан кечириб олди-да, жавобни қисқа қилди:

— Топамиз.

— Сиздан ҳам олдин бир киши икки-уч марта келди. Қотилни сизларга биз топиб беришимиз керакми?

— Сиз овора бўлманг, опа, ўзимиз бир амаллаб топамиз.

— Шунақами? — жувоннинг камалак қошлари чимирилди. — Унда нима учун келдингиз? Адаларини... бу уйда ўлдиришмаган. Энди бошқа келманглар. Биринчи кун олиб кетган нарсаларингни ҳам қайтаринглар.

«Адаларини... Демак, бу хоним Миркаримовнинг бевалари экан-да?» Зоҳид шу хаёл билан жувонга тегишли саҳифаларни варақлади. «Ойсанам Эркаева. 1958 йилда туғилган... Ёшига кеча эътибор бермабман. Эридан ўн саккиз ёш кичик экан...» Зоҳид беванинг талаб оҳангидаги гапларига ҳам совуққонлик билан жавоб қайтарди:

— Миркаримовнинг бу уйда ўлдирилмаганини биламан. Лекин ўлимидан олдин шу уйдан ўз оёғи билан чиққан. Олинган нарсалар вақти келганда қайтарилади, хавотирланманг. Рўйхат билан олинган, рўйхат билан қайтарилади, игнадек нарса ҳам йўқолмайди, Ойсанам опа, — Зоҳид шундай деб жувонга тик қаради. Чиройли кўзларга дош бериш қийин бўлса-да, нигоҳини олиб қочмади. — Мен сўрайдиган айрим нарсалар сизга бемаъни ёки эриш туюлиши мумкин, лекин шуларни сўраб, аниқлашга мажбурман. Эшитишимча, Миркаримов серҳиммат, қўли очиқ, меҳмондўст, хотамтой одам эканлар, — шундай деб Зоҳид атайин ёлғон айтди. Пулдор одамлар, уларнинг оилалари бахил бўлсалар-да, ўзлари ҳақида шундай тавсифни эшитмоқни хуш кўрадилар. Зоҳиднинг мўлжали аниқ чиқиб жувон узоридаги қатъийлик сояси чекиниб, мамнунлик офтоби кўринди. Зоҳид эса бу ўзгаришни сезмагандай давом этди: — Кунда бўлмаса ҳам кунора меҳмон кутгандирсиз. Меҳмондўст одамнинг хотини бўлиш осонмас.

— Нимасини айтасиз... — жувон шундай деб енгил хўрсинди.

Яқин ўтмишнинг тотли хотираси юрагини энтиктирди. Меҳмон кутишда у эрталабдан хамир қориб нону сомса ёпмас, бир қозонда суюқ, иккинчисида қуюқ овқат ҳам пиширмасди. Меҳмон кутишни пазанда йигитлар, хизматчи аёллар ўрнига қўйишарди. Бу оппоқ, бўлиқ бармоқлар қозон-сочиқ нималигини аллақачон унутиб юборган. Меҳмон кутиладиган кун бу бармоқлар пиёз арчиб, тўғрамас, балки тилла узуклар билан ороланарди. Таманно билан юриб, кўп кўзларни куйдирарди. Эри «еркакларнинг олдига ҳадеб чиқаверма» деса-да, «чойингларни янгилаб берайинми?» деган меҳрибонлик билан кириб-чиқиб турарди. Унинг хаёлида бузуқлик йўқ эди, эрига хиёнат қилмоқни ҳам ўйламасди. Фақат эркак зотининг еб қўйгудек бўлиб суқланиб қарашидан роҳатланарди. Меҳмонга тақинчоқларини тақиб борганида эса эркакларнинг хирсдай қарашларига қўшимча равишда аёлларнинг ҳасад билан боқишларидан маст бўларди. Ҳозир ўша омон-омон дамларни эслаб энтикди. Жувоннинг бу олами Зоҳидга қоронғу эди. Шунинг учун енгил хўрсиниш сабабини бошқача тушунди.

— Тез-тез келадиган одамлар орасида Асадбек ака бўлармидилар?

— Ким у киши?

— «Асадбек» деса бутун шаҳар танийди-ку? Сиз... эшитмаганмисиз?

— Эшитмаганман... оғайнилари орасида бунақаси йўқ эди шекилли?

— Ҳайдар ака, Маҳмуд деганларини-чи?

— Эсимда туради, дейсизми? Биласиз-ку, бизда эркаклар алоҳида ўтиришади. Ўрисларга ўхшаб биллалашиб чўқиштириб ичишмаймиз.

— Бу гапингиз ҳам тўғри. Мен Асадбек акани танийсиз деб ўйлабман. Сизни қаердадир кўргандай бўлиб ўтирувдим. Энди эсладим: Асадбек аканинг тўйларида кўрган эканман. Зоҳид бу ёлғонни таваккал қилиб айтди. Унинг фаразича, тўйга шаҳарнинг барча пулдорлари келишган. Асадбекларга хизмат қилиб юрувчи таксопарк директорининг келиши эса исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатлар сирасига кирарди. Шундай дабдабали тўйга бундай гўзал хотинни олиб бормаслик эса нодонлик бўлади.

Зоҳиднинг бу ёлғони ҳам яхши самара берди.

Жувон кафтини ўнг бетига босиб,

ўйлангандай бўлди.

- Қайси тўйни айтяпсиз?  
— Машҳур ҳофиз Элчинни куёв қилди-ку?  
— Ҳа... сиз ҳам борувдингизми?  
— Фақир киши панада, дейишади-ку, бир четда ўтириб маза қилганмиз. Демак, эсладингиз. Асадбек ака келиб турармидилар?  
— Йўқ, у киши келмасдилар. Балки ўғилчамизнинг тўйида келгандирлар. Нима, ўша кишидан гумонингиз борми?  
— Бе, шундай улуғ одамдан гумонсираймизми? — Зоҳид шундай деб кулимсиради. — Шунчаки сўрадим, қўйдим, Мендан олдин сизникига милитсиядан Илёсов деган одам келган. Ўша одамга «ҳеч кимдан гумоним йўқ», дебсиз. Ростданам гумонингиз йўқми?  
— Кимданам гумон қилардим?  
— Ҳайдовчидан... — Зоҳид «ўйнаш» демоқчи бўл-ди-ю, жувонга бу сўз ёмон таъсир қилиши мумкин-лигини англаб, юмшоқроқ тарзда: — яна бир таниш аёл, — деди.  
— Аёлни билмайман, — деди Ойсанам, — лекин ҳайдовчи деганингиз... акамдан қанақасига гумон қилишим мумкин?  
Бу гапни эшитиб Зоҳид сергак тортди:  
— Нима, акам дедингизми? Ўз акангизми?  
— Ҳа,— жувон шундай деб ажабланиб елка қисди,— туғишган акам. Сиз нимага ҳайрон бўляпсиз?  
— Илёсовга ҳам айтганмидингиз буни?  
— Эсимда йўқ... айтгандирман.  
— Акангизнинг фамилияси?..  
— Мен биринчи эримнинг фамилиясида қолганман.  
Бу янгилик Зоҳид учун кутилмаган жумбоқ бўлди.

## VI 6 o 6

### I

«Англашилмовчилик бўлибди»?!

Асадбек қулоқларига ишонмади. «Уйқусираяптими бу малла капитан ё кечаси билан отиб чиққан бўлса калла карахтми?»

Четдан қараган кишига милисахона навбатчисининг дарчасига тирсагини тираб турган Асадбек гап уқмас бўлиб кўринарди. Бу хонада капитандан бошқа четдан қаровчи одам йўқ эди. Унга эса Асадбек айнан шундай кўринди.

— Тушунмадингизми? — деди у энсаси қотган тарзда.

— Тушунмадим, — деди Асадбек.

— Нимасига тушунмайсиз? Англашилмовчилик бўлибди, — деди капитан. — Милитсия номидан узр сўраймиз. Ўғилларингиз ҳозир чиқишади, олиб кетаверасиз. Юкларингизни қараб, текшириб қабул қилинг.

Неча хил ўй-хаёл, неча хил режа билан бу ерга келган Асадбек учун буниси сира кутилмаган «совға» бўлди. У аввалига тўғри Хонгирейга учраб «талабингни айту болаларимга тегма», демоқчи бўлди. Лекин бу аҳди қатъийлашмади. «Хўп, бордим, айтдим, — деб ўйлади у, — «ўғилларингни мен қаматмадим», демайдими? Дейди. У хунаса чақалоқлигида тулкининг сутини эмиб катта бўлган. Ўзини билмаганга олади. «Ия, шундай бўптими?» деб ачинади. Кейин менга марҳамат қилади. Э, йўқ, менга у харифнинг марҳамати керакмас. У менинг бош эгиб кириб боришимни жуда-жуда истаяпти...»

Асадбек йўқотилган бойликнинг ўрнини тўлдириш мумкинлигини, йўқотилган номусни эса асло тиклаб бўлмаслигини яхши билгани учун ҳам Хонгирейнинг ҳузурига бормади.

Ўғиллари учун жонини беришга тайёр Асадбек номусини булғаб бўйин эгишга келганда чидай олмади. Номус жонга нисбатан улуғлик қилди. Ўзини тўхтатди. Номуснинг топталишини энг сўнги чора деб билди. «Гадонинг душмани гадо бўлади», деганларидек, Москвада Хонгирей якка ҳоким эмас, унинг пайига тушадиганлар ҳам топилади. Асадбек ҳозир чора излаб улардан бирининг ҳузурига бормоғи мумкин эди. Лекин бу йўлнинг айна дамда хатарли эканини, яра патос боғлаб кетмоғи мумкинлигини у фаҳмлади. Шубҳасизки, Асадбек Москва ерига қадам босиши билан Хонгирейнинг одамлари уни кузатадилар. Асадбек Хонгирей учун нобоп тўдага арзини айтгани ҳамон ўлжани бўғиб турган илон заҳарлашни пайсалга солмайди. Тўғридан тўғри милисахонага боравериш фикри уни кутиб олган Жамшидга ҳам маъқул келди. Балки «беш-ўн сўм» совға эвазига иш пишар деган умидда навбатчи дарчасига тирсагини тираганича ўзини танитиб, муддаосини айтиши ҳамон капитан англашилмовчилик бўлганини маълум қилиб турибди.

Умидига осонлик билан етгани учун қувониши лозим бўлган Асадбек «англашилмовчилик» деган сўз иккинчи марта такрорлангач, беихтиёр ғазабланди. «Иккита бегуноҳни қамоғинга тиқиб қўйиб яна «англашилмовчилик» деб безраясанми, энафар!» деб бақаришга чоғланганида хожасининг феъли айнаганини сезган Жамшид уни четга тортди.

Асадбек «нега аралашасан!» деган маънода ўтли нигоҳини унга қадади.

— Бу ердан чиқволайлик, кейин гаплашамиз, — деди Жамшид.

Ким билан, қачон, қаерда, қандай тарзда гаплашажагини ўзи ҳам билмаса-да, хожасини тинчитиш учун ишонч билан айтди бу гапни. Асадбек «ертага сенга шоколад олиб бераман», деган алдовга учган гўл бола сингари ювош тортди. Энди унинг жавдираган кўзлари ҳар ён боқиб, ўғилларининг чиқиб келишларини кутарди.

Орадаги ярим соат худди ярим йил сингари руҳни эзғилаб ўтди. Вақтнинг ўн беш дақиқаси «ҳозир чиқишади», деган ишонч билан, қолгани эса «яна англашилмовчилик бўлибди, беайб бошқа одамлар экан, сизнинг ўғилларингизни чиқармаймиз» деб қолса-чи?» деган гумон талвасаси билан ўтди.

Ярим соат Асадбекни беш йилга қаритди. Зайнаб можаросида чўккан гавдаси янада чўқди. Хожасини кузатиб турган Жамшид енгил титради: хожасининг сочлари бирданига оқариб кетди. Асадбекнинг сочларига оқ оралаган эди. Лекин ҳозир, бир оннинг ўзида қиров қўнгандай бўлди. Жамшид «аввал ҳам шундайдир, эътибор бермагандирман», деб ўйлаб янглишди. Сочнинг айна шу дамда оқарганини навбатчи капитан ҳам сезгани учун тез-тез қараб-қараб қўяётган эди.

Сукунат...

Сукунатнинг тили борми? Бўлса, сассиз равишда нималар деяпти экан? Балки ўзининг тилида чинқариб Асадбекни қарғаётгандир? Балки сочларининг оқариб кетгани қарғишнинг ижобат бўлаётганига бир ишорадир?

Олдинда қўллари кишанланган Абдусамад, орқароқда Абдуҳамид кўриниши билан Асадбек ўзини тута олмади. Унинг кейинги ойлар ичи заифлашиб қолган иродаси, саботи кўздан қўйилиб, киприкларига қадалган ёш томчиларини тўхтата олмади.

Ҳали «англашилмовчилик бўлганини» билмаган, «Турларинг!», «Девор тарафга ўгирил!», «Қўлингни чўз!», «Битта-битта юр!», «Гаплашма!» деган буйруқларга мўмин бола сингари итоат қилиб чиқиб келаётган, хаёллари «Энди бу ёғи нима бўларкин?» деган савол билан банд ака-ука ойнаванд девор ортида оталарини кўрдилару кўнгиллари тўлиб, бўғизларига йиғи келди. Улардаги ёшларга хос матонат йиғини тўхтатишга қурби етди. Агар Асадбек ўғиллари кўзларида ёш кўрсамми, бўғизига қадалиб турган фарёдни тўхтата олмасди. Яхши ҳамки ойнаванд деворнинг хиралиги оталари ёноғига думалаган кўз ёшни парда қилиб тўсди. Тўсмасами эди, балки ёшлик матонати ҳам ожизлик қилиб қолармиди...

Гўзал ёрлари ҳамроҳлигида уйга кириб бормоқни, келинсаломдан қувонган оталари билан кўришмоқни орзу этган ўғиллар хира ойнаванд тўсиқ ортидан «Адажон, бизнинг ҳеч гуноҳимиз

йўқ» деган маънода жавдираб қарашарди. Қўлларидаги кишанлар ечилиб, чўнтакларидан олинган нарсалар рўйхат бўйича бир-бир қайтарила бошлангач, улар чиндан ҳам «гуноҳлари йўқлигини» англаб енгил тортишди. Икковлари ҳам бараварига «адам чиқариб олдилар» деб ўйлашди.

Соғинч ва ташвишдан ўртанган юраклар хадик сояси остида учрашганлари учун тилга сўз келмай қолди. Титроқ тиллар «Болам!», «Адажон!» дейишгагина қувват топа олдилар холос. Асадбек ўғилларини бағрига босиб, кўнгли бир оз ором топгач, қулочини кенг ёйиб икковини қанотлари остига олди-да, «Кетдик!» деди. Сўнг жиянлари қатори суюмли бўлиб қолган йигитлар билан кўришиш бахтидан бебаҳра қолаётган Жамшидга қараб:

— Юкларни ўзинг олиб чиқ, — деди.

— Бек ака, қараб олайлик, — деди Жамшид айбдор одамнинг овози билан.

— Паст кетма буларнинг олдида. Бир-иккита матоҳни олган бўлса олгандир.

— Олса майли-ю, қўшиб қўйган бўлса-чи? Кўчага чиққанимизда яна ҳунар кўрсатишмасин, дейман...

Жамшид «хўжайинга ақл ўргатиб балога қолмасайдим» деган хавотирда гапини калта қилди. Асадбек кейинги йилларда фақат Чувринди укасигина ақл ўргатса чидарди. Ҳатто Кесакполвон тўғри маслаҳат берса-да, аввал бир бобиллаб, сўнг амал қиларди. Жамшид хожасининг бу одатини яхши билгани учун ҳам фикрини баён қилишда бир оз чўчиди. Шу пайтга қадар «Бек акам «нимага?» деган саволни ёмон кўрадилар. Акамга «хўп бўлади» кўпроқ ёқади», ақидасига амал қилиб келган одам учун юракдаги зардоблари тошиб, алам вулқони портлай деб турган хожасига бундай дейиш ўзига хос жасорат эди.

Фарзандларини қанотлари остига олиб эшик томон бир қадам қўйган Асадбек тўхтаб, аъёнига ўгирилди. Портлаш ўрнига Жамшид учун кутилмаганда ҳорғинлик билан:

— Гапинг тўғри, — деб ўғилларини қанотидан чиқарди.

Жамшид йигитлар билан енгил-елпи кўришиб олгач, капитан чақиртирган милиса иштирокида жомадонларни очди. Шу онда телефон жириглади. Навбатчи гўшакни қулоғига тутиб, ўзини танитгач, Асадбекка қаради-да:

— Ҳа, шу ерда, — деди. Сўнг эшитган буйруғига итоаткорона тарзда: — Хўп бўлади, — деб Асадбекни чақирди: — Асад Абдуллаев, сиз мен билан юринг.

Жамшид ҳам, ўғиллар ҳам кутилмаган бу йўқловдан ажабланиб, капитанга савол назари билан қарадилар:

— Сизлар ишингизни давом эттиринглар, бу ўртоқ ҳозир қайтади, — капитан шундай деб Асадбекни даҳлиз бўйлаб бошлади. Даҳлиз адоғига етганида ўгирилиб, Асадбекка: «Шу ерда тўхтанг», деб амр этгач, ўнг қўлдаги эшикни тақиллатди.

«Тўхта, деворга ўгирил, қўлингни орқага қил!» демади, шунисига шукр, — деб ўйлади Асадбек.

— Мени ким чақирди, мақсади нима? Уз оёғим билан озод юриб келиб, маҳбус бўлиб чиқмасайдим...»

Бу хаёл васваса ҳосили эмасди. Хонгирейдай одам бир қилиқ билан ўғиллари ўрнига ўзини тикиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Агар ҳозир ичкарида тиржайиб ўтирган Хонгирейни кўрса Асадбек мутлақо ажабланмаган бўларди.

Киришга рухсат бўлгач, капитан Асадбекнинг ортидан эшикни оҳиста ёпди. Асадбек ичкари кириб салом берди. Чарм палтосини ечмай стулда эмас, столда ўтирган йигит саломга алик олиш ўрнига ўзини «КГБ ходими», деб таништирди. Гувоҳномасини кўрсатмади. Асадбек эса талаб қилмади.

— Абдуллаев, биздаги маълумотга қараганда Афғонистонда тайёрланган кокоин сен орқали Россияга узатилар экан.

Йигитнинг дабдурустдан сенсираши Асадбекка малол келса-да, ғазабини ютди. Чунки қўяётган айби олдида бу сенсираш ҳеч гап эмасди. Хонгирейнинг асл мақсади шу айбномадан сўнг ойдинлашгандай бўлди. «Дардинг мени йўқ қилиш экан, нима қилардинг болаларимни эзиб»,



деб фикрини.

Саволга дарров жавоб бермагани учун чарм палтоли йигит ўрнидан туриб унга яқинлашди: — Биз ҳатто наркокурерларингни ҳам биламиз.

Асадбекнинг талвасага тушишини кутган йигит унинг кўзларига тикилиб хавотирни кўрмади. — Ким бўлса ҳам сизга нотўғри маълумот берибди. Мен ҳеч қачон қора дорига аралашмаганман.

— Ҳа, — йигит тисарилиб яна столга омонат ўтирди: — Гапинг тўғри. Бизда бунақа маълумот ҳам бор. Ҳўш, қайси бири ҳақиқат?

— Иккинчиси.

— Қара, фикримиз бир ердан чиқди: мен ҳам ҳамкасбларимга шундай дедим. Аммо улар ишонишмаяпти. Уларни ишонтириш учун нима қилиш керак?

Асадбек елка қисди-ю, «билсанг ўзинг айт» дегандай унга қараб тураверди.

— Сен биз билан ҳамкорлик қилишинг керак. Тушуняпсанми? Ҳеч бўлмаса бир-иккита наркокурерни бизга тутиб берасан. Мулоҳазага ўрин йўқ. Кўнишга мажбурсан. Ҳар ҳолда ўғилларингни бекорга чиқармаяпмиз. Улар гаровда, билиб қўй!

Чиндан ҳам тортишиш, мулоҳаза юритишга фурсат йўқ эди.

— Ким билан боғланаман?

— Сен билан ўзимиз боғланамиз. Энди боравер. Уйингга қайтиб, тўйингни бошлайвер. Қўрқма, энди сен бизнинг ҳимоямиздасан.

Асадбек паст овозда «хайр» деб хонадан чиқди. Саломига алик олинмагани каби хайрлашишига ҳам лутф қилинмади.

Жамшид билан ўғилларининг савол билан қарашларига жавобан:

— Тезроқ бўлларинг, мен тоза ҳавода тураман, — деб ташқарига юрди.

Кўчага чиқди-ю, қуруқ қор бўрони юзига урилиб нафаси қайтди. Палтосининг ёқасини кўтариб, бошини тошбақа каби ичига тортди. Москванинг совуғига мосланмаган юпка палтоси бўрон ҳамласини қайтара олмади. Бир пасда баданига муз югуриб қақшай бошлади. Изига қайтмоқчи бўлганида беш қадам нарида, кўча четида қорга бурканиб турган «Волга» эшиги очилиб Жамшиднинг шериги тушиб келди:

— Бек ака, бўлдими, чиқишдими? — деб сўради.

Асадбек «ишинг нима!» деб жеркимоқчи бўлди-ю, қўл қовуштириб сомеъ турган йигитни ўкситгиси келмай қисқагина қилиб:

— Ҳа, — деди.

— Ҳайрият-е, Бек ака, мошина иссиқ, ўтириб тулинг. Мен ичкарига кирайми?

Йигит энди ҳаддидан ошган эди. Шу боис бу сафар хожасининг ғазабидан бенасиб қолмади:

— Жойингга бор, ишингни қил!

Йигитнинг маҳмаданалиги ғашини келтиргани учун у таклиф этган иссиқ машинага бормай жойида тураверди.

Унинг хаёллари кўчада сарсари кезаётган қор бўрони каби тўзиган эди. «У мени кутиб ўтирган эдимиз? «КГБ ходимиман» деганида ишониб қўя қолганим яхши бўлди. Гувохнома сўрасам гап майдалашарди. Майли, мени калтафаҳм деб ҳисоблаб ўтираверсин. Агар унинг КГБ эмас, Хонгирейга тобе лайча эканини билмасам, унда чиндан ҳам пайтавафаҳм бўламан. Хонгирей қорадорифурушликка тоқатим йўқлигини билади. У ўзича усталик билан қўл-оёғимни боғлади. Агар ҳароми Ҳайдар билан тил бириктирган бўлса, ишини қилаверади. Мен нодон эса наркокурерларни аниқлаб, хабарлайман. Бу маълумот тўғри Хонгирейнинг қўлига бориб тушади. У энағар илгаритдан қанжиқ\* эди. Мени ҳам ўзига ўхшатапти шекилли? Яхши, ўхшатса ўхшатиб турсин. Мен унга ўхшаган паст ўғри эмасман. Меники битта гардкам бўлади. Остидан ҳам устидан ҳам қўпориб ташламасам юрган эканман. У башарасига ниқоб тақиб арслонман деб керилияптими? Башара арслонники, дум эса тулкиники. Э, нодон, ўша тулки думингнинг остига сенинг...» Асадбек шундай деб сўкиниб ён томонга ўгирилганича тупурди.

Биринчи жомадонни кўтариб чиққан Жамшид:

— Бек ака, совуқда турманг, юринг, — деди меҳрибонлик билан.

Асадбек Чувриндига қандай итоат этган бўлса, Жамшидга ҳам шундай бўйсуниб, эргашди.

Кўчада турганида этини зириллатган совуқ меҳмонхонага борганида кучини кўрсатди.

Баданида безгак титроғи туриб, ҳолдан тойди. Жамшид устма-уст жунчойшабга ўраб қўйса ҳам исимади. Хожасининг титроғи пасайиш ўрнига зўраяётганини кўрган Жамшид ресторанга қўнғироқ қилиб қайноқ карам шўрва билан ароқ буюрди. Айтганлари муҳайё бўлгач, шишадаги ароқнинг ярмини хожасига зўрлаб ичирди. Асадбек карам шўрвадан уч-тўрт қошиқ ичгач, пешонасида тер маржонлари кўринди. Жамшид зўрласа ҳам шўрванинг ярмидан камроғи қолди. Шундан сўнг Жамшид хожасини ечинтириб, баданини ароқ билан обдон артиб, худди чақалоқни йўрғаклагандай ётқизиб қўйди. Ана шу амалдан сўнг Асадбекнинг баданига илиқлик югуриб совуқ титроқ азобидан қутулди. Ҳатто ташвишли гаплардан ҳам йироқлагандай бўлиб ўзи сезмаган равишда оромли уйқуга кетди. Аммо бу ором олами уни бағрида узоқ ушлаб туролмади. Бир соатга етар-етмай у яна ташвишли дунёсига қайтди.

Ювиниш хонаси томондаги ғўнғир-ғўнғир товушлар қулоғига кирмаганида узоқроқ ухлаши мумкин эди. Аввалига буни кўраётгани мажҳул тушга оид товушлар деб ўйлади. Товушлар аввал унинг сезгиларини уйғотди. Сўнг кўзлари очилди. Бир зум қулоқ тутиб ётди-да:

— Маҳмуд, ким келди? — деб сўраб қаддини кўтарди.

«Жамшид» демай «Маҳмуд» деб юборганини ўзи ҳам сезди. Жамшид эса устози ўрнини эгаллаётганини фаҳмлади. Ётоқ эшигини қия очиб:

— Маматбей келди. Хонгирейнинг саломи бор эмиш,— деди.

— Ҳа... келибди-да, жуда яхши. Ҳозир кийиниб чиқаман. Сен чой-пой буюр.

— Ўтирмас эмиш. Сизни олиб кетгани келганмиш. Менам тайёрланайми?

— Сен укаларинг билан қоласан. Хонгирейинг билан ўзим би-ир отамлашай.

— Шеригим борақолсинми?

— Кераги йўқ. Бу сен ўйлагандақа учрашувмас. Яраш-яраш бўлади. Акангнинг зиёфатини еймиз бугун. — Асадбек кийина туриб шундай деди-да, захарли тарзда кулимсираб қўйди.

У Хонгирейдан чопар келишини кутган эди. Шу сабабли милисахонадан чиқишгач, меҳмонхонага боражагини билдирди. Хожасининг мақсадини англамаган Жамшид ажабланиб қараб қўйиш билан қаноатландию «Ичкарига чақиришганда бир гап айтилгандир-да», деган ўй билан чекланди. «Нега чақиришибди, тинчликми?» деб сўрашни хаёлига ҳам келтирмади. Айтиш лозим бўлса, хожасининг ўзи айтди. Сир сақладими, демак, бу сир қальасининг эшиклари Жамшид учун тақа-тақ берк. Очишга уринишлик эса энг камида сўкиш билан мукофотланади.

Асадбек милисахонадан тўғри «Домодедово» деб аталмиш жойга қараб бормоғи, икки соатдан сўнг эса учоққа ўтириб уйига жўнаб қолиши ҳам мумкин эди. Шундай қилса унинг ҳар қадамига тикилиб, кузатиб турганлар жуда бўлмаганда қўрқоқлик тамғасини босар эдилар. Ёки юклар қайта текширилиб бирон машмаша чиқарилмоғи муқаррар эди.

Асадбек кийиниб даҳлизга чиқиши ҳамон Маматбей қучоқ очиб кутиб олди.

— Ҳа, эски оғайнилар топишиб олдингларми? — деди Асадбек энгил пичинг оҳангида.

— Ў, жан гардашим, бу ўғлунг чўх буюк инсан. Бек гардаш, таъзияларими қабул эт. Маҳмудбей чўх буюк инсан эди. Афсуслар чекмақдамиз, афсуслар.

— Оғанг Хонгирей қалай, дурустми?

— Ташаккур сана, гардаш. Сана Хангирейнинг саламлари вар.

— Эрталаб зиёратига бораман деб турувдим.

— Зиярет биздан лазим ўлур, Бек гардаш. Санда биза кўнақдирсан. Санида азиз этиб башларимиза кўтаражакмиз. Хонгирей орқадаш бу онда сани кутмақдадир.

— Кутаётган бўлса кетдик.

— Жамшидбейда бизим ила боражакми?

— Йўқ. У укалари билан шаҳар айланмоқчи бўлиб турувди, шаштини қайтармайлик.

\* Ҳукумат идоралари билан ҳамкорлик қилиш ўғри учун ўз қонунларига хоинлик ҳисобланиб, шундай «унвон» билан тақдирланадилар.

## 2

Милисахонадан чиқиб, машинага ўтиришгач, ор-қадаги ўғиллари томон қия ўгирилиб:

— Қийнашмадими? — деб сўраганида Абдусамад:

— Йўқ, — деб жавоб қилган, Абдулҳамид эса:

— Фақат билақдан қон олишди, — деб қўшимча қилган эди.

— Нега қон олади? — деб ажабланганди Асадбек.

— Қорадорини ўзимиз истеъмол қиламизми, йўқ-ми — билишмоқчи экан, — деб изоҳ берганди Абдул-ҳамид.

Асадбек «қийнашмадими?» деб сўраганда тан азобларини назарда тутган, Абдусамад ҳам айна шу маънода «йўқ» деб жавоб қилган эди.

Одатда милисахонага тушиб чиққан ҳар бир одамдан шундай деб сўрашади. Ҳеч ким, ҳеч қачон руҳ азоби билан қизиқиб кўрмайди. Кўп қатори Асадбек учун ҳам болаларининг калтакланмагани муҳим эди. Руҳларининг фарёдини эса у эшита олмас эди. Зотан, айна дамда ўзининг безовта руҳи ҳам чинқириғини бас қилмаган эди.

Тангри таоло бандаларини хўп ажиб тарзда яратмиш экан. Ҳуда-беҳуда йиғлашни, уввос тортишни аёлларга касб қилиб бериб, баъзи-баъзида йиғлаши мумкин бўлган эркакнинг хўнграшини хунуклик либосига ўраб қўймиш экан. Бу йиғининг зоҳирий кўриниши. Ботиндаги руҳларнинг фарёдига ҳам товуш ато этилсами, дунёнинг қулоқлари қоматга келарми эди... Абдусамад юкларни текширишда бошланган машмаша қўлга кишан урилиши билан якунланади, деб сира ўйламаган эди. Сермулоҳаза, босиқ табиатли бўлган бу йигит ўртада бир қинғир ўйин бошланганини фаҳмлаб, кўпам талашиб-тортишмади. Қони кўпирган, олишмоқ иштиёқидаги укасини ҳам оғир бўлмоққа ундаб турди.

Алоҳида хонага қўйилганларида Абдусамад сездик, бу томошани тайёрлаганлар эҳтиёт чорасини унутмаганлар. Терговга чақирилмаётганларидан фаҳмладики, бу томоша замирида унинг ақли бовар қила олмайдиган бир сир-синоат мавжуд. Бу сир-синоатнинг илдизи отасининг қилмишларига бориб тақалишини у тасаввур қилиб кўрмади. Алҳол, бу ифвога хориждаги ҳаётимиз сабабдир, деб гумон қилди.

Улар ўқишга кетишаётганда Берлин девори ҳали маҳв этилмаган бўлса-да, Фарб деб аталмиш дунё билан ораликдаги тўсиқлар олина бошланган эди. Сиёсатчилар Совет Иттифоқининг ташқи олам билан муносабатида яхшилик сари бурилиш содир бўлаётганини мақтаётган онларида ўқиш учун Олмонияга отланган ака-ука махсус суҳбатга чорланиб, ватандошлар билан яқин алоқага кириш баробаринда уларнинг орасидаги гап-сўзлардан хабардор қилиб туриш вазифаси топширилди. Тақдир ёзуғи шундай эдики, махсус топшириқсиз ҳам улар ватандошлар билан яқин алоқа ўрнатдиларким, оқибат бу алоқа никоҳ билан якунланди. Никоҳ ҳақида гап чиқишдан аввал ҳам, тўй арафалари, кейин ҳам ака-ука махсус топшириқни эслаб туришарди. Сўралгудай бўлса сўровчиларни қандай чалғитиш маслаҳатини пишитиб олишарди. Бироқ, Олмонияда «топшириқни бажаряпсизларми?» деб биров йўқламади.

«Энди шу ифво баҳонасида сўрашадими? Сўраш учун бу ерга олиб келиш шартмиди?»

Дунёнинг кўп қинғирликларидан беҳабар ака-укалар «махсус топшириқ фақат бизга берилди», деб ўйлашганди. Хорижга чиқаётган ҳар бир одам зиммасига шундай топшириқ юкланишидан, четдаги ватандошларнинг хатти-ҳаракатлари, мақсадлари, гап-сўзлари буларнинг хизматисиз ҳам махсус идораларга маълум эканидан беҳабар эдилар.

Вақтинчалик қамоқхонанинг темир панжарали эшиги шарақлаб ёпилгач ака-ука узоқ вақт гап-

сўзсиз ўтирдилар. Абдусамад гумону тахмин, фаразларини тарози палласига бир-бир қўйиб кўргач, уф тортиб:

— Биз ростданам гўл сичқонлар эканмиз, — деб қўйди.

— Нима дединг?

Оралиқдаги фарқ бир ёш бўлгани сабабли Абдулҳамид акасини кўп ҳолларда сенсирарди. Фақат ота-онаси ҳузурда танбеҳ эшитмаслик учунгина сизлаб қўярди. Укасининг бу қилиғига кўникиб кетган Абдусамад ҳозирги сенсирашга ҳам аҳамият бермади.

— Устознинг гаплари эсингдами? — деди укасига қараб.

Есида...

Ватанга қайтиш куни, вақти аниқ бўлгач, доктор Худоёр уларни меҳмонга таклиф этди.

— Мени авфу айлангиз жигарбандларим, сизлар учун вақтимдан бир соатни белгиладим. Қаҳва ичиб сўзлашажакмиз. Сўнг менинг юмушларимда вордур.

Устозларининг немисларга хос меҳмондўстлиги уларга янгилик эмасди. Зиёфатларда маишат қилиб узоқ ўтириш ёки уйда зиёфат ташкил этиш унинг табиатида йўқ эди. Шогирдлари билан мулоқотда бўлганида «енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар» ояти калимасини тез-тез тилга олар, «исроф қилмаслик фақат таомгагина нисбат эмасдур, вақтга ҳам тааллуқлидир, валлоҳи аълам. Қиёмат куни беҳуда исроф этган умримиз учун ҳам ҳисоб беражакмиз.

Ҳамонки, бешиқдан қабрга қадарли илм олмоқлик бизларга фарз этилмиш экан, вақтни зое кетказмакдан биза қандай наф келур?» деб насиҳат қиларди.

Ватандошлар доктор Худоёрнинг бу табиатини ҳазм қила олишмас, «илмдаги омад уни кибрга олиб борди», деб афсусланишарди. Гап келганда отасини аямайдиган доктор Худоёр Саъдуллоҳонга ўхшаганлар билан тез-тез баҳслашиб «Сизлар Ватан ҳижронида эмас, бойлик ҳасратида юрган бандасизлар», деб уларнинг наф-ратини қўзирди. Унинг аччиқ ҳақиқати фақат Музаффархонгагина маъқул бўларди. Шу боис уйдаги бирон-бир йиғин Худоёрсиз кечмас эди. Ана шу яқинлик оқибатда тўрт ёшни бир-бирларига қовуштирди.

Доктор Худоёрнинг чорлаши ўзига хос хайрлашиш маросими эди. Устоз Ватанга қайтаётган шогирдларига ҳаваси келаётганини қайта-қайта таъкидлаб:

— Дунёда омматан абадий ўлан ҳеч нимарса йўқтур. Хоссатан Ватаннинг истилодаги умрининг адоғи кўринмақдadir. Оҳким, мана бу қадар чўх марҳаматлар этган Тангрим яна биргина каромат этса-да, ман Ватан озодлигин кўрсам, Ватан эрки хусусиндаги даракни эшитсамгина бас, орада тўрт уммон ўлса-да, сузиб ўтажакман, Ватан туфроғин ўпажакман! Банда учун шу бахтнинг ўзи басдир. Банда бандага таъзим этмас, аммо ман — банда Ватан истиқлолин олам аро овоза этмиш бандага таъзим қилажакман. Сиза сўзим шулдир, азизларим.

— Биз билан бораверсангиз бўларди. Тўйимиз баҳонасида орзуга етардингиз. Сиз — олимсиз, советларга ёмонлиғингиз йўқ. Москвага бордингиз, индашмади-ку?

— Оҳ, жигарларим, қалбимдасиз! Ман кўрқув исканжасидаги ожиз бир банда эмасдурман. Манинг-да бу кўзларим истилодаги юртни эмас, ҳур Ватанни кўрмак истаюр. Қалбим топталмиш туфроғни эмас, озод ўлмиш заминни ўпмакни орзу этиюр. Ожиз фикрим айтурки, бу кунлара инша Оллоҳ, тезда етажакмиз. Унга қадар эса эҳтиёт ўлмоғингиз жоиздур. Жон талвасасидаги бу беаслар иблис эпллмаган ишларни-да қилмоққа қодирдирлар. Ўтмиш ёз чоғиндаги месхетиялик орқадешларимизга қилинмиш иғволарни унутмаслик шартдир. Советнинг тавбаси мушукнинг тавбаси ила оҳангдош ўлмиш. Англаюрмисиз? Мушук ила сичқон хусусинда чўх ривоятлар битилмиш. Мазкурлар орасинда ибрат шулким, бир қари мушук ўлар олдиндан гўёким инсофга кирмиш экан. Сичқонлара мактуб битиб тавбаларини изҳор этибдур ва яна дебдурким «сизлара бир зиёфат берсам-да сўнгра жон версам. Сичқонлар бу ваъдага инониш ёхуд инонмасликни-да билмай донишмандга юз тутмиш эканлар. Донишманд дебдики: «Мушукнинг тавбасига зинҳор инонмангиз. Ўлиб, кўмиб-да қўйилмиш мушукнинг бир дона мўйлаби туфроқдин чиқиб турганини кўрмоқ бўлсангиз-да ҳов наридан айланиб ўтмагингиз дуруст ўлур». Сичқонларнинг жўжуқлари насиҳатга зид ўлароқ мушук ҳузурна борибдилар.

— Дунёда ҳеч бир мушук шу онга қадарли тавба қилмаган эди, сен нечук истиғфор айтмакни ихтиёр қилиурсан? — деб сўрабдилар.

Дўмбоқ сичқонларни кўрган мушукнинг-да феъли ўша он айнибди, нияти-да бузулибди.

— Сенлар айт-чи мана, сенлар инсофсизми ёки мен? Сенлар нечун қопнинг оғзи очиқ ўлгани ҳолин-да остидан тешасанлар? Мен шу саволга жавоб истаб сенларни йўқлаган эдим.

Мушук шундай дебди-ю, нодон сичқонлар унинг нонуштаси бўлибдилар экан...

Мана шу ривоятни айтиб доктор Худоёр совуб қолган қаҳвага узоқ тикилиб, жим қолган эди.

Москва милисаҳонасининг вақтинчалик қамоқхонасида ака-ука ўша хайрашув онларини, устози айтиб берган ривоятни эслашди.

— Сичқонлар нодон бўлишса ҳам «тавба қил!» де-йишга улгуришибди-ку, — деди Абдулҳамид акасининг гапига жавобан.

— Совуқ нафас қилма, нима, бизни ҳозир шартта отиб ташлашармиди?

Абдулҳамид «буни Худо билади», дегандай қўл силтади.

Уларнинг ҳибсдаги соатлари адоғига етиб, эркинликка чиқишгач, тўғри уйга қайтиш ўрнига меҳмонхонага бориб қолганларидан ажабланишди. Жамшид хожасини муолажа қилиб чиққач, «Нега уйга кетмаяпмиз?» деб уни сўроққа тутишди. Неғалигини кошки Жамшид билса. Бир кўнгли «Аданглардан ўзларинг сўранглар», демоқчи бўлди. Бироқ, гапни чувалаштирмаслик учун «Бек акамнинг бу ерда қиладиган ишлари бор экан, эртага қайтадиган бўлди», деб уларни тинчитди. Эртага қайтар-қайтмаслигини ўзи ҳам аниқ билмаса-да, шундай деди. Агар эртага ҳам Москвада қолсалар «Бек акамнинг ишлари битмабди», деган баҳонани айтишдан осони йўқ.

Асадбекнинг баданидан иссиқ ўтиб ухлаган дамда ака-ука уйга телефон қилиб оналарининг безовта юрагини тинчлантирдилар.

Жамшид эса ётоқнинг эшиги ёнига стул қўйиб ўтириб, оёқларини узатиб чалиштирди-да, бошини бетон деворга ёпиштирилган гулли қоғозга тираб мизғиди.

### 3

Асадбек одатига кўра орқа ўриндиққа ўтирмоқчи бўлиб машина эшигини очган эди, Маматбей тўхтатди:

— Бек гардашим, янима ўлтур, сўхбатлашиб кетажакмиз, — деди кулимсираб.

Асадбек унинг гапига эътибор бермай орқага ўтириб, эшикни ёпди-да:

— Орқадаги хатар ёмон-да, а? — деди.

— Хатар дединг? — Машинани ўт олдирган Маматбей кулимсираб бош чайқади. — Сендан хатар кутмаклик мен учун чўх нодонлиқтур.

— Маматбей, қардош, хатар деганлари сен билан менга ўз соямиздан ҳам яқин. Кимдан қандай мукофот олишингни билмайсан.

— Чўх гўзал фалсафа сўйладинг, гардаш. Хатар ҳам, ўлим ҳам бизлара ҳамроҳ ўлтур.

«Ўлим-ку, бизлара билан бирга туғилган. Хатарни эса ўзимиз арзон-гаровга сотиб олганмиз», деб ўйлади Асадбек. Маматбей эса «Гапим унга ёқди», деган хаёлга бориб, рўпарасидаги кўзгу орқали Асадбекка бир қараб олди.

Бўрон тинган бўлса-да, осмон Асадбекнинг кўнгли каби тунд эди. Баланд-баланд иссиқлик минораларидан сизиб чиқаётган буғ оғир булутлар қатламини ёриб ўтишга ожизлик қилиб, кўп қаватли иморатлар томлари узра енгил сузади. Яхмалакка қарши сепилган туз кучини кўрсатган, серқатнов кўча юзини қоплаган қор қоп-қора аталага ўхшаб кетган эди. Олдиндаги машиналарнинг орқа филдиракларидан отилган бу атала-балчиқ баъзан пешойнага зарб билан урилиб, қора парда ҳосил қиларди.

«Ҳаёт ҳам шу аталага ўхшаб қолди, — деб ўйлади Асадбек, — Баъзан кўзингга сачраб кўр қилай дейди».

Ҳамроҳининг жимиб қолгани Маматбейга ёқмади. У хўжайинидан «йўл-йўлакай гаплашиб,

кайфиятини бил. Дардини ичига ютса ҳам, узоқ чидолмаса керак», деган топшириқ олган эди. — Ай гардаш, хаёлларинг қувибла ташла. Киши киши ила сўйлашмагидан улуғ ўлан чўх гўзал нарса йўқтур.

— Гапингнинг мағзини чақиб кетяпман, — деди Асадбек кулимсираб. — Менга қара, сен ўзинг ўлимдан қўрқасанми?

Маматбей йўлдан кўз узмаган тарзда бош чайқаб:

— Йўқ — деди. Сўнг таъкидлади: — Қўрқмайман.

— Сен шундай деб ўзингни алдайвер. Бошқаларни лақиллатма. Ўлимдан қўрқмайдиган одам бўлмайди.

— Мен қўрқмайман. Мен жўжиқларимнинг етим қолишидан қўрқаман, гардаш.

— Али хўжа, Хўжа Али, — деди Асадбек.

Маматбей бунинг маънисига тушунмай орқасига тезгина ўгирилиб, Асадбекка қараб олди:

— Англамадим, на дединг?

— Ҳар иккови ҳам бир демоқчиман.

— Ўзинг-чи? Қўрқмайсанми?

— Ҳамма қўрқади...

Асадбек инсон зоти борки, барчанинг ўлимдан қўрқишига амин бўлса-да, «мен ҳам...» деб тан олишни истамади.

Абдурахмон табибнинг уйида шифо умидида яшаган кунларнинг бирида худди ҳозиргидай ўлим ҳақида сўз кетган эди. Ўшанда табиб айтган фикр Асадбекка маъқул келиб, ёдига муҳрлаган эди. Алҳол ўша гапларни эслади: «Инсон ўлим ҳақида дастлабки таассуротга эга бўлган ондан бошлаб ўзига осон ўлим излайди. У гўё ҳаёт кечираётгандай бўлади. Баъзан гўё бахтсизлик саҳросида азоб чекади. Банда билмайдики, бахтли кунда ҳам, бахтсиз қора кунда ҳам у асли бир юмуш билан машғул — ўлимни қувиб бораётган бўлади. Маррага қачон, қай тарзда етади — ёлғиз Оллоҳга маълум. Ҳар ҳолда сира қутилмаган, исталмаган онда етади бу манзилга...» Табибникидан уйга қайтганида бу ақлли гапни Чувриндига айта туриб:

— Ана шунақа, ўлимни қува-қува етолмай қайтиб келдим шекилли. Менга чап берди ўлим, — деган эди. Чувринди эса:

— Чап бергани рост бўлсин, — деб бошини қуйи эгиб нималарнидир ўйлаганди. Ўшанда Асадбек бу ҳолатга унча эътибор бермовди. Ҳозир қоронғи уйда бирдан чироқ ёқилиб, хонадаги барча ашёлар аниқ-тиниқ кўрингани каби ўша манзара кўз олдида гавдаланди. «Ўшанда ўлимни ўйлабмиди? Маррасига яқинлашганини кўнгли сезибмиди?..» Уларнинг бу суҳбатлари табиатнинг ўлим фаслида — қузда бўлган эди. Туғилиш фасли — баҳор арафасида Чувринди маррасига етди. Осонлик билан етди. Асадбек каби қувиб-қувиб чарчамади. «Чувриндини Кесакполвон ўлдиртирган», деган гумон билан яшаётган Асадбек ўлим сиртмоғининг бир учи бу томонларда эканини ўйлаб кўрмаган эди. Ҳозир гумонлар тоғининг чўққилари ана шу ҳақиқат чақмоғи нуридан ёришгандай бўлди. «Ҳайдар ўзича журъат етолмаган бўларди», деган фикр бу ҳақиқатга қувват берди. «Маҳмуд Шомил билан келганда қанақа гаплар бўлиб ўтган? Шомилнинг калласи олинганини мендан яширган эди. Яна қанақа гапларни яширган? Хонгирейга нимаси ёқмай қолган? Хонгирейнинг мақсади менинг қанотимни қирқишмиди? Ё «Сен Ҳосилни ўлдирдинг, мен ўзингни эмас, энг яқин одамнинг...» демоқчимми? Энди Ҳайдар билан топишдимми? Бўлиши мумкин, икки ўғри бир-бирининг тилини тез тушунади...»

Ўғилларининг ташвиши чиқиб қолмаганида шу кунлар ичиёқ Асадбек Кесакполвонни сиқувга ола бошламоқчи эди. Ҳозир «буйруқ бу ёқдан бўлган», деган тўхтамга келгач, «тегмай турганим яхши бўлган экан», деб қўйди.

Маматбей рўпарасидаги кўзгу орқали Асадбекка икки-уч қараб олди. Ҳамроҳининг хаёлларини қандайдир гумонлар исканжага олаётганини сизди. Унинг хўжайинига «қандайдир» эмас, аниқ гап керак. Асадбек ҳам нодон эмаски, бир-икки гапга лақиллаб ичидагиларни дастурхон қилиб

ёйса. Маматбей буни ҳам билади. Билса-да, «чиқмаган жондан умид», деганларидек, бирон гапни гуллаб қўярмикин, деб умид қилади.

— Ай гардаш, эрта қаримақдан сақлан, кўп ўйланма. Наларни ўйламақдасан, яна ўлимми? Қўй ўлимни. Ўлим лаблариндан ўпич олмоғимиз чўх узоқдир. Аллах сени-да, бизни-да роҳат ила яшасин, деб яратмиш экан, мен роҳата тўйганим йўқтур. Сен-да тўймагансан. Ўйнамак ва кулмак, кулмак ва ўйнамак керак! Гула-гула яша, гардаш! — Маматбей шундай деб кулди-да, орқасига ўгирилиб қараб олди.

Асадбек қарашидаги жиддийликни ўзгартирмагач, кулгисининг умри қисқа бўлди. Асадбек «Абдурахмон табибнинг гапларини айтиб берсаммикин», деб ўйлади. Аммо «бу пайтавафаҳм тушунармиди», деган мулоҳазада гапдан тийилди. Асадбек «мен кимману у ким? У бир лайча бўлса...» деган фикрда суҳбатлашишни истамади. Маматбей машинанинг олд ўриндиғига таклиф қилганидаёқ «бир лайча-ю, ўзини хондай тутуди-я!» деб ғижинган, ўзининг кимлигини таъкидлаб қўймоқ мақсадида ортга ўтирган эди. Йўл-йўлакай суҳбатга чорлашга интилаётганидан мақсад не эканин ҳам билди. Бу ҳам тилининг тийилишига сабаб бўлди.

Лекин индамай кетишни ҳам маъқул кўрмади. Буларни сергаклантириб, ўзгача ўйга бошлаб қўйиши мумкин бўлгани сабабли машина «Динамо» стадиони ёнидан ўтаётганида:

— Қаёққа кетяпмиз? Ҳали узоқми? — деб сўради.

— Роҳатсиз ўлма, аз қолди. «Сокол» метросиндан чап тамон ўтажакмиз, унда гардашимиз чўх гўзал бир ресторант япмиш. Номи-да чўх гўзалдир: «Лебединая песня»!

Асадбек бу номни, унга берилган таърифни эшитиб ажабланди. «Гапининг маъносини билладими?» деган фикрда сўради:

— Номини нима дединг?

— «Лебединая песня», яъниким, «Аққуш қўшиғи»! Чўх гўзал, а?

— Ҳа, гўзал, — Асадбек шундай деб ҳамроҳининг кўнглини кўтариб қўйди. Ўзининг кўнгли эса яна хуфтон қоронғулигига юз бурди. Чунки у «оққуш қўшиғи»нинг асл маъносини биларди: айтадиларким, оққуш ўлими яқинлашганини пайқаб, баландларга парвоз этарканда ҳаётидаги сўнги қўшиғини куйларкан...

«Оққуш қўшиғи» — демак, ўлим даракчиси. Шуб-ҳасизки, Маматбей мақтовини келтирган «гардаш» Хонгирейнинг одами. Ресторан ҳам уники. Оққуш қўшиғининг маъносини билиб, тушуниб қўйганларми ё бу бир тасодифми? Ё бу ер Хонгирей ҳукми адо этиладиган масканми? Бу ресторанга меҳмон бўлиб кириб, мурда бўлиб чиқилмайдими?

#### 4

Еллингичи йилларда қурилган маҳобатли иморатнинг ертўласи қайта жиҳозланиб ресторанга айлантирилган эди. Уқувсиз рассом қўли билан чизилган оққуш расми ва «Ресторан «Лебединая песня» деган ёзув бўлмаса бу ернинг оддий ертўлалардан фарқи йўқ эди. Ташқи томонига зеб берилмаганидан бу ресторан махсус одамлар учунгина хизмат қилишини, ортиқча шов-шувга муҳтож эмаслигини билса бўлади.

Зинадан пастга тушаётган Асадбек «Ҳамма ҳашаами ичидадир», деб ўйлаб янглишмади. Тунги маишатларга мўлжалланган хос хоналар дид билан безатилган эди. Кундуз куни бўлгани учунми ё Хонгирей «Ҳеч ким қўйилмасин», деб амр этганми, ҳар ҳолда хизматчи йигитлардан ташқари ҳеч ким кўринмади. Хос хоналардан ҳам товуш чиқмади.

Асадбек телпагини ечиб хизматчи йигитга узатаётган дамда Маматбей унга қаради-ю, оқариб кетган сочларини кўриб таажжубланди. «Қачон бунчалик оқарди? Ё бўятиб юрармиди?» деган саволига жавоб топишга ҳаракат ҳам қилмай, Асадбекни каттароқ зиёфатларга мўлжалланган кенгроқ хонага бошлаб кирди.

Йигирма беш кишига мўлжалланган стол усти олийшон макондаги каби ноз-неъматлар билан тўлдирилган эди. Эти устихонига ёпишган, кал боши чироқ нурида ялтиллаб турган, кўзлари маъносиз равишда чақчайган одам дастурхон тўрини эгаллаган эди. Хонгирей эса унинг

муқобилида даханини муштумига тираганича тикилиб ўтирарди. Маматбей кириб салом бергач, Хонгирей орқасига ўгирилди. Асадбекни кўриб аввалига ажабланди. Маматбейнинг хаёлини ёритган савол унга-да насиб этди. Унинг ажабланганини Асадбек сезди. «Ҳали ҳам тирикмисан?» деб ҳайрон бўляпти шекилли?» деган фикрга келиб, «Сен учун афсуслар бўлсинким, Худога шукр тирикман», маъносида жилмайиб қўйди. Асадбекнинг чеҳрасини силаб ўтган жилмайиш Хонгирейга таъсир қилди. Тунд юзи ёришди. Ўрнидан турди. Узоқ вақт кўришмай соғинган қадрдон каби қучоқлади. Шарқликларга хос одоб билан аввал ўнг, сўнг чап бетини бетига қўйди.

Унинг бу тарзда кўришишидан таажжубланган Асадбек «Бу бола ўғри эмас, артист бўлиши керак эди», деб ўйлади.

Хонгирей қучоғидан бўшаган ондан бошлаб Асадбек унинг кўзларига тикилди: бирон маъно уқмади. Асадбек унинг қарашида ошкорами ёки яширинми «Ўфилларингни қўлга тушириб бопладимми? Мен билан ўчакишадиган сенмисан ҳали?!» деган маъно бўлиши керак, деган фикрда эди. Хонгирейнинг қарашида ҳам, ҳаракатларида ҳам бу фикрни исбот этишга арзигулик ҳолат кўринмади.

Улар кўришаётган онда тўрдаги одам тили ғўдираган равишда:

— Афтандил! — деб чақирди.

Хонгирей ўгирилиб ўз тилида бир нима деди. Чақчайган кўзлари юмилай деб турган кал ҳам нимадир дегач, Хонгирей Асадбекнинг билагини ушлаб ўтиришга жой кўрсатди.

— Бу менинг отам, — деди Хонгирей. — Сен билан ичишни хоҳлаяпти. Сен ундан ирганма.

Унинг турган-битгани шу. Мен уни шу ҳолича ҳам яхши кўраман. Чунки у менинг отам.

Кутаисига борган эдим, қайтишда овулга кирсам отам ётиб қолибди. Жигар қуриб битганмиш.

Дўхтирлар «яқинда ўлади», дейишибди. Онам ҳам қизиқ аёл. «Касал экан, ўлар экан», деб ароқ бермай қўйибди. Бир ёқдан касаллик азоби, бир ёқдан хумор азоби отамни еб ташлабди.

Ҳолига қарагин... Чиндан ҳам унинг елкасида Азроил ўтирибди. У умр бўйи ичди. Онамдан яшириб ҳам ичди, уришиб ҳам ичди, ялиниб ҳам ичди. Энди ўладиган пайтда қийнашнинг нима кераги бор? Тўғрими? Ичсин, тўйиб-тўйиб ичсин, армонсиз кетсин.

Хизматчи йигит кириб бўғзи оқ сочиқ билан ўралган шишадаги ароқни қадаҳларга қуйди.

— Ота, бу Асадбек, менинг иззатли меҳмоним, — деди Хонгирей русчалаб. — Меҳмоним саломат бўлсин. Ичамиз! — Хонгирей шундай деб ароқдан хўплаб қўйди.

— Отангнинг соғлиги учун! — Асадбек ҳам охиригача ичмади.

— Тилагинг учун раҳмат, — деди Хонгирей. — Лекин у энди соғаймайди.

Отаси титроқ қўллари билан чангаллаган катта қадаҳни лабига яқинлаштириб, афтини бужмайтирди. Кўнгли ичишни истамасди, вужуд ароққа тўйган эди, аммо нафс ҳамон оч эди.

Тўймоғи ҳам мумкин эмас, чунки имони ожиз кишиларнинг оч нафси фақат лаҳад тупроғи билан қаноат топади. Хонгирейнинг отасидаги кўнгил билан нафс олишуви ароқни хўриллатиб ичиш билан якунланди. Асадбек чой, шўрва хўриллатиб ичилганини кўрган, бироқ бунақасига энди дуч келиши эди. Хўриллатиш ҳам ҳолва экан, ароқ ичиб бўлингач, тамадди қилиш ўрнига ён томонга қараб тупурилди. Эшик ортида шай турган хизматчи йигит кириб унинг оғиз-бурнини оқ сочиқ билан артиб қўйди. Йигит изига қайтишга улгурмай бурун обдон тортилиб сўнг яна тупурилди.

— Унга эътибор берма, — деди Хонгирей. Сўнг аввалги гапини такрорлади: — Уни шундайлигича ҳам яхши кўраман. У — менинг отам!

Асадбек Хонгирейнинг мақсадини англамади. Отасига ичирмоқчи экан уйидами ё шу рестораннинг бошқа хонасидами ичиравермайдими? Бу иркит тамошанинг нима кераги бор экан?

— Кеча бу пайтда овулда эдим. Онам билан анча тортишдим. «Отангни олиб кетма, мусофирликда ўлмасин», дейди. Москвага бугун эрталаб келдим. Ҳозир жони чиқса, овулга ҳозироқ қайтаман. Бу ерга кўймайман. Чечен ўз тупроғида ётиши керак. Академикни



билардинг, а?

— Зелихонми?

— Ҳа, Зелихан! У менинг устозим эди. Тоғда машинаси ҳалокатга учрабди. Ўлигини олдириб, овулига кўмдирдим. Қўлимдан келгани шу бўлди. — Хонгирей шундай деб хўрсинди-да, бир оз сукут сақлади. Ке-йин: — Кутаисига бориб келдим, — деб Асадбекка савол назари билан қаради: — Нега бординг, деб сўрамайсанми?

— Нима учун борганингни айтгинг келса мен сўрамасам ҳам айтарсан, — деди Асадбек хотиржам тарзда.

— Суликони кўмишга бордим. Танирдинг-а?

Хонгирей Асадбек билан Суликонинг қадрдонлигини яхши билса-да «Танирдинг-а?» деб атайин таъкидлаб сўради. Хонгирей Кутаисидаги дафн маросимига Асадбек ҳам етиб келар, деб ўйлаган эди. У ерда учратмагач, «нима учун келмади экан?» деб кўп ўйлади. Суликонинг вафотидан Асадбекнинг беҳабар эканини у билмасди.

Асадбек учун Хонгирейнинг хабари кутилмаган зарба бўлди. Кеча ўғилларининг ташвиши билан Суликонинг уйига сим қоққан, жавоб бўлмагани учун «бирон ёққа кетгандир», деб гумон қилган, «бирон ўлдириб кетгандир» деган фикр эса хаёлига ҳам келмаган эди. Суликодан дарак бўлмагач, укаси Иликога телефон қилиб «Босс Кутаисига кетган» деган жавобни эшитган эди. Иликонинг ёрдамчиси Асадбекни яхши таниса ҳам фожиани нима учундир айтмаган эди. «Кутаисига бирон иш билан кетгандир» деб ўйлаган Асадбек унга Манзура билан келинларини зудлик билан Москвадан жўнатиб юборишга ёрдам зарурлигини айтган эди.

Асадбек кучли муштан зарба еган одам каби бир зум карахт ўтирди-да:

— Сулико? Датунашвилими? — деб сўради.

— Ҳа, ўша, эски қиморбоз ошнанг, — Хонгирей шундай деб суянчиққа ястанди. — Сен билан телефонда қачон гаплашдим? Ҳа, шунинг ё эртасига ё индинига уйига кириб чопиб ташлашибди. Ундан аввал омади келиб катта пул ютган экан. Негадир пулга тегишмабди. Иликони биласан-а, ҳа, укаси. Унинг мендан гумони бормиш. Бу биласанми, кимларнинг иши? Славянларнинг иши. Кавказликларни бир-бирига қай-рашяпти. Пўстаккалла Илико эса буни тушунмаяпти. Славянларнинг мендан алами бор. Бир-иккитасининг пачағини чиқариб ташлаган эдим. Шулардан бири — сенинг Козловинг. Илико ҳам Козловнинг ёнини олган эди. Нега Козловни ҳимоя қилди, билмайсанми?

Асадбек саволдан келиб чиқувчи мақсадни англаб, истехзо билан жимайди:

— Билмайман, азизим. Мени ўртага тушган деб юрувдингми? Менинг даллоллик қиладиган одатим йўқлигини билмасмидинг? Мен Сулико билан ошна эдим. Укаси менга нисбатан сенга яқин. Ўзини кўрмаганимга ҳам бир йилдан ошдиёв.

— Буниси менга маълум, — Хонгирей шундай деб чуқур нафас олди-да, кўзларини лўқ қилиб Асадбекка тикилди. Асадбек ундан нигоҳини олиб қочмади. Уларнинг бу ўтиришлари болаларнинг «кўз уриштириш» ўйинини эслатарди.

Тўкин дастурхоннинг бир томонида Хонгирей, иккинчи томонида эса Асадбек — иккови ўзига хос икки мулкнинг эгаси. Ўзини ақлли деб ҳисобловчи бу икки нодон билмайдики, улардан-да аввал, улардан-да зўрроқ соҳиби мулклар ўтганлар. Лекин осмон барчасини ўз гардишига олиб, кулга айлантирган.

Олдинроқми кейинроқми лаҳад тупроғи билан тўлувчи бу кўзлар ҳозир бир-бирига тикилганича бир-бирига кафан бичади:

— Сенга жаҳаннам гуллари насиб бўлсин, — дейди Асадбекнинг кўзлари.

— Маҳмуд укангнинг ўлимини унутма, битта ўлик сиққан гўрга иккитаси ҳам сиғади, — дейди Хонгирейнинг кўзлари.

Хонгирейнинг Илико ҳақидаги гапларидан Асадбек бу меҳмондорчиликдан мақсадни фаҳмлагандай бўлди. Москвага бугун эрталаб келганини қайта-қайта айтишидан мақсади — «ўғилларининг машмашасига менинг алоқам йўқ, мен Москвада йўқ эдим» демоқчи. Бунақа

ишни амалга ошириш учун Москвада бўлиши шарт эмас. Телефон деган беминнат дастёр бор экан, дунёнинг нариги четида туриб бу четини остин-устун қилиб юбориш ҳеч гап эмас. Хонгирейнинг тагдор гаплари — кичкина боланинг гўллик билан топган баҳонаси.

Хонгирейнинг асосий мақсади бошқа: Асадбекка ҳужуми ҳал қилувчи паллага кирганда вазият ўзгариб қолди — Илико унга ёвлашгандай бўлиб турибди. У ёқда Маҳмуднинг фожиаси, кейинроқ эса Суликонинг ўлими бир-бирига алоқадор бўлмаса-да, Илико буларни занжирнинг икки ҳалқаси деб билиши мумкин.

Иликода гумон уйғонганини у Кутаисидан қайтгач билди. Илико чиндан ёвлашдими ё бу шунчаки хом гапми, Хонгирей ҳали тагига етганича йўқ. Шундай бўлса-да, эҳтиёт чораси шарт, деб билди.

Хонгирей Илико билан яккама-якка ташлашишдан қўрқмайди. Кўнглидаги умидлардан бири — вақти келганда Иликони ҳам янчиб ташлаш. Иликони янчиш деган гап мутлақ ҳокимликка бир қадам қолди, демакдир. Лекин у фараҳбахш кунларга ҳали фурсат бор. Уни ҳозир чўчитиб тургани — агар Илико ҳамла қилса ёнига бошқалар қўшилади. Хонгирейнинг Шаховскийдаги қароргоҳида зиёфатини еб, унга оқ фотиҳа берганлар ҳам бу вазиятда Илико томонга ўтиб олишлари мумкин.

Асадбек Хонгирейнинг хавотирини илғагандай бўлди. У Илико билан жуда яқин алоқада бўлмаса-да, акаси Сулико билан оға-инилар каби қадрдонлиги бор эди. Хонгирей бунга яхши билгани учун ҳам Асадбекни йўлдан олишда тўғридан тўғри ўзи ҳужум қилмай аввал Ҳосилбойваччадан, сўнг Чувринди билан Кесакполвоннинг ўзаро зиддиятидан фойдаланмоқчи бўлди. Суликонинг дафн маросимидан сўнг у тўғри Москвага қайтган эди. Отасининг оғир хасталигини билса-да, Асадбекнинг ўғиллари келаётгани учун овулига ўтмади. Отасини ўзи эмас, йигитларидан бири бугун тонгда олиб келди. Онаси эса унинг амри билан «Хонгирей келиб отасини олиб кетди», деган гап тарқатиши лозим эди.

— Илико Москвага эртага қайтади. Хоҳласанг таъзияга бирга боришим мумкин, — деди Хонгирей орадаги сукутни бузиб.

— Яхши бўларди, — деди Асадбек ундан кўз олмай.

Хонгирей айтмаса ҳам Асадбек бу ердан чиқиб Суликони уйига боришни ўйлаб турган эди. Асадбек янги уйланган кезлари, ҳали қиморни ташламаган пайтларда «Тамбовда катта ўйин бўлади», деган хабарни эшитди-ю, «Ўша катта ўйинини ҳам бир кўрай», деб белни бақувват қилиб борди. Сулико билан ўша ерда, қимор устида танишган эди. Асадбекдан бир оз ёшроқ бўлган Суликони кавказликларга хос қизиққонлиги бу ўйинда панд бериб, каттага тушди. Тушганда ҳам Асадбекка тушди. Ўйин охирлаганда ҳеч вақоси қолмаган Сулико дабдурустан: — Мен номусим билан хотинимни тикаман! — деди.

— Эркак одам номусини қиморга тикмайди, — деди Асадбек унга жавобан.

— Унда хотинимни тикаман, — деди Сулико ғазаб билан сўнг Асадбекка ўқрайганича қўшимча қилди: — Сен менга ақл ўргатма, нимани тикишни ўзим биламан!

Асадбек хотиржам равишда қарта тарқатди. Бир неча сонияда хотинини ютқизган Сулико катта қадаҳга тўлдириб ароқ қуйди. Қадаҳни лабига олиб борди. Бироқ кутилмаганда ароқни ўзининг юзига сепиб юборди-да, алам билан:

— Хотиним Кутаисида. Хоҳлаган пайтингда олиб кет, — деб манзилни айтди.

— Хоҳлаган пайтимда олиб кетаверайми?— Асадбек шундай деб унга қаради. Сўнг икки қадаҳга ароқ қуйиб бирини Суликога узатди:

— Мен хотинингни ютиб олдим. У энди меники, нима истасам шуни қиламан, тўғрими?

Сулико Асадбек узатган қадаҳни олди-ю, унга ташланиб қолмаслик учун ўзини аранг тутиб, саволига титроқ овозда «Ҳа», деб жавоб қилди.

— Унда эшит, — деди Асадбек: — Мен уни хотин қилмайман, хотиним бор. Ўйнаш қилмайман, ўйнашлар тиқилиб ётибди. Менинг синглим йўқ. У менга сингил бўлади. Сен эса куёв. Орамиз очиқ, куёв бола... Аммо битта шартим бўлади: синглимни бундан буён қиморга тикмайсан.

Қиморбозлар орасида бунақа тантилик кам учрайди. Шу боис тўпланган қиморбозлар бу гапга бир ишониб, бир ишонмай тарқалишди. Сулико эса «Мен билан ҳозироқ Кутаисига жўнайсан», деб туриб олди. Асадбек кўнмагач, уч кундан кейин хотинини олиб уникига келди. Асадбек «синглим» деб аталган жувонни кўрди-ю лол қолди, бундай гўзал аёлни у ҳали учратмаган эди.

— Шундай хотинни қиморга тикдингми, аҳмоқ! — деди Асадбек.

— Аҳмоқлигим рост. Фақат, сендан илтимос, қиморни хотинимга айтма... Ташлайман шу қиморни.

Кўп ўтмай Асадбек қиморни ташлади-ю, Сулико аҳдида туролмади. Охири шу туфайли бошини ебди...

Ўшанда Сулико кўярда-қўймай Асадбекни Кутаисига олиб кетган эди. Мард одамнинг қадрига етувчи гуржилар учун Асадбек азизларнинг азизи мартабасига кўтарилган эди. Суликонинг бобоси тоғлар орасидаги кичик бир қишлоқда яшар экан. Асадбекни ўша ерга ҳам олиб боришди. Русчани бузиб-бузиб гапирувчи чолнинг хайрлашув чоғидаги бир гапи Асадбекнинг эсида қолган:

— Инсон ўзгаларга меҳр-мурувват кўрсатиш учун яралган. Йўқса, дунёда жониворлар етарли... Оқсоқол ўшанда гапира туриб эҳтирос билан ҳатто шеър ўқиб юборган эди:

— «Дўстлар учун жонфидолик ғоят улўф фазилат,

Оғир кунлар синовида билинади дўст фақат» — Биласанми, бу кимнинг гапи? Бу — Руставели!

— оқсоқол фахр билан шундай деб яна ўқиганди:

— «Улуғлайлик, дўстларни деб жонни берган эрларни,

Қадрлайлик яхшиликка булоқ бўлган дилларни».

Оқсоқол шундан кейин яна ғурур билан «Бу — Руставели!» деб қўйган эди. Ўшанда шеърнинг мазмуни ёқиб, эслаб қолишга уринди. Бир қанча муддат эслаб ҳам юрди, аммо кейинчалик ёдидан кўтарилди.

Ўшанда Сулико билан Иликони мириқиб кулдирган воқеа ҳам содир бўлганди. Оқсоқол фахр билан тилга олавергани учун «Руставели буларга қариндош шекилли?» деб сўраганда ака-ука қотиб-қотиб кулишган эди. Кейин унинг кимлиги, ёзган асарини гапириб беришганди. Асадбек асарнинг тўла номини эсдан чиқарган, ёдида қолгани — йўлбарс териси ҳақидаги нарса...

Тақдирнинг ёвуз ўйинини қарангки, меҳр-мурувватдан гапирувчи оқсоқолнинг бир набираси ўғрибоши, яна бири қиморбоз эди. Донишманд аҳли «Мол текин келса дил бераҳм бўлади», деб бежиз айтишмаган. Текин молга маҳлиё бўлиб яшаётганларида вақти келиб ўзлари каби яна бир бераҳм дилнинг қурбонига айланишларини ўйлашмайди.

Бераҳм диллар салтанати фуқароларида меҳр-мурувват, яхшилик-ёмонлик тушунчалари йўқ демоқлик ноўрин. Улардаги мавжуд меҳр ҳам, мурувват ҳам ўз нафсларининг амрига кўра белгиланади. Улар бир одамга яхшилик қилмоқ учун иккинчисининг жонини оладилару буни мурувват деб баҳолайдилар. Яхшилик ва ёмонликни бошқа-бошқа, бир-бирдан айри-айри нарса деб фаҳмлайдилар. Яхшилик ва ёмонликни икки эмас, бир тушунча, яъниким, яхшилик ёмонлик қилмас-ликдир, деб англамоқлик неъматини уларга насиб этмаган.

Бир дастурхон атрофида ўтириб, гапи гапига қовушмаётган одамларнинг бири иккинчисига қандай тuzоқлар қўйяпти экан? Иккинчиси биринчисига қандай чоҳ қазияпти экан?

Валлоҳи аъламки, балки айни шу дамда шайтон алайҳилаъна ўзининг қилмишларидан ифтихор қилган тарзда мақтанганича бу икки одамни кўрсатиб: «Ей ўн саккиз минг оламини тўлиқ ҳикмати ила яратган Тангри! Сен ихлос ва муҳаббат билан яратган Одамнинг бу болаларини кўриб қўй. Булар асло сенинг бандаларинг эмас энди. Уларни мен банд этганман. Биттагина буғдой донасидан бошлаган васвасаларим мевасини кўряпсанми? Ер юзидаги уларнинг ададини ўзим ҳам санаб саноғига етолмайман. Ҳадемай кўриб турганинг бу икки инсоннинг бири сенинг ҳузурингга жўнайди. Бу дунёда қилган гуноҳлари рўпарасига дастурхон қилиб ёйилганида шубҳасизки, мени эслайди, менинг номимни тилга олади. «Шайтон йўлдан урди»,

деб мени айблаиди. Эй, барча нарсалардан бохабар Тангри, ўзинг гувоҳсан, мен уларнинг қўлларидан маҳкам ушлаб, зўрлаб етаклаганим йўқ. Сен уларга ҳам ақл ва зеҳн берган эдинг. Мен фақат уларнинг ақл кўзларини нафс пардаси билан тўсиб кўр қила олдим, зулм дунёсини уларга чиройли қилиб кўрсатдим халос. Менинг оламимга улар ўз оёқлари билан юриб кириб келдилар, яйраб яшадилар. Сенинг ҳузурингга бормоқ ва ҳисоб бермоққа мажбур эканликларини унутдилар. Яратмиш Тангрини унутгувчиларга бу дунёда қандай ажр бермоқ — қандай ўлимни раво кўрмоқ ўзингга ҳаволадир», деяётгандир...

Ҳақ таоло одамларга инсонийлик жомасини иноят қилган экан, бу либос йиртилмас, ифлос ҳам бўлмас экан. Афсус шуки, бу либос барчага бирдай насиб этмас экан. Ким бераҳм диллар оламига тобе бўлибди, бу либосдан маҳрум этилибди, умрини яланғоч ҳолда яшаб ўтибди. Эски кийимда бўлгани билан кишининг одамгарчилиги йўқолиб қолмагани каби устидаги энг яхши либос ҳам кимсанинг инсонийликдан узоқлигини яшира олмайди. Дарёни кўзага қамаш мумкин бўлмаганидек, бу бераҳм диллардан тошиб чиқаётган зулм оқимини жиловлашнинг имкони йўқ.

Ақл ва нафс бир-бирига зиддир. Ақл рад этган нарсани нафс даъво қилади.

Уларнинг нафслари эса зулмга ҳомиладордир...

Ёмонликни касб қилиб яхшилик умид қилувчилар қанчалар нодонлар. Улар Тангрининг «Фаман яъмал мисқола зарратин хойрон яроҳ, Ваман яъмал мисқола зарратин шаррон яроҳ»\* деган амрини билсаларми эди... балки қоронғу фикрларига ёруғлик мўралармиди...

Бир-бирига рўпара ўтирган икки одам буларни билмайди. Умрлари адоғига қадар ҳам билолмай ўтсалар эҳтимол.

Хонгирей Асадбекдан кўз узмаган ҳолда:

— Ўзинг соғмисан, Бек? — деб сўради.

— Соғман, раҳмат, — деди Асадбек тетик овозда.

— Ўтган сафар кўрганимда рангинг паст эди. Ҳозир яхшисан, кўриниб турибди.

— Ҳа, рангим баъзи одамларга ғалати туюлган эди, — деди Асадбек тагдор қилиб. — Баъзилар «Асадбек ўладиган бўлди», деб жанозамни ҳам ўқиб қўйишибди.

— Ўлиш учун ўладиган касал бўлиш шарт эмас, — Хонгирей шундай деб отасига қараб олди: отаси стул суюнчиғига ястаниб, бошини бир ёнга қийшайтирганича ухлаб ўтирарди.

— Қизинг тузалиб кетдимиз? Ҳосил касал, дегандай бўлувди.

Бу гапни эшитган Асадбекнинг бети учди. Бу ўзгаришни сезган Хонгирейнинг юзини эса мамнунлик ели силаб ўтди. «Ҳа, хунаса, буни ҳам етказган экан-да», деб ўйлади Асадбек. Сирбой бермасликка интилиб, жавобни ҳаяллатмади:

— Қизим яхши, тузалиб кетди.

— Оиланг тинч бўлса, хурсандман, Бек. Агар йўқ демасанг, энди ишдан гаплашсак. Москвага нима учун келдинг?

— Пиво тсехи очсаммикан, девдим. Шунинг ҳаракатида юрганимда ўғилларим чет элдан қайтадиган бўлиб қолишди. Кутиш баҳонасида бу ишни ҳам пишириб оларман.

— Ўғилларинг келишдимиз?

— Ҳа. Меҳмонхонада туришибди.

— Олиб келмабсан-да, меҳмоним бўлишарди.

— Шаҳарни соғинишибди.

— Пиво тсеҳига тегишли ишларингга ёрдам берайми?

— Масала ҳал бўлай деб турибди. Иш пишмаса ўзингга айтарман.

— Бир-биримизга ёрдам бериб турмасак бу дунёда яшашимиз қийин. Славянлар бизларни янчиб ташлашади. Бек, агар сен менга муҳтож бўлмасанг, менга сенинг ёрдамнинг керак.

— Қўлимдан келса...

— Қўлингдан келади. Хоҳшинг бўлса бас. Мен жуда катта ишни бошлаб қўйганман. Охирига етказа олсам бир вагон пул бўлади. Сен қора дори олиб ўтишимда ёрдам берасан.

- Княз, адашма. Бу масалага муносабатимни биларсан, девдим.
- Биламан. Энди муносабатингни ўзгартиришинг керак.
- Қўлимдан келмайди. Хоҳишим ҳам йўқ.
- Ҳосилнинг шерик бўлиш аҳди бор эди. Уни ўлдирдинг. Гапни айланторма! Ўлдирганингни аниқ биламан. Майли, битта одам ўлгани билан дунё ғарибланиб қолмайди. Маҳмудбей ғилайни бошлаб келганида менга ёқди. Шериклик қилишга ваъдаси бор эди. У ҳам ўлди. Нега ўлди, а? Аниқламадингми?
- Аниқлайман.
- Балки ўзинг ўлдиргандирсан? Менга шерик бўладиганлар сенга ёқмайди-ку? Майли, сен титрама. Маҳмудбейни сен ўлдирганмисан ё бошқами, менга фарқи йўқ.
- «Шерикликка ваъда бериши мумкинмас. Акси бўлгандир», деб ўйлади Асадбек. Аммо хаёлига келган фикрни тилига кўчирмади.
- Биласанми, биз киммиз? — Хонгирей саволига жавоб кутмай гапни давом эттирди: — Биз ғизиллаб юриб кетаётган машинанинг мурватларимиз. Машина яхши юриши учун эски мурватларни алмаштириб туриш керак.
- «Демак, мен эски мурватман. Алмаштирасан. Янги мурват ким? Ҳайдарми? Қани, гапираверчи...»
- Сен қиморбоз эдинг, Бек. Қиморда ҳадеб омад келавермайди, тушуняпсанми?
- Тушуняпман. Ҳозир сенинг омадинг келдими?
- Аниқроқ айтайми: сенинг омадинг кетди. Шунга яраша иш қил. Менга шерик бўлмасанг четга чиқиб тур. Ўғилларингнинг тўйларини қилу невараларингни боқиб ўтиравер. Энди йўлимда пайдо бўлиб қолсанг, аяш йўқ — янчиб ташлайвераман, — Хонгирей шундай деб кафти билан столга уриб қўйди.
- Асадбек унинг бу қилиғини кўргач истеҳзо билан кулиб, бир нима демоқчи бўлди-ю, ўзининг «мен гап одами эмас, иш одамиман», деган ақидасига содиқ қолиб тилини тийди. Мўмин қиёфасини ўзгартирмади. Бироқ, айтмоқчи бўлганини дилига тугди: «Ҳали сен мени янчмоқчимисан? Қани, бир урин-чи? Мени янч-моқчи бўлганларнинг биринчиси сен эмассан. Охир-гиси ҳам эмасдирсан ҳар қалай. Мени пачоқлаб ўтмоқчи бўлганларнинг қанчаси қоқилди, қанчасининг оёқлари синди, бўйни эгилди. Яна қанча оёқлар синишга маҳтал бўлиб турибди. Сенинг бу чиллак оёқларинг ҳам шуларнинг олд қаторида. Сен бефаҳмларда андиша деган нарса йўқ. Шунинг учун бизлардаги андишани қўрқоқлик деб ҳисоблайсанлар. Мен ҳозир сенинг кў-зингга чорасиз кўзичоқ бўлиб кўриняпманми? Яхши. Лекин билиб қўй: йўлбарс ҳар қанақасига йўлбарсдир, у ҳеч қачон қўй бўлолмайди!»
- «Оққуш қўшиғи» ресторанидаги суҳбатда кўп гаплар айтилмади. Зулм булоғидан баҳра олгувчи мақсадлар гўё сирлар пардасига ўралган эди. Гўё дейилишига сабаб: оҳанрабонинг икки қутби каби бўлмиш бу икки одам бир-бирининг ниятини яхши англаб турарди. «Болта тушгунича кунда дам олади», деганларидек, ҳозирча ўзларини бир-бирларининг қора ниятларидан беҳабар қилиб кўрсатадилар. Уларнинг ҳар бири ўзини болта, харифини эса кундага қўйилгувчи бош деб ҳисоблашади.
- «Оққуш қўшиғи» ресторанидаги икки одамнинг қайси бири бу кун сўнгги қўшиғини айта бошлади — ёлғиз Яратганга маълум.

---

\* Мазмуни будир: Ким бу дунёда зарра мисқол оғирлигида яхшилик қилса ҳам (мукофотини) кўради. Ва кимки бу дунёда зарра мисқол оғирлигида ёмонлик қилса ҳам (жазосини) кўради. «Залзала» сураси, 7—8 оятлар.

## VII 6 o 6

### I

Қайси бир куни Жалил Кесакполвоннинг қилиқларидан ғаши келиб, Асадбекдан:

— Дунёда учта нарса йўқ, биласанми? — деб сўраган эди. Асадбек болалик йилларидан эсдалик бўлмиш бу топишмоқни эшитиб кулимсираган, жавобни билса ҳам «ҳозир бошқа гап топади», деган хаёлда индамай қўя қолиб янглишмаган эди.

— Ҳовузнинг қопқоғи, осмоннинг устунни йўқ, а?— деган эди Жалил. Сўнг: — Учинчиси-чи? Билмайсанми? — деб жавоб талаб қилганда Асадбек:

— Учинчиси — ошпичоқнинг қини йўқ, — деб осонгина қутилмоқчи бўлиб, бу сафар адашди. Ушлаган жойни кесувчи Жалил унга синчиклаб тикилгани ҳолда:

— Ростдан билмайсанми? Хўп, осмонга устун, ҳовузга қопқоқ қилиб бўлмайди. Лекин ошпичоқнингга қин қилиш қийинмас. Учинчисини билмасанг билиб ол: оғайнинг Ҳайдар паканада виждон йўқ! Бу ҳароми ошнанг дунёда виждон нима эканини билмай ўтар, — деган эди.

Жалил виждон тушунчасини ўз ақли қамрови билан ўлчар эди. Бу соҳада Асадбекнинг, айниқса Кесакполвоннинг ўлчовлари айри-айри эди. Ҳатто Жалилга виждонсизлик бўлиб туюлган нарса улар учун виждоннинг юқори мартабасидаги кўриниш ҳисобланарди. Бир тупроқ устида истиқомат қилиб, бир ҳаводан нафас олиб, бир сувдан ичиб кун кўрганлари ҳолда бошқа-бошқа оламда яшовчи бу одамларнинг виждонга оид ўлчов ва тушунчалари бир хил бўлиши мумкин ҳам эмас.

Чувриндиннинг ўлимида Кесакполвон гумонсирилаётганидан Жалил беҳабар эди. Билганда «бу гумон эмас, ҳақиқат! Бу қабиҳлик фақат унинг қўлидан келади», дейиши муқаррар эди.

Асадбек, отаси қамалиб, «халқ душманининг боласи»га айлангач, бир йил синфда қолиб, оқибатда «детдом боласи» ҳисобланмиш Ҳайдар билан бирга ўқиган эди. Бўлажак Кесакполвонни у пайтда ҳамма «Ҳайдар пакана» деб атарди. Перо ўғирлаш воқеасидан сўнг Ҳайдар пакана Асадбекдан узоқлашмади. «Детдом боласи» деган ваҳимали номи, ёнида буклама пичоқча олиб юриши устига Асадбекнинг ҳимоясига ўтиб олгани унга қалқон вазифасини ўтаган эди. Болалар ундан зулм кўришса-да, жавоб қайтаришга ботинмай туришарди. Бу масалада фақат Жалил тап тортмасди. Ҳайдар пакана унга ёмонлик қилмаса ҳам, кунда бўлмаса-да, кун орами, ишқилиб Жалилнинг тепкисини еб турарди. Бир куни Асадбек Ҳайдар пакананинг нолаларини инобатга олиб, Жалил ўртоғига:

— Нега бекордан бекорга тепаверасан, сенга ёмонлик қилгани йўқ-ку? — деб танбеҳ берган эди. Шунда Жалил:

— Шу пакана ошнангнинг турқи совуқ, башарасини кўрсам, оёғим қичиб «Теп!» деб тураверди. Шу пакананг аслида тепиш учун яралган. Ёмонлик қилмаса ҳам тепавераман, сен аралашма. Ёмонлик қилса, айтиб қўй, шартта ўлдириб қўя қоламан, — деган эди. Мактабни битиришганда «енди қораси ўчар», деб ўйловди, янглишди — қораси ўчмади. Кейинроқ киссавурлик қилиб қамалганида «енди чиққан жойига кириб кетди, қораси ўчиши аниқ», деб ўйлаб яна адашди. Ҳайдар пакана деганлари қамоқда ўзига мос ҳамтовоқ тополмаганими, яна Асадбек атрофида хира пашшадек ўралашаверди.

Асадбек уйланганидан сўнг Жалил куёвжўралик мартабасидан фойдаланиб «бу ғаркўз ошнанг энди остонангни ҳатламасин», деб шарт қўйди. Асадбек «хўп» дедию аҳдига вафо қилмади. Ҳайдар пакана шу оиланинг яқин кишисидай кириб-чиқиб юраверди. Асадбек Тамбовдаги ўйинга кетар маҳали Жалилга «келинингдан хабардор бўлиб тур», деб тайинлаган эди. Ошнаси кетган ондан бошлаб Жалил хотинини Манзуранинг ёнига чиқарди. Эртаси куни норинга ҳамир қориш учун чиққан хотини дарровгина қайтди. «Ҳа, норин қормайдиган бўлдиларингми?» деб сўради Жалил хотинидан. «Муллакамнинг анов ошналари келиб қолди», деди хотини. Хотини

бир марта «Ҳайдар ака», деб унинг номини тилга олганда Жалил «Бу ҳароми қачондан бери сенга «ака» бўлиб қолди», деб сўкиб берган эди. Шу боис «муллакамнинг анов ошналари» деганда Жалил ким назарда тутилганини дарров фаҳмлади-да «Овсинингни ёлғиз ташлаб чиқавердингми, аҳмоқ!» деб сўкиб, ўрнидан турди.

Жалил ҳовлига кирганида Ҳайдар пакана уй остонасида тўғон бўлиб туриб олган, Манзура эса ичкарида сайёд тўрида иложсиз қолган ғаззола каби жонсарақ кўзлари билан нажот изларди. Жалил югуриб келдию ҳе йўқ, бе йўқ Ҳайдар пакананинг юмшоқ ерига тепиб қолди. Пакана ўгирилишга ҳам улгурмади — ичкарига қараб мункиди. Жалил эса унинг энса сочларидан маҳкам чангаллаганича турғизиб, ҳовли томон тортди-да яна бир-икки тепиб кўчага чиқариб ташлади. Овоз чиқариб сўкмади, Ҳайдар пакана ҳам «нега тепасан!» деб дағдаға қилмади. Манзура худди гуноҳ устида қўлга тушгандай, иснод ўтида ёниб ичкари кириб кетди. Жалил Ҳайдар пакананинг узоқлашишини кутиб турди-да, сўнг ҳовлига қайтиб, худди ҳеч қандай воқеа юз бермагандай:

— Манзура, тезроқ бўлларинг, қорин таталаб ноғора чалиб юборди! — деди. Бу гапни меҳрибон ака овозида айтди. Унинг назарида бу оҳанг Манзурага далда бериши лозим эди. Аммо ичкарида титраб турган жувонга ҳар бир сўзи тўқмоқ каби зарба берганини билмади. Асадбек қайтгач, Жалил айтадиганлари Манзурага жабр бўлишини англаб, машмашани маълум қилмади. «Урса хотинини бир-икки урарди, аммо бу паканани йўқотарди», деб бу иши учун ўзини кейинроқ койиди.

Ески ҳовлига қадам босишдан олдин Жалилникига хавотир билан қарайдиган бўлиб қолган Ҳайдар пакана Асадбек янги уйга кўчгач, бу хавотирдан қутулди. Жалил ҳам ўртоғини назорат қилишдан тийилди.

Жалил Кесакполвоннинг барча қилиқларини билганида ошнасига жумбоқли савол айтиб, виждон ҳақида гапириб ўтирмасди. Ўшанда Асадбек «икки гапининг бирида «ошнанг одам эмас», дейсану виждондан масала сўқийсан. Агар одам бўлмаса, унда виждон нима қилади?» демоқчи бўлдию «арининг уясини кавламай қўя қолай» деб фикрини тилга кўчиришдан тийилди.

Чувриндининг ўлимидан сўнг Асадбек ҳасрат дастурхонини ёйиб гумонини айтсами, Жалил эски пахтани чувиган мисол барча танбеҳу дашномларини бир-бир эслатиб «ана энди эсинг кирганга ўхшайди. Лекин кечикиб кирган эсинг фойдаси бўлармикин? Шу паканангнинг разиллигини билишинг учун яқин одаминг-нинг ўлимини кутишинг шартмиди? Илгарироқ эсинг кирганда шу бола увол кетмасди-я...» деган бўларди.

Кесакполвон Жалилда мавжуд нафратни биларди. Жалил тепмай қўйган бўлса ҳам ундан тепкидан зўрроқ, тепкидан ёмонроқ бир нарсани кутиб юрарди. Айниқса икки ошна холи қолиб гаплашгудай бўлишса, бу томонда Кесакполвоннинг қулоқлари динг турарди.

Қабристонда Асадбек ғазабга тўлган кўзини қадаб «Йўқол!» деганида бир оз чекинди-ю, Жалил яқинлашиб нималардир деганида хавотирга тушди. Икки ошна қабристондан бирга чиқиб, бирга кетиб, сўнг майит чиқарилган хонадонга қайтиб боришмагач, бу хавотир янада ошди. Ана ўшанда «сал оширворибман, ҳозирча ўлдирмай бошқа чорасини қилиб турсам бўларкан», деб афсусланди.

Кесакполвонда «шу ишни тўғри қилдимми?» деб тарозига солиб фикрлаш одати йўқ эди. Чувриндининг ўлимидан сўнг бу одатини канда қилиб ўйлаб кўрди. «Бошқа чора»нинг қандай бўлиши мумкинлигини кўп ўйлади. Ноилож ақли охир-оқибат «ўлимдан бошқа чораси йўқ эди», деган хулосада тўхтаб, унга тасалли берди. Виждон азоби нима эканини билмайдиган унинг руҳи бу сафар ҳам безовта бўлмади.

## 2

Асадбекни кузатган Кесакполвонда ўзи ҳам тушунмаган бир ҳис уйғонди. Ошнасининг тахтини тезроқ эгаллаш умидида яшаётган бу одамдаги тушунуқсиз ҳисни армон демоқ-да мушкул,

ҳамдардлик демоқ-да ноўрин. Балки муваққат тарздаги ачиниш демоқ жоиздир? Ҳа, воқеан шундай. Кесакполвоннинг назарида Асадбек ўғилларини олиб келиш учун эмас, Москвада ўзи учун ясаб қўйилган темир тобутга тушиб қайтиш мақсадида кетаётгандай эди. Болалик йилларидан бери яқин бўлиб қолган одамани сўнгги марта тирик ҳолда кўраётгандай эди. Ана шу ачинишга ҳамоҳанг тарзда «шу ишларга қўшилишим шартмиди, бунинг соясида ёмон яшаётганим йўқ эди-ку?» деган умри қисқа фикр туғилиб, ўлишга ҳам улгурди. Асадбек хасталанганда унинг тузалиб кетишини истаган одам энди ошнасининг темир тобутда қайтишини хоҳларди. Ана шу хоҳиш ачиниш ҳиссини бўғиб қўя қолди.

Жалил айтмоқчи, Кесакполвонда виждон бўлмаса-да, унда ўғриларга хос зийраклик мавжуд эди. Ўғри учун виждон, адолат, меҳр деган фазилатлар ортиқча юк, буларсиз бемалол ҳаёт кечиравериши мумкин, бироқ, зийракликсиз яшай олмайди. Чувриндининг ўлимидан сўнг ана шу зийраклик яна бир фойда берди: ошнасининг кўнглидаги гумонни сезиб, этагини ёпиб олиш чорасини қилиб қўйди — биринчи галда Хумкаллани йўқотди. Чувриндининг ҳовлисида Асадбекнинг безовта назари Хумкаллани излаётганини сезди-ю, эртасига ўзи гап очиб: — Даюснинг боласи кўринмайдими? — деб Асадбекдан сўради.

Асадбек «Даюснинг боласи ким?» деган маънода қараб қўйди.

— Хумкаллани айтаман. Кеча ҳам кўринмади. Уйига бола юборувдим, милиса ҳам суриштириб келганмиш. Бир ишқал чиқардим дейман. Сен иш-пиш буюрмовдингни?

Асадбек бу саволдан ажаблангандай аъёнига тикилди. Унинг гумони бўйича, агар Маҳмудни Кесакполвон ўлдиртирган бўлса, бегонанинг эмас, ўз яқинларидан бирининг қўли билан қилади бу ишни. Бунақа ишда қотил — асосий гувоҳнинг яшамоғи мумкин эмас, сирни ўзи билан бирга нариги дунёга олиб кетиши шарт. Кесакполвон тагин ҳам марҳамат қилди — Хумкаллага яна бир кун яшашга имкон берди. Қотил йўқотилгач, изини ҳам ёпиш керак. Милиса «КамАЗ»нинг ҳайдовчисини эрталабга қолмай топиб, қамаб қўйган. Бўкиб ичган ҳайдовчи мастликда «КамАЗ»ни кимга, неча шиша ароқ эвазига сотиб юборганини эслолмади. Хумкалла милисага керакмас, унинг ўлигини ҳам, тиригини ҳам қидиришмайди. У Асадбекка керак. Қотилнинг хожаси бўлмиш Кесакполвон буни билмайдими? Балони ҳам билади у. «Хумкалланинг изини йўқотиш учун шу найрангни ўйлаб топдимми? — деб ўйлади Асадбек. — Менинг кавлаштиришимни билади, бу хунаса. Хумкалланинг уйига милиса юбортириб ишни пухталаб қўйгандир... Қизиқ, бу илгари ҳам без бўлиб қараб турармиди ё энди шунақа бўлиб қолдимми?»

Асадбек аъёнига бир оз тикилгач, афсусланган одам каби уф тортиб, бош чайқади-да: — Болларинг бебош бўлиб кетди. Жиловни жа-а бўш қўйвординг, — деди.

Кесакполвон ҳам афсусланган одам каби иягини кафти билан силаб: — Мен эмас, — деди. — Бек, хафа бўлмагин-у, Маҳмуд бўш қўйворди. Майли, ер етказмасин-у, лекигин, кўнгли бўш бўлиб қолувди укашоннинг. Сенам сезмай юрдинг, бир иш буюрсанг охирига етказмасди. Мен билардим, жаҳлинг чиқмасин, деб айтмасидим. Укашон шу Хумкаллага дўхтирни қурит, деб топширган экан, — Кесакполвон шундай деб Асадбекка синовчан боқди. Хожасининг юзларида ўзгариш сезмагач, осойишта оҳангни ўзгартирмаган тарзда давом этди: — Хумкалла ўлдирмабди ўша дўхтир болани. — Бу гапдан сўнг Асадбекнинг қошлари хиёл чимирилди. Кесакполвон буни сезмаган каби гапидан тўхтамади: — Уни яшириб қўйибди. Ўзим ҳам бугун билиб қолдим.

— Кимдан эшитдинг? — деб сўради Асадбек юзини тескари буриб.

— Толмас айтди, — деди Кесакполвон.

— Толмасинг ким?

— Чойхонадаги қозимиз бор-ку, ўша. Маишат устида Хумкалла ёрилибди-да, ярим кечада майда-чуйда қилиб боришибди ўша дўхтир яшириниб ётган жойга. Нима қилай, болаларга айтайми, дўхтирни тинчитиб келишсинми?

— Йўқ, — Асадбек шундай деб яна унга қаради. — Тегмаларинг. Бўлди, яширинмасин. Ўтган гап ўтди. Ишини қилиб юраверсин.



Асадбекни кузатиб келаётганида Кесакполвон мана шуларни бир-бир эслади. Хожасининг тикилиб қолиши, қошларининг билинар-билинемас чимирилиши, юзини тескари буриб олиши... буларнинг барчаси унинг хотирасига муҳрланган эди. Салкам қирқ йилдан бери ёнида юрган одам хожасининг тик қараши, қошларининг чимирилиши ва оқибат юзларини буриб олиши сабабини билмас эканми?

Асадбекка «Ўқилон» деган лақабни Кесакполвоннинг ўзи берган эди. «Сен чақмайсан-у, лекин товондан тешиб кириб, мияни ўпириб чиқиб кетасан», деган ҳазил билан бошланган гап оқибатида Асадбекка «Ўқилон» деган ном тожини кийдирган эди. Чувринди уларнинг бағридан иссиқ макон топган дастлабки ҳафталарда бу лақабдан ажабланиб:

— «Кобра» дейилгани яхшимасмиди, ё «Анаконда»ми?.. — деб сўраганда Кесакполвон:

— Кўзойнакли илонинг чақишдан олдин лунжини шишириб ҳунар кўрсатади, тебраниб тураверади. Иложини қилиб уни тинчитиш мумкин. Бўғма илонинг ҳам хатарли эмас. Лекигин ўқ илон қачон ташланишини билмайсан. Бек аканг ҳам шунақа. Калласида қанақа мўлжал бор, кимга ташланади, қачон товонни теша-ди — билиб бўлмайди. Сен ундан мана шу одатни ўрган. Мен минг ўрганай дедим-у, эплолмадим. Табиатим бошқа менинг...

Кесакполвон уйга қайтатуриб шу воқеани ҳам эслади. У Чувриндининг ўлими туфайли

Ўқилоннинг талвасага тушажагини ҳисобга олган эди. Бирга бўлган йиллари давомида у Асадбекнинг ғашини келтирадиган, жаҳлини чиқарадиган ишларни кўп қилди. Бу ишлари хожасининг қаҳрли қараши ёки болохонадор сўкишлари билан ёпди-ёпди бўларди.

Чувриндининг ўлимини ўша ишлар сирасига киритмаса-да, хожасини ларзага солувчи катта фожиага айланар, деб ўйламовди. Фожианинг заминида тахт талашиш масаласи ётмаганида, бу ишлардан Хонгирейнинг совуқ нафаси ке-либ турмаганида балки Кесакполвоннинг мўлжали аниқроқ чиқарди. «Бек, жон ошнам, аҳмоқлик қилдим, кечир», деса Асадбек балки узрини қабул қиларди.

Кесакполвон адашганини жаноза куни, қабристонда эканида англаб қолди. Англади-ю, думи босиб олинган Ўқилон энди товонини тешажагини фаҳмлаб чўчиди. Кейинги кунларда эҳтиёт чораларини қилиб юрган бўлса-да, кўнгил безовталиги кучайса кучайдики, аримади. Шу боис ҳам хожасининг темир тобутда қайтишини жуда-жуда истади. Назарида айнан шу тобут унинг халоскори эди.

У яна эҳтиёт чорасини қилиб, идорага бормаи, телеграфга кириб Хонгирейга кўнғироқ қилди. Янгиликдан огоҳ этиб қўйиш баҳонасида Термиздан мол олиб, Самарқанддан кузатилган меҳмонларнинг эсон-омон етиб олганлари билан қизиқиб, бу хизмати эвазига янги хўжайинидан олқиш олишга умид қилган эди. Олқиш ўрнига «ҳа, бўпти» деган ланж жавобни эшитгач, кўнгил ғашлиги кучайди. Кўчага чиқиб, қўлларини шимининг чўнтагига тикқанича бир оз ҳаракатсиз турди. Идорада қиладиган иши йўқ — боргиси келмади, кўнгил маишатни ҳам истамади. Ҳатто ичишни хоҳламади. «Би-ир ичсаммикин?» деган фикр хаёлига келиши билан кўнгли айниди. Камдан кам содир бўлувчи бу ҳолатидан ўзи ҳам ажабланиб, беихтиёр равишда сигарет тутатди.

Кесакполвоннинг кайфияти бузилганини сезган Қози машина эшигини очди-да, бир оёғини ерга қўйиб «Ҳузурингизга борайинми, хўжайин?» деган маънода қаради. Кесакполвон сигарет тутунини бир-икки чуқур-чуқур тортгач, охиригача чекмай четга улоқтирди. Сўнг нимадандир хавотирланган одам каби ён-атрофга аланглаб олди-ю, машина сари юрди.

— Ака, бир хуморбосди қиламизми? — деб сўради Қози меҳрибонлик билан.

— Хуморбосдимми? — Кесакполвон шундай деб яна беихтиёр равишда чўнтагидан сигарет чиқариб, лабига қистирди. — Сен бола, ўпкангни бос. Хумор дейди-я...

Қозининг бу меҳрибонлиги болохонадор «ширин сўкиш» билан тақдирланди. Қайси айби эвазига бундай олий мукофотга эришганини англамаган Қози машина моторини ўт олдирди-ю, «қаёққа юрай?» деб сўрашга ботинмай, хўжайинига қаради.

— Юрмайсанми? — деди Кесакполвон асабийлашиб.

Қози машинани жойидан жилдирди-да, бомба устида ўтирган одам каби хавотирланиб, қайси томонга юриши кераклигини сўради. Кесакполвон жавоб беришдан аввал яна боягидек қўполдан қўпол сўкиниб олиб, сўнг:

— Уйга ҳайда, — деб амр этди.

Шундан кейин бир неча дақиқа ундан садо чиқмади. Машина трамвай йўлини кесиб ўтиб унинг кўчасига бурилганда, Кесакполвон Қозига қараб:

— Бек аканг сендан ҳеч нима сўрамадими? — деди.

Кесакполвон кеча ҳам шу саволни бериб «йўқ» деган жавобдан қониқмаган эди. Шу сабабли Қози «Кеча сўровдингиз...» деган маънода хожасига бир қараб олди.

— Нега қараяпсан? — деди Кесакполвон зарда билан. — Акахонимнинг мияси ачиб қолибди, кечаги гапини яна сўраяпти, демоқчимисан?

— Худо урсин, хўжайин, бунақа гап калламга келмади.

— Калланг бўлса келади-да... Ҳали буфетда нега имлаб чақирди?

Кесакполвон йўл ҳақи тўлаётганида Асадбек қаҳва ичиш баҳонасида буфетга ўтиб Қозини имлаб чақирди. Унинг Қозига айтадиган зарур гапи йўқ эди. Айниқса Хумкалладан гап очиб буларнинг пайтаваларига қурт туширишни истамаганди. Шунчаки «Бўтқа билан биллаллашиб Зайнабнинг уйдан хабардор бўлиб турларинг», деб тайинлаган, гапириш чоғида эса Кесакполвонга ўғринча қараб олган эди.

Асадбекнинг ўзи фақат яқин олган одамларигагина бир иш буюрарди. «Бек ака, буюринг», деб илҳақ турувчи йигитлар вазифани аъёнлар орқали олишарди. Бу одатдан бохабар бўлган Қози Бек акасининг шахсан ўзидан «махсус топшириқ» олганидан мамнун бўлди-ю, орадан кўп ўтмай бу масалада хожасига ҳисобот бериши лозимлигини фаҳм этмади. Қанчадан қанча одамнинг тақдирини ҳал этиб келган унинг ақли катта хўжайин билан кичиги орасида пинҳона уруш очилганини англаб етишга қосирлик қилди. Шу сабабли каттанинг топшириғини кичигига оқизмай-томизмай етказмоқ вазифаси борлигини билмай, ғазабли нигоҳга дуч келди. Ғазабли нигоҳ ундан ўзини оқловчи баҳона эмас, аниқ жавоб кутарди. Қассоб бир оз довдираган ҳолда Бек акасидан эшитган гапни айтди-да, «Шу ҳам катта айбми?» дегандек Кесакполвонга қараб олди.

«Куёви касалхонада ўламан, деб ётибди. Қизи уйда бўлса... Қаровсиз ҳовлининг нимасини пойлайди?» Кесакполвон топшириқдан кўзда тутилган мақсадни англамай:

— Шунинг ўзимми? — деб сўради.

— Бошқа ҳеч нима демадилар.

— Хумкаллани сўрамадими?

— Сўрамадилар.

«Қизик, нега сўрамади? Гумонини ҳақиқатга айланишини истаса сўраши шарт эди. Мен ўзим вос-вос бўлиб қолдимми? Ундан бекорга хавотирланяпманми? Э, йў-ўқ... унинг кўзлари мени алдолмайди. Кўзига қараб, ичида нима ёнаётганини шу пайтгача билмай юрсам, ғирт аҳмоқ бўлардим. Хумкаллани барибир бу боладан сўрайди. Дўхтирни ҳам тинч қўймайди. Бекорга «тегмаларинг», демади. Ҳали сайратади уни...»

Машина Кесакполвоннинг дарвозаси қаршисида тўхтаганида томчилаётган ёмғир жалага айланди. Болохонадаги йигит чаққон тушиб дарвозани очгач, Қози машинани ичкари ҳайдаб кириб, чап томонга тақаб тўхтатди. Йигит илдам юриб келиб, олд эшикни очди. Кесакполвонга унинг бу иши ёқмай, ўқрайди-да, эшикни зарда билан тортиб ёпди.

— Хумкаллани сўраса нима дейсан?

— Ўзингиз тайинлаган гапни айтавераман-да.

— Қани, айт-чи?

— Шу... уч-тўрт кун олдин маишат қилганимиз, кечаси дўхтирни йўқлаганимиз...

— Дўхтир қаёқда эди?

— Бунга айтмовдингиз, хўжайин?

— Бек аканг сўраса ҳам шунақа дейсанми, э эшак мия! Сен дўхтирни топ.

— Хўп, хўжайин.

— Қаёқда писиб ётганини уйидагилар билар.

— Бу ёғини қойил қиламиз, ҳаммаси бехит бўлади.

— Менга қара, шу дунёда миллион дўхтир бормикин?

Қози елка қисди. «Хўжайин, санаб чиқ, десангиз санаб чиқаман, лекин ҳозир аниғини билмайман», дегандай қараб тураверди. Кесакполвон унга боқмаган ҳолда, ўзига ўзи гапиргандай давом этди:

— Миллион дўхтирдан биттаси қуриса дунё камбағаллашиб қолмас, а? Нима дейсан?

Қози хўжайинининг мақсадини англаб ишшайди:

— Хўжайин, асли ҳисоб-китобни тўғри қилиб қўйиш керакмикин? Дўхтирнинг сони битта кўп экан?

— Унақада Бек аканг келгунича ҳисобни тўғри қилиб қўй.

Кесакполвон шундай деб эшикни очди-да, машинадан тушиб уй томон юрди. Хизматга маҳтал йигит эса қўлларини қовуштирганича ўзини четга олди. Қози ҳам машинадан тушиб калитни йигитга узатди-да, «ўртага олиб, яхшилаб арт», деб буюргач, болохонага чиқди.

### 3

Меҳмон кутишга мўлжалланган катта хонанинг ойнаванд томондаги оромкурсиларни банд этган Кесакполвоннинг хотини, қизи, куёви ва хос сартарош карта ўйинига шу даражада берилиб кетган эдиларки, ҳатто эшикнинг очилиб-ёпилганини ҳам сезмадилар. Кесакполвон остонани ҳатлаб ўтиб, уларга бир оз қараб турди. Қайнона билан куёв, Моника билан сартарош шерик бўлиб, бир-бирларини енгмоқ қасдида карта ташлашарди. Пастак столнинг четидаги оғзи очик коньяк, биллур қадаҳчалар ҳам Кесакполвоннинг назаридан четда қолмади. Аввалига бақириб, сўкиб бергиси келди. Лекин шу онда қулоғига кимдир «биринчи марта кўраётганинг йўқ-ку, буни» деб шивирлагандай туюлиб, ғазабини ютгандек бўлди. «Ютгандек бўлди», демоғимиз сабаби бор: Кесакполвон бош кўтарган ғазабни ноумид қайтарувчи номардлардан эмас. Ҳозир ҳам одатига хиёнат қилмади. Ғазаб ўқларини сал қиялатиб, куёви томонга отди:

— Вей, менга қара, куёв бола, сенинг уй-пуйинг борми, хотининг билан уйингда ўтирсанг ўласанми?

Тўсатдан янграб, магнитофондан таралаётган мусиқа товушини босиб кетган бу овоздан тўрттовлари ҳам чўчиб тушишди. Моника бармоғида қистириғлиқ сигаретни шошиб кулдонга ташлади-да:

— Ой, папул келди, — деб ўрнидан турди. Бунақа бақиришларга кўникиб кетган куёв ҳам эриниб, қўзғолди. Моника тез-тез юриб келиб дарғазаб отасини кучоқлади. Кесакполвон жаҳли чиққанини яна бир карра таъкид этмоқ мақсадида қизини одатдагидай ўпиб, эркаламади.

— Папул бугун вне настроеняда, — деди Моника аразлаб.

— Папанглар чарчаганлар, — Кесакполвоннинг хотини шундай деб унга яқинлашди: — Ҳа, адаси, тинчликми?

Кесакполвон хотинига ўқрайиб қараб, хонаси томон юрди.

— Ҳай, адажониси, бир минутга тўхтанг, у нас новости. Ленинградда парикмахерларнинг международний виставкаси бўлаётган экан.

— Виставка эмас, конкурс, — деб изоҳ берди сартарош.

— Ну да, конкурс. И шу конкурсга Гогик бориши керак.

— Борса ана катта кўча, қўлидан ушлаб турганим йўқ, — деди Кесакполвон минғирлаб.

— Как это «катта кўча»? Бу простой конкурс эмас, международний ахир. И Гогик победител бўлиши керак. И Моника ҳам бориши керак Ленинградга.

— Ҳа, қизинг ҳам сартарош бўлиб қолдими?

— Ну зачем, адажониси, Гогик Мониканинг сочини прическа қилади.  
Кесакполвон «Бор-е!» дегандай қўл силтаб, хонасига кириб кетди. Диванга ёнбошлаган чоғида эшик очилиб, юзини буриштирган Моника кўринди.

— Папул, кетаверайми? — деди у остонада турганича.

Аразчи қизининг чўччайган лабларига кўзи тушган Кесакполвоннинг қаҳри бир оз юмшаб:

— Ленинградгами? — деб сўради.

— Уйимга! — деди Моника пўписа оҳангида. — Между прочем, биза кўчада қомаганмиза. И слава богу, уйимиз бор. Просто силага скучна бўлмасин, деб келамиза. Энди скучат қилсангиз ўзийз бориб кўрасиз.

— Оббо, бўлди, шунга ҳам аразми? Ойинг сени гармдорининг устига тукқан-да, а, асалим, — Кесакполвон туриб келиб қизини ёноғидан ўпди.

— Посторонний одамни олдида просто унижат қилиб юборасиз.

— Ҳазиллашдим, қизим, ҳазиллашдим. Посторонний йўқ-ку, бу уйда. Гогикми? У ҳам ўзимизники ҳисоб. Ҳазилимни тушунади.

— Ленинград нима бўлади?

— Ойинг билан маслаҳатлаш, билганларингни қилларинг.

— Мерси, папул, — қизи шундай деб эркаланганича уни ўпди-да, қувноқлик билан изига қайтди.

Кесакполвон қизидан фақат «хўп» деб қутилиши мумкинлигини яхши билгани учун ҳам тезгина таслим бўла қолди. Қизини биров эмас, ўзи эркалатиб ўстирди. Бу ўринда «тарбия қилди», демоқ ножоиз. Чунки отадан яхши тарбия кўрган қиз бундай бўлмас. Кесакполвон «Нима учун мен эмас, фалончи кучайиб кетяпти?» «Нима сабабдан фалончи мендан бойроқ?» деб ўзини саволга тутарди. Бироқ, ҳеч қачон «нимага фалончининг фарзанди унақаю, меники бунақа?» деган саволни хаёлига ҳам келтирмаган.

Бунақа қарта ўйнаб ўтиришганини энди кўрибдими, ҳозир кайфияти чатоқроқ бўлгани учунгина бақирди. Қизининг сартарош билан Ленинградга бориши ҳам унинг учун аҳамиятсиз бир нарса эди. Агар кайфи чоғ пайтда бу янгиликни эшитганда «Ие, зўр-ку, албатта бориш керак», демоғи шубҳасиз эди.

Кесакполвон диванга чўзилиб, ётган ерида керишди. У шифтдаги нақшларга, деворга чизилган гулларнинг расмига қараб ётишни яхши кўрарди. Номдор наққошни топдириб келиб ишлатишга пулни аямаган эди. Наққош айниқса рўпарани шундай безаганки, бегона одам минг тикилсин, девор орасида пўлат сандиқ борлигини илғай олмайди. Пўлат сандиқ ичида нималар борлиги фақат Кесакполвоннинг ўзигагина маълум. Бундаги бойлик невараларининг еб-ичиши, ўйнаб-кулишигача етиб ортади. Пўлат сандиқ тўлган, лекин кўз тўймайди.

Асадбек қизи ўғирланган кезлари маъюс оҳангда «Топган-тутганларимиз неварачевараларимизга ҳам етиб-ортади. Бизга яна нима керак?» деганида Кесакполвонга бу гап эриш туюлган эди. «Бизга яна нима керак? Бу дунёда нима деб юрибмиз ўзи? Бой бўлмасанг биров сени одам ўрнида кўрмайди. Худо бериб турганида тўплайверсанг-чи! Невара-чеварангга етадимми-йўқми, ҳисоблаб нима қиласан? Ҳисоблаганинг са-йин барака қочади...», деган хаёл билан хожасини тентакка чиқарган эди. «Ҳисоблаб нима қиласан», дегани билан унинг ўзи пўлат сандиқ ичидагиларни санаб туришни ёқтиради. Санаётганида бармоқлари яйрайди, юрагига эса ғалати бир қувват оқиб киргандай бўлади. Ҳозир ҳам туриб санагиси келди. Бироқ, ён хонада одамлар борлигини эслаб, бу роҳатбахш юмушни ке-йинга қолдирди.

Девордаги гуллар расмига тикилиб ётган чоғида Асадбекнинг «Бизга яна нима керак?» деган гапи ёдига тушди. «Агар тирик қайтсанг, неварачеварангга етадиган бойликларингни е-еб ётаверасан. Олифтагарчилик қилувдинг, мана, Худо бераридан қисди. Ўлмай қайтганинг ҳам дуруст ошнам, бойликнинг қадрига етасан. Хонгирей жонингни олмаса ҳам тахтингни олади. Бир пайтлар чўталчи эдинг, кунинг яна шунга қоладиган бўлди...», деб ўйлаб, кулимсираб қўйди. Кейин хаёлига қўққис бир фикр келди: «Масковга кетган Ўқилон чувалчанг бўлиб

қайтади. Чувалчангдан қўрқиб ўтирибманми?» Мазкур фикр вужудига роҳат бериб, бу сафар яйраб керишди.

Кесакполвон девор ичига ўрнатилган пўлат сандиқдаги бойликларни, бу уй, бу қимматбаҳо жиҳозларни... ҳамма-ҳаммасини ўзиники ҳисобларди. «Шу бойликларнинг эгасиман», деб ҳузурланарди. Нодон банда бу дунёдаги ҳеч нарса уники эмаслигини билмасди. Ҳа, ҳеч нима! Ҳатто ўзининг гавдаси: бош-кўзлари, қўл-оёқлари... Ўзига тегишли эмаслигини фикр ҳам қилиб кўрмаган. Буларнинг барчаси вақтинча ўзиники, аслида эса лаҳад қуртлариники эканига ақли етмайди. «Менинг бойлигим» деган нарса эса жон чиқиб, жасад лаҳад қуртларига топширилганда асқотмайди.

Диванда талтайиб ётган Кесакполвон буларни ўйламайди. Бундай ўй учун миясида бўш жой ҳам йўқ. Бу каби одамларнинг оғирлиги тўрт ярим килодан зиёд бўлган мияларида лоақал зарра миқдоридagi улуш охират ўйи билан банд бўлганида эди, ҳаёт ўзгача тарзда кечармиди, валлоҳи аълам?

Йўлдаги кўнгил нохушлиги тарқаб, Кесакполвоннинг ичгиси келди. Жавонда ўн-ўн беш хил ичимлик хизматга бел боғлаб турибди. Лекин улардан бирини олиб ичмоқ учун дивандан турмоқ керак, икки ярим қадамли узун масофани босиб ўтмоқ зарур, қўлни чўзмоқ, шишани олмоқ, қопқоқни очмоқ, пиёлага қўймоқ лозим. Кесакполвон учун бу юмушлар анча мушкул туюлиб, осонроқ йўлини топди. Ётган ерида:

— Ҳов, бу уйда тирик жон борми?! — деб бақирди. Икки нафас ўтмай қўшимча қилди: — Ўлиб қолдиларингми ҳамманг!

Тахминан бир дақиқадан сўнг эшик очилиб, хотини кўринди:

— Етиб келгунимча чутли оламни бузиб юбора-сиз-а, — деди у остона ҳатлаётиб.

— Лопилламай тезроқ юрсанг ўласанми? — деди Кесакполвон зарда билан.

— Келдим-ку? Чут что дарров бақирасиз. Нима, ман сизга ёш келинманми?

— Ҳа, яхши, қарилигингни бўйнингга олдинг.

— Ҳа, қариман, ваабше старушкаман. Хўп, нимага чақирдингиз?

— Қуй, анавиндан.

— Қайси биридан?

— Эркакнинг хўррози «Наполеон»дан ичади-да. Бақувват қилиб қуявер, буфетчиларга ўхшаб қўлларинг қалтирамасин.

Хотин пиёлага тўлдириб коньяк қуйиб, тортмадан шоколад олгач, эрига тутди. Кесакполвон ичиб, шоколаддан тишлаганида:

— Адажониси, бугун сал нетўроқмисиз? Уйга киришга успет қилмай бақирдингиз-а?

— Бақиримиз ёқмай қолган бўлса, ана, жавобимни бериб қўя қол. — Кесакполвон шундай дегач, ҳузурланиб чўзилди. Хотини эса оёқ томонга омонат ўтир-ди.

— Менга қаранг, чут что «жавобимни бер», дейдиган бўлиб қолдйиза. Шошилманг, қутулиб қоларсизам. Аввал мени олиб бориб кўмиб келингда, ана, уч кундан кейин пожалуйста, уйланаверинг.

— Шунақами? — Кесакполвон захарли илжайди. Хотинининг жиғига тегиш учун оёғининг учи билан юмшоқ ерига аста тепди. — Уч кун кутадиган аҳмоқманми мен. Сени кўмиб, уйга қайтишдаёқ уйланаман. Сенга жаноза ўқиган мулла ярим соатдан кейин мени никоҳлаб қўяди. Хотин дийдиёсини авжга чиқариш баҳонасида оғиз жуфтлади-ю, аммо «вот что» деганича қолди. Кесакполвон уни гапиртиргани қўймади:

— Бўлди, вижи-вижи қилаверма. Нима дейсан, дардингни айт.

— Дард? Какой дард...

— Фингшима. Сен бекорга минғирламайсан. Нима, сенам Ленинградга бормоқчимисан?

— Фу! — Хотин шундай деб лабини бурди. — Сто раз борганман ўша Ленинградингизга.

Ваабше менга ёқмайди у шаҳар.

— Ленинград ёқмаса, ана, Ялтага бор.

- Ялтага? Ҳозир? Вы что, адаси устимдан куляпсизми?
- Устингдан кулмай, тагингдан кулайми? — Кесакполвон шундай деб яна оёғи билан туртди: — Бўпти, нима дейсан?
- Между прочим, Ойсанамхон Японияга кетаётганмишлар.
- Ойсанамхонинг ким бўлди?
- Как ким бўлди? Эри ўлди-ку? Началник таксопаркмиди? Ну вот, эри бўлмасаям кетяпти Японияга.
- Сенга қийин бўпти-да, а? Эринг бўлсаям ўтирибсан Японияга бормай.
- Сиз... издеватся қилманг. Вот, Пошша опам ҳам юрибдилар Германияда мазза қилиб. Бирга юборсайиз бўларди, ҳар ҳолда чужой эмасмиз-ку?
- Жиннимисан! — Кесакполвон энди қаттиқроқ тепди. — Ўзи таклиф қилмаса, «хотинимни билла олиб кетинг», деб ялинаманми? Боргинг келиб, ичагинг узилай деб турган бўлса, ана, боравер.
- Унда, майли, Германия подождет. Японияга бирга борайлик. Одамлар завистдан куйиб кетсин.
- Нима? Бирга борайликми? Энди қилмаганим Японияда бир қоп гўштни етаклаб юришим қолувди.
- Нима? — Хотин Кесакполвоннинг сонини чимчиламоқчи бўлди. — Шу мешок гўштни, между прочем, ўзингиз яхши кўриб олгансиз.
- Ҳа... унда дўмбоққина эдинг-да. Бўпти. Гапни қисқа қил. Японияга борасанми, ундан наригами, боравер. Бошимни қотирма!
- Ер-хотиннинг ширин сўхбати якун топганини билгандек, ёзув столи устидаги телефон жиринглади. Бу хонадонда иккита телефон бўлиб, мазкур рақам фақат яқин одамларгагина маълум эди. Шу сабабли Кесакполвон ўрнидан туриб, гўшакни ўзи кўтарди. Кимнинг-дир гапларини эшитиб, билагидаги соатга қаради-да «яхши» деб гўшакни жойига илди:
- Ана, Хизрни йўқласанг бўларкан, Пошша опанг келяпти.
- Келинлари биланми ё бир ўзларими?
- Бун келганида ўзидан сўрайсан.
- Вой, интересносиз-а, если келинлар билан келсалар, майда-чуйда қилишим керак-ку?
- Майда-чуйдангни тайёрлайвер, бақувватроқ тайёрла, қўлинг қалтирамасин.
- Хотини чикди-ю, дам ўтмай изига қайтди:
- Сизни кўчада сўрашаётганмиш, — деди нозлироқ оҳангда.
- Ким экан?
- Между прочем, бир ёш хотинмиш.
- Хотин бўлса яхши, — Кесакполвон шундай деб керишди-да, овоз чиқариб эснади. — Юр, сенам.
- Мен нима қиламан? — деди хотини ажабланиб.
- Кўриб қўй. Хотинликка номзодлардан биттасидир-да. Уйлансам ҳам сенга ёқадиганига уйланаман. Яна ётган ерингда «Вой, савил, келиб-келиб шуни олдингизми, ундан кўра ўзим сто раз яхшимасмидим», деб сасиб ётмагин.
- Вуй, ваабше нетерпимо бўлиб кетяпсиз, — Хотин шундай деб муштимини қисди-да, пўписа қилиб, орқасига чекинди.
- Кесакполвонни айвонда кутиб турган йигит Хумкаланинг хотини келганини айтиб балога қолди. Хўжа-йини унга эшакка қандай қариндошчилиги борлигини маълум қилгач:
- Йўқлар, девормайсанми? Қанақа қаланғи-қа- санғи келса қўяверасанми? — деди.
- Йўқлар, десам, остонага ўтириб олди. «Ярим кечада келсалар ҳам пойлайман», дейди.
- Кесакполвон яна ғўдираниб сўкинди-да, йигитга эргашиб кўчага чикди.
- Ҳа, сингил, келинг. Нима ишингиз бор менда?— деди уни танимагандай.
- Мен... Миродил аканинг аёллариман, — деди жувон унга нажот кўзи билан қараб. У «Ие,

укахонимизнинг аёлимисиз, тинчликми, нима гап?» деган ширин гап кутган эди. Бироқ бошқа оҳангдаги бошқа гапни эшитди:

— Ким? Миродил дейсизми? Сен танийсанми шунақа одамни? — деди Кесакполвон орқасидаги йигитга ўгирилиб. — Эрингиз қаерда ишлайди?

— У киши... сизда...

— Менда? Мен такси кооперативининг хўжайиниман. Менда Миродил деган бола йўқ. Сиз адашганга ўхшайсиз, синглим.

— Сиз... тўйимизга боргансиз...

— Мен кунда ўнта тўйга бораман. Хўп, нима дардингиз бор, эрингизни ишга олайми?

— Йў-ўқ... адамиз беш кундан бери ўйга келмайдилар. Милиса ҳам суриштириб қолди.

— Ўҳ-ҳў, синглим, милиса аралашган иш билан менинг олдимга келманг. Эрингиз уйингизга қайтмаган бўлса, милиса билади, дарров милисага учранг. Мен эрингизни танитайман, бора қолинг. Иккинчи бу кўчадан ўтманг.

Аёл рўпарасидаги жонзотнинг одамми ёки шайтон эканини фарқлаб олмоқчидай унга бир оз тикилиб турди-да, сўнг аста орқасига ўгирилди. Кесакполвон «қарасанг қарайвер, кимлигимни икки дунёда ҳам билолмайсан», дегандек унинг тикилишига монелик қилмади. Жала кучдан қолгани билан, ёмғир тинмаган эди. Аёл ёмғир томчиларининг кузтувида юриб борарди.

Ерининг жони арзонга кетди. Кунда уч-тўрт маҳал овқат, неча ўн ёки юз ютум ароқ, вино... вассалом. У «акахон, хизматингизда бўлай», деб ҳузурига келган эди. Аслида «муҳтарам жон олғувчи акахоним, сиз жонимни олингу эвазига мени боқинг», деса ҳам бўлаверарди...

## VIII 6 o 6

### 1

Ўйга кечроқ қайтган Зоҳид жиянини кўрдию юраги қандайдир нохушликни сезгандай увишди. Ўғлини ухлатиб чиққан Фотиманинг кўз қарашларида ҳам ғалати бесаранжомликни илғагандай бўлди. Жиянидан «опам, поччам, укаларинг яхшимилар, катта ҳовлига ўтиб турибсанми, бувинг, опоқ даданг соғ-саломатмилар?» деб сўрагач, «Тинчликми?» деган сўроғига «Тинч-лик, ўзим шунчаки бир айланиб келувдим», деган кўнгил ташвишини босувчи жавоб кутди. Ёши ҳали ўн бешга етмаган ўсмирнинг даладан шаҳарга «шунчаки айланиб келиши»

мумкинмаслигини билса ҳам ўзини шундай жавоб билан овутишни истади. Жияни дилга ором бера олувчи гапни айтишга улгурмай хотини унинг умидини чиппака чиқариб қўя қолди:

— Пешиндан бу ёғига ишхонангизга минг мартача кўнғироқ қилгандирман. Вой... — хотини шундай деб кўкрагига қўлини қўйди. — Ҳозир юрагим ёрилиб кетади.

Барча аёлларга инъом этилган ваҳима касалидан Фотиманинг ҳам баҳраманд экани Зоҳидга маълум. Дўконда бир соат навбатда туриб сут етмай қолса ҳам у эрига шикоят қилиб «ҳозир юраги ёрилиб кетажанин» албатта айтади. Бунақа пайтда Зоҳид «юрак ҳам сал нарсага ёрилаверар экан», деб кулимсираб қўярди. Юракнинг ёрилиши ҳақидаги гапнинг оҳангида ҳозир хавотир мавжудлиги учун Зоҳид кулимсирамади. «Нима бўлди?» деб жиянига қаради. Жиян сўз айтишга улгурмай Фотима у олиб келган хабарни янада ваҳимали оҳангда маълум қилди:

— Дадамлар отдан йиқилиб тушибдилар. Елкалари синганмиш.

— Қачон?

Фотима «асосий гапни мен айтдим, бу ёғига ўзингиз жавоб бераверинг», дегандай жиянига қаради. Келинаясининг бу лутфидан фойдаланган жиян жавобни ҳаяллатмади:

— Уч кун бўлди... шу якшанбада.

— Уч кун бўлди? Энди хабар берасанларми?

— Айб ўзингизда, — деди Фотима жияннинг ёнини олиб, — якшанбада борамиз дедингиз,

сўзингизда турмадингиз. Борганимизда шу фалокатнинг олди олинарди. Улоқ ўлгургаям чиқмасийдилар.

Фотиманинг шу гапи дард устига чипқон бўлди. Зоҳиднинг вужудини кўйдира бошлаган хавотир ўтига алам мойи сепилдию хотинига беихтиёр равишда «бир пас вайсама!» деб бақирди. Ҳуда-беҳудага бақираверадиган эрларнинг хотинлари бир вайсашга тушсалар тинишлари мушкул. Бу мушкулотни ечмоқ учун кўпинча эрнинг мушти ишга солинади. Хотинига ҳадеб бақиравермайдиган Зоҳиднинг «Бир пас вайсама!» дейиши Фотимага кифоя қилди.

— Уйдадилар, касалхонададилар? — деб сўради Зоҳид жиянидан.

— Уйдалар. Дўхтирлар гипслаб қўйишди. Лекин... жудаям оғриётганмиш. Бугун Улоқчи бува келувдилар. Шаҳарда Моштабиб деган одам бор экан. Улоқчи буванинг беллари синганда тuzатган эканлар. Сиз ўша одамни топиб, олиб борар экансиз.

Отасини кўргани ҳозироқ йўлга чиқмоқчи бўлиб турган Зоҳиднинг шашти қайтди. Тўртта нон кўтариб боришдан фойда йўқ. Азоб чекаётган отаси табибга муҳтож. Эрининг индамай қолганидан таажжубланган Фотима:

— Ўша одамни танийсизми? — деб сўради.

Зоҳид жавоб бермай, дераза томонда тўшалган кўрпачага бориб ўтирди.

Моштабиб деганларини танишга-ку, танийди-я. Уни ўйлантириб қўйган барча мушкулот ҳам ана шу танишида эди.

## 2

Депара ички ишлар бўлимида амалиёт ўтаб юрган кезлари бошлиқ ўринбосари чақиртирди-да, хонасида ўтирган одамни «Капитан Темиров» деб таништиргач, шу нозирнинг ихтиёрида бўлажагини билдирди. Зоҳид вазифаси нимадан иборат эканини йўлда кетаётганларида нозирдан эшитди:

— Эски шаҳарда Моштабиб деган одам яшайди, эшитганмисиз? — деб сўради. Нозир Зоҳиддан «йўқ», деган жавобни эшитгач, афсус маъносида бош чайқаб гапини давом эттирди: — Шундай машҳур одамни эшитмаганмисиз? «Моштабиб» деган ном билан Худо билади, минг йиллардан бери неча юз табиб ўтган экан. Отадан болага ўтиб келаверган-да. Моштабиблар Амир Темурни ҳам даволашган.

Нозир кейинги гапини худди «Амир Темур»ни даволашаётганда ўзим ҳам бор эдим, подшонинг оёғини ўзим ушлаб турганман», деган оҳангда, фахр билан айтди.

— Минг йиллардан бери одамларга хизмат қилиб келган моштабибларнинг иши эндиги замонда зарарли эмиш. Шу маҳаллада бир-икки ғаламис бор, юқори идораларга хат ёзгани ёзган. Улар ёзади, калтак эса менинг бошимда синади. Ёзадиганларнинг биттаси дўхтир. Ўзим бориб гаплашдим ўша билан. «Барака топгур, Моштабиб сенинг касалларингни тортиб олиб, нонингни яримта қилаётгани йўқ. Сен қорин дўхтир бўлсанг, у синди-чиқдига қараса, қўй энди», десам, «Сен феодализм сарқитини ҳимоя қилияпсанми, сен илғор Совет медитсинасининг нақ душмани экансан», деб башарамга дангал айтди. Айтса ҳам майли, кейинги хатига мени ҳам тиқиштирибди. Сал қолди урилиб кетишимга. Битта юлдузни, — Нозир погонига ишора қилди, — ўшанда камайтиришди. Бу қизталоқлар пичанга боғлаб қўйилган итга ўхшашади. Ўзлари ҳам ейишмайди, бировга ҳам бергилари келмайди. Хўжа-йинлар ҳам қизиқ, ука, мен аниқ биламан, олдинги катта хўжайинни шу одам шифолаган. Бу одамнинг яхши табиблигини ҳаммалари билишади. Лекин барибир ғаламис хат келса питирлаб қолишади. «Хат рўйхатдан ўтган, чора кўриш керак», деб буйруқ бераверишади. Шифо топган улар-у, шу хат орқали балога қолган менман. Ҳозир давр шунақа бўлиб қолган, ука, билиб қўйинг. Ана энди иккаламиз уч-тўрт кун кўчада қоққан қозикдек ўтирамыз. Ўтган-кетганлар ичларида сўкадиларми, ҳар ҳолда нима дейишса дейишар. Башарамизга тупуриб ўтишмагани учун дўппимизни осмонга отсак ҳам арзир. Ука, сиз шу соҳани танлабсиз, билиб қўйинг: мана шунақа ишлар милисани одамлар кўзига бало қилиб кўрсатиб қўяди. Шу жамиятнинг ишларига



ҳам қойил қолмайман баъзида.

— Қойил қолмасангиз ҳам шу жамиятга хизмат қиляпсиз-ку? — Зоҳид шундай дейишга деди-ю, нотаниш, синалмаган одамнинг хафа бўлиши ёки аччиқланиши мумкинлигини ҳисобга олманини фаҳмлаб, унга хавотир билан қараб қўйди. Бахтига нозир ранжимани, аччиқлангани ҳам, аксинча, енгил «уф» тортди-да:

— Тирикчилик шу бўлганидан кейин ҳар қанақа хизматни қилаверамиз-да, — деди. — Аслида мен бу касбни ишқибоз бўлиб танламаганман. Ҳарбийдан қайт-ганимда комсомол юборган. Ўқий десам, уқувим йўқ эди, бирор хунарга ҳам қизиқмабман. Сизнинг йўриғигиз бошқа. Ўзингиз яхши кўриб, ўқиб келяпсиз. Сизга ўхшаганлар кўпайса мендақаларга нон қолмайди. Ҳали уйланмаган ёр йигитга ҳасратини айтиб бораётган нозирнинг тақдири юриб бораётганлари эски шаҳарнинг эски кўчалари каби эди. Жин кўчаларнинг жони йўқ — ҳадемай бузилиб, ўринларида янги йўл тушажагидан хавотирланишмайди. Нозирнинг тақдири ночорроқ...

Жин кўчалардан ўтиб бораётган Зоҳид ўз тақдирига оид бир масалани кашф этди: ўқишни тамомлагач, шунчаки бўш бир ўринга келмайди. Балки хизматни «тирикчиликда» деб ҳисобловчи айнан шу одам ўрнига ҳам келиши мумкин. Шунда тирикчилик ташвиши билан юрган яна бир бошқа одам унга ола қарамайдими? Бора-бора Зоҳиднинг ўзи ҳам ўзгармайдими? «Адолат учун курашаман!» деган шиорини тирикчилик либоси бўғиб ташламайдими? Вақти келиб ўрнини ёш йигитга бўшатаётганида уни қандай ҳис чулғайди: «Худога шукр, адолатга етишдим», дейдими ё шу одам каби «тирикчилик экан-да, ука», деб хўрсинадими? Ёки «яна уч йилгина бўшатмай туришса уйнинг чаласини битказиб олиб, ўғлимнинг тўйини ҳам ўтказиб, қутулар-дим-а», деб афсусланармикин?

Бозордан ўтиб, трамвай саройининг орқа томонидаги кўчага бурилишганида нозир Темиров:

— Шу муюлишга қапа тикиб ўтираман. Чапдан иккинчи эшик Моштабибники, — деди.

— Уйларига кирмайми? — деб сўради Зоҳид.

— Нима қиламиз кириб? — Нозир ажабланиб Зоҳидга қаради.

— «Табибликни йиғиштиринг», дейишимиз керакми? Вазифамиз шунақами?

— Вазифа-ку, шу. Лекин кирмайми. Энг муҳими — шу ерда қоққан қоқиқдек туришимиз керак.

Хат ёзган ғаламислар формали одамларни кўришлари шарт. «Хатим инobatга олинибди» деб қувонишсин. Беш-ўн кун тинчиб ўтиришади. Хўжайинлар ҳам «чора кўрилди» деб ҳисоб беришади. Кейинги хат ёзилиб, керакли жойга бориб тушгунча биз ҳам дам олволамиз.

Шу пайтда улар яқинидан яшил «Жигули» ўтиб, табибнинг эшиги рўпарасида тўхтади.

Машинанинг олд ўринидан тушган йигит орқа эшикни очиб, ёши ўтган аёлга елкасини тутди. Аёл йигитга суюнганича, чап оёғини босолмагани сабабли, ҳаққалаб юриб ичкари кирди.

— Сиз билан мен ҳозир бориб шуларни орқага қайтаришимиз керак. Борасизми? — Нозир шундай деб савол назари билан қаради. Зоҳид бу савол замирида синов борлигини фаҳмлаб, «ўзингиз биласиз» деган маънода елка қисиб қўйди. Дам ўтмай, ҳалиги аёл йигитга суюнмаган, ҳаққаламаган ҳолда чиқиб келди. Чап оёғини сал эҳтиётлаб босаётгани ҳисобга олинмаганда ҳозирги мажруҳ аёл шу, дейилса биров ишонмас эди. Зоҳид ажабланиб:

— Бўлдими? — деб сўради.

— Бўлди, — деди капитан Темиров мамнун оҳангда. Унинг ёришган чехрасини кўрган Зоҳид «Худди ўзи даволаб, қойил қилгандай қувонади-я!» деб ўйлади.

— Оёғи чиққан экан-да, — деди нозир табобат сирларини яхши билувчи одамнинг оҳангида. — Синган бўлганида то жойига солиб боғлагунча уч-тўрт дақиқа вақт кетарди. Энди хоҳласангиз бориб суриштиринг: берган бўлса бир сўм, жуда бойваччалиги тутган бўлса уч сўм бергандир. Ғаламислар аслида шунисига чидашолмайди. Табиб бойиб кетяпти, деб ўйлаб ичларини ит таталайди. Сиз бир сўм билан бойиб кетган табибни кўрганмисиз? Мен ҳам кўрмаганман.

Одамнинг жони оғриб турганида кўзига пул кўринмайди. «Мана, минг сўмни олингу тузатинг», дейди. Оғриқ тўхтагач, минг сўмни атаганини унутиб, «қўл ҳақи» деб бир сўмгина ташлайди.

Шунда ҳам мардлари ташлайди ўша сўми. Бир танга ташлаб кетадиганларни ўзим кўрганман. Ғаламисларга шуни айтсам ишонишмайди. Уларнинг назарида бу хонадонга бош уриб келган одам борки бир-икки мингдан ташлайди.

— Белгилаб қўйган нархлари йўқми?

— Қанақа нарх? — Нозир шундай деб унга «есинг жойидами, ука?» дегандай қараб қолди.

— Чиққанни солишга бунча, синганга мунча, — деб изоҳ берди Зоҳид.

— Э, — Темиров ҳафсаласи пир бўлиб қўл силта-ди. — Баъзи бир хил дўхтирларда бўлади бунақа гаплар. Табиб бергани олади. Дўхтурга ўхшаб минғирламайди, аксинча, шифо тилаб дуо қилади.

Зоҳид бу ерда кун бўйи келиб-кетувчиларнинг саноғига етмай қолди. Кунига шунча одам майиб бўлади, дейилса ишонмаслиги тайин эди. Агар бошқа даҳаларда ҳам табиблар мавжудлиги, дўхтирхоналарга ҳам мурожаат этувчилар сони ҳисобга олинса, одамнинг ҳайрат тўрига ўралиб қолиши тайин.

Капитан Темиров моштабибларнинг тарихи, таърифу тавсифини ўзи билгани қадарли айтиб тугатгач, «Енди ука, менинг бир зарур ишим бор, ров бораману ров келаман», деб кетди. «Ров бориб-келиши»ни Зоҳид узоғи билан ярим соатли муддат деб ўйлаб янглишган эди. Кун тиккага келиб, ташналикка қўшилган очлик забтига олганда ҳам Темировдан дарак бўлмади. Шунда Зоҳид бу кўчада беҳуда пойлоқчилик қилавериб безган нозирнинг аҳволини тушунди. Очлик, ташналикка ҳам чидаш мумкин эди-ку, бироқ ўтган-кетганларнинг назарларига тоқат қилиш қийин кечди. Кун пешиндан оққан маҳалда капитан қоғоз халтада сомса, шишада маъданли сув келтирди. Зоҳид таомланиш учун ҳам бу кўчани тарк этмоққа ҳаққи йўқлигини билиб, ортиқча савол бермади.

— Тўхтатмай олаверинг, мен қозонбошида тўйдим,— деди Темиров шишанинг тунука қопқоғини очиб.

Капитан олиб келган сомсанинг номи кўп эди. Айримлар лўнда қилиб «қулоқ-бурун-бўғиз» деб сомсанинг нималардан тайёрланганини таъкидлашса, баъзилар пичинг оҳангида улуғлаб «думба-жигар» дер, бировлар эса кулки оҳангида «итларнинг қувончи» деб таъриф қилар, бошқалари оддийгина «тўрт тийинлик» деб қўя қолишарди. Зоҳид бугунги аҳволига қиёсан сом-санинг қувончга тааллуқли таърифи тўғрироқ, деган тўхтамга келиб, тақдирига тан берганича нозирнинг «зиёфати»дан баҳраманд бўлди...

Ўша куни беморларни кузатиб чиққан Моштабиб улар томон қараб-қараб қўйди-ю, эътибор бермагандай ичкари кириб кетаверди.

Отасининг отдан йиқилиб елкаси сингани ҳақидаги нохуш хабардан гангиган Зоҳиднинг ташвиши Моштабибни топиб, қишлоққа олиб бориш топшириғини эшитгач, ўн карра ошди. Ихчам чўққи соқолли, кўк духоба дўппи кийган, қотма, серғайрат Моштабибнинг қиёфаси кўз олдига келиб, вужуди ҳолсизланди. Назарида Моштабиб «Ҳа, ўзинг ҳам келаркансан-ку», дегандай бўлди. Фотиманинг «Шунақа одам борми, эшитганмисиз?» деган саволи уни эзувчи хотиралар оқимидан қутқарди. Фотима эрининг «ҳа», деган маънода бош ирғаб қўйишига қаноат қилмай, саволини яна қайтарди:

— Танийман, — деди Зоҳид истамайгина. — Эрталаб учрашиб кўраман. Узоққа бориш-бормаслигини билмайман.

— Боргиси келмаса индамай орқангизга қайтмасдан, прокурорлигингизни айтинг-да.

— Прокурорнинг бошида хоши борми?

Минғирлаб айтилган бу гапга жавобан Фотима бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю, эрининг авзойини кўриб, оқила аёлнинг ишини қилди — тилини тия қолди. Аммо «Менга нима, азоб чекаётган ўзингизнинг отангиз-ку» деган маънода лабини буриб қўйишдан ти-йила олмади. Зоҳид жиянига «Сен кетавер, мен табибга учраб кейин ўтаман» деб уни кузатиб қўйгач, ёшлик йилларидан нохуш хотира бўлиб қолган ўша эски шаҳарнинг эски кўчасига борди. Пойлоқчилик қилган муюлишдан ўтаётганида беихтиёр тўхтади. Оқлаб қўйилган кесак девор назарида унинг

ҳолидан кулгандай туюлиб, оёқларидан қувват кетгандай бўлди. Беморни кузатиб чиққан Моштабибнинг хушчақчақ овозини эшитмаганда юрмоғи қийин эди. Икки эшик орасидаги йўл Зоҳид учун ғоят узун туюлди. Моштабибнинг ичкарига кириб кетмай кутиб туриши ҳам Зоҳидга далда берди. Моштабиб унинг саломига алик олгач, жилмайган ҳолда:

— Келинг биродар, хизмат? — деб сўради.

— Дадам отдан йиқилибдилар. Вақтингиз бемалол бўлса олиб кетсам девдим.

— Олиб кетмайсизу, бирга бориб келамиз, — деди Моштабиб кулиб.— Мен қиблагоҳимга айтиб чиқай.

— Унгача машина топиб келаман.

— Топиб нима қиласиз? Мана мошина, — деди Моштабиб эшик яқинидаги кўк «Жигули»ни кўрсатиб. Зоҳид бу машинани бирорта беморники деб ўйлаган эди. Моштабибнинг дарровгина кўниши унинг ақлини шоширган бўлса, бу марҳамати янада лол қолдирди. У сўз айтишга улгурмай Моштабиб ичкари кириб кетиб, дам ўтмай қўлида қутича ушлаганича қайтди.

Лой кўчалардан ўтишаётганда Зоҳид бир оз хижолат бўлганича:

— Узр ака, борадиган жойимизни айтмовдим, сал узоқроқ, — деди.

— Узоқ дейсизми? Хиротда эмасдир? — деди табиб кулиб.

Унинг хушчақчақ табиати Зоҳидни тун билан қийнаган уятли ҳолатдан қайтарди. Уйқусиз тунда моштабибга учрашишнинг бир неча шаклини мўлжал қилган эди. Охири «Бораману тўғриси айтиман, олти-етти йил аввал кўчангизда пойлоқчилик қилган милиса мен бўламан. Лекин сизга ёмонлигим йўқ эди», демоққа қарор қилганди. Бироқ, Моштабибнинг «келинг биродар» дейиши бу хом қарорини йўққа чиқарди. Йўлда кетатуриб ўша пойлоқчилик воқеасини тилга олиб узр сўрамоққа тараддудланди, аммо бунга ҳам журъати етмади. «Узр сўрайдиган одам бошига ташвиш тушгунича олти-етти йил кутармиди», деб ўзини ўзи койиди. Моштабиб Зоҳидни турли хаёллар қийнаётганини сезгандай ўзи гап бошлаб қолди:

— Биродар, йўлимиз узоқ экан, жим кетишни жиним ёқтирмайди. Хўп десангиз, мен сизга бир нима айтиб бераман.

— Яхши бўларди, — деди Зоҳид, сўнг узрли оҳангда қўшиб қўйди: — Мен асли гапга нўноқроқман.

— Гапга нўноқмасдирсиз. Ҳозир адангизнинг аҳволларини ўйлаб, ташвишланяпсиз. Одам ташвишланганида тилига гап келмайди. Энди эшитинг: Фаридуддин Аттор ҳазратларида ривоят бор: эмишки, мамлакатда одам роппа-роса ўн йил подшо бўларкан. Ўнинчи йилнинг сўнги куни адоғига етгач, подшони тахтдан тушириб, қайиққа ўтказишаркан-да кимсасиз оролга олиб бориб, қип-яланғоч ҳолида ташлаб келишаркан. Шу ривоятни эшитганмисиз?

— Йўқ, — деди Зоҳид айбдор одам оҳангида.

— Унда диққат билан эшитинг: бунақа ибратли ривоятларни қадимги мактабларда ўқитишган экан, ҳозиргилар билишмайди. Менинг бахтим чопиб, бир ақлли одамдан сабоқ олганман. Бўлмаса камина ҳам омилигича қоларди. Хуллас, навбатдаги одам подшо бўлиб тахтга ўтиргач, юм-юм йиғлармиш. Вазири ажабланиб: «Шоҳим, нега қайғурасиз?» деб сўрабди. «Нега йиғламай, ахир менинг ҳам қисматим салафларим кабидир. Ўн йил ўтгач, мени ҳам кимсасиз оролга қўйиб келадилар. Ўн йиллик кайфу сафо эвазига азоб-уқубат чекаман. Оқибатда илончаёнларга ем бўламан.» дебди. Шоҳнинг бахтига вазири доно экан. У дебдики: «Ей, зукко шоҳим, ҳамонки шунга ақлингиз етибди, энди бир иш қилинг: ўзингизни беҳуда кайфу сафодан ти-йингда бунинг эвазига ўша кимсасиз оролни обод этишга киришинг. Дарахт экинг, боғ қилинг. Шунда сизни азоб эмас, роҳат кутажак». Бу маслаҳат подшоҳга маъқул келибди. Ривоятга тушундингизми?

— Ҳа, — деди Зоҳид.

— Йўқ, ҳали тўла тушунмадингиз, — деди Моштабиб унга қараб олиб. — Бу ривоятнинг асл мазмуни руҳга тааллуқли, жуда чуқур. Аттор ҳазратим айтмоқчиларки, ҳар бир одам ўзига ўзи подшоҳдир. Румий ҳазратларида зўр бир фалсафа бор: «Киши тушида ўзини шоҳ сифатида

кўрса, атрофидаги одамларнинг парвона бўлишига қараб туриб: «хукмдор менман, мендан ўзга подшоҳ йўқ», дейди. Бироқ, уйғониб, уйида бир ўзини кўргач «Бу — менман ва мендан бошқа ҳеч ким йўқ», дейди. Бу — ҳақиқат. Ҳақиқатни кўрмоқ учун эса бедор кўз керак. Уйқули кўз кўрмайди». Зўр гап-а!

Зоҳид «Ҳа» деди-ю, унга ажабланган одам кўзлари билан қаради: «бу табибми ё олимми?» деб ўйлади. Ундаги ўзгаришни сезган Моштабиб эса йўлдан кўз узмай гапини давом эттирди:

— Хуллас, подшоҳ — ҳар бир одамнинг ўзи. Ва- зир — одамнинг виждони. Одам белгиланган муддатини яшаб бўлгач, уни қайиққа ўтказадилар. Қайиқ — тобут дегани. Тобутнинг одамлар елкасида қалқиб бориши денгиз тўлқинларидаги қайиққа ўхшайди, тўғрими? Кимсасиз оролга яланғоч ҳолда ташлаб келиш — лаҳадга жойлаш дегани. Буни охират ороли десак ҳам бўлади. Бу охират ороли кишининг ҳаётлиги чоғидаги яхши, савоб ишлари билан обод бўлар. Виждон айтяптики, «ей инсон, ҳадеб маишатга берилавермай, одамларга яхшилик ҳам қил, шунда боқий дунёда сени шу хайрли амалларинг кутиб олади. Ўзингга бошпана, ҳамроҳ бўлади. «Ривоятнинг асл маъзига кўра, биродар, бугунги ишимиз билан сиз ўз охиратингиз оролига бир хайрли ниҳол экдингиз. Солиҳ фарзанднинг ота-онаси учун қилган ҳар бир хайрли иши охиратини обод қилади.

Бу гапни эшитиб Зоҳид бошини эгди. Моштабибга бир қараб олгиси келди-ю, ботинмади. «Солиҳ фарзанд... — деб ўйлади, — отаси тўрт кундан бери азоб чекиб ётибди. Бу солиҳ фарзанд эса энди кетяпти...»

Зоҳид ҳамроҳининг мақтовини ҳазм қила олмади — ўзини солиҳ фарзандлар қаторига қўшмоққа ҳақсиз ҳисоблади. Айни шу чоқда яна бир нарсани кашф этди: авваллари ҳар шанба қишлоғига бориб, якшанба оқшомида шаҳарга қайтиш одат тусига кирган эди. Кейинроқ икки ҳафтада, сўнгроқ ойда бир йўқланадиган бўлди. «Адолат учун кураш»даги ишлари ғоят кўпайиб кетган ўғилларининг вақти йўқлигини англаган ота-оналарининг ўзлари келиб туришди.

Зоҳидни бемехрликда айблаш ноўрин. «Вақти йўқ», деб авайлаш ҳам жоиз эмас. Яратган эгам бандасига куну тун ҳисобидан йигирма тўрт соат вақт бериб қўйибди. Ақл билан, тадбир билан иш юритилса ҳар қандай юмуш учун вақт топмоқ мумкин. «Вақтим йўқ», демоқлик ношудларнинг байроғига ўчмас бўёқлар билан ёзилган бир шиордир. Шундай бўлса-да, Зоҳидни ношудликда айбламоқ ҳам инсофсизликдир. Унинг бу соҳадаги камчилигини балки эътиборсизликдан деб ҳисоблаш дурустдир. Шу эътиборсизлик оқибатида қайси бир юмуш биринчи, қайсиниси иккинчи... ўнинчи даражали эканини фарқламай қолади. Буни хасталик десак, бу касаллик билан оғриган биргина Зоҳид эмас. Зоҳиднинг-ку ота-онаси қишлоқда яшайди. Бориб-келиш учун камида ярим кун фурсат керак. Ота-онаси билан бир ҳовлида яшайдиганларга ҳам ана шу хасталик илашган бўлса нима дейсиз? Эрталаб ярим соатли уйқудан воз кечиб бозорчага чиқадиган, иккитагина иссиқ нону қаймоқ олиб келиб ота-онаси билан нонушта қиладиганлар кўпми? Балки шошиб туриб, чала-чулпа ювиниб, чойини апил-тапил ичиб «ойи, мен кетдим, кеч қоляпман!» деб ота-онасининг дуосини кутишга ҳам тоқат қилмай чиқиб кетадиганлар кўпроқдир? Ёки ишдан келиб, тайёр таомни еб, сўнг чўзилиб ётиб телевизор томоша қиладиган ёки кўчага чиқиб қўшнилари билан ярим тунга қадар нарди ташлайдиганлар озмикин? «Болам билан бир озгина гаплашай», деган илинждаги ота-онани ўйламайдиганлар йўқми? Айни шу кун, айни шу соатда ота-онаси билан сўнг-ги учрашув бўлиши мумкинлигини кўпчилик ўйламайди...

...Ертага барвақт ҳам турар, бозорчага чиқиб қаймоқ ҳам олиб келар... унда шу қаймоқни тотиб кўрувчи меҳрибонлари бу дунёда бўлмайди...

...Ертага «Ойижон, дуо қилинг, хизматимга эсон-омон бориб келайин, Тангри мени ярлақасин!» дегиси келар, аммо дуоғўй бу дамда боқий дунёда бўлади.

...Ертага ишдан қайтгач, суҳбатлашиб ўтиргиси келар, бироқ унинг гапларини жон қулоғи билан тингловчи, ютуғидан мамнун бўлувчи, омадсизлигидан ташвишланувчи меҳр

эгаларининг кўзу қулоқларига тупроқ тўкилган бўлади...

Орадан йиллар ўтар, умр ўтар, ота-онасининг ёшига етар, чойини чала-чулпа ичиб ишга шошилаётган фарзанди изидан мўлтиллаб ҳам қолар...

Йўқ, Зоҳид бу тоифадан эмас. Қишлоғига борганида кўчага кам чиқади. Акаси ўлдирилганидан сўнг бу ердагилар билан борди-келди қилишни истамай қолган. Барчадан баравар нафратланмаса ҳам, кўчага чиққанида ё қотилларнинг ўзига, ё дўстига ёки қариндошига дуч келиб ғазаби кўзғайди. Шу сабабли ҳам то-морқадан чиқмасликка ҳаракат қилади.

Ўзини бемехр фарзандлар қаторига қўшмайдиган Зоҳид Моштабибнинг ҳозирги гапидан сўнг ўзини айни шу тоифада кўриб, эзилди. Оғир гуноҳини бўйнига олган тавбагўй сингари синиқ овозда:

— Дадамнинг йиқилганларига тўрт кун бўлибди... Мен кеча эшитдим... — деди.

Табиб Зоҳиднинг нима демоқчи эканини англади-ю, унга бир қараб олиб тасалли берди:

— Тўрт кундан кейин билсангиз нима бўпти? Бунга сиз айбдор эмассиз. Оталар табиатан шунақа бўлишади. Фарзандларини аяшади. Ўзлари азоб чекишса ҳам болаларини безовта қилгилари келмайди. Ҳозир бориб эшитасиз: қиблагоҳингиз «ўғлимизга хабар берайлик», деганлар. Адангиз эса қайсарлик билан «Кўй, уни овора қилма, анча тузукман, ҳозир», деб унамаганлар. Тўрт кун шу машмаша билан ўтган. Сизга хабар юборилганини адангиз билмасалар ҳам керак. Ҳозир борсангиз «Қаердан эшитдинг?» деб хайрон бўладилар.

Табиб шундай деб кулди.

«Ҳа, менинг дадам шунақалар, — деб ўйлади Зоҳид.— Мўъминликни баъзан ҳаддан ошириб юбордилар.»

Зоҳидни яхши танийдиганлар «отасига ўхшаган мўъмин-қобил бола», дейдилар. Зоҳид бу таърифни инкор этмайди. Баъзан ҳазиллашиб «ювошлигим дадамдан, жаҳлим чиққанида аямга ўхшаб қоламан», дерди. Чиндан ҳам аяси дадасига нисбатан гапга чечанроқ, кўполроқ тарзда айтилса, бетга чопарроқ эди. Инсон-га доир фазилату кам-кўстлар улашилганида дадаси ювошлиқдан мўлгина баҳраманд бўлиб, қайсарлик, шарттакилик каби одатларни пештахта устида унутиб қолдиргану аяси эса «Еримга тааллуқли бу «фазилат»ларни увол қилмайин», деб ўзига кўшиб ола қолган эди. Зоҳиднинг кичик синглиси туғилган дамларда кўшни «ҳовлингизни узунасига бўлингү менга сотинг. Пулига болаларингизни катта қилиб оласиз», деб авраса, дадаси кўнибди. Ҳовли ўртасига қозик қоқилаётганда гап нимада эканини билиб қолган аяси норозилигини «қорнинг тешилгур бой» деган лутф билан бошлагач, қоқилган қозиклар ҳам жойида қолаверди. Аяси ўша куни захрининг ҳаммасини кўшнисига сочмади. Эрига ҳам озгина олиб қолди. Хотинининг одатини яхши билган эр захар косаси бўшагунича тоқат қилди, охиридаги жавоби эса жуда қисқа бўлди: «Ер талашма, хотин, битта одамга икки қулоч ер етарли». Зоҳид бу гапнинг маъносини улғайганида англади.

Табиб тўғри айтади: дадаси уни авайлайди. Зоҳид отасининг бу одатини билар, «фақат менинг дадамгина меҳрибонлар» деб ҳам ўйларди. «Деярли барча ота-она фарзандига шу қадар меҳрибон, мана, ҳатто кўзингизга ажалнинг ўқидай кўринувчи Асадбек ҳам фарзандларининг тақдирдан қайғуриб Москвада юрибди», деб кўрингчи, сиз билан муроса қила олармикин? Бир оз жим юришгач, табиб ундан:

— Ота-онангизга қараб ҳеч «уф» деганмисиз? — деб сўраб қолди.

Зоҳид кутилмаган бу саволдан ажабланди:

— Очиғини айтсам... эсимда йўқ, — деди иккиланган тарзда.

— Ҳа, эсимизда бўлмайди, — деди табиб жиддий оҳангда. Бир гаплари ёки буюрган ишлари ёқмай «уф» деб кўямиз баъзида. Ота-онасининг ўлимини кутадиганлар олдида бу арзирли нарса эмасга ўхшайди. Қариганда одам инжиқ бўлиб қолади. Бир куни соғ бўлса, уч куни беморликда ўтади. Ҳатто ҳозиргина овқат егани, қорни тўқлиги ҳам ёдидан кўтарилиб «очман» деб нолийди. Ақлсиз фарзандлар шунисига чидашолмайди. Ақлсиз деганимнинг сабаби: қари ота-онага яхшими-ёмон қараш — Оллоҳнинг улуғ бир синови. Балки эшитгандирсиз, ривоятга

кўра бир одам қари отасидан бешиб, қопга солибди-да, «дашту биёбонга ташлаб келаман», деб йўлга отланибди. Чарчаб, дам олишга тўхтаганда қоп ичидаги отаси нуқул кулармиш. «Ота, мен сизни бўриларга ем қилиш учун олиб кетяпман, нега куляпсиз?» деб сўрабди ўғил. Шунда отаси «Менам отамни қопга солиб олиб кетаётганимда айни шу ерда тўхтаб, дам олган эдим, ўғлим», дебди. Ривоят-

нинг қисқалигини қарангу чуқур маъносига эътибор беринг. — Ҳа, — деди Зоҳид, — Ривоят эмас, ҳақиқатга яқин гапга ўхшайди. Болалигимда аям шунга ўхшаган чўпчак айтиб берардилар. Бир оилада қари отага яхши қарашмас экан. Ўзлари чинни косаларда таом ичишса қари отага эски, ёғоч косада овқат беришаркан. Бир куни кичкина ўғилтой ёғоч ўяётганмиш. «Нима қиляпсан?» деб сўрашса, бола «сизларга коса ўйяпман, қариганингларида шу косада сизларга овқат бераман», деб жавоб берган экан.

— Яхши, яхши, буни эшитмаган эканман, — деди табиб.

— Аям буни кўп марта айтганлар. Ўшанда бошқа чўпчакни билмас эканлар, деб ўйлабман.

— Аянги доно эканлар. Бу ҳақиқатни миянгизга сингдирганлар. Ота-онага бемехр фарзанддан Оллоҳ ҳам рози бўлмайди. — Табиб гапининг давомида араб тилида нимадир деди. Кейин Зоҳидга бир қараб олди: — Тушунмагандирсиз? Мен Қуръони каримдан оятлар ўқидим. Оллоҳ таборак ва таоло айтяптики: «Роббинг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилмоғингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт. Иковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт». — Табиб «шуларни билармидингиз?» деган маънода Зоҳидга қараб олди.

Кўп қатори Зоҳид ҳам Тангрининг каломларида нималар баён этилганини билмас эди. Унинг назарида бу илоҳий китобдаги сатрлар инсон онги қабул қила олмайдиган, фаҳм этолмайдиган, фақат айрим зукко одамларгина тушуниши мумкин бўлган даражада мураккаб эди. У Қуръонни билувчи одамнинг сўхбатидан баҳраманд бўлмагани сабабли ҳам адаш фикрда юрарди. Болалигида бобоси «қани, дўнгпешоналар, бери келларинг-чи», деб чорлаб айтиб берувчи ривоятлар, насиҳатлар ўзининг гапларимиди ё Қуръон оятларими ёки ҳадиси шарифлардан мисолмиди — Зоҳид у пайтларда фарқлай олмасди. Ёши улғайгач эса, буларни фарқлаб олишга ҳаракат ҳам қилмади. Ўзича адолат учун курашаман, адолат аламбардори бўлман, деб умид қилди-ю, ҳақ йўли бу томонда эканидан хабарсиз қолаверди. Ботировни тергов қилаётганида унинг учун қо-ронғу бўлмиш бу йўл бошида бир учқун кўринди-ю, аммо ёритишга қурби етмади. Зоҳид «Қуръон — мўъминлар учун насиҳат, кофирлар учун ҳасрат», деган ояти каримани аввалроқ эшитганда бу муқаддас китобга бўлган муносабатининг ўзгариши шубҳасиз эди.

Талабалик йиллари ётоқхонасида Саша Климович деган ён қўшниси бўларди. Ҳуқуққа доир ҳар қандай китобни таҳлил қилиб, кутилмаган хулоса чиқаришга уста бўлган бу йигит паловни, тандирда ёпилган пиёзли нонни яхши кўрарди. Зоҳид якшанба оқшомида қишлоғидан қайтиши билан Климович ҳеч бир таклифсиз, манзиратсиз кириб келиб, қорни тўйгунига қадар меҳмон бўларди. Зоҳидга унинг мантиқли сўхбатлари ёқарди. Меҳмондорчилик сўнгида Климович ўзича дуо қилгандек бўлиб «Худо бизга соғлиқни берса бас, қолганини сотиб олаверамиз», деб куларди. Бу одатини ҳеч тарк этмасди.

Бир якшанбада Климовичдан дарак бўлмагач, Зоҳид ажабланиб унинг эшигини тақиллатди. «Марҳамат, эшик очик», деган таклифни эшитгач, ичкари кирди. Ёзув столига мук тушган Климович қалин китобдан ниманидир кўчиради. У ёзаётган сатрини охирига етказгач, бош кўтариб қаради-ю, сал ажабланган равишда жилмайди.

— Ие, келдингми? Вақт ўтганини сезмай қолибман. Қара, қандай китоб топдим. Қуръон! Саблуков таржимасида!

Зоҳид Саблуковнинг номини ҳам, унинг таржимасидаги қуръон маънолари китобини ҳам энди эши-таётганини яшириш учун «Зўр-ку», деб қўя қолди.

— Зўрки, у ёқ бу ёғи йўқ. Бу китобнинг чиққанига юз йил бўлган. Қуръоннинг русчага таржима қилинган бошқа нусхалари ҳам бор. Аммо Саблуковники энг зўри ҳисобланади. Ўзбекчаси борми?

Зоҳид бу саволдан довдираб, елка қисиб қўя қолди.

— Мен ўзбекчаси борлигини эшитмаганман. Нега таржима қилишмайди, а? Қизиқ! Дунёдаги ҳамма тилларга таржима қилинган-ку? Отамнинг кутубхонасида немис, инглиз нусхаларини ҳам кўрганман.

— Ўқияпсанми ё кўчирыпсанми? — деб сўради Зоҳид қалин дафтарга ишора қилиб.

— Ўқиб чиқдим. Энди кўчирыпман. Кўчириб ёзганда эсда яхшироқ қолади. «Таврот» билан «Инжил»ни кўчириб бўлганман. Ҳа, нимага оғзингни очиб турибсан? Бу ишим сенга ёқмади шекилли? Климович аҳмоқ эмас, бу ишни бекорга қилмайди. Сен билан мен атеистмиз. Худони тан олмаймиз. Бу китоблар илоҳий эмас, одам онгининг маҳсули деймиз. Хўп, бу масалаларда Климович баҳслашмайди. Бироқ, бир нарсага аниқ жавоб талаб қилади: дунё одамлари Тавротга уч минг, Инжилга икки минг, Қуръонга бир минг тўрт юз йилдан бери яшамоқнинг асосий қонуни сифатида амал қилиб келяптилар. Сен билан мен эртага одамларнинг тақдирини ҳал қиламиз. Улар фақат бизнинг қонунларимиз асосида яшамайдилар. Демак, биз буларни билишимиз керак. — Климович фалсафасининг Зоҳидга таъсир этмаётганини сезди-ю, гапни бура қолди: — Палов олиб келдингми? Климович ҳам одам, вақти-вақти билан овқатланиб туриши шарт.

Климович илмий ишга рағбат билдириб, ўқишни аспирантурада давом эттирди. Зоҳид киссавурларнинг изига тушиб, овлоқларда уларнинг йўлини пойлаб тонг оттирган кезлари Климович илм билан банд бўлди. Уч йилга қолмай номзодлик диссертациясини ёқладию Исроилга отланди. Ҳар қалай индамасдан кетмади. Палов, пиёзли нон билан сийлаб турган қўшнисини қидириб келди. «Ҳар бир онгли инсон ўзининг тарихий Ватанида яшаши керак». Климович бу қонунга амал қилади, — деб қалин дафтар тутқазди. — Эсингдами, Саблуковнинг таржимасини кўчирган эдим. Бу сенга, эсдалик. Сен бунга ўқи, тушуниб ўқи. Климович ўқиб зарар кўрмади.

Шундай деб хайрлашди. Зоҳид Одессада туғилган, ёшлик йиллари Ўзбекистонда ўтган дўстининг тарихий Ватани қаер эканини ундан хат олганидан кейин билди.

Зоҳид ўша кезлари дафтарни варақлаб бир-икки бет ўқиган бўлди-ю, битхат билан битилган саҳифаларга кўз ташлашга тоқати етмади. Дафтарни ўқилмай ётган китоблари устига қўйганича қайта қўл урмади.

Ҳозир табибдан барча учун аниқ, тушунарли бўлган ояти каримани эшитиб, ўша дафтарни эслади. «Ўқиб қўйсам бўларкан», деб ўзига дашном берди.

— Бу ояти каримани фақат сиз учун айтмадим, — деди табиб йўлдан кўз узмай. — Кўп жойларда кўп такрорлайман. Ҳаммамиз бандамиз. Унутиб қўйиш иллатимиз бор. Унутиб қўймаслик учун такрорлаб туришимиз жоиз.

Табиб бу изоҳи билан Зоҳиднинг руҳиятидаги оғир юкни енгиллатди. Бир оз юришгач, Зоҳид суҳбатни давом эттириш мақсадида:

— Табиб ака, ҳали охираат ороли ҳақида гапирганингизда «дарахт экдингиз» деб бирликда айтдингиз. «Дарахт экмадикми»? Сизнинг ишингиз ҳам хайирли-ку?

Моштабиб кулиб, унга бир қараб олди:

— Тўғри, лекин ишим хайрлилик мартабасига етиб, охираат оролида хайрли ниҳол бўлиб кўкариши учун адангиз аввал шифо топишлари керак. Мен тузатувчи эмасман. Шифо берувчи — Оллоҳ. Агар Оллоҳ ирода қилган бўлса, мен бир сабабчиман. Энг муҳими — менинг хизматимдан сизлар рози бўлсаларингиз ниҳол амал олади. Бўлмаса йўқ.

Табиб янглишмаган эди. Зоҳид уйга кириб келиши билан отаси «ие, сен қаердан эшитдинг?» деб ажабланди.

Отаси хона тўридаги қалин тўшак устида ўтирарди. Ётишга қийналгани учун девор томонга

устма-уст қўйилган ёстиқларга суяниб олган эди. Бу ҳолати ҳам жонига ором бера олмаётгани сабабли безовта равишда тез-тез қимирлаб қўярди. Унинг рўпарасида деразага орқа қилиб ўтирган ота қадрдон — Улоқчи бува жойидан жилмай, қўл узатиб кўришди. Зоҳид уни «ота қадрдон», деб билса-да, у одам бу мартабага қаноат қилмай, «Мен буванг билан ҳам самоворхонада ошхўрлик қилганман», деб «бува қадрдон»лик даражасини талаб қиларди. Гапу муомаласи ҳам шунга яраша эди. Отасининг «Сен қаердан эшитдинг?» деган саволига Улоқчи бува жавоб қайтарди:

— Ўғлингга мен одам юборувдим. Милиса бўлса, идорасида милиса. Бу ерда сенга ўғил, бошқа гап йўқ. Ўғил бўлганидан кейин ўғиллигини қилсин. Уч-тўрт кун ишга бормаса дунёни ўғри босиб кетмайди. Ўғри жониворлар ҳам баҳонада дам олволишади. Ҳов милиса, яна икки бармоғингни бурнингга тиқиб келавердингми?

Зоҳид бу дашномдан изза чекиб, жавоб бера олмади. Йўлдаги бозорчага яқинлашганда табибдан «бир пас тўхтанг, мен нон-пон олволай» демоқчи бўлди-да, «илтимосим малол келиб, пешонаси тиришмасин, ҳали жиянни чиқарарман», деган фикрда ўтиб келаверган эди. Улоқчи бува айни дамда уни бунинг учун гадабламаганди. Зоҳид ўзини оқлаш мақсадида гап излаётганида, уни бу оғир юмишдан қутқариб, ниятини очиқ айта қолди:

— Мен сенинг афти-ангорингга зор бўлиб чақиртирмадим. Жиянинг бориб нима деди? «Моштабибни топиб келаркансиз» демадимми?

Бу пўписадан сўнг Зоҳид сал енгил тортди. Бироқ, хижолатликдан буткул қутилмаган тарзда табибга қаради. Қўл қовуштириб турган табиб «изза чекманг, шунақаси ҳам бўлиб туради», деган маънода кулимсираб қўйди.

— Улоқчи бува, ўтирсак майлими? — деди Зоҳид ҳам илтимос, ҳам киноя оҳангида.

— Ўтириб нима қиласан? Сен изингга қайтиб, Моштабибни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб кел. Бошқа гап йўқ. Қара, отанг азоб чекяпти. Сен томоша қилиб ўтирганинг билан енгиллаб қолмайди.

Зоҳид болалигида «амаки» деганида самоворхонада буваси билан ошхўрлик қилган бу одам «бува» дейишни талаб қилган эди. Ҳозир Зоҳид шу талабга амал қилган ҳолда:

— Буважон, — деди меҳрибон набира овози билан, — мен сизнинг гапингизни ҳеч икки қилганманми? Моштабиб келдилар.

— Қани? — Улоқчи бува орқасига ўгирилиб, дераза оша ҳовлига қаради.

— Тақсир, хизматингиздамиз, — деди Моштабиб кулимсираган ҳолда.

— Сенмисан? — Улоқчи бува унга тикилиб қарагач, бош чайқади. — Сенлар бориб Моштабибни кўрмаган бошқа одамни лақиллатларинг. Моштабиб менинг синган белимни жойига солиб қўйган. Мен уни кўз-ларимни юмиб туриб ҳам танийман. Сенинг отинг нима?

— Абдужаббор, тақсир.

— Ҳа, ана, отинг ҳам бошқача. Моштабибнинг оти... — Улоқчи бува бир оз ўйланди. — Зокир қори эди.

— Сал адашдингизмикин, Собир қори эмасмиди?

— Ҳа, ҳа! Собир қори! Танийсанми уни?

— У зот менинг дадамлар.

— Йўғ-е, — Улоқчи бува унга яна тикилди. — Ҳа, ўхшайсан. Қани отанг, нега ўзи келмади?

— Тақсир... дадамиз дунёдан ўтганлар.

— Ие, шунақами? Сен тузукроқ ўрганиб қолганмисан ишқилиб?

Улоқчи буванинг бу гапларидан Зоҳид хижолат бўлди. Табиб эса малол олмай жавоб берди:

— Худо юқтирган даражада, тақсир.

— Унда қараб қўй, чойни кейин ичаверасан.

— Ҳўп бўлади, тақсир.

— Ҳой, сен бунча мени «тақсир»лаб қолдинг. Мен сенга мулла эмасман. Тақсир дема. Мен чавандозман!



Табиб кўксига қўлини қўйиб «хўп» ишорасини қилди-да, беморга яқинлашди. Зоҳид унинг тирсакка қўл юборганини кўрди-ю, нима қилганини сезмай қолди. Қулоғига «қирс» этган овоз урилиб, сесканди. Отаси бир «оҳ» деб қўйди. Табиб «Яна буюринг, тақсир» дегандай Улоқчи бувага қаради:

— Нима бўлди? — деди Улоқчи бува.

— Тирсаклари ҳам чиққан экан, солиб қўйдим.

— Бўлдими?

— Йўқ, бўлмади.

— Яна нима қилиш керак?

— Гипс нотўғри солинибди, — Табиб шундай деб беморга ўгирилиб сўради: — Қўлтиқларингиз тортиб оғрияптими?

Бемор тасдиқ ишорасини қилгач, табиб Зоҳидга «нима қиламиз?» деган маънода қаради.

— Дўхтирга олиб бориб айтиш керак. Рентген қоғозга яхшироқ қарасин.

— Моштабибнинг ўғли бўлсанг ўзинг тузатасан, бошқа гап йўқ. Гипс қўйишни билмайдиган дўхтирингга бошқа бормайди.

— Агар розилик берсангиз уриниб кўраман.

Ўзга чора бўлмагач, нима қилишсин? Гипс олингач, табибнинг бармоқлари елкани силаб бориб бир нуқтани қаттиқроқ босди. Бемор инграб юборгач, Улоқчи бува чўккалаб олиб, табибнинг ҳаракатларини диққат билан кузатди. Зоҳид буюрилган нарсаларни келтиргач, табиб Улоқчи бувага юзланди:

— Энди менга кўмаклашиб юборадилар. Соғ елкаларини маҳкам ушлаб турадилар. — Улоқчи бува табибнинг амрига бўйсуниб, унга яқинлашгач, Моштабиб бир боғлам докани олди: — Амаки, шуни маҳкам тишланг. Озгина оғриқ бўлади, чидайсиз.

— Бақирмасин, деб тишлятапсанми? Қўй бунингни, ошнам чидамли бола, унча-бунча дард бақиртиролмайди. Отанг ҳам менга дока тишлатмаган.

Бу аралашув табибга ёқмай, қошлари чимирилди. «Бунингиз қанақа одам ўзи?» дегандай Зоҳидга қараб олди. Изоҳ беришни ёқтирмаса ҳам ёқимсиз ёрдамчисини тинчитиш учун:

— Бехосдан тилни тишлаб олишлари мумкин, — деб қўйди-да, ишга киришди. Табиб чаққон ҳаракатлари билан бир неча нафасда муолажани якунига етказган бўлса-да, отасининг азобланаётганини кўриб турган Зоҳид учун бу фурсат жуда узоқ туюлди. Елка боғлаб бўлингач, табиб беморнинг пешонасидаги терни артди-да, кўз қорачиғига тикилди. Сўнг яна қилинажак ишларни Зоҳидга тайинлаб, қутичадаги малҳамни бергач, қайтишга чоғланди.

— Отангга балли, қўлинг енгил экан, ошнамнинг кўзларини мошдек очиб қўйдинг. Энди биз билан бир пиёла чой ич. Бошқа гап йўқ, — деди Улоқчи бува амр оҳангида.

Моштабиб уйда онаси бетоб эканини, хасталар келиб кутаётган бўлиши мумкинлигини бу одамга айтишнинг фойдасизлигини англагани учун «бир пиёла чой ичишга» ўтирди. Улоқчи бува эса чой қайтараётган Зоҳидга қараб:

— Менга қара, милиса бола, — деди, — сен менга бир нарсани тушунтириб бер: уч-тўрт йил бурун раисимизни пахтадан ўғирлик қилган, деб қамовдиларинг.

— Мен қамамаганман, адашманг, бува, — деди Зоҳид, табибга чой узата туриб.

— Сен бўлмасанг, ошналаринг қамашган. Лекин тўғри қамовдиларинг, ўғрилиги бор эди. Энди замон ўзгариб, чиқарибсанлар. Энди... нима энди... — Улоқчи бува ўйланди, — Ивановмиди? Яна биттаси ким эди?

— Гдлянми? — деди Зоҳид.

— Ҳа, ўша. Хулласи, энди ўшалар муттаҳам экан. Қайси бири тўғри?

— Ҳамма нарсанинг охири тўғри бўлади-да.

— Сен милиса, мени лақиллатма. Ҳалиги Эшим аканг бор-ку, мактабингга директор бўлган, ўшанга айтсам, «Сиз раиснинг бойлигини кўролмайсиз», дейди занғар. Мени биласан-а, «оқмаса ҳам сой яхши, боқмаса ҳам бой яхши», дейдиган одамман. Мана, Абдужаббор, сен айт:

отанг қори эди, а? Сенга ҳам юқтиргандир бу илмдан? Бу қизифарларнинг ҳаммаси бой бўламан, деб интилади. Шу раисимиз қамоқдан чиқиб тинч юрармиди? Бурнига сув кирган деб ўйлайсанми? Бе, у яна амалини қайтариб олишга уринади. Ҳа, бош-қа гап йўқ! Энди сен гапирчи, Абдужаббор.

Табиб унга дарров жавоб қилгиси келмадими, чойдаги шаманинг оҳиста сузишини кузатгандай тикилиб турди.

— Одамнинг бу дунёда бой бўлиши қийинмас, — деди у ўйчан тарзда. — Бойнинг у дунёдаги жавоби мушкул. Камбағалдан қай даражада сабр қилгани, қанчалар шукрона айтгани сўраларкан. Бой эса бунга қўшимча равишда қандай топгани, нимага сарф этгани, закотни тўла берган ё бермаганлигидан сўраларкан.

Улоқчи бува бу гапдан таъсирланиб «ана!» деб хитоб қилди-да, тиззасига бир шапати тушириб «гапиравер, қорининг ўғли!» дегандай унга янада қаттиқроқ тикилди. Моштабиб шошаётган бўлса ҳам буларга бир нима деб қўйишга эҳтиёж сезди:

— Тарихимизда улуғ донолар кўп ибратли гапларни айтиб кетишган. Шулардан бири дейдики, ақлли одам ўзига нисбатан талабчан бўлади-ю, бошқалардан ҳеч нима истамайди. У ўзининг тақдиридан ҳаммиша рози, ҳеч маҳал нолимайди. Ўзининг қисмати учун бошқаларни айбламайди. Тақдирига тан бериб хокисор бўлиб яшайверади. Нодон эса дунё неъматларига берилиб, жонини хатарга қўяди. Агар ўқ нишонга тегмаса, ақлли мерган бошқани эмас, ўзини айблар экан. Донишманд ҳам шундай бўларкан.

Улоқчи бува энди бошини қўйи эгганича сеҳрли ашула эшитаётгандай тебраниди. Моштабибга унинг бу ҳолати таъсир этиб гапини давом этди:

— Иккинчи донишманд дейдики, бирон бир аёл эришган жавоҳири туфайли яхшироқ бўлиб қолган, деб ўйлайсизми? Ҳолбуки, қанчадан қанча аёл жав-ҳарга етмоқ йўлида бузилди экан, бахтсиз бўлиб қолди экан? Қайси бир эркак тилла тўла сандиққа етишиб яхшироқ бўлибди? Сандиқларни тўлатиш йўлида қилинган зулм миқдорини ким ўлчайди экан?

Бу ҳикматларни жон қулоғи билан тинглаётган Улоқчи бува ҳиссиётлари тизгинини қўйиб юбора қолди:

— Қойилман, ота ўғил! Нақ отангнинг ўзи бўлибсан, бошқа гап йўқ! — деб хитоб қилгач, Моштабиб қайтишга изн сўради. Маставага гуруч солингани ҳақи-даги хушхабар кирганига қарамай аҳдида қаттиқ ту-риб олгач, ноилоҳ рухсат беришди. Зоҳид қоларини ҳам, кетишини ҳам билмай Улоқчи бувага қараган эди, у:

— Сенинг ишинг битди, кетавер, бу ёғига биз бормиз, — деб мушкулни осон этди.

Қишлоқдан чиқаверишда Моштабиб Зоҳидга қараб олиб:

— Бир гап айттайми? — деди-да, Зоҳид томонидан ижозат бўлишини кутмаёқ гапини давом эттирди: — Сиз бугун икки марта хижолат чекдингиз. Биринчи- си — сиз менга рўпара бўлишдан уялдингиз. Олти-етти йил аввал кўчамизда турганларингиз эсингизга тушиб кетди. Зоҳид бу гапни эшитиб, унга ялт этиб қаради:

— Таниганмидингиз?

— Бўлмасам-чи! Бир ҳафта уйимизни пойлайсизу танимайманми? Сиз бу ишдан уялманг, биродар. Милиса шеригингиз менга айтган. Ўшанда талаба экансиз, а? Омма-лекин, — табиб роҳатланиб кулди: — тўрт тийинликка роса тўйдирганмиди?

— Буни ҳам кўрувдингизми?

— Кўргандаки... Нега фақат тўрт тийинлик сомса билан сийлади, биласизми? Йўқ, билмайсиз. У инсоф юзасидан шундай қиларди. Инсоф деганимки, у шу атрофга ўзини хўжайин деб билиб сотилаётган нарсалардан текинга олаверарди. Йигирма тийинлик тандир сомсадан олса гуноҳим кўпаяди, деб кўрқиб арзонини шилаверарди.

— Мен у кишини ўшандан кейин кўрмадим.

— У милисадан кетган. Ҳозир мактабда қоровуллик қилади. Энди иккинчи хижолатингизни айттайми? Адангизнинг биродарлари сал шалдир-шулдирроқ экан. «Табибнинг жаҳли чиқади»,

деб ўйладингизми? Бе, биз бундан баттарларига ҳам дуч келамиз. Лекин очиқ чехрамизни ўзгартирмаймиз. Беморнинг ҳузурида пешонамизни тириштирсак ярашмайди. Сиз бунақа нарсалардан эмас, адолатсиз бир иш қилишдан хижолат бўлинг. Бировнинг кўнглини ножоиз оғритиб қўйишдан уялинг. Фақат ақлли одамгина ўзининг номаъқул ишидан уялиши мумкин. Аҳмоқ одамда уят бўлмайди. Балки уяти бўлмагани учун аҳмоқдир, а? Нима дейсиз? Тўғри гапга Зоҳид нима дерди? Табибнинг гапини тасдиқ этгач, кўпдан бери жавобини тополмаётган бир саволни берди:

— Табиб ака, кўп одам адолатдан гапирди. Мана, сиз ҳам тилга оляпсиз. Назаримда адолатли бўлиш дам жуда оғир, дам жуда енгил ишга ўхшаб кўринади. Адолатсиз бўлиш осонми ёки адолатли бўлиш қийинми? Менингча адолат билан адолатсизлик ўртасида жуда катта майдон эмас, кичкинагина ариқча бор. Адолат соҳилидан ноинсофлик қирғоғига сакраб ўтиш осонга ўхшайди. Нега шунақа? Диндан яхши хабарингиз бор экан, шунинг учун сиздан сўраяпман бу саволни: Худо одамларнинг ҳаммасини бир хилда адолатли, бир хилда меҳр-муҳаббатли қилиб яратса бўлмасмиди?

— Оллоҳ таборак ва таоло лозим топмабдики, шундай қилмабди. Хўш, нега энди лозим топмабди экан?

— Шунини сўраяпман-да, — деди Зоҳид, ундан бамаъни жавоб кутиб.

— Бу дунё қандай дунё, биласизми?

— Ўткинчими? Шоирлар фоний дунё дейишади-ку?

— Шоирларнинг гапи эмас бу. Асли ўзи шундай. Лекин фонийлигини бир ҳақиқат десак, иккинчи ҳақиқати — бу дунё синов дунёси. Ҳазрат Румийда бир байт бор, айтайми?

— Айтинг.

— Румий ҳазрат дебдиларки:

«Ҳар касе ки дур монд аз асли хеш,

Боз жўяд рўзғори васли хеш.»

Моштабиб байтни мароқ билан ўқиб, роҳатланди. Йўлдан кўзларини узиб, Зоҳидга тезгина қараб олгач, гапини давом эттирди:

— Бунинг маъноси: «ҳар кишики ўзининг асладан узоқ қолса, ўша ўтган тирикчилик васлини так- рор истайди.» Бу сизга оддий гап бўлиб туюлмаётими?

Табиб гапга берилиб машинани секинлатганини ўзи ҳам сезмади. Орқадагилар асабийлашиб сигнал чала бошлашгач, рўпарасидаги кўзгу орқали уларга қараб кулимсираб қўйди-да, машинани ўнгроққа олиб:

— Ўта қолинг, биродар, шошаётганга ўхшайсиз. Ишқилиб йўлингиз бехатар бўлсин, — деди.

Сўнг фикрини давом эттирди: — Румий ҳазратларининг ҳар бир сўзлари жавҳардир. Жавҳарни олиш учун денгизнинг туб-тубига шўнғиш керак, садафни топиш керак, очиш керак. Ҳозир эшитганингизни уламолар бундай изоҳлашади: «Башар фарзандининг асли нима? Асли албатта, руҳоний олами. Дунё эса имтиҳон саҳнаси. Баъзилар инсон вақтинча қоладиган бир маҳбас, яъни зиндон ҳам дейдилар. Демак, маҳбас ва завол маҳали ҳисобланган бу дунёда бир кимсанинг ўз шаҳри-ватанидан айрилиб, ҳижрон ва ғурбатга гирифтор бўлгач, ўз киндик қони тўкилган тупроқни орзу этиши аниқ нарсадир. Бу дегани, ақлли одам асл ватани — руҳоният оламини орзу қилади. Ақлли одам дунёда вақтинчалик қолиш учун амр этилганини, ваъда қилинган ажал келгунига қадар заруриятда яшаётганини билади. Билса, демак, умрини яхшилик билан ўтказишга интилади. Мавлононинг байтларидаги маъно жавҳари шу.

Тушундингизми?

— Сал-пал.

— Ҳозирча шу «сал-пал» ҳам етарли. Аслида одамга бу дунёда кўп нарса керакмас. Ҳозир уйингизда мастава пишгандир, — табиб шундай деб кулимсиради. — Бойларнинг уйида ҳам пешинга таом тайёрланяпти. Бойнинг қорни ҳам, камбағалники ҳам бир хил. Одам учун кунда бир маҳал овқат, бир сидра кийим етарли. Қолгани — бекор. Ҳазрат Усмондан ривоят

қилинишича, расуллилилоҳ «дунёга аҳамият — қалбдаги зулмат; охиратга аҳамият — қалбдаги нурдир», деган эканлар. Сиз билан бизга яна дебдиларки: «Замон келур ва ўшанда умматларим бешта нарсани яхши кўриб, бешта нарсани унутар: яъниким, дунёга муҳаббат кўядилар ва охиратни унутадилар; ҳаётни севиб, ўлимни эсдан чиқарадилар; қасрларни яхши кўрадилар, қабрни унутадилар; молга муҳаббат кўйиб, ҳисоб-китобни ёддан чиқарадилар; халқни яхши кўрадилар ва Холиқни унутадилар.»

Моштабиб «Бу ҳикматларнинг маъносини қалбингизга сингдириб олишингиз учун фурсат бераман», дегандай сўздан тўхтади. Бу сукут Зоҳидга асқотди. У айрим издиҳомларда, баъзан ёши улуғларнинг суҳбатларида шунга ўхшаш ҳикматларни эшитиб қолар, бироқ, «Яхши гап экан», демоқликдан нарига ўтмасди. Кейинги йилларда матбуотда тез-тез чиқа бошлаган диний мавзудаги суҳбатларнинг асосан сарлавҳаларига кўз ташлаб, кам ҳолларда у ер-бу еридан чўқилаб ўқиб кўярди. Моштабибнинг ҳозирги суҳбати қоронғулик пардасидаги қалбига хуш ёқувчи нур каби оқиб кирди. Тасаввур этингким, зулмат оғушида тентираб юрган одамнинг рўпарасида бирданига ойдин йўл кўрин- са-ю, яна шу йўлдан жавҳар топиб олса дунё кўзларига қандай ҳузурбахш, қандай сурурли кўринаркин? Зоҳид айна дамда шундай бахтиёр одам каби эди. Кечагина бу одамга рўпара келиш унга азобли юмуш бўлиб туюлган эди. Одам фарзандлари моддий бойликни, хусусан емоқ-ичмоққа доир неъматларни Яратганнинг марҳамати сифатида қабул қилиб, шукроналар айтадилар. Маънолар хазиначисини очиб бера олувчи суҳбатдан баҳраманд бўлиш ҳам Тангрининг мўъжизаси экани, шу мўъжиза тўфайли қалб муҳрлари ечилмоғи амр этилгани, Яратганнинг бу раҳмати барчага ҳам насиб этавермаслигини ўйлаб кўрмайдилар.

Адолат боғини топиб, унга инсон ниҳолларини экиб кўкартириш, меҳр меваларидан баҳра олиш умидида яшаётган Зоҳид акасининг ўлимидан сўнг шу боғни топиш мақсадида неча-неча қоронғи кўчаларга кириб чиқди. «Ҳаммани бир хилда адолатли қилиб яратиб кўя қолса бўлмасмиди», деган хаёлга бориб Тангрининг ишларига ҳам аралашиб кўрди. Адолат боғига етиб бормоқ учун аввал зулм саҳросини бартараф этмоқ лозимлигини дуруст идрок қилолмасди. Ҳолбуки унинг кундалик юмуши шу саҳро атрофида эди. Илон овловчи саҳродаги илонларни тутиб адо этолмагани каби Зоҳиднинг ишларида ҳам самара кўринмади. Чунки у ва у каби адолат боғини қўмсаётганлар зулм саҳросидагиларнинг жон томирларини кўрмас, аниқроғи кўришга имконият берилмас эди. Ғофилликдан қутқарувчи танбеҳлардан бебаҳра бўлганликлари сабабли ҳам бу саҳро атрофида сарсари кезмоқдан бошқа иложлари йўқ эди. Зоҳид кўп илмий назариялар, илмий таҳминлар, формулаларни биларди. Аммо ҳаётнинг оддий формуласидан етарли даражада хабардор эмасди: адолат боғи йўлини тўсиб турувчи зулм саҳросига зулмат қалблар ҳукмрон экани унинг учун номаълум эди. Моштабиб ҳозир айтган ҳикматлар унга шу ҳақиқатни аён этди. «Одамлар қалбидаги бойликка муҳаббат ҳиссини ўлдирмай туриб, адолат боғини барпо этиб бўлмайди», деган фикр унинг вужудини бир қалқитиб олди.

Акасининг ўлимидан, айниқса суд жараёнидан сўнг уни илм йўлидан буриб юборишга мажбур этган куч, ёшликка хос ўжарлик, ҳатто сурурга интилиш йил ўтгани сайин, ҳаёт сўқмоқларида қоқила бошлаганидан сўнг аста-аста кучдан қола бошлаган эди.

Бир суҳбатнинг ўзидаёқ ўша сурур маҳв этилди, деб ишонтириш нодонлик бўлар. Ёшликнинг меваси — мақсад ва унга маёқ ҳисобланмиш сурурнинг ўзга кўриниш олишига ҳали фурсат бор. «Ўзга кўриниш олишига» дейилуви бесабаб эмас: инсонлардаги мақсад ёки сурур ўлиб, бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Мақсадсиз, сурурсиз тирик жонни тасаввур этмоқ мушкул. Мақсад ҳам, сурур ҳам одамнинг онги даражасига қараб кучли ёки мундайроқ, хайрли ёки ғайирли бўлмоғи табиийдир. Одамдаги мақсад дарахти зулм саҳросида ўсаётган бўлса ундан нурли сурурни кутмоқ қорамойдан сут айириб олмоқни умид қилиш каби бемаънилиқдир. Айрим дарахтларнинг тепа шохлари қуриб, пастда янги сурхчалар ўса бошлагани сингари мақсад ва сурур янги кўриниш касб этади. Зоҳиднинг тақдирида бу ўзгариш ҳам бор эди.

Улоқчи бува ижозат берса-да, Зоҳид табибни кузатгач, қишлоққа қайтмоқчи эди. Икки-уч кунга ижозат сўрамоқ ниятида идорасига бориб, юқоридан Саид Қодиров йўқлатганини эшитди-ю, шаштидан қайтди. «Бир ғалвага рўпара қилмаса эди», деган хаёлда таш-қарига чиққанида машинасидан тушиб келаётган раҳбарига дуч келди.

— Аҳвол қалай, Шокаримовнинг иши бўляпти-ми? — деб сўради раҳбар кўриша туриб, сўнг амр оҳангида илова қилди: — Тезлатинг, азизим, тез-латинг. Ҳозир яна эслатишди. Бугунча эслатишди, эртага танбеҳ беришади, индинга пўстагимизни қоқи-шади.

Раҳбар шундай дегач, Зоҳиднинг изоҳини кутмаёқ идорага кириб кетди. «Дадам отдан йиқилибдилар, рухсат беринг», деб сўрашига ҳожат ҳам қолмади.

Шамолнинг изғиринли нафасидан эти жунжикиб, қўнишиб олди.

Дераза қия очиб қўйилгани учун Саид Қодировнинг хонаси салқин эди. Хона соҳиби ўрнидан туриб Зоҳид билан сўрашгач, деразани ёпди-да, «Яна шамоллатиб қўймай», деб жилмайди.

Кейин қайнатгични тўкка улар экан: «Соғинтириб қўйдингиз-ку?» деди.

— Юрибмиз, давлатингиз соясида, — деди Зоҳид киноясиз оҳангда.

— Сояда юргангиз яхши. Силлангиз қуримайди. Бир қаҳва ичиб оламиз-а?

— Ақлни пешлаймизми?

Саид Қодиров «истеҳзо қиялпими?» деган маънода Зоҳидга қаради. Бу қарашга жавобан Зоҳид жилмайди. Киноя қилишга ундовчи асабий ҳолатдан ҳоли, гапи оҳанги ҳам самимий эди.

Шу боис Саид Қодиров кулиб, пайровни давом эттираётган аскиячи каби жавоб қилди:

— Менинг устозим ҳеч маҳал янглишмаган: қаҳва ақлни пешлайди, деганми, демак, пешлайди. Қиздирилган пўлат сувга солинса тобланади-ку, тўғрими?

— Фирт тўғри. Лекин қаҳва ичмаганларнинг ақли...

— Энди бу ёғига ўтманг, — деди Саид Қодиров, икки пиёлага бир қошиқдан қаҳва кукуни солар экан.— Янгиликлардан гапиринг. Маҳмуд Эҳсоновни эшитгандирсиз?

— Эшитдим.

— Хўш?

Зоҳид хона соҳибининг қарашидаги қувлик соясини илғаб, ўзини анқовлик пардаси ортига олиб, деди:

— Авария бўлганмишми? Кимдир айтувди, турклар «ароба қазоси» дейишар экан. Ароба қазосида қазо қилибди, бечора. Умри шунақа қисқа экан-да.

— Сизга бу қазо ғалати туюлмадими?

— Нимаси ғалати? Кунда бўлмаса ҳам кун оралаб, кун оралаб бўлмаса ҳам ҳафтадами, ойдами бир бўлиб турибди-ку, бунақа қазо?

— Ҳар ҳолда Асадбекнинг одамлари ҳафтада бир ўлмаётгандир? — Саид Қодиров шундай деб қайнатгични тўкдан узиб, шақиллаб қайнаб турган сувдан пиёлаларга қўйди-да, бирини Зоҳидга узатди: — Қантни ўзингиз солинг.

Қаҳва ичиб олингунча икковлари ҳам бир-бирларидан сўз ўқлари кутгандай индамасдан ўтиришди. Қаҳвасини биринчи бўлиб ичиб тугатган Саид Қодиров пиёласини стол четига қўйиб, қувлик қарашига хиёнат қилмаган тарзда меҳмонга тикилди:

— Дуруст, — деди у. — Анча ўзгарибсиз... Яхши томонга ўзгарибсиз. Шунақа бефарқлик ҳам баъзан касбимизда ҳусн саналади. Лекин... ўша қазонинг эртасига ҳам бефарқ қолаверганингизда янада яхши эди. Терговчига учрашингиз ҳожатсиз эди.

— Мен атай бормадим. Терговчини тасодифан кўчада учратдим, — деди Зоҳид қаҳванинг сўнгги қултумини ютиб.

Зоҳид фожиани эшитгач, ўша кўчага борган эди. Аслида бу ишга аралашиш, суриштириш нияти йўқ эди. Машиналарнинг тўқнаш жойларини кўча харитасига белгилаётган терговчи билан икки оғизгина гаплашганди. Терговчи Зоҳидни танимагани учун шунчаки қизиқаётган

йўловчилардан деб билиб, саволига қисқа равишда, тўнглик билан жавоб қилган эди. Терговчи ишини тугатиб, ёрдамчилари билан кетганидан сўнг ҳам Зоҳид атрофни кўздан кечириш мақсадида қолган эди. Хаёли машиналарнинг ҳаракати билан банд Зоҳид сал нарида бир жуфт кўзнинг таъқиб қилаётганидан беҳабар эди. Асадбекнинг топшириғига кўра суриштиришга келган Ҳалимжон Зоҳиднинг кетишини кутиб турган, сўнг Саид Қодировга кўнғироқ қилиб огоҳ этган эди. Бундан беҳабар Зоҳид «ўша терговчи таниган экан-да, дарров хабар етказибди-да», деб ўйлади.

— Бу бир тасодифий фожиа, милитсиянинг ўзи шуғулланаверсин, — деди Саид Қодиров маънодор оҳанг-да.

— Шунақа тасодифлар тез-тез бўлиб турса, бир-бирларини еб адо қиладилар. Бизга ҳам яхши, бошимиз оғримайди, — деди Зоҳид.

— Уларга ачинмайсизми? — Саид Қодировнинг бу саволидан Зоҳид таажжубланди.

— Ачинмайсизми? Нега ачинишим керак?

— Ҳар ҳолда улар ҳам одам. Бола-чақалари етим қолган, ахир.

— Улар бировларнинг шўрини қуритишганда ачинишганмикин?

— Демак... ачинмайсиз?

— Билмадим... балки етим қолган болаларига ачинарман.

— Болалари ҳам оталарининг ишларини давом эттиришса-чи?

— Давом эттиришса... ноилож, оталари борган жойга боришади-да.

— Қаҳрингиз қаттиқ экан.

— Бу ҳаётнинг қонунияти. Қаҳримнинг қаттиқ ё юмшоқлигига боғлиқ нарса эмас. Сиз «ачинмайсизми?» деб сўрадингиз, а? Тўғри, ким бўлса-бўлсин, ўлгандан кейин ачинишимиз керакка ўхшайди. Лекин мен бунга бошқачароқ муносабатдаман. Ўлим — ҳақ, шундайми? Одам бугунми ё эртами барибир омонатини топширади. Мен одамнинг ҚАЧОН эмас, ҚАНДАЙ ўлганига қараб ачиниш тарафдориман. Ҳайвондай умр кечириб, ҳайвондай ўлим топган одам ачинишимизга арзимади. Аксинча, яхши одамнинг вафотидан кўнглимиз оғрийди. «Яна яшаса бўларди», деймиз.

— Ўша ёмон одам яна озгина яшаса яхши томонга ўзгарар балки?

— Мен бунақасини кўрмадим.

— Мен ҳам кўрмадим... ҳозирча. Хўп, Эҳсоновга ачинмабсиз, Шокаримовга-чи?

— Шокаримовгами? — Зоҳид «бундан ҳам хабарлари бор экан-да, а?» деган маънода ҳамсухбатига қараб олди-да, уч-тўрт нафас сукут сақлагач, жавоб берди: — Йўқ, мутлақо ачинмайман. Яна «нима учун?» деб сўрасиз?

— Сўрасам ҳам бўлади. Истасангиз айтинг, истамасангиз йўқ.

— Ҳар ҳолда бекорга сўрамагандирсиз. Балки бу «иш» ҳам назоратингиздадир?

— Шунга яқинроқ.

— Унда айтишим шарт экан. Ачинмаслигимнинг бир неча сабаблари бор: биринчиси, ўйнашиникида ўлдирилган, деган гумон мавжуд. Бу гумон тасдиқланмаслиги ҳам мумкин. Лекин ўйнаши борлиги аниқ. Демак, ҳаром йўлдаги одамнинг қисмати бундан ўзгача бўлмайди. Иккинчи сабаб, у асадбекларга алоқадор одам. Бу томонда ҳам тўғри яшамаган.

— Қаҳрингиз мен кутгандан ҳам қаттиқроқ экан, — деди Саид Қодиров бош чайқаб. — Одамийлик нуқтаи назаридан фикрингиз тўғридир. Касбимиз нуқтаи назаридан-чи? Ҳаётлик даврларида ким бўлишлари биз учун фарқсиз, энди улар жабрланувчилар ҳисобланадилар. Бизнинг бурчимиз эса ўша жабр этганни топиш.

Зоҳид бу гапни эшитиб, бошини кўйироқ эгди-да: «Мен оғир муаммога дуч келдим, ақлинг етса сен жавоб бер», дегандай беихтиёр равишда пиёлага икки бора чертиб кўйди. Лойи қалин олинган пиёла бокира қизнинг қаҳ-қаҳасидай жаранг эмас, тумов бўлган кампирнинг йўтали каби бўғиқ овоз берди. Худди «бу муаммони ечолмай ўзим ҳам бўғилиб ўлаёздим», деган каби бўлди. Зоҳид бошини кўтариб хона соҳибига тикилди:

— Одамийлик нуқтаи назари бошқа, бизнинг касбимиз бошқами?

Саид Қодиров стол устига шапатилаб қўйди-да, айб-дор одамдай елка қисди:

— Мен бошқа маънода айтувдим, сиз ўзга томондан илғабсиз.

— Ўзингиз гап очганингиз учун бир масалани айтмоқчиман: Эҳсоновга ачиниш ёки ачинмасликни бир томонга қўйиб турайлик. «Эҳсонов жиноятчи», деган гумонимиз бор. Агар жиноятларини бўйнига қўйиб исбот қилиб берсак, балки суд уни ўлимга ҳукм этарди. Унгача орадан бир йилми, икки йилми ўтарди. Биз эмас, бошқа бир одам ёки гуруҳ биздан чаққонроқ ҳаракат қилиб уни ўлимга ҳукм қилди-ю, чўзиб ўтирмай ҳукмни дарров ижро этиб қўя қолди. Эҳсоновнинг тақдирида нима ўзгарди? Бизнинг сустваклигимиз учун яна озгина яшармиди? Унинг яшаши эвазига нечта одам жон берарди ёки қанчаси жабр кўрарди? Бу масаланинг икки ечими борга ўхшайди. Биринчиси: сиз айтган одамийлик нуқтаи назаридан қарасак, унинг олдинроқ ўлгани жамият учун фойдалироқ. Иккинчи-си — касбимиз, бурчимиз нуқтаи назаридан қарасак, у чиндан ҳам жабрланувчи. Қотилни жазосиз қолдиришимиз мумкин эмас. Балки кимёдаги занжир реактсияси каби бугунги қотил ҳам эртага жабрланувчига айланиб қолар?

— Хўп, бу фалсафаларни қўйиб турайлик, — Саид Қодиров ўрнидан турди-да, деразанинг бир табақасини қиялаб очди: — Қаҳва бу сафар хиёнат қилди, ақлимизни пешламади, — шундай деб Зоҳиднинг қаршисида тўхтади. — Миркаримовнинг ишидан гапиринг. Ҳар ҳолда асадбекларга тааллуқли жойи борлигини фаҳмлагандирсиз? Мени ҳам шу томони қизиқтиргани учун «Иш»ни сизга топширишларини сўрадим. Агар унинг ўлими асадбеклар томонга тортса, кўпам чуқурлашманг. Яна уларнинг думини босманг.

— Секингина «Иш»ни ёпиб қўя қолайми?

— Сизга «думини босманг», дедим. «Илонни кўриш билан орқага қочинг», деганим йўқ. Илонни бўғзидан олиш керак. Бетон заводи кимнинг сояси остида эди, биласизми?

Зоҳид билмас эди. Буни ўйлаб ҳам кўрмаганига сабаб, винзавад, таксопарк каби бу корхона ҳам Асадбекка тобе деб ҳисоблаганди. Саид Қодировнинг саволидан сўнг адашганини фаҳмлаб, «билмайман», деб қўя қолди.

— Билмасангиз билиб олинг: бетон заводи Ҳосилбойвачча деганнинг ҳукмига бўйсунарди.

— Унда қандай қилиб?..

— Ҳа, қойилман, ана ўша «қандай қилиб?»га жавоб топиб кўринг. Балки шу жавоб ечимга олиб борар. Миркаримов бетон заводида кўп ишламади. Ҳосилбойвачча йўқолмай туриб ўлдирилди.

— Бу ерда катта ўйин яширинганини сезувдим. Шунинг учун ҳайдовчи билан ўйнашни ҳозирча озод қилсаммикин, деб турибман.

— Эҳтиёт чораси сифатида ўтиришгани ўзлари учун яхшироқ. Чиқарсангиз изни чалкаштириш учун уларни ҳам ўлдириб кетишса-чи?

— Буни ўйлаганман. Одам қўямиз.

— Бошлигингиз билан маслаҳатлашинг. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, уларни ҳозирча чиқармай турардим. Яна биттадан қаҳва ичамизми?

Тўй-маъракаларда ош еб бўлинса ҳам қимирлашга шошилиномаса, айниқса жой танқис кезлари хизмат қилиб юрганлар «чойинглар борми?» деб қайта-қайта сўрасалар «тезроқ тура қолмайсизларми, сизларга рухсат», деган маъно англашилгани каби Зоҳид ҳам суҳбат якун топганини фаҳмлаб, ўрнидан турди.

— Ақлни жудаям пешлаб юборсак бўлмас, ўтмасроқ ақл билан ҳам бир ишлаб кўрайлик-чи, — деб кулимсираганича хайрлашиш учун қўл узатди.

Киноя эмас, самимий оҳангда айтилган бу ҳазил гап Саид Қодировга маъқул келиб, жилмайди.

## IX 6 o 6

Ўлим яқинлашаётганини сезган бир қария нор туясининг бўйинини силаб туриб, ғамгин равишда розилик сўрабди:

— Норжон, сен билан кўп йиллардан бери бирга эдик. Мен сендан розиман. Сахрода адашган маҳалларимда неча марталаб мени ўлимдан сақлаб қолдинг. Сендан сира ёмонлик кўрмадим. Аммо мен сенинг дилингни оғритгандирман, бесабаб уриб, силтагандирман. Мендан кўрган ёмонликларингни кечиргин. Яна қиёматда учрашганимизда юзим шувит бўлмасин.

Шунда Нор туя дебдики:

— Эй ҳожам, уриб-сўкканингиз, силталаганларингиз, ҳатто бурнимни тешиб, бурундук ўтказганингиз учун хафа эмасман. Бу сизнинг менинг устимдаги ҳаққингиз эди. Мен ноҳақ ҳаракатларингизнинг барчасини унутаман, аммо битта ишингизни сира кечири олмайман.

— Қайси айбим экан, айт, — дебди қария.

— Эсингиздами, фалон замонда сахрода адашиб қолган эдик. Мен не машаққатлар билан сизни омонликка олиб чиқдим. Шаҳарга яқинлашган онимизда сиз менинг бурундиғимга боғланган арқоннинг бир учини эшакнинг думига боғлаб қўйдингиз. Мен ўшанда эшакнинг думи ҳукмига бўйсиниб шаҳарга кирдим. Мана шу хўрликни кечири олмайман, ҳожам, — деган экан Нор туя. Хонгирей ҳузуридан чиққан Асадбек ўзини ўша Нор туя ҳолида кўрди. Хонгирей унинг бурнидан ип ўтқазиб бир учини Кесакполвон қўлига тутқазмоқчи эди. Асадбек тақдирнинг бу шум ҳазилига итоат этгандай бўлдию, ўзидан нафратланди. Бошига шўр тушганидан бери у бу қадар хорланмаган эди. Маматбей кузатувида меҳмонхонага қайтган Асадбек зоҳиран одам келбатади бўлса ҳам, аслида бир вайрона эди. Бироқ у бундан тан олгиси келмади. Маматбей билан бўлган муомаласида ҳам, Жамшид, ўғиллари билан кўришганида ҳам сир бой бермасликка уринди. Жамшидга «Московда ишимиз битди, қайтиш ҳаракатини қилавер, мен бир пас дам олволай», деб хонасига кирди. Юз-қўлларини ювиб, сочиққа артаётганида рўпарасидаги кўзгуга қараб қолди. Оппоқ сочларига тикилди. Ҳали, Хонгирей билан учрашувга бормай туриб кўзгуга қараганида сочларининг оқариб кетганига ҳозиргидай ҳайратланмаган эди. «Шум Маматбей сизди, — деб ўйлади Асадбек кўзгудаги аксидан кўз олмаган ҳолда. — Хонгирей-чи, пайқадимикин? Сезмаган бўлса, шум айтади. Кейин «қойиллатибмиз», деб қувонишадими? Уйга қайтганимда Ҳайдар хунаса ҳам яйрайди. Манзура... кўрқиб кетадими? Бўятиб ола қолсаммикин?» Шу тўхтама келиб дахлизга чиқди-ю, бироқ, дарровгина шаштидан қайтди. «Балки Хонгирей шу топда Ҳайдарга телефон қилиб «оқсоч хўжайинининг кутиб ол», деб ишшайётгандир. У хунаса кессак ҳам энг аввал бошимга қарар. Кейин «уялганидан бўятиб олибди», деб хабар берар. Йў-ўқ... бу хунасаларни ин-инига кирғизиб юбориб, кейин бўятаман...»

Бир пас ҳордиқ чиқариш ниятида каравотга чўзилган Асадбекнинг танаси салгина роҳатлангандай бўл-ди-ю, бироқ, руҳи ором ололмади. Дераза ортидаги олам шом қоронғулиги ҳукмига бўйсунган бошлаган дамда эшик қулфининг шиқиллашидан сергакланди. «Яхши ниятли одам эшикни бунақа эҳтиётлик билан очмайди», деган фикр вужудини қалқитиб юборди. Унинг назарида қулфга қандайдир одам эмас, Азроил калит солиб бураётгандай эди.

... Ҳозир кириб келади.

Суратларда чизилгандай чалғи кўтариб, кафанга ўралиб олган қоқсуяк маҳлук кўринишида кирадими...

... Балки

... Маматбей қиёфасида кирар?

... Боши чалғида олинадими?

Балки...

Қиларқонда бўғилар?..

Ерталабгача тили осилиб ётадими? Жағини боғлаб қўйишга бир меҳрибон топилмайдими?

Бу фикрлар яшин тезлигида келиб кетган бўлса-да, шумлигини амалга оширишга улгурди:



Асадбекнинг ҳатто тили ҳам музлаб қолгандек бўлди. Хаёлидаги Азроил кириб келишга улгурмай, ўлишга тап-тайёр бўлиб қолди. Ўзини ҳимоя қилишга куч топиш у ёқда турсин, нечундир хоҳиш ҳам уйғонмади. Юмуқ кўзларини билинар-билинемас равишда очиб ётаверди. Ешик жуда асталик билан очилди.

Оёқ шарпаси эшитилди.

Сўнг бир бош кўринди...

Ким у? Жамшидми? «Шунга топширишган эканми?»

Асадбек кўзларини баралла очди.

— Жамшид? — Асадбек шундай деб қаддини сал кўтарди. — Нега мушукка ўхшаб писиб юрибсан?

— Бек ака, — Жамшид ичкари кириб, қўл қовуштирди, — ухлаётган бўлсангиз, уйғотвормай дедим. Ўн иккидаги самолётнинг учиши эрталабга қолдирилибди. Айтиб қўйдим, учадиган пайтда хабар қилишади. Ке-йин...

— Чайналма, нима демоқчисан?

— Ресторанда ҳам тўрт кишилик жой тайёр. Бирга...

— Қорним тўқ, ўзларинг ўтираверларинг. Кенна-йинга айтиб қўйдингми?

— Айтдим, лекин... Бек ака, чиқсангиз яхши бўларди. Чехрангизни очиб ўтирсангиз... ҳар ҳолда дўст бор, душман бор.

Жамшид ақл ўргатишга ўргатди-ю, бироқ, хожасининг юзлари учганини кўриб, нафасини ичига ютди. Асадбек эса ғашланган кўйи тирсагига тиралганича бир неча сония ҳаракатсиз ётди.

Аъенининг таклифига на «ҳа» деди, на «йўқ». Кўкрагида «Сен бола, менга ақл ўргатма!» деган ҳайқириқ уйғонди-ю, бақириқ шаклига кириши мумкин бўлган бу норозиликни сергак ақл бўғиздан нарига ўтишига йўл қўймади. «Нега сачрамоқчисан, бола тўғри айтяпти, — деди ақл.

— Мушукка ўхшаб ҳурпайиб олганинг нимаси? Ғалаба қилганингда гердаийб юришни билардинг. Бир муштлик ҳолинг борми? Сен йиғласанг улар мазза қилиб куладилар. Йўқ, яхшиси сен кул, улар аламдан дод солишсин!»

Ақлга таслим бўлган Асадбек ўрнидан туриб ки-йинди-да, аъён ҳукмига бўйсуниб, икки ўғлини икки қанотига олган ҳолда, қаддини ғоз тутиб, ресторан томон юрди.

Кўча томондан одамлар қўйилмаган, хос меҳмонхонанинг нозиктаъб меҳмонларигагина хизмат қилгани учун ресторан гавжум эмас эди. Уларга дераза томондан жой ҳозирланган экан.

Асадбек юмшоқ стулга ўтираётиб ташқарида қорамтир тусда кўринаётган кремл-нинг туя тишларини эслатувчи деворига кўзи туш-ди-ю, ўзи учун ҳам кутилмаган тарзда Депутатнинг гапларини эслади: «Бек ака, сиз билан бизнинг тақдиримиз кремл деворлари ортида ҳал қилинади. Биз бу деворни бузмас эканмиз, бағримизга шамол тегмайди...» Бу гапга жавобан Асадбек ўшанда «Ҳаммаёқни сенга ўхшаган ишбузуқилар бузади», деган эди. Ҳозир эса бошқача ўйлади: «Бу деворларни йиқиб бўлармикин?..»

Асадбек сиёсатни дурустроқ фаҳм этганида «Бизлар учун бу деворнинг тургани маъқул. Сенинг бағринга шамол тегмаса тегмас, биз шу деворнинг ичида ўсиб-улғайдик, қанот ёздик, бизларнинг ҳимоямиз ҳам шу. Агар бу девор йиқилса, тагимизга сув кетади», деган бўларди балки.

Асадбек ўзини хушнуд тутишга уриниб, ўғиллари билан чақчақлашиб ўтиришга интилди. Фарзандларининг гўдаклигидаги қилиқларини эслади. Жамшид ҳам четда турмай, бир-икки латифа айтиб кулдирган бўлди. Улар томонга қараб-қараб қўювчилар гўё бахтиёр оиланинг масъуд дамларига гувоҳ бўлдилар. Асадбекнинг нигоҳи ресторан бўйлаб сарсари кезиб туришини сезишмади. Асадбекка Хонгирейнинг одамлари уларни қайси бир бурчакдан туриб кузатишаётгандай туюлди. Бу гумон ҳақиқатга айланаёзганида Асадбек ғашланди. Икки соат давомида у ресторанда эмас, балки тиконлар устида иштончан ўтиргандай бўлди. Гўё амр этиш ҳуқуқи Жамшидга берилгандай, ижозат сўраш назари билан унга қараб-қараб қўйди. Жамшид хожасининг безовталигини сезиб «Яна озгина кутинг», деган илтижоли нигоҳи билан жавоб

берди. Жамшиднинг мақсади фақатгина кузатиши мумкин бўлган кўзларни шамғалат қилишгина эмас, балки хожасининг ёлғиз эзилиш балосидан оз фурсатга бўлса-да, қутқариб туриш эди.

Жамшиднинг ихтиёри билан уюштирилган ресторан томошаси тугагач, у хонасига йўналган хожасини тўхтатди:

— Бек ака, бошқа хонага жой тайёрлатиб қўйганмиз.

Асадбек бу сафар норозилигини яширмади:

— Жа оширвординг, бола!

Агар Чувринди бўлганида хотиржамлик билан «Бек ака, эҳтиёт — шарт!» — деб қўяр, Асадбек эса унга итоат этарди. Ўзининг Чувринди мартабасида эмаслигини яхши билган Жамшид ортиқча гапирмади. «Айтдим-қўйдим, жон ширин бўлса, ўзингизни эҳтиёт қилинг», дегандай қараб қўя қолди. Ҳозир Асадбекка Чувриндининг ўрни билинди. «Бу бола содиқликка содиқ, лекин икки дунёда Маҳмуд бўлолмайди», деб ўйлади.

Кенгроқ хонадаги учта каравот билан битта диванга жой қилиб қўйилган эди.

— Ҳаммамиз чарчадик. Тиниқиб ухлашимиз керак. Уйга кўзларимиз киртайиб борсак, онанг ўзидан кетиб қолмасин, — Асадбек шундай деб пиджагини ечиб стул суянчиғига ташлади-да, шимини ечмай, ўрин устига чўзилди. Ўғиллари ҳам оталари каби омонат ётишгач, Жамшид чироқни ўчирди.

Бўлиб ўтаётган воқеаларнинг замирида бир шумлик ётганини сезсалар ҳам, оталаридан сўрашга журъат этолмаётган ўғиллар шифтга тикилганча қимирлашмасди. Асадбек «Ўғилларим қаттиқ толиқишибди, ухлаш-япти», деб янглишди. Йигитлар бесаранжом бўлса-лар-да, каравотни ғижирлатиб оталарини безовта қилгилари келмай, хаёллари оқимига майлларини бериб ётишарди. Бу уч жоннинг жони учун ўзини масъул деб билаётган Жамшид эса «тиқ» этган товушга ҳам сергак қулоқ тутарди.

Тиниқиб ухлаб олиш ниятидаги тўртовлонга бу кеч уйқу хиёнат қилди.

Ҳозир Асадбек устига келган одам унинг кўзлари юмук эканини кўрарди. Бироқ, табиийки, қалби юмук эканини билолмасди. Абдурахмон табибникида эканида, ўлим фариштасидан бўса олай деб турганида Тангри таоло сари озгинагина силжиган эди. Оллоҳ эса, ваъдасига кўра, бандаси томон юриб, унинг боши устидаги бало булутини ҳайдай бошлаган эди. Бундан қониққан Асадбек Яратган сари юрмоқдан тўхтадигина эмас, дунё ташвишларига банди бўлиб, аслига қайта қолди. Очилмоққа мойил қалби юмуклик балосидан қутула олмади. Кўзлари юмук Асадбек айни чоқда юмук қалби билан чора изларди.

Донишманд деб эканки:

*Илоҳи, ёмон афъолимдин паришонлигим чўқтур,*

*Ва шум нафсимда пушаймонлик йўқтур*

*Мундоқ балолардан қутуларға умидим сендин ўқтур...*

Шунга кўра, Асадбек пушаймонлардан нари экан, нажотга ҳам умид йўқ эканини идрок қила олмас эди. Унинг кўр қалби «Ей Худо, сенга нима ёмонлик қилувдимки, менга бу офатларни юборяпсан», деб хитоб қиларди. Бандаларга қилинган ёмонлик Тангрига қилинган ёмонлик каби эканини эса фаҳм этмасди. Ҳозир шу ётишида ҳам Худони саволга тутарди. Пушаймонлик, тавба кўчаларига кирмоқликни эса ўйламасди.

*Илоҳи, дарду холимни ҳар кимга айтсам*

*Рад қилса, сенга таважжух этгайман.*

*Ва агар сен рад қилсанг, нетгайман,*

*ва кимга кетгайман...\**

Асадбек дардини бировга айтадиганлардан эмасди. Афсус шуки, Тангрига юзланадиганлар сафида йўқ эди у. Надоматким, рад этилганлар гуруҳида эди...

\* Ҳазрат Алишер Навоий битган муножотдан.

## 2

Манзура қўрқув аралаш таажжубини астагина «вой» деб, пастки лабини тишлаш билан ифода этди-ю, бош-қа садо чиқармади. «Вой адаси, у ёқда нима гап бўлди, нега сочингиз оқариб кетди?» деб сўрагиси келди-ю, меҳмонлар, айниқса ҳадиксираган қушдай саломга шай турган келинлари олдида эрининг захарли гаплари отилиб чиқишидан қўрқди.

Келинларининг саломига алиқ олиб, ҳар бирининг оёғига остига биттадан гилам ташлагач, эркаклар учун ясатилган хонага қараб юрди.

— Ўғилларинг бало, — деди Кесакполвон, ўтиришгач, — келинларинг нақ шкалатнинг ўзи.

— Кўзингни чақчайтирма, — деди Жалил унинг гапини бўлиб. Кейин уй соҳибига юзланди: — Асад, мен кетдим.

Асадбек дўстининг бу даражада шошилишидан аччиқланди:

— Келмасанг ҳам бўларди, оворагарчиликда анча азият чеккандирсан, — деди захарли пичинг билан. — Келишингда без-мезинг тушиб қолгандир, а?

Насияга гап олишни ёқтирмайдиган Жалил бу сафар одатига хилоф қилди, пичинг ўқларини ширин, аммо тагдор сўз билан қайтарди:

— Энди оғайнижон, чиллалик уй, деган гап бор. Чиллалик уйга ҳатто ит ҳам кирмай тургани маъқул.

Асадбек унинг мақсадини уқиб, Кесакполвонга зимдан қараб олди. Унда ўзгариш сезмагач, ўрнидан турди:

— Ўтириб тур. Чиллалик уйга сен бегона эмассан. Шу болаларнинг амакисисан. Мен ҳозир келаман.

Кесакполвон унга эргашмоқчи эди, Асадбек остона ҳатламай туриб, ўгирилди:

— Сен ҳам ўтириб тур.

Асадбек ёлғондан бўлса-да «Сен ҳам амаки қаторидасан», демоқчи эди-ю, бироқ, тили бу гапга айланмади.

Асадбек ҳовлида турган Ҳалимжон билан Жамшидга имлаб қўйиб, дарвоза сари юрди. Аслида унинг учун йигитлардан бири кифоя эди. Бироқ, «Кесакполвон дераза ёнида туриб кузатаётгандир», деган хаёл иккала йигитни эргаштириб чиқишга ундади.

У янглишмади: жойига қайтиб ўтирмай дераза ёнида турган Кесакполвон йигитларнинг хожаларига эргашганларини кўргач, кўнгли ғашланди, чап юзи учди.

Асадбек Москвани тарк этар маҳали «Боришим билан онам билан укамни зиёрат қиламан, мзорга у-бу атайман», деган ниятни дилига туккан эди. Бу ғофил банда ҳам ўзга адашганлар каби нажотни Яратгандан эмас, қабристондан кутаётган эди. Дастлабки мўлжали бўйича тўғри қабристонга бориши лозим эди. Лекин кутиб олгани чиққан Кесакполвонни ўзига эргаштиргиси келмади. Кесакполвон Асадбекни мағлублик жандасида кўрмоқни, аразлаган одамнинг гинали гапларини эшитмоқни кутганди. Асадбекнинг очиқ чеҳра билан тушиб келиб, «Ҳайдар ошнам, омонмисан», деб қучоқлаб қўйиши уни тамом гангитиб қўйди.

Кеча кечқурун Хонгирей кўнғироқ қилиб «Иш пишди. Энди бек — сенсан. Асадни истасанг остонанга ит каби боғлаб қўй. Хоҳласанг эшак қилиб миниб юр. Раҳм қилсанг, тепасига тупроқ тортиб қўявер. Ҳа, қулингнинг оппоқ сочларидан силаб, ўпиб қўй. Бекман, деб керилиб, жонларингни оладиган хўжайининг иштонини хўл қилиб қўйди», деган эди. «Сочлари оқарганини ҳисобга олмаса, иштонини хўл қилиб қўйганини» Кесакполвон сезмади.

Ҳовлидан чиқиб кетаётган Асадбек билан йигитлар изидан қараб турган Кесакполвон дераза кўзини синдириб, ташқарига ўчиб чиқмоққа шай эди, аммо ўзи ҳам англамаган бир куч уни жойида маҳкам тутиб қолди. Ўзи билмаган бу куч — оқибат қўрқуви эди. Гарчи Хонгирей Асадбекнинг бўйинини (гўё) букиб берган бўлса ҳам, Кесакполвон ундан қўрқарди. Ит қилиб

боғлаб қўёлмаслигини, эшак қилиб минолмаслигини, ҳатто тепасига тупроқ тортиб ҳам тинчий олмаслигини яхши биларди.

Асадбек бирон бир одамнинг шохини қайирмоқчи ёки синдирмоқчи бўлса, «Сен ҳамма нарсани унутсанг унут-у, аммо Бек акангни унутма! Сен ҳатто менинг ўлигимдан ҳам қўрқ. Чунки мен гўримда ҳам тинч ётмайман. Тиригимда шу одамни ўлдириб қутуламан», деб ният қиларсан. Лекин гўрда ётганимда ёнимга келиб қайта ўлдириб олмаман, менадан қутула олмаман. Ётган еримдан қўлимни чиқариб, кекирдагингни суғуриб оламан!» деб пўписа қиларди. Бу пўписани эшитган Кесакполвон «Бек, гапни ҳам қийворасан-да», деб куларди. Бир куни навбатдаги ўлжанинг попуги пасайгач, Кесакполвон ҳазил тариқасида «Бек, бу дунёдаги ишларингни кўриб турибман-у, гўрдан чиқарадиган қўлингга ҳайронман-да» деганда Асадбек «Ҳайрон бўлма, гўрдан чиқарадиган қўлим — сенсан», деган эди.

Шайтанат оламидаги кичик бир мамлакат ҳукмдори Асадбекнинг тахтига ўтириш онлари яқинлашгани сайин Кесакполвон ўша суҳбатни бот-бот эслади. «Энди мен унинг гўрдан узатиб чиқарадиган қўли эмасман. Кекирдаги узиб олинадиган ўлжасиман. Қўл ким? Жамшидми ё Ҳалим сўтакми?» Шу саволлар ичини бир тирнаса, «Е, йўқ, Бек бунчалик паст кетмайди. У мард одам. «Олсанг олавер!» деб чопонни елкага ташлаб чиқиб кетаверади. Ҳар ҳолда болаликдан қадрдонмиз. Нима қилган бўлсак ҳам бирга қилганмиз», — деган фикр ўзини гўё овуларди. Аммо юки бўлмаган бу фикрларига ўзи ҳам ишонмасди. Дераза ёнида туриб хавотир тирноғи ҳукмига тушиши шундан.

Мусаллама каззоб ўзини пайғамбар деб эълон қилганида бир кўзи кўр, иккинчиси эса хиралашган қария келиб «пайғамбар бўлсанг дуо қилиб, кўзларимнинг нурларини қайтар», деб сўрабди. Каззоб «куф-суф» қилган экан, чолнинг иккинчи кўзи ҳам кўр бўлибди. Кимга эътиқод қилишни билмаган нодон чолга ўхшаб қолган Кесакполвоннинг ноқис ақли бўлажак фалокатни тўла фаҳм этмасди, бироқ юраги ҳис этиб, жонсиз куз япроғи каби титраб турарди.

Учоқда учиб қайтаётган Асадбек эндиги ҳаёти ислоҳга муҳтож эканини англаган, шу йўлда айрим аҳдга ҳам келган эди. Кўнгил баъзан ақлга бўйсуниб «Қўй энди, бу ташвишларни, тўрингдан гўринг яқин бўлиб турибди, емоқ-ичмоғинг етарли экан, бошқасига қарама», дерди. Бироқ афсуским, инсон фитратида нафс деган нарса ҳам бор. Ақл ва нафснинг бир-бирига зид эканлиги ойдиндир. Ақл рад этмиш нарсани нафс даъво қилаверар. Айни дамларда нафс Асадбекни бойликка ундамаётган эди. «Асадбек» деб ном берилган бу вужудга, наинки вужудга, буткул руҳониятига ҳукмини ўтказиб келаётган нафс энди кибрга никоҳланди. Мазкур никоҳнинг маҳсули эса Асадбекдаги мардликни бўғиб, уни ўйиндан чиқишига йўл қўймайди. Тўғри, у тахтини Кесакполвонга топшириб қўявериши мумкин эди. Бироқ, мағлуб ҳолида чекинишни истамади. Энди уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч аҳдига қайтара олмас эди. Дарёни кўзачага қамаш мумкин бўлмаганидек, Асадбекнинг ғазаб ўтларини ўчиришга уриниш бефойда эди.

Москвадаги меҳмонхонада бедорлик билан олишиб ётган Асадбекни йўқлаб келган Илико ўтларга мой сепган эди. Аслида Асадбек эртаси куни Иликодан кўнгил сўрагани бориши керак эди. Жамшидга «қайтишнинг ҳаракатини қил», деб топшириқ берган Асадбек Хонгирейнинг бирга бориш ҳақидаги амрини унутмаганди. Асадбек меҳмонхонадан қайтаётганидаёқ бу масалани пухта ўйлаб, ҳал қилиб қўйганди. Илико билан учрашмай ўзини салкам Худо деб ҳисоблаётган бу кибрли чеченга жавоб — тарсаки бўларди. Иккинчидан, у Хонгирейнинг Илико билан ярашиб олишини истамади.

Ярим тунда меҳмонхонага келиб Асадбекни йўқлатган Илико кўп гапирмади. «Нега келдинг, ўғилларингга нима бўлди? Бу ёғини менга қўйиб бер», демади. Акасининг ўлиmidан қайғуда эканини айта туриб «Хонгирей ўлим рақсига тушишни бошлади. Энди қанча яшашини мен ҳал қиламан», деб қўйди. Асадбек унинг аҳди оҳангидан «Хонгирейдан ўч оламан, у билан олишаман, деб овора бўлма», деган маънони ўқиб, гапни чўзмади.

Дерларким, вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилмоқ мумкин. Аммо номус ҳеч

бир нарсага фидо қилинмас, номус жондан-да қимматлироқдир. Асадбек ота-она меҳрисиз ҳам бу дунёда яшамоқ мумкинлигини билади. Бироқ, эркакнинг номуссиз яшамоғи қандай бўлишини тасаввур этолмайди. Ўзгаларнинг номус-ори топталганда роҳатланган одам, ўзига тажаввуз қилинганда чидай олмайди. Узоқ йиллар илгари янграган, сўнг унут ғуборлари остида мудраб қолиб кетган бу қарғиш ҳеч кутилмаганда уйғонди. Бу қарғиш олдида Жалилнинг «Худодан қайтибди», дегани арзимас бир гап эди. Ҳосилбойвачча ташлаб кетган видеокассетадаги манзарани кўриб кўз олди қоронғилашганда зулмат қаъридан ўша овоз бўғиқ момагулдирак каби чиқиб келган эди:

— Асад, мен сенга Худодан ўлим тилайман. Мен бугун сенинг қўлингдан ўлим топмасам, эртага жонингга қасд қилмайман. Ўғилларим ҳам қасос олишга уринишмайди. Йўқ, сен осонликча ўлиб кетмагин, Асад. Сен болаларингнинг хорланганини кўргину сўнг ўлгин...

У дамда Зайнаб ҳали туғилмаган эди...

Алам билан айтилган бу қарғиш наҳот туғилмаган қизнинг қисматига ёзилиб қолган бўлса?.. Наҳот унинг жони-жаҳони, суюкли қизи туғилганидаёқ ўша қарғиш йўрғакига йўрғакланган бўлса?..

Бақриб эмас, инграб айтилган бу сўзлар шунчалар қудратга эга эканми?..

Москвадаги меҳмонхонада ётганида бу қарғишни яна эшитди. Овоз бу сафар бўғиқ эмас, еру кўкни ларзага солувчи момагулдирак янграши каби эшитилди.

... Аслида ўша ғалвани шумқадам Кесакполвон бошлаган эди. «Ўқилон» деган лақабдан бой одамларнинг энди-енди чўчий бошлаган дамлари эди. Марказдаги ресторан бошлиғи уларнинг талабига кўра чўтални канда қилмай, камайтирмай бериб турарди. Кесакполвон қаердандир ҳид олиб «чўталига гадомизми, шунча бойлиги бор экан, этакка тўксин», деди. Бу фикр Асадбекка маъқул келгач, ресторан бошлиғига талаб аввал яхшилик билан айтилди. Талаб рад этилгач, тунда уйига бостириб борилди. Асадбек Кесакполвоннинг бунақа ишларига аралашмас эди. Ўша куни «сен ҳам бор, кимлигингни одамлар билиб қўйишсин», дегач, борди. Асадбек боргунига қадар Кесакполвоннинг йигитлари ишни бошлаб юборишган эди. Кесакполвоннинг таъбири билан айтилганда «профилактика ишлари»нинг икки кун аввал бошланганини Асадбек ўша ерга борганида билди. Иситгич қузурига боғлаб қўйилган уй эгаси уриб-калтакланмаган, лекин икки кундан бери қултум сувга зор бўлиб, силласи тамом қуриган эди. Ён хонадаги хотини, икки ўғли, икки қизи ҳам шу аҳволда эди.

— Асад, буларингга айтгин, сув беришсин, — деди уй эгаси зорланиб.

— Кўп сув ичсанг сийиб қўясан, — деди Кесакполвон тиржайиб. — Бек, бу акахонингга айтяпман, ҳозир сувнинг нархи ошиб кетган. Беркитган тиллаларини чиқарсин, тўйдириб суғормаган — номард!

— Асад, бунинг валдирайверади, менда тилла йўқ. Топганимни битта ўзим емайман-ку, юқоридагиларнинг қанчасига сочаман. Тилла бўлса ўшаларда бўлади. Мен боримни бердим, бошқа йўқ.

— Қанча берди? — деб сўради Асадбек.

— Ўттиз икки минг, яна хотинининг узук-пузуклари... Ў, мараз, сен мени лақиллатсанг ҳам Бекни лақиллатаман дема. Берганинг битта тишимнинг қавагида йўқ бўлиб кетади. Ҳозир кўчага чиқиб «ресторан каттасининг уйида шундан бошқа пул йўқ экан», десам одамлар иштонини ечиб орқаси билан кулади.

— Асад, менда бошқа пул йўқ. Ҳеч бўлмаса кеннайингга сув берларинг, бечора касал.

— Ана кўрдингизми, бечора кеннайим касал эканлар. Сизга кеннайимнинг жонлари керакми ё молми? — деди Асадбек, унинг зорланишларига эътибор бермай.

— Бек, хотинини қўявер. Бу маразнинг қизлари етилиб қолибди. Буқачаларимни аранг ушлаб турибман. Шилимшиқ, акангга анави ашулангни айтиб бер-чи. Бек, қулоқ сол, бунақанги алламбалосини эшитмагансан.

Дераза ёнида турган йигит совуққина ишшайиб қўйиб, созланмаган ғижжак овозида хиргойи

қилди:

— Тоғда қуён отдим, ияги йўқ.

Қизлар куйлак кийибди, жияги йўқ.

Жияги йўқ ерларидан қўлим солсам,

Билқиллайди қўш анори, суяги йўқ...

— Дод, жонгинангдан аканг! — Кесакполвон шундай деб тиззасига урганича қийқирди.

Уй эгаси «шу кичкинагина жасадга бунчалик кўп зулм сиғиши мумкинми?» дегандай унга тикилиб қолди. Қандайдир ғойибона овоз унга «Мумкин, сен ўйлагандан кўпроқ ҳажмда сиғади», дедими, талвасага тушиб, энди нажот кўзлари билан Асадбекка боқди.

— Бек, нима десанг де, буқачаларни қўйиб юбораман. Қизчаларни би-ир суғоришсин, — деди Кесакполвон.

— Йўқ! Асад, сен билан келишувимиз бор. Мен айтганингни бериб келдим. Мени ҳимоя қилишга ваъданг бор.

— Сен ғирром ўйнадинг.

Асадбек унга доим «сиз»лаб гапирарди, ҳурматини жойига қўярди. Ҳозирги сенсирашидан зулм бобида шеригига яқинлашганини маълум қилди. Буни фаҳмлаган уй эгаси сўнгги илинж билан уни инсофга қайтармоқчи бўлди:

— Асад...

Кесакполвон унинг гапини узди:

— «Асад» дема! Нима, бу сенинг ўртоғингми?! «Бек ака», де!

Уй эгаси бир ютиниб олиб, амрга бўйсунди:

— Бек ака, шартимизда буниси йўқ эди. Уйингда борини берасан, демагансиз.

— Демаган бўлсам, энди дейман. Хўш, қани тиллаларинг?

— Тилла йўқ менда...

— Ҳукми ўзинг чиқардинг, мендан домангир бўлиб юрма...

Асадбек «буқачаларингни қўйиб юборавер», дегандай шеригига қаради. Кесакполвонга шу қарашнинг ўзи кифоя қилди. Зулм ҳарорати ўтидан сачраган учқун бир оиланинг покиза гулларини сўлдирди.

Уй эгаси ўшанда қарғаган эди.

Ўшанда Асадбек «мен ҳам қиз кўрарман, вақти келиб кимнингдир ифлос нафаси ардоқлаб ўстирганим покиза гулни сўлдирар», — деб ўйламовди. Бу қарғишни ўшанда ер ютгандай бўлиб эди. Одам ўлиб кетаверар экан-у, бироқ, унинг қарғиши ўлмай, ер юзи бўйлаб ўлжасини таъқиб этиб юравераркан. Ресторан бошлиғи ўша воқеадан сўнг кўп яшамади. Аввал хотини, сўнг ўзи бу дунёни лаънатлай-лаънатлай ташлаб кетишди. Асадбек унинг жанозасига борган эди, гўрков тутган этакка «мени у дунёда ҳам эслаб юр», дегандай бир сиқим тупроқ ҳам ташлаган эди. Ҳа, унутмабди, ўзи кўмилса ҳам қарғишини қолдириб кетибди. Бу қарғиш йигирма йилдан зиёд Асадбекка соядай илашиб, пайт пойлаб юрган экан.

Ўша ресторан хўжайини тирик бўлиб, пичоқ билан ҳамла қилса, Асадбек ўзини ҳимоя қилиш чорасини топарди, ёки уни ўлдириб қутуларди. Энди кўзга кўринмас, чопса чопилмас қарғишдан ўзини қандай ҳимоя қилсин?

Асадбек қарғишни эслашга эслади-ю, бироқ, айбни ўзидан эмас, ўзгалардан излади. Алқисса, ҳукми ҳам ўзига эмас, ўзгаларга чиқарди. Унинг қонида ўтган ишлардан пушаймон қилиб ўтириш деган нарса йўқ эди, билакс, қасос дегани истаганча топиларди. Синиқ кўнглида ғам, бузуқ хаёлида алам ҳукмрон экан, энди Асадбекдан нималар кутиш мумкин?

Жаҳолат зулмидан ақл равшанлигига ета олмай қолган Асадбекнинг Оллоҳ ҳузурини «бировга қасд қилмайман», деган аҳди бўлмагач, уни ким тўхтата оларди?

### 3

«Ойижон, мени чақирмай туринг, бу дунёда қиладиган ишим кўпайиб қолди...»

Мозорбошига қараб юраётган Асадбекнинг кўнглидан шу сўзлар кечди.

Касали оғирлашганда «ота-онам ёнларига чақиришяпти, вақт етган бўлса бораман-да, илож қанча?» деб ўйлаганди. Унда ўғиллари тақдиридан кўнгли тўқ эди. Зайнабни ҳам хорижга жўнатиб юборса, армонсиз, таҳликасиз кетиши мумкин эди. Аввал келганда «мени чорламанг», деб ялинмовди. Энди болаларини бундай аҳволда ташлаб кета олмайди. Ҳаққи йўқ ташлаб кетишга!

Худого эмас, чириб ётган мурдага ялинди бу ғофил банда.

У озгина бўлса-да яшамоқни, хонадони тепасидаги бало булутини ҳайдамоқни, оиласига бахтни қайтармоқни истарди.

Истарди... лекин...

Бу бахти қора бахтли бўлмоғи учун толеъ юлдузининг зулм зулматидан чиқиб, саодат буржига юз буриши зарурлигига ақли қосирлик қиларди.

Гуноҳлар кирини пушаймонлик ва тавба ёши юва олишини ким билмайди? Унда эса тавба ҳам йўқ, кўз ёши ҳам йўқ.

Жамшид бошлаб келган гўрков ўзи билганича тиловат қилгач, Асадбек унинг чўнтагига пул солди-да, онасига қўйилган қора мрамар тош ёнидаги янги қабр-га имлаб:

— Бу ерга ким келди? — деб сўради. Кейин таҳдид эмас, афсус оҳангида қўшиб қўйди: — Бу ерга одам қўймагин, девдим-ку?

— Маҳалла бир нима деб турганидан кейин қайтар- олмайман-да. Бу ер уларнинг хилхонаси экан, асли.

— Ким экан, ернинг эгаси? — Бу сафар Асадбек овозида қаҳр зоҳир бўлди.

— Сухроб ота дейишдимми?

— Нима? Почтачими?

— Унисини билмадим... бир ҳафта бўлдиёв...

«Ҳа, ўша, — деб ўйлади Асадбек. — Бу ҳароми, келиб-келиб шу ерга кўмилдимми?

Асадбек қабристонда эканини унутмади. Сўкиб юбормаслик учун тишини тишига босди.

Тишларнинг ғижирлаганини сал нарида турган Жамшид ҳам эшитиб, сергакланди. Почтачининг қилиқлари Чувриндига маълум эди, Жамшид билмасди. Шу сабабли хожасининг нима сабабдан ғазабланганини англамади.

Алам жомига ғазаб майини қуйиб сипқорган одам аслида ёниб кетиши керак. Асадбек ёнишга тайёр эди. Бироқ, онасининг руҳини қақшатишни истамади. «Агар бу мараз бир ҳафта олдин қўйилган бўлса, — деб ўйлади у. — Онам бечоранинг арвоҳлари бир ҳафтадан бери чирқираб ётибди экан-да? Йў-ўқ... мен бу маразни йўқотаман. Хилхона эмиш... Унинг хилхонаси ахлатхонада...» Асадбек шу қарорга келиб, юзини бурди. Хаёлини чалғитиш мақсадида мрамартош ортидаги ўрик дарахтига тикилди. Онасини шу қабрга қўйган йили бош томонига ўзи эккан нозиккина ниҳолча йўғон дарахтга айланган. Дарахтнинг танаси бужурлашган, тарам-тарам ёриқлар пайдо бўлган. Гўё бу ердан таралувчи сассиз нолаларни тинглайвериб, аламлардан тиришиб кетгандай... Шохчалардаги куртаклар баҳорга ҳомиладор бўлиб, тўлиб туришибди. Алдамчи илиқ шабада уларнинг кўзларини очиб юбориши мумкин. Аямажиз қайси бир қавакларда худди шуни кутиб турибди. Дарахтлар яйраб, гуллаган онда у бир ҳамла қилади-ю, битта-битта ямлаб бу чаман гулларнинг жонини олади...

Асадбек нима гуноҳ қилиб қўйганини англамай довдираб турган гўрковга яна бир бор ғазабни нигоҳини қадади-да, изига қайта бошлади. Дарвоза яқинида қимтиниб турган аёлни кўриб, қадамини секинлатди. Ҳали келишаётган маҳалда бу аёл рўпараларидан чиқиб салом берган, Асадбек унинг мунгли қарашидан қандайдир саросимани пайқаган эди. «Мени кутяптими ё гўрковда иши борми?» деб ўйлади у. Аёлнинг чеҳраси таниш туюлди-ю, аммо қаерда кўрганини эслай олмай Жамшидга қаради. Қарашдаги савол аломатини фаҳмлаган Жамшид:

— Шариф Намозовнинг хотини, — деб изоҳ берди.

«Демак, мени кутяпти».

Асадбекнинг секинлаганини кўрган Насиба унга пешвоз чиқиб, яна салом берди.

Асадбек алик олди-ю, «кимсиз, менда нима ишингиз бор?» — деб сўрамади.

— Мен... Шариф аканинг аёллариман... — деди Насиба саросимали овоз билан. Билмаган одам бу овозни эшитиб «Шариф аканинг хотини бўлиш ҳам катта гуноҳ экан-да, а?» деган хаёлга бориши табиий эди. Насиба бу киши яна «Қайси Шариф?» деб сўраб қолмасин, деган ташвишда дарров изоҳ берди: — Винзаводда ишлардилар...

— Ҳа, энди танидим, кўзимга иссиқ кўринятувдингиз. Тинчликми, синглим?

Қовоғи солиқ, қараши қаҳрли Асадбекдан мулойим оҳангдаги гапни эшитган Насиба саросимадан қутулди.

— Шариф акамни Масковдан олиб келиб... шу ерга қўйдик, — Насиба «Шу ерга қўйганимиз тўғри бўлибдими?» дегандай унга қараб олди.

— Ие... хабаримиз бўлмабди-ку? Салом-алигимиз бор эди эрингиз билан. Нега айттирмадингиз? Асадбек бу гапи билан риёкорлик қилмади. У Шариф Намозовнинг ўлимини эшитган, бироқ касаллиги, кейин яна бошқа ташвишлари билан андармон бўлиб, оиласининг тақдирини унутган эди.

— Шошиб қолдик... — деди Насиба айбли одам овози билан.

— Биздан нима хизмат?

— Хизмат йўқ... фақат... ўзингизга учрашадиган ишим бор эди.

— Учрашиб турибмиз-ку, айтаверинг.

— Гапирадиган гапмас... омонат бор, бериб қўйишим шарт.

Асадбек «Шариф бир нима қолдирибди-да», деб ўйлаб:

— Эртага соат ўнда идорага келинг. Идорани биласизми? — деди.

Насиба «ҳа, биламан», деган маънода бош ирғади.

— Юринг, уйингизга ташлаб ўтамиз, — деди Асадбек.

— Йўқ, раҳмат, — Насиба шундай деб тисарилди. — Мен... ҳали бу ерда ишим бор... Гўрковга айтадиган гапим бор...

Асадбек аёлнинг ёлғон сўзлаётганини, уларнинг машинасига чиқишни истамаётганини сизди.

Шу сабабли совуқ тарзда: «Хайр», деди-ю, дарвоза сари тез-тез юрди.

Уйга қайтишганда хонадонда ўзгачароқ руҳ ҳукмрон эди. Магнитофондан шўх қўшиқ таралган, ҳовлида хизмат қилиб юрганлар чехрасида хурсандчилик зоҳир, ҳатто булутларни чекинтира олган қуёш нурлари ҳам фақат шу хонадонга тушаётгандек эди.

Айвон устунига суюниб сигарет тутатаётган Кесакполвон Асадбекка пешвоз чиқиб, жилмайганича қулочларини ёйди:

— Энди бу ёғи тўйнинг бисмиллосида, Бек! — Кесакполвон шундай деб «Нима гап, қаерга бордиларинг?» деган маънода Жамшидга қараб олишни унутмади.

— Наби ҳофизга одам жўнатдим. Хиргойи қилиб ўтирсин-да. Ҳадемай уйингни одам босади.

Ўғилла-рингнинг қайтганини эшитганлар қуллук бўлсинга келаверишади.

Кесакполвон айтгандай бировлар астойдил, бошқалар қўрққанидан, айримлар Асадбекка яхши кўриниш, баҳонада яқинлашиб олиш ниятида «муборак бўлсин»га келаверишди. Меҳмон кутиб чарчаган Жалил:

— Тўйни тезлатиб юбора қол, — деди. Ошнаси жилмайиб юргани билан юрагини оғир дард босиб турганини сезгани учун ҳазил баҳонасида ғам тошини енгиллатмоқчи бўлди: — Пулинг етмаётган бўлса бериб турай.

— Ичимсан-да ичимсан! Жиянларингнинг тўйига чўнтакни бир қоқасан-да, ошнам! — Асадбек шундай деб Жалилнинг елкасига қўл ташлаб, бағрига тортди.

Асадбек уйланаётганда Жалил тўёна бера туриб «Чўнтакни қоқиб, топган-тутганим шу бўлди, бориға барака», деб қўйган эди. «Ҳа, энди ишчининг топгани нима бўларди!» деган хаёлдаги Асадбекка пулнинг чўғи кўпроқ туюлди. Ҳолироқ қолганда пулни санаб аввал ажабланди, сўнг кўзларига ёш келди. Чунки ўша дамларда бойваччалар ҳам бунчалик кўп тўёна беришмас эди.



Ҳозирги гап билан Асадбек ўша воқеани эсга солди. Бир оз фурсат ҳоли қолишганда эса қабристондаги аҳдини айтди.

— Жинни бўлма! — деди Жалил. Ошнаси аҳдини ҳозироқ амалга оширишга кетаётгандай енгидан ушлаб тортди.

— Мен аллақачон жинни бўлиб бўлганман, сезмаятувдингми? — деди Асадбек.

— Одамлар тошбўрон қилиб ташлашади. Бунақа масалада сендан қўрқиб ўтиришмайди.

— Менам тошбўронингдан қўрқмайман. Барибир ўлигини олдиртириб ташлатаман. Одамларинг аблаҳлик сира кечирилмаслигини билиб қўйишин.

Донолар «Одамлар учун хотирда сақлаш, унутмаслик нақадар зарур бўлса, баъзи вақтда унутиш ҳам шу даражада зарур», дейишади. Асадбек нодон бўлмаса-да, унутиш заруратини тан олгиси келмайдиган тоифадан эди. Ҳақиқат ва тўғрилиқни севадиган одам доимо виждони фармонига итоат этаркан, унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмас экан. Саробни, шаётин кўрсатган адаш йўлларни ҳақиқат ва тўғрилиқ деб ҳисобловчи дўстининг виждони фармонларидан нималарни кутишни фаҳмлаган Жалил уни инсоф кўчасига бурмоқчи бўлди:

— Сен кечиримли бўл. Худо «бандаларимнинг гуноҳини кечираман», деб турганида сен ўжарлик қилма.

— Худонинг ҳисоб-китоби бошқа, меники бошқа.

— Тавба қил, жинни бўлма.

Ҳалимжон яқинлашиб, маҳалладан бир одам сў-раётганини айтмаганида уларнинг баҳси Жалилнинг бўралаб сўкиб қолиши билан якунланиши тайин эди.

Жалил «йўқлаётган ким экан, ўзим билиб келаман», деб Ҳалимжонга эргашганича кўчага чиқди-ю, тезда изига қайтди.

— Шорасул аканинг невараси экан, бир бориб келмасанг бўлмайди.

— Ҳозирми?

— Ҳа, ҳозир, бола кутиб турибди. Укам анави куни «Амаким касалмишлар», девди. Оғирлашиб қолганга ўхшайдилар. Сенда гаплари бормиш.

— Бирга борамиз.

Жалил «Шорасул ака сени сўраттирган, менга бало борми?» дейиш ўрнига:

— Мен бу ерда келди-кетдига қараб тураман, — деди.

Чопар юбортирган Шорасул ака Асадбекка ҳам, Жалилга ҳам ота қадрдонлардан эди. Шу сабабли Асадбек ҳозир бормаслик учун баҳона излаб ўтирмаслик баробаринда Жалилнинг важ-карсонини ҳам инобатга олмади. «Юр, келадиган одам сенсиз ҳам келиб-кетаверади», деб тўнғиллаб қўйишининг ўзиёқ Жалилга кифоя қилди.

Қирқ биринчи йил Асадбекнинг отаси билан урушга кетиб, келгуси кузда ўнг қўлсиз уйига кириб келган Шорасул ака тўрт йилу тўрт ой давомида уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди. Хотини билан биргаликда нон дўконида ишловчи бу одам икки бурда нон орттириб қолса, бир бурдасини уларникига ташлаб ўтарди. Уруш тугаб, Асадбекнинг отаси қайтаганидан сўнг ҳам бу одатини тарк қилмади. Асадбекнинг отаси «халқ душмани» тамғасида қамалганида кўпчиликнинг оёғи уларнинг остонасидан тортилди. Дастлаб Шорасул ака ҳам келмай қўйди.

Туғруқхонадан қайтган онаси ҳолсизлангани сабабли нонга Асадбекнинг ўзи чиқадиган бўлди. Ярим кечада Жалилнинг отасига эргашиб чиққан Асадбек кўп қатори навбатда турар, унинг кафтига ҳам катталарга ўхшаб навбат рақамини ёзиб қўйишарди. Асадбек «Ёзув ўчиб қолса навбатдан чиқариб ташлашади», деб қўрқиб, кафтини юммасди, бармоқлари совқотиб, тарашадек қотиб қолса ҳам чидаб турарди. Навбати етганда бир қўллаб ҳисоб-китоб қилаётган Шорасул ака билан, эрининг ёнида чаққон-чаққон нон кесаётган опоқи хотин билан кўзлари тўқнашарди. Опоқиси бу бечора боланинг кўзларига қарай олмасди. Шорасул ака эса мунгли равишда тикиларди. Асадбек унинг «Ҳа, тойчоқ, қалайсан», деб эркалаб қўйишини жуда-жуда истарди.

Айтадиларки, синган умид чинниси чегаланса ҳам изи қолади. Балки катталарнинг умид

чиннисига хосдир бу ҳикмат. Норасиданинг умидли нигоҳи жавобсиз қолганда синувчи қалб чиннисини кейин чегалашнинг имкони йўқ.

«Дада» деб тили чиққанида отасининг дийдорига тўёлмаган, гўдаклик чоғларида отанинг суйишлари қандай бўлишини билмаган, улғайган ониди «тойчоқ» деб эркалашларга кўника бошлаганда яна меҳрга зорлик даштида қолган бола учун нон дўқонида ишловчи амаки қаторидаги одамнинг бергувчи нонидан кўра биргина ширин сўзи азизроқ эди. Асадбек бу азиз нарсага зор бўлган кунларини ҳанузга қадар унутмайди. Йўқ, у Шорасул амакисига гина сақламасди.

Шорасул ака икки ҳафтадан сўнг шом қоронғусида уларникига келган, эски газит парчасига ўралган тўрт кесим нонни бериб, «Тойчоқ, қалайсан, ойинг, уканг яхшими?» деб ҳол сўраган, бироқ, остона ҳатлаб ичкари кирмаган эди. Туғилган гўдакнинг чилласи чиқмай туриб кириш мумкинмас, ёлғиз аёлнинг уйига шом қоронғусида кириб-чиқиш ҳам айб, деган тушунча Асадбекда йўқ бўлгани учун «халқ душманининг уйига киришга қўрқдилар», деб ўйлади. Ўшандан сўнг Шорасул ака худди уруш йилларидаги каби ҳар куни келишни одат қилди. Фақат аввалгилардек кундузи эмас, шом қоронғусида ров келиб-кетарди. «Тойчоқ, қалайсан?» деб бошини силаб қўярди. Одамлардан яширинча берилаётган бу меҳр боланинг ўксик кўнглига мал-ҳам бўла олмас эди.

Шорасул ака ҳар йили фарзанд кўрарди-ю, бироқ, унга бахт ваъда қилиб дунёга келган гўдак бир-икки ойгина яшаб, ота-онасини ҳижрон оловига ташлаб кетарди. Фақат тўртинчи қизи Тўхтаҳон исмига содиқ равишда яшаб қолди. Яшашга яшади-ю, ота-онасини куйдириб, қаритди. Шорасул ака «қадрдон ошналаримдан бирининг ўғлини куёв қилсам, куёв эмас, ўғил бўлса», деган ниятда юрганида ойдек чирой очаётган Тўхтаҳон тушмагур бир милиса йигитга кўнгил қўйиб, тўйсиз, никоҳсиз тегиб олиб, ота-онанинг бошини эгди-ю, куёв боланинг юртига жўнаб қолди. Шорасул аканинг хотини бу иснодга чидай олмади, шу эгик боши билан армонли дунёни ташлаб кетди. Худо бу аёлнинг раҳмини еди, иснод оловида куйиб яшаш азоби эса Шорасул акага насиб этди. Йигирма йилнинг нари-берисида у ёлғиз яшади. Асадбек билан Жалил ўйлаб қўйишга ҳаракат қилишса ҳам у кўнмади. Баъзан аччиқланиб, бу таклифни рад этиб, баъзан эса «Ҳозирги хотинларга икки қўлли эр керак, бир қўлли нотавонни бошига урадимми?» деган ҳазил билан чап берди.

Уч йил илгари Жалил укасидан «Шорасул амакинг яхши юрибдиларми?» деб сўраганида «Бир-икки кундан бери кўринмаяптилар» деган жавобни эшитиб «Кўринмаётган бўлсалар йўқлаб қўйсанг ўласанми!» деб сўкиниб, хабар олгани уйига кирган эди. Уч кундан бери иситмалаб, туз тотмай ётган бу одамнинг тирикми ё ўлик эканини дастлаб билмади. Қўшнилардан гина қилганида улар «Қайдам, ветеранларнинг шифохонасига ётмоқчийдилар, ўша ёққа кетгандирлар, деб ўйлабмиз», деган баҳона билан ўзларини оқлашди. Шундан сўнг Жалил Асадбекни ишга солиб, Шорасул акани кўндириб, Тўхтаҳонни кўчиртириб келган эди. Милитсиядаги хизматидан ҳайдалиб, ишининг тайини бўлма-ётган куёв болани Асадбек Чувриндининг лимонад тсехига жойлаб қўйганди. Бошқаларга нисбатан тўрт баравар кўпроқ маош олувчи «куёв бола» қайнотасининг бир пайтлардаги яхшиликлари эвазига бу мартабага эришганини фаҳмламасди. Шорасул ака тақдирга тан бергандай кўринса-да, қизи билан ҳам, куёви билан ҳам гаплашмасди. Бир нима дейиш зарурати туғилса набиралари воситасида айттирарди. Шорасул аканинг бу одатларини билганлари учун ҳам улар набиранинг йўқлаб келганидан ажабланишмади.

Шорасул ака ҳамишалик ўрни — темир каравотда эмас, хона ўртасида, қиблага оёқ қилиб ётқизиб қўйилган эди. Бунинг маъносини тушунган Жалил орқасига ўгирилиб, остонада турган Тўхтаҳонга ажабланиб қаради.

— Ўзлари айтдилар, — деб изоҳ берди Тўхтаҳон.

Жон бераётган одам юзини қиблага қаратиб, ибодатини қилиб олсин учун шундай ётқизилишини билмайдиган Асадбек бу ҳолатга эътибор бермади. Шорасул аканинг кўзлари

очик, нафас олиши ҳам бир меёр-да — жон бераётган одамга ўхшамас эди.

— Асад, келдингми, тойчоқ болам, — деди у тетик овозда. Сўнг Асадбек билан изма-из кириб келган Жалилга кулимсираб қаради: — Ҳа, шалпангқулоқ, сенам келдингми? Ишқилиб Худо сенларни бир-бирларингдан айирмасин. Шалпангқулоқ, бормисан, бу дунёда? Юз сўмлик пулдай йўқ бўлиб кетдинг-ку, а? Асаддан гинам йўқ, унинг иши кўп. Сен салти-свой одамсан, сени сўксам ҳам арзийди.

— Нима бўлса ҳам балога қолувчи Жалил-да, а? Бу тойчоғингизни мен етаклаб келдим. Ой чиқса ҳам шунга чиқсин, кун чиқса ҳам шунга, а? Бу қанақа ётиш, отагинам?

— Бу ётишми... Оталарингни соғиндим. Ёғоч отга миниб би-ир йўлга чиқадиغان бўлиб турибман.

— Адаларимизнинг сизга кўзлари учиб тургани йўқдир, биз билан отамлашиб юраверинг. Ёғоч отни ҳам қўйинг, бу ёқда ота бўлиб қилиб берадиган ишларингиз чиқиб турибди.

— Хайрли ишми, ишқилиб? — Шорасул ака шундай деб Асадбекка қаради.

— Хайрли ишларнинг додаҳўжаси, — деди Жалил.— Тойчоғингиз ўғилларини уйлантиряпти. Энди тойчоқ демасангиз ҳам бўлади. От бўлиб қолди. Озгина эшшаклиги ҳам бор-у лекин сизнинг ҳурматингизни қилиб «от» десак ҳам бўлар.

— Тойчоқ, ошнангдан хафа бўлма, бунинг онаси гармдориға бош-қоронғу бўлган-да.

— Отагинам, онамни қўя туринг. Келинлар қаердан, деб сўрасангиз-чи?

— Сўраш учун сен бировга гап берасанми, қани айтавер-чи?

— Келинпошшалар сиз етиб боролмаган нақ Гирмоннинг ўзидан.

— Гирмондан дейсанми? — у ўрнидан бир қимирлаб олиб, ажабланганини яширмай Асадбекка тикилди.

— Ҳа, Гирмондан, лекин сиз ўйлагандай Гитлернинг жиянлари эмас улар. Ўша ерда қўниб қолган бир ўзбек бойнинг қизлари экан. Ака-ука божа бўлишяпти. Тойчоғингизнинг омади юриб қолган, ҳозир хўрози ҳам тухум қиляпти. Ана энди ўрнингиздан «бисмилло» деб турасизу бир тоғорагина норин, бир челак нишолдани кўтариб, бўрдоқини судраб Гирмонга тўй олиб борасиз. Шалпангқулоқ болангиздан ор қилмасангиз ёнингизга олволарсиз, қўйни етаклаб юрар...

Шорасул ака соғ пайтида Жалил билан унча-бунча ҳазил қилиб турарди. Ҳозир ҳазил гапларга майл билдирмади. Асадбекдан кўз узмаган ҳолда Жалилдан илтимос қилди:

— Сен чиқиб тур, тойчоққа айтадиган гапим бор.

Жалил илтимос оҳангидаги амрга итоат этди. Даҳлизга чиқиб, эшик ортида турган Тўхтаҳонга «гап пойлаяпсанми?» дегандай қараб қўйди.

— Адангни олиб келармишсан, ростми? — деб сўради Шорасул ака, Жалил чиқиб кетгач.

— Аниқ бир қарорга келганим йўқ, — деб жавоб берди Асадбек. — Биров олиб кел, дейди, биров безовта қилма, дейди. Ҳайронман.

— Безовта қилмаслик яхши-я... лекин олиб келганинг маъқул. Бегона юртларда ётмасин... Олиб келсанг... ёнимга қўй, хўпми, тойчоғим?

Кейинги гапни ёш болага гапираётгандай ширин оҳангда айтди. Отаси қамалган кунлари Асадбек нон дўконида умидвор бўлиб турганида худди шундай ширин оҳангга зор эди. Амаки қаторидаги бу азиз одам ширин оҳангини ўлими олдидан айтиш учун асраб қолганмиди?

— Унгача бир иш қиласан: адангнинг қабридан тупроқ олиб келувдинг, а? Озгинасини онангнинг қабрига тўкувдингми? Қолгани-чи? Қолгани турибдими?

— Ҳа, — Асадбек шундай дейишга деди-ю, ўйланиб қолди. Ўшанда Манзура «Адаси, мазорнинг тупроғини бекорга олиб келибсиз, хосияти йўқ, мазорга олиб бориб ташлаш керак» деган эди. Асадбек «билганингни қил», девди. Ҳозир шуни эслаб «ташлаб юборган бўлса-чи?» деб ўйлади.

— Ўша тупроқдан бир ҳовучини менга атайсан. Кўмаётганларингга гўрковга берсанг, бошимга қўйиладиган гувала устига сочади. У тупроқда адангнинг ҳиди бор-да...

Асадбек Красноярдан қайтганида Шорасул ака уни йўқлаган, тупроқ олиб келганини эшитиб: — Эсинг борми, тупроғинг нимаси? Ўзини олиб келишинг керак эди, — деган эди.

Ҳозир ўша тупроқни соғиняпти...

Жалил чиқиб кетмаганида бу гапларни эшитиб «Е, отагинам, сиз ҳали кўп яшайсиз», дебми, ишқилиб кўнгилни кўтарувчи бир нарсани айтарди. Асадбекнинг эса, ўртоғидан фарқли ўлароқ, бунақа одати йўқ эди. Касал ётган одамга қараб «рангингиз тоза, кўринишингиз яхши» дея олмасди. Кўп ҳолларда ёнидаги одам гапириб, у қараб тураверарди. Айни дамда бу одатини канда қилмади.

Шорасул ака бир-икки ютиниб қўйгач, ҳориган кўзларини юмди.

— Худо нега мени бунча хорлади, нега бунча кўп азоб берди, биласанми? — деб сўради у кўзларини очмай.

Асадбек «Худо ҳаммага жазо бераркан, жазосиз одам йўқ экан бу дунёда», демоқчи бўлди-ю, гапи қўпол оҳангда чиқиши мумкинлигини фаҳмлаб, индамай қўя қолди.

Шорасул ака бу саволни ўзига кўп марта берган. Фарзандлари бирин-кетин ўлаверганида ҳам, қизи туфайли иснодга қолганида ҳам, бева қолганида ҳам... Саволни берарди-ю, қилган гуноҳларини бир-бир эслаб, сўнг худди тарозига солгандай салмоғига қараб сараларди. «Енг оғири бу, манавиниси мундайроқ», деб ўринларга бўлиб чиқарди. Иккинчи, учинчи...

Йигирманчи ўринларда гуноҳларнинг жойлари алмашилиб турарди. Аммо биринчи ўриндагиси жойини бош-қаларга бўшатмас эди. Ҳозир ҳам шуни айтмоқчи бўлди:

— Одамларнинг нонига хиёнат қилганман...

Айтишга оғиз жуфтлади-ю, ногаҳон уйғонган бир фарёд фикрини тилга кўчишига йўл бермади.

«Сен буларга бир-икки бурдадан нон бергансан, қолганини ўзинг егансан. Бир бурда эмас, битта ушоқ ҳам сен учун ҳаром эди. Лекин сен бу ҳаромдан хазар қилмадинг, куйдиргингга роҳатланиб единг, еб яна роҳатландинг. Нега хазар қилар экансан, ахир шу ҳаромни еб, тўқ юриш, нафсингни ором олдириш қасдида кирган эдинг-ку бу ишга. Энди ҳаромингга буларни шерик қилмоқчимисан? Агар ўша нон буларга ҳам ҳаром бўлса, сен туфайли гуноҳга ботишади.

Ҳозир «одамларнинг нонига хиёнат қилганман», десанг, «Сенларни тўйдириш учун қилдим бу ишни», деган маъно чиқади. Шунда «тойчоқ» деб эркалаётганинг бу одам башарангга тупурса ҳам арзийди. Энди бу одам кечаси билан зор қақшаб нон дўкони ёнида навбатда турувчи бечора бола эмас...» — Шу фарёд туфайли уни ўчган Шорасул ака ҳозир «Искандарнинг шохи бор», деган ҳақиқатни айтолмай қийналган сартарош ҳолида эди.

Сартарош-ку, бир иложини қилди, қуриган қудуқни топиб айтди дардини. Лекин Шорасул ака топмади бундай қудуқни. Ёнида чўккалаб ўтирган одам ҳам қудуқ эмас. Бу ҳақиқатни индамай ютиб кета олмайди.

Шорасул ака, Яратганнинг нотавон бандаси, ҳидоят йўлининг қандай бўлишини билмай шу ёшга етди, энди ҳидоятдан бенасиб тарзда бу дунёни ташлаб кетмоқчи.

Бу қадар узун умри йўлида бир иймон эгаси чиқиб унга тавбани ўргатмади, саждага даъват қилмади. Аслида ўзида рағбат бўлмади. Ўзи ҳидоятга интилганда эди, иймон эгаларига йўлиққан бўларди. У тавбани-ку қилади, бироқ, пешона саждага тегмаса бу тавбанинг қадри қанчалик экан, валлоҳи аълам?

Шорасул аканинг ичида бир оғриқ уйғониб, тишсиз милклари билан тилини тишлаб беихтиёр ингради.

Асадбек у томон яқинроқ сурилиб, пешонасига кафтини қўйди. Шорасул ака кўзларини бир очди-ю, аммо нимадандир қўрққандай яна юмиб олди. Мижжаларидан ёш сизиб чиқди.

— Бармоқларим оғрияпти... — деди у инграб. — Зириллаб оғрияпти. Худди оловда қарсиллаб ёнаётган ўтинга ўхшаб қақшаяпти...

Асадбек кўрпа устидаги озғин бармоқларни икки кафти орасига олди. Бармоқлардаги совуқлик унинг вужудига ўтиб, бир титради.

— Буниси эмас, ўнг қўлим. Бармоқларим қақшаяпти... Силаб қўй, болам...

Асадбек ажабланди: «Ўнг қўлни снаряд елкадан узиб ташлаган бўлса, йўқ бармоқлар қандай

оғрийди. Алаҳсираяпти... Хаёл кетган шекилли...»

— Эсингдами, мен сени урган эдим. Шу шапалоғим билан урган эдим. Ошиқ тепаётганинда «қимор ўйнама», деб урувдим. Шу бармоқларим қақшаяпти. Сен ўша шапалоқ учун мени кечир. Мендан рози бўл, тойчоқ. Рози бўлмасанг, бармоқларим қақшайверади. Дўзахда ҳам кўйиб қақшайди...

Ургани ёдида... Уларга нон берган бу бир қўлли одамнинг орқасидан сўккани ҳам эсида. Аммо... ўнг қўли билан урмаган эди. Чап қўли билан қулоғини аямай бураб, орқасига астароқ тепганди.

— Эсингга тушдими, кечирдинги? — деди Шорасул ака кўзларини очиб. Кўзларининг қорачиғи худди кулга кўмилгандай зўрға кўриниб турарди.

— Тўғри ургансиз ўшанда. Мен сиздан кечирим сўрашим керак.

— Мен сендан розиман. Сен ўзинг учун ҳам, отанг учун ҳам мендан рози бўл, болам. — У яна кўзларини юмиб ингради. — Отанг рози бўлмайди мендан. Эсингдами, отангни олиб кетишгандан кейин мен икки ҳафта сенлардан ўзимни тортиб юрувдим. Ўшанда мен ҳам сўроқ бераётувдим. Мен ожизлик қилдим, қўрқоқлик қилдим. Отангни «Бу халқ душмани эмас», дея олмадим. Отанг раҳматли «немиснинг ҳаммаси фашист эмас, яхшилари кўп, илмда, маданиятда илғор», деган экан. Шу гапни айтмаган, дея олмадим... Худо урушда қўлимни олмай, тилимни, кўзимни, қулоғимни ола қолмайдими?.. Шунча ўқлар бекорга ёғилиб турганида биттагинасини юрагимга санча қолмайдими?.. Бармоқларим қақшаяпти... Ҳа, шу бармоқларим билан қўл қўйиб берганман ўша хатга. Шунинг учун қақшаяпти. Бармоқларим дўзах оловида куйишини бошлади.

Асадбек чап қўлнинг совуқ бармоқларини силади.

— Адам тирик бўлганларида сизни кечирардилар, гина сақламасдилар. Ўша хатга қўл қўймаганингизда ҳам барибир қамашарди, сиз бундан сиқилманг.

Бу гапдан кейин Шорасул ака кўзларини очди. Буткул ўзга оҳангда, ўзга мавзуда гап бошлади:

— Маъракага куёвнинг бир тийини ҳам аралашмасин. Ўзимнинг ҳалолдан топиб, атаб қўйганим бор, Жалил ошнанг билади. Кейин... шу уйни Жалил оғайнингга хатлаб бера қолсаммикин? Каталакда яшамай, маҳаллага кўчиб кела қолсин, хўпми?

Бу фикр Асадбек учун янгилик эмасди. Тўхтагонни кўчириш таклифини айтганида Шорасул ака «Қўй уни, яхшиси ошнанг Жалил кўчиб келсин», деганди. Асадбек ўша сўхбатни эслаб:

— Айтаман-ку... лекин кўнмайди у шалпангқулоғингиз, — деди. — Мени эшакка ўшатади-ку, асли ўзи эшакдан ҳам баттароқ қайсар.

— Бу гапинг тўғри. — Шорасул ака чуқур нафас олди. — Унда Соҳиб сариққа хатлаб берасан. Ўн иккита боласини қайга жойлашни билмай гаранг, у бояқиш.

Асадбек унинг мақсадини англагани учун ҳам «Тўхтагон-чи, қизингиз туравермайдими?» деб сўрамади.

— Энди сен боравер, мен чарчадим, озгина дам олволай.

Асадбек Шорасул аканинг бармоқларини яна оҳистагина силаб қўйиб хайрлашди-да, ўрнидан турди. Остонага етганида Шорасул аканинг овозини эшитди:

— Худо сенга ширин-ширин неваралар берсин, невараларингнинг тўйларини кўр. Отанг кўрмаган бахтни Худо сенга насиб этсин...

Асадбек бу дуони эшитиб, орқасига ўгирилди. Шорасул ака бўйинини буриб, унинг изидан мўлтиллаб қараб турган эди. Бу ҳолатни кўриб Асадбекнинг кўнгли янада вайрон бўлди, кўзларига ёш келди. У айни дамда бир соатгина илгари почтачининг ўлигини қабрдан чиқартириб ташлатаман, деб ҳукм юритаётган дийдаси қаттиқ раҳмсиз одам эмасди. Агар ҳозир Жалил ўша аҳддан сўз очгудай бўлса «Гапинг тўғри, ошнам, ўликда нима гуноҳ, ётган ерида ётаверсин», деб чекиниши табиий эди.

Асадбек даҳлизга чиққач, Жалил билан Тўхтагонни кўриб, ўртоғига савол назари билан тикилди.

- Асад, Тўхтанинг бир илтимоси бор экан, ор-қангга қайтасан, энди ошнам...
- Нега? — Асадбек бу аёлга қарашни истамаётган бўлса ҳам мажбуран қаради.
- Сиз айтинг... биздан рози бўлсинлар...
- Розилик учун ҳам даллол керакми? — деб тўн-ғиллади Асадбек ундан кўзини олиб. — Ўзинг сўрайвер.
- Биз сўрадик, жавоб бермаяптилар...
- Икки мўъминни яраштириб қўйиш савоб, — деди Жалил. — Банда розилик билан кетгани дуруст.
- Шу савоб ўзингга буюрсин, — Асадбек шундай деб дераза томон ўтди-да, унга йўл бўшатди. Гапни чўзишдан фойда йўқлигини англаган Жалил кўп ўйлаб ўтирмай олдинга ўтди-да, аёлга «юр», деб ичкари кирди. Асадбек эса бу савдонинг нима билан тугашини кутиб турмай ташқарига чиқиб кетаверди. У Шорасул аканинг феълени яхши билгани учун ҳам Тўхтаҳоннинг кечирилмаслигига ишонарди. Бир марта Асадбек «Тўхта билан гаплашмаяпсизми, кечириб қўя қолмайсизми?» деганида «Онаси кечирмаган қизни мен кечираманми?» деган жавоб эшитган эди. Шорасул ака қизини фақат беҳаёлиги учун эмас, хотинининг исноддан кўйиб, бевақт ўлишига сабаб бўлгани учун ҳам кечиролмас эди. Асадбек буни ўша суҳбатдан кейин тушунганди.
- Шорасул ака қизини кечирса хотини руҳига хиёнат қилгандай бўларди. Ўртада турган Асадбекнинг гапини икки қилмай қизининг кўчиб келишига розилик берганидан сўнг ўтган кунлари унга азобли бўлди. Қизи уйига қайтди-ю, ўзи азобли, тўлғоқли денгизга фарқ бўлди. Тўхтаҳон остона ҳатлаб кириб келган дақиқадаёқ хотинининг руҳи чирқиллай бошлаган каби туюлди. Уйқуларидан ҳаловат қочди. Тушларида хотинининг ғамнок кўзларига термилиб «Қизимизни кечира қол, ёшлиқ қилган-да», деб ҳам ялинди. Лекин хотинидан садо чиқмади, демак кечирмади. Шу сабабли ҳам Шорасул ака қизининг розилик сўраб айтган зорли сўзларини жавобсиз қолдирган эди.
- Асадбек кўча эшигига қадар кузатиб чиққан куёвга «хайр» ҳам демай, машинага ўтирди. Ҳалимжон «Жалил ака ҳам чиқадиларми?» деган савол назари билан хожасига қараб жавоб олмагач, таваккал қилиб машинани юргизмоқчи бўлди.
- Тўхта, аканг чиқмайдими? — деди Асадбек уни жеркиб.
- Жалил узоқ қолмади. Машинага чиқиб ўтиргач, Асадбек «Ҳа, рози бўлдими?» деб сўрамаса ҳам ҳисоб берди:
- Чол қайсар, кўнмади.
- Асадбек ўртоғига «Аҳмоқ бўлмасанг ўртага тушармидинг?» — деган маънода қараб қўйди. Жалил бу қарашдаги маънини уқмагандай худди ўзига ўзи гапирган каби давом этди:
- «Онасидан сўрамаган розиликни мендан сўрайдими, оқ сутни мен эмас, онаси берган», деди. Мен бир нима дея олмадим. Тўхта қўрқяпти, бу норизолик болларимга урмасайди, деб ташвишланяпти.
- Асадбек бу гапларни эшитмагандай девор бўйи тахлаб ташланган пишиқ ғишларга имо қилиб сўради:
- Кўёв боланг уй қурмоқчимми?
- Шунақадир. Нима эди?
- Овора бўлмасин, айтиб қўй: жанозадан уч кун ўтгач, келган ерларига кўчиб кетишади.
- Сен ҳам ўжарсан.
- Бу менинг ҳукмим эмас. Уй Соҳиб сариққа қоларкан.
- Бир оз юришгач, Жалил машинани тўхтатиб, «Укамда ишим бор», деб тушди-да, эшикни ёпмай туриб:
- Менга қара, сенам бир фаросатингни ишлатгин, номаҳрам деган гапни тушунасанми ё йўқми, даюс эмассан-ку, ахир, — деди. — Хўп, илгари майли эди, энди келинларинг бор. Лайчангни бошқа ёққа боғла, фар кўзини лўқ қилмай юрсин.

Бу гапни эшитиб Асадбек машинадан тушди-да, Жалилга яқинлашгач билагидан ушлаганича бир-икки қадам нари юрди. «Лайча» дейилганида ким назарда тутилганини англаб турса ҳам: — Ҳайдарни айтяпсанми? — деб босиқлик билан сўради.

— Ҳа, яна бошқа лайчанг борми?

— Энди... ошнам, ҳадеб унга ёпишаверма.

— Намунча?! — Жалил жириллашини бошламоқчи эди, Асадбек билагини қаттиқроқ қисиб, силтади:

— Гапни эшит: Ҳайдар ёмонми-йўқми, сендан кўра яхшироқ биламан. Ҳайдар билан орамизда дўстлик йўқ, иш бор. Шунинг учун сен тинч юр. Илгари осилсанг ҳам энди осилма. Энди у... — Асадбек «хўжайин» деб юборишига салгина қолди. Гапни бошлашга бошлаб қўйиб яқунлашга тараддудланганини сезган Жалил унга тик қаради:

— Ҳа, тинчликми? Гапиравер.

— Энди у бошқа одам, — деди Асадбек.

— Унинг ўлганда ҳам бошқа одам бўлмайди.

— Сен ҳам одамга ўхшаб бир марта «хўп» дегин. Сен учун у энди йўқ, ўлган, кўмиб ташланган, билдингми?

— Билмадим. Очиқ гапир, нима бўлди? Масковдан келишинг менга ёқмай турибди.

— Ҳозирча «хўп», деб туравер, қолганини кейин билиб оласан. Энди боравер, уканг соғиниб, ичикиб ўтиргандир.

Асадбек шундай деб изига қайтди. Жалил эса турган ерида унинг орқасидан қараб қолди.

## Х б о б

### 1

Ҳаммаси ортга чекинди: ота-онасининг мунгли нигоҳи ҳам, Ноиласи билан баҳслашувлари ҳам энди безовта қилмай қўйди. Бел томонга азоб бераётган оғриқ камайиб, уйқули дамларидан кўра уйғоқ соатлари кўпайди. Беҳисоб дориларнинг кучидан карахт бўлсада, ўтмиш воқеаларни идрок этишга уринди. Ана шундай онларда Зелихоннинг «нодонсан, сен бола» деган гапини эслади. Қамоқдан чиқиб учрашганларида Зелихон бу гапни эркалаш оҳангида айтган эди. Асадбекнинг гапини икки қилмай эски ҳовлига келиши, унинг ҳукмига итоат этиб, узатилган тўппончани олганича ташқарига чиқишини ҳар эслаганида Зелихон энди эркалаш ўрнига жаҳл билан «Нодон!» деб сўкаётгандай туюлаверди. Аслида Зелихон эмас, «Қасоскор ҳам шунчалар аҳмоқ бўладими!» деб Элчин ўзини ўзи сўкарди. Сўка-сўка қанча ўйламасин, Асадбек мақсадининг тагига ета олмаётгани баробарида Жамшиднинг пайдо бўлиб қолиши сабабини англашга ҳам ожиз эди. Уй-фонган турли гумонлар оқимлари унинг эсини тескари қилиб юборди. Дастлаб «Асадбек жонимни олишга юбордим бунини» деб ўйлади. Қимирлашга ҳам ҳоли йўқ дамда шунинг қўлидан ўлим топмоғи унга алам қилди. «Ей Худо, менинг азроилим шу жаллод бўлса, майли, олсин жонимни, аммо озгина фурсат бер менга, ўзимга келиб олай, менга озгина куч-қувват ҳам бер, ўлсам-да, олишиб ўлайин!» деб нола қилди.

Зелихон Сочидан телефон қилиб «Жамшид тирик» деганидан сўнг асадбеклар оламининг найрангига тушунмай гангиб юрган Элчин ҳайрону паришонлик гирдобига янада тортилди. Жамшид «Ҳофиз ака», деб чақиргач, «ўлдирмайди шекилли, жон оладиган одам чақириб ўтирадимми?» деб ўйлади. Жамшид чиқиб кетгач эса: «Нега чақирди? Биз Зайнаб билан топишдик, сиз ўлимингизни кутиб шу ерда ётаверинг», демоқчимиди?» деган хом хаёли ҳақиқат мақомига кўтарила бошлади. «Зайнаб энди келмайди», деган фикр бу ҳақиқатга қувват берди. Сўнг тақдирга тан бериб Зайнабни оқлади: «Ташлаб кетишга ҳаққи бор. Агар шу мараз унга бахт беролса, бахтли бўлишга ҳам ҳақли!» Элчин шундай тўхташга келишга келди-ю, бироқ, «бир қўли билан жонимни олиб, мени бахтсиз қилган одамга иккинчи қўли билан

қандай бахт тутсин?» деган саволга жавоб топа олмади.

Ҳамширанинг «гапирмасалар ҳам керак» сўзларини эшитгач «Қани эди, ҳам кар, ҳам кўр бўлиб қолсам», деган армон уйғонди. Ҳамшира айтмаса-да, гапиролмаслиги унинг учун янгилик эмасди. Уни ҳушсиз деб ўйлаган дўхтирнинг «умуртқа шикастланган, бир умр ҳаракатсиз ётади, тилдан ҳам қолади», деганини эшитган эди. Шу сабабли йўқловчилар келиши билан беихтиёр равишда чалажон каби кўзларини юмиб олаверди. Ҳеч ким йўғида эса бармоқларини қимирлатишга уринди. Оёқ панжалари ҳам ҳаракатга келгандай бўлди. Гапирмоқчи бўлди, ғўдираган товушини ўзи ҳам эшитиб, енгил тортди. «Дўхтирларнинг ҳамма гаплари бекор», деб ўзини ўзи овутди. Жамшид келиб кетганидан сўнг Зайнабни кутди. Ҳатто «иккови бирга келса фотиҳа бериб юбораман», деб ҳам ўйлади. У қайнотасининг «менинг энг катта хатоим — сени ўлдиртирмаганим», деган гапини унутмайди. Шунга кўра, ҳали бу аҳволга тушмай туриб, «менинг энг катта хатоим шулар билан ўчакишганим бўлди, қизига уйланиб, паст кетдим», деган фикри қатъийлашган эди. Бу ерда ётиб хуши ўзига кела бошлагач, бу ўйиндан, бу даврандан чиқиш йўлини излади. Назарида биринчи қадами — Зайнабнинг жавобини бериш эди. Зайнаб кўнглида илиқлик уйғота бошлаган бўлса-да, «ундан айрилиш азоби юрагимни парчалаб ташламас», деб ҳисоблади. Асадбек оламидан қутулиш бахтининг саодати хотиндан айрилиш паришонлигидан улуғроқ туюлди. Зайнабдан ажралиш аҳди жон бериш ҳукми билан баробар эканини унинг ноқис ақли фаҳм этмас эди.

Елчин узоқ йиллар давомида муҳаббат оловлари ҳақида ашулалар айтиб юргани билан одамларнинг қалбини билмас эди. Айниқса аёл қалбининг қудратини, ундаги руҳ тўлқинларини ҳис эта олмасди. У «Зайнаб аламзада, мени ҳеч қачон кечирмайди», деб ўйлаб янг-лишмаган эди. Тўғри, Зайнаб қалби тўридаги умид чиннисини синдирган, тупроққа қорган одамни кечирмас эди. «Муслима кечиримли бўлмоғи керак, Оллоҳнинг розилиги учун гуноҳидан ўт, кек сақлаш дуруст амаллардан эмас»лигини билганида ҳам, тақдиридаги машъум кунларни унута олмасди.

Бироқ, унда Элчиндан қасос олиш режаси йўқ эди. То турмушга чиққунига қадар, аниқроғи, «Сиз... ўшами?» дейилгунига қадар унда қасос ўти мавжуд эди. «Отам мени хорлаган йигитни топсалар уни ўзим ўлдираман», деган аҳди бор эди. Қийнаб ўлдиришнинг турли йўлларини ўйлаб, топиб ҳам қўйганди. Лекин ўша хорлаган одамнинг қийшиқ бармоқлари никоҳ кечаси ўзини ошкор қилган дамда бу аҳди — қарори бўғилди. Бу аҳдга нисбатан «Ерга итоат этмоқ» деган ҳаёт қонуни устунлик қилди. Жамшидга бўлган муҳаббати хуружга кирган дамларда ҳам ўша итоат қонунига омўхта бўлган эрлик жувон ҳаёси вужудидаги ўч оловини ўчириб турди. Элчин хотинига хос бу фазилатларни билмас, ҳис қила олмас эди.

Шу сабабли ҳам кейинги сафар Зайнаб ёлғиз кириб келганида ажабланди. Ярим очик эшикка қараб, Жамшиднинг қораси кўринишини кутди. Зайнаб эрининг эшикка тикилиб қолганини кўриб, орқасига ўгирилиб қаради. Сўнг ҳайрон тарзда «тузукмисиз?» деб сўради. Элчиннинг «рахмат» дейишга қурби етарди. Бироқ, гапиришни истамай, киприк қоқиб «ҳа» ишорасини қилди. Улар соғ пайтларида ҳам узоқ суҳбатлашишмас эдилар. Шунда Элчин ўзида бир масъулият сезиб, Зайнабни қизиқтириши мумкин бўлган воқеаларни баён қилиб ўтирарди. Ҳозир бундай зўраки суҳбатга хоҳиш ҳам, қувват ҳам йўқ эди.

Ҳамшира кириб, бир-бирига тикилиб турган эр-хотиннинг унсиз суҳбатини узди.

— Эрталаб эрингизнинг жиянлари келишувди. Профессорга ҳам учрашишди. «Жавоб тегадиган бўлса олиб кетамиз», дейишди. Профессор айтдиларки, буни фақат сиз ҳал қилар экансиз? Бу гапни эшитиб, Элчиннинг қалби бир қалқиб тушди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда хотинига нажот кўзлари билан қаради. Яқингинада хотинининг жавобини бериб, уни Жамшиднинг ихтиёрига узатишни ўйлаб ётган Элчиннинг юраги «Йўқ!» деб фарёд ургандай бўлди. Айни фарёд Зайнабнинг кўкрагини зириллатди. Чувриндининг хотини «Бояқиш оёқ-қўлсиз, тилсиз нима қилади, бу азоблардан кўра Худо жонини ола қолмайдами?» деганида Зайнаб ундан ранжиган эди. «Оёқсиз-қўлсиз бўлса ҳам у менинг эрим-ку?!» деганди. «Енди жиянлари эга



чиқишмоқчимиз? — деб ўйлади Зайнаб. — Ҳа... хотини ташлаб кетади, хор қилади, дейишаётгандир-да...» Зайнаб хаёлида уйғонган бу фикрни ҳамширадан эшитгандай, унга норози қиёфада қаради:

— Бу киши менинг эрим, биласиз, а? — деди зардали овозда. Бу овозда Асадбекнинг руҳи сезилиб, Элчин энгил титраб олди. Зайнаб эридаги ўзгаришни сезмай, ҳамширадан, кўзларини узмаганича гапини давом эттирди: — Бу кишининг уйлари бор, оилалари бор. Жиянлари яна келишса шундай деб қўйинг. Рухсат теккан куни ўзим олиб чиқаман. Сиз эса... — Энди Зайнабнинг овозидаги қатъийлик кучайди. — Айтилган ишни қилинг: касалнинг олдига ҳар хил қаланғи-қа-санғиларни қўяверманг.

Зайнаб «тўғри қиламанми?» дегандай эрига қаради. Ундаги отасига хос мардлик Элчиннинг руҳини тамомила парча-парча қилиб ташлади. Кўзлари ёшга тўлиб, киприклари пирпиради. Зайнаб эрининг бош томонидаги стулга ўтириб олгач, қўлидаги тугунни ечди. Қайноғи салгина босилган қайнатма шўрвадан ичирмоқчи бўлди. Зайнаб «бу киши менинг эрим» деганидаёқ кўкрагида уйғониб, бўғзига қадалганича туриб қолган фарёд шўрвага йўл берармиди? Зайнабнинг зўри билан икки қошиқни амаллаб ичди-ю, бош чайқаб «ичмайман» ишорасини қилди.

— Дўхтир «кучлироқ овқатга ўтиш мумкин», деди. Эртага димлама қилиб келайми? — деб сўради Зайнаб.

Ҳамма эркаклар «ўлдирса ҳам паловхонтўра ўлдирсин», деганда Элчин «таомларнинг подшоси димлама», деб ҳисобларди. Баъзан ҳафсала қилиб икки кишилиқ димлама тайёрларди. Зайнаб шифохонада ётганида ҳам фақат димлама пишириб келарди.

— Сизчалиқ ширин пиширолмасам ҳам уриниб кўраман, — деди Зайнаб жилмайиб. Бу жилмайиш Элчиннинг илиниб турган жонини жойига қайтарди. У шукрона маъносида энгил хўрсинди. Шу хўрсиниш бўғзида тош каби тикилиб турган фарёдни йўқотди-ю, Элчин ҳам хотинига жилмайиш билан жавоб берди.

Зайнаб кетганидан сўнг Элчин ўзини соппа-соғ ҳис қилди, ўрнидан турмоқни, қанот чиқариб уйга қараб учмоқни истади.

Тунда эса ширин бир туш кўрди: тоғнинг лоззор бағрида Зайнаб билан қувнаб юрганмиш.

Зайнабнинг қўлида ширин бир бола эмиш. «Бу кимнинг боласи?» деб сўрармиш Элчин.

«Ўзимизники» — Зайнаб шундай деб қувнармиш. «Ўлик туғилди», дейишганди-ку?» «Сизни алдашган». Элчин ҳам қувнаб-қувнаб яйрабди...

Уйғонди-ю, кўнгли яна хиралашди. Ўлик туғилган боласини кўмган куни ўз-ўзидан тилга келган марсияни эслади. Элчин ўша куни ёлғиз ўзи уйига қайтиб, беихтиёр тарзда қўлига тор олган, ўзига бўйсунмаган бармоқлари «Гиря»нинг пардаларини топишни ирода этган эди. Куйга монанд равишда йиғлагиси келган, аммо йиғлай олмаган эди. Ўшанда «Гиря» тиниб, ундан-да маъюсроқ куй тарала бошлаган эди, тилидан эса ундан-да қайғулироқ сатрлар учган эди.

*Ай, бағримни тиглаган болам,*

*Ай, дунёга сиғмаган болам,*

*Ай, дунёнинг бевафолигин*

*Гўдакликдан илғаган болам...*

Елчин бу сатрлар қаердан қуйилиб келаётганини билмади. Бармоқлари лозим пардаларни ўзлари топганлари каби, тил ҳам зарур сатрларни ўзи баён қиларди:

*Қайдан келиб, қайга йўқолдинг,*

*Аччиқ-аччиқ ўйларга солдинг,*

*Онангнинг ё менинг гуноҳим*

*Қай бирининг касрига қолдинг.*

Ноиласининг ўлиmidан сўнг қамоқхонада тақдири ҳал бўлишини кутиб ётганида худди шунга ўхшаш марсия қуйилиб келган эди. Хаёлида туғилган марсиянинг сўзлари, куйи тилга чиқмай, бунинг эвазига кўз ёшига айланиб ёноқларини ювган эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кўз ёшларига сингган марсиядан ёноқлари куйди. Уйғонган дардини эса яна қалбига дафн этди.

## 2

Ерининг қариндошлари айтиб кетган гап Зайнабнинг ҳамиятига тегиб, ғазабини уйғотди. У «ногирон эрни ким олиб кетади?» деган муаммо уйғонар, деб сира ўйламаган эди. «Бунақа нотавонни бошимга ураманми, баттар бўлсин, ким олиб кетса-олиб кетаверсин. Худонинг ўзи мени ундан қутқарди. Ёш умримни хазон қилиб жинниманми, энди хоҳлаганимга тегаман...» дейиш у ёқда турсин, бунақа бемаъни гаплар ҳатто хаёлига ҳам келмаган эди. Отаси каби ўжарлик ғазаб ўтларида ёниб турса-да, онаси сингари тобелик, эрга итоат унинг ҳамишаллик йўлдоши эди. Тўғри, у Жамшидни севди. Аммо ҳаё қўрғонидан чиқмади. Бу тарзда севмоқ айб эмас, балки жувоннинг ўзи учун мислсиз бир азобдир. Қора дорининг хумори кучи билан Мардона бошлаган ботқоққа қадам қўйди, бироқ, ботмади. Чунки она томонидан ҳам, ота томонидан ҳам етти пушти тоза эди. Кишининг ақли бовар қилмас насл қуввати уни сақлади. Эри ўлиб кетган тақдирда ҳам унинг руҳи рўпарасида виждони қийналмас эди.

Ери ўлмай қолди. Қўлсиз, оёқсиз, тилсиз бўлса ҳам эри бор. Зайнаб бунинг учун Яратганга шукр қилмаса ҳам, хотинлик мажбурияти юзасидан нотавон эрга қаноат этмоғи лозимлигини биларди. Била туриб, уни парваришлашга ҳозирлик кўрарди.

Бўлажак заҳматларга ўзини руҳан тайёрлаган дамда қандайдир қариндошлар эрини олиб кетишмоқчи бўлишса? Уларнинг бу ҳаракатларини Зайнаб ўзи учун ҳақорат деб билди. «Кимсан, Асадбекнинг ёлғиз қизи бўлса, эрга қарамайди, хорлайди» — Зайнабнинг назарида улар дўхтирга шундай деб, ўз даъволарини асослашга уринишган. Жувоннинг алами айнан шундан эди. «Еримни олиб чиқсамми ё йўқми?» деб иккиланганида ҳам уларнинг бу ҳаракатлари, бу гаплари ғазабини кўзғотмаган бўларди.

Бу гап-сўзлар бўлиб ўтганда Манзура Олмонияда эди. Унинг қайтишини сабрсизлик билан кутаётган Зайнаб ҳасрат дафтарини варақлаб, онасига дардларини айтиш умидида эди. Акаларини нима сабабдандир Москвада қолдириб келган онаси, келин аяларининг юзларидаги маъюслик уни бу ҳаракатдан тўхатди.

Ҳасрат дафтарининг очилмаганига яна бир сабаб бор эди. Ўша куни эрининг қариндошларидан ғазабланиб, ота уйига қайтди-ю, юраги тошиб кетаверди. Уйга ҳам, ҳовлига ҳам сиғмади. Ғойибона бир куч уни шифохонага тортаверди. Шунда отаси зиёфат берганда хизмат қиладиган ошпазни чақиртирди-да, димлама пиширтди. Шомга қолмай қайноқ овқатни кўтариб, шифохонага жўнади. Унинг назарида уйдаги димлама пишгунча эрининг қариндошлари ишни пишитиб, уни олиб кетишгандай эди. Эри ётган хона эшигини очиб, уни жойида кўргунига қадар юраги ҳаприқиб кетаверди.

Ҳамшира боя ташлаб кетилган қайнатмани иситиб ичираётган эди. Шу дамда Зайнаб эрини ундан-да қиз-ғанди. Ҳамширани чиқариб юбориб, шўрвани четга суриб қўйди-да, эрини димлама билан сийлади. Элчиннинг овқатланишидан кўнгли жойига тушди. Зайнаб лабларини артиб қўяётганида Элчин ўзи ҳам кутилмаганда «рахмат» деди. Паст овозда айтилган бу сўз Зайнабнинг қулоқларига ажиб бир роҳатбахш жаранг билан урилди.

Кейин келганида ҳам айтилди бу сўз. Ундан сўнг эса эри дудуқ бола каби тилга кириб, «Зайнаб... ке-чиринг...» деди. Шундан сўнг Зайнабнинг саодат юлдузи чекинмоқдан тўхтаб, бахтиёрлик осмонида чарақлай бошлаган бўлди.

Онаси, келин аялари келишганда эрининг тақдиридан сўз очмади. Манзура «Еринг кўринмайдими?» деб сўраганида «сал товлари йўқроқ», деб қўяқолди. Манзура кўёвининг қандай хасталик билан оғриганини суриштирмади. Чўғ тегиб қовжираган соч толасидай бўлиб қолган қизининг кўриниши уни ташвишлантди. «Ўзинг тузукмисан? деб бағрига қайта-қайта босди. Зайнабнинг кулимсираб «Яхшиман, ойи», дейишидан хавотири босилиб «балки боши қоронғудир», деб гумон қилди. Бу нурли гумон хуфтон дилини ёритиб, «есон-омон қутулиб

олишини» Худодан сўради.

Булутлар билан олишиб чарчаган қуёш уфққа умидсиз равишда бош қўйди. Зайнаб, табиат одатига хилоф бўлса-да, бу сафар қуёшнинг ботмаслигини, шом, сўнг хуфтон кирмаслигини истарди. Чунки шом кириши билан йўқловчиларнинг қадамлари узилади. Сўнг эса ширин сўзлари, ширингина жилмайишлари билан Зайнабнинг хуфтон кўнглини ёритаётган келинлар ҳордиқ чиқармоқ учун уй-уйларига кириб кетадилар.

Шунда... Зайнаб онаси билан ёлғиз қолади. Узоқ вақт дийдор кўришмаган, ҳар дақиқаси соғинч азоби билан ўтаётган она билан қизнинг ёлғиз қолишлари одатда саодат ҳисобланади. Агар онаси йўқлигида шум кўргиликлар балчиғидан ўтмаганида балки Зайнаб учун ҳам шундай бўларди. Бу кеч эса онаси билан юзма-юз ўтириш бахтни эмас, руҳ азобини ваъда қиларди. Шубҳасиз, онанинг сезгир нигоҳи фарзанду аржумандининг ич-ичини кемираётган дардни пайқайди. Дардга рўпара қилган сабабни билмоқни истайди. Ўшанда Зайнаб нима деб жавоб беради? Мардонанинг макрига учраганини ё отасига шармандали ҳолда кўринганини? Ё отасининг арқондан сиртмоқ ясаганини? Балки Мардонани ўлдириш қасдида бориб, уддасидан чиқолмаганини баён қилиб берар?

О, йўқ! Она қиз учун энг яхши ҳамроз бўлса-да, дард дафтарининг бу қора саҳифалари унга очилмайди. Бу сирни билувчилардан тўрттаси тупроқ остида ётибди. Энди заққум дарахтининг мевасидан ҳам аччиқроқ бўлмиш ғам болини фақат ота-болагина баҳам кўради. То сўнгги нафасларига қадар ўлчаб қўйилган бу ғам болига Манзуранинг шерик бўлишини Асадбек ҳам, Зайнаб ҳам исташмайди.

Зайнаб Элчин томонидан ўғирланиб, уйга ташлаб кетилгач, нима воқеа юз берганини онасига неча юз минг азоб билан зўрға айтганди. У воқеа қиз учун шармандали бўлса-да, Зайнабнинг айби йўқ эди. Шунда ҳам бир неча сўзни айтгунча қизнинг тили гўё чўққа айланиб, куйган эди. Энди-чи, энди қандай айтади?..

Сиртмоқ ясаб, ташлаб чиққан отаси қайтиб келиб, уни бағрига босган, бу билан гуноҳидан ўтганини маълум қилган бўлса ҳам, Зайнаб ўзини ўзи кечиролмас эди. Узоқ йиллар Кумуш бўлишни орзу қилган қиз, сўнг эса китобдаги Зайнабдан ҳам баттарроқ аҳволга тушган бахтсиз жувон ўз тақдирининг тушунуксиз сатр-ларидан ҳайрону лол қоларди. «Ўлайин десаим ўлим олмаса, ҳеч бўлмаса Зайнабга ўхшаб ақлдан оза қолмайманми?» деб ўйларди. Кейин... унинг синиқ кўнгли бир тошга дуч келишни истади. Тошга қараб: «Ёрилгин тош, ёрилтошим ёрилгиней, мен бағрингда паноҳ топайин», деса-ю, тош унинг илтижоларига чидай олмай ёрилса-да, ёрилтош қучоғига кириб, ўткинчи дунё ўтгунича унда қолиб кетса... Ёшлик сурури тупроққа қорилган, Кумушбиби эмас, «Тупроқбиби» «мартабаси»га етган жувон энди болалик умидларидан паноҳ изларди. Умидлари пуч эканини билса-да, ғойибдан мўъжизали паноҳ кутарди.

Бир донишманд ҳаётни тумшуқ томони йиртилиб, оғзи очилиб қолган этикка ўхшатган экан. Этик оч одам каби оғзини очиб тургани билан унга биров таом бермайди. Аксинча, менсимай тепиб ўтади. Ўша этикни бахтга ташна одамга ҳам ўхшатиш мумкиндир... Ҳар ҳолда Зайнабнинг ҳаётдан бахт кутиши шу ҳолатни эслатади. У ғойибдан ўз саодатини кутарди. Ғойибдан келувчи «сенинг бахтинг отангининг нафси учун қурбон бўлган», деган садони эшитмас, эшита олмас эди.

Ўзигина эмас, отаси, онаси ҳам эшитмас, эшита олмас эдилар. Чунки ғойибнинг бу каби овозларини ҳидоят йўлидагиларгина эшита олишлари мумкин... Ҳидоят йўлидагилар эса фарзандлари бахтини ўз нафс-лари йўлида қурбон қилмаслар.

Зайнаб хавотир билан кутган кеч сел каби ёпирилиб кирди. Меҳмонлар тарқалишди.

Манзуранинг изни билан келинпошшалар ётоқларига йўналишди.

Келин аяларини кузатган Зайнаб меҳмонхонага қайтиб, диванда ўтирган онасининг ёнидан жой олди-да, эрка қизалоқ каби уни қучди. Кўкрагига бош қўйди. Манзура қизининг сочларини силаб, ўпди.

Кун бўйи қуёш эпллмаган юмушни кечки шамол оппа-осон ҳал қилди: бир озгина ёмғир ёғишга имкон бергач, сўнг бош кўтариб, булутларни ҳайдаб осмонни тозалаб қўйди. Қизининг сочларини силаб ўтирган Манзура дераза оша осмонга қаради-ю, енгил хўрсиниб «Етқизганинга шукр», деб қўйди. Зайнаб бошини кўтариб, онасининг кўзларига боқди. Яратган Оллоҳ оналарнинг митти қалби, қалбидан-да кўра миттироқ кўзларини ўзига хос бир қудрат ва ажиб мўъжиза билан беҳад чидамли қилиб яратган. Агар Тангри таолонинг бу мўъжизаси бўлмаса дунёга сиғмаган ғам-ташвиш митти юракка, юракдан-да миттироқ кўз қорачиғига сиғармиди...

Манзура шу пайтга қадар кўргуликлардан бировга ҳасрат қилмаган. Айтгандамиди, ҳасратини эшитган одам, унга душманлик аҳдида бўлса ҳам, ачиниб, «бундан кўра келинлик чоғингиздаёқ эрингиз қиморга ютқизиб юбора қолса минг марта яхши эди, бунчалик кўп азоб чекмасидингиз», демоғи шубҳасиз эди.

Ҳозир ҳам қизи онанинг кўзлари тубига яширинган ташвиш вулқонини кўрмади. Онасининг енгил хўрсиниб қўйиш сабабини билмай:

— Ҳм, ойи? — деб сўради.

— Янги Ой чиқибдилар, — деди Манзура, дераза оша осмонга қараб. — Ўзларига тинчлар, элга нотинч... Худо сақласин ҳаммамизни.

Манзура шундай дегач, қўлларини фотиҳага очиб, пичирлаганича узоқ дуо қилди. Ой янгиланганида онасининг «Янги Ой чиқибдилар», деб сизлаб гапириши, сўнг дуо қилиши Зайнаб учун янгилик эмас. Бундай ҳолатни кичиклигидан кўравериб, дуо фақат ҳилол кўринганида қабул бўларкан, мавҳумликка эмас, айнан ҳилолга топинмоқ керак экан, деган янглиш ўйда, у ҳам баъзи-баъзида Худодан сўрайдиганларини сўраб оларди. Ҳозир ҳам унсиз равишда онасига қўшилди.

Дуодан сўнг Зайнаб онасининг саволга тутиб қолишидан чўчиб «У ёқнинг тўйи қандоқ бўларкан, айтиб беринг», деб қистади.

Тўй манзараси туширилган видеокассетанинг Москвада қолган жомадонларда эканини эслаган Манзуранинг кўнгли хираланди-ю, аммо паришонлигини қизига сездирмасликка интилиб, таассуротлари баёнига берилди.

Зайнаб хавотир билан кутган нохуш ҳолатдан шу тахлитда қутулиб қолди.

### 3

Чўлпоной ҳам, Муштарий ҳам ота-оналарининг таърифларига кўра, «Совет Иттифоқи» деб аталмиш мамлакатни эртақларда тасвир этилган қизил аждаҳо салтанати каби деб билар эдилар. Ота-оналарининг Ватани бўлмиш юртини босиб ётган бу аждаҳонинг бошларини узгучи бир баҳодир чиқармикин, деб улар ҳам орзу қилар эдилар. Фақат суратларинигина кўрган бу юртга уларнинг дилларини қандайдир бир куч тортиб турарди. Бир куни дадалари ҳасратли оҳангда:

— Юлдузларим, киндик қонлариниз бурая тўкилмиш ўлса-да, чин Ватанларингиз Ўзбекистондир. Ўзбекистон — бизим галбимиз, бизим умидимиз юлдузидир. Оллоҳ жаннатдан бир улуш олиб, бизим ажадодлара Ватан қилиб вермиш экан. Бу Ватан — Ўзбекистондир. Манда тунда Ватан, деб кўз юмиюрман, субҳи содиқда эса яна Ватан, деб кўз очижурман. Оллоҳнинг номидан сўнг энг суюкли сўз мен учун Ватан — Ўзбекистон! Вақти келибким, барча сўзларимни ёддан чиқарсаларингизда, менинг бу сўзларимни унутмақдан тийилиниз, — деган эди.

Музаффархон Ватанга йўл кўрсатар, деган умидда йўлчи юлдуз — тонг юлдузига умид қилиб, қизининг исмини Чўлпоной қўйган эди. Қизлар буларни билишарди. Билишгани учун ҳам Ўзбекистонга келин бўлиб боражаклари ҳақидаги хабарни бир оз хавотир, айни дамда жиндек шодлик ила кутиб олдилар. Уларнинг хавотирлари қизил аждаҳо эгаллаб ётган юртга боришдан бўлса, шодликлари «бизим баҳонамиз ила ота-онамиз Ватанга етишурлар,

юлдузлари чиндан-да чақнар», деган ўйда эди. Бўлажак кув болалар билан танишиб, гаплашишгач, хавотирлари анча чекинди. Бўлажак қайноталарини қандай юмушлар билан банд экани, Тангри бу юмушлар эвазига қандай ажрлар тайёрлаб қўйгани, улар учун шубҳасиз мавҳум эди.

Бу ёруқ оламда яшаб турган одам, истиқомат еридан, сиғинаётган динидан қатъи назар, бирон жойга бормоқ истаса, ақли етган даражада режалар тузади. Бироқ, Оллоҳнинг истаги тамоман ўзгача бўлмоғи мумкинлигини ўйлаб кўрмайди. Ғофил банда мўлжалидаги тадбиру режалари амалга ошмаса-да, яна ўз ақлининг маҳсули бўлмиш тадбирларидан умид қилаверади. Донолар деб эканларким: «Қул тадбир олади, бироқ, тақдирнинг қайси марказда бўлишини билмайди. Тадбир эса Яратганнинг тақдири рўпарасида маҳв этилажақдир».

Ватан ҳавосининг гадоси Музаффархон ҳам, Гулузор бегим ҳам ўз тадбирларидан бахт кутган нодон қуллардан эдилар.

Ровийлар дерларким: Иброҳим Адҳам Балҳда подшоҳлик мартабасида эканида овга чиқиб, бир жайрон изидан от солибди. Жайрон бечора қочаверибди, у эса қуваверибди. От чарчаб, ҳолдан тойгач, жайрон тўхтаб, инсон сингари тилга кириб, дебдики: «Қувишни бас қилсанг-чи, эй ғофил банда! Сен бу иш учун яратилмагансан. Сени Оллоҳ мени овламоғинг учун бор этмади. Менга етиб олиб, овлаган тақдирингда нимага етишасан?» Бу гапни эшитган Иброҳим Адҳам ҳақиқатни англаб, подшоҳлик либосларини чўпонлик кийимларига алмаштирган экан.

Афсус шуки, бу ҳақиқатни англамак бахти ҳам барчага насиб этавермайди.

Ота-оналарининг тадбирлари туфайли бахтга етишажақларига ишонган икки қиз чарчаган бўлишларига қарамай ухлай олишмади. Ой нурида ялтиллаган шиллиқ қуртдан қуёш ясаб бўлмаганидек, ота-оналарининг тадбиридан бахтга етишолмасликларини англаб етмаган қизларнинг ҳар бири бўлиб ўтган воқеаларни ўзларича таҳлил этардилар. Қизларини кўзларининг икки гавҳари сингари авайлаган Музаффархон уларга юқори мақомда одоб бермоқ мақсадида исломни қабул қилган немис аёлини тарбиячиликка ёллаган эди. Физика илмидан эътиборли олималардан ҳисобланган фрау Хелга исломнинг илмий мўъжизалари билан танишгач, университетдаги вазифасини тарк этган, ҳатто исмини «хоним Хадича» деб ўзгартирган эди. Тарки дунё қилув ниятидан узоқ бўлмиш бу аёл илмдаги ёлғон, нотўғри йўналишлардан йироқ юрмоқни истаган эди.

Музаффархон ҳам замонни, ҳам исломни билувчи аёлнинг қизларига тарбия бермоғини орзу қиларди. Бу муаммони доктор Худоёр осонгина ечиб берди. Ота-она бир, ҳатто тарбия мезони бир бўлгани билан қизларнинг феъллари айри-айри эди. Чўлпоной руҳан хоним Хадичага яқин эди. Унинг сўзларини ҳамиша бутун жону дили билан берилиб тингларди. Унинг ҳар бир гапини ҳатто ҳақиқат тарзидан қабул қиларди. Муштарий эса, аксар ҳолларда бу гапларни зеркиш азоби билан тингларди.

Асадбекнинг хонадонида, келинлик кўшиқда биринчи тунни ўтқазаётган опа-сингилларнинг хаёллари олган тарбияларига монанд равишда эди. Чўлпоной кув тўраларнинг Москвада олиниб қолинишларининг асл сабабини билмаса-да, бу ҳаракат замирида зулм ётганини ақли билан ҳис этарди.

Чўлпоной бойлик бахт эмаслигини яхши тушунарди. Хоним Хадичанинг «Улуғ Оллоҳ Фиръавнга тўрт юз йиллик умр, мол-мулк, шоҳлик ва унинг бошқа турли орзулари адосини насиб этди. Буларнинг барчаси фароғат эмас, балки уни Оллоҳ ҳузуридан узоқлаштирган нарсалар эди. Фиръавнга ҳатто бош оғриғи ҳам берилмадики, оқибат у Ҳақни эсламай ўтди. У ўз муроди билан банд бўлди ва Яратганни хотирламади», деганларини тез-тез ёдлайди, ҳар элаганида янги маъно уқади. У бойликни атрофи паришонлик уммони билан ўралган ожиз орол деб билиб, бу оролнинг қачондир чўкиб, йўқ бўлиб кетмоғи тайин эканини ҳам англайди. Орол чўкиб кетмаган тақдирда ҳам, ундагилар паришонлик уммонида тез-тез чўмиларлар, бу сувдан ичарлар. Балки жон берар онларида ҳам лабларига ана шу паришонлик уммонининг афсус сувидан томизарлар...

Опа-сингил бир-бировига туннинг хайрли ўтмоғини тилаб, уй-уйига киргач, ўзларини олам аро ёлғиз қолгандек ҳис этдилар. Бундаги ҳамма нарса улар учун бегона эди. Бу ялтироқ пардаларни, серҳашам қандилларни, жавон тўла идиш-товоқларни Оврупо тарбиясини олган қизларнинг дидлари ҳазм қилолмас эди. Ортиқча ҳашамсиз, латифлик ила уй тутишга кўниккан қизларга бу уйдаги безағу анжомлар оғир юкдай туюлиб, худди бошлари устига бостириб келаётгандай бўлаверди. Ҳам бу оғирлик, ҳам ёлғизлик уларни дастлабки онданоқ сиқувга олди. Хоним Хадичанинг тарбиясига кўра, улар зериккан дақиқаларида китоб билан ҳамроз бўлардилар. Уларнинг хоналаридаги жавон безаклар билан эмас, турли тилларда, турли мамлакатларда нашр этилган китоблар билан банд эди. Опа-сингилларнинг ўзлари учун ажратилган келинлик хоналарига киргандаги дастлабки ажабланишлари ҳам жавонда бирорта китоб йўқлиги бўлди.

Қизлар лозим бўлганда руҳларига далда берувчи китоблардан беш-ўнтасини олволган эдилар. Аммо ҳозир, ёлғизлик омбурига маҳкум онларида халоскор бўла олгучи бу китоблар эрлари билан биргаликда Москвада қолган...

Чўлпоной бир оз энгил тортиш мақсадида ичкарига кириб, юз-қўлини муздек сувга ювиб чиқди. Хонанинг чироғини ёқмай, дераза пардасини сурди. Шунда кўзлари самодаги ҳилолга тушиб, «алҳамдулиллаҳ!» деб пичирлади. Худди соғинган кишисига етишгандай, уч кунлик Ойга суқланиб боқди. «Бу ернинг осмони биз томонлардан тамизроқ, тиниқроқ экан, — деб ўйлади у. — Ойнинг нури-да, юлдузларнинг нурлари-да тамизроқ. Одамлари-да шундай бўлсин, иншооллоҳ» Чўлпоной яна бир оз осмонга мафтун ҳолда тикилиб тургач, сингисининг ҳузурига ошиқди.

Тунги чироқни ёқиб, юмшоқ оромкурсида ўтирган Муштарий опасининг кириб келишидан қувониб кетди.

— Бу не ҳолки, ақлим лол, — деди у ўрнидан туриб. — Айрилиқ кишани урилган маҳкума мартабасига етушмагимиз муборак ўлсун.

— Зинҳор! Ақлингиз лол-у ҳайрон бўлмасин, юлдузим, — деди Чўлпоной, сингисини худди онаси каби эркалаб. — Бери келинг-чи, кўкка бир боқинг-чи...

Бу хона деразасидаги парда ҳам сурилиб, Муштарий ҳилолга опаси сингари соғиниб боқди. Сўнг худди ўзига ўзи гапираётган девонаваш сингари пичирлади:

*Жон қасди кўп этти ёр ҳижрони манга,*

*Хирмон ўқин урди улчи имкони манга,*

*Гар бўлса мутеъ чарх даврони манга*

*Еткурса мен ул ойға ё они манга.\**

— Бале, юлдузим! — Чўлпоной энгил қарсак чалиб, сингисини олқишлади. Бу олқиш айнан Гулузор бегимники эди. Қизларини мақтагиси келса шундай деб, энгил қарсак чалиб кўярди. Чўлпоной уйларида баъзан атайин, баъзан беихтиёр тақлидан равишда онасининг гапларини айтиб, қилиқларини такрорлаб турарди. Муштарий уйда бунга эътибор бермас эди. Ҳозирги аҳволида онасининг эркалашлари ёдига тушиб, бир энтиқди-ю, опасини энгил қучиб, елкасига бошини қўйди.

— Тингланг-чи, юлдузим, ҳилол биза бир ширин хабар шивирлайдир, — деди Чўлпоной сингисининг сочидан ўпиб. — Бу хабардин айрилиқ зиндонида тут-қун бўлганлар таскин топгайлар.

Муштарий бир оз жим турди. Худди сукунатга қулоқ тутиб опаси айтмоқчи, ҳилолнинг шивирлашларини эшитгандек бўлди. Сўнг бошини кўтариб Чўлпонойга тикилди:

— Оллоҳ, Оллоҳ, айрилиқ шомининг зимзиёлиги қанчалар дилни хуфтону жонни саргардон этгучи эмиш.

Чўлпоной сингисининг дардли гапларини эшитиб, кулимсиради-да, қошлари, юзларини силай туриб, деди:

— Ваҳ, ваҳ! Висол тонгининг равшанлиги қанчалар дилга ёқимлигу жонни қувонтиргувчи

эмиш...

Муштарий ўзини мажбурлаб жилмайди-да, жойига қайтди. Опасидан илгарироқ ўтириб, ҳурмат қоидасига хилоф қилганини англади-ю, чаққон туриб, Чўлпон-ойга узрли нигоҳ билан қаради. Чўлпоной синглизининг ёнига ўтиб ўтиргач, Муштарий енгил хўрсинди:

— Кўнглим бир қаҳва истар. Бунда бир хизматкор борми экан? Зайнаб хонимдан сўрамагимиз лозим эди.

— Пича сабр этинг, юлдузим. Дарровда бирон нимарса сўрамагимиз одоб саналмас.

— Ажойиб қизиқ қурилмиш бу уйлар. Сайр қилмоққа боғ ҳеч йўқтур. Одамлари-да ажойиб қизиқдурлар. Ўтирарлар, таом ерлар, сўнгсиз гапирарлар. Гапира-гапира чарчамаслар, таом ея-ея толиқмаслар, узоқ вақт ўтира-ўтира ҳормаслар. Кўрдимки, мусулмон юрт бўлса-да, бунда намоз қилмаслар.

— Бу менга-да ажаб туюлди. Насроний юртда намоз қилмаслик бизим учун айб эди, бунда айб эмас кўринадур. Бу сизнинг учун муддаонинг ўзи эмасдурми, деб хавотир қилурман.

Муштарий опасидан фарқли ўлароқ, уйда эканида намозга кўп ҳам эътибор бермас, ҳушига келса ўқир, бўлмаса йўқ эди. Чўлпоной ҳозир унинг шу одатига шама қилиб, айёрона кулиб қўйди. Умр йўлдошларининг доктор Худоёр таъсирида ўша ерда намозга ўрганганлари, уларнинг ҳам ибодатда собит эмасликларини улар ҳам билмас эдилар.

Асадбек ўғиллари билан меҳмонхонада тонг оттирган азобли кечада унинг хонадониди она ва қиз, опа ва сингил дунёнинг шўришларидан паришон ўтиришган эди.

Ертасига қайноталарига салом бераётганларида суюклиларига ўғринча қараб олишгач, кўнглил осмонида қуёш чарақлади.

---

\* Ҳазрат Алишер Навоидан. Мазмуни: Ёр фироғи жонимга кўп қасд этти, айрилиқ ўқи эса танимни нишон этти. Агар фалак менинг ҳукмимга бўйсунса эди, ўша Ойни менга ё мени унга еткурса эди.

#### 4

Дастлабки кунлардаги келди-кетдилар камайгач, опа-сингиллар зерика бошладилар. Абдусамад билан Абдулҳамид соғинган ошналари билан чойхоналардаги ўтиришларини бошлаб юборишгач, улар аввалига ажабланишди. Сўнг бу ерларнинг одатича «ер-хотин биргаликда судралиб юрмасликларини» билиб, афсус чодирига ўралганча бунга ҳам кўникишди.

Улар учун бу хонадонда бирдан-бир юпанч — Зайнаб эди. Эрлари ошхўрликларга кетган дамларда улар Зайнаб билан шаҳар сайрига чиқдилар. Элчинни ҳам йўқладилар.

Бир куни чой ичишиб ўтиришганда Муштарий:

— Зайнабхоним, сиз биза кутубхонангизи кўрсатмайсиз? — деб қолди.

Зайнаб онаси билан кўз уриштириб олиб, жавобга тараддудланди. Чунки кийим-кечагу безаклардан кам-кўсти бўлмаган бу жувоннинг кутубхонаси йўқ эди. Тўғри, у китоб ўқирди, баъзан дугоналари мақтаган асарни уч-тўрт кунга сўраб оларди, баъзида эса ўзи ҳам харид қиларди. Уйдаги китобни биров олгани, қайтиб бермагани билан иши йўқ эди. Китобларни тўплаб, кутубхона шаклида тартиб беришни эса ўйламасди. Келин аясининг саволидан шу сабабли ҳам хижолат бўлди. Ўзини мутолаасиз, жоҳил қилиб кўрсатиб қўймаслик учун:

— Кутубхона нариги уйимда, — деб оғир вазиятдан қутулди.

— Сўрамакка ижоза веринг, Зайнаб хонум, мумкинмикин билмагимиз: бунларда қайси бир китоб чўх севилиб ўқиюлур?

Бу саволга жавоб тайёр бўлишига қарамасдан Зайнаб «айтаверайми?» дегандай онасига қараб олди. Манзура бу қарашни бошқача тушуниб, «ёшларнинг гапларига ҳалал бермай», деган фикрда ўрнидан туриб, чиқди. Қайнонанинг ҳурмати юзасидан ўринларидан туришган келинпошшалар жойларига қайтишгач, саволга жавоб кутиб, Зайнабга қарашди.

— Катта-ю кичик «Ўтган кунлар»ни яхши кўриб ўқишади, — деди Зайнаб.

— О, чўх гўзалдир бу! — деди Чўлпоной қувониб. Сўнг қувончи сабабини изоҳлади: — Мен айни шундайдир, деб мулоҳаза қилиб эдим. Бу гўзал румонни ўзбекларнинг чўх суймасликлари мумкин эмасдир.

— Сиз... ўқиганмисиз? — деб ажабланиб сўради Зайнаб.

— Чўх-чўх маротабалаб, — деди Муштарий суҳбатга қўшилиб. — Унда зикр этилмиш сатрлар хаёлимизга-да муҳрланмиш.

— Сиз китобни нардан олдинийиз, деб ажабланиюрсизми? — деди Чўлпоной. — Бизим бир ватандош вордур, исм-насаблари Жўра Бўтакўз. Эшитганимиз ворми?

Зайнаб бунақа одамни эшитмаган эди, йўқ, маъ-носида елкасини қисиб қўя қолди. Чўлпоной бу кишини ўзи кўрмаган, шундай миллатпарвар ватандошлари борлигини отасидан эшитган эди. Ҳозир ана шу ҳикояларни баён қилиб берди. Жўра Бўтакўзнинг бу китобга ғоят меҳри баландлиги туфайли «Ўтган кунлар»ни барча ватандошларим ўқисин», деган мақсадда араб алифбосида нашр қилдирганини, бунинг учун Истанбулдаги меҳмонхонасини сотиб, барча маблағини босмахона харажатларига сарф этганларини, ношир истаб Эрону Покистонга қадар борганларини ҳаяжонли туйғу билан айтди. Опа-сингилга миллат равнақи йўлидаги улуг фидойилик ва жўмардлик бўлиб туюлган бу воқеани Зайнаб оддий иш сифатида қабул қилди. Чўлпонойнинг ҳаяжонли ҳикоясини эҳтироссиз тарзда тинглади. Хонадонида ҳам, ўқишда, дугоналари даврасида ҳам миллат тақдири, Ватан равнақи ҳақида сўзлар эшитмаган, «Ватанни суймак», деган тарбия мезонидан узоқ бўлган Зайнаб бу воқеадан келин аялари каби ифтихор эта олмасди. Чунки унинг учун Ватанни соғиниб яшаш ҳисси бегона эди. Миллат учун борини бериш, ҳатто жондан кечиш ҳам бир бахт эканини у қайдан билсин? Унинг учун бахт — Кумушбиби каби суйганига етишмоқ эди. Етишолмаганини бахтсизликка йўйди. Бу олам аро бундан-да кўра улугроқ бахт, бундан-да кўра ўлчовсиз бебахтликлар борлигини у тасаввур эта олмасди. Шахс ташвишидан ташқари миллат қайғуси деган фазилатлар борлигини Зайнаб бировлардан кўп марталаб эшитса-ю, ҳис қила олмаса, уни айблаш ўринли бўларди.

Яхшики, келинпошшалар Ватан тақдири, миллат қайғуси ҳақида ота-оналаридан эшитганларини айтиб, Зайнабдан бу борада фикр сўраб, уни оғир аҳволга солишмади.

Чўлпоной Жўра Бўтакўзнинг саргузаштларини айтиб адо қилгач, самимий тарзда деди:

— Бунларнинг қизлари худди Кумушбиби каби, худди Раъно хонум каби чўх гўзал эмишлар.

Бунда ҳар бир хонумқиз бир Кумушдир, бир Раънодур. Бизим яшаганимиз Олмонияда на бир Кумуш вордур, на бир Раъно. Мирзо Анварким, бежиз байт битмамишларким:

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,

Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

— Офаринлар, ташаккурлар! — Муштарий яйраб кулганича енгил қарсак урди. — Сўнг опасини қув-ватлаш мақсадида гап қўшди: — Бунда кўрдимки мен, ҳар бир хонимқиз Кумушдир, вале ҳар йигит бир Фарҳоддир, бир Қайсдир. Бобур мирзомни эслаймизми:

Қани Лайли била Ширинким, алардан ишқ ўргансанг,

Қани Фарҳод ила Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.

Зайнаб бу байтнинг айтилувидан мақсад — акаларини алқаш эканини англаб, жилмайди.

— Румонни мутолаа этивум жараёнинда Кумуш қандай қиз экан, деб чўх ўйга толурдим. Сизни кўрдим ва дедимки: ана, Кумуш!

Зайнаб бу гапдан сўнг бошини эгди. Келин аялари унинг бу ҳолатини ийманишга йўйишди.

Лекин кутилмаганда Зайнаб паст овозда:

— Кумуш ўлган... — деди.

Опа-сингилларга бу гап оғир таъсир этиб, бир-бирларига савол назари билан қараб олишди. Суҳбатни шу ҳолда узилишини истамаган Чўлпоной:

— Кумушбиби жисман ўлмишлар. Бибийимиз муҳаббатлари тирикдир, ўлмасдир. Унинг

туйғулари сиз ила бизда яшар, — деди-ю, бу гапи билан Зайнабнинг юрагидаги ярани тирнаб,



туз сепди. Зайнабнинг тирналган қалби ярадор қуш сингари потираб, жони бўғзига қадалгандек бўлди. Ундаги ўзгаришни опа-сингиллар сездилар. Муштарий «ножўя сўз айтдингиз», деган маънода опасига танбеҳ назари билан боқди-да, орадаги ноқулайлик тутунини тарқатмоқ ниятида «Мен қаҳва тайёрлайин-чи», деб ўрнидан турди. Ташқарига чиқиш баҳонасини қўлдан бермаслик учун Зайнаб «Ўзим тайёрлайман», деб чаққон турди. Аммо келинпошшалар бунга йўл бермадилар. Муштарий чиқиб кетгач, Чўлпоной қайинсинглисидан «Ўтган кунлар»ни ўқиш учун бериб туришини илтимос қилди. Китоб бу ерда эмас, Зайнаб нариги уйига олиб кетган эди. Элчинни кўриб, шифохонадан қайтаётганида уйига атай бориб, китобни қидирди. Тополмади. Кимга берганини ҳам эслолмади. Шундан сўнг дугоналарига бир-бир қўнғироқ қилиб сўради. «Ўзингда йўқ, оламда йўқ», деганларидек, китоб танишларидан ҳам топилмагач, бир-икки кундан сўнг кутубхонадан олиб келиб берди.

— Бу китобнинг харидори кўп. Дугонамга берувдим, у яна биттасига берибди. Китоб шу зайлда оёқ чиқариб, юриб кетган, қаердалиги номаълум, — деди ҳазил оҳангида.

Музаффархон бир кунмас бир кун Ватанга қайтишига ишонгани учун қизларига русларнинг алифбосини ҳам ўргатган, китоблар олиб келиб берган эди. Шунинг учун ҳам Чўлпоной китобни ўқишда қийналмади. Уч кундан сўнг китобни Зайнабга қайтариб бера туриб:

— Ажаб ҳол, — деди.

Зайнаб нимаси ажабланарли экан, деб ҳайрон бўлди.

— Ажаб ҳолки, — деди Чўлпоной яна таъкидлаб, — китобда чўх саҳифалар йўқтур.

— Биров йиртиб олибдими? — деди Зайнаб афсусланиб.

— Саҳифалар ўзларининг ўрнидадир, аммо нашрда чўх гаплар йўқтур. Биз Юсуфбек ҳожимнинг сўзларини юракларимиз кўзлари ила ўқиб, хаёлимизга муҳрлаб олгандирмиз, — Чўлпоной шундай деб, китобни варақлаб, бир ерда тўхтади: — Мана бунда йўқтур у гаплар, — Чўлпоной бир оз ўйлаиб турди-да, китобга киритилмай, тушириб қолдирилган сатрларни ёддан ўқиди: — «Буродарлар! Урус ўз ичимиздан чиқадиранг фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида қўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон, деб қирилишсак, ҳолимиз нима бўладир? Бу тўғрида ҳам фикр қилғувчимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлиға қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?!

Ҳожи ўзини тутолмай, кўз ёшисини оқ соқолига қуйиб давом этти: — Мана буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиған фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадилар. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдур. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимға еткан кўраман! — деди ва рўймоли билан кўз ёшисини артиб, ўрнидан турди...»

Шу ерга келганида Чўлпонойнинг овози титради. Деворга осиглиқ эроний гиламда худди Юсуфбек ҳожининг сиймоси тасвирлангандек тикилиб қолди. Сўнг деди:

— Дадам айтиб эдиларким, миллатнинг хорлиги айни ўша ҳаракатдан бошланмиш экан.

Миллатнинг иттифоқда собит эмаслиги ўз бошига қайғу солмиш экан... Китобда эса бунлар йўқтур...

Чўлпоной бошқа гапирмади. Китобни Зайнабнинг қўлига тутқазиб, ўзи изига қайтди. Китобдан тушириб қолдирилган сатрлар, саҳифалар тақдири унинг учун сир бўлиб қолаверди.

## XI 6 o 6

### 1

«Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан», деганларидек, Асадбекнинг ҳар бир қараши Кесакполвоннинг нигоҳига зирапчадек санчиларди. Асадбек билан Хонгирейнинг нима ҳақда, қандай тарзда гаплашганлари унга номаълум. У фақат суҳбат натижасини билади: Асадбек чекинган, бўйнига

мағлублик кишанини солиб қайтган. Бу кишаннинг бир учи Хонгирейнинг қўлидами ёки Кесакполвонга тутқазиладими — буни билмайди. «Ошна, бўлар иш бўлибди, энди четга чиқа қол, оёқларим остида ўралашмай тур», дейдими ё Асадбекнинг ўзи «Хайдар ошнам, энди сенинг ошиғинг олчи турибди, бу ёғига катта-катта босавер», деб бўйинини эгадими — буни ҳам билмайди. Ҳар ҳолда Асадбек бўйнига арқон боғланса кўзларини жавдиратиб турувчи ахта қўчқор эмас, бундай демаслигига Кесакполвоннинг ақли етиб турарди. Гапни ўзи бошласа балоларга қолишига ҳам фаҳми етарди.

Асадбек қабристонга бориб келганидан сўнг у кетишга баҳона излади. Ашулачи келиб, хиргойисини бошлагач, собиқ хўжайини, бўлажак тобеидан рухсат сўраб, кўчага чиқди. Асадбек бу сафар одатига хилоф равишда уни дарвозага қадар кузатиб чиқиб «Раҳмат, ошнам» деб, уни хайрат тўрига чирмаб қўйди. Шу пайтга қадар Кесакполвонни бу хонадонда биров кутиб олмаган, биров кузатмаган. У ўз уйига қандай кириб-чиқса, бу ерда ҳам ўзини шундай эркин тутарди. Асадбек кузатиб чиқиб «ошначилигимиз шу онда, шу остонада ниҳоясига етди, энди сен бегонасан», демоқчи бўлдимиз? Асадбекда бундай фикр йўқ, беихтиёр тарзда кузатган бўлса-да, Кесакполвон унинг ҳаракатини бегоналик сари қўйилган дастлабки қадам деб билди. Кўнгил хиралашганича машинага ўтирганида Қози унга кутилмаган янгилик айтди:

— Қозихонада сизни масковлик меҳмон кутиб ўтирганмиш.

Бу хабар Кесакполвонга хуш ёқди. «Яхши, Хонгирей одам юборибди. Бек билан бўладиган олди-бердини ўзи эплаштириб ташлайди», деб ўйлади.

Шу кайфиятда қозихонага кирган Кесакполвон Селимни кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай ажабланди. Шу сабабли қисқа салом-алиқдан сўнг дабду-рустан:

— Сени ким юборди? — деб сўради.

— Хонгирей, — деди Селим. — Сизга айтишмадими?

— Йўқ. Хонгирей билан қанақа алоқанг бор, сенинг?

— Ака-укачилигимиз бор, — деди Селим фахр билан. Ҳозир у кечагина Хонгирейнинг ҳузурида пусиб, қалтираб турган Селим эмас, балки ўзидан бир неча поғона пастдаги тобедан лутфини дариғ тутмай гаплашаётган хожа мартабасидаги одам эди. «Вақти келса бургани ҳам тақалаб бера оламан», деб ўйловчи Селим ёлғон гапи билан Кесакполвонни жиловлаб олмоқчи эди.

Кесакполвон «қанақасига ака-укасан, Ҳосил «пишт» деса думингни қисиб туришингни билмасмидим, Академикнинг дўппослаганини эшитмаганманми?» деб майдалашиб ўтирмади, Селимнинг гапига ишонгандай бўлиб:

— Хонгирейни қачон кўрувдинг? — деб сўради.

— Уч кун аввал.

«Демак, Асад бормасидан олдин кўришган. Бу ҳеч нима билмайди», деб ўйлаган Кесакполвон Селимни синаётгандек тикилиб туриб сўради:

— Хонгирей нима учун сени менга юборди? Мен кичкина бир одам бўлсам. Бу ерларнинг хўжайини бор?

— Сабабини Хонгирейнинг ўзидан сўрайсиз. Менинг билганим шуки, бу томонлар энди Хонгирейники. Бошқаларнинг тиши ўтмайди. Мен унинг вакилиман. Сиз билан бирга катта ишлар қилишимиз керак. Энди тирикчилик бошқачароқ бўлади.

— Тирикчилик, дегин... Эшитгандирсан, битта одам мажлисда насиҳат қилибди: «Касал бўлсангиз дўхтирга учранг, чунки дўхтирларнинг тирикчилиги бор. Дўхтир ёзиб берган дорини албатта сотиб олинг, чунки дорифурушларнинг ҳам тирикчилиги бор. Лекин бу дориларни ича кўрманг, чунки ўзингизнинг ҳам тирикчилигингиз бор». Ўша мажлисда гўрков ҳам ўтирган экан, шарт ўрнидан туриб: «Ўртоқлар, бу одамнинг гапига қулоқ солманг, ўша дориларни албатта ичинг, чунки менинг ҳам тирикчилигим бор», деган экан.

Селим кулиб, иягини қашиган бўлди-да:

— Гўрков бошқаларнинг ҳисобидан тирикчилик қилиб турар. Бизнинг ишимиз катта бўлади. Лимонад сотиб юриш жонингизга тегмадими? — деди.

Бу луқма Кесакполвоннинг ғашини келтирди:

— Сен бола, ақлинг етмаган ишларга аралашма!

Кесакполвон бу гапни худди Асадбек каби қошларини чимирган ҳолда, зарда билан айтди. Хонгирей беш бошли аждаҳо бўлса, энди битта боши менман, деб ўйлаётган Селимга бу зарда таъсир этмади. Хотиржам тарзда:

— Сиз бугун Хонгирейга қўнғироқ қилиб, келганимни айтиб қўйсангиз бас. Мен «Ленинград» меҳмонхонасида турибман. Бўш бўлсангиз ўтинг, бир ошиқ ташлаймиз, — деди-да, ўрнидан турди.

У чиқиб кетгач, хонтахта остидан телефонни олган Кесакполвон Москвадаги Хонгирейнинг қароргоҳи рақамларини терди. Хонгирейнинг ўрнига Маматбей гаплашиб, Селимнинг гапларини тасдиқлади. Кесакполвон қўғирчоққа айланганини англаб, пешонасини тириштирди. Қози билан бир оз маишат қилиб, юраги сиқилди. У Асадбекни йўлидан олиб ташлаб ўзлари яратган оламга танҳо ҳукмронлик қилмоқчи эди. Оқибат нима бўлди? Аввалги мартабасиданда пастлаб кетмадими? Ҳар ҳолда «Асадбекдан кейинги иккинчи одам», деган номи бор эди. Энди-чи? «Хонгирейнинг югурдаги» деган унвонга етишдими? Энди бу хомсемиз Селимнинг оғзидан чиқадиган гапга маҳтал бўлиб ўтирадими?

Агар Кесакполвонда номус туйғуси бўлганида бу ҳолга тушганидан кўра ўлимни афзал биларди. Бундай туйғудан холи бўлгани сабабли ўлим ўрнига хорликни мақбул кўра қолди. Ровийлар дерларким, Ҳиндистон подшоҳининг тўрт вазири бор экан. Вазири аъзам, Худонинг марҳамати билан, тенгсиз ақл-заковот эгаси экан. Яратганнинг қудратини қарангки, бировга ақлдан мўл берса, шун-га яраша ҳасадгўйларни ҳам бераркан. Уч ҳасадгўй вазири аъзамни йўлдан олиб ташлаб, подшоҳга янада яқинлашмоқ чорасини излашибди. Субҳи содиқда бир вазир кириб ажиб туш кўрганини баён қилиб дебди-ки: «Жаннатмакон отангиз у дунёда ҳам подшоҳлик давру давронини сурмоқдалар. Аммо ақлли вазирга муҳтожликлари бор экан. Ўғлимга айт, вазири аъзамни ҳузуримга йўлласин», дедилар. Бир ҳасадгўйнинг изидан иккинчиси, сўнг учинчиси кириб айнаи туш кўрганларини айтишибди. Подшоҳ бундан ажабланиб, вазири аъзамдан маслаҳат сўрабди. Вазири аъзам ҳасадгўйларнинг мақсадларини англаб дебдики: «Ей подшоҳим, отангиз амр қилган эканлар, бўйинсинмоқ фарздир. У дунёга рихлат қилмоқ олдидан менга қирқ кун муҳлат беринг. Бу даврни мен ибодат билан ўтказиб, тавбалар қилай, руҳимни поклаб олай. Мўътабар отангиз ҳузурларига бу дунёда топганим — гуноҳларни ортмоқлаб бормай». Подшоҳ рози бўлибди. Подшоҳ изн бергач, вазири аъзам фурсатни ғанимат билиб, уйдан то мурда ёқиладиган майдонга қадар лаҳм кавлатибди. Ўттиз тўққизинчи куни эса ўтинларни ўзи тахлатибди. Қир-қинчи куни оппоқ либосларни кийиб подшоҳ ҳузурига кирибди-да: «Мен тайёрман. Аммо оловни ўзим ёқаман. Гуноҳкор бандалар гулханга яқин келишмасин», деб огоҳлантирибди. Айтгандай қилиб, оловни ёққач, тутун кўтарилиши билан ўтинлар орасидан пастга тушиб, ерости йўлаги орқали уйига борибдию бир йил ташқарига чиқмай ўтирибди. Сўнг яна ўша оппоқ либосини кийиб, подшоҳга рўпара бўлиб дебдики: «Олампаноҳим, мен қайтиб келдим. Отангиз сизни беҳисоб равишда дуо қилдилар. Ва амр эттиларким, бу уч вазирингизни хизматларига юбормоғингиз жоиз экан». Подшоҳ ўйладики, «Мен вазири аъзамни булар кўрган тушга инониб у дунёга юборган эдим. У хизматини адо этиб қайтиб келди. Нега энди унинг сўзларига инонмайин?» Подшоҳнинг шу аҳди билан уч вазир ўтда ёнган экан...

Кесакполвон ўша вазирлар тоифасидан эди. У ўзининг майда ўғрилардан эканини унутган, Асадбек паноҳида юрмаганида сал нарсага қамалавериб ийиғи чиқиб кетиши мумкинлигини эса фаҳмлай олмасди. У баъзан «Асадбекни одам қилган менман, шунинг хизматида юрмаганимда аллақачон тож кийиб, қонундаги ўғриларнинг зўри бўлардим», деб ўйларди. Бироқ унинг калта ақли «Қонундаги ўғри мартабасига етиш учун ҳам фаросат керак», деган ҳақиқатни ҳазм қила олмас эди.

Кесакполвон айнаи дамда ранжигани билан Хонгирейга, ҳатто Селимга хизмат қилишга кўникиб

кетаверарди. Уни ташвишга солаётган нарса Асадбек томонидан бўлажак ногаҳоний ҳужум эди. Асадбек Москвага кетганида бу ташвиш бир оз чекинган, ўзига далда берувчи баҳонаю сабаблар топган эди. Асадбек қайтиб, кўз кўзга тушдию хавотир чўғи аланга ола бошлади. Яйдоқ даладаги кўйлакчан одам дўлда қолса — ўлиши тайин. Кесакполвонни Асадбекнинг дўлларида Хонгирей асрайдими ё кўйлакчан ҳолича дала ўртасига ташлаб қўяверадими? Қозихонадаги эски кўрпача устига ёнбошлаган Кесакполвон дўлдан ҳимоя қилиш чораларини ўйларди. Хаёлига бир фикр ярқ этиб урилди-ю, қаддини кўтариб, чордона қуриб ўтириб олди. Хожасидаги бу ўзгаришдан ажабланган Қози ўрнидан туриб «Хизмат, хўжайин», дегандай қўл қовуштирди. Кесакполвон «нега туриб олдинг?» дегандай унга ҳайронлик билан қаради-да:

— Нима буюргансан, димламами ё қозонкабобми?— деб сўради.

— Ош дегандай бўлувдингиз... — Қози шундай де-ди-ю, эгасидан тепки ейишдан кўрқиб думини қисган ит ҳолига тушди.

Кесакполвон Селим билан кўришмай туриб, чойхона ҳовлисида ўтаётганида ош буюрганини эслади, бироқ, сир бой бермай:

— Ош еявериб ичаклар пресс бўлиб кетди. Чиқиб айт, ёғлироқ гўшт босишсин, — деди.

Қози чиқиб кетгач, қаддини кўтаришга мажбур этган фикрга қайтди. У Асадбекнинг қаҳридан қутулиш йўлини топгандай бўлди: эртага тонгдаёқ қаймоқ кўтариб Асадбекникига боришни, нонуштада биргаллашиб қаймоқхўрлик қилишни, сўнг «Маҳмудни мен ўлдиртирдим», деб тан олишни режа қилди. Унингча «Маҳмуд сенга хиёнат қилиб Хонгирей билан тил бириктираётганини билиб қолдим. Ўзинг айтгансан, бизда хиёнатчига айтадиган гап битта бўлади... Сенга билдирмаганимнинг сабаби: уни ўзим топиб, ўзим тарбия қилган эдим. Гуноҳига шерикман. Шунинг учун ўзим йўқ қилдим», деган гапларига Асадбек оз бўлса-да ишониши керак эди. Шубҳасиз, у «ўзинг-чи, Хонгирейга қандай илакишиб қолдинг?» деб сўрайди. Кесакполвоннинг мўлжалича, жавобнинг «хўр-рози» шу саволга қайтарилади: «Хонгирей хитланиб, сенга осилмасин, деб номигагина яқинлашдим».

Ўзининг бу кашфиётидан қувонган Кесакполвоннинг чеҳраси очилиб, қозонкабобни буюриб қайтган Қозига бир-икки ҳазил қилди.

Маишатлари яқун топиб, кўчага чиқишгач, Кесакполвон «Қаерга борсам экан?» деб ўйланиб қолди. Хотинининг Японияга, қизи билан сартарошнинг Ленинградга жўнаши ҳақидаги гап-сўзларни эслаб, уйига боргиси келмади. Хотини бугун эрталаб «ери ўлган Ойсанам»нинг Японияга отланаётганини яна гапирганида «шу момақаймоқни анчадан бери кўрмадим-а», деб ўйлаган эди. Ҳозир ўша армонга барҳам бериб, жувонни кўрмоқ истагида машина сари юрди. Ҳайдовчи ўрнига ўтирмоқчи бўлган Қозини тўхтатиб, сўради:

— Дўхтирни топдингми?

— Уйдагилар айтишмаяпти.

— Бек аканг келди-я! Намунча лалаясан, ҳеббим! Уйдагилар айтмаётган бўлса битта боласини анави ерга тиқиб қўйгин, сайраганини ўзи ҳам билмай қолсин. Нима, шунга ҳам ақл керакми?

Кесакполвон шундай деб сўкинди-да, ҳайдовчи ўрнига ўзи ўтирди.

## 2

Ойсанам... Киприкларини узун-узун, қошлари камон, яна минг йил яшасам ҳам чиройимни бой бермайман, дегувчи латофат эгаси Кесакполвоннинг хаёлини ўзига тортган эди. Кесакполвон Ойсанамнинг онаси Кунсанамни эркалаб «қиз ўртоғим» дерди. У дастлаб қамоққа тушганида ўғрилиқ билан нон топиш, тирикчилик қилиш осон эмаслигини англади. «Детдом боласиман», деб болаларга зўрлик қилиш замони ўтган, ўғрилар оламида етарли обрўга эга бўлиш учун лозим зеҳн, тадбирнинг ўзида йўқлиги, охир-оқибат хорлик жандасига ўрашини ҳам фаҳмлаб, «сендан бошқа менинг кимим бор?!» деб кўз ёши тўкиб, Асадбекнинг этагидан маҳкам тутди. Кесакполвоннинг умри бўйи қилган энг ақлли иши ҳам шу эди. Дам-бадам уйғонувчи «Мен

ёнида бўлмасам Асад бу мартабаларга ета олмас эди», деган ўйига ўзи ҳам ишонмасди. Ўғрилиқдан узоқлашиб, Асадбек бериб турувчи чўталга қаноат қилиб юрган кезлари энгил-елпи тўй қилиб бўлса-да, уйланди. «Детдом боласиман» деб керилиб юрувчи Кесакполвон йигит кишига бошпана ҳам зарур эканини ўшанда тушуниб етди. Асадбек ўзининг эски маҳалласига тақаб солинган тўрт қаватли ғиштин иморатдан унга бир хонани ижарага олиб берди. Уч хоналик уйнинг эгаси заводдаги кутилмаган офат туфайли икки қўлининг панжаларидан айрилган одам эди. Унинг мажруҳлик учун оладиган нафақаси оиланинг нон-чойига аранг етарди. Хотини Кунсанам илмсиз, ҳунарсиз аёл бўлгани сабабли оилани тебрата олмас эди. Шу боис у ҳам мактабдаги фаррошлигига оладиган озгина маошига қаноат қилишга мажбур эди. Эр-хотин-ку сабр қиларди, аммо улғайиб келаётган ўғил-қизларининг емоқ-ичмоқ, кийинмоқдаги эҳтиёжларини қондириш машаққат эди.

Кесакполвон ижарага қўйиладиган хонани кўргани келганидаёқ бу чиройли аёлга хуштор бўлиб қолган эди. Назарида эри мажруҳ, оиласи муҳтожликда яшаётган бу аёл арзимаган «совға-салом» эвазига қучоққа осон кирмоғи мумкин эди. Сўз қармоқлари иш бермагач, югурик қўли белга борганида бир шапалоқ еб ниятга эришмоқ осон эмаслигини билди. Билди-ю, барибир мақсадидан қайтмаса-да, Кунсанамни баъзан «синглим», баъзан эса «қиз ўртоғим» деб «еъзозлаб» юрди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Асадбекнинг чўталларига қаноат қилмай, унда-бунда ўғрилиқ кўчасига шўнғиб, чўнтаги сал қаппайгач, ўзига бошпана сотиб олди. Шундан сўнг бу хонадон билан борди-келдиси узилди. Чўнтак бақувват бўлгач, кўнгилхушликка боп жувонларни топиш қийин эмас. Кунсанам ҳам кўнгил дафтарида осонгина ўча қолди. Аммо Ойсанам...

Кесакполвон бир куни бозорда Кунсанамга тасодифан дуч келди. Аввалига Кесакполвон уни танимади. Танигач, ичида «Шафтолиқоқи бўлиб қолибсан-ку, аҳволинг шу экан, нозингга бало бормиди?» деб қўйди. Кунсанам эса уни яқин одами деб билиб, кувёви нобоп бола чиққани, қизининг турмуши бузилганини афсус билан айтиб, ишга кирай деса дурустроқ жой чиқмаётганидан нолиди. Ўшанда Кесакполвоннинг тантилиги тутиб, Ойсанамни таксопаркка жойлаб қўйганди. Ўшанда Илёсов бош муҳандис бўлиб ишларди. Эрдан чиққан бу гўзал жувонни у қандай илинтирди, Кесакполвон билмайди. Кесакполвон Ойсанамни дуркун қизалоқ пайтида кўрган эди. Илёсов никоҳлаб олгач, меҳмонга бориб жувонни кўрди-ю, «Ваҳ!» деб юборишига озгина қолди. «Қўлимга қўниб турган шундай қушчани учуриб юбордимми?!» деб афсусланди. Кейин эса «Гидамни ўзимга яқин одамга сотибман, хоҳлаган пайтимда бир чеккасида ўтириб тураман», деб ўзини овутиди. Бироқ, бу овутишлари хомхаёл бўлиб чиқди. Онаси каби ҳуркак бўлган Ойсанам уни ёнига йўлатмади. Унинг бу қилиғи Кесакполвонга ношукрлик бўлиб туюлди. Унга қонундаги ўғриларга хос тантилиқ етишмасди — бировга яхшилик қилгач, индамай кета олмасди. У бировнинг ҳожатини чиқарганидан сўнг албатта шунга яраша жавоб бўлмоғини истарди. Ойсанамни «ёғли» ишга жойлашиб қўйиши унинг наздида улўф хизмат эди. Шу «улўф хизмат» эвазига бу ношукр жувон бир кечалиқ ишвасини унга инъом қилгиси келмади. Мазкур муаммонинг ҳал этилишида Кесакполвоннинг тарозуси билан Ойсанамники мос эмасди. Кесакполвон тарозусининг бир палласига ўзининг «улўф хизмати»ни иккинчисига жувоннинг ишвасини қўйган, шубҳасизки, палланинг «улўф хизмат» томони босиб турарди. Ойсанам эса тарозунинг бир палласига «арзимас иш»ни, иккинчисига эса номус-орини қўйган эди. Шу боис «арзимас хизмат» учун ширингина жилмайиб, «раҳмат» деб қўйишни кифоя деб билди. У гўзаллигини, кўз сузиб қараши ҳар қандай эркакни беҳуш қила олишини биларди. Эркакларнинг суқланиб қарашларидан роҳатланарди. Бироқ бу қарашларга банди бўлишдан ўзини тия оларди.

Бир бахтсиз айтган эканки: «Билмайин босдим тиконни, тортадирман жабрини, билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим жабрини».

Ойсанам бахтсиз эмасди, тиконни билмай босувчи тоифадан йироқ эди. Биринчи турмуши

ёшлик ўйноқилиги оқибати эмас, балки ота-онасининг истаги меваси эди. Таг-тугли узоқроқ қариндошларининг хонадонида қизларининг бахт топишига астойдил ишонган ота-онаси тиконни билмай босган эдилар.

Янгалар уч кун пойлаб зерикишди: келин-куёв қўшила олишмади. Куёв болани домлага олиб бориб ўқитиш ҳам натижа бермади. Кунсанам сабр қилди, воқеани мажруҳ эрига билдирмади. Ўғлига айтишдан ҳам қўрқди, ҳам уялди. Ойсанам ҳам сабр қиларди. Аммо... кичик чилласи чиқмай туриб, ярим тунда эрининг безовта бўлиб ён хонага ўтиб кетишидан ташвишланди. Сўнг сон томирига эм игнасидан дори юбораётган кўрди-ю, лабини тишлади. Сири ошкор бўлган эр уни ҳам дори олишга даъват эта бошлагач, уйига қайтди-ю, бор гапни яширмай айтди. Акасининг бориб куёв болани дўппослаб уриб келгани ҳисобга олинмаганида улар ортиқча гап-сўзсиз ажралишди.

Бу воқеа Кесакполвонга номаълум, фикрича, гўзал жувоннинг эрдан чиқишига бошқа сабаб мавжуд эди. Ҳар нима бўлганда ҳам Ойсанам Кесакполвон учун забт этилмаган кўрғон бўлиб қолаверди. Кесакполвоннинг маишатбоп хотинларга муҳтожлиги йўқ, «Ойсанами кўнмаса жонсанам-да» деб кетаверса бўларди. Лекин жувондаги кибр (ҳа, у номусни айнан кибр деб фахмлаганди) унга тинчлик бермади. «Ўн йил бўлса ўн йил, юз йил бўлса юз йил кутаман. «Акажон!» деб қўйнимга кирганини ўзи ҳам билмай қолади», деган аҳдини бугун эслади. «Миркаримовнинг ўлиги сувдан чиқибди», деган хабарни эшитиб, жанозага борганида ҳамма тобутни кўтариш билан овора эканида Кесакполвон майитнинг изидан йиғлаб чиққан хотинларга қараган, улар орасидаги Ойсанамни кўриб «йиғласа ҳам офатижон-а, даюсининг хотини» деб қўйган эди.

Ойсанамнинг Японияга отлангани ҳақидаги хабар Кесакполвоннинг тинчини бузган, бошида мингта ташвиш, минг битта ғалва бўлса ҳам, бу янгиликнинг тагига етишни истаётган эди. Дарвоза биқинидаги қўнғироқ тугмасини қайта-қайта босган Кесакполвон ичкаридан жавоб бўлавермагач, «Нима бало, Японияга жўнаворганми?» деб ташвишланди. Умиди синган тарзда изига қайтай деганида Ойсанамнинг «Ким?» деган товушини эшитиб, кўнгли яйраб кетди-ю, ичида «овозингдан акагинанг айлансин!» деб қўйди. Жувон яна бир карра «Ким?» дегач: — Менман, Ҳайдар акангман, — деб ўзини танитди.

Шундан сўнг ҳам дарвоза эшиги дарров очила қолмади. Бундан ори келган Кесакполвон зардали овозда:

— Нима, танимай қолдингми? — деди.

Ойсанам эшикни очиб, салом берди-ю, «келинг, киринг», демади. Орқага тисарилмади, ёнга ўтиб, йўл ҳам бўшатмади. Бу ҳаракати билан ўзига ёқимсиз бўлган эркакнинг остона ҳатлаб киришига майли йўқлигини ошкор қилди. Ойсанамнинг хоҳиши бор ёки йўқлиги Кесакполвон учун аҳамиятсиз нарса эди. Энг муҳими — бу уйга кирмоқча унинг хоҳиши бор.

— Шу томонга йўлим тушган эди, сингилжонимни би-ир йўқлай дедим. Сени кўрмаганимга ҳам минг йил бўлдиёв, — Кесакполвон шундай деб остона хатлагач, Ойсанам тисланиб, йўл бўшатишга мажбур бўлди.

Айвон иссиқ бўлгани учун уйга бошламади. Кесакполвон юмшоқ оромкурсига чўкиб ўтиргач, сигарет тутатди-да:

— Ўғлинг кўринмайдими, ёлғизмисан? — деб сўради.

— Ўғлим... ойм билан контсертга кетишувди, ҳозир келиб қолишади.

Ойсанам ёлғон гапирди: ўғли онасиникида, бугун келишмас эди.

— Ёлғиз зерикмаяпсанми? — деди Кесакполвон ишратталаб нигоҳини унга қадаб.

— Йўқ.

— Сен эрга тегишинг керак. Бевалик сенга сира ярашмайди. Сени... ўзим олиб қўя қолсаммикин, деб турибман.

— Меними?

— Ҳа-да, тегасанми, менга?

— Қўйинг-е, — Ойсанам шундай деб кўзини олиб қочди-да, четга қараган ҳолда пичинг билан қўшиб қўйди: — сизга... онаси ўпмаган қизлар маҳтал бўлиб туришибди-ку, мени нима қиласиз?

Кесакполвон дастлаб Ойсанамга осилиб, муддаога ета олмаганида «Мен хоҳладиму сен ноз қилдингми? Бир марта «гаҳ!» десам, онаси ўпмаган қизларнинг ўнтаси қўлимга қўнади», деган эди. Ойсанамнинг ўша воқеани эслаб пичинг билан айтган бу гапи Кесакполвонга нозли ҳазил бўлиб туюлди.

— Ўша гап эсингда турувдими, ёмонсан, сен ёмонсан. Билиб қўй: сени ростданам яхши кўраман. Онаси ўпмаганлардан бўлмасанг ҳам ўзинг зўрсан. Эрингга куйма. У сенинг тирноғингга ҳам арзимасди.

— Қўйинг, унақа деманг, бундай гапларни ер дарров етказди.

— Етказса етказаверсин. «Шилталиқ қилма», деб эрингга минг марта айтганман. Шилталиги бошини еди. Ўйнаши қамалиб кетдими? Бўйнига олибдими?

— Йўқ ҳали.

— Ие, иш ҳалигача чўзилиб ётибдими? Аканг ҳам ўтиргандир?

— Ўтирибдилар. Ишни энди прокуратура бошидан бошлаб кўрармиш.

— Сенга айтишдими, қаердан билдинг?

— Одам келди. Ҳаммасини бошқатдан сўраб чиқди.

— Сендан нимани суриштиради? Сен жабрланувчисан, даъвогарсан. Сен «еримнинг қотилини топиб берларинг», деб уларнинг ёқасидан олишга ҳақлисан.

— Ҳақимни биламан-ку... лекин... у одам сизни ҳам сўради. Асадбек акани суриштирди.

— Нима?! Нима деди?

— «Ерингиз билан муносабатлари қанақа эди? Келиб-кешиб туришармиди?» деб сўради.

— Сен нима дединг?

— Тўғриси айтдим: келишмасди, дедим.

— Калланг жойида сенинг. Келган одамнинг оти нима экан?

— Эсимда йўқ.

Кесакполвон сигарета қолдиғини кулдонга эзди. Жаҳли чиққанини яширмай:

— Ақлинг ошиб-тошиб ётибди-ку, нимага эслаб қололмадинг? Сен улар билан мушук-сичқон ўйнама. Агар қотилни топишолмаса, сиртмоқни айлангириб-айлангириб ўзингнинг бўйнингга ташлашади. Кейин юраверасан вой-войлаб, — деб зарда қилди.

Бу гапдан Ойсанам чинакамига чўчиб тушди:

— Нега менга ташлашаркан сиртмоқларини? — деди саросима билан.

— Сенга ташлашмай бувингга ташлашадими? Эрини ўйнашдан қизғаниб ўлдирган ёки, тўғрироғи, ўлдиртирган, дейишади, тамом! Ҳа, нимага довдираб қолдинг, бўлиши мумкин эмасми? Масалан мен худди шундай деб ўйлаганман.

— Унақа деманг.

— Нега демас эканман? Данғиллама уйинг бор. Сочингнинг учидан оёғингнинг тирноғигача тиллага ботгандирсан. Энди бунақа шилта эрни бошингга урасанми? Сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам ўлдиртириб юборардим. Тўғри қилгансан.

— Унақа деманг, — бу сафар жувоннинг овози титради.

— Демайман. Лекин бунақа ишда тўхматга қолиш ҳеч гапмас, эҳтиёт бўл. Яна сўроқ қилса гапингни билиб-билиб айт. Ҳа, Японияга кетаётган эмишсанми?

— Ҳали аниқ эмас. Битта ортиқча йўлланма бор экан...

— Шунақами? Сенга ошиқча йўлланма ҳам топила қолади-я! Сен уйингда жилмай ўтиравер. Японияни кўргинг келаётган бўлса, мен билан бирга борасан. Ҳўш, энди ҳалиги гапга нима дейсан?

— Қайси гапга?

— Менга тегасанми?

## 3

Кесакполвон аввалги аҳди бўйича эрталаб қаймоқ кўтариб келди-ю, аммо Асадбек билан нонушта қила олмади. Асадбек эрта саҳарда Ҳалимжон билан чиқиб кетганини болохонадаги йигитдан билиб, яна ташвишга тушди. Уйга қайтгиси келмай, жар ёқасидаги хонадонларда очилган емакхонага борди. Бошига ташвиш дўли ёғилиб турганда ҳам иштаҳадан нолимайдиган одамнинг бу сафар томоғидан овқат ўтмади.

Кун ёйилганида шаҳар марказидаги уч қаватли бино ертўласига жойлашган идорага қараб юрди. Идора эшигидан ҳар сафар Асадбекнинг ёрдамчиси сифатида кирар эди. «Бугун сўнги марта бу мартабада ўтяпманми, эртага хўжайини сифатида кираманми?» деб ўйлади.

Ендигина келган Бўтқа қизларни ишга солиб, хоналарни шамоллатган эди. Асадбек «Замон ўзгаряпти, қадамларингни билиб босларинг», дегач, тунги маишатларга барҳам берилган сабабли бу ер анча осойишта бўлиб қолган эди. Кесакполвон салом берган Бўтқага қараб «Бу бола менга керак», деб ўйлади-да:

— Расулжон ука, аҳволлар яхшими? — деб қўйди.

Бўтқа унинг бу муомаласидан ажабланди. Чунки у Кесакполвон томонидан «Ҳа, Бўтқа, қалайсан?» деб ҳол сўралувига кўникиб қолган эди.

— Раҳмат, акахон, чой қилайми ё қизилиданми? — Бўтқа шундай деб амрга маҳтал равишда унга қаради.

— Чойни қўятур. Бек акангдан дарак борми, бу ёққа келадиганми?

— Билмадим. Телефонлар жим.

— Менинг озгина ишим бор, ҳалақит бермай тур,— Кесакполвон шундай дегач, Асадбекнинг хонасига кирди. Унинг қиладиган иши йўқ, бўлажак суҳбат олдидан айтадиганларини яна фикр тарозусида ўлчаб олмоқчи эди.

Хонага кириб ўтиришга улгурмай Асадбекнинг овози эшитилди.

Асадбек эшикни очиб, ичкари кириши билан, бир маъно уқиш умидида, унинг кўзларига боқди: Асадбек кечагига нисбатан қувноқроқ кўринди. Қарашларидаги кечаги маҳзунлик, баъзан қора булут каби бостириб келувчи қаҳр энди йўқ. Бугундан эътиборан «собиқ хожа»га айланажак Асадбекнинг хуш кайфияти Кесакполвонга ҳам кўчиб, жилмайди. Зулм дарахтини биргаликда экиб, энди унинг мевасидан ким кўпроқ еяр экан, деган муаммони ҳал қилолмаётган бу икки банда орада хиёнат ҳам, ўлим ҳам, адоват ҳам бўлмагандай, бир-бирига оқибати зиёда одамлар каби илиқ кўришишди.

— Қаймоқхўрлик қиларман, деб борувдим, саҳармардонда жўнаворибсан. Кетинг ер искамайдиган бўлиб қолди, а? — деди Кесакполвон, меҳрибон дўст овози билан.

— Қадрдонлардан биттасини савобга йўқлаб қўй-дим, — Асадбек шундай деб, Кесакполвонни ажаблантирган ҳолда нигоҳини олиб қочди.

— Кимни?

— Сен уни танитайсан.

Кесакполвон «Мен танитайдиган қадрдонларинг ҳам борми?» деган маънода қараб қўйди-ю, гапни майдалашдан ўзини тийди. Шунинг баробаринда кеча хаёлига келган фикрни баён қилиш аҳди сусая бошлаганидан ғашланди. Ёлғонни ҳам, ростни ҳам бир хил оҳанг-да, кўзларини чақчайтирганича айтиб ташлайдиган одамни дангалчилик тарк этгандай эди.

— Маҳмуднинг ўрни билиниб турибди,— деди Кесакполвон, енгил хўрсиниб. — Ёнингда ўтиришига кўзларим ўрганиб қолган экан.

— Ўрни ҳали бери совумайди, — деди Асадбек, тагдор маънода, кейин Кесакполвоннинг елкасига қўл ташлаб, диван томон юрди. — Умри қисқа экан-да. Опичиб юрганингни кўрганимда бир-икки кунда ўлиб қолса керак, деб чўчиган эдим. Яна ҳам шунча яшади.

— Ишхонани бошқа ерга кўчирсакмикин? Хонага кирганда кўзга кўринавериб, одамни қийнаб юборади.



«Маҳмуднинг арвоҳи сени то гўрга киргунингга қадар таъқиб этиб, қийнайди. Қийноққа ўзинг харидор бўлиб, уни ўзинг сотиб олдинг», деб ўйлади Асадбек. Тил эса бошқа гапни айтди: — Кўчиш керак. Кўнглингга ёқадиган жой топ.

Асадбекнинг «кўнглингга ёқадиган» деганига Кесакполвон унча диққат қилмади. Чунки айрим ишларни топшираётганда Асадбек «билганингни қил» ёки «кўнглингга қара» деб қўярди.

Ҳозир Асадбек «кўнглимизга» эмас, «кўнглингга» деб атай таъкидлаган, бу билан «топадиган жойингда ўзинг иш юритасан», деган маънони сингдирмоқчи бўлган эди.

Диванга бориб ўтиришганда Бўтқа чойнак кўтариб кирди-да: «У-бу керакмасми?» деб сўради. Кесакполвон «у-буга ҳожат йўқлигини» айтгач, пиёлаларга чой қуйиб узатди-да, жимгина изига қайтди.

— Масковда Хонгирейни учратиб қолдим, — деди Асадбек, Бўтқа чиқиб кетгач. — Анавинда тўғри айтдинг: не бўлса ҳам мусулмонлиги бор бу боланинг. Козлов туфайли орамизга совуқлик тушди, деб афсусланиб юрувдим. Кўнгли кенг экан у чеченнинг. «Ўртамизда гина-кудурат йўқ», деб айтди. Мардлигига қойил қолдим. Шерикка ёлчибмиз, ошна. Ана энди ош-қатиқ бўлсак арзийди. Бир-иккита зўр ишларни мўлжаллаб қўйган экан, ўзинг биллалашиб юритасан.

Бу сафарги «ўзинг биллалашиб» дейилуви Кесакполвоннинг диққатини четлаб ўтмади.

— Мўлжалидаги иш жуда катта, лекин жуда нозик, қалтис. Буни фақат ўзинг эплайсан.

Кесакполвон энди «ўзинг» шунчаки тилдан адашиб чиққан сўз эмаслигини англаб, таҳрир киритди:

— «Ўзимиз» дегин.

— Йўқ, энди бу ишларни сен юритасан. Сен билан мен учиб бораётган мошинанинг мурватларимиз. Мурват дегани эскийди, ишдан чиқади. Мурват янгиланмаса, ўзинг биласан, машина абжақ бўлади. Иккаламиз билла юриб, ёмон бўлмадик. Энди мен четга чиқишим керак. Менинг ташқи кўринишим одам. Ичимни ҳали ҳам дард кемириб ётибди. Менга раҳминг келсин. Жумбоқнинг бу қадар енгил ҳал этилишини кутмаган Кесакполвон бир оз доводи раб қолди. Асадбекнинг аҳди қатъийми, самимийми ёки синаш учун айтяптими бу гапларни — фарқлай олмасдан гангиди. Собик хожасининг қарашлари, гапидаги оҳанг ичига яширинган сирни ошкор қилмади.

— Ҳа, нега жимиб қолдинг, гапир,— деди Асадбек.

— Нимани гапираман, Масковда жин-пин чалиб кетдим сени? Гапларингдан латта ҳиди келяпти. Касал бўлсанг, дамингни ол, ҳолингга қараб юравер. Сендан биров иш талаб қиляптими ё давлатнинг ишхонасига ўхшаб бюллетен кўрсатишинг керакми? Бир ёғинг-ни ёзга, бир ёғингни қишга қўйиб, таралла-бедод қилиб юравер, қанча иш бўлса, мен борман.

— Шуни айтяпманда. Ҳамма иш энди сенинг гарданингда бўлади.

— Гапни айланторма. Сен — Асадбексан! Мен киссавурдан чиққан майда одамман.

— Илгари майда бўлган бўлсанг, энди йириклашасан. Масала ҳал бўлган, мен Хонгирей билан келишиб келдим.

— Нима, энди Хонгирей хўжайинлик қиладими?

— Хўжайин эмас, у сенинг шеринг. Тенг шерик! Шуни унутмагину сира паст кетма. Яна бошингга чиқиб, ўтириб қўймасин.

— Бошни қотирма. Менинг шеригим ҳам, хўжайиним ҳам ўзингсан. Мени ташлаб, четга чиқсанг, номардсан.

Асадбек унга кулимсираб қаради: «Бу гапни энди Хонгирейга айтасан. Хурсандликдан ёрилиб кетай деяпсан-ку...» Асадбек собиқ аёнига шундай дегиси келди. Сўнг бўралаб сўкишни, кейин юмшоқ ерига бошлаб бир тепишни истади. Кўнгил жилови бўш қўйилса, нималарни истамайди. Вақти-вақти билан «портлаб» кетувчи Асадбек бу сафар кўнгли ҳукмига бўйсунмади, кўнглини азобларга қолдириб, кулимсиради. Тил ва дил бирлигини бутунлай йўқотди.

— Гапларингни қара, четга чиқиб сен билан юзкўр-мас бўлиб кетяпманми? Ўша ошнализимиз, ўша қадрдонлигимиз бир мисқол ҳам камаймайди. Гўримга кетгунимча ёнингдаман. Фақат ҳамма ишни ўзинг мустақил юритасан. Хонгирей мўлжаллаган ишда иккита ақлнинг биттаси ортиқчалик қилади. Энди мен сенга иш буюрмайман. Ҳа, айтмоқчи, охирги марта битта иш буюраман, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам бажарасан,— Асадбек ўрнidan туриб, қўлида кўтариб кириб, столи устига қўйган газитга ўроғлиқ нарсани олди-да, Кесакполвонга узатди: — Нима бу? —деб ажабланиб сўради Кесакполвон.

— Пул. Масковга кетмасимдан олдин Шарифнинг хотини берувди, — Асадбек гапининг ёлғонлигини ошкор этиб қўймаслик учун ҳамсуҳбатга қаттиқ тикилди.

...У эрталаб барвақт туриб, қабристондаги учрашувни эслаган, кун ёйилганда, аёлнинг идорага келишини истамай, уйига ўзи борган эди. Кесакполвон танитайдиган «қадрдонлардан биттаси» шу аёл эди.

Чала қурилишни кўриб, «ҳали ҳам битириб беришмабди-да», деб ғашланган бўлса, эски дарвозага осиклиқ қулф уни ажаблантирди. Кўчага сув сепиб, супураётган қўшни аёлдан буларнинг қаердалигини сўраб, «уйни сотиб кетишган», жавобини эшитди-ю, таажжуби янада ошди.

Насиба болаларини олиб, онасиникига кўчиб кетган экан. Асадбек қўшни аёлдан унинг манзилини билиб, қидириб борди. Шариф Намозовнинг уйидан ҳам ҳароброқ бўлган уйга болалари билан кўчиб келган аёлнинг аҳволи қандай эканини биров айтмаса ҳам, Асадбек ҳис этди. Асадбек ота уйига турли сабаблар туфайли қайтиб келган аёлларнинг қисмати ҳақидаги гапларни кўп эшитган. Уйлар кўп, яшаш бемалол бўлган тақдирда ҳам бир қориндан тушган жигарларнинг бир ҳовлида яшамоқлари жуда мушкул. Уйни сотиб келган бу аёлнинг ака-укалари бордир, демак, унинг «келин» деб аталмиш норасмий эгалари бордир...

Асадбек шуларни ўйлаб, машинада ўтирганида Ҳалимжон Насибани бошлаб чиқди. Аёл Асадбекни кўриб, бир тўхтаб олди. Сўнг чўчибгина яқинлашди. Асадбек уни бу қўрқувдан қутқариш мақсадиди машина эшигини очиб, ўтирган ерида уни қаршилади.

— Маҳаллангизга йўлим тушувди, ғалати гапни эшитиб қолдим-ку? Синглим, уйни сотибсизми? Насиба титроқ бармоқларини санаётгандай тикилиб қолди.

— Нега сотдингиз?

Насиба Асадбекка қараб олди. Унинг кўзларида ғазаб учқунини кўрмагач, сал дадилланиб, бир хунук йигитнинг пул талаб қилгани, кейин болаларини ўғирлаб кетганини айтди.

— Шунақа экан, нега менга бориб айтмадингиз? — деди Асадбек гина оҳангида.

— Боровдим, касал экансиз, ёрдамчингиз «биз бунақа жиноят ишларга аралашмаймиз, бошқа келманг», дедилар.

Асадбек бу гапни эшитиши билан кўз олдига дарров Кесакполвон келди. Чувриндининг бунақа демаслигига амин бўлса-да:

— Бўйи узунроқ, гавдали, мендан сал ёшроқ одаммиди? — деб сўради.

— Йў-ўқ... бўйлари сиздан анча паст эди...

— Ҳа... қора чигирткага ўхшаганми?

Аёл «ҳа» ишорасини қилди.

— Қабристонда менга шуни айтмоқчимидингиз?

— Йўқ... ҳозир... — Насиба шундай деб тезгина изига қайтди-да, сал ўтмай, қўлида газетага ўралган бир нимани Асадбекка узатди.

— Нима бу? — деб сўради Асадбек, газета ўрамига қўл узатмай.

— Бу... сотилган уйимизнинг қолган пули.

— Нима? — Асадбек «бу хотиннинг эси соғми?» дегандай тикилиб қаради. — Бу пулни... нега менга бер-япсиз? Ё... эрингиз васият қилувдими?

— Шариф акамнинг бир оғиз сўзларига зор бўлиб қолдик-ку... — Насиба шундай деб хўрсинди.

Сўнг Асадбекка дадилроқ қаради: — Бу пул қурдираётган уйингизники. Бугун шу омонатни бергани бормоқчи эдим.

Асадбекка Насибанинг бу қилиғи малол келиб, аччиқланди, юзлари учди. Жеркиб ҳам бермоқчи бўлди. Аммо жаҳл учқуни аланга олмай, «бу бечорада айб йўқ-ку», деган фикрда ўзини тийди. «Пул ўзингизда қолаверсин, болаларга ишлатинг», демоққа оғиз жуфт-лади-ю, аммо хаёлига бошқа бир фикр келиб, бу гапни айтмади. Фақат... Ҳалимга кўз қараши билан «пулни ол» деган ишора қилди...

...Ҳозир ўша пул ўрамини Кесакполвонга узатганида Насибанинг титроқ лабларидан учган сўзлар қулоқлари остида жаранглагандай бўлди.

Кесакполвон Насибанинг нажот истаб келганини эслади. «Бек нима учун буни кавлаштириб юрибди? Энди шу хотинга ёрдамлашмаганим учун сиқувга олмоқчимиз?» — деб ўйлади. Лекин у кутган гап айтилмади. Асадбек:

— Хотин зоти асли ақлсиз бўлади, ўзинг биласан. Шарифники аҳмоқликда ҳаммасидан ўтиб тушаркан. Эрини кўмиб келиб, уйни сотибди. Пулнинг чўғига қараганда озгинасини ишлатиб қўйганга ўхшайди. Энди мен аралашсам ярашмайди. Сен уйни сотиб олган одамга ётиғи билан тушунтир, пулини қайтиб олсин. Пулнинг етмаганини қўшарсан, иложинг бўлмаса, мен бера қоламан, — деди-да, пул ўрамини Кесакполвоннинг тиззаси устига қўйди: — Бу менинг охириги буйруғим. Бундан буёғидагилари энди илтимос бўлади.

— Сен нима қилаётганингни билаяпсанми?! — Кесакполвон аччиқланиб туриб кетди. — Сен мени... пичоқсиз сўйяпсан!

Кесакполвоннинг бу ҳолати Асадбекка роҳат бахш этди. Кўзлари кулди. «Қани эди, сен маразни ўтмас пичоқ билан киндигингдан бўғзингача сўйсам», деб ўйлади.

— Ҳайдар, сен ҳозир ловиллаяпсан, майли, бир гуриллаб ол. Лекин эртага ҳовуринг босилади. Ўшанда «Асад тўғри қилган экан», дейсан. Менинг гапларим шу ерда қолади, а? Дўст-душман бу ўзгаришни билмай қўяверсин.— Асадбек шундай деб ўрнидан турди-да, енгил керишди. — Аслида икки-уч йил олдин шундай қилишим керак эди. Ҳозир елкамни эзиб турган тоғ бирдан ағдарилди. Энди уйга бориб бола-чақа билан ғам-ташвишсиз, би-ир чақчақлашиб ўтирай. Эрталабдан худо хоҳласа, тўйни ҳаракатини бошлаймиз. Маҳмуднинг қирқи ўтиб олсин, би-ир тўй қилайлик, а ошна?

Бир-бирларини «осна» деб атаганлари билан ораларида ҳеч қачон соф, самимий дўстлик бўлмаган, аксинча, Жалилнинг таъбири билан айтганда фақатгина манфаат қондасига итоат этиб яшаган бу икки одам дилларини қафасга солганлари ҳолда, фақат тил учуда гаплашдилар. Тиллардан гўё бол томди, дил эса захарли ўқларга тўлди.

Қалблар узил-кесил душманга айлангани ҳолда хайр-лашдилар.

Бирови собиқ, бирови эса янги хўжайин сифатида кўчага чиқдилар.

## ХИ 6 о 6

### 1

Зоҳид Ҳамдам Толиповнинг келишини кутиб ўтирган эди. Ваъдасига хиёнат қилмайдиган Ҳамдам бу сафар нима учундир кечикаётган эди. Зоҳид бетоқатланиб, соатига бир неча марта қараб-қараб олгач, Ҳамдамнинг хонасига қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмагач, навбатчининг рақамларини терди. «Толиповнинг чиқиб кетганига бир соатдан ошди», деган жавобни эшитиб, нима қиларини билмай ўтирганида унга «Миркаримовнинг «Иши» бўйича Эрқаева деган аёл келиб, сў-раётганини» маълум қилишди. Кутилмаган бу ташриф аввалига Зоҳидни таажжубга солди, сўнг эса «тинтувда олинган нарсаларини сўраб келгандир», деган фикрда аёлга рухсатнома буюрди.

Ойсанам кириб ўтиргач, Зоҳид дабдурустан «нега келдингиз? Менда нима ишингиз бор?» демай, ҳол-аҳвол сўради. Ойсанам бу илтифотга жавобан «юрибмиз, Худога шукр», деб қўйди.

Сўнг бир нафас сукут қилди-да, муддаога кўча қолди:

— Мен... акамни чиқариш масаласида келувдим.

— Чиқариш масаласида? — Зоҳид Ойсанамга тикилиб қаради. — Биров чиқараман, деб ваъда қилувди-ми?

— Йўқ... — Ойсанам бир оз тараддудланиб, кўлидаги кириш рухсатномасини буклай бошлади. Кейин ўзига тикилиб турган кўзларга қараб олгач, синиқроқ овозда мақсадини баён қилди: — Орадан неча ой ўтяпти. Гуноҳлари бўлса, бўйинларига қўйиб қамавормайсизларми? У ёқда акам азобдалар, бу ёқда болалари эзилиб кетишди.

Ойсанам «гапларим таъсир этяптими?» дегандай яна бир қараб олди. Бу сафар нигоҳи тикилиб турган кўзларга тўқнашмади. Зоҳид «майли, қанча гапи бўлса гапириб олсин», деган мақсадда ундан кўзларини узиб, столи устидаги қоғозларга тикилиб ўтирарди. Бундан пича қувватланган Ойсанам гапларини дадилроқ давом этди:

— Уйимга борганингизда ҳам айтганман: акамда айб йўқ. Асли... пешонамиз шўр бизнинг.

Ҳамиша ҳар хил балолар изимиздан қувиб юради. Дадам раҳматли ишхоналарида бир палакат билан мажруҳ бўлиб қолувдилар. Ойим бечора бизларни минг-минг азоблар билан боқиб катта қилдилар. Яшаётган уйимга қараб, менга баҳо берманг. Биз камбағалликда, меҳнат билан, ит азобида катта бўлганмиз. Акамнинг уйларини бориб кўрдингизми?

Зоҳид бош чайқаб, «Борганимча йўқ», деди.

— Бориб кўринг: икки уй бир дахлизда олти боласи билан ўтиради. Кеннайим кутубхонада ишлайдилар. Тўқсон сўм маош билан олти боланинг қорнини ўйласинларми ё уст-бошига қарасинларми? Кеча борсам... йиғлаб ўтирибдилар. Боқчада бир тадбир бор экан, ширинлик пишириб келишни сўрашибди. Мактабга эса, бўёққа пул беришлари керак экан. Мен бу азобларни айтаверсам, бунақа гапларни атторнинг қутисидан ҳам топа олмайсиз... Сиз текшириб, тагига еткунингизча яна неча ой ўтаркин. Худо хайрингизни берсин, акамни қўйиб юборинг. Ишлаб, болаларини боқсинлар, ҳеч қаёққа қочиб кетмайдилар. Ахир тилхат олиб, кейин чиқарасизлар-ку, болаларига раҳмингиз келсин.

«Атторнинг қутисидаги гаплар» тугади шекилли. Ойсанам енгил хўрсингач, жим бўлди. Бу каби хасратлар барча терговчилар қаторида Зоҳид учун ҳам янгилик эмас. Бировнинг шўрини қуритишдан аввал ҳеч ким бечорахол бўлмайди. Қўлга тушиб, қамалгач, унинг «ҳаётда эзилгани», кўп «ғурбат чеккани» «маълум бўлиб қолади». Бундай хасратларни эшитган одам жабрланувчига эмас, балки зулм қилганга ачиниши керак бўлиб қолади. «Ҳа, энди ўлган ўлиб кетди, бу одамни қамаганингиз билан мурда тирилиб қайтиб келармиди», «Ҳа, энди бир ёшлик қилиб, ўғирликка тушибди-да, нарсаларини қайтариб берди, раҳм қила қолинг», «Терговчи ука, бу ҳам йигитчиликдан-да, бир тепиб, иккитагина мушт урганга ҳам шунчами? Ёрилган жойи битиб кетибди, сиз ҳам «иш»- ни ямаб қўя қолинг» — хасратларнинг сўнггида очиқ айтилмаса-да, шу каби илтимослар яширинган бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, мазкур «Иш» «бир ёқлик қилинган», «суюнчиси» кутиб тургани ҳам қистириб ўтилади. Кейин эса... «Шу арзимаган ишни ёпди-ёпди қилиб юборса ҳам бўларди, терговчи ўлгурда раҳм-шафқат деган нарса йўқ экан», деб ҳукм чиқарилади. «Арзимаган иш» туфайли неча кишининг жабр торгани эса тарози палласига қўйилмайди.

Уйида хушламайгина гаплашган Ойсанам ўзгалардан фарқли ўлароқ, талабини очиқ айта қолди. Ўша куни осмонда эди, овозлари баланд пардада эди, бугун нечун ерга тушди, нечун ҳазин оҳангда гапиряпти? Наҳот келин аясининг кўз ёшлари унга бунчалик қаттиқ таъсир этди экан? Эри қамалганидан бери у аёл хасратларини энди баён қилибдими? Балки эрининг топган-тўплаганларини еб адо қилгач, кўзларига ёш келдими?

Зоҳидни бу каби саволлар унча қийнамади, чунки Ойсанамнинг кўз ёшлар таъсирида эмас, кимнингдир даъватига кўра келганига кўпроқ ишонарди. Бунақа ҳолларда маслаҳатчилар кўп бўлишини билгани учун «Уни ҳузуримга ким юборди?» деган муаммога жавоб излаш ҳам Зоҳид учун айтарли аҳамиятли эмасди. У Ойсанамнинг ўз оёғи билан кириб келганидан фойдаланиб,

кечаги сўроқ пайтида эшитган маълумотларини солиштириб, текшириб олиш пайида эди. «Атторнинг қутисида йўқ гаплар»нинг тугаб қолгани Зоҳидни сўроқни бошлашга даъват этди. — Опа, у воқеага саккиз ой бўляпти. Кўп нарсалар хаёлингиздан кўтарилгандир. Баъзи нарсаларни сўрасаму эслолмасангиз, ҳижолат бўлманг, — деди Зоҳид меҳрли оҳангда. У «самимий тарзда гапирсам, аёлнинг кўнгли юмшаб, кўпроқ гап оларман», деб янглишди. Ойсанам биргина ширин сўзга кўнгли ийиб кетадиган тоифадан эмасди. Болалигидаги қийинчиликлар уни то муддаога етмагунича сув келса симиришга, тош келса кемиришга ўргатган эди.

Бу хонадаги айни ҳолатнинг ажабланарли ери шунда эдики, терговчи бўлмиш Зоҳид рўпарада ўтирган хушсурат аёлнинг, ҳуқуқшунослик тили билан айтилганда ҳозирча жабрланувчи ва қисман гувоҳнинг кўнгли юмшашидан умидвор эди.

Ёшлик гўзаллиги билан видолашишни истамаётган Ойсанам эса, Зоҳиддан фарқсиз ўлароқ, қаршисидаги «ғўр» терговчининг кўнгли юмшаши оқибатида талабини амалга ошириш умиди билан ўтирарди. Зоҳиднинг гапларини эшитгач:

— Сўроқларингизга тўппа-тўғри жавоб бераман. Ке-йин акамни чиқариб юборасизми? — деб сўради.

Зоҳид «Ўзимнинг ҳам шундай ниятим бор эди, аммо, акангизнинг қамоқда ўтиргани ўзи учун фойдали. Балки унда бировнинг қасди бордир, балки эрингизнинг қотили акангизни ҳам даф қилар?» деб ниятини ошкор қилишдан ўзини тийди. Аёлга тикилиб туриб, истехзоли жилмайди-да:

— Опа, бунақа олди-берди бозорда бўлади. Бу ер прокуратура, — деб аёлнинг попугини сал пасайтиргач, сўроқни бошлади: — Акангиз эрингизнинг йўқолгани ҳақидаги хабарни сизга қай вақтда айтдилар? Тахминан пешин пайтлари эдимиз?

— Йўқ, кеч кирувди. Соат ўнтакам тўққиз эди.

Ойсанамнинг ўйлаб ўтирмай аниқ жавоб қайтариши Зоҳиднинг эътиборидан четда қолмади.

— Демак, йигирмаю эллик. Шу аниқми? — деб сўради аёлдан кўзларини узмай.

— Аниқ. Ўғлим Масковдан бериладиган «Хайрли тун»ни яхши кўради. Степашка билан чўчқачанинг гаплари тамом бўлиб, мултфилм бошланганида акам кириб келувдилар.

«Тўғри», — деб ўйлади Зоҳид, Эшпўлатовнинг сўроқдаги жавобини эслаб. Эшпўлатов уйга кириб келганида синглиси билан жиянининг мултфилм кўриб ўтиришганини айтган эди. Ҳар икки жавобнинг бу қадар бир-бирига аниқ мос келиши Зоҳид учун муҳим бир илгак каби туюлди.

— Эрингиз эрталаб ишга бормаган, ўйнашиникида ҳам йўқ, — Зоҳид бу сафар дангалига «ўйнаши» де- ди-ю, гапи қандай таъсир этишини билмоқ учун бир нафас сукут қилди.

«Ўйнаш» деган сўздан Ойсанам ғашланмагач, Зоҳид гапини давом эттирди: — Акангиз бу орада уйингизга бир келиб кетмадиларми?

— Келиб-кетдилар, лекин индамадилар.

— «Нега бир ўзингиз келдингиз, эрим қани, кечаси ҳам келмади», деб сўрамадингизми?

— Сўраб нима қиламан? Акам йўллари тушса чой-пой ичгани кириб турардилар. Эримнинг улфатлари кўп. Кўпинча тонготар ўтиришади. Келмай қолишларига кўникиб кетганман.

— Фақат улфатлариникида қолармидилар?

— Мақсадингизни очиқроқ айтаверинг: ўйнаши демоқчимисиз?

— Ўйнашлари борлигини билармидингиз?

— Билардим, лекин бошқаларга ўхшаб куйиб-ёнмасдим. Худо инсоф берсин, дердим.

— Кўнглингиз кенг экан.

— Кенг бўлди нима-ю, тор бўлди нима? Униси ҳам бир бало, буниси ҳам. Ҳозир ўйнаш тутмайдиган эркак борми ўзи?

— Агар дунёга сизнинг кўзларингиз билан қаралса, йўқдир?

— Келинг, бу ҳақда гаплашмайлик, — деди Ойсанам қўл силтаб. — Мен институтларда

Ўқимасам ҳам, ҳаётнинг ҳар қанақа дарсларини кўрганман. Сиз «мени эрингизга ўхшатманг, ўйнашим йўқ», демокчисиз-да, а? Тўғри, ҳозир йўқдур. Ҳозир ёшсиз. Ер-хотин бир-бирларингизнинг жонларингизга текканингиз йўқ. Яна беш-ўн йилдан кейин ҳар қандай сулув хотин ҳам эри учун «пуф сассиқ» бўлиб қолади. Кўнгил янгисини тусайверади. Хотинидан беш баттар исқиртроқ бўлса ҳам майли, янгиси топилса бас! Сиз билан ўшанда гаплашаман, ука. — Келинг опа, бу ҳақда ҳозир ҳам, беш-ўн йилдан кейин ҳам гаплашмайлик. Шу топда иккаламиз ҳал қилиб оладиган бошқа муҳимроқ муаммо бор. Демак, акангиз келганларида ўғлингиз билан телевизор кўрятувдингиз, а? Қайси мултфилм эди, эсингиздами?

— Мултфилмни эримнинг ўлимига нима алоқаси бор? — деди Ойсанам норози оҳангда.

— Қандай алоқаси борлигини кейинроқ айтаман сизга. Ҳозир эса эслашга ҳаракат қилинг. — Зоҳид «бу хонанинг эгаси менман, савол бердимми, демак, жавоб олишим шарт», дегандай стол устига икки-уч черт-ди. Ойсанам унинг бармоқларига қараб кўйди-да, сўнг нигоҳини дераза оша ташқарига қадади.

— «Сеними, шошмай тур!» эмасмиди? — деб ёрдам бермоқчи бўлди Зоҳид.

— Йўқ, у эмасди. Ҳа, «Винни Пух» эди. Акам кириб келганларида ўғлим «Ана, Винни Пух тоғам келдилар», деб, мендан қулоқ чўзма евди.

«Бунчалар аниқлик! Бунчалар хотира! Эрининг йўқолгани ҳақидаги ташвишли хабар, сўнг ўликнинг сувдан топилгани... бу ғам-аламлар ҳам хотирага таъсир этмабди-да? Хўп, бунинг-ку ўғли «Винни Пух тоғам келдилар» деган экан, Эшпўлатов-чи? У мултфилмни нега эслаб қолди?» Зоҳид шу ўринда калаванинг бир учини топгандай кўнгли ёришиб, савол-жавобни шу мавзу атрофида давом эттирди:

— Мултфилмни охиригача кўрдингизми?

— Мен чой дамлагани турдим. Ўғлим тоғаси билан бирга ўтириб кўрди.

— Демак, акангиз хавотирларини сизга дарров билдирмаганлар?

— Шунақа бўлди. Мени кўрқиб кетмасин, дегандирлар. Бир пиёла чойни совутиб ичиб, кейин айтдилар.

— Нима деганлари эсингиздами?

— «Еринг йўқолиб қолганга ўхшайди, нима қиламиз, милисага хабар берамизми?» дедилар.

— Сиз нима дедингиз?

— Нима дердим, юрагим шув этиб кетди. Қўлларим қалтираб, гапиролмай қолдим. Ўзи эрталабдан кўнглим ғаш эди.

— Демак, сал ўзингизга келволиб, сўнг милитсияга хабар қилдингларми?

— Йўқ, аввалига ўртоқларини чақиртирдим. Болалиқдан бирга катта бўлган оғайнилари бор, менга ишонмаган сирларини ҳам ўша кишига айтдилар.

— Толмас Хайриевми?

— Ҳа, буларни олдинги терговчига ҳам айтганман.

— Биламан.

Шу пайт эшик очилиб, остонада Ҳамдам Толипов кўринди. «Ие, банд экансан-ку, чиқиб турайми, нима қилай?» дегандай Зоҳидга савол назари билан қаради. Хона соҳибидан бир ишорат бўлмагач, «гаплари зарурмасдир», деган фикрда ичкари кирди-да: «Қалайсан, ўртоқ прокурор!» деб сўрашди. Сўнг зийрак нигоҳини Ойсанамга қадаб, у билан ҳам саломлашди. Зоҳид Ҳамдамнинг ҳеч бир лутфсиз тўғри кириб келаверишига кўникиб қолгани учун унга «сабр қилинг», деб ишора қилмаган эди. Сўроқни унинг иштирокида давом эттиргиси келмай, Ойсанамнинг қўлидан рухсатномани олиб, имзо чекди-да:

— Бир-икки кундан сўнг яна учрашамиз, — деди.

Ойсанам суҳбатнинг бу қадар қутилмаган тарзда узилишига сабабчи бўлган Ҳамдамга норози қиёфада бир қараб олди-да, иложсиз равишда ўрнидан турди. Сўнг:

— Акамни қачон чиқарасиз? — деб сўради.

— Вақти келганда айтамиз.

Бу гап Ойсанамга ёқмади, шарт бурилди-ю, «хайр» ҳам демасдан хонадан чиқди.

— Ким бўлди бу хоним, димоғига куня пашша ўтириб кетган-ку, а?

Зоҳид унинг кимлигини айтгач, Ҳамда Толипов узун ҳуштак чалиб қўйди-да:

— Нега ҳуштак чалганимни билдингми? — деб сўради.

— Билмадим, — деди Зоҳид қоғозларини тортмага сола туриб.

— Бир одам «ҳамма нарсага қодирман», деб мақтанганида Афанди шунақа ҳуштак чалиб, «шу ҳуштагимга тўртта тугма қадаб бер-чи», деган экан. Сен яна ҳуштакка тугма қадамоқчимисан?

— Киноянгизга тушунмадим?

— Киноя эмас, бўладиган гап бу. Яна асадбекларнинг обрезага бурнингни тикмоқчимисан?

— Ҳар ҳолда текшириб кўриш керак.

— Миркаримовнинг ўлганига ярим йилча бўлди шекилли, а?

— Саккиз ой, — деб аниқлик киритди Зоҳид.

— Ана, саккиз ой! Илёсов ишни бекорга чўзмайди. Сенам чўзавер, бошингни оғритма.

— Э, ака, оғриб турмайдиган бошинг кимга кераги бор. Очиғини айтсам, бу сафар Асадбекнинг кўчасига қараб юрмайман.

— Ие, нечук?

— Миркаримовнинг асадбеклар билан боғлиқлиги бор. Яна бир томони Ҳосилбойвачча. Лекин Миркаримовни уларнинг одамлари ўлдирмагандир, деб турибман.

Ҳамдам яна бир марта истехзо билан «Нечук?» деб қўйиб ундан изоҳ кутди.

— Кеча ўликни ёриб кўрган эксперт билан гаплашгандим. Миркаримов ўлдирилиб дарров сувга ташланмаган, бир-икки кун ерга кўмилиб қўйилган, деб тахмин қиляпти.

— Тахмин қиляпти? Нима, аниғини билмас эканми?

— Аниқ бир қарорга келолмагани учун хулосага ёзмаган экан.

— Оббо... аниғини билолмаса ўликни тамоша қилиш учун ёрибдими? — Ҳамдам шундай деб ўйланиб турди-да, кейин гапини давом эттирди: — Унда бир иш қиласан. Хўжайинларнинг нимаси кўп, мажлислари кўп. Кунда бир-икки мажлисни овлашмаса еганлари ичларига тушмайди. Миркаримовнинг йўқолгани ҳақида қачон хабар берилган?

— Ўн тўққизинчида.

— Демак, сен ўн бешинчидан то ўн тўққизгача бўлган мажлис ахборотларини титиб чиқ. Қайси кундан бошлаб мажлисларда йўқ бўлганини билсанг, калаванинг учини топасан. Кейин мижғовланиб, эзилаверма. Сенга минг марта айтганман: масалани шартта-шартта ҳал қил. Битта-яримтанинг бурни қонаса ҳеч нима қилмайди. Мана, кечаги ишим: йигирма саккиз яшар йигит бошини деворга уравериб ўлиб қолганмиш. Афғонда яралангани учун бир хил пайтда ўзини билмай қоларкан. Ўликни ёрадиганларинг шунақа хулоса ёзиб беришибди. Ўликнинг отаси ҳам, хотини ҳам «ичволиб бошини деворга ураверди», деб туришибди. Ўликнинг бошини ушлаб қарасам, суяк йўқ ҳисоб, майдаланиб кетган. Шунақа бўлиши мумкинми?

— Қаттиқроқ урган бўлса...

— Йў-ўқ... — Ҳамдам ўзининг топқирлигидан ўзи маст бўлиб, қувлик билан кулди. — Қаттиқ урганда ҳам, битта ёки иккитада ҳушидан кетади. Суяк майдаланиб, жони чиққунича уравермайди. Хўш, мен нима қилдим? Шартта хотинини чақирдим қамаб қўйдим, ҳомиладорлигига ҳам қарамадим.

— Шунақа ишларингиз бир кунмас бир кун...

Ҳамдам Зоҳиднинг гапини бўлди:

— Бошимни ейдими? Мен бир нарсанинг исини сезмасам, қоидадан чиқмайман. Сенга ўхшаб савол-жавоб қилиб ўтирсам, иш битмас эди. Хотинга бир кеча етарли бўлди: эрталаб ҳаммасини айтди: ота-бола орасида уруш чиқиб, ўғил отага ҳамла қилган экан. Ота эса таёқ олиб боласини ураверган. Энди сенга маслаҳатим: «гумондаги шахс» дегину битта-иккитасини ўтқизиб қўй. Қамоқдан ўлгудай кўрқадиган одамлар кўп бу дунёда. Биттаси индамаса, иккинчиси албатта гуллайди.

Зоҳид бунга ўхшаш насиҳатларни аввал ҳам етарли равишда эшитгани учун кулимсираб қўя қолди. Ҳамдам бу кулимсирашнинг маъносини ўқиб:

— Тушунарли, сенинг вазифанг — қамаш эмас, балки адолат тантанаси! — деб қўйди. Сўнг унга савол назари билан қаради: — Кеча оқсоқолни кўргани бормабсан-ку?

Кеча телефонда гаплашганларида Зоҳид маёр Солиевни йўқлаб бормоқчилигини айтган, Ҳамдам эса бош қашишга ҳам вақти йўқлигини билдирган эди. Аксига олиб, Зоҳиднинг экспертизага оид ишлари чўзилиб, касалхонага боролмади. Зоҳид шу сабаб туфайли боролмаганини узр оҳангида айтди-да:

— Ўзингиз ўтганга ўхшайсиз? — деб сўради.

— Ўтдим. Оқсоқолнинг кайфияти чатоқ, — деди Ҳамдам. — Энди ишга қайтолмаслигидан сиқияпти. Бу ҳам майли, — Ҳамдам шундай деб чалиштириб ўтирган оёқлари ўрнини алмаштирди, — устозинг «Қассоб»га ачинапти. Индамасам, кўз ёши қиладиган. Юрак қолмабди оқсоқолда.

— Қўйсангиз-чи, баъзан ошириб юборасиз.

— Ошираётганим йўқ. «Ёмон ўлим топди», дейди. «Ҳаёт уни жиноят кўчасига киришга мажбур қилган», дейди. Қассобнинг онаси фоҳиша бўлган экан, болалигида кўп руҳий азоблар тортган экан...

— Мақсуд аканинг гапларида жон бор. Кўп жиноятларнинг илдизини айнан болалиқдан излаш керак. Ҳаётдан зада бўлган боланинг жиноятга кириши осон. Лекин терговда ҳам, ҳукм чиқаришда ҳам бу сабаблар, бу руҳий ҳолатлар ҳисобга олинмайди. Ҳукм учун жиноятнинг ўзи муҳим.

— Ана энди ўзинг оширвординг. Сенинг шу олимлигинг ўзингни қийнайди. Ҳаёт дейсан, а? Нима, дунё-даги ҳамма фоҳишаларнинг ўғиллари улғайганида хотинларни ўлдириб, гўшtidан чучвара тугиб еб юришибдимиз? Эртага Миркаримовингнинг қотилини топгин-да, кейин «буни ҳаёт мажбур қилган», деб қўйиб юбор. Менам чолнинг паттасини қўлига бериб қўя қолай. Ҳар ҳолда уни ҳам ҳаёт мажбур қилган.

— Ҳамдам ака, гапимни тўғри тушунмадингиз?

— Тўппа-тўғри тушундим, оғайни. Мен учун икки одам бор: жиноятчи ва жабрланувчи. Орада ҳеч қанақа ҳаёт йўқ. Агар менга қўйиб беришса, Миркаримовингнинг қотилини қидириб, овора бўлиб юрмас эдим. Нимагалигини биласанми?

— Тахминан биламан.

— Тахминани ҳисобмас. Сен қотилни топгину ке-йин Миркаримовни тирилтиргин-да, «Ўрнингизда қотилингиз ёта туради», дегин-чи? Сенга раҳмат ҳам демай, аблахлигини келган жойидан давом эттираверади. Сен қилаётган ишимизнинг жамиятга фойдасини гапиришини ёқтирасан. Ҳўп, бир аблахнинг қотилини топишдан қандай наф бор?

— Нима учун уни аблах деяпсиз?

— Асадбекнинг нушхўрдини ялаб юрган одам яхши бўлмайди. Унга биров қасд қилмаган, унинг ўзи ўлимини сотиб олган. Нушхўрдга қаноат қилмай, дастурхондаги лаганга қўл узатиб бўккан у.

— Яхши тахмин айтдингиз, ўйлаб кўриш керак.

— Ўйла, прокурор. Сен олим боласан, ўйламасанг ҳисобмас. — Ҳамдам шундай деб соатига қараб олгач, ўрнидан турди. — Прокурор, бир соат вақтим бор. Хоҳласанг, мишмишхонамга ўтиб, лағмонхўрлик қилайлик. Менга аталган гапларингни ўша ерда айтарсан. Кейин мен ишимга кетаман, сен эса... — Ҳамдам истехзо билан кулди: — ўйлаб ўтираверсан.

Зоҳидга бу режа маъқул келди.

Лағмонхўрлик хуш ёқиб, Ҳамдам Толипов Зоҳид учун ажратган бир соатига яна ўттиз дақиқа қўшди. Ҳар нарсада тартибни маъқул кўрувчи Зоҳиднинг соатга қараб қўйганини сезган Ҳамдам, яна чой буюргач:



— Ишга мен шошяпман, сен нега соатингга қараяпсан? — деб сўради.

— Сизни биров кутаётган бўлса...

— Кутаётган бўлса, кутаверади, сен ташвишланма. Ҳозир бориб чол билан келинни юзлаштирадиганман. Майли, бир оз юраклари сиқила турсин.

— Шу одатингиз ҳали ҳам қолмабди-да, а?

— Қайси одатим? — деди Ҳамдам. — Бетартиблигимми?

— Ҳа.

— Бу одат эмас, прокурор, бу — қўндоқда теккан касал. Битта одам айтиб кетган экан: «Ёшлиқда одат қилсанг — қаригунингча кўникасан, қариганингда одат қилсанг — кўникунингча кўмиласан.» Зўр гап эканми? Шунақа, оғайни, ҳали ёшмиз, қаригунимизча ақлимиз кириб қолар. Қариганда ҳам қўйилмасам, бунинг дориси бор: гўримга олиб кетаман. Их, эсдан чиқай дебди-ку, эрталаб бўшмисан?

— Ҳа, нима эди?

— Бугун ярим кечадан бошлаб очларнинг юриши бошланади. Маҳмуд Эҳсоновингнинг эсон-омон кўмилганига ўн тўққиз кун тўлиши муносабати билан катта тантаналар бўлади. Қўрқма, ош бизга ҳам етади, камида уч-тўрт юз кило гуруч дамланар, борасанми?

— Йўқ, — Зоҳид ўйлаб ўтирмай рад жавобини айтди-да, сўнг ҳазил тариқасида изоҳ берди: — қорним тўқ.

— Меники ҳам тўқ. Лекин мен ошхўрликка эмас, тамошага бораман. Бормасам еган лағмонимни ҳазм қилолмайман.

Ошхона хизматчиси дамлаб келган чойдан бир пиёладан ичишгач, қўзғолишди. Ҳамдам йўловчи машина тўхтатиб, кетди. Зоҳид эса пиёда юргиси келди. Кечаги изғириндан сўнг кун бирдан илиб, фасллар курашида энди баҳорнинг қўли баланд келганидан далолат берган эди. Зоҳид адолат хусусида фикр юритгудай бўлса, баҳор фаслини кўз олдига келтиради. «Баҳор ҳам, адолат ҳам беқарор, — деб ўйлайди у. — Уларни интиқиб кутасан, энди кўз қувониб, кўнгиш яшнаган пайтда иккови ҳам одам зотига хоинлик қилади».

Зоҳиднинг бундай фикр қилиши бежиз эмас. Баҳор ўз ўрнини жазирама ёзга бўшатгани каби адолат ҳам чекиниб, ноҳақлик рўпарасида ожиз бўлиб қолади. Баҳор билан адолатнинг фақат рамзий маънодагина ўхшашлиги мавжуд. Аслида эса баҳорнинг келиб-кетиши инсон ҳукмида, ёки истагида эмас, табиатнинг ўзгармас қонуни эканини ҳамма билади. Баҳордан фарқли ўлароқ, адолат табиат ҳукмида эмас, балки у инсон ақл-идроки, иродаси, мақсади йўлидаги хатти-ҳаракатига боғлиқ. Инсон болалари истасалар адолат қиладилар, истамасалар — йўқ. Адолатга етганларида суюнадилар, ноҳақлик жарига қуласалар фарёд чекадилар. Кечаги қувончларини унутиб, «бу дунёда адолат йўқ!» деб нолалар қиладилар. Шундай онда «Биродар, ноҳақлик жари лабида ўзингиз юрдингиз, ўзингиз тойдингиз, ўзингиз қуладингиз. «Тўғри йўлдан юринг», дейилса «менга шуниси маъқул» дедингиз. Ҳадеб жар ёқасида юрадиган кимса ҳар қанча зийрак, ҳар қанча тийрак, чаққон бўлмасин, бир кунмас бир кун барибир қулайди...» деб кўринг-чи?

Зоҳид булар ҳақида кўп фикр юритган. Жиноят қилиб қўйиб, айбини бўйнига олмай «Мен тўхматга қолдим», деб зорланувчиларни кўрганида уларга жар ёқасида юрмоқнинг хавфли эканини тушунтирмоқчи ҳам бўлган. Кейинчалик эса бу ҳаракатидан натижа чиқмаслигини билиб, бас қилган эди.

Баҳорнинг хуш ёқувчи ҳавосидан кўнгли ёришган Зоҳид ҳозир буларни ўйламас, хаёли Ҳамдам Толиповнинг таклифи билан банд эди. Гарчи «қорним тўқ», деб таклифни рад этса-да, маъракаи бир тамоша қилгиси келди. «Ҳар ҳолда Асадбек акалик мақомида туриб меҳмонларни кутса керак, — деб ўйлади у. — Асадбек таниган-танимаган, маъракага таклиф этилган-етилмаган неча юз тўқ одам таъзим қилиб келади. Буларнинг орасида қанчаси умрида Маҳмуд Эҳсоновни бир марта ҳам кўрмаган. Лекин ошга келаверади. «Ош егани келдим», демайди, «марҳумнинг ҳурмати», дейди. Аслида шу ошни емаса очдан ўлмайди. Мақсад — ош

ейиш эмас, балки Бек акаларига бир кўриниш бериб қўйиш. Гапдан гап чиқса, бу ниятни ҳам тан олмайдилар. «Марҳумнинг ҳурмати» деб тиржайиб тураверадилар. Қизиқ, марҳумнинг ҳурматини ош белгилайдими? Уч юз кило гуруч дамланса — ўликнинг ҳурматига гап йўқ! Юз кило дамланса ҳурмат сал мундайроқ, эллик-ўттизда эса шунга яраша. «Йигирма оши» берилмаса марҳумнинг ҳурмати умуман йўқ бўладими?.. Акам ўлганларида ўн беш кило гуруч дамлаб ош дамлаганидик. Демак, ҳурмат ҳам салкам нол эканда?..»

Бу фикр Зоҳиднинг ўзига малол келиб, пешонасини тириштирди. Юришдан тўхтади.

Есида бор, акасининг жанозасини ўқишдан олдин имом бир оз маъруза қилиб, «Ислонда йигирма, қирқ, йил оши деган гаплар йўқ, бидъатлардан қочингизлар», деб огоҳлантирди. Ҳар нарсага рози бўлаверадиган отаси бу даъватга ҳам кўнди. Аммо тоғаси «Вой почча, гувала кўмганимиз йўқ-ку, чоғингиз келмаса мен берай ошни», деб ғашга теккач, маҳалла билан маслаҳатлашиб, ўн беш кило ош дамлатган эди. «Сабзи тўғраш» деган маросимга келган имомни кўриб Зоҳид «Ўша куни шунчаки бир гапириб қўйган экан-да», деб ўйлади. Аммо имом узатилган чойни олмагач, гапига диққат билан қулоқ тутган эди. «Биродар, имомнинг гапини олмас экансиз, нима қилардингиз жаноза ўқитиб?»

Бу гапни эшитиб отасининг ранги оқариб кетган, Зоҳиднинг баданида ҳам ғалати титроқ уйғонган эди.

«Биз билиб айтамыз, билмасак, салла-чопонни сизга ўхшаган «доно»ларга топшириб, елкага кетмонимизни ташлаб жўнаворамиз. Берадурган ошингизнинг мар-ҳумга нафи борми? Нафи бўлса майли, ўн беш эмас, юз эллик кило гуруч дамланг. «Еҳсон қилиш керак», деб ўргатишган-да, сизга? Эҳсон, биродар, ночорларга қилинади. Тўқ одамларга эмас. Агар эртага ночор, чопони йиртиқ одам келса, унга «тўхта, аввал бу тўқлар тўйиб олишсин», дейсиз. Ё демайсизми? Ночорга ёки гадога сарқитни берасиз. Шуми, сизнинг эҳсонингиз?»

Ўшанда имом шу гаплар билан кифояланиб, чиқиб кетган эди. Оз гапирса ҳам юракни тилиб, туз сепиб қўйгандай бўлганди. Кўп оғир гапларни ичига ютувчи отаси бу маломатни ҳазм қила олмай, чуқур «уф» торт-гандан кейин хўрсиниб: «Бунинг гапига кирсам бир бало, кирмасам яна бир бало» деб қўйганди.

Акасининг ўша маъракасида Зоҳидга жуда қаттиқ таъсир қилган яна бир воқеа юз берганди.

Зоҳид у дамда ўлим ларзасидан қутилмаган, бутун борлиғию руҳи карахт ҳолатида эди.

Имомнинг айтган гапларини, маърака қилиш шартми ё лозим эмасми деган муаммони ҳазм қилмай туриб, эрталаб...

Маърака ошига келаётганлар орасида қотилларнинг оталари, акаларини кўриб аввал ҳайратдан донг қотди. Сўнг дод деб юборай деди. Дадасига қараган эди, у «жим бўл, ўзингни бос», деган маънода лабини қимтиб қўйди. «Бу қанақаси ўзи, уялмай-нетмай ош егани келишяптими? Томоқларидан овқат қандай ўтади?» деган ўйда уларнинг изидан ҳовлига кириб ош ошашларини кўрмоқчи бўлган эди. Ўшанда отасининг таъқиб этувчи нигоҳига бўйсунмай ичкарига кирганида уларнинг номигагина нон тишлаб, ошдан бир чўқимгина еганларини кўрган бўларди. Ана ўшанда уларга нақадар оғир эканини тушунарди. Уларнинг не ҳижолатлар билан бу хонадонга яқинлашганлари Зоҳидга номаълум эди. Яхшики, Зоҳиднинг отаси вазмин табиатли одам. Агар ўзини тутолмай «Сенларнинг ўғилларинг менинг ўғлимни ўлдирди», деб лаънатлай бошлаганида, унга Зоҳид қўшилганида нима қила олишарди, бошларини ҳам қилиб изларига қайтишдан ўзга чора топа олармидилар? «Мингдан минг розимиз, ана ўғилларимизни ўз қўлингиз билан ўлдириб, хун олинг, хумордан чиқинг», деганларида ҳам маломатдан қутула олмас эдилар-ку?

Ўша манзара кўзи олдида келгач, Зоҳид Ҳамдамга қўшилиб эрталаб бериладиган ошга боришни истаб қолди. Чувриндининг фожиаси сабабини аниқ билмаса ҳам, «қасддан ўлдирилган», деган тахминда юрган Зоҳиднинг назарида наҳорги ошга қотил ҳам келадигандай эди. Ҳа, буюртмачи эмас, айнан қотилнинг ўзи! Балки... акси бўлар, қотил эмас, буюртмачилар савлат тўкиб келишар? Тумонат одамлар орасида уларни ажратиб олиш мумкинмикин?

Миркаримовнинг «йигирма оши» ҳам шундай бўлгандир? Бировларнинг қўлларидан ажал топган бошқаларнинг ҳам, энди ўлим топадиганларнинг ҳам маърака ошлари айнан шундай бўлар?.. Қотиллар қонга беланган панжалари билан ош ошаб, сўнг ошпазга тасаннолар айтиб, тишларини кавлаб, кекириб чиқишар?...  
Дунёнинг мана шу муаммоларини ечишга Зоҳиднинг ақли қосирлик қиларди.

## 2

Остонада кутиб олган хотини «Қаерларда юрибсиз, устозингиз икки соатдан бери кутиб ўтирибдилар», деди. Бу гапни эшитган Зоҳид маёр Солиевни кўз олдига келтириб «Касалхонадан чиқибдиларми?» деб ўйлади. Ўрта хонага ўтиб диванда ўтирган Ҳабиб Сатторовни кўрди-ю, аввал бир оз ажабланди: кўпдан бери кўришмаган устозининг ташрифини у сира кутмаган эди. Ҳабиб Сатторов унинг таажжубини сезиб, кулимсиради-да:

— Тескари замон ҳозир, азизим, кичикларни зиёрат қилиш катталарга лозим қолган, — деб кўришди.

Зоҳид айбдор эканини тан олиб, «ишлар кўп» деган маънодаги узрини айтмоқчи эди, Ҳабиб Сатторов гапиртирмади:

— Тушунаман, сендан гина қилмайман. Ўғри-муттаҳамлар кўпайиб бораверса сен билан учрашиш тобора қийинлашаверади. Қара-я, бу ерда ҳам математик ечим бор.

Зоҳид устозининг рўпарасига ўтиргач, хотини чойни янгилаб келди-да «кутавериш ланж бўлиб кетган паловни» олиб киришга рухсат сўради.

Ош чиндан ҳам ланж бўлгани сабабли кўп ейилмади.

— Ишдан бўшаганимни биласан, — деди Ҳабиб Сатторов қошиқни четга суриб.

— Масковга кетиб қолдингизмикин, девдим, — Зоҳид шундай деб ўрнидан турди-да, лаганни олиб, остонада пайдо бўлган хотинига узатди. Ҳабиб Сатторов хотиннинг «вой, емабсизлара, домла», деган лутфига эътибор бермай:

— Шунақа фикр ҳам туғилган эди. Кейин бу калладаги формулаларини нари сурдим-да, одамга ўхшаб ўйладим, — деди, сўнг кулимсираб давом этди: — Ҳа, олимлик либосидан чиқиб, беш дақиқа росмана одамга айландиму ўйладим. Кимга ўхшаб ўйладим, биласанми? Укамга ўхшаб фикр юритдим. Раҳматли мени кўп танқид қиларди. «Ҳаёт фақат илмдан, формулалардан иборат эмас», деди. Шунақа дерди-ю, лекин жиннихонада ётганида ўзи ҳаёт формуласини кашф қилибди. Сенга айтганмидим?

— Ҳақиқат нолга тенгми?

— Қойилман, эсингда экан. Лекин бу аксиома эмас, бу... шунчаки унинг тахмини. Мен бадбин одамнинг тахмини деганман. Менинг институтдан ҳайдалишим ҳақиқат нолга тенглигининг исботи эмас. Ҳатто укамнинг ўлими ҳам формуласининг тўғрилигини англамайди. Булар — кичик шахсий фожиалар саналади. Ҳақиқат эса олий тушунча.

— Атом зарраларининг бирлашиши-чи?

— Сен бунақа чуқурлашма. Сен менинг аразлаб Москвага кетиб қолишимга ишонгансан, яна бошқа одамлар ҳам ишонишган. Лекин мен ўйладим: «Сен кимсан?» деб ўзимга ўзим савол бердим. «Сени ким ўқитиб, одам қилди? Ким қорнингни тўйғазди? Далада захарли тупроқ ялаб меҳнат қилаётган деҳқоннинг ҳисобидан ўқиб, шу даражага етдинг. Нега энди тўплаган билимингни ўша деҳқоннинг фарзандига эмас, Москвадаги ёки Лондондаги бир таъвияга беришинг керак?» дедим. Ҳа, гапларимдан газетанинг ҳиди келяптими? Йўқ, сен бунақа ажабланма. Мен ростдан ҳам шундай ўйладим. Ўйладим-да, рўпарамга бир масала кўйиб, уни ечдим. Бунинг учун энг аввал ўзим ўқиган мактабга бордим. Математика, физика муаллимлари шу даражада қолюқки, йиғлаб юборай дедим, ишон. Мен ўқиган даврдаги савия қандай бўлса, ўзгаришсиз турибди. Ҳатто, назаримда савия нолга қараб оғандай туюлди. Қара, яна замонга нисбатан тескари пропортсионаллик. Фан ривожини қай даражадаю, мактабдаги савия қандай тубанликда. Болалар Бернуллинни ёки Эйнштейнни билмаса чидаш мумкин дир. Лекин

Хоразмийни билмайди, Фарғонийнинг номини умуман эшитишмаган. Мактабда ўқиётганимда мен ҳам шундай эдим. Болаларим ҳам шундай бўлса, набираларим ҳам шу тубанликда қолаверса, Лондонга бориб маъруза ўқиганимдан нима фойда? Яна қанча авлод чала илмга қаноат қилади? Хуллас, шу тариқа мен масаланинг энг тўғри ечимини топдим. Қандай, деб сўрамайсанми? Менинг дарсларимда саволга тутишни яхши кўрардинг-ку?

— Савол бераман, аввал масаланинг моҳиятини тушуниб олай.

— Моҳиятни тушуниш қийин эмас. Озгина туйғу бўлса кифоя экан. Билмадим, бу туйғу менда қайдан пайдо бўлдикин? Ё укам ўлиб, туйғуси менга мерос сифатида кўчдимикин?

Рухшуносларда шунақа тахминлар ҳам бормикин, билмайсанми?

— Шунга яқин гапни эшитувдим. Қайси бир дин ақидасига кўра одам ўлса руҳи ҳайвонларга кўчар- кан.

— Э, йўқ, бу гапинг ўтмайди. Укамнинг руҳи ҳайвонларга кўчадиган руҳлардан эмас. Ҳар ҳолда ўзимга ҳам ғалати туюлган туйғу билан масалани ечдим: ҳозир мактабда ўқитувчи бўлиб ишляпман. Бир-икки оғайнилари мени ҳатто телбага чиқаришди. Нима, фан доктори, профессор мактабда ишлаши учун жинни бўлиши керакми? Болалар менга «устоз» деб мурожаат қилишади. Институтдаги «Ҳабиб Сатторович» билан «устоз» деган сўз орасида фарқ борми? Биринчисида самимият йўқ, а? Ширин тил билан айтилса ҳам, бу ширинликнинг ортида баъзан заҳар туради. Иккинчиси жуда-жуда самимий, беғубор. Бу ширин тилнинг ортида заҳар йўқ, мунофиқлик йўқ. Биласанми, мен ҳозир қандай аҳволдаман? Балчиқдан чиқиб, ювиниб, тоза ҳаво олаётган одамга ўхшайман. Ҳатто ота уйимга кўчиб келдим. Мендаги ўзгаришдан онам ҳам ҳайронлар. Фақат... мактабда ишлаётганимни у кишига айтмаганмиз. Айтсам... — Ҳабиб Сатторович айёрона жилмайди, — балоларга қоламан. Мана, мендаги ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ, сени йўқлаб келдим. Эътибор қилган бўлсанг, шошилмаяпман. Менинг ўрнимга сен безовтасан. «Домла чиндан айнибди, гапини тугата қол- са-ю, кетса, мен чала ишларимни битириб олсам», деб ўтирибсан. Эътироз билдирма, бу — аксиома! Мен ўзгаришимни сенга кўз-кўз қилгани келмадим. Ишингга тааллуқли бир фикр бор. Энди эсим жойидалигида шунга айтай.

— Сизда яна битта ўзгариш сездим, айтайми? — деб сўради Зоҳид, муғомбирлик билан кулимсираб.

— Албатта, — деди Ҳабиб Сатторов.

— Кинояга уста бўлибсиз. Аввал унақа эмасдингиз. Масалани қисқа ва аниқ равишда айтардингиз.

— Худди роботга ўхшаб, а? Укам шунақа деб тан-қид қиларди. Демак, айниганим рост.

— Ҳа, рост, лекин яхши томонга.

— Илтифотинг учун раҳмат, азизим, энди эшит: сен математика илмидан юз ўгириб, ҳуқуқ илмини танладинг. Иккаласи бутунлай бошқа-бошқа оламми?

— Шунақа.

— Шунақа эмас, азизим. Шунақага ўхшайди. Пирамида қоидаси эсингдадир? — Ҳабиб Сатторов саволига жавоб кутмай, ён чўнтагидан гугурт чиқарди-да, тўртта чўпни олиб, учтасининг қалпоқчали бошларини бирлаштирди. Сўнг тўртинчи чўпни ўт олдириб қалпоқчаларга тутди. «Пов» этиб ёниши ҳамоноқ пуфлаб ўчиргач, қалпоқчалар куйиб, бир-бирларига ёпишди-да, пирамида шакли ҳосил бўлди. Шундан кейин Ҳабиб Сатторов гапини давом эттирди: — Бу мен учун пирамида. Сен учун-чи?

Зоҳид устозининг мақсадини англамай елка қисди:

— Мен учун ҳам пирамида-да.

— Йўқ, бу сенинг бошингни қотираётган жиноятга оид иш. Демак, бу ҳолда сен нима қиласан? Сен аввал битта чўпни тўрткилаб кўрасан. Кейин бошқасини. Лекин пирамидани йиқолмайсан. Чунки пирамиданинг кучи мана бу уч қисмда. Сен аввал мана бу бирлаштириб турган бошни айиришинг керак. Шунда пирамида ўз-ўзидан қулайди. — Ҳабиб Сатторов шундай деб

бирлашиб турган бошчаларга аста чертган эди, чўплар сочилиб кетди. — Хўш, нима дейсан? — Умуман... тўғри.

— Унда бу ғояни сен шаклантир. Тузукроқ фикр уйғонса, хабар берарсан, ақллашармиз. Бўпти, мен кетдим. — У шундай деб ўрнидан турди-ю, стол бурчагидаги икки дафтар ёдига тушиб, қайтиб ўтирди. Дафтарларни қўлга олди-да, варақлаб кўриб, Зоҳидга узатди: — Бу Анвар укамнинг хотира дафтари экан. Ғалати нарсаларни ёзган. Истасанг ўқиб кўр, деб олиб келдим. Умуман... унинг ўлимини сизлар нима дейсизлар, «бахт-сиз тасодифми?» Лекин... у жинни эмасди. Кимдир уни мажбур қилди... Сизлар руҳан мажбур қилган одамни «қотил» демайсизлар, а?

— Ариза берсангиз, текширилади.

— Йўқ, ариза бермайман. Чунки аризанинг оқибати укам ўйлаб топган формуланинг ечимидай бўлади.

Ҳабиб Сатторов мулозиматни ёқтирмагани учун Зоҳид «чой-пой ичиб ўтирайлик», деб манзират қилмади.

Устозни катта кўчага қадар кузатиб чиққан Зоҳид қайтар маҳалида унинг пирамида хусусидаги гапларини бир-бир эслади. «Ғояда жон бор, — деб ўйлади у,— умуман жиноят оламини пирамида десак тўғрироқ бўлади. Биз унинг бир улушини чўкич билан уриб емирмоқни ихтиёр қилган нодонга ўхшаймиз. Пирамиданинг учи — Асадбекми? Унга менинг кучим етармиди? Гугурт чўпларини чертиб ташлаш осон...»

Зоҳид уйга кирганда хотини дастурхон йиғиштираётган эди.

— Ўртоғингиз Алиқул ака келдилар, — деди у эрини кўриб.

— Нима дейди?

— Сизда ишлари бор экан. Эрталаб келаман, девдилар, уйда бўлмасалар керак, моштабибни олиб қишлоққа бормоқчи эдилар, дедим. Тўғри айтибманми, борасизми?

— Боришим керак.

— Машиналарида олиб бориб келарканлар.

Бу гапни эшитиб Зоҳид ғашланди. Эридаги ўзгаришни сезган хотини:

— Ҳа, гапимнинг нимаси ёқмади тагин? — деб сўради.

— Мен сенга машина гаплашиб қўй, девдимми?

— Мен сўрабманми, ўзлари айтдилар. Ўртоғингиз-ку, хизмат қилсалар ёмонми?

— Йўқ, жуда яхши, ҳатто зўр! — деди Зоҳид аччиқланиб, — шу хизмати эвазига сен унинг укасини қамоқдан чиқариб берасан.

— Вой савил, ҳали дарди бормиди?..

— Сенга минг марта айтаман: менинг қачон, қаерга боришим ҳақида бировга ҳисоб берма.

Эртага ишга бораманми ё қишлоққами, бировнинг билиши шартми? «Ёринг қаёққа боради, анигини айт», деб сени биров зўрладими? «Билмайман» деб қўя қолмайсан-ми?

— Хўп, бўпти, тавба қилдим, — хотин шундай деб дастурхонни йиғиштиргач, зарда билан ошхонага чиқиб кетди.

Кўнгли ғашланган Зоҳид эса деразани қия очиб, кўча томонга тикилди, нечундир бу кеч кўча чироқлари ёнмабди.

Зоҳид ётоқхонага кирган эди, ўғли кўзларини чирт юмиб олиб, ўзини ухлагандай қилиб кўрсатди. Ўғлининг одатига у баъзан ҳайрон қолади: меҳмон келса, бошқа болалар каби дастурхон атрофида айланмайди. Онаси каровотига ётқизиб қўйса, уйқуси келмаса-да, қаршилиқ билдирмайди. Бу ҳолат баъзан бир, баъзан икки соат ҳам давом этиши мумкин. Бунақа пайтда Зоҳид ўғлига ачиниб, меҳмон кетгач, кеч кириб қолган бўлса-да, ўғлини кўчага олиб чиқарди. Бугун ҳам «бир айлантириб келай» деб ўйлади-ю, кўча чироқлари ёқилмагани сабабли фикридан қайтиб каравотга энгашди-да, ўғлининг юзидан ўпди. Ўғли бундан роҳатланиб, кўзини чирт юмганича қиқирлаб кулди. Кейин отасининг бўйнидан кучоқлаб олди. «Боқчага бордингми, нима единг, нималар ўйнадинг?» каби саволларга бийрон жавоб бергач,

бола отасидан эртак айтиб беришни сўради. Зоҳид биронта ҳам эртак билмасди. Ўғли ҳам сўраганида битта эртак китоб топиб ўқиб қўяман, дерди-ю, кўчага чиққач, унутарди. Ҳозирги талабдан сўнг ҳам шундай аҳд дилига тугилиб, боласига «ҳозир ойинг кириб айтиб беради», деб осон қутулди. Бола онасидан ҳам эртак эшитолмаслигини билса-да, бу ваъдага ишонди. Ошхонадаги ишларини саранжомлаган хотини киргач, меҳмонхонага чиқди-да, устози ташлаб кетган дафтарлардан бирини қўлга олди. Аввалига дафтарни ҳафсаласизлик билан варақлаб, айрим сатрларни «чўқилаб-чўқилаб» ўқиди. Сўнг ундаги маънолар диққатини тортиб, диванга жойлашиб ўтириб олди-да, бир бошдан ўқишга тутунди. «Хотира дафтари» деб аталмиш ёзувларнинг бошланиши унга қизиқ эртак каби туюлди:

«Бир мамлакатнинг одил ва доно подшоси қарилик ёшига етгач, тахтни ўғлига топшириб дебдики:

— Эй кўзимнинг нури, умидим чечаги, бу обод мамлакатни сенга топширяпман, ақл билан иш юритгин ва унинг хорланишига йўл қўйма. Мен мамлакат бойлигидан ташқари ўзимнинг бойлигимни ҳам сенга топшираман. То жоним бор экан, сен бу хазинанинг бир мисқолига ҳам тегмагин. Оллоҳнинг ҳузурига жўнаганимдан сўнг бу хазинани очасан-да, мискинларга улашиб чиқасан. Токи уларнинг дуоларидан руҳим баҳраманд бўлгай.

Ўғил ҳам ота каби доно экан. Мамлакатни яхши бошқариб, юртни янада обод қилиб раият дуосини олибди. Аммо унинг бир одати бор эканки, на сарой аҳли ва на шаҳар аҳли тушунаркан. Бирон бир кишининг «Ей подшоҳим, бу қилиғингизни тушунмоққа ақлларимиз қосирлик қиляпти, бизга бунинг маъносини англашиб қўйинг», демоққа юраги бетламас экан. Вақтики келиб, кекса подшо собиқ ва содиқ мулозимларини чорлаб, ўғлининг ҳол-аҳволини сўраганида улар юрак ютиб, воқеани баён қилган эканлар. Ўғлининг қилиғидан ҳайратланган подшо дарҳол уни чорлатиб, бу ҳаракатнинг маъносини сўрабди. Ўғил фарзандлик бурчига риоя қилган ҳолда дебдики:

— Отажон, сиз менга хазинангизни вафотингиздан сўнг халққа улашишни васият қилиб эдингиз. Ростини мен бу амрни бажармоққа мажбур бўлганим туфайли сизга эътироз билдирмоққа журъат этмадим. Аммо ҳар тун шаҳарга чиққанимда фонус-чироқни олдинда эмас, орқа томонда олиб юрмоқни амр этдим. Сабабки, вафотидан сўнг эҳсон улашмоқ қора тунда чироқни орқа томонда ёритиб бормоқ каби эмасми? Орқа томондаги фонус ёруғидан йўловчига на фойда, олдинда ёқиб бормоқ афзал эмасмикин?

Ота ўғлининг бу тадбиридан қувониб, хазинани ўзи улашган экан.

Қиссадан ҳисса: бизнинг тарих қатларида яшириниб ётган қанча бойликларимиз бор? Уларни халққа қачон улашамиз? Фонусни олд томонда ёқиб, ёруғ йўл кўрсатиш қунига қачон етамиз? Холидийлар чироқни олдинга олишга йўл қўйишармикин?»

«Бир кар одамнинг ҳўкизи йўқолиб қолибди. Кўчада қидириб юриб яна ҳам карроқ одамга дуч келибди. Иттифоқо бу одам эрталаб эшак топиб олган экан. Кар одам ҳўкизи йўқолганини айтиб, унинг шохлари-ю, думларининг таърифини келтирибди. Карроқ одам унга жавобан: — Ҳа, тўғри, мен эшагингни топиб қўйганман, суюнчини бергину олиб кетавер, — дебди. Кар одам эса яна ҳўкизининг таърифини қилаверибди. Шу ҳолда гап таллашиб туришганда эшагига бир жувонни мингаштириб олган оқсоқол кўринибди. Қарангки, оқсоқол улардан-да карроқ экан. Йўлни тўсиб, бири ҳўкиз, бири эшак ҳақида тинмай гапирётган одамларга қараб «Хотинни олиб қўйишмоқчи шекилли», деб ўйлаб:

— Яқинда хотиним ўлди. Бу жувон бегона эмас, хотинимнинг чўриси эди, — дебди.

Хуллас, учови уч хил гапириб, баҳслашиб, ҳақиқат истаб қозига келибдилар. Худонинг қудратини қарангки, қози улардан баттар кар экан. Рамазон ойи яқинлашиб қолган, агар янги ой кўринса ноғоралар чалиниб, элга маълум қилиниши керак эди. Қози уларнинг тинмай, бир-бирларига гап бермаётганларидан «Ҳа, улар янги ой чиққанини кўришибди-да», деган қарорга

келиб, хизматкорларига буюрибди:

—Ҳой, ноғораларни чалинглар, эртага саҳардан рўза!

Қиссадан ҳисса: Бизнинг барчамиз қар бўлиб қолганмиз. Биримизнинг гапимизни иккинчимиз англамаймиз. Ўзимизнинг қарлигимиз камлик қилгандай тарихимизни ҳам соқов қилиб қўйганмиз. Биз тарихнинг тилига қишан урганмиз. Ўзимизга керак пайтида қишанни ечиб, гапиртирамыз, кейин эса яна маҳкамлаймиз. Шунақа пайтда қарлигимизни ҳам унутамиз. «Енг кичкина илмий ходим» менинг бу фикримни қўлламади. «Тоғда бир кекса чинор кўрувдим, — дейди у. — Одамлар гулхан ёқавериб дарахтнинг баданини ўйиб юборишибди. Узоқдан қарасангиз дарахт тили суғуриб олинган одамга ўхшайди. Бизнинг тарихимиз ҳам шунақа.» Собиржоннинг таърифида жон бор. Аммо... тил ўсиб чиқармикин?..»

«Қайта қуриб ётибмиз... Нимани? Буни ҳеч ким билмайди. Халқ ашула ҳам тўқиб қўйибди: «Мамлакат бўйлаб қилар юриш — Миша, Рая ва қайта қуриш...» Қайта қуришдан фақат шу ашула қолса керак.

Кунларнинг бирида хўроз билан ит дўстлашиб, ўзлари учун қишлоқ қурмоқчи бўлибдилар-да, ўрмонга бориб, жой танлабдилар.

— Мен қуришни билмайман, сен-чи? — деб сўрабди ит.

— Мен ҳам билмайман, — дебди хўроз.

— Унда қишлоқни қандай қурамыз? — деб ажабланибди ит.

— Жуда осон: сен вовуллайверасан, мен тупроқ титиб қичқиравераман. У ёғи яна бир гап бўлар, — дебди хўроз.

Бу таклиф итга маъқул келиб «иш» бошлашибди. Бир оздан сўнг чарчашгач, ит дам олиб, хўроз пойлоқчилик қилибди. Шу онда тулки хўрозни кўриб қолиб, унга яқинлашибди-да, «нима қилипсан?» деб сўрабди.

— Биз бу ерда қишлоқ қуряпмиз, — дебди хўроз.

— Мениям ишга олгин, мен жудаям зўр қурувчиман, — деб ялинибди тулки.

— Яхши, — дебди хўроз. — Ҳов анави бутанинг орқасида ишбоши дам оляпти. Бориб учраш, «хўроз айтди», десанг ишга олади.

«Айёр» деб ном олган тулки шу онда нодонлик қилиб итга ташланиб, думдан айрилиб қочибди. Бир баландликка чиқиб олгач, «қурувчилар»га дебди:

— Мен-ку, лақмалигим туфайли думдан айрилдим, энди иснодга қоламан. Сизларнинг нодонлигингиз оқибатидаги шармандалик бундан кам бўлмасов...

Қиссадан ҳисса: Тулки бир аҳмоқ ҳайвон, гапираверади. Биз ҳам хўроз эмасмиз. Қайта қурамыз, дедикми, қурамыз. Аммо нимани? Қайта қуришга овора бўлгандан кўра бузиб ташлай қолингани афзал эмасмикин?

«Бир подшо» ҳаётни ўрганиб кел», деб ўғлини дунё сафарига юборибди. Орадан ойлар ўтиб, шаҳзода саройга кириб келиб, бир кафтида тупроқ, яна бирида тош билан отасига рўпара бўлибди.

— Дунё кезиб топганинг шу бўлдими? — деб ранжибди подшо. — Хўш, булардан қандай маъно уқмоғим керак?

— Подшо қанчалар улуғ, қанчалар қудратли бўлмасин, у тупроқдан яралган ва оқибат яна тупроққа айлангуси. Шундай экан, то аслига қайтгунига қадар Оллоҳга мақбул ишларни қилиши, яъни раъиятга меҳр-муҳаббатда бўлмоғи шарт экан. Тошнинг маъноси эса: хазинадан яхшилик йўлида фойдаланилмас экан, ундаги олтин у жавҳарларнинг қадри билан бу тошнинг қиймати бир хилдир, — деб шаҳзода ривоят айтибди:

— Бир одам далага чиқиб хуржун тўла олтинни кўмиб қўйибди-да, хазина кўмилган ерни ҳар куни зиёрат қилаверибди. Қўшниси унинг бу қилиғидан ажабланиб, у ҳавас билан тикилиб турадиган жойни кавлаб олтинларни олибди-ю, ўрнини тош билан тўлдирибди. Бойлик эгаси

кунларнинг бирида олтинларини силаб, роҳатланиш мақсадида ерни кавласаки, олтин йўқ! Аламдан дод солиб турганида қўшниси яқинлашиб не ҳол юз берганини сўрабди.

— Олтинларимни сарф қилмай кўмиб қўйган эдим, ўғирлаб, ўрнига тош қўйиб кетишибди, — деб жавоб берибди бойлик эгаси.

— Бекорга йиғлаяпсан, — дебди қўшниси. — Сен куйинмагин-да тошни жойига кўмиб қўявер. Сарф қилмаганингдан кейин бу чуқурчага олтин кўмилганми ё тошми, сенга нима фарқи бор?» Ўғлидан бу ривоятни эшитган подшо аччиқланибди-да:

— Демак, сенингча бойлик тўплаб, сақлаш шарт эмас экан-да? — дебди.

— Бойликка эга бўлмаслик ёмон, бойликка эга бўла туриб ундан оқиллик билан фойдалана олмаслик ундан-да ёмонроқ, — деб жавоб қилган экан доно шахзода.

Қиссадан ҳисса: Тарих олтиндан қиммат бойликдир. Биз ўз олтинларимизни кўмиб қўйганмиз. Овруполик олимлар эса уни олиб истаганларича истифода этиптилар. Олтинларимиздан фойдаланиш ўзимизга ҳам насиб этармикин?..»

Зоҳид бу ёзувларни ўқиб, ўйланиб қолди. Кўз олдига Анвар келди. Охирги учрашувларида Анвар «Жамшиднинг ўлими билан шуғулланадиган одамга тайинлаб қўйинг: Элчиндан гумон қилиб юрмасин, иғволарга учмасин, Асадбекдан ҳар балони кутиш мумкинда. Кўр ҳассасини бир марта йўқотар экан, кўзи очиқлар икки марта йўқотмасин тагин...» деган эди. Элчин отилди, Жамшид эса тирик, Анвар ўзини осди... «Асадбекдан ҳар балони кутиш мумкин...» Зоҳидга бу уч тақдир ипларида бир боғлиқлик бордай туюлди. Лекин қанча ўйламасин, фикрларини жамлай олмади.

«Икки марта жиннихонага тушган. Иккинчисида ўзини осган... — деб ўйлади у. — Шундай ақлга эга одам жиннихонада ўзини осса, нима бу, ақллилик балосими?..»

Зоҳид бу саволга жавоб топа олмади.

### ХИИ 6 о 6

#### 1

Жалил «Шорасул ака икковимизни ўз ўғлидай кўрар эди, бел боғламасак ҳам бориб турайлик», деди. Асадбек ўртоғининг донолигидан ғаш келиб «Еҳтиёт бўл, ақлинг ошиб-тошиб кетмасин», демоқчи бўлди-ю, «Гап таллашиш фурсати эмас», деган фикрда тилини тия қолди. — Бир нарсага эътибор бермаган эканман, бугун ақлимга келиб қолди, — деди Жалил машинага ўтиргач. Асадбек «Яна нимага эътибор бермабсан?» деган маънода унга қараб қўйди.

— Шорасул ака ота улфатдан охиргилари эканлар. Адаларимизнинг ошналари тамоман ўлиб битди. Энг кўп яшаган шу Шорасул ака эканлар. Энг узоқ умр ҳам, энг оғир ҳаёт ҳам шу Шорасул акага аталган экан.

— Бунақа узоқ умр бергандан кўра Худо иккита ўғил бера қолса яхши эди.

— Сен унақа дема, Худонинг ишларига аралашма, тавба қил, — деди Жалил.

— Худонинг ишларига аралашаётганим йўқ. Шу одамнинг иккита ўғли яшаб қолса, яхши бўларди, деяпман. Сенга ўхшаган киндигини ўзи кесадиғанлардан бўлса ҳам майлийди. Бу гапни эшитиб Ҳалимжон кўзгу орқали орқага қараган эди, балога қолди. Жалил:

— Сен бола менга эмас, йўлга қара, — деб жеркиб берди.

Шорасул аканикига боришгач, Жалил келди-кетди билан овора бўлди. Асадбек кўрпача тўшалган ўриндиқдан жой олди. Шорасул акани кўмиб келганлар узоқ ўтирмай, тарқалишди. Фотиҳачилар ҳам кам келди. Асадбек сиқилиб, бир соатга аранг чидади. Ўрнидан туриб, «кетяпман» деган маънода Жалилга имлаб қўйди. Уч-тўрт қадам қўймай Тўхтагоннинг эри чақирди. Асадбек жанозада пайдо бўлганидан бери куёв у билан гаплашишга фурсат изларди.



Асадбек унинг бесаранжом кўзларидан мақсадини англаган эди. У чақириққа биноан тўхтаб, ғашланган ҳолда ўгирилди.

— Бек ака, кечирасиз, сиздан бир нарса сўрамоқчийдим. — Куёв Асадбекдан «Нима гапингиз бор, айтаверинг», деган садо кутди. Асадбекнинг норози қиёфасидан бундай лутф қилинмаслигини англаб, мақсадини айтишга шошилди: — Бек ака, уч кундан кейин уйни бўшатишсин дебсиз?

— Уйнинг хўжайини мен эмасман. Қайнотангнинг хоҳиши шунақа бўлган. Уч кунни мен қўшиб бердим.

— Бек ака, биз қаёққа борамиз, бола-чақа билан кимникига сиғамиз?

Зорланиш билан айтилган бу гапдан Асадбекнинг ғаши келди. «Сенам эркакмисан!» деб тупурмоқчи бўлди. Дарвоза оғзида турган Тўхтаҳон билан Жалилга кўзи тушиб, ўзини босди-да:

— Қаердан келган бўлсанг, ўша ёққа борасан, — деб орқасига ўгирилди. Асадбекнинг одатини билмаган куёв нодонлик қилиб яна гапирди:

— Бу уйда Тўхтаҳоннинг ҳам ҳаққи бор.

Бир қадам қўйган Асадбек бу гапни эшитиб тўхтади-ю, аммо унинг башарасига қарашни, бир нима де-йишни истамади. Йўлида давом этиб, яна уч қадам қўйгач, орқадан Тўхтаҳоннинг овозини эшитди:

— Асад ака, тўхтанг, орани очик қилиб кетинг.

Асадбек тўхтаб, ярим ўгирилди-да, жувоннинг ёнида турган Жалилга қараб:

— Буларга тушунтириб қўй: тўрт томонлари қиб-ла, — деди.

— Юринглар, буни кейинроқ гаплашамиз, ҳозир мавриди эмас, — деди Жалил, зиддиятни юмшатиш мақсадида.

— Йўқ, — деди Тўхтаҳон бўш келмай, — отамнинг уйига бу одам нега хўжайинлик қилади?

Садир сариққа раҳмлари келса, ана ўзларининг уйлари бўм-бўш, хангиллаб ётибди, берсинлар. Асадбек унга ғазаб билан тикилди-ю, бир ютиниб қўйиб, тескари қаради.

— Тўхта бўлди, юр, бу ишга Асад акангнинг даҳли йўқ, у сира аралашмаган, бу адангнинг васиятлари.

— Васият бўлса қоғоз кўрсатсинлар.

— Бўлди қил-е, бунча шанғиллайсан! — Жалил жеркиб, жувоннинг енгидан силтаб тортди: — Бор, уйга кир.

Тўхтаҳон Жалилнинг амрига бўйсиниб орқасига ўгирилишга ўгирилди-ю, аммо тилини тиймади:

— Қоринлари тўйиб қолган буларнинг. Адамнинг нонлари бўлмаганида қирилиб кетишарди...

Минғирлаб айтилган бу сўз ўқларининг барчаси Асадбекнинг юрагига санчилиб, қалқитиб юборди. Жалил эпчиллик қилиб ўртага тушмаганида Тўхтаҳон шарт ўгирилган Асадбекнинг тепкисини еб қолиши тайин эди.

— Паст кетма! Булар пасткаш, сен уларга тенг келма! — деб бақирди Жалил.

Асадбек ғазабини ютиб, ўгирилди-да, бу сафар тез-тез юриб кетди. Машинага ўтиргач, Ҳалимжонга:

— Акангни чақир, — деб буюрди. Жалил келгач: — Уч кундан кейин буларни шаҳарда кўрмай, кўрсам, уволи сенинг бўйнингга, — деди. Кейин Жалилга бир сўз айтишга ҳам фурсат бермай Ҳалимжонга «Ҳайда!» деб буюрди.

Ҳар нечук Тўхтаҳон билан куёв боланинг тахти бўлмаса-да, бахти бор экан. Чол бундан икки-уч ой аввалроқ қайтиш қилиб, бу можаро ўшанда юз берганида икковининг шўри ёмон қурирди.

Ҳозир Жалилнинг зиммасига юкланган вазифа Кесакполвонга ёки Чувриндига айтиларди.

Шунда ижро ҳам бошқачароқ бўларди. Асадбек ғазабланган кезлари Кесакполвонга қай тарзда, қай оҳангда амрлар қилган бўлса, ҳозир ўзи билмагани ҳолда айнан шу оҳангда буюрди.

Машина бир оз юриб, ўзи сал ҳовурдан тушгач, «Жалилга бунақа дейишим керакмас эди.

Барибир эплломайди. Лекин гапни кўпайтириб юборади. «Шаҳарга хўжайин бўлсанг ҳам

бунақа қилишга ҳаққинг йўқ,» деб бошларимни оғритади ҳали. Буни Жамшидга буюришим керак, ими-жимиди тўғирлайди», деб кўйди.

Асадбек ўзича ҳақиқат йўлида бир иш қилиб қайтаётган эди. Илгарилари ҳам бирон бир масала хусусида ҳукм чиқарса, ёинки бирон бир кишининг тақдирини ҳал этса «Иш ҳақиқат йўриғича, виждонан бўлди», деб ҳисобларди. Аммо кўп ҳолларда у янглишарди. Чунки у ҳақиқат деган нарса аслида ҳақиқат эмас, тўғрилиқ деган нарса тўғрилиқ ҳам эмасди. У виждон деб ҳисоблайдиган нарса аслида инсоний виждон эмасди. Чунки зулм билан виждон бир танада, бир қалбада яшай олмаслиги ойдайд равшан.

Бу сафарги зулмга Асадбекни айбламоқ инсофдан эмасдир. Чунки бу зулмни Тўхтаҳон билан куёвнинг ўзлари бефаросатсизликлари туфайли сотиб олдилар. Улар ҳақларини талаб қилиб, ноҳақликнинг аччиқ сувини ичиб, қийналишга эришдилар. Агар орадан уч кунни ўтказиб, кейин «Маيلي, отамнинг васиятларига қарши бормаилиқ, уйга даъвойимиз йўқ, лекин бола-чақамиз билан кўчада қолмайлик», дейишганида масаланинг бошқача ҳал бўлиши аниқ эди.

Инсонни ҳар балога гирифторм этувчи тил бир оилани бошпанасиз қолдирди.

Асадбек уйига ана шу кўнгилхиралиқ билан қайтди. Аввал ўғиллари, сўнг келинлари чиқиб салом беришгач, бу ғашлик бир оз кўтарилгандек бўлди. Айниқса келинларнинг ширин талаффузда сўзлашишлари, саломни ҳам дилни эритувчи оҳанг билан беришлари Асадбекнинг қоронғу кўнглини ёритувчи чирокдек эди. Келинларидан шодланиши баробаринда «шундай ажойиб қизларни узоқ, нотаниш юртга узатган қудаларидан ажабланарди. Зайнабни узатганида неча кун бир нарсасини йўқотган одам каби гарангсиб юрган эди. Зайнабни шундайгина қаноти остида, истаган ониди кўриб, соғинч дардига малҳам топиши осон эди.

Қудалари қандай чидашаётган экан?

Жанозадан қайтган Асадбек келинларининг саломидан роҳатланди, аммо бу сафар қудаларининг соғинчини ўйламади. Зайнаб касалхонадан қайтгач, Манзура кириб, ёшларнинг шаҳар айланиб келиш учун руҳсат сўрашаётганини айтди. Ижозатдан шодланган ёшлар кетишгач, Манзура «овқатни сузаверайми?» деб сўради. Асадбек келган маҳалида худди шу саволга «қорним тўқ» деб жавоб берган эди. Бу сафар Манзуранинг овқатланишни кутаётганини фаҳмлаб, иштаҳаси бўлмаса-да, «ҳозир чиқаман, сузавер», деди.

Хотинининг раъйини қайтармаслик учун қозонкабоддан кичикроқ бир қовурғани олиб эрмак қилди. Манзуранинг иштаҳаси ҳам эриникига боғлиқ эди. Асадбек иштаҳа билан овқатланса, у ҳам кўнгли тусаганича ерди. Бу сафар ҳам одати канда бўлмади, қўлга олинган қовурғанинг ярми ҳам ейилмади. «Сен еявер, қорним тўқ», деган даъватга «Болалар билан едим», деган ёлғон жавоб овқатланиш жараёнига якун ясай қолди.

Асадбек қўлини сочиққа артгач, Манзура чой қу-йиб узатди-да:

— Қамар ака чиқувдилар, — деб «нимага чиққанларини айтаверайми?» дегандай савол назари билан қаради.

— Тинчликми, нимага чиқибди? — деб сўради Асадбек.

— Сизда маслаҳатли ишлари бор экан.

— Сенга айтмадимми?

— Бир учини чиқаргандай бўлдилар.

— Қани, сен ҳам ўша учини чиқар-чи?

— Уйни сотишмоқчимими?

— Нега?

— Учта ўғилни уйли-жойли қилишга қийналишаётганга ўхшашади. Кенжаларини уйлай десалар ортиқча хона йўқ. Ҳукуматнинг уйларида икки хона-икки хонали қилибми сотиб олишса керак. Самадингиз гаплашаётганди. Қамар ака ҳамма дардларини унга айтгандирлар, хотин кишига айтармидилар.

Асадбек хотинининг гапларини эшитиб «Бугун фақат уй можароси бўладиган кун эканми?» деб қўй-ди-ю, қўшнининг дардига оид бирон сўз айтмади.

Чой оғзига бемаза туюлиб, пиёлани дастурхон устига асталик билан қўйди. Аввалги даврлари бўлганда «нима бало, хашак солиб дамлаганмисан?» деб тўнғиллар ёки пиёлани дўқ этиб қўяр, ёинки жаҳли чиқиб турган бўлса, чойни сепиб юборарди. Шунда хотин бечора ҳадик билан сапчиб туриб, бошқа чойнакда чой дамлаб келарди. Аммо янги дамланган чойдан ҳам ичилмасди. Чунки аслида чой бемаза эмас, кайфиятнинг мазаси бўлмасди. Асадбек ғазаб отидан тушгани билан кўнгли на овқат, на чой тусарди. Эр-хотин дам-бадам бир-бирларига қараб қўйиб, жимгина ўтиришарди. Асадбек жағи-жағига тегмайдиганларга тоқат қилолмас, хотинининг камгаплигидан мамнун юрарди. Бироқ, ҳозиргидай ҳолларда унинг гапириб ўтиришини истади. «Нимани гапирса ҳам майли, жавраб турса бас», деб хотинига умид билан қаради. Йўқ, Манзура жаврамади. Мўъминалик либосини ечмади. Илгари ҳам, айниқса Зайнабнинг тўйидан сўнг мана шу тарзда икковлон кўп ёлғиз ўтиришарди. Лекни унда Асадбек ёлғизлик тўрида сиқилмасди. Ҳозир сиқилди, ёмон сиқилди.

— Адаси, чойингиз совиди, қайноғидан қуяйми? — Манзура шундай деб пиёлага қўл узатди. Асадбек «Йўқ, керакмас», деган маънода кафтини пиёла устига қўйди. Кейин маъсума хотинига қаради-да:

— Манзур, ёшлигимизда биз ҳам шаҳар айлангани чиқармидик? — деб сўради.

Кутилмаган бу саволдан Манзура гангиб:

— Вой, шаҳарнинг нимасини айланардик? — де-ди.

— Ҳа энди, мундоғ «айлантириб» дейиладими ё «ўйнатиб» дейиладими, марожний-парожний олиб берганманми? Мана, болаларинг кетишди-ку?

— Буларнинг замони бошқа, бизники бошқа эди, адаси.

— Бўпти, бор, кийиниб чиқ. Биз ҳам янги замонни бир кўрайлик.

Асадбек «Манзур» деб гап бошлаганида у бир ажабланган эди. Чунки эри асосан унга «ҳей» деб мурожаат этар, меҳмон ҳузурида эса «онаси» дер, жуда кам ҳоллардагина эркалагувчи самимий оҳангда «Манзур» деб чақирарди. Дастлабки ажабланиши сўнмай туриб сайрга таклиф этилиши унга ғалати туюлди. Эрига «ҳазиллашяпсизми, адаси?» деган маънода қараб, балога қолай деди.

— Имилламасанг-чи, тур тезроқ, — деди Асадбек пўписа оҳангида.

Битта машинани Абдусамад, иккинчисини Ҳалимжон ҳайдаб, ёшларни сайрга олиб кетишган эди. Манзура амрга итоат этиб ўрнидан турди-ю, «Машина йўқлигини адаси унутдилармикин», деган хаёлда:

— Машина... — деб гап бошлаган эди, «Ишинг бўлмасин», деган қўпол жавобни эшитди.

Асадбекнинг бу қилиғи Манзурагагина эмас, болохонадаги йигитларга ҳам ғалати туюлди. Улардан бири шошганича пастга тушди, кўчада хотинининг ёнида хотиржам бораётган хожаси изидан бир оз тикилди. Асадбек ҳеч қачон машинасиз кўчага чиқмасди. Бирор ёққа кетаётган бўлса дарвозадан чиқиш олдида уларга нимадир деб қўярди.

Йигит пича тек тургач, содиқ мулозимлик вазифасини бажариб, саккиз-ўн қадамлик масофани сақлаган ҳолда изма-из юра бошлади. Буни сезган Асадбек тўхтаб, орқасига ўгирилди. Йигит ҳам тўхтаган эди, имлаб чақирди-да, у яқинлашгач:

— Изимдан юрма, — деди. — Ҳалим аканг келса, айт, уйига кетаверсин. — Асадбек бир оз ўйланди-да, қўшиб қўйди: — Акаларинг келишганидан кейин сенлар ҳам уй-уйларингга кетаверларинг. Эрталаб Ҳайдар акангга учрашсаларинг, бундан бу ёғига нима иш қилишларингни айтади.

Йигит «хўп» деди-ю, аммо ҳайронлигини яширмай, қараб тураверди.

— Ҳа, гапимга тушунмадингми? — деди Асадбек, қошларини чимириб.

— Тушундим, Бек ака... Ҳовли... ёлғиз қоладими?

— Сен ташвишланма, кетавер, бизни бўри ермиди, акаси.

Йигит изига қайтгач, эр-хотин катта кўчага чиқишди.

— Машина тўхтат, — деди Асадбек, кейин кулимсираб қўшиб қўйди: — хотинларга тўхташи

осон-роқ.

Машиналарнинг тўхташи осон бўлмаса-да, четроқда турган Асадбек ғашланмади. Кузатиб тураверди. Аксинча Манзура «Ношуд!» деб сўкиб қолмасалар эди, деб ташвишланди.

Ниҳоят, бир машина тўхтагач, Асадбек яқинлашиб, манзилни айтди:

— Анҳор бўйига.

— Қанча берасиз? — деди ҳайдовчи.

Асадбек унга жавоб бермай, Манзура учун орқа эшикни очди-да, ўзи олд ўриндиққа ўтирди.

— Акажон, кира ҳаққини келишмадик-ку? — деди ҳайдовчи.

— Сен аввал олиб бориб қўй, келишаверамиз, — деди Асадбек эшикни ёпиб.

— Ҳисобли дўст айрилмас, деган гаплар бор.

— Менга дўстмисан ҳали, унда текинга олиб бориб қўясан. Мен дўстларимга пул бермайман.

— Энди ака...

— Бўлди, мижғовлик қилма. Пул ишлайдиган одам шунақа имижиқи бўладими, э сўтак! —

Асадбек аччиқланиб, чўнтагидан ўн сўмлик чиқарди-да унинг тиззаси устига ташлади. «Сўтак» дейилганига ичи оғриб бир нима демоқчи бўлган ҳайдовчи ўн сўмликни кўриб, тилини тишлай қолди. Ўзича ҳисобни тўғрилаб қўйди, икки сўми кира ҳаққи, саккиз сўми «сўтак» деб ҳақорат қилгани учун жарима...

Анҳор бўйлаб юриш Манзура учунгина эмас, Асадбекнинг ўзига ҳам дастлаб ғалати туюлди.

Атрофга қараб енгил тортди: қучоқлашгудай бўлиб бир-бирининг пинжига кириб бораётган ёшлардан ташқари чол-кампира ҳам, болаларини ўйнатгани олиб чиққан жувонлар ҳам сайр қилишарди. Бировнинг бошқаси билан иши йўқ... Ҳеч кимнинг, жумладан, Асадбекнинг соядек илашиб юрадиган қўриқчилари ҳам йўқ.

Шундай яшаса ҳам бўлар экан-ку?

Еркин ҳаёт деб шунга айтилмайдими?

— Манзур, бундан бу ёғига болохонада одам ўтирмайди, — деди Асадбек.

Бу янгиликни эшитиб, Манзура беихтиёр «вой» деб юборди.

— Қўрқасанми? — деб сўради Асадбек.

— Йўғ-а, нимадан қўрқаман, — деди Манзура.

— Энди келинлар бор, тепадан кўзларини лўқ қилиб ўтириши менга ёқмаяпти.

— Тўғри қиласиз, адаси, келинларингиз ҳам «бу-лар нима қилиб ўтиришади», деб ҳайрон бўлишув-ди.

— Шунақами? Сен нима дединг?

— Булар қариндошларимиз, институтга киришга дарс тайёрлаб ўтиришади, дедим.

— Боплабсан-ку, шу пайтда институтга кирадими?

— Нима дейишим керак эди?

— Ҳа, майли, институтга кирмайдиган бўлиб, қайтиб кетишди, деб қўясан энди, — деди Асадбек кулиб.

Шундан сўнг гап халтаси бўшаб қолгандай индамай кетишди. Бундай юриш Асадбекка ёқмай:

— У томонларда ҳаёт қандай экан, айтиб ҳам бермадинг, а? — деди.

— Мавриди бўлмади-ку, — деди Манзура айбли оҳангда.

— Одамларининг муомаласи қанақа экан?

— Тилларига тушунмасам... Лекин қўни-қўшни бир-бирини танимас экан, оқибат ҳам қилмас экан.

— Қўни-қўшниларининг бир-бирларини танимаганлари ҳам маъқул. Тинч яшашади, ғийбат қилишмайди.

— Вой қўйинг-е, ёмон бўлса ҳам қўшнининг бори яхши.

— Сен ўша томонларда қолиб яшаган бўларми-динг? — деб ўсмоқчилаб сўради Асадбек.

— Ўлсам ҳам яшамасман.

— Келинларинг ўйимизга кетамиз, дейишса, ўғилларинг уларга қўшилиб жўнашса-чи?

— Вой, нафасингизни иссиқ қилинг-а, тавба денг, ўзим юрагим ҳилвиллаб турибди. Бунақа гапларни бошқа гапирманг, — кейинги сўзларни айтаётганида Манзуранинг овози титради. Асадбек уни овутиш мақсадида елкасига қўлини ташлади. Манзура бундан чўчиб, ўзини четга олди:

— Вой, нима қилипси?

— Ҳа, нима қилибман, — деди Асадбек, — ўзимнинг ҳаппаи-ҳалол хотинимсан. Ана, қара, ҳамма шунақа юрибди.

— Қўйинг-е, қариганда...

— Мен ҳали қаримадим. — Асадбек шундай деб хотинини қўлтиқлади. Бу сафар Манзура ўзини олиб қочмади.

Кун бўйи машриқда ивирсиб юрган қўнғир булут парчалари шомга яқин бирлашиб, қуёшни бағрига олди. Шуни кутиб турган изғирин қўзғолиб, баҳорнинг тотли нафасини бўғди. Изғирин анҳор соҳили бўйлаб чўзилган сайргоҳга ҳам ҳукмини ўтказа бошлагач, болаларини ўйнатгани олиб чиққан жувонлар уйларига шошилдилар. Сўнг кексалар кўринмай қолишди. Унда-бунда, дарахт паналарида қоронғу тушишини интиқ кутаётган жуфт-жуфт ёшларгина қолишди. Ерининг ёнида аста юриб бораётган Манзурага бу сайр хуш ёқаётган бўлса-да, кўнглининг бир чеккасини ғашлик сўнаси кемириб ётарди. У эридаги бу ўзгариш сабабини билишни истарди. «Бир тоғнинг ўз ўрнидан қўзғалиб, бошқа ерга кўчганини эшитсангиз ишонинг-у, бироқ, одамнинг феъл-табиати, қалби ўзгарибди, дейилса инонмангиз», дейилмиш экан. Шунга кўра эридаги бу ўзгаришнинг яхшилик нишонаси эканига Манзурада гумон бор эди.

Хотинлар давра қурувчи зиёфатларда айрим жувонлар «Шундай одамнинг хотини-я! Егани олдинда, емагани ортида, айтгани айтган, дегани деган. Мунчалар бахтли экан-а, бу аёл!» деб ҳавас қилишса, Манзура чиндан ҳам бахт эгаси сингари жилмайиб қўярди. Ҳолбуки, бахтлими ёки бахтсиз эканини ўзи ҳам аниқ билмасди.

Агар аёлнинг устара тиғи устида яшаши бахт де-йилса — Манзура ростдан ҳам бахтли.

Ерининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳадик билан кузатиш, кечки пайт эри остона ҳатлаб ҳовлига кириб келгунига қадар минг турли ҳавотир тиканлари устида ялангоёқ югурмоқ агар бахт дейилса — Манзурадан ўзга бахтлироқ аёл йўқдир.

Агар эри уйга қайтмаган тунлари бешикни қучоқлаб, тиқ этган товушга ҳадик билан қулоқ тутиш, тонг-ни ўзи бева, боласи етим ҳолида кутиб олмаслиги учун Худога нолалар қилиб чиқмоқлик бахт дейилса — ҳақиқий бахт эгаси айнан Манзурадир.

Агар бахт фақат емоқ, ичмоқ, ўйнамоқ, кулмоқдан иборат бўлса — Манзурага ҳавас қилса ярашади.

Шундай тарози бўлса-ю, унинг бир палласига емоқ, ичмоқ, кийинмоқ саодати, иккинчисига турмуш ташвишлари-ю, ғам қўланкалари қўйилса балки бахт ҳақиқати аён бўлар?

Агар дунё айланиб, Манзуранинг келинлик онлари қайтса-ю, дейилсаким: «Танла, умринг шу эски ҳовлида ўтсинми ёинки янги, данфиллама иморатда, зебу зийнатлар ичида яшашни истайсанми?»

Манзура шубҳасиз, қайнона-қайнотасининг умри ўтган, эрининг киндик қони тўкилган шу эски ҳовлини, бир тишлам нонни беташвиш емоқ бахтини танлаган бўларди. Не ғамки, инсонга, айниқса ўзбек аёлига бундай танлаш ҳуқуқи берилмаган...

Ҳозир ҳам бу кутилмаган сайрга эрининг хоҳиши билан чиқди. Қовушмаган сўхбат билан овуниб бораётган Манзуранинг зимистон кўнгли шомни доғда қолдирган қоронғуликка монанд равишда янада қорароқ чодирга буркалаётган эди. Ўфилларини Москвада қолдириб келганидан бери тутқун қуш сингари потирла-ётган юраги тағин ҳам ёрилиб кетмайди. Худо тағин ҳам сабр беряпти. Бугундан эътиборан ҳовлиларида пойлоқчиларнинг бўлмаслиги ҳам унинг безовта юрагини тимдалайверди. У эрининг гапига ишонгандай кўринса-да, бу ҳаракат замирига кутилмаган шумликлар яширинганини сезиб турарди. Асадбек «Сен ўша томонларда яшаган бўлармидинг?» деб ўсмоқчилаб сўраганида гўё эри «ҳозир уйга бориб нарсаларни йиғиштир,

эрта-индин ўша ёққа кўчамиз», деб буюргандай енгил титраб олди. Қўшниларининг беоқибатлиги хусусидаги таассуротидан сўнг гаплари тугаб қолгандай бир оз жим юрди. Сўнг муҳим нарсани эслагандай:

— Ресторанларда овқат ейишни яхши кўришар-кан, — деб қўйди.

— Хотинларини авайлашади-да, — Асадбек шундай деб Манзурага қараб қўйди. Худди хотини «Сиз нима учун мени авайламайсиз?» дегандай бўлди. Асадбек қудаларидан фарқли ўлароқ, ресторанларга Манзурасиз борарди. Ресторанда ўтувчи тўй-ҳашамга бирга келишса ҳам айри-айри ўтиришарди. Янги уйга кўчиб ўтишганида Асадбек Манзуранинг оғирини енгил қилиш мақсадида хизматчи ёллаган эди. Уй тутишда ўзининг йўриғи бўлган Манзурага, хизматчи қанчалар чаққон, қанчалар саришталик бўлмасин, барибир ишлари ёқмади. Айниқса етти ёт бегона аёлнинг уйида ивирсиб юриши малол келиб уч кундан сўнг жавобини бериб юборган эди. Эрининг «нега бундай қилдинг?» деган саволига «Қўйинг, болалар билан ўзимиз эплаймиз. Ҳамма ишни хизматчи қилса, болалар танбал бўлиб ўсишади», деб жавоб қайтарган эди. Зайнабни узатишгач, Асадбек яна хизматчи ёлламоқчи бўлганида Манзура рад этди, Асадбек «майли, уйдаги ишлар билан овунади», деб унинг раъйига қаради.

Ҳозир ресторандан гап очилганидан Асадбек хотинини сийлагиси келди. Кўприкка етишганида ўйлаб ўтирмай нариги соҳилга, ундан эса марказ томонга йўл бошлади. Ресторан сари юришганида Манзура эрига савол назари билан қаради.

— Қорним очди, бир нима еб олайлик, — деди Асадбек бу қарашга жавобан.

Ресторанда одам кўп эмасди. Ичкари кирган Асадбек бир зум тўхтаб, атрофга назар ташлади. Ёшлари ўтиброқ қолган бу эр-хотинга биров эътибор қилмади. Бурчак томондаги стол атрофида давра қуриб, сигарет тутатиб ўтирган хизматчи жувонлардан бири уларга кўз қирини ташлаб қўйди-ю, «истаган жойларига ўтиришсин, шунга қараб биттамит ўрнимиздан жиламит», дегандай яна ўз давраси билан машғул бўлди.

Бу ҳолда туриш Асадбекнинг ўзига ҳам эриш туюлди. Узоқ эмас, кечагина ресторан остонасига етмаёқ уни таъзим билан кутиб оладиганлар қани? «Бек ака, тўрга ўтинг...», «Бека ака, қанақасидан қуяй?», «Бек ака, бедана кабобни олиб келаверайликми?», «Бек ака, ашула ёқмаяптими? Ҳозир овозини ўчиради»... Қани бу иззату икромлар? Отдан тушганидан кейинги аҳвол шу бўладими бундан бу ёғига?..

Асадбек ғашланганини хотинига сездирмаслик учун уни билагидан аста ушлаб, деразага тақаб қўйилган бўш стол сари бошлади. Ун дақиқа чамаси вақт ўтгач, бўлиққина хизматчи аёл яқинлашди-да, қандай овқатлар борлигини маълум қилди. Асадбек тилга олинмаган таомни сўради.

— Манпар йўқ, умуман суюқ овқат йўқ, — деди хизматчи бир оз энсаси қотган тарзда.

— Унда тобоқи жўжа олиб келинг, — деди Асадбек.

— Бунақасини уйингизга борганда ейсиз, бизда умуман тобоқи бўлмайди, — деди хизматчи энди кўрсроқ оҳангда. Манзура «бу кўрсликдан эрим сачраб кетмасин», деган ҳадикда унга қараб:

— Киевча котлет бераверсин, майли, — деди.

Хотинининг мулойим оҳангдаги бу сўрови бўлмаганда Асадбек чиндан ҳам бир-икки «ширин» гап айтишдан ўзини тиймаган, хизматчи жувон эса шу баҳонада онасининг қайси маҳлуққа қўшилиши оқибатида дунёда келганини билиб олган бўларди. Асадбек «Умринг бўйи киевча котлет ейишни орзу қилиб, энди шу ерда етишдингми?» деган маънода Манзурага қаради-да, хизматчига:

— Иккита киевча котлет. Хотинимнинг боши шунга қоронғу бўлган, — деди.

Жувон бу ҳазилга эътибор бермай, дафтарчасига букюртмани ёзди-да, «Яна нима?» деб сўради.

— Бўлди, — деди Асадбек.

— Салат... вино?..

Хизматчининг таклифлари чала қолди. Асадбек кўпол равишда:

— Нима кераклигини сенга айтдим, — деди.

Хизматчи жувон энсаси қотганини яширмай бурилиб кетгач, Асадбек сўкиниб қўйди.

— Уйга бора қолсак бўларди, — деди Манзура, ялиниш оҳангида.

— Йўқ, котлет, дедингми, энди ейсан шу котлетни, — деди Асадбек.

— Вой, қорним тўқ, — деди Манзура оғир жазога ҳукм бўлган одам каби чўчиб.

Хотинининг бу саросимасини кўриб Асадбек кулиб қўйди:

— Ке, энди сен ҳам бир яйраб ўтиргин. Бизнинг қудаларингдан камимиз борми? Биз ҳам еб кўрайлик ўша котлетни. У ёқлардаги хизматчилар қанақа экан, шунақа лопиллаган хотинларми?

— Йўға, у ёқда ёш йигитлар хизмат қилишаркан. Шамолдай елиб-югуришади, барака топгурлар. Дастурхонга битта ушоқ тушса дарров тозалашади. Мен ўзимизнинг одатимизни қилиб қошиқни сочиққа артсам, Ҳамидингиз «унақа қилманг, хизматчи йигитни балога қўясиз», дейди.

— Нега? — деб ажабланди Асадбек.

— Хўжайин кўриб қолса «қошиқни яхши тозаламай қўйган экансан», деб уни ишдан ҳайдаб юборарканда...

Ниҳоят, киевча котлет ҳам келди. Асадбек санчиқда бир тишлам узиб олиб, оғзига солди-ю, туфлаб ташлашни ёки ютишни билмай, жавдираб қолди. Манзура эрининг ҳолини фаҳмлаб кулдонни у томон сурди-да:

— Кўнглингиз тортмаса еманг, адаси, — деди.

Асадбек чала чайналган қиймани ташлади-да, баланд овоз билан хизматчи аёлни чақирди.

Манзура жанжалнинг ҳиди келиб қолгани сабабли туришга тараддудланди.

— Адаси, юринг, кетақолайлик, болалар ҳам қайтишгандир.

— Ўтир, — деди Асадбек амр оҳангида. — Мен бу ерга овқат егани келганман.

Иккинчи чақиришдан сўнг хизматчи келди-да «Бунча бетоқатсиз?» дегандай қошларини чимирди.

— Ўтир, — деди Асадбек.

— Мижозлар билан ўтириш мумкинмас, — деди хизматчи.

— Мен сенинг мижозингмасман, ўтир дегандан ке-йин ўтир.

Оппоқ сочли бу одамнинг кўзларида чақнаётган қаҳр-ғазаб учқуни хизматчини омонат тарзда бўлса-да, ўтиришга мажбур этди.

— Мана шу киевча котлетни сенга илиндим. Ол, е! — деб амр қилди Асадбек.

— Қорним тўқ, емайман, — деди хизматчи.

— Тўқ бўлсанг ҳам е.

— Яхши пишмабдими, сизга ёқмадими?

— Еявер, зўр пишган.

Хизматчи бу мижоздан осон қутула олмаслигини фаҳмлаб қиймадан озгина ушатиб олди. Худди тотли таом еяётгандай чапиллатиб чайнаб, тезгина юта қолди.

— Хўш, ёқдими? Ўлган эшакнинг гўштимиди бу?

— Ёмон эмас-ку, сизга нимаси ёқмади? — деди хизматчи бир ютиниб қўйиб. Таомнинг ёмон эмаслигига ўзи ҳам ишонмагани учун бу гапни попуги пасайган тарзда, Асадбекнинг кўзларига қарай олмаган равишда гапирди.

— Итга берсанг ит емайди бунга, яна ёмонмас дейсан-а! — Асадбек шундай деб бўралаб сўқди-да, ликопчани унинг олдига сурди: — Охиригача ейсан. Емасанг эмчақхалтангга солиб бераман, уйга борганингда кечаси билан кавшаб чиқасан.

— Сиз менга қўполлик қилманг, — хизматчи шундай деб ўрнидан турмоқчи эди, Асадбек уни билагидан ушлаб тортиб, жойига ўтқазиб қўйди. Бунга кўзлари тушган хизматчилардан иккитаси югуриб келишди:

— Натали, нима гап?

— Гражданин нега тўпалон қиялпсиз?

Асадбек уларга бир хўмрайиб қаради-ю, индамади. «Натали» дейилгувчи хизматчига эса яна амр қилди:

— Е!

Кўзлари жавдираб Манзура ўрнидан турмоқчи бўлди:

— Адаси...

— Ўтир жойингга!

Хизматчилардан бири тез-тез юриб қалин парда ортидаги ошхона томон ўтди. Дам ўтмай ўша томонда ресторан хўжайинининг муовини кўринди. У аввалига сочлари оқариб кетган Асадбекни танимади. Дадил юриб келаётиб, Асадбекнинг ўткир нигоҳи билан кўзлари тўқнашди-ю, биров оёғига ўроқ ургандай таққа тўхтади. Шу нафаснинг ўзида тиззасига қалтироқ югурди. Аммо турли одамларни кўравериб, муомаланинг минг бир турини ўзлаштирган муовин тезда ўзини қўлга олди. Нохушлиқдан хабар бериб, энди эргашиб келаётган хизматчига ўгирилиб, бир нима деб шивирлади. Хизматчи «маъқул» ишорасини қилгач, эпчиллик билан олдинга ўтиб, дугоналарининг ҳимоясига шай турган икки аёлни аста туртди-да, нарига бошлади.

«Нега бир ўзлари? Нега бизни ҳеч ким огоҳлантормади?» — Муовин шу саволлар тўрига ўралиб Асадбекка рўпара бўлгач, таъзим билан салом берди.

— Бек ака, ғафлатда қолибмиз, узр...

«Ҳа, ҳали ҳам Бек акангман. Бек аканглигимча қоламан! «Асадбек шу гапни кўнглидан ўтқазиб унга қаради-ю, танимади. Яқин уч-тўрт йил ичида бу ресторанга кирмагани учун хўжайини ким, шотирлари ким билмасди. Буни ё Чувринди ё Кесакполвон яхши биларди.

— Хўжайин сенмисан бу ерга? — деб сўради Асадбек.

— Йўқ... хўжайин... ўзингиз биласиз, Норбўта акамгилар. Сал товлари йўқроқ эди, изғиринда белни олдириб қўйибдилар.

— Сенларни белдан эмас, калладан олган.

— Бек ака, бу ёқда жой тайёр эди, ўтайлик. Натали, тур, ишингни қил.

Хўжайини талаби билан қўзғолган хизматчини Асадбек қаҳрли қараши билан жойига михлади-да, ҳамон таъзимда турган муовинга буюрди:

— Сен ҳам ўтир, Натали жононингга қарашиб юборасан. Бунинг ўзи тирсиллаб турибди, яна бўкиб қолмасин.

— Бек ака, жой тайёр эди-я...

— Сенга ўтир, дедим. Шу котлетнинг биттасини еб берасан.

Муовин ўтиргач, Асадбек Манзурага аталган котлетни у томон суриб қўйди. Муовин «сени деб мен ҳам балога қолдим-ку, ол е», деган маънода хизматчига қаради-ю, санчиққа қўл узатди.

Манзура бу можаро эрининг фойдасига ҳал бўлганини билиб турса ҳам игна устида ўтиргандай ҳаловатини йўқотди. Асадбек эса кўзини котлетхўрлардан узмай жим ўтирди.

«Яхшики бу бўғирсоқ мени таниб қолди,— деб ўйлади у.— Бўлмаса ошхонадан икки барзанги чиқиб, икки қўлтиғимдан олиб, кўчага ташлармиди? Ҳа, оппоқ сочимнинг ҳурматидан раҳми келса шундай қиларди. Бераҳмроғи худди ахлатга ташланадиган латтадай судраб чиқарди.

Балки хотинининг кўзи олдида бир-икки тепки еб шарманда ҳам бўлармидим? Кейин-чи?

Аламимдан Жамшидни ёки бошқасини юборармидим? Унда нима фойда?.. Энди ёлғиз юраман, бундан бу ёғига аҳвол шуми? Одамлар иззат қилади, деб талтайиб юраверган эканман-да...

Ёнимда йигитларим бўлмаса Асадбек деганлари сариқ чақадек гапми? Болохонадаги йигитлар кетишгач, уйимга ит ҳам, бит ҳам бостириб кираверадими? Бу бўғирсоқ ҳали ўрнимни

Ҳайдарга бўшатиб берганимни билмайди. Билса шу котлетни башарамга отишдан тоймасмиди? У кечаги Асадбекдан кўрқяпти, бугунгисининг орқасига тепишдан тоймайди...»

Шу онда Асадбек янглиш фикр юритаётганди. Бу фикри ўзи яхши кўриб айтиб юрадиган

«Йўлбарс-йўлбарсдир, ҳеч қачон қўзичоқ бўлмас», деган гапига зид эди. Тўғри, бирон идора



раҳбари ишдан кетса, унга пойи патак бўлиб, лаганбардорлик қилиб юрувчилар дарров тўнни тескари кийиб оладилар. Аммо шайтанат оламида бундай ҳолат кам учрайди. Бунда йўлбарснинг йўлбарслик, бўрининг бўрилиқ «гувоҳномаси» олиб қўйилса ҳам у беозор жониворга айланмаслигини барча билади. Бу оламда «гувоҳнома» шунчаки олиб қўйилмайди, балки гўрковга топширилувчи «ўлим ҳақидаги далолатнома» билан алмаштирилади. Бундай далолатнома берилмас экан, четга сурилган одамдан барибир қўрққулик. Шунга кўра «Асадбек ўйиндан чиқибди», деган гап тарқалган тақдирда ҳам, «Ўқилон»нинг аввалги шухрати атрофдаги одамларни талвасадан қутқармайди.

Ҳам чандир, ҳам ҳидланган гўштдан тайёрланган котлетни чайнаётган муовин ҳам бундан мустасно эмас. Айни дамда биров келиб унга: «Жинни бўлмасанг-чи, бу одам энди ҳеч ким эмас», деса ҳам у «Шу қиймани еб ўлмасман, лекин емасам ўлишим эҳтимоли бор», деган эҳтиётда Асадбек амридан барибир бўйин товламасди.

Ликопча бўшагач, муовин ичкарида жой тайёр эканини яна эслатди. Манзура эса «адаси кетақолайлик» деган маънода ялиниб қаради. Асадбек ҳар иккала таклифни эътиборсиз қолдириб индамай ўтираверди. У безатилган дастурхон учун паст кетиб, жойни ўзгартиришни истамади. Муовин дастурхон шу ерда безалиши шартлигини уқиб, таъзим билан изига қайтди. Аввал дастурхон алмаштирилди. Улар кирганда эътиборсиз равишда сигарет тутатиб, без бўлиб ўтирганларнинг барчаси чаққон тарзда хизматга киришди. Фақат Натали деганлари кўринмади. Муовин «сени кўрсалар Бек акамнинг ғашлари келади», деб уни ошхонадаги хизматга қолдирган эди.

Ўзига оро бериб кийинган уч йигит дастурхон усти ноз-неъматлар билан безалаётган пайтда ресторанга беписандлик билан кириб келиб ўртада тўхташди. Олдинроқда тургани ўтирганларга бир-бир қараб, кимнидир қидиргандай бўлди. Сўнг тўрдаги стол атрофида ўтирган уч эркак, икки жувондан иборат давра сари юрди-да, уни кўриб саросима билан ўрнидан қўзғолган чиройли жувонга тарсаки тушурди. Буни кўрган Манзура чўчиб ёқасини ушлаганича нажот кўзлари билан эрига қаради. Асадбек хотинининг хавотирини сезмагандек, худди зерикарли кинони эснаб тамоша қи-лаётган одам сингари бамайлихотир ўтираверди. Тарсаки урган йигитнинг икки шериги даврадаги эркакларнинг орқасига ўтишганида жувон: — Булар билан бирга ишлаймиз, бугун менинг туғилган куним эди, — деб уларни ҳимоя қилмоқчи бўлди. Йигит ўрнидан жилишга, аёлни ҳимоя қилишга уринмаётган эркакларга қаради-ю, шерикларига «урларинг», деб имламади. Жувоннинг биллагидан маҳкам ушлаб, бармоғидаги узукни тортиб олди. Кейин «соатни еч!» деб буюрди. Жувон титроқ бармоқлари билан соатни ечиб узатгач, яна тарсаки еди. Бу сафар зарба қаттиқроқ бўлгани учун қалқиб кетди. Йигит уни яна урмоқчи бўлиб хезланганида ошхона томондан югуриб чиққан хизматчи орага тушиб, унга нимадир деди. Йигит шу оннинг ўзида шаштидан тушиб, Асадбек томонга қараб олди-ю, шошқич равишда изига қайтди. Урушга шай турган шериклари нима воқеа юз берганини англамай таажжуб билан унга эргашдилар.

Бу томоша Асадбекка ёшлиқ йилларини эслатди.

Ресторанга кирган пайтларда Кесакполвоннинг шунақа қилиғи бўларди. Баъзида ўзига ёққан жувонга эга чиқишни истаб қоларди. Кўча-кўйдаги ёки бозордаги ови юришмаган кезлари эса ресторанга ўйнашлари билан кирганларни шилиб олиш ҳаракатини қиларди. Ресторан, меҳмонхона атрофларига ин қўйган фоҳишаларнинг кўпини яхши билувчи Кесакполвон худди ҳозиргидай тамошани кўрсатарди. Кесакполвон билан тил бириктирган фоҳиша бир-икки тарсаки ерди-ю, кейин улушни олгач, мукофотига унинг тўшагини обод қиларди. Асадбек, ўша кунларни эслаб «бу тамоша ҳозир ҳам бор экан-да», деб ўйлади.

Дастурхон шоҳона кўриниш олгач, муовин яна таъзим билан пайдо бўлиб, шишаларнинг қопқоғини очмоқчи бўлди.

— Очма, — деди Асадбек.

— Одамдан азиз бўлибдимиз, Бек ака. Табаррук қилиб беринг, ўзимиз отамиз, — Муовин

шундай деб туриб қадаҳларга коньяк қўйди. Асадбек узатилган қадаҳга қўл узатмагач, нима қилишини билмай ноқулай аҳволга тушди. Асадбекнинг:

— Ўзинг ич, — дейиши уни бу аҳволдан қутқарди. Қадаҳни Бек акасининг соғлиғи учун кўтариб, яна ошхонага қайтди.

Кўп ўтмай икки косада манпар келди. Асадбек хотинига «кўрдингми, буларни», дегандек қараб, истехзо билан жилмайиб қўйди, бироқ, қўлига қошиқ олмади. Манзура ҳам «енди бу ёғи нима бўларкин» деб ҳаракатсиз ўтираверди. Манпар совушга улгурмай тобоқи жўжа ҳам келтирилиб, ёқимли ҳиди иштаҳани қитиқлади. Ана шундан кейин Асадбек чўнтагидан пул чиқариб санагач, дастурхон устига ташлаб устига коньяк шишасини бостириб қўйди-да, ўрнидан турди. Асадбекнинг бу қилиғидан талвасага тушган муовин:

— Бек акажон, бизни уялтирманг, — деб ялинди.

— Ҳалиги йигитларни танийсанми? — деб сўради Асадбек унинг гапига парво қилмай.

— Биринчи кўришим... танимаيمان, — деди муовин довдираб.

— Чўтал беришмайдим сенга, шунақа лақмамисан? Эртага Жамшид деган йигит келади, ўша болалар шу ерда бўлишсин.

Кузатиб чиққан муовин уларнинг пиёда кетишаётганини кўриб ажабланди, лекин «машина чақирайми?» дейишдан қўрқиб, индамай тураверди.

## 2

Ерталаб Асадбек нонушта қилиб бўлгач, Манзура тўйдан гап очди:

— Маҳмуднинг қирқи ўтгандан кейин деганман-ку? — деди Асадбек унга жавобан.

— Йигирмалари ўтди... Майли, сиз нима десангиз шу. Лекин.. кунини белгилаб, тўйга айтаверсак бўлармиди... биласиз-ку, одамлар тиллари билан юрадиган бўлиб кетишган...

— Яхши... Бор, Самадингни чақир.

Манзура гапни кўпайтирмай ўрнидан чаққон турди-да, ўғлини бошлаб қайтди. У тўйнинг маслаҳати бўлар, деган фикрда яна эрининг рўпарасидан жой олди. Лекин Асадбек ҳозиргина тўй ҳақида гап бўлганини унутгандай ўғлидан бутунлай бошқа нарсани сўради:

— Кеча Қамар амакинг чиқибдиларми? Нималарни гаплашдинг?

Манзура Абдусамадни бошлаб келаётганида йўл-йўлакай «аданглар тўй кунини белгиламоқчилар, тортинмай гапингни айтавер», деб шипшиб қўйган эди. Шу сабабли ўғил отасининг саволидан ажабланиб, онасига қараб қўйди. Манзура «қайдам, ўзим ҳам ҳайронман, бу кечаги гап эди...» дегандай пастки лабини аста тишлаб, нигоҳини олиб қочди. Абдусамад эса мужмалроқ тарзда:

— Уйни сотмоқчимизлар, пулдан қийналиб қолишганмиш, — деб жавоб қилди.

— Сен нима дединг?

— Адамлар билан маслаҳатлашаман, дедим.

— Дуруст... — Асадбек шундай деб ўғлига синовчан тикилди. — «Сотаман», деб бошқаларга ҳам айтибдимми?

— Йўқ. Биринчи бизникига чиқибдилар. Гапларининг мазмунидан бизга сотмоқчига ўхшайдилар.

— Ўзинг нима дейсан?

— Сиз нима десангиз...

— Мен сенинг фикрингни билмоқчиман. Сенам битта оилага бош бўляпсан. Четнинг ҳаётини кўрдинг. Қани, бир нима дегин-чи?

Бу гапдан сўнг она-бола кўз уриштириб олдилар.

— Ойингга қарама, мен сендан сўраяпман, менга қараб гапир.

— Сотишга астойдил аҳд қилишган бўлса... олганимиз маъқулроқмикин?

— Сен унақа мижғовлик қилма. Кечадан бери ўйлангандирсан, аниқ бир фикрга келгандирсан?

Сотиб олганмиз маъқулроқми ё сотиб олишимиз керакми?

— Адаси, бунақа гапларни билмайди ҳали... — шундай деб орага тушган Манзура «Сен ақлинг етмаган ишларга аралашма», деган танбеҳ билан жим бўла қолди.

— Ойинг сенларни ҳали ҳам ёш бола фаҳмлайди,— деди Асадбек ўғлига, сўнг хотинига юзланди: — балони билишади бу болларинг. Четда ўқиганларни сен анойи дема.

Асадбек кейинги луқмасини жиндак меҳр билан айт-ган бўлса-да, Абдусамад аниқ фикрини билдиришга журъат этолмади. Отаси талабини яна қайтаргач:

— Олганимиз яхши, — деди.

— Қамар амакингга шундай дедингми?

— Йўқ, «адам биладилар», дедим.

— Яхши, яхши... уй сотилса биз олишимиз керак...— Асадбек ўғлидан кўз узмаган ҳолда пиёланинг четига чертиб қўйди. — Ўғлим, уйимиз торлик қилиб қолдими, сиғмаяпсизми?

Сизлашга ўтилиши яхшилик аломати эмаслигини билган Манзура безовталаниб, эрини чалғитиш мақсадида:

— Адаси, чой қуяйми? — деб сўради.

Асадбек бу гапга эътибор қилмай, ўғлига қаттиқ тикилганича жавоб кутди:

— Сиздан сўраяпман, сиғмаяпсизларми? Бошқа уй-жой қилиб берайми?

Абдусамад бошини эгган ҳолда ўзини оқламоқчи бўлди:

— Ада, унақа деганим йўқ-ку...

— Битта қоринга сиққан ака-ука битта уйга сиғмаслигини биламан. Сиз ўқишингизни битириб келгунингизча бундан яхшироқ уй-жой қурдириб қўяман. Аммо ён қўшнимизнинг уйини сотиб олмаймиз, ўғлим. Нимагалигини биласизми? Билмайсиз. Чунки жуда-жуда калта ўйлайсиз. Ҳали онангиз «одамлар тиллари билан юрадиган бўлиб кетишган», дедилар. Ўша тили билан юрадиган одамлар «Асадбек қўшнисининг мушкулени осон қилибди», дейишмайди. «Асадбек — золим, ён қўшнисини чиқиштирмай, сиқиб чиқариб, ўғлига жой солибди, эрта-индин бутун маҳаллани эгаллайди», деб ноғора-карнай чалишади. Шунақами? Нега индамайсан, гапир?

— Ада, кечиринг, буни ўйламабман.

— Ҳа, ана, энди ўзингга келдинг. Илмнинг изидан тушганинг яхши, лекин ҳаётнинг ғаламис томонларини унутишга ҳаққинг йўқ. Бизга таъзим қилиб, тиржайиб турганларнинг қўлларига қара, сал тескари бўлдингми, панжаларида чангаллаб турган лойни башарамизга чаплашади. Германияда балки бунақамасдир, сен илмни ўша ёқда олгину ҳаётни бу ерда ўрган.

Тушундингми?

— Тушундим, ада.

— Тушунган бўлсанг, бор, Жалил амакингни олиб кел. Уйига қуруқ кириб борма, бозорга тушиб майда-чуйда олвол.

Абдусамад тобелик билан ўрнидан туриб чиқиб кетгач, Асадбек Манзурага қараб:

— Ҳамид ҳалиям ухляяптими? — деб сўради.

— Эрталаб турувди. Сал мазаси йўқроқ.

— Нима бўпти?

— Шамоллаганга ўхшайди, «баданим қақшаяпти» дейди. Асал чой ичириб ётқиздим.

— Сен Қамар акани чақирчи.

Манзура амрни бажариш учун қўзғолганда Асадбек уни тўхтатди-да, «ўзим чиқа қоламан», деб ўрнидан турди.

Бу ҳовли сотиб олиниб қурилиш бошланаётганида ўзини ўзи ишбоши қилиб тайинлаган Кесакполвон шу қўшнининг ҳовлисига ҳам харидор бўлган эди. «Ҳеч бўлмаса ярмисини сотинг», деган таклифни Қамариддин «Ўғиллар бирин-кетин етилай деб туришибди. Уларга уй қурсак, ҳовли каталак бўлиб қолади», деб унамаганда Кесакполвоннинг фаши келган эди.

Ошнаси «шу қўшнингни инига кирғизвормасам юрган эканман...» деганида Асадбек «Тинч қўй уни, менга шу ҳовли ҳам етади», деб қайтарганди. Кесакполвон хожасининг гапини икки

қилмай, Қамариддинни тинч қўйди-ю, бироқ, бу ёндаги қўшнини аврай-аврай аввал ҳовлисининг ярмисини сотиб олдирди. Кейинроқ «икки қизингиз билан ҳовлида нима қиласиз қийналиб», деб юриб, қолган ярмини шаҳар марказидаги тўрт хонали уйга алмаштирди-ю, сўнг кўнгли ором топди. Асадбекнинг «бекор қилдинг шу ишни», деган гапига «Сенинг обрўйинг менинг обрўйим, сен билан бир иш қиладиган одам аввал уйингга қарайди. Каталакда ўтирсанг биров афтингга боқмайди», деб жавоб қайтарган эди.

Кеча Манзура «уйни сотишмоқчимишми...» деганида Асадбек Кесакполвоннинг ўша пайтдаги аҳдини эслади. «Бу мараз яна менга яхши кўриниш учун Қамар акани сиқувга олдимикин?» деб ўйлади. Ўғлининг фикридан ғашланишининг иккинчи сабаби шу эди.

Асадбекнинг қўшничилик бурчини бажариши тўй-маъракаларга бирров чиқиб қўйишдан иборат эди. Кўчада кўришиб қолишгудек бўлишса ҳам асосан салом-алик билан кифояланарди.

Асадбекнинг ҳовлига кириб келиши Қамариддин учун кутилмаган бўлгани билан мақсади маълум эди. Дарвозахонага тақаб чол-камбир учун солинган пастак уйга кириб ўтиришгач, дуойи-фотиҳадан сўнг Асадбек гапни чўзиб ўтирмай муддаога ўтиб қўя қолди. Бир пайтлар ҳовлига харидор бўлган одам, бугун ё эртанинг ўзида сотиб олади, деган ишончдаги Қамариддин ҳам чайналиб ўтирмай, ниятини айта қолди:

— Шу ҳовли бегона бўлмасин, ўзингиз олинг, — деди у.

— Менинг уйим бор, — деди Асадбек.

— Мен ўғилларингизнинг бирига ватан бўлармикин, девдим.

— Сизнинг ўғилларингизга ватан керакмасми?

— Керакликка керак... қўл калта-да, Бек ака.

— Қамар ака, сизга бу ишни биров ўргатдими, ё битта-яримта зўр «сотасан», деб зўрладими?

— Мени ким зўрларди, ҳаётнинг ўзи мажбурлаб қўяркан.

— Заводда неча йилдан бери ишлайсиз? Уттиз йил бўлгандир, а?

— Уттизингиз нимаси, қирқ беш йил бўлди. Уруш вақтида ўн тўрт ёшимда бошлаганман ишни. Дастгоҳга бўйим етмасди, оёғимнинг тагига ғишт қўйиб беришарди.

— Шунча ишлаб қўйибсиз, уй сўрамайсизми?

— Вақтида навбатга туриб қўймаган эканман. Оми одамман-да.

— Ҳозир навбатингиз борми ишқилиб?

— Борликка бор-ку, лекин элликнинг нарёғида. Бу йил завод битта уй қурувди, навбат яқинлашиб қолармикин, десам, Россиядан ишчилар келадиган экан, уй ўшаларга берилармиш. Катта ўғлим ҳам ишхонасида навбатда турибди. Туновинда ҳисобласак, навбати ўттиз йилда келаркан.

— Ота-бола иккита уй олсаларингиз масала ҳал-ми?

Қамариддин Асадбекнинг мақсадини англаб ўнғайсизланди:

— Бек ака, шу жойни олиб қўя қолганингиз яхши эди бизга.

— Менга уй керакмас, — деди Асадбек қатъий тарзда, кейин самимий оҳангда қўшиб қўйди: — Менга қўшни керак.

— Раҳмат, Бек ака, ўзи... сизнинг олдингизда ҳижолат эдим.

— Нега ҳижолат бўласиз? Сиз билан бизнинг орамизда гап-сўз бўлиши мумкинмас.

— Ўртанчамни яхши сомсахонага жойлаб қўювдингиз. Тирикчилик туппа-тузук ўтиб турувди.

Бола тушмагурнинг сомсапазликка сираям тоқати йўқ-да. Мендан бемаслаҳат автобазага бориб ишга жойлашиб олибди. Бир шалақ аравани бериб қўйишган, бир кун юрса ўн кун қора мойга беланиб тузатади. Шунда ҳам шаштидан қайтмаяпти. Жуда ўжар-да.

— Карате билан шуғулланадигани шу боламиди? Ташлаб юборгандир?

— Бе, қаёқда! Карате дегани унинг жони-ку! Иккита болали бўлдинг, қўй энди, десам ҳам «отаммисан сен, кимга гапиряпсан» демайди.

— Шу ўғлингизни менга беринг, менда ишласин.

Бу таклиф Қамариддин учун ҳам кутилмаган, ҳам ёқимсиз бўлди. Шу сабабли ҳамсуҳбатига бир

оз тикилиб, дарров жавоб қайтармади, сўнг:

— Қанақа бўларкин... автобазасига анча ўрганиб қолувди, хўжайинлари «янги мошин келса, сен оласан», деб ваъда қилишибди...

Асадбек бу мужмал гапнинг асосида қандай хавотир яширинганини фаҳмлаб, афсус билан кулимсираб қўйди:

— Қамар ака, шу гапингизга қойил қолмадим. Неча йиллик қўшнимиз-у, лекин сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ҳар хил миш-мишларга ишонасиз. Худди мен ўғлингизнинг қўлига болта бериб жаллодга айлантириб қўядигандай қўрқасиз-а?

— Унақа эмас, Бек ака, сизни ҳурмат қиламан.

— Ҳурмат қиласиз-у, лекин қўрқасиз. Сизга айтмагандирман, ўзингиз одамлардан эшитгандирсиз балки, мен болалигимдан бошлаб қиморнинг хадисини олганман. Гапнинг дангалини, нақдини, ҳалолини, хуллас, ўғил боласини ёқтираман. Илгари ҳам болаларингизни беринг, деганимда мижғовлик қилувдингиз. Мен пул топишни биламан. Агар хоҳласангиз ўғлингизга кооператив таксилардан биттасини бериб қўяй, истасангиз узоққа қатнайдиган КамАЗлар бор.

— Бек ака, узоқнинг иши қийин. Бориб келгунча хавотирдан ёрилиб кетарман.

— Унда ўзимнинг мошинамни ҳайдайди. Доим кўз олдингизда бўлади. Ўйлаб кўринг, кўнглингизда озгина гумонми, хираликми бўлса — мен таклиф қилмадим, сиз эшитмадингиз. Орада гиналик йўқ. Мен «уйни сотманг», деб чиқдим, сиз шунга кўндингиз — бошқа гап-сўзимиз йўқ.

Асадбек шундай дегач, ўрнидан турди.

Кўчага қадар кузатиб чиққан қўшнисини таомилга кўра уйига таклиф қилди. Қамариддин бу лутфга «Худо хоҳласа тўйларда чиқармиз», деб яхши ният билан жавоб қилди.

Ерининг ҳовлига кириб келаётганини кўрган Манзура ошхонадан чиқди-да, «Ҳайдар ака келганлар», деб меҳмонхона томонга қараб қўйди. Асадбек Кесакполвоннинг бугун албатта келишини биларди. Шу боис хотини айтган янгиликдан ажабланмади. Эри билан Ҳайдар акаси орасида қандай гап ўтганидан, охири икковидан бирининг ёки икковининг ўлими билан яқунланувчи йўлга қадам қўйганларидан беҳабар Манзура Кесакполвоннинг кириб келишида ғайри табиий ҳолатни сезмади, унинг қаймоқ, иссиқ нон кўтариб кириб келишини одатдаги ташрифлардан деб билгани сабабли эрига айтган хабарида таажжуб оҳанги йўқ эди. Меҳмонхонадан чиқиб келаётган Муштарийга кўзи тушган Асадбек хотинига «келининг нега кирди у ёққа?» деган маънода савол назари билан қаради.

— Чойни олиб кира қолинг, девдим, — деди Манзура.

— Бу уйда эркак зоти йўқми, хизмат қиладиган?

Манзура «Самаджонга ўзингиз иш буюрдингиз, Ҳамиджоннинг тоби йўқлигини айтдим-ку», деб ўзини оқлашга журъат қилолмай, эрига мўлтиллаганича қараб тураверди. У эрининг сўкиб беришини кутган эди. Муштарий яқин келиб қолгани учун Асадбек хотинини сиқувга олмади.

Келинига:

— Қизим, бизда келин бегон эркак ўтирган уйга кирмайди. Меҳмонга аталган нарсани шундай остонага қўйиб секин овоз беради. Тўғри айтяпманми, онаси, сен шунақа қилардинг, а?

— Ҳа, бегоналарга шунақа қилинади. Ҳайдар ака амаки қатори бўлганлари учун...

Ерининг авзойи бирданига ўзгарганини кўрган Манзуранинг гапи оғзида қолди. Асадбек «Буларга амаки бўладиган укам ўлиб кетган», деб тўнғилламоқчи эди-ю, келин ҳузурида ноқулай аҳвол юзага келиши мумкинлигини фаҳмлаб, индамай қўя қолди.

Кесакполвон деразининг ўнг томонида, ҳар доим ўтирадиган жойида ёнбошлаганича қаймоқхўрликни бошлаб юборган эди. Косадаги қаймоққа ботирилган нон бўлақларини чой қошиқда биттадан олишга қаноат қилмай беминнат бармоқларини ишга солиб қўя қолганди. Асадбек остонада пайдо бўлиши билан Кесакполвон қаймоқ юқи бармоқларини ялаб ўрнидан турди-да, кўришмоқ учун билагини тутди. Асадбек кайфияти дуруст бўлса, Кесакполвоннинг бу

қилиғи эътиборисиз қолар, бир нимадан ғашланиб, ёки аччиқланиб турган бўлса, «Қўлингни артсанг ўлиб қоласанми», «Бурнинггача қаймоқ чаплабсан-а, бунча исқирт-сан», «Кучук болага ўхшаб чаппиллатаверма» каби заҳарли танбеҳларни эшитарди. Эшитарди-ю, «қаймоқхўрликнинг асл мазаси шунда-да», деб ўз билганидан қолмас эди.

Кесакполвоннинг бармоқларини ялаб, кўришмоқ учун билагини тутиши Асадбек учун янгилик эмасди. Илгарилари буни бефаросатлик рамзи сифатида қабул қилган бўлса, ҳозир менсимасликнинг бир кўриниши деб билиб ғашланди. Қандайдир овоз (балки шайтон алайҳилаънадир) «заҳарли сўзларингни санчиб-санчиб олсанг-чи, индамай қўяверасанми», деди. Бошқа овоз эса (балки Яратганнинг фаришталаридир) «Сен энди бу билан ўчакишма, сир берма, ўзингни бир поғона паст ол, кам бўлмайсан. Шундай қилки, уни ғафлат боссин...» деб шаштидан қайтарди, кўнгил ғашлигини сездирмади.

Кесакполвон гўё қаймоқхўрлик билан банд бўлса-да, ошнасининг кўз қарашларидан, сўзларидан бир нимани илғаб олишни истарди. Айни чоқда кеча болохонадаги йигитларнинг кўнғироғидан кейин уйғонган навбатдаги талвасасини ошнасига сездирмасликка тиришарди. Фақат ўзигагина маълум ўтда қоврилаётган Кесакполвон чойдан бир-икки хўплаб хўриллатиб ичди-да, ошнасидан ҳол сўраган бўлди:

— Қаёқда юрибсан, бирга қаймоқхўрлик қилармиз девдим.

— Шунақа нияти бор одам эртароқ келади, — деди Асадбек унга жавобан.

— Вақтли келмоқчийдим, — Кесакполвон шундай деб оғзини қаймоқли нонга тўлдирди-да, косани Асадбек томонга салгина суриб «Ол, е» деб манзират қилди. Кейин луқмасини чала-чулпа ютиб изоҳ берди: — Бугун уйқудан кечроқ турсанг керак, деб ўйлабман.

— Кун ёйилгунча биқсиб ётганимни кўрганмидинг?— деди Асадбек зардали оҳангда.

— Ресторандан кейин бошинг оғриб ётгандирсан, дебман-да, — Кесакполвон «қойилмисан» дегандай айёрона кулимсираб қўйди.

Бошқа одам бўлганида балки «Ие, шундан ҳам хабар топдингми!» деб ажабланган бўларди. Асадбек эса бу гапни эътиборсизлик билан тинглади.

Муовиннинг ресторан хўжайинини топиб нохуш воқеадан хабардор қилиши, унинг эса ярим кечадами ёки эрта тонгдами Кесакполвонга учраб, «Бек акалари ҳузурида узрли бўлиб қолганлари»ни айтмоғини Асадбек ҳисобга олиб қўйганди. Кесакполвоннинг бугун албатта келишига ишончи борлигининг биринчи сабаби шу эди. Иккинчи сабаби эса, гарчи болохонадаги йигитлар «Ерталаб Ҳайдар акаларингга учрашларинг, бундан бу ёғига бажардиган ишларингни айтади», деган амрни олсалар-да, эртани кутиб ўтирмай ўша заҳотиёқ акаларига сим қоқиб, «уйдан чиқларингу Бек акаларингга сездирмай кўчада пойлаларинг», деган буйруқни олишлари аниқлиги эди.

Асадбек кечқурун ресторандан қайтганида аввал болохона деразасига боқди: ҳамиша ёниб турувчи чироқнинг ўчирилгани йигитларнинг йўқлигидан дарак эди. Шундай бўлишини ўзи хоҳлаган бўлса-да, юқоридаги чироқнинг ўчиши давру даврони, шухрати машъаласининг сўнишидан дарак бергандай юраги бир увишди. Айни нафасда муюлишда икки кишининг қорасини кўриб, Кесакполвондан амр бўлгани, ошнасининг эрталаб етиб келажагини англади.

— Бўтавой қашқани пичоқсиз сўйиб келибсан- ку, — деди Кесакполвон, дастурхонга томган қаймоқни жимжилоғи билан ялаб.

— Қашқанг ким? — деб сўради Асадбек.

— Танимайсанми? — Кесакполвон «ростданам танимайсанми ё мени лақиллатмоқчимисан?» дегандай унга синовчан боқди. Ҳатто лаблари бир пас чапиллашдан тўхтади.

— Рестораннинг хўжайинини танимайсанми? Маҳмуд орага тушиб қўйдирувди-ку?

— Эсимда йўқ... нима, олдингга эмаклаб бордимми?

— Эмаклайдиган одамни учиб борадиган қилиб қўйибсан-ку. Ёмон эзибсан бола пақирни. Агар овутиб қўймасам унга иштон чидамай қоларди.

Кесакполвон шундай деб кулди, ошнасидан «нима қилибманки, бунчалар эзилса», деган

мазмунда гап кутди. Асадбек эса ошнасининг гапини уқмагандай жавоб қайтармади. Узоқ йиллар мобайнида ораларида сир бўлмаган, бир-бирини дўст деб билган, қилинган гуноҳларга тенг шерик ҳисобланмиш бу икки одамнинг ўзга-ўзга оламга чекиниб ўтириши ажабтовур эди. Шарафли ҳадисда айтилмиш эканки, «бировга ҳаддан зиёд ишонч билан сирдош дўст тутинмангки, вақти келиб у душманга айланиши эҳтимоли бордир, душман ҳисобланмиш киши билан ҳаддан зиёд ёвлашмангким, вақти келиб у сизга дўст бўлиб қолар...» Душманга айланиш алҳол эҳтимол эмас, ҳақиқатга айланди. Бу ҳақиқатни иккови ҳам яхши билади. Аммо бир-бирига сир бой бермайди. Душманликларини, бир-бирларидан хавотирлари мавжудлигини гап-сўзлари ошкор қилиб қўймаслиги учун тилларига эҳтиёт бўладилар. Кесакполвоннинг хоинлигига шак-шубҳаси қолмаган Асадбекнинг ҳукми тайин, фақат ижро услуби ва вақти аниқ эмасди. Аслида Асадбек учун унинг изини қуритиш мураккаб муаммо эмасди. Ё биттагина ўқ билан, ё ярим қулоч чилвирми ё бигизми, ёки уч-тўрт томчи захар билан бу масалани ечиши мумкин, фақат йигитлардан бирига ишора қилиб қўйиса кифоя: Кесакполвон Хумкалланнинг тақдирига шерик бўлиб кетаверарди. Лекин қаймоқ юқи бармоқларини ялаётган Кесакполвоннинг тақдири фақат Асадбекнинг ҳукмига эмас, Хонгирейнинг марҳаматига ҳам боғлиқ эди. Нас-ронийларнинг таъбири билан айтилганда, Хонгирей — чўқинтирган ота — тутинган ўғлини ўлим чангалига осонгина топшириб қўймаслигини Асадбек яхши биларди. Ўртада ўзининг эмас, фарзандларининг тақдири гаровда экани уни ҳар қандай очиқ ҳамладан тутиб турарди. У «тутинган ўғил»нинг «чўқинтирган ота» қўлидан ўлим топишини истарди. Бунинг учун эса фурсат керак. Ана шу фурсат ичида бармоқларини ялаб, чапиллатиб чайнаб ғашига тегиш нима экан, елкасига чиқиб олиб, таҳорат ушатиб юборса ҳам чидайди. Бош-қа иложи йўқ.

Ошнасининг пайт пойлаётганини сезиб юрган Кесакполвон Асадбекнинг содиқ йигитларидан ҳадиксирарди-ю, зарбанинг Москва томондан келажагини тахмин ҳам қилмасди. Коса бўшаб, қаймоқ юқлари бармоқлар воситасида ялангач, чой қуйилиб, хўриллатиб ичилди-ю, бир томоннинг нафси ором олди, иккинчи томоннинг эса кўнгли айниди. Кесакполвон бармоқлари, сўнг лабини сочиққа артгач, ён чўнтагидан пул чиқариб Асадбекка узатди. Асадбек пулга қўл узатмади, «нима бу?» деб сўрамади ҳам.

— Ресторандаги зиёфатнинг ҳаққини ташлаб кетган экансан, — деб изоҳ берди Кесакполвон, пулни дастурхон устига қўйиб, сўнг ёнида турган газетага ўроғлик тахламни очиб бир даста пулни кўрсатди: — Буниси суюнчи. Анчадан бери бу ресторанга кирмай юриб бирдан бориб қолганинга қувониб кетишибди. Сенинг номингдан уларни ўзим кечириб қўя қолдим, — Кесакполвон бу пулларни ҳам дастурхон устига қўйиб, тепасига сочиқ ташлади. — Бугун иккаламизни зиёфатга чақиринг. Сасиган котлетни берган бефаросатнинг шкалат қизи бор экан, сенга илиниб туришибди, бир табаррук қилиб бераркансан.

Кесакполвоннинг «сасиган котлет»ни тилга олиши «менсиз юрсанг кунинг шунақа сассиқ таомларга қолади», деган маънода жаранглаб, Асадбекнинг иззат-нафсига тегди. Индамай ўтиравериш ўзига ҳам малол келиб:

— Қизи шкалат эканми? — деб сўради.

— Шкалатки, у ёқ бу ёғи йўқ, — деб таъриф берди Кесакполвон.

— Ўзинг табаррук қилиб бергандирсан?

— Қўйсанг-чи, мен сенга шилта нарсани илинаманми? Ҳали соат олтида ўзим келиб олиб кетаман. Сен ўзингни у ёқ бу ёққа ташлаб, ноз қилма. Битта дўхтир айтди: узоқ яшайман деган одам онаси ўпмаган маржалар билан муомала қилиб туриши керак экан. Мен сенинг юзга киришингни истайман, ошнам.

— Ўзинг боравер, менинг ишларим бор, — Асадбек бу ҳақда гаплашишни истамаганини маълум қилиш мақсадида бутунлай бошқа мавзуга кўчди: — Идорабоп жой танладингми? Кечаги кун хонамизга кирувдим, мениям ютворай деяпти, Маҳмуднинг ўрни билиниб турибди.

— Жой қидиряпман, марказдан кўнгилга ёқадигани чиқмаяпти.

— Марказга ёпишаверма, четроқдан бўлгани тузук.

— Бир-иккита жойни кўз остига олиб қўювдим, бир бориб кўрсанг бўлармиди?

«Бу ҳам бир ўйин-да. Менга кўрсатасан-у, ўз билганингни қиласан. Менга маъқул жойга икки дунёда келмайсан. Мен орқандан эргашиб юриб, лақиллаб қолавераман. Сен эса мен билан яқинлигингни ўзингча исбот қилган бўласан, а?» Асадбек шундай деб ўйлади-ю, аммо тили бошқа гапни айтди:

— Яхши. Аввал сўраб-суриштириб бир қарорга келавергин-чи... Энди сенга маслаҳатим: бир гап бўлса осон қутулиб кетиш йўлини ҳам ҳисобга ол. Бу идорамизда ҳисобини олмаган эдик, қопқонга тушгандек ўтирардик. Замон бизга тинч эди, билинмади, хавотиримиз йўқ ҳам эди. Аввало Худо асрасин-у, лекин эҳтиётини ўйлаб қўй.

Бундай жўяли маслаҳатни аямай айтишига асосий сабаб: оёғи остидаги тиконни кўрмай қадам босувчи собиқ аъённи ҳукумат таъқибидан асраш эди. Агар Кесакполвон нодонлик қилиб шу тиконни босса, ҳукумат тузоғига илинса, Хонгирей «Ҳа, ўзи аҳмоқ экан», деб қўймайди, аксинча Асадбекдан кўради. Фурсатдан фойдаланган Асадбек бу маслаҳати билан яна нишонга урди: меҳрибон дўст либосини ҳали ечмаганини, унга нисбатан душманлиги йўқлигини билдириб қўймоқчи эди. Кесакполвон маслаҳатни собиқ хожаси истаган тарзда қабул қилиб, ийиб кетди:

— Бу гапингда жон бор, — деди у. — Ўрни келиб қолди, энди яна битта маслаҳатинг керак Маҳмуднинг болларига жавоб бериб юборсаммикин? Бу ёқда Ҳосилнинг боллари ҳам лақиллаб юришибди. Шунга нима дейсан?

Асадбек собиқ аъёнига синовчан тикилди: «Уларга қўшиб менга содиқ йигитларнинг ҳам думларини тугарсан?» деди унинг кўзлари. Кишининг кўзига қараб дилидагини билиб олиш қобилиятдан маҳрум Кесакполвон «саволим кутилмаган бўлди, ошнамни қийнаб қўйди», деб ўйлади.

— Душманларинг камми, яна кўпайтирмоқчимисан? — деди Асадбек ундан кўз узмай.

— Нега ундай деяпсан?

— Болларни қўйиб юборсанг, кейин улар нима қилишади? Битта зўрроғи, фаросатлироғи чиқиб қолганларни атрофига тўпласа-чи? Ҳосилбойваччанинг ўрнига яна ўнтаси пайдо бўлади. Кейин бу ёғи урчиб кетаверади.

— Сен ҳамма нарсдан чўчийверма. Ҳосилдақасидан мингтаси менга рўпара келсин, жиғини эзиб, дабба қилиб қўярман, — Кесакполвон шундай деб ўрнидан турди.

— Катта кетма, — Асадбек бошқа гап айтмай, уни кузатиш мақсадида ўрнидан турган дамда ҳовлида Жалилнинг овози эшитилди.

— Акахон келдилар-ку, — деди Кесакполвон пичинг билан. Сўнг бир нарсани эслагандай остонада тўхтади: — Ҳа, айтмоқчи, йигитларга бир нима дебсанми?

Асадбек Кесакполвоннинг шу ондаги усталигига тан бериб, жилмайди:

— Мени бўри ермиди... — Бу жавоб Кесакполвонни қониқтирмай, энсасини қотирди, шу сабабли Асадбек Манзурага айтган гапини қайтарди: — Келинлик уйда тепадан бақрайиб туришлари менга ёқмаяпти. Сен билан мени Худо асрайман, деса шу пойлоқчиларсиз ҳам асрайди. Худонинг жонига теккан бўлсак, атрофимизни икки минг қўриқчи билан ўрасак ҳам асроил жонимизни суғуриб олаверади.

— Худонинг жонига тегмаслик учун одам ўзини эҳтиёт қилиши керак, — тилига келиб қолган бу фалсафасидан Кесакполвоннинг ўзи ҳам мамнун бўлиб бошини ғоз кўтарганича айвонга чиқди-да, гапини давом этди: — Бу баҳонанг ўтмайди ошна, кўчанга битта уйча қурдириб пойлатаман. Дод десанг ҳам, фарёд десанг ҳам шу, ошнажон. Илдизимиз битталигини унутаётганга ўхшайсан. Билиб қўй: сенинг тинчлигинг — менинг тинчлигим, сенинг обрўйинг — менинг обрўйим.

Жалил айвон зинасидан кўтарилаётгани учун Кесакполвон гапини тугатиб, унга жилмайиб қаради:



— Акахон, қайнонаси суйган одамсиз-да, сал вақтлироқ келганингизда биллалашиб қаймоқхўрлик қилардик. — Кесакполвон шундай деб Жалилга қўл узатди. Жалил нохушлик билан кўриша туриб:

— Сен билан бир-икки марта ҳамтовоқ бўлувдимми? — деб тўнғиллаб қўйди.

— Формадасиз акам, формадасиз, битта чақиб олмасангиз кўнгил тинчимайди, а? — деди Кесакполвон ўзини ҳушчақчақ тутишга интилиб, кейин Асадбекка ўгирилди: — бўлди, кузатма, шу ерда хайрлашамиз.

У кўчага чиқиб кетгунича икковлари ҳам изидан қараб турдилар.

— Уйингда пашшахўрда бўлмасин, девдим-ку, айтмовмидинг? — деди Жалил унинг қораси ўчгач.

— Мен ҳам сенга «бу билан ўчакишма, сассиқ гапларингни йиғиштир», девдим шекилли? — Асадбек ўртоғининг танбеҳига танбеҳ билан жавоб бериб, уни ичкарига бошлади. Жалилнинг дастурхон устидаги пулга қараб қўйганини сезиб тахламни олиб кўрпача остига қўйди.

— Тинчликми ўзи, нега сенинг обрўйинг унинг обрўйи бўлиб қолди? — деди Жалил тўрга чиқиб жойлашгач. Асадбек жавоб ўрнига «қўявер уни», дегандай жилмайиб қўя қолди. Манзура кириб дастурхон устини саришта қилиб чиқиб кетгач, Жалилнинг донолиги тутиб гап бошлади:

— Битта шаҳарда иккита имом-домла бўлган экан Ит билан мушук мураса қилса қиларқанки, булар иттифоқ бўла олишмас эканлар. Улардан биттаси сенга ўхшаган маржавоз экан. Ўшаниси бир кеч ўйнаши билан қўлга тушиб, зиндонга солинибди. Бундан хабар топган иккинчи имом-домла унинг хотинига бориб воқеани тушунтирибди. Оҳ-воҳ қилган хотинни тинчитиб, зиндонга бошлаб келибди. Зиндонбоннинг жиғилдонини мойлаб, овқат бериш баҳонасида хотинни эрининг ёнига киритибди, ўйнаш эса хотиннинг чодирига ўралиб зиндондан чиқибди. Эртасига эрталаб маржабоз имомни қозининг олдига олиб келишибди. Қози уни тошбўрон қилишга ҳукм қиламан, деб турганида иккинчи имом «Қози почча, одам ўз шаръий хотини билан қўшилса ҳам зино ҳисобланадими, шунга жазо ўлимми?» дебди. Қози хотинни чақиртириб қарасаки, имомнинг гапи тўғри. У миршабларни сўкиб, уришибди, маржабозни эса озод қилибди. Шунда маржабоз халоскоридан:

— Мени кўрарга кўзинг йўқ эди, нега қутқардинг? Ўлиб кетсам ўзингга яхши эмасмиди? — деб сўрабди.

Ўшанда халоскори:

— Сен ҳам имомсан, мен ҳам. Агар сенинг бузуқлигинг исботини топса, одамлар орасида «имомларнинг ҳаммаси ҳам шунақа», деган тушунча тарқалади. Мен сенинг ҳаётингни эмас, ўзимнинг обрўйимни сақлаб қолдим, — деган экан. Шунга ўхшаб кессагинг обрўйини сенга юклаяптими?

— Бе, унда обрў деган нарса борми ўзи?

— Бўпти, тилимни қичитма, қўй ўша сўхтаси совуғингни. Бўладиган гапингни гапир, нега чақиртирдинг, тушингга кирдимми?

— Тушимга кирсанг кўрққангидан лабларимга учуқ тошарди. Ака бўлиб ўзинг маслаҳатга келмасанг, чақиртираман-да. Менинг тўйимга ким бош бўлиши керак?

— Ҳали мен тўйбошиманми? Тузук, одам қаторига қўшилиб қолибман-да, а? Тур, хотинингни чақир.

— Аввал ўзимиз маслаҳатни пишириб олайлик.

— Маслаҳатни Манзура билан бирга пиширамиз. Сен иккита ўғил туғдириб қўйдим, деб бойвачча бўлиб керилиб юргансан. Ўғилларингни Манзура одам қилди. Мана энди тўй унинг кўнглига қараб бўлади. Чақир. Гапимга кўнмасанг, ана, кессагингни тўйбоши қилиб тайинлагини ўшанинг билан маслаҳатни пиширавер.

— Оббо... чумак ари ҳам сенчалик жиззиллатмай-ди,— Асадбек шундай деб тобелик билан ўрнидан турди. Ўтирган ерида «Онаси!» деб бақириб чақирмай ўрнидан турганини кўрган Жалил «суяк-суягига қадаладиган қилиб гапирибман-да», деб ўзидан ўзи қувонди.

Маслаҳат деганлари унча чўзилмади. Жалил Манзурага «Тўй сен истаганча бўлади», деган эди, у «адамиз нима десалар шу», деди-ю, ваколатини эрига опа-осонгина топшириб қўя қолди. Шундан кейин тўйнинг қай тартибда ўтиши лозимлигини Жалил эринмай баён қилди, Асадбек эса сиқилмай, сабр билан тинглади. Жалилнинг маслаҳатлари ўзининг қаричига мос эди. Унинг насиҳати қариндошлари-ю, ёр-дўстлари йиғилганда саноғи юзтадан ошмайдиган хонадонга тўғри келарди. Асадбекнинг ўттиз, нари борса қирқ кило гуруч дамлаб, элга ош тортиш, тўйни катта ресторанларда эмас, шу ҳовлида ўтқозиши лозимлиги кулгили ҳол бўлса-да, Асадбек кулмади, ошнасида ранжимасди ҳам. Насиҳатлар поёнига етгач, тўй куни белгиланди. Маслаҳат мажлиси «насиҳатларни тинглайвер-гин-у, билганингдан қолма» деган яширин шиор остида ўтди. «Ошнамга анча насиҳат қилдим, у қулоғига олди», деган тўхтама келган Жалил эса уйига мамнун қайтди.

## XVI 6 o 6

### 1

Бировлар тақдир ёзуғига ишонишади. Бошқа бировлар эса «Бўлмаган гап!» деб қўл силтаб қўйишади. Кимдир тақдирдан нолийди, яна кимдир тобора бойиб боришини тақдирдан деб билади, «пешонага ёзилган экан, то ўлгунимча шундай фароғатда яшайман», деб ишонади. Булардан ташқари яна шундай тоифа борки, шоир: «Ё Раб, лойимни-ку қорган ўзингсан, ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан, ёмонманми-яхши, мен қандоқ қилай, тақдир манглайини берган ўзингсан», деб айтганидай барча гуноҳларини, ёмонликларини, зулмларини, фасодларини тақдирга тўнкаб қўя қолади.

Ерон гиламлари билан безатилган кенг хонада сигарет тутатиб, навбатдаги зулм режасини тузиб ўтирган уч киши ана шу тоифадан ҳисобланади.

Булар ўзларига ўхшаш минглаб, балки ундан-да кўп инсон болалари каби билмайдиларки, тақдир ёзуғидаги туғилмоқ ва ўлмоққа доир муаммоларни инсон ҳал этмоққа қодир эмас, аммо ҳалол ёки ҳаром яшамок унинг измидадир. Яратган туғилмиш инсон боласининг тақдирида икки йўлни белгилаб берди: бири — Раҳмон, яна бири шайтон йўли. Бу икки йўлни бир-биридан фарқламоқ учун унга зеҳн, ақл, идрок, фаҳм-фаросат каби фазилатлар ҳам берди. Айни чоқда ҳар иккала йўлнинг охири нималардан иборат эканини ҳам маълум қилиб қўйди. Одам боласининг тақдирига фақат бузуқлик, фақат золимлик, фақат ва фақат фосиқлик ёзиб қўйилса-да, шафқат, меҳр-мурувват, умуман яхшилик кўчалари эса тамоман беркитилиб ташланиши мумкинми? У ҳолда банда маҳшар куни ҳисоб-ки тоб қилинаётганда «менга тўғрилик йўлини танлаш имконияти берилмаганди, шайтон йўлидан юрмақдан ўзга чорам йўқ эди», деса-чи?

Ерон гиламлари билан безатилган кенг хонада сигарет тутатиб, навбатдаги зулм режасини тузиб ўтирган бу уч кишининг шундай демоғи тайин. Тўғри, улар ҳозир, эртага, ундан кейин ҳам — то жонлари чиққунига қадар маҳшар кунида ҳисоб бермоқликлари шарт эканини ўйламайдилар, унга тайёргарлик ҳам кўрмайдилар.

Бу уч одамни айни дамда бир мақсад қовуштириб турган бўлса-да, учави уч олам эди. Тўплаган бойликлари умрларининг охирига қадар етиб-ортгани каби тўплаган гуноҳлари ҳам дўзах ўтида абдий куймоқ учун етиб ортади. Иблис уларнинг тақдир ипларини бир-бирига тугиб, шу хонада учраштиради.

Бир бузуқ аёл фахш йўлидан қайтмоққа ният қилибди. Аммо нафс қурғурнинг «Сўнги марта сафарга чиқиб, айшингни суриб қол, тавбангни кейинроқ қилаверасан», деган маслаҳатига кириб денгиз саёҳатига чиқибди. Иттифоқо, кема фалокатга учраб, чўка бошлабди. Шунда фоҳиша тавба қилиб дебдики: «Ей Худойим, тўғри, гуноҳим кўп, лекин битта мени жазолайман,

деб шунча одамни сувга чўқтирасанми?» Унинг нолаларига жавобан: «Ей гуноҳкор банда, сен «булар менинг касримга қолишди», деб куйинма, бу кемага худди сенга ўхшаганлар тўпланган», деган овоз келган экан...

Бу уч одам ҳам шундай. Уларнинг ҳаёт кемалари аллақачон фалокатга учраб чўка бошлаган, аммо ғофиллар сезмайдилар. Фоҳишага-ку, инсоф кириб, тавба қилибди, аммо буларнинг қотган тилларига тавба калимаси ўлимдан бўса олгунларига қадар келмас...

Уч одамнинг бири — Кесакполвон. У Асадбекникидан чиқиб, машинасини қозихона томон бурди. (Қозини кўриб Асадбек ғашланмасин, деган фикрда уни чойхонада қолдириб, машинани ўзи ҳайдаб келган эди.)

Қозининг ичкарида эмас, чойхонанинг панжарали дарвозаси ёнида туриши Кесакполвонни сергаклантирди. «Бир гап бўлганов» деган фикрда машинадан тушмай ўтираверди. Қози илдам яқинлашиб, «Нима гап?» деган саволни кутмай ҳисоб берди:

— Селим деган одамдан хабар келди. Масковлик меҳмон билан кутишаётганмиш.

— Масковлик? — «Хонгиреймикин?» — Кесакполвон хаёлига келган гумонини ҳақиқатга айланишини истаб: — Ким экан? — деб сўради.

— Отини айтмади.

— Отини айтмади, деб оғзингга пашша қўндириб ўтиравер, — Кесакполвон сўкиниб, қози узатган бир парча қоғозга кўз ташлади. Қоғоз парчасига қинғир-қийшиқ харфлар билан бир уйнинг манзили ёзилган эди. «Меҳмонхонада турибман, девди, буниси қанақа уй бўлди?» Кесакполвон шу хаёл билан эшикни ёпмоқчи бўлганида Қози хушхабар айтди:

— Болалар дўхтирни топишибди. Сиз айтгандай тухум босиб ўтирган экан, тухумини қуришиб қўя қолишибди. Хумкалла билан ачом-ачом қилиб ётишибди. Кеча кечқурун ахлатхонадаги итларнинг базми бўлган,— Қози шундай деб суюнчи илинжида тиржайиб қўйди. Кесакполвон бир нафас ўйланди-да, бош чайқади:

— Бекор ўлдирибсанлар, бизга халақит бермас эди.

Қози «ўзингиз буюрган эдингиз», демади. Юзидаги совуқ кулги йўқолиб, «айбдорман» дегандай бўйнини қисди.

Кесакполвон қоғоз парчасига ёзилган манзилдаги уйни қийналмай топди. Ташқи кўриниши диққатни тортмайдиган бу уйда ким яшашини ўзича тахмин қилиб «Селимнинг шотири турса керак», деган тўхтама келди. Ичкаридаги ҳашамни кўргач эса фикрдан қайт-ди. У манзилга етиб келгунича ҳам «Меҳмон — Хонгирейдир», деган умидда эди. Назарида Хонгирейнинг келуви унинг обрў-мартабасини анча юқори кўтариб қўюви мумкин эди. Ҳатто Кесакполвоннинг хушини ўғирлайдиган тарз-да шоҳона безатилган кенг хонада Селим билан Маматбей қаҳва ичиб ўтиришарди. Кутгани, умид қилгани Хонгирей ўрнига Маматбейни кўрган Кесакполвоннинг хафсаласи пир бўлди.

— Ў-ў, жан қардаш, йўлларингга кўз тикиб, кўзларимиз тўрт эмас, тўрт юз бўлмиш. Омонмисан, қардош, қайларда юрибсан?

— Бек билан чойхўрлик қилувдик, — деди Кесакполвон гапни айлантормай.

— Асадбек биланми? — деб ажабланди Селим.

— Мен битта бекни биламан,— деди Кесакполвон.

— Оҳ, гўзал, ғоят гўзал, — деди Маматбей кулимсираб. — Бекнинг аҳвол-руҳияси нечукдир? Ўғли соғ-ми?

— Ҳаммаси соппа-соғ, — Кесакполвон Маматбейнинг бу саволидан ажабланса-да, «Нега ўғилнинг соғ-лиғи билан қизиқиб қолдинг?» деб сўрамади.

— Асадбек билан узилишиб кетмадиларингми? — деб сўради Селим.

— Нега узилишамиз? Ҳамма иш оппа-осон ҳал бўлди. Хонгирей ошни яхши пишириб юборган экан. Бекнинг ўзи сузиб берди. — Селимнинг хўжаларча саволга тутиши ёқмагани туфайли Кесакполвон Маматбейга қараб гапирди. Асадбек билан бўлган савдонинг баёнини эшитган Маматбей айёрона кулимсиради.

— Сенинг ўқ илонни унутмоғинг мутлақ лозим эмас, — деди у. — Бек сендан ҳам мендан ҳам айёр. Унинг жон бермоғи мушкул.

— Айёрликка айёр, — деди Кесакполвон, — у мени аҳмоқ қиламан, деб пойлоқчиларига жавоб бериб юборибди. Мен эсам унинг рўпарасидаги уйни сотиб олиб, пойлоқчи қўяман. У шоҳида юрса, мен баргида юраман. Ошиқ тепиб, ютқизиб, мишиғини оқизиб юрганида уни мен одам қилганман. Бу ёғидан хотиржам бўлаверинг.

— Хонгирейнинг сенга муҳаббати жуда юксакдир. Борлиқ юмушларингни шунга яраша қилавер, — деди Маматбей унга сигарет узатиб. Селим эса ёққични ёқиб тутди. Бу марҳаматдан ийиган Кесакполвон оромкурсига ястанди. Унинг бу қилиғи Маматбейга малол келиб, Селим билан кўз уриштириб олди.

— Бугун сени анча қидирдик. Бундан бу ёғига қаердалигингни аниқ билиб туришимиз керак. Бизнинг ишимизда бир дақиқа ҳам жонингни ё нари, ё бери қилиб қўйиши мумкин. Бу танбеҳ Кесакполвоннинг қонини қайнатди.

Асадбек баъзан оғир гап қилганида у жириллаб берарди, хожаси бунга жавобан яна заҳрини сочар ёки индамай қўя қоларди, унинг эркалигини кўтарарди. Кечагина Ҳосилбойваччани кўрганида думини қисиб юрувчи, энди эса Хонгирейдан ваколат олиб ўзини хўжайин ҳисоблаётган Селим ҳам, Хонгирей номидан иш кўрувчи Маматбей ҳам унинг эркалигини кўтармаслиги аниқ. «Иккови ҳам микрофонга ёпишиб чиранувчи овози йўқ ашулачига ўхшайди. Микрофонини тортиб олсанг, бу ашулачининг баҳоси сариқ чақа. Буларнинг қўлидаги кўзир Хонгирей. Эртага кўзирдан ажралишса микрофонсиз ашулачининг ўзи бўла қолишади. Бу харомилар билан ўшанда гаплашаман.» — Кесакполвон шу қарорга келиб, тобелик либосида «хўп» деди.

— Хонгирей бизга муҳим топшириқ берди. Красноярдаги харидорларимизнинг иштаҳалари яхши. Лекин уларнинг сўраган нарсаларини дарров юбориб бўлмайди. Аввал озроғини юбориш керак. Курерликка ярайдиган ишончли одам борми?

Кесакполвон ўйлаб ўтирмай «бор» деб жавоб берди. Булар учун энг ишончли одам унинг назарида Жамшид эди. Булар балки Жамшидни ўзларича белгилаб қўйиб, синаш мақсадида сўрашаётгандир? Агар шундай бўлса, Жамшиднинг ёлғиз ўзини юбормайди, Қозини ёки бошқасини ёнига қўшади. Кесакполвон шу тўхтама келиб турганида Селим «Одам ишончли бўлсин, лекин йўқотсанг, ачинмагин», деб фикрини бузиб юборди.

— Англадингми, қардош? — деб сўради Маматбей.

— Ишнинг хатари бор, — деди Селим Кесакполвоннинг жавобини кутмай. — Лекин оқиб келадиган фойда битта-иккита одамнинг жонига арзийди. Бугун кеч ўнда одаминг Красноярга учиши керак. Мол анавинда, — Селим шундай деб эшик ёнидаги янги жигарранг дипломатни имлаб кўрсатди. — Қулфини очишни харидорнинг ўзи билади. Одаминг эрталаб харидорга телефон қилади. «Бир соатда етиб бораман», дейди. Лекин бир соатда ҳам, ўн соатда ҳам бормайди. Эртасига телефон қилиб, ана ундан кейин боради, — Селим ён чўнтагидан сурат чиқариб, Кесакполвонга узатди, — Харидор шу одам. Турадиган жойи, исми, телефони орқасига ёзилган.

Кесакполвон бир суратга, бир Селимга қараб, ажабланди:

— Козлов-ку? — деди таажжубини яширмай.

— Ҳа, Козлов, — деди Селим хотиржам равишда.

— Бунинг изи йўқолган, деб эшитувдим, — деди Кесакполвон Маматбейга қараб.

— Биз из йўқотмаймиз, биз изни қуритмагимиз мумкин, — деди Маматбей. — Козлов Хонгирей ҳузурига бош эгиб борди. У энди Красноярда бизларга хизмат этажак, англадингми?

Кесакполвон бу режа асосида бир шумлик ётганини сезиб, «тушундим», деб гапни калта қила қолди. «Козлов бош эгиб борса Асад биларди. Ё у хабарсиз қолдимми? Ё билса ҳам менга айтмадимми? Ахир бизнинг Козловда анчагина оларимиз бор-ку?» Кесакполвон бу муаммога жавоб топмай туриб, Маматбей:

— Қардашинг бугун учмаги лозимдур, — деб таъкидлади. Бу билан у боражак курернинг кимлигини ҳозир билишни истаётганини маълум қилди.

— Унинг кўп нарсани билиши шарт эмас. Бунинг ичида нима борлигини айтма. Омонатни Козловга етказиши шартлигини билса кифоя.

Шу онда, Кесакполвон учун кутилмаган тарзда хаё-лига бир фикр келди-ю, бундан ўзи ҳам қувониб кетди. «Хитларнинг одами» деб гумон қилинаётган Ҳалимжонни синаб олиш учун айна вазият етилганини англаб, унинг номини тилга олди-да, озгина таъриф ҳам берди.

Маслаҳат пишгач, Кесакполвонга, ижозат берилди. У хўжаларидан топшириқ олгани келган малай ҳолида ўрнидан турди. Селим уни хона эшигига қадар кузатиб, дипломатни қўлига тутди. Нар борса тўрт-беш килодан ошмайдиган дипломат Кесакполвон учун ғоят оғир туюлди. Маматбейнинг кам гапириб, кузатиб ўтириш, асосий топшириқни Селим айтиши, ниҳоят, юкни тутқазиши «Бу ерда мен хўжайинман, сен эса дастёримсан», деган ишора эди. Кесакполвоннинг Селим билан биринчи учрашувидаги хавотири амалга ошди — у беклик тожини киймай, югурдаклик чорифига муносиб кўрилганини англади-ю, ўзининг пешонасига қарсиллатиб ургиси келди.

Кўчага чиққач, ўзича бир кашфиёт қилди: «Асад шунинг учун ҳам Хонгирей билан ишлагиси келмай, мени рўпара қилибди-да...»

## 2

Красноярга учажагини Ҳалимжон ҳавоаланига келганда билди. У Кесакполвон билан йўлга чиққанида «Янги хўжайинни кузатаман шекилли», — деб ўйлаган эди. Чувриндининг ўлимидан сўнг икки ошна муносабатларини кузатиб, ораларида жарлик пайдо бўлаётганини сезган, Асадбекнинг идорага кам бориши, ишларга аралашмай қўйишидан амал курсиси Кесакполвонга ўтганини тахмин қилиб, бундан керакли жойни бохабар этган эди. Шу тахминига асосланиб Кесакполвонни ўзича «янги хўжайин», деб атаётганди.

Қўлига дипломат билан сурат тутқазилиб, вазифа топширилгач, нима дейишини, нима қилишни билмай гарангсиб қолди.

— Ҳа, нимага довдираяпсан? — деб сўради Кесакполвон.

— Уйга айтмай кетавераманми? — деди Ҳалимжон.

— Ўзим айтиб қўяман. Сен бола ўзингни тарозига солма. Бизда «уйим-пуйим» деган гап бўлмаслигини ҳали ҳам билмайсанми? Эсингдан чиққан бўлса иккала қулоғинга қўйиб ол: бизда «нега?» деб сўралмайди. Биз «хўп» дейдиганларни яхши кўрамиз. Сени иккита жонга қарз қилиб қўйганмиз, а?

Буниси Ҳалимжон учун янгилик бўлди:

— Иккита жон дейсизми?

— Балки учтадир... — деди Кесакполвон ён томонига қараб чирт этиб тупуриб. — Манқангни оқизиб келганингни унутдингми? Биз қутқармаганимизда ғилай қонингни ичармиди, жонингни Ҳосил табаррук қилиб берганидан кейин қўлма-қўл бўлиб кетармиди? Агар хотининг ҳозир иккиқат бўлса, учинчи жон ўша-да.

Ҳали туғилмаган гўдакнинг жонини ҳам гаровга осонгина, ҳудди оддий гапни айтаётгандек тиркаб қўйиши Ҳалимжонни сескантириб юборди. «Учта жоннинг тақдири шуни эгасига етиб боришига боғлиқми?» дегандай кўзини Кесакполвондан олиб қочиб, қўлидаги дипломатга қаради.

Паттани белгилатиш учун юришган дамда қошу кўзларига қадар малла бир йигит худди қадрдонларини учратиб қолгандай кулимсираб келиб улар билан кўришди.

— Ҳайдарбек ака, омадни қаранг, бу ошнам билан бирга учарканмиз, — деганидан сўнг Кесакполвон унинг ким томонидан юборилганини англади. Ҳалимжоннинг «Ким бу?» деган маънодаги қарашига жавоб бермади. «Керак бўлса йўлда танишиб оларсанлар», дегандай у

билан кўз уриштириб олди. Ҳалимжон ёлғиз эмаслигини, керакли жойга хабар қилиб қўйиш имкони янада оғирлашганини билиб, ғашланди.

Учоққа чиқиб ўтиришгач, малла ўзини «Сафтер» деб таништирди-да:

— Сизга ҳам айтишгандир, биз бир-бировимиз билан кўринмас занжир ила боғланганмиз. Овқатни ҳам бирга еймиз, сартирга ҳам бирга борамиз. Сиз бунга, — Сафтер Ҳалимжоннинг тиззасидаги дипломатга шапатилаб қўйди, — жавоб берасиз, мен сизнинг эсон-омон қайтиб боришингизга.

— Гап йўқ, кемага чиққаннинг жони бир, — деди Ҳалимжон тақдирга тан бериб.

Аввалига «дипломат ичи пул билан тўладир», деб ўйлаган эди. Лекин унинг енгиллиги, эҳтиёт чорасининг эса ғоят кучлилиги «қорадори» деган тўхтама олиб келди. «Атрофидаги содиқ йигитларига топширмай, нега менга юклади?» деган муаммони эса Козловнинг уйини қидириб боргач, ечди.

Сафтер вазифасини яширмай, тўғриси айтган эди. Ҳалимжон учувчилар хонасига кириб, икки оғиз гап айтиб чиқиш эвини ҳам қилолмади. Красноярга етиб боришгач эса Сафтер адашиб қолишдан қўрқиб онасининг этагидан ушлаб олган боладай қарийб изма-из юрди. Вазифада белгилангандай биринчи куни Ҳалимжон харидор билан боғланиб, иккинчи куни борди. Ун икки қаватли уйнинг саккизинчи қаватига чиқишгандагина Сафтер ундан узилди. Ҳалимжон қўнғироқ тугмасини босганида «Мен еттинчи қаватда лифтни ушлаб тураман. Бир ишқал бўлса ўзингни шу ёққа қараб отавер», деб зина томон юрди.

Ешикни кекса бир аёл очиб «Кираверинг, ўғлим ваннада, ҳозир чиқади», деб Ҳалимжонни ичкарига таклиф қилди. Ҳалимжон остона ҳатлаб ўтиши билан эшик қарсиллаб ёпилиб, шу оннинг ўзида гапданига тўппончанинг совуқ оғзи тиралди-да «қимирлама!» деган қатъий буйруқ янгради. Рўпарасида тўппонча ўқталган икки йигит кўрингач, «дипломатни аста қўйиб, қўлингни орқага қил», деган буйруқ берилди. Итоаткорлик билан буйруқ бажарилиши ҳаманоқ Ҳалимжоннинг билакларига кишан солинди. Шундан кейин йигитлар чекинишиб, милитсия полковниги кийимидаги ўрта яшар киши кўринди. У қўлларини орқасига қилганича аста юриб келиб Ҳалимжоннинг рўпарасида тўхтади-да, гўё унинг юзларига нималардир ёзиб қўйилган-у, шу ёзувларни ўқиётгандай обдон тикилди. Гарданига тўппонча тиралганида «тузоққа илинганига» ишонган Ҳалимжон полковникни кўргач «Ҳайрият, ўзимизники экан», деб енгил нафас олди. Унинг тикилишида ёмонлик кўрмай ўзини енгил тутди. Лекин кутилмаганда қорнидан мушт еб букчайди. Кейин гарданига тушган тўппонча дастасининг зарбидан ҳушини йўқотди.

Ҳушига келганида ўзини кенг хонада кўрди. Уни дераза остидаги қовурғасимон пўлат иситгичга суяб қўйишган эди. Ўртадаги стол устида дипломат турибди. Полковник тўрга ўтириб олган, ёнида эса эшикни очган кампир билан яна бир ёшроқ жувон туришарди.

— Ана, ботир жаноблари ўзларига келдилар, — деди полковник пичинг билан. Сўнг ёнидагиларга қараб олгач, гапини давом эттирди: — Лейтенант, гувоҳлар ҳузурида ёзиб қўйинг: қўлга олиш пайтида қаршилиқ кўрсатди, қочмоқчи бўлди. Шунақа, а? — аёллар полковникнинг бу саволига жавобан ишончсиз равишда бош ирғаб қўйишди. — Ана энди қулфнинг рақамларини айт, жаноб Козловга қандай совға олиб келганингни кўрайлик.

— Мен билмайман, — деди Ҳалимжон. — Козловнинг ўзи биларкан.

— Козлов биларканми? Қани ўша Козел? Сен Козлов билан охириги марта қачон ва қаерда учрашган эдинг?

— Мен уни танймайман, бугун телефонда гаплашган эдим.

— Довдирама, кеча ҳам гаплашувдинг. Келишга ваъда берувдинг, а? Нега келмадинг? Биз сени кутдик. Айт, нега келмадинг?

«Топшириқ шунақа эди», деса гап чувалашиб кетишини билган Ҳалимжон «Йўлда чарчаган эканман, иккита пиво ичиб ухлаб қолибман», дея қўя қолди. Полковникнинг ишораси билан хонадаги йигитлардан бири дипломатнинг рақамли қулфини бир-икки бураган бўлди-да,

осонгина очди. «Ўзимни танитсаммикин?» деб иккиланиб турган Ҳалимжон бу тезкорликдан ажабланиб, тилини тийди. Булар чинакамига милитсия ходимларими ё кийимини кийиб олиб найранг қилиш-яптими — буни аниқ билмай туриб ўзини фош қилиши мумкин эмасди. Булар ҳақиқий милитсия ходимлари бўлсалар ҳам бирон бир тўда билан боғланмаган деб айтиш мумкинми? Ҳарҳолда буларни бу ерда тасодифан учратмади. Малла Сафтер ҳам бекорга ўзини олиб қочмади. Булар кимлар? Мақсадлари нима?

Гарданидаги оғриқдан азобланаётган Ҳалимжон бу саволларга жавоб топишга ожиз эди.

Дипломат ичи ёғимланиб ташланган газета парчалари билан тўла эди.

— Бу ботир йигит шахримизга газета олиб келибди. Нима, сен почтачимисан? — Полковник Ҳалимжонга шундай савол бериб, дипломатни очган йигитга буюрди: — Яхшилаб қара, наҳот фақат газета олиб келган бўлса?

Ёғимланган газеталар стол устига сочилгач, ихчам китоб ҳажмидаги ўрам кўринди.

Полковник буюрмаса ҳам йигит ўрамни очди.

— Бу нима, биласизларми? — деб сўради полковник аёллардан. — Ҳа, билмайсиз. — Бу — қорадори! Мана шу кўриб турганларингиз камида юзта йигитни тил торттирмай ўлдиради. Ёки ногирон қилиб қўяди. Ҳа, бу ботир йигит почтачи эмас экан, янглишибмиз. Бунинг мансабини «наркокурер» дейишади. Юзта йигитнинг жони эвазига бу жаноб мана бундақа дипломатдан иккитасини пулга тўлатиб олиб кетиши керак эди. Пулни эса муҳтарам қўшниларингиз Козлов жаноби олийлари тўлашлари шарт бўлган.

Дастлаб Ҳалимжонга ачиниш билан қараган аёлларнинг кўзларида энди нафрат зоҳир бўлди.

Полковник буни сезмагандай Ҳалимжонни сўроққа тутди:

— Тўғри айтяпманми, қанчага келишган эдиларинг?

— Менинг вазифам фақат мана шунини бериш эди.

— Ҳа, албатта, сен дипломат ичида нима борлигини билмагансан, а? Наркокурерларнинг ҳаммаси шунақа лақма бўлишади. Молнинг ҳаммаси шуми?

— Мен мол ҳақида ҳеч нима билмайман.

— Лейтенант, бошқарма билан боғланинг, қўшимча куч юборишсин. Меҳмонхонани босамиз. Мен сезиб турибман. Мен катта овни ҳамиша олдиндан сезаман. Хонимлар, сизлар ҳам биз билан бирга борасиз. Рад этишга ҳаққингиз йўқ. Мен хавфсизликларингизни тўла таъминлайман.

Полковник шундай деб ўрнидан турди. Бу орада сураткаш ҳам ишини битиргач, Ҳалимжонни судрагудай қилиб ташқарига олиб чиқишди.

Меҳмонхонада, Ҳалимжон эгаллаган каравотнинг бош томонидаги жавонча ичида бир хил ҳажмдаги, бир хил рангдаги яна иккита дипломат турарди. Улар очилганда бири пул, иккинчиси қорадори билан тўлдирилгани маълум бўлди.

Лейтенант енгил-елпи тарзда баённома ёзгач, аёлларга имзо чекдирилди-ю, «катта овни олдиндан сезиш қобилиятига эга» полковник амри билан қамоқхона сари юрилди.

Ҳалимжон бундай ҳолатдаги одамнинг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билса ҳам, масала талашмади.

Икки кунгача уни терговга чақиришмади. Кейин эса номи тергов деб аталган, аслида қийноқдан иборат жараён бошланди. Поябзалини ечиб қўйиб товонига резина таёқ билан ҳар уришганда жони миясидан чиқиб кетай дерди. Аммо «Биродар, мен ҳам ўзингизданман, ишонмасангиз қўнғироқ қилинг», дейишдан ўзини тиярди. Буларнинг жиноят олами билан алоқаси борлигига шубҳаси йўқлиги учун ҳам ўзини танитмади. У ёқдаги ишларнинг остин-устин бўлиб кетишидан хавотирлангани сабабли эмас, балки жони кўзига кўринаётгани учун ўзининг кимлигини фош қилолмасди. Агар махсус топшириқ билан жиноятчи тўдага кириб ишлаганини билиб қолишса, бу азамат ҳамкасблари товонига уриб, лаззатланиб ўтиришмайди. «Чойшабни йиртиб, ўзини осибди», деган хулосани ёзиб, «йирик наркокурер»нинг «Иш»ини ёпиб қўя қолишади.

Манзура «куёвингизни бир марта ҳам бориб кўрмадингиз-а», деб хархаша қилаверганидан кейин Асадбек касалхонага отланди. Аввалига ўлимини истаган, сўнг раҳми келиб олиб қолган одамни йўқлашни ўзи учун паст кетиш деб ҳисоблаётган Асадбек касалхона дарвозасига етмаёқ изига қайтгиси келди. Гарчи «шу одам яшасин», деб марҳамат қилган бўлса-да, куёвининг гуноҳини ҳали кечмаган эди. Суюкли қизи Зайнабнинг қора кунлари учун Элчинни кечириш мумкин ҳам эмасди. У тақдирнинг қора ўйинлари билан мураса қилишга мажбур эди. Орада қизининг тақдири бор экан, ҳар қандай аблаҳнинг малъунликларига чидашдан ўзга чораси ҳам йўқ эди.

Ҳамшира билан томирини тополмай игна санчавериб Элчиннинг тинкасини қуритган дамда Асадбек боштабиб кузатувида кириб келди. Ҳамшира уларни кўриб, ишини чала ташлаганича чиқди.

Қайнота билан куёвнинг кўзлари тўқнашди.

— Билиб туриб атай қилдингиз-а? — деди Элчиннинг кўзлари. — Бунчалик маккорлигингизни ҳисобга олмаган эканман. Бир қўлингиз билан бошимни силаб, иккинчиси билан жонимни суғуриб олмоқчи бўлдингиз-а?!

— Сен бола бундан баттар азобларга лойиқсан, — деди Асадбекнинг кўзлари. — Мен умр бўйи азоб тортгин, деб сени ўлимдан сақлаб қолдим. Сен менинг юрагимни тилиб, туз сепгансан. Бу яра ўлгунимча мени азоблайди. Сен ҳам ўлгунингча қақшайсан. Шунда ҳисоб-китобимиз тўғри бўлади...

Кўзларининг суҳбати тилга кўчмади. Боштабиб ҳузурида бундай тикилиб туравериш ноқулай бўлгани учун Асадбек:

— Қалайсиз ҳофиз, опоқмисиз? — деди. У меҳрибон ота каби ҳол сўрамоқчи эди, аммо меҳрдан маҳрум дилдан тилга ширин сўз чиқмас экан.

Елчин лабларини беҳол қимирлатиб «раҳмат» дегандай бўлди. Қайнота билан куёвнинг суҳбати асосан шу билан чекланди. Буларнинг ўрнига боштабиб гапириб «Елчинбекнинг аҳвол-руҳияси яхши томонга ўзгараётганини» таърифлаб кетди. Ҳатто табобат тарихидан озгина гапириб ўтди. Бир-бирига унсиз равишда тикилиб тургандан кўра бу одамнинг сайрашини маъқул деб билган Асадбек луқма ҳам ташламади, гапини кесиб ҳам қўймади. Элчин ҳориган тарзда кўзларини юмгач, Асадбек ўрнидан турди.

Қайтишда шаҳар марказидаги уч қаватли иморат ертўласига жойлашган, «видеобар» ниқобидаги идорасига кирди. Даҳлизда Бўтқа билан Жамшид телевизор кўриб ўтиришган эди. Эшикка орқа қилиб ўтиришгани учун икковлари ҳам Бек акаларининг кириб келганини сезишмади. Асадбек:

— Биров келиб дастмояларингни кесиб кетса ҳам билмайсанлар-а! — деб бақириб бергач, бараварига сапчиб турдилар. — Бўтқа, бу ер идорами, ё амма-холангнинг тавонхонасимми?! Ўзини оқлашга уриниш, кечирим сўрашнинг фойдасизлигини билган Бўтқа «Бек ака...» деганича бошини эгиб тураверди.

Асадбек хонасининг эшигини очиб, орқасига қарамай «Жамшид» деб чақирди-да, ичкари кирди.

Чувриндинининг ўлими, Кесакполвоннинг хиёнатидан сўнг Жамшид Асадбекнинг энг яқин одами мартабасига кўтарилган бўлса-да, хожасининг ёнида ўтириш у ёқда турсин, ўзини эркин тутишга кўника олмаётган эди. Ҳозир ҳам Бек акасининг изидан кириб «Буюринг, хизматингизга тайёрман», деган мулозим кўринишида қўл қовуштириб тураверди. Диванга ўтирган Асадбек унга бир қараб қўйди-да, ёнидан жой кўрсатди.

— Ҳалимдан дарак борми? — деб сўради Асадбек, Жамшид ўтиргач.

— Аниқ бир гап йўқ. Қозининг айтишига қараганда Ҳайдар акам билан аэропорт томонга кетишган экан. Суриштириб билсам, у Красноярга учган. Ҳайдар ака кузатиб қўйганлар.

— Красноярга? Ҳайдар аканг кузатибдими? — Асадбек шундай деб ўйланиб қолди: «Хонгирей



Козловга тааллуқли бирон иш топширдими». — Халимнинг хитлар билан алоқасини суриштирдими?

— Суриштирдим. Из бор.

— Акангга ҳам шунақа дедингми?

— Ҳали айтганимча йўқ. Ҳайдар акам гумонсираган бўлсалар барибир тинч қўймадилар. Яна бир-икки болага «ўлдирасан» деб қўйгандилар.

— Ҳа, қилади бу ишни. Сен яна суриштир, иш аниқ бўлсин. Халим ўлмаслиги керак. Мен билан кўришиб турганингга аканг ғашланмаяптими?

— Сездирмаяптилар. Лекин олдингидай яқинликлари йўққа ўхшайди. Ҳозир акахоннинг энг яқинлари — Қози.

— Сен Қозидан узоқлашма.

Ешик очилиб, Бўтқа кўринди:

— Бек ака, Петренко деган ўрис сўраяпти. Эрталаб ҳам бир сўровди, — деди.

«Петренко» дейиши билан Асадбек Бўтқага ялт этиб қаради. Петренко — Козловнинг оз одамларгагина маълум бўлган лақаби эди.

— Эрталаб телефон қилган бўлса, нега дарров айтмадинг? — Асадбек шундай деб унга ўқрайиб қаради-да, телефон гўшагини кўтариб, қулоғига тутди: — Мен — Асадбекман, эшитяпман.

— Салом Бек, гапларимни эшитгин-у, савол берма. Яқин кунларда сенга ашхабодлик Дурди «қуён» одам юбориши ё телефон қилиши мумкин. У менга тегишли нарсаларни сўрайди, унга ишонма. Иккаламизга қадрдон одамга ваъдаси бор унинг.

— Биламан, уч кун олдин келиб кетди. У сўраган нарса биз томонларда йўқ.

— Бек, сенга бугун бир одам учрашади. Қолган гапларни ўшандан эшитасан. Хайр.

Асадбек гўшакни жойига қўйиб, «бу ёғи қандоқ бўлди?» дегандай Жамшидга қараб олди.

Асадбек Ашхабодда Дурди «қуён» дегани борлигини эшитган, бироқ ўзини кўрмаган эди.

Дурдининг ўсмирлик чоғи ўғирликка борганида шерикларини ташлаб қочгани учун «қуён» лақабини олгани ҳам унга номаълум эди. Унинг тап тортмай, тўғридан тўғри уйга чақириб келиши Асадбекка ёқмади. Илгариги вақти бўлганда Кесакполвонга бир ишора қилиб қўярди, унинг эса «сапчадек бошгинангдан аканг айлансин сенинг, аввал ўзинг кимсану кимга рўпара келмоқчисан, яхшилаб билиб ол. Ашхабоднинг зўри бўлсанг ҳам сендақа элликта Дурди битта Асадбек бўла олмайди. Бор акаси, ашулангни айтиб, келган жойингга қараб кетавер», демоғи аниқ эди.

Асадбек меҳмоннинг ҳурматини қилиб ичкарига таклиф қилди. Дурди «қуён» Козловдан, унинг оиласидан гап очиб, мақсадини ошкор қилди. Яқинда Козловни кўргани, «оиламдан хабар олиб тур», деб ундан илтимос қилганини ҳам айтди.

Асадбек унинг гапларини эшита туриб ўзича «Шу фаросатинг билан Ашхабодда керилиб юрибсанми? Хонгирей сенга ўхшаган аҳмоқларни яхши кўраркан. У ёқда сен, бу ёқда Кессак...» деб қўйди. Дурди «қуён» Асадбекни ишонтирганига шубҳа қилмай «Козловнинг оиласи қаердалигини айтсангиз, хабар олиб кетардим», деди.

— Козлов деган одам билан қариндош-уруғчилигим йўқ, — деди Асадбек, — Озгина олди-берди иш қилганмиз, ҳисоб-китобимиз тўғри бўлиб кетган. Бир йилнинг нари-берисида уни кўрганим йўқ.

Дурди «қуён» яна бир оз гапни айлантриб ўтиргач, кетишга ижозат сўради. Асадбек «ош тайёр эди-я» деб манзират қилмай, дарвозага қадар кузатиб қўйди.

У Дурди «қуён»нинг ташрифи таваккалчилик билан олиб борилаётган қидирувнинг бир кўринишимиди ё ис олишдими, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилди.

Мухиддин ота Козловнинг оиласини бошлаб келиб Марғилондаги ошнасаникига жойлаштирганини айтган куниеқ Чувринди уларни бежавотир ерга кўчириш ҳақида буйруқ олганди. Асадбек Абдурахмон табибниқига борганда Козловнинг оиласи Олмаликдаги уч

хонали уйга жойлашиб улгурганди. Бу уйни фақат Чувринди-ю, Асадбеккина билишарди. Қўшнилари диққатини тортмаслиги учун, Асадбекнинг таклифига кўра, Козловнинг хотини кимё заводига ишга ҳам кирганди. Ундан Чувриндининг ўзи хабар олиб турарди. Унинг ўлимидан сўнг Асадбек ўзининг ташвишлари билан овора бўлиб, Олмалиққа боролмади. Дурди «қуён» келиб кетгач, боришни режалаштириб турганда Козловнинг ўзи қўнғироқ қилди. Асадбек бу ерга келаётганида идорада узоқ ўтирмай уйга кетишни ўйлаганди. Козлов томондан одам келишини билгач, кутишга қарор қилиб, Жамшидга рухсат берди. Жамшид остонага етганда уни тўхтатди:

— Сен уйга кириб ўтгин, Ҳамиднинг иситмаси тушса ҳам ланжлиги кўтарилмаяпти.

Эркажоновми деган профессорларинг бўларди-ку, ўшанга олиб боргин, бир кўриб қўйсин.

Тўйга айтадиган одамларини йўл-йўлакай таклиф қилаверларинг.

Жамшид вазифани олиб, чиқиб кетгач, ёлғизлик дарди қўзғолди. Деворлар худди силжигандай, хона торайгандай туюлиб, Асадбекнинг юраги беҳаловат ура бошлади. Чап кўкрагида яраланган қушча потирлагандай бўлди. Ана шу потирлаш асносида гўё юрагидан данакдай парча ажралиб чиқди-ю, бўғзига келганда қадалиб қолди. Асадбек чуқур-чуқур нафас олиб ўрнидан турди-да, Бўтқа ўтирган хонага чиқди. Хожасининг танбеҳидан кейин сергак турган Бўтқа уни қўл қовуштирган тарзда қарши олиб, «чоё қайнаб турибди-я, дамлайми?» деб сўради. Асадбек телевизор қаршисидаги оромкурсига чўкиб ўтириб:

— Чоёингни қўй, оқидан элликта қўй-чи, — деб буюрди.

Бўтқа бўтқа бўлиб шу даргоҳга келибдики, Асадбек ҳали бирон марта бу хонада ўтирмаган, ўзи «елликта қўй», деб сўрамаган эди. Шу сабабли Бўтқа амрни англамагандай хожасига қаради.

— Нимага анграясан, оқидан элликта қўй, деяпман.

— «Наполеон» яхшимасми, Бек ака, ўн икки минг томирдаги қонларни юрғизворди.

— Йўқ, юрагим сал ўйнагандай бўлиб турибди, оқи дуруст. Қани, тузукроқ томошангдан қўй-чи.

— Қанақасидан бўлсин, қитиқлайдиганлариданми? Буям бир кўнгил-терапияда, Бек ака. Нозик томирларингизни ўйнатиб юборди.

Асадбекнинг бу таклифга қовоқ уюб қараб қўйиши Бўтқага кифоя қилди. Каратечи болаларнинг саргузашти ҳақидаги тамошани қўйиб, Бек акаси хуш кўрадиган газакни тайёрлагач, биллур қадаҳга, айтилгандай эллик эмас, юз грамм ароқ қўйиб эҳтиром билан тутди.

Шом қоронғусига қадар вақт шу тарзда ўтди. Асадбек кетишга чоғланган пайтда эшик очилиб, бир йигит шим кийган қизни бошлаб кирди-да:

— Видеобар ишлайдими? — деб сўради.

— Ишламайди, бўлди, ёпилди, — деди Бўтқа унга жавобан.

Йигит бу гапдан кейин изига қайтиш ўрнига Асадбекка қараб олиб, яна олдинга юрди. Бўтқа ўрнидан туриб, унинг йўлини тўсди:

— Берк деяпман-ку!

— Битта қаҳва беринг, совуброқ қолган бўлса ҳам майли.

— Қаҳвани Бразилияга экиб қўйишибди, пишганда келасан.

Йигит яна Асадбекка қараб олди:

— Бу амакимиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Майлимас, амакиннинг боши оғриб турибди, бўлди, чиқларинг, — Бўтқа шундай деб йигитнинг елкасидан тутди.

— Хўп, кетамиз, — йигит шундай деб яна Асадбекка қаради: — Амаки, мен сизнинг суратингизни уйимиздаги албомда кўрганман. Мен Петренконинг ўғлиман. Эслайсизми, армияда бирга хизмат қилган экансиз.

Бу гапни эшитиб Бўтқа «Ерталаб телефон қилган сенмидинг ё адангмиди?» дегандай қараб қўйди. Асадбек эса кутган одами келганини англаса ҳам сездирмасликка ҳаракат қилиб бош чайқади:

— Петренко? Бунақа танишим йўқ. Армияда ҳам бўлмаганман. Лекин сенинг юз-кўзларинг менга кимнидир эслатяпти. Қани, бу ёққа ўтиб ўтир-чи. Қизинг ҳам ўтирсин. — Улар ўтиргач, Асадбек ажабланиб турган Бўтқага мулойим овозда буюрди: — Расул, булар меҳмонга ўхшашяпти, қаҳва қайнатиб бергин, — Бўтқа амрга итоат этиб ошхона томон юргач, яна йигитга қаради: — Хўш, меҳмонлар, қаерликсизлар?

— Биз меҳмон эмасмиз, шу ерликмиз, айланиб юриб бир қаҳва ичмоқчийдик. Дадам ҳозир Томскдаги қариндошларникида дам олятувдилар. Мен ҳам эртага ўша ёққа кетяпман. Сафардан олдин Юля билан сайрга чиқувдик. Сиз Томскда бўлганмисиз?

— Йўқ, бунақа шаҳар борлигини энди сиздан эшит-япман.

— Вой, — деб ажабланди қиз, беихтиёр суҳбатга қўшилиб, — географиядан ўқимаганмисиз?

— Мен мактабда иккичи эдим, — деди Асадбек кулимсираб.

— Ахир...

— Юля, илтимос, аралашмай тургин. Амаки, сиз Томскка албатта боринг, зўр шаҳар! Дадам у ерда туғилмаган бўлсалар ҳам «иккинчи ватаним» дейдилар,— йигит шундай деб пиджагининг ич чўнтагидан бир нечта фото сурат чиқарди: — мана қаранг-а, чиройлими? Асадбек шаҳар манзараси акс этган суратларни қизиқиб тамоша қилгандай бўлди.

— Булар сизга эсдалиқ, — йигит шундай деб суратларни Асадбекка узатди. Йигит сергап экан, қаҳвани ичиб бўлгунича ҳам гапдан тинмади. Бўтқа уни гарданидан чангаллаганча кўчага судраб чиққиси келди. Асадбек эса унинг қувлигига тан бериб, кулимсираб ўтираверди. Йигит меҳмондорчилик учун раҳмат айтиб, қизини етаклаб чиқиб кетгач, Бўтқа:

— Бир силтови камроқ-ку бу боланинг, қандоқ чидаб ўтирдингиз? — деб сўради.

— Бунақа алмойи-алжойи гапларни анчадан бери эшитмовдим. Гапи нима билан тугашига қизиқиб ўтиравердим.

— Қизи шкалат экан, битта имо қилганингизда болани чиққан жойига кирғизворардим.

— Қўй, бояқиш эртага отасининг олдига кетаётган экан. Сен билан мени Томск деган шаҳарга таклиф қилди, борамизми?

— Бе, совуқ жойларда нима бор, иликларни тўғнатиб нима қиламиз. Бизга Ялта ярашади. «Пулинг бўлса халтада — боравергин Ялтага, пулинг бўлмаса халта- да — пишириб қўйибдим сенга Ялтада?» — Бўтқа шундай деб ҳузурланиб кулди.

«Илгари рўпарамда титраб туришарди. Тузук-ку, мақолни ҳам биларкан. Яна озгина бўшашсам бошимга чиқиб олар?» Бу фикрдан ғашланган Асадбек қовоқ уйди. Қуюшқондан чиқиб ноўрин ҳазил қилганини анг-лаган Бўтқа дарров лаб-лунжини йиғиштириб олди.

— Бўтқасанда бола, ҳақиқий бўтқасан, — Асадбек шундай деб захарли тарзда кулди-да, ўрнидан туриб эшик томон юрди.

## XV б о б

### 1

Дейилмишким, ақлан олий мақомга етишганлар уч нарсага: Тангри таоло белгиламиш тақдирга, ўзи каби ва ўзидан улуғроқ кимсаларга, доноларнинг сўзларига бош эгармишлар. Майдакаш одамлар эса тақдир ёзуғи нима эканини фаҳм этмайдилар, ундан қўрқмайдилар, улуғларни менсимайдилар, доноларнинг сўзларини эшитиб, уларни масхара қиладилар. Дунёдаги ҳар нарса ўз жуфти билан, яна ўз муқобили билан яралмиш экан. Яъниким, оқнинг муқобили қора, ширин рўпарасида аччиқ, меҳрнинг зиддида қаҳр, шафқат қаршисида зулм мавжуд. Энг улуғ муқобиллик эса — ўлим ва ҳаётдир. Оламда ақлли одамлар бор.

Ақлсизлар кам эмас.

Ажаб ҳақиқат шуки, ҳеч ким ўзининг аҳмоқлигини тан олмайди.

Ақллилик ва ақлсизлик... Бунинг ўлчови борми? Меъёри мавжудми?

Ҳаёт неъматларидан ҳар икки тоифа ҳам баҳраманд бўлади.

Ўлим шарбати ҳар икки тоифага насиб этади.

Одамлар ақллиларнинг узоқроқ яшашларини ишташади.

Лекин акси бўлиб чиқаверади:

Тор бўлиб қолади замон донога...

Балога айланиб қолади ақллилик...

Зоҳид Анварнинг кундалиklarини ўқиб шу фикрга келди. Анварнинг фикрлари уни бир неча кун давомида таъқиб этиб юрди. Айниқса кундалик сўнгидаги бир тўртлик хотирасига осонгина муҳрланиб қолди:

«Афсуским, бекордан бекор сўлдик биз,

Фалакнинг дастидан кукун бўлдик биз.

Кўз очиб юмгунча кўрган аламдан

Тилакка етолмай, охир ўлдик биз...»

«Фалакнинг дастидан кукун бўлдик...» Аслида бу ҳар бир одамнинг қисматида бор. Тупроқдан ясал-миш одам боласи охир-оқибат тупроққа қоришмаги аниқ. Аммо унга қадар...

Бекордан бекорга сўлиш бор.

Анварнинг ёзувларидан таъсирланган Зоҳид кўпроқ ўша «бекордан бекор сўлиш» ҳақида ўйларди.

Юзакироқ қараганда Зоҳид билан Анварнинг яшамоқдан мақсадларида яқинлик бордек кўринади. Униси ҳам буниси ҳам адолат, ҳоли ҳаётда ҳақиқат излаб сарсари кезувчилардан эди. Ажаб-ажабки, бировининг орзусидаги адолат ва ҳақиқат иккинчисиникига унча ўхшамасди. Яна ажабки, бирови ҳақиқатни сиртмоқда кўрди, иккинчиси курашдаги азобда, орзудаги роҳатда деб билиб, ҳамон сароб сари одимлайди. Тилакка етолмай ўтиб кетишини англаб турса ҳам қайсарлик билан қадам босади.

Яна ажаб-ажабки, дунё дунё бўлганидан бери ҳали ҳеч ким «тилакларимга етиб жон беряпман», демаган. Чунки тилак деганлари ҳамиша ҳомиладор. Бирига етилса, иккинчиси урчиб, болалаб туради. Ҳидоятда юрганларнинг сўнги тилаги бир-бирига ўхшайди.

Фосиқларники эса ўз нафслари даражасига мос равишда турлича бўлади.

Зоҳид ҳақиқат тилагида ўтган Анварни ўйлаганда уни жиннихонага тиқиш қудратига эга одамни кўргиси келаверди. Анварнинг маъракасида Элчин билан учрашганда у Холидий деган одамни айтган эди. Устози Ҳабиб Сатторов гарчи унинг номини тилга олмаган бўлса-да, укасининг ўлимида бу одамнинг қўли борлигига шамаъ қилган эди.

Дўстининг жанозасида ўша одам худди ўша ҳожатхонага осилиши керак деб қасд қилган Элчин ҳаракатсиз ётибди. Ҳабиб Сатторов зимдан айблагани билан унга қарши чора кўришга уринмайди. Зоҳид эса чорасиз. Элчиннинг ҳам, Ҳабиб Сатторовнинг ҳам гаплари, пичинглари ўринли: Холидийни қотилликда айблай олишмайди. Демак у айшини суриб яшайверади.

Ҳабини келтирган одамни пашшани янчгандек янчаверади. Шундай эди...

Наҳот яна шундай бўлиб қолаверса?

Ахир замон ўзгаряпти-ку?..

Адолат истовчи Зоҳиднинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаси заиф эди. Ямоқ тўнни ечиб ташлаб, янгисини кийган одамни яхши бўлиб қолади, деб ҳисобларди. Гап одам устидаги тўнда эмас, кўкрак қафасидаги қалбда экани ҳақидаги оддий ҳақиқатни англашига пича фурсат бор эди.

Анварнинг маъракасидаги учрашувда Элчин «яна Холидий ичбуруғдан ўлиб қолса, мендан кўриб юрманг», деб пичинг қилган эди. Ўшанда Зоҳид бу гапга етарли эътибор бермаганди.

Анварнинг ёзувларини ўқигач, ўша суҳбатни беҳос эслади.

Чиндан ҳам Холидий юқори қаватдан йиқилиб ўлса ёки мурдаси сувдан чиқса текшир-текшир

бошланади. Неча-неча одам шубҳа тўрига ўралади. Бу тўрига Элчин ҳам илашиб қолиши ҳеч гапмас. Бу соҳадаги ҳақиқат юзага чиққунига қадар қанча одамнинг ҳаловати бузилади. Худди Миркаримовнинг ишига ўхшаб...

Ким билади, мурдаси сувда ириган Миркаримов ҳам тириклик чоғида неча-неча одамнинг юрагига заҳарли сўз ханжарларини санчгандир?

Ким билади, унинг ўлиги сувдан топилганда неча-неча одам қувонгандир, «баттарроқ бўлсин эди», дегандир.

Ким билади, балки Миркаримовнинг заҳарли сўз ханжаридан ўлим топганлар унинг бошига гувала қўйилиб, лаҳад оғзи беркилганда дўзахнинг олов тошлари билан қаршилагандирлар.

Ким билади, балки Холидийнинг қисмати ҳам шундай бўлар...

Балки ҳаммаси аксинчадир...

Агар Зоҳид ниятини амалга ошириб, Холидий ҳузурига борса-да, айтсаки: «Сиз билан Миркаримов бир хилдасизлар». Бу гапдан, шубҳасизки, Холидий ажабланар, тўғрироғи ғабланар ва айтarki: «Бу қандай нодонлик! Мен олим одамман, жамиятга фалон микёс-да фойдам теккан. У эса пулдан бошқа нарсани ўйламаган одам...» Холидийнинг фатвосида зоҳиран жон бор. Касб, турқу тароват — кўзга кўринувчи жиҳатлар фарқланади. Аммо назарга тушмас бир иллат борки, уни «нафс» дейдилар. Айнан шу нафс бир-бирига зоҳиран ўхшамаган одамларни ботинан бир хил кўринишга келтиради. Миркаримовнинг нафси маишатни истарди. Бунинг учун у ҳаётини пул топишга сарф этди. Холидийнинг нафси ҳам маишат истарди. Бунинг учун у ҳаётини амал эгаллашга сарф этди. Бунда бирон фарқ кўринадими?

Зоҳид ўйлаб-ўйлаб фарқ топмади.

Кўп масалаларда Анвар билан ҳамфикр бўлди. Фақат... Сўнгги чорани ақлсизлик деб баҳолади.

## 2

Зоҳид Саид Қодировнинг бу сафарги йўқловидан асосий мақсадни дуруст англамади. У одатдагидай Миркаримовнинг ўлими асадбеклар тўдасига боғланыптими ё йўқми, деб қизиқди. Зоҳид гумонларнинг бири заиф бўлса-да, ҳамон шу тўдага боғланиб турганини айт- ди-ю, бироқ янги туғилган шубҳаларини баён қилиб ўтирмади.

— Маҳмуд Эҳсоновнинг ўлиmidан кейин тўдада бирон ўзгариш сезилмаяптими, миш-мишлар нима дейди?

Зоҳид Саид Қодировнинг бу илмоқли саволига дарров жавоб бермади. «Мени миш-миш йиғиб юради», деб эшитувдингизми, демоқчи ҳам бўлди-ю, тилини тийди-да:

— Асадбеклар билан шуғулланмай қўйганман, — деб қўя қолди.

— Тўда ичида қора мушук ғимирлаб юрганга ўхшайди, — деди Саид Қодиров худди ўзига-ўзи гапираётгандай. Сўнг «Наҳот қизиқмай қўйдингиз?» деган савол назари билан қаради-да, гапини давом этди: — «КамАЗ»нинг ҳайдовчисидан фойда йўққа ўхшаб турибди. Боши катта, бўйи калта одам эса изсиз йўқолган. Миродил Бойқўзиев деганини эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Унинг хотини милитсияга арз қилган: эри йўқолибди. Эҳсоновнинг жанозасидан кейин уни ҳеч ким кўрмаган. Ҳозирча тирик одамлар орасидан қидириш-япти. Бугун умид бор... билмадим... эртага балки қаб-ристонлардан излашга тўғри келар... Уларнинг орасидан яна кимлар йўқолаётган экан...

Саид Қодиров аслида шу саволга жавоб топиш мақсадида Зоҳидни йўқлаган эди. Доимий равишда маълумот етказиб турувчи Ҳалимжоннинг тўсатдан йўқолиб қолиши уни хавотирга сола бошлаган, эҳтиёт чораси сифатида Ҳалимжоннинг оиласини бошқа жойга кўчиртиргач, «бирон гап эшитгандир», деган умидда Зоҳидни чақирганди. Чақиршга чақирди-ю, «тўдадаги одамимиз йўқолди, суриштиринг» демади. Ҳалимжонни ошкор этишга ҳали фурсат бор, деб ўйлаб, сўхбатини чучмал тарзда яқунлади. Зоҳид мана шундан ажабланди.

Москвадан жавоб келдимикин, деган илинжда шаҳар прокуратурасидаги хонасига кирди. У Ойсанам Эркаева билан акасининг кўрсатмаларидан шубҳаланиб Москвага сўров юборган, Миркаримов йўқолган кеча болаларга қандай мултфилм кўрсатилганини аниқлаб беришларини илтимос қилган эди. Бундан аввалроқ шаҳар электр тармоқлари идораси билан боғланиб, ўша кеч Миркаримовнинг маҳалласида электр қуввати ўчириб қўйилган ёки ўчирилмаганини суриштирган эди. Шаҳарни электр қуввати билан таъминлашда қийинчилик мавжуд бўлгани сабабли маҳаллаларда навбатма-навбат чироқ ўчириб қўйиларди. Ўша ҳафта Миркаримовнинг маҳалласида чироқ ўчирилмагани ҳақидаги маълумот Зоҳиддаги битта шубҳани йўққа чиқарди. Иккинчи шубҳанинг исботи Москвадан келажак маълумотга боғлиқ эди.

Зоҳиднинг сезгиси алдамабди: Москвадан хабар келибди. Унда ёзилишича, ўша кеч расмий мажлисдаги Горбачевнинг маърузаси кутилгандан кўпроқ чўзилгани сабабли болалар учун эртаси кўрсатуви умуман эфирга чиқмаган, мултфилм ҳам кўрсатилмаган... «Бу ёғи қандоқ бўлди», — деб ўйлади Зоҳид, — шунча пайтдан бери Эркаева тўқиган эртаси ишониб юрилдими? Энди... ҳаммасини бошидан бошлаш керакми?..»

Зоҳид ишни қандай давом эттиришни ўйлай-ўйлай биринчи галда Ойсанам яшаётган ўйни кузатиш керак, деган қарорга келди. Шу қарори билан раҳбарият ҳузурига кириб, ижозат олди. Яқин кунларда Миркаримовнинг ўйида тинтув ўтказиш ниятини эса ошкор этмади. Ўйни кузатиш бўйича милитсия идораси билан бўладиган расмиятчиликларни бажаргач, Зарипова билан учрашиш учун шаҳар турмасига борди.

Зарипова — чиройда Ойсанамдан қолишмайдиган хушрўй аёл — сўроқ хонасига кириб «ҳамма гапларни айтиб бўлганман, яна келдингизми?» дегандай Зоҳидга бир оз қараб турди. Сўнг унинг қаршисига ўтириб, ибодат аёлларга хос бўлмаган тарзда оёқларини чалиштириб олди. Аввалги учрашувдаги суҳбат асабий равишда тугаган эди. Бу сафар самимийроқ тарзда гаплашишни истаган Зоҳид:

— Келавериб жонингизга тегдимми? — деб кулимсирашга ҳаракат қилди.

— Келиб турганинглар яхши менга, — деди Зарипова. — Келсаларинг қамоқда чиримаслигимга ишонаман.

— Гапингизга унча тушунмадим?

— Келаверсаларинг битталаринг бўлмаса, иккинчиларинг бегуноҳлигимга ишонарсизлар?

Оддий нарсани тушунишни нега истамайсизлар?

— Тушунишни истаганимиз учун келамиз.

— Бўлмаган гап! — Зарипова шундай деб қўл силтади. — Ҳар сафар янги сиртмоқ ясайсизлар.

Келавериб, келавериб сиртмоқни тортаверасизлар. Охири бўғилиб ўлай деганимда «Мавлон акани мен ўлдирганман», деб тан олишимни хоҳлайсизлар. Лекин шунақа деганим билан дарров ишона қолмайсизлар. «Ўлдиришга бир ўзингнинг кучинг етмайди, ўйнашинг ёрдам берган, ўша ўйнашингни айт!» деб янги сиртмоқлар ясайсизлар. Майли, сиқувга олаверинглар, бир бошга — бир ўлим. Ҳаммасига чидайман. Мен сиз кутаётган иқрорни айтмайман, — Зарипова хўрсиниб, олди-да, қалин панжарали дарчага қаради: — Олдин сўроқ қилган одам кўрсроқ эди. Сиз ишни маданийчасига юритар экансиз. Икковларинг икки оламга ўхшайсизлар. Лекин мақсадларинг бир. Наҳотки шунча ойдан бери шубҳаланадиган бошқа одам топилмаган бўлса?

— Зарипова, тушунадиган аёлга ўхшайсиз. Биз шунча ойдан бери нима иш билан шуғулланаётганимиз бўйича сизга ҳисоб беришга мажбурмасдирмиз?

— Албатта мажбур эмассиз. Жаҳлингиз чиқмаса сиздан бир нарсани сўрасам.

— Сўранг.

— Сиз... мантиқ деган фан борлигини ҳеч эшитганмисиз? Мен атай «ўқиганмисиз?» деб сўрамаяпман. Мантиқ илмини ўқиган одам бунақа бўлмайди.

— Қизиқ... — Зоҳид беихтиёр равишда столни чертиб-чертиб қўйди: — Мантиқдан беҳабарлигимни исбот қилиб бера оласизми?

- Албатта. Лекин сиз сўроқ қилгани келган одамсиз, фалсафадан масала сўқишга тоқатингиз етмас?
- Етади, ташвишланманг, гапираверинг.
- Яхши, унда эшитинг: дунёдаги барча нарсалар, ҳодисалар «мантиқ» деган кўринмас занжир билан боғланган, деган фикрга қўшиларсиз? — Зарипованинг саволига жавобан Зоҳид бош ирғаб қўйди. — Лекин ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Фақат бизга ҳамма ҳаракатда мантиқ бордай кўринаверади. Биз мантиқ билан мантиқсизликнинг аниқ чегарасини ажратиб ололмаймиз, бунга нима дейсиз? — Зоҳид «қани, давом этаверинг-чи», дегандай елка қисиб қўйди. — Мана, масалан, сиз билан менинг бу ҳолда ўтиришимизда мантиқ борми?
- Йўқ деб ўйлайсизми?
- Албатта йўқ. Сиз «ҳақиқатни ойдинлаштириш учун мантиқий мажбурият бор», дерсиз? Мен эсам айнан шуни энг катта «мантиқсизлик» дейман. Агар бегуноҳ бир аёлни икки юз ўттиз кун қамокда ушлаб туришни «мантиқий мажбурият», ҳисобласангиз, хафа бўлмангу, ҳеч нарса билмас экансиз.
- Сиз ўзингизни бегуноҳ ҳисобляяпсиз. Бу ерда ўтирганларнинг деярли барчаси шу фикрда.
- Бу масалада сиз билан баҳслашмайман. Ўзимга тегишли гапни айтай: жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди, а? Кутилмаганда, тўсатдан юз берди, деб ҳисобланган фожиа ҳам аслида анча илгари бошланган бўлади. Мисолга Мавлон аканинг тақдирларини олайлик: ўша куни бехос сувга тушиб кетиб ўлдиларми ё ўлдирилдиларми? Агар ўлдирилган бўлсалар, қотил ўша куни қасд қилиб ўша куниёқ мақсадига етмагандир? Тасаввур қилайлик, сизнинг шубҳангиз тўғри чиқди, қо-тил — менман. Мантиқан олиб қарасак, Мавлон акани ўлдиришга тайёргарлигим у киши билан танишган кунимиздан бошланган бўлади. Бир-биримиз билан учрашганда атрофимизда ҳеч ким йўқ, деб ўйлардик. Аслида орамизда ўлим бор экан-у, сезмабмиз. Кунлар, ойлар ичи ана шу ўлимнинг қачон ва кимнинг қўли билан юзага чиқиши масаласи беихтиёр равишда ҳал этилган. Шунақа десак мантиққа тўғрими? Ҳа, — Зарипова аянчли тарзда кулимсиради. — Бу бир тахмин. Яна ҳақиқат деб ёпишиб олманг. Лекин гапимда озгина ҳақиқат ҳам бор. Менинг бу кўргулигим, гуноҳларимга яраша тўхмат билан мукофотланишим Мавлон ака билан танишган дақиқамдан бошланган экан, — Зарипова бошини эгиб бир оз сукут сақлади. Сўнг Зоҳидга қараб кулимсиради: — Гапни ҳам резинкадай чўзиб юбордимми, ажабланманг, мен азалдан эзмароқман. Хўп, яна озгина тоқат қилинг, асосий гапни айтволай: Мени қотил деб гумон қилганингизда «бу хотин шундай бой ўйнашини нега ўлдирди?» деб ўзингизга ўзингиз савол бериб кўрмадингизми? Бу ерда мантиқ қани? Мавлон аканинг ўлимидан кўпроқ мен жабр чекдим-ку?
- Моддий манфаатни назарда тутяпсизми?
- Фақат бу эмас. Мавлон ака мени... яхши кўрардилар. Ёлғиз аёл учун бу яхши кўришнинг қадри қандайлигини сиз ҳис қила олмайсиз. Сиз худди шу нуқтада менга мантиқни топиб беринг-чи? Агар Мавлон аканинг ўлимидан бирон фойда олсам, бу ишга қўл уришим мумкин эди. Бу гапим ҳам тахмин, мен бировнинг ўлимидан фойда кутадиган аблаҳ эмасман.
- Саволингизга ҳозир жавоб беришим шартми?
- Мутлақо шарт эмас. Гапдан гап чиққани учун озгина эзмалик қилдим, кечирасиз.
- Фикрларингиз менга маъқул. Саволингизга эса албатта жавоб қайтараман, фақат бугун-ерта эмас, қотилни аниқлаган куним.
- Шундай дейишингизни билардим. Саволимга жавоб берсангиз ҳам, қотилни топиб жазоласангиз ҳам менинг бу ерда чириган кунларимни қайтариб бера олмайсиз, бу ердан чиқиб мен техникумдаги ўқувчиларимга дарс ўта олмайман, бу шаҳарда, умуман бу ҳаётда бош кўтариб юришим мумкин бўлмай қолади.
- Сиздаги илм, фаросат билан бу азобни енгиш мумкин, деб ўйлайман.
- Йўқ, енгиш учун илм билан фаросатнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳатто иродага ҳам ишониб бўлмайди. Менинг келажагим — ўзимнинг бош оғриғим, сиз ўйламай қўяверинг.

Сўрайдиганингизни сўранг.

Зоҳид, прокуратура терговчиси, гумондаги шахсдан «сўранг» деган ижозатни олса-да, дарров сўроққа тутмади. «Зарипова ҳаяжонини босиб олсин», деб сукут сақлади, худди савол ахтараётгандай кўрсатгич бармоғи билан чаккасини силади. Зариповага бу сукут ёқмай «сўрамайсизми?» деган маънода тикилгач, Зоҳид дастлабки саволини берди:

— Эшпўлатовнинг айтишича, хўжайинини олиб келганида сиз ёлғиз бўлгансиз. Сиз эса одам бор эди, Эшпўлатов ҳеч кимни бошлаб келмаган, деяпсиз. Кимнинг гапига ишонишим керак?

— Эшпўлатовнинг ўзи ҳам, хўжайини ҳам келмаган.

— Уйингиздаги ўша одам буни тасдиқлаши керак. Ўша одам ким, айтинг. Айтсангиз ўзингизга фойда.

— Мен унинг кимлигини айтолмайман.

— Қўрқасизми?

— Ҳа, қўрқаман, оиласининг бузилиб кетишидан қўрқаман.

— Оиласи бузилиб бўлгандир балки?

— Нега ундай деяпсиз?

— Аёллар табиатан сезгир бўлишади. Эрларидаги ўзгаришни тез фаҳмлашади. Уларда гипофиз яхши шакл-ланган, дейишади. Гипофиз нималигини биласизми?

— «Учинчи кўз» демоқчимисиз? Билмадим, сиз бу гапни қаердан олдингизикин. Балки сиз айтгандай шакл-лангандир, лекин бу кўринмас учинчи кўзда ақл бўлмайди. Эрақ билан аёл учрашса ўша гипофиз худди сиз каби аҳмоқона хаёлга боради.

— Аниқроқ гапира оласизми?

— Аниғи шуки, мен бугун Мавлон ака билан, эртасига бошқаси билан ётадиган фоҳиша эмасман. Мавлон ака билан муносабатимиз қуруқ нафсдан иборат эмас эди. Ўша кунни уйимга келган одам сиз ўйлаган илинжда ўтирмаганди. Самимий дўст сифатида, ҳатто ака-сингил сифатида гаплашиб ўтирганимизга сиз ҳам ишонмайсиз, бошқалар ҳам. Шунинг учун унинг кимлигини айтмайман. Гапларимга ишонсангиз ишонинг, ишонмасангиз — ўзингиз биласиз. Менинг бошқа сўзим йўқ, айтинг, олиб кетишсин.

— Шошилманг, ўзингизни босинг. Сизнинг айтадиган сўзингиз бўлмаса, менинг сўрайдиган саволларим бор. Бу ерга шу мақсадда келганман. Фалсафадан дарс эшитиш учун эмас, — Зоҳиднинг кейинги гапи сал дағалроқ чиқиб, ўзига ҳам эриш туюлди.

Бу дағаллик Зариповага ҳам таъсир этди. У «Ана энди асл қиёфанга кирдинг, боятдан бери мўмин ўқувчидай ўтирувдинг», дегандай Зоҳидга бир оз тикилди-да, сўнг мутелик билан бошини эгди. Зоҳид унинг кўнгли оғриганини сезса ҳам, сир бой бермай, расмий оҳангдан чекинмай сўради:

— Агар гапингизга тўғри тушунган бўлсам, Миркаримов билан муносабатингиз асосида нафс ётмас экан. Унда... ораларингизда, шоирлар тили билан айтганда... муҳаббат бўлганми?

Миркаримов сизга уйланмоқчимиди?

— Шундай фикр бор эди. Лекин қарор даражасида қатъийлашмаганди.

— Нега? Бирон тўсиқ бормиди?

— Бор эди.

— Оиласими?

— Яна қандай тўсиқ бўлиши мумкин? Икки марта уйланган. Иккинчисини қўйиб, учинчисига уйланса партиядан ўчади.

— Партиядан ўчса — ишдан ҳайдалади, — Зоҳид шундай деб Зарипованинг гапини давом эттирди: — Ёғлик жой қўлдан кетади. Бунақа эр кимга керак?

— Мен Мавлон аканинг бойликларига учмаганман.

— Лекин Миркаримов сизга тилла тақинчоқлар сов-фа қилиб турган. Аввалги терговчига шундай дегансиз.

— Деганман. Тинтув қилиб тақинчоқларимни олиб қўйгансиз. Хоҳласангиз давлатга



топширишим мумкин.

— Шахсан мен хоҳламайман. Уларни ўғирламагансиз, сизга совға қилинган, ўзингизга буюрсин. Зарипова «чин дилдан, самимий айтяписизми?» дегандай унга савол назари билан қаради.

Кейин яна бошини қуйи эгиб, аввалги гапини такрорлади:

— Мен бойликларига учмаганман.

Икки марта турмуш қуриб, икки марта оғзи куйган, ишхонадагилари, қўшнилари «ҳалол, покиза», деб таъриф берган аёлнинг бу гапига Зоҳид шубҳа қилмади. Агар кун ора бўлмаса-да, ҳафта ёки ой оралаб ўйнашларини алмаштириб турганида буни қўшнилари сезишар ва бу воқеадан сўнг «асли бузуқ эди», деб таърифини ўн чандон ошириб баён этиб беришарди. Бир аёлни, айниқса ёлғиз бевани қўшни аёллар бузуқликда айблашмадими, демак, у чиндан покиза экан. Бева аёл, айниқса чиройли жувоннинг ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи, ҳар бир кулгуси қўшни хотинларнинг зийрак нигоҳи таъқибда бўлади. Қўшни хотинларнинг ҳар бири эрини ундан қизғанади. Агар таниш эркаклар, Зарипова айтгандай, тўғри маънода тез-тез келиб туришса ҳам у аллақачон ёмонотликқа чиқиб бўларди. Хотинларнинг бу қилиқлари маълумлиги учун Зоҳид «Зарипова Миркаримовнинг ўйнаши», деган ёзувини қора тўртбурчак чизик орасига олиб қўйган эди. Шу боис ҳам «уйингиздаги бегона эркакни айтинг», деб қийин-қистовга олмади. «Агар менинг самимиятимга ишонса, эртами-кечми, ўзи айтади», деган ишонч билан бошқа нарсаларни сўраётган эди.

— «Бунақа эркак кимга керак?» деганимда фақат сизни назарда тутганим йўқ. Миркаримов «аёлларга менинг бойлигим керак, пулсиз эркакнинг кимга кераги бор?» деб ўйлаган бўлиши мумкинми?

Бу саволни эшитиб, Зарипова «Вой Худойим-ей», деб хўрсиниб қўйди. Кейин бошини кўтармаган тарзда, худди ўзига-ўзи гапираётгандай деди:

— Нима учун ҳамма нарсани бойлик билан ўлчаймиз? Бойликдан бошқа ўлчов йўқми бу дунёда? Бир сидра кийим-кечак, кунлик ейиш учун бир бурда нони билан одамнинг бахтли бўлиши мумкинмасми? Бўйни тилла занжир кўрмаган аёллар бахтсизми? Қўша-қўша тилла билакузук тақиб юрганларнинг ҳаммаси бахтлими?

Зарипова яна хўрсиниб, жимиб қолди. Унинг хасратли гаплари Зоҳидга маъқул келгани билан суҳбатни бу мавзуда давом эттиришни истамади. Бошқа жойда, айбланувчи ва айбловчи мартабасида эмас, икки озод инсон сифатида кўришишганида балки ҳаёт фалсафаси хусусида узоқ суҳбатлашган, аёлнинг маъноли фикр-ларидан баҳра олган бўларди. Алҳол... аёл тутқун. Унинг дардли фалсафаси ҳам тутқун.

Бундай пайтларда терговчи — Зоҳид билан инсон — Зоҳид ўртасидан фарқ чизиғи ўтиши натижасида инсон — Зоҳид қалбида уйғонган меҳр-шафқат йўли тўсилиб, у расмий муомала қилувчи, қонуннинг қаттиққўл ҳимоячисига айланишга мажбур бўларди. Ўзидаги икки хил бу кўринишдан қийналиб устозига нолиганида маёр Солиев «Касбимизнинг энг нозик томони ҳам шу. Жинойтчининг оҳ-воҳига қулоқ солиб, раҳминг келса, унга шафқат кўзи билан қарасанг ундан жабр кўрган одамга хиёнат қилган бўласан», деган эди.

Зоҳид «Зарипова яна гапирармикин?», деган хаёлда сабр қилди. Аёл бош эгиб жим ўтиравергач, сўроқни давом эттирди:

— Сиз Ойсанам Эркаевани танисангиз керак. У билан ҳеч рўпара келганмисиз?

Бу саволдан кейин Зарипова бошини кўтарди:

— Рўпара келиб, эр талашиб, юлишганмисизлар, демоқчимисиз? Йўқ, бунақа бўлмаган. Мен Мавлон аканинг биринчи хотинлари билан кўришиб турардим.

Буниси Зоҳид учун янгилик бўлди. Собик хотин билан хотин бўлиш орзусидаги аёл орасида қандай яқинлик бўлиши мумкин? Собик ва бўлажак хотинларнинг Ойсанам Эркаевага қарши иттифоқими бу? Зоҳид хаёлига келган бу саволни тилига кўчирмай, бошқачароқ қилиб сўради:

— Қанақасига?

— Мен олдинги терговчига айтганман, Мавлон аканинг катта қизлари бизда ўқирди. Анави

- қоғозларингизга ёзилмабдими? Мавлон ака билан шу қиз ўқишга кираётганида танишганмиз. Ажрашиб кетган бўлсалар ҳам болаларидан хабар олиб турардилар.
- Буни Эркаева билармиди?
- Билмаса керак.
- Билса... ғайирлиги келармиди, жанжал кўтарармиди?
- Буни ўзидан сўрайсиз.
- Биринчи хотин... албатта аламзада бўлади, кундоши ҳақида нима дерди?
- Биз ғийбат қиладиган даражада яқин эмасдик. Кейин... у хотиндан шубҳа қилманг, илтимос. У фариштадек сабрли, покиза аёл. Очиғини айтсам, шундай хотинни хўрлагани учун Мавлон акадан баъзан нафратланиб кетардим. «Сени яхши кўраман», деганларига ишонгим келмай қоларди. Агар яхши кўриш керак бўлса, эркак одам «уйим-жойим, эрим-болам», дейдиган ўшанақа хотинни яхши кўриши керак.
- Эркаева «уйим-жойим» демасмиди?
- Билмайман.
- Балки эрига кундошидан кўра меҳрибонроқ бўлгандир?
- Билмадим.
- Миркаримов хотини ҳақида ҳеч гапирмасмиди? Масалан, Эркаева бир нима баҳонасида жанжал қилса, сиқилиб, сизга ёрилгандир?
- У киши ҳасрат қиладиган эркаклардан эмас эдилар.
- Эркаева эрининг сиз билан учрашиб туришини била туриб индамаган, деб ўйлайсизми?
- Буни ҳам ўзидан сўрайсиз.
- Миркаримовнинг ҳайдовчиси Эркаевага ким бўларди, билармингиз?
- Ҳа.
- Синглисини бошлаб келиб, ғавғо кўтарар, деб чўчимасмингиз?
- Йўқ.
- Нима учун?
- У йигит ўлгур қайноға эмас, малай эди. Малайнинг аҳволини ўзингиз биларсиз.
- Ҳар холда синглисининг тақдирига бефарқ қарамагандир?
- Бефарқ қарамагани аниқ. Калласи балодай ишлайди унинг. Ғавғо кўтарилса синглисига қийин бўлишига ақли етарди.
- Синглисига... нега қийин бўлади?
- Зарипова «шунга ақлингиз етмаяптими ё мени лақиллатиб ўтирибсизми?» дегандай Зоҳидга тикилиб қаради. Зоҳид Ойсанам Эркаевага нима учун қийин бўлишини тахмин қиляётган бўлса-да, чин сабабини рўпарасидаги маҳкума аёлдан эшитишни истади.
- Агар ғалва қилса, синглиси бой эрдан, ўзи ҳам бой куёвдан, ҳам ишдан ажралиб, қуруқ қолиши мумкин эди.
- Сиз Миркаримовнинг яқин танишларини билармингиз?
- Йўқ.
- Ҳеч гапирмасмидилар?
- «Кимлардан норози бўлиб гапирган?» деб сўрамоқчимисиз? Олдинги терговчи ҳам сўраган буни. Жавобини айтганман: Мавлон аканинг нолийдиган одатлари йўқ эди.
- Зоҳид стол устидаги қоғозга сўроққа берилган жавобларнинг мазмунини ёзгунича Зарипова унинг бармоқларидан мўъжиза кутгандай тикилиб ўтирди. У ёзув ниҳоясига етиши билан сўроқ ҳам тугайди, яна қамоқдаги жойимга қайтаман, деб ўйлаб янглишди. Зоҳид ёзувни тугатгач, унга тикилди. Ана шунда Зарипова кутган мўъжиза юз бермади, балки кутилмаган савол эшитилди:
- Ноил Зарипов укангизми?
- Ҳа... — Зарипова «Йигит ўлгурнинг фисқу-фасодига ишондингизми? Энди укамдан ҳам шубҳа қиляпсизми? Уни ҳам қамадингизми ё энди олиб келасизми?» деган савол назари билан

терговчига қаради.

— Миркаримовнинг қўлида ишлаган экан. Миркаримов уни нима учун бўшатиб юборди?

— Билмайман, мен уларнинг ишларини тушунмайман.

— Балки бирон қинғир иш қилиб қўйиб, Миркаримовнинг жаҳлини чиқаргандир?

— Бетон заводда қанақа қинғир иш бўлиши мумкин?

Бу жавобни эшитган Зоҳид мийиғида кулиб, стол устини чертиб қўйди.

— Мантиқдан яхши ўқибсиз-у, ҳисобдан қоқилган экансиз-да, а? Ахир қинғир иш қилмаса Миркаримов шунчалик бойирмиди? Укангиз ҳам ёмон яшамагандир?

— Бу ишларга ростданам ақлим етмайди. Укам адашган бўлиши мумкин, лекин қинғир иш қилмайди. Дадам бунга йўл қўймайдилар.

— Дадангиз уйда тўғрилиқ ҳақида насиҳат қилиб ўтирсалар эҳтимол. Лекин уйдан то заводга етиб борилгунича бу насиҳатлар тушиб қолади. Дадангиз «ўғлим, «нол етти жигули»ни қайси пулга олдинг» деб ҳеч сўрамаганмилар? Сиз-чи? Сиз сўраганмисиз?

— Мен унинг топар-тутарига қизиқмаганман.

— Нега қизиқмайсиз? Миркаримов укангизни кўчадан топиб келиб, даромадли ўрнига ўтқазиб қўймагандир? Биология ўқитувчисини ҳамма ҳам бетон заводга жойламас, а? Ҳар ҳолда орада сизнинг илтимосингиз ҳам бўлгандир? Шу ерга келганда мантиқ ёпишмай қоляпти, Зарипова. Аёл бир нарсани излагандай кўзларини жавдиратиб, панжарали дарчага қаради. Уни сиқиндилликдан қутқарувчи нажот айнан шу дарчадан оқиб келадигандай бир неча нафас тикилди.

— Зарипова, Миркаримов билан хотини ҳақида гаплашмаган экансизлар, дўст-душманларини ҳам тилга олмагани ҳақиқатдир. Укангиз ҳақида ҳам гаплашмаганмисизлар?

— Балки... гаплашгандирмиз... умумий гаплар...

— Укангизни ишдан бўшатгандан ҳам индамаганмиди? «Уканг бетон плиталарини сотаётганида икки марта қўлга тушди, фалон минг бериб қутқариб олдим, энди бу ёғига чидаш қийин», ҳам демаганмиди?

— Сиз йигит ўлгур Эшпўлатовнинг гапларига ишониб шундай деяпсизми?

— Биз Эшпўлатовнинг гапига эмас, далилларга ишонамиз. Бу далилларни қаердан олганимни сизга айтиб ўтирмайман. — Зоҳид «бу иш бўйича милитсиядаги ўртоқлар шуғулланишяпти, Миркаримовдан пора олиб, укангизни қўйиб юборган ОБХСС вакили ҳозир сўроқ беряпти», демаса ҳам Зарипова укасининг аҳволи яхши эмаслигини англаб бир титраб олди. «Укамни ишга олинг» деб илтимос қилган тилларини чайнаб ташлагиси келди. Укаси кўп қатори маошига қаноат қилиб яшаб юрувди. Келини ҳам етишмовчиликлардан кўп қатори нолиб, ғашланиб, баъзан ғалва кўтарса-да, охир-оқибат қаноатга банди бўлиб яшайтувди. Икки йил аввалмикин, эр-хотиннинг ғалваси устидан чиққан Зарипова укасига раҳми келиб, унинг пулдор одамга айланиб қолишини истаб қолган эди. У пайтда озод эди. Бойликнинг тотли нафасидан маст эди. Энди маҳкума ҳолатида ўша тотли кунларини лаънатлайди.

— Миркаримов йўқолган куни уйингизда укангиз билан бирга эмасмидингиз?

Бу савол яшин каби урилиб, Зарипованинг вужудини парчалаб, кўмирга айлантириб юборгандай бўлди. У терговчининг қай томонга бурилганини аниқ фаҳм этди: «Ўша куни уканг икковинг ўлдиргансанлар, демоқчимиз? Уканг ишдан ҳайдалгани учун аламдан ўлдирган, деб айб қўймоқчимиз?..»

— Укам йўқ эди... Укам меникига кам келарди. Умуман... Мавлон ака уни ишдан бўшатиб, кўчага ташлаб қўйганлари йўқ.

— Биламан, кооператив лимонад тсеҳига жойлаганлар. Биология ўқитувчиси учун бетон заводидан кўра шуниси тузук. Укангизнинг янги хўжайинини билармидингиз?

— Йўқ.

— Маҳмуд Эҳсонов деган одам. Худо раҳмат қилсин уни.

— Ўлибдимиз?

— Ўлдириб кетишибди, — Зоҳид «наҳот бу янгилик панжаранинг у томонида қолиб кетган бўлса, наҳот бу аёл эшитмаган?» деган хаёлга унга синовчан тикилди.

Зарипова «Вой бечора, Худо раҳмат қилсин», деб пичирлаб, титрай бошлаган бармоқларига тикилди. «Буни нега менга айтяпти? «Ўлдириб кетишибди...» Укамнинг бунга нима алоқаси бор?»

Зоҳид бу хабарни айтиш билан сўроқни якунлади. «Кейинги сўроққа қадар бу аёл кўп нарсани ўйлайди, айтгиси келмаётган гапларни энди айтади.» — Шу фикрда аёлнинг изидан қараб қолган Зоҳид гарчи ундан бирон янги гап эшитмаган бўлса-да, сўроқдан кўнгли тўлиб қайтди.

## XVI б о б

### 1

Асадбек ўғли Абдусамад билан тонг қоронғусида йўлга чиқиб, Козловнинг оиласидан хабар олиб қайтганда майдалаб ёмғир ёғаётган эди. Абдусамад машинани дарвозага тўғрилаб тўхтатиши билан қўшни эшик очилиб, Қамариддин чиқиб келди-да, Асадбек билан кўришиб, уйига таклиф қилди:

— Бир пиёла чойимиз бор эди, — деди у илтижоли оҳангда.

Асадбекнинг бу кунга мўлжаллаган ишлари кўп эди, шу сабабли илтимосни рад этди. Қамариддин яна бир ялингач, «атай кутаётган экан, гапи зарурдир», деган фикрда унга эргашди. Чол-кампирга мўлжалланган хонадонга дастурхон усти шохона бўлмаса-да, қўл учида кун кўрувчи хонадонга хос равишда тузалган эди. Шошиб кириб, шошиб чиқиб кетиш менсимаслик аломати сифатида қабул қилинажagini билган Асадбек ҳурмати учун синдирилган патирдан бир чимдим ушатиб олди. Аччиқ чойдан уч-тўрт хўплагач, вақти зиқ эканини писанда қилди. Ана шунда Қамариддин озгина ҳижолат, ундан сал кўпроқ кўрқис ҳолатида чақирувдан мақсадини баён қилди.

— Қўшни бўлганимиздан бери сиздан кўп яхшиликлар кўрдик, барака топинг, ота-онангизни Худо раҳмат қилсин, жаннатлардан жой берсин, — Қамариддин гапни дуо билан бошлади-ю, мақсадга яқинлашганда тилнинг айланиши қийинлашди.

— Қамар ака, нима гапингиз бўлса айтаверинг, орада ҳижолатлик йўқ, — деб Асадбек унга далда берди.

— У кунги гапларни маслаҳат қилувдик. Маслаҳат шу бўлдики... ҳовли-жойни сотиш зарурати бор экан. Ўғлимнинг ҳам автобазадан бўшагиси йўқ, бир нима дейишга ҳайронман, бошим қотиб қолди. Қариганда ота-боланинг гапи тўғри келмаса қийин экан, — Қамариддин шундай деб оғир дард азобида тўлғанаётган одам каби хўрсиниб қўйди.

Асадбек қўшнисининг бундай беъмани хулосага келишини сира кутмаган эди. Шу пайтга қадар ундан марҳамат кўрганлар ҳамини таъзимда бўлганлар. «Ўла-ўлгунимча қулингизман», дейдиганлар ҳам учраб турарди. Асадбек уларнинг қўлликларига муҳтож бўлмаса-да, ана шундай миннатдорчиликларга ўрганиб қолган эди. Қилажак яхшилиги учун бу қўшнисидан қўлликни талаб қилмовди.

Хўрсиниб, қарашга ботинолмаб бошини ҳам қилган Қамариддинга тикилган Асадбекнинг қони қайнади: «Бу гаплар ўзининг калласидан чиқдимми ё бирон аҳмоқдан ақл ўргандими? Бундақаларга яхшилик қиламан, деганнинг ўзи аҳмоқ. Баттар бўл!» — Асадбек шу ғазаб билан ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди-ю, ғариб ҳолида ўтирган қўшнисига раҳми келиб, ўзини ўзи босди. Бу сафар раҳм ғазабни енгиб, босиқ ва меҳрли овозда деди:

— Бу боллар сиз кўрган қийинчилик-азобларни кўришмаган. Шунинг учун уйни сотиш — оғизларининг бир чеккасидан чиқиб кетаверади. Сиз ўзингизни сиқманг. Мен «сотинг», десаму сиз «йўқ» десангиз ҳижолат бўлсангиз ярашарди. Кўнгилга қараб ишингизни қилаверинг.

Ўғлингиз ҳам истаганидан қолмасин. Сиз билан биз яхши қўшни эдик. Худо хоҳласа яқинлигимиз узилмайди. Мен уй масаласида бир-икки одамга тайинлаб қўйганман. Чақириб «навбатингиз келди», деса ажабланмай, тортинмай олаверинг.

— Раҳмат, барака топинг.

— Бу менинг хизматим эмас, уй олишга хаппаи-ҳалол ҳаққингиз бор. Сиз «уй сотилади», деб овоза қилаверинг.

— Сиз... олмайсизми?

— Овоза қилаверингчи, одамлар келиб кўришсин, баҳолашсин. Охирги қарорга келишингиздан олдин менга хабар берарсиз.

Асадбек «маслаҳат якунига етди, қани, дуо қилинг», деган маънода қўлларини фотиҳага очди. Асадбекнинг қайтишини кутиб нонушта қилишмаган экан. Барчаларининг жам бўлиб ўтиришлари, айниқса Абдуҳамиднинг тетиклашиб, иштаҳага кираётганидан Асадбекнинг кўнгли равшанлашди. Дастурхон атрофида тўйга тааллуқли айрим гапларни ҳам гаплашиб олишди. Келинлар дастурхонни йиғиштиришаётганда Асадбек икки кунга Тблсига бориб келажагини маълум қилиб, Манзурани ҳайрон қолдирди.

— Вой ўлмасам, — деди Манзура ҳайратини яширмай. — Тўйни ўтқазиб, кейин бора қолмайсизми?

— Суликонинг бобосини бориб айтмасам бўлмайди. Тўйнинг ташвишини қилмай қўявер, ҳаммаси тайёр. Самад билан биллалашиб тўйга айтиб чиқсанг бўлди. Ҳамидга иш буюрма, дамани олсин. Ўзинг ҳадеб у-бу деб ташвишланаверма. Мениям юрагимни сиқаверма. Тўй бир кунда ўтиб кетадиган нарса. Ўзимизнинг тўйимиз эсингдами? ЗАГСга янганг билан бирга трамвайда келган эдинг. Таксида кузатиб қўйганимга ҳайрон бўлувдиларинг. Есламай бўладими? Айниқса келинпошшанинг таксида қайтиши қўни-қўшни, қариндош-уруф орасида гап-сўз бўлувди. Бировлар «таксида кузтган бўлса, куёвнинг топар-тутари яхши экан», деб озгина ғайирлик ҳам қилишган эди. Куёвнинг топар-тутари нимадан иборат эканини у пайтда ҳеч ким билмасди...

— Битта сандиқ, тўртта кўрпа билан келин бўлиб тушувдинг. Мебелинг йўқ экан, деб ҳайдаганим йўқ- ку? — деди Асадбек тегишиб.

— Вой, адаси у пайтда мебел деган нарса йўқ эди,— деди Манзура ўзини оқлаб. Унинг соддалигидан Асадбек кулди.

— Шунга айтаман-да. Мебел-гиламсиз ҳам тўйлар бўларди, келин-куёвлар роҳатланиб яшашарди. Энди тарақ-туруқлар кўпайиб кетди. Қўйиб берсанг эртага келин-билан куёвни филга ўтқазиб ЗАГСга олиб бориш керак, деган гап чиқаришади. Бу ҳам бир олифтагарчилик-да.

— Минг уринсангиз ҳам одамлар тўйдан бир камчилик топиб гап қилишади.

— Шунга биларкансан, ҳадеб тиришаверма. Дабдабани ўйлама.

Асадбек шундай дегач, телефон гўшагини кўтариб, рақамларни терди. Эрининг бу ҳаракатидан «қароримни муҳокама қилишнинг ҳожати йўқ», деган маънони уққан Манзура секин ўрнидан турди.

Телефонда Бўтқанинг овозини таниган Асадбек салом-алик қилмаёқ буюрди:

— Бугун Тблсига учаман, тайёргарлик кўриб қўй.

Бўтқа «тайёргарлик кўриш»ни ўзича тушуниб:

— Мен ҳам бирга бораманми? — деб сўради.

— Сенга нима бор? — деди Асадбек кўрслик билан.— Сен ҳозир аэропортга бор.

Асадбек бу ишни Жамшидга топширса ҳам бўларди. Ёки ҳеч кимга индамай йўлга отланиши ҳам мумкин эди. Унинг айнан Бўтқага вазифа топшириши бежиз эмасди. Асадбек ундан гумонсирамас, лекин Кесакполвон суриштиргудай бўлса гап яширолмаслигини аниқ биларди. Бўтқа Асадбекни ёқтирмагани ёки унга нисбатан ҳиёнати учун эмас, хожаларига садоқати туфайли ҳам шундай қиларди. Агар Бўтқа бирон масалада Кесакполвонга ҳисоб бериб бўлгач,

Асадбек томонидан сўроққа тутилса, янги хўжайини ҳақида билганларини яширмай айтиши аниқ эди. Бу одатини у «гап ташиш» деб эмас, хожаларига холис хизмат қилиш деб биларди. Асадбек унинг айнан шу одатидан фойдаланиш учун вазифа топшириб турарди.

Ҳовлида Жамшиднинг овози эшитилиб, Асадбек дераза орқали ташқарига қаради. Ёмғир тиниб, парча-парча булутлар ёруғидан қуёш кўринаётган эди. Шийпон зинаси ёнида келинаёлари билан суҳбатлашиб турган Зайнаб дарвозахонада туриб овоз берган Жамшидни кўрди-ю, гапираётган гапини ҳам чала қолдириб, ошхонага йўналди. Бундан ажабланган келинлар овоз келган томонга қараб, Жамшидга салом бердилару гап нимадалигини билмасалар-да, Зайнабга эргашдилар.

Бу ҳолатни дераза орқали кузатиб турган Асадбекнинг кўнглига совуқлик оралади. Аёллар ошхонага ўтиб, ҳовли бўшаган бўлса ҳам Жамшид ичкари томон далил юриб келмади. Уйдан шошилиб чиққан Абдусамад қаршилагандан кейингина унга эргашиб, Асадбек ўтирган хонага кирди. Хожаси билан кўришди-ю, «ўтир» деган таклифга жавобан:

— Кўчада Саматохун ака турибдилар, — деди.

— Бошлаб киравермадингми?

— Унамадилар. «Бек акамиз уйдадилар, аввал билиб чиқ», деб ажабланиб турибдилар.

— Нега ажабланади?

— «Илгарилари йигитлар кутиб олишарди, энди нега ҳеч ким йўқ», дейдилар.

— Бўпти, бор, чақир.

Башанг кийинган Саматохун ҳовлига кириб ҳам бир нарсадан чўчигандай атрофга олазarak қараб олди. Ичкарига кириб тавозе билан кўришгач, Асадбек кўрсатган жойга ўтириб, узоқ дуо қилди. Шундан сўнг гапни нимадан бошлашни билмай ўтирганида Асадбек болохонада ўтирувчи йигитларга жавоб бериб юборганининг сабабини айтди. Бу гап Саматохуннинг қулоғига етган, аммо ишонмаган эди. Сабабни Асадбекнинг ўзидан эшитиб, «дуруст бўлибди», деб қўя қолди. Бу орада Абдусамад чойнак кўтариб кириб пойгакка, Жамшиднинг ёнига ўтирди.

— Куёв бола, тўйлар қутлуғ бўлсин, — деди Самат-охун унга қараб, сўнг чўнтагидан иккита қутича чиқариб узатди: — Худойим ота юртимга боришни насиб қилган эди. Ўша ердаги заргарлик дўконига кириб тилло исирғаларга ҳушим кетди. Қизларимга, келинимга атаб олиб ташқари чиқдим у кўнглим бўлмай яна қайтдим. «Бахти кулганларга насиб этар», деган умидда яна икки жуфтани олдим. Уйга қайтиб суюнчли хабарни эшитдим қанот чиқариб сиз томон учдим. Худонинг кўнглимга солганини қаранг, шу кунларда тўй қилишингиз менга номаълум эди. Айниқса бирданига икки келин туширишингизни қаранг! Шу исирғаларнинг эгаси, бахти кулган қизлар сизнинг келинларингиз экан. Оллоҳ муборак қилсин.

Саматохуннинг дуосидан сўнг Жамшид билан Абдусамад ўринларидан туриб, ташқарига чиқишди.

— Ҳа, охун, машқингиз сал пастроқми? — деди Асадбек, ҳоли қолишгач,

— Машқим жойида, Бек ака... — Саматохун Асадбекнинг синчков нигоҳига дош беролмай дастурхон устидаги пиёлага тикилди, — асли мақсад муборак бўлсин, деб кетиш эди. Бир гап бор-у, ҳозир ўрни эмас, тўйдан кейин бафуржа гаплашармиз.

— Гапираверинг, тўй ўтгунча қийналиб юрасизми.

— Унчалик муҳим гапмас эди...

— Чайналманг, сизга дадил гапириш ярашади.

— Гап шуки... балки бизларга нотўғри хабар етгандир... Сиз Ҳайдаржонга ваколатни сал каттароқ бериб юборганмишсизми?

— Ҳа, шунга яқин гап бўлди. Касаллик мени анча толдириб қўйди. Ҳайдар бегона одам эмас, ташвишланманг.

— Шунақа дейсиз-у, бегонадан ўзингники ёмон чақади.

— Сиз чақдириб юрманг-да. Уни бугун кўриб турибсизми, қилиқларини биласиз-ку?

— Қилиқларини билганим учун сизга ёриляпман. Асли... сизнинг ишингизга аралашини номаъқул. Лекин... биродарлар билан бамаслаҳат илтимос қилишни лозим топдик. Биз бу шаҳарда сиздан бошқа одамни танитаймиз. Танишни истамаймиз. Асадбек жавобга шошилмади. Кулимсираб қўйиб, чойдан ҳўплади.

— Чойдан ичинг, охун, сизни бу аҳволда кўрган одам Асадбекнинг жанозасида ўтирибдими, деб ўйлайди.

— Ҳай, ҳай! Совуқ нафас қилманг, Бек ака.

— Арзимаган пашшадай гап сизларга филдай ваҳимали бўлиб етиб борганга ўхшайди. Мен Ҳайдарни ҳаммаларингга бошлиқ қилиб қўйиб, ўзим қочворганим йўқ. Агар у ёқ-бу ёққа тоядиган бўлса, тўғирлаб қўйишга кучим етади.

— Шундай бўлгани дуруст. Бек ака, яна бир узрли илтимос бор.

— Сўрайверинг, бугун астойдил сўронғич бўлиб келганга ўхшайсиз, — деди Асадбек ҳазил оҳангда.

— Илтимос шуки, — деди Саматохун жилмайиб қўйиб, — тўйда дастурхон безашни, емоқ-ичмоқни бизга юкласангиз.

— Яхши-ку, — деди Асадбек кулиб. — Унда «мен тўй қилдим!» деб керилмасам ҳам бўлавераркан.

— Унақа эмас, Бек ака, ихлосимизнинг холислигини биласиз-ку?

— Биламан. Минг раҳмат сизга, охун, биродарларингизга ҳам раҳмат.

— Қизчангизнинг тўйида шунақа ният қилганимизда «бу ёқда ўфилларнинг тўйи бор», деб қайтарган эдингиз.

— Охун, ниятингиз яхши-ку... лекин топганимни тўйга ишлатмасам яна нимага сарф қиламан. Ҳаммаси бу қоринга сиғмайди-ку?

Саматохун учун шу гапнинг ўзи кифоя қилиб, узр сўради-да, дуо қилиб ўрнидан кўзғолди. Асадбек шу пайтгача қилмаган ишини қилиб, уни кўчага қадар кузатиб чиқмоқчи ҳам бўлди. Кейин «Бек акамиз отдан ҳам, эгардан ҳам тушиб, ўзимиз қатори бўлиб қолибдилар», деган хаёлга бормасин, деб ўй остонасида хайр-лашиб қўя қолди.

## 2

Видеобар ниқобидаги идорага қаҳва сўраб кирган йигитнинг гаплари Бўтқага алмойи-алжойи туюлди. Асадбек эса ундан Козловнинг Томскда эканини, эрта-индин етиб бориши зарурлигини уқиб олди. Суратлардан бирининг ортидаги белгидан билдики, уни шу уйда кутишади. Бирданига Томскка отланиши Кесакполвонни, у орқали Хонгирейнинг тинчини олиши шубҳасиз, оқибатда кавлаб-кавлаб Козловнинг изига тушишларига имкон яралиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Суликонинг бобосини тўйга таклиф этиш баҳонасида Тблисига отланди. Москвага кўнғироқ қилиб мақсадини Иликога билдирган эди, у ҳам Тблисига келиб туришини айтди. Тблисида кутиб олажагини айтди.

Саматохун кетгач, Асадбек ўйлаб қўйган режаси бўйича Кесакполвоннинг уйига кўнғироқ қилди. Илгарилари аъёнида гапи бўлса шотирларидан бирига «Ҳайдар акангни топ», дерди вассалом. Ҳеч қачон унинг уйига кўнғироқ қилмас эди. Шу сабабли гўшакни кўтарган Кесакполвоннинг хотини аввалига уни танитайди, кейин «Вой Бек ака, сизмидингиз?» деб ажабланди, сўнграқ эса «ўзлари телпон қилиптилар-а, тинчликмикин?» деб ҳавотирланди. Асадбек унинг саломига алик олгач, Кесакполвоннинг бунақа пайтда уйда ўтирмаслигини билса ҳам:

— Эринг уйдами? — деб сўради.

— Вой, йўғидилар-а, — деди хотин ачиниш билан.

— Телпон қилиб қолса, ё келса айтиб қўй, мен бир жойга кетадиган бўлиб қолдим. Уйдан хабар олиб турсин, сенам келиб опангга қарашгин. Тўй яқинлашиб қолди-ю, қорангни

кўрсатмайсанам. Сендақа сингилни бобовларга бериб юбориш керак, — Асадбек бу гапларни меҳрибон аканинг гинали оҳангида айтди. Бу билан собиқ аъёнининг оиласига қадрдонлиги сақланганини билдириб қўймоқчи эди. Унинг режаси жуда содда бўлишига қарамай, амалга ошиши ишончли эди. Яъни, меҳрибонлик билан айтилган гаплар хотинга мойдек ёқиб, эрийди. Бу меҳрибонликни икки-уч карра бўрттириб эрига таърифлайди. Сергак душмандан кўра ғафлатдагисини маъқул кўрувчи Асадбекка бу ҳам керак.

Бир оздан сўнг Жамшидни чақириб, сафарга кетаётганини билдирди.

— Бир ўзингизми ё Расул биланми? — ажабланиб сўради Жамшид.

— Бўтқа кузатиб қўяди. Сен уйдаги ишларга қараш, зийрак бўлгин.

— Ёлғиз бормасангиз бўларди.

— Тбилисида Илико кутиб олади, ёлғиз эмасман. Ҳа, айтмоқчи, сен Жалил аканга учрашгин.

Муҳиддин акани олиб келинглари. Ота қадрдонимиз тўйга бош бўлиб турсинлар. Кейин Жалил аканг билан Самад бориб Абдурахмон табибни тўйга айтиб келишсин. Тўй куни табибга машина юборамиз.

Жамшид топшириқларни олаётганида мутелик ҳолатида турди. Бирон нарсани аниқлаштириш мақсадида қўшимча савол бермади. Асадбекка унинг айнан шу фазилати ёқарди. Чувринди ҳам шунақа эди. Ҳозир Жамшидга қараб аъёнини эслади-ю, юраги бир ўртанди. Айни дамда Жамшиднинг ўйчан боқишлари Чувриндининг қарашларига жуда-жуда ўхшашлигини кашф этди. Назарида аъёни бу дунёдан барвақат кетарини билиб, яхши фазилатларини унга сингдиргандай эди. Балки... ўшанда «мендан кейин Бек акамга хизмат қилади», деб ўлимдан олиб қолдимикин?..

Асадбек шуларни хаёлидан ўтказиб, ўзича «Худо асрайман, деса мендақадан мингтаси даф қилсин, ҳеч қанақа бало урмайди. Худо менинг раҳимини еб бунинг жонини сақлаб қолган экан. Бунинг жонига қўшиб мени катта гуноҳдан ҳам асрабди...» деб қўйди.

— Ўтир, нимага тикка турибсан? — деди Асадбек, меҳрибонлик билан.

— Агар хизмат бўлмаса, бора қолсам... Қози билан учрашадиган ваъдам бор эди.

— Қози билан анча чиқишиб қолдиларингми?

— Эски қадрдонлармиз-ку?

— Қанақасига?

— Бирга ўтирганмиз.

— Эсимда йўқ экан. Ҳайдар аканг топган майда ўғрилардан, деб юрарканман. Нимага қамалган?

— Ўзининг айтишича, ҳазиллашиб туриб, ўртоғини сувга итариб юборган экан. Мен чиқадиган пайтимда битта болани ҳазиллашиб сўйиб қўювди. Шунақа ҳазиллари бор. Уни Ҳайдар акамга мен рўпара қилувдим.

— Эҳтиёт бўл, яна сенга ҳам ҳазил қилиб қўймасин.

— Бек ака, Селим қайтиб келибди.

— Ким дединг? Селимми? Фарғонадаги анави турк-ми? Нимага қайтибди? Ҳозир қаерда? Фарғонадами?

— Йўқ, шу ерда? Ҳайдар акам билан олди-бердиси борга ўхшайди.

— Унинг олди-бердиси нималигини биласанми?

— Сал-пал биламан.

— Билсанг, уни назардан қочирма. У ўзича қайтиб келолмасди. Балки... Хонгирей юборгандир?

— Асадбек саволни ўртага ташлади-ю, Жамшиддан жавоб кутмай унга ижозат берди: — Сен боравер, чойхонада Ҳайдар акангни кўрсанг, кетаётганимни айтиб қўй. Яна жазавага тушиб қолмасин.

Кесакполвон бу пайтда Асадбекнинг кетаётганини Бўтқадан эшитиб улгурган эди. У «нега менга айтмай кетяпти, тўй қилаётган одамга Тбилисида нима бор экан? Майли, индамай турайчи, борса бориб келсин», деб ўзича аразлагандай бўлди. Лекин бу араз узоққа чўзилмади,



индамай туролмади. Ичини қизиқиш ўти куйдириб Асадбекникига ошиқди. У дарвозахонада Жамшидга рўпара келиб:

— Акахонинг уйдаи? — деб сўради.

— Уйдалар, — деди Жамшид.

— У ёқ-бу ёққа кетвормадими?

Жамшид бу савол замирида заҳар яширинганини фаҳмлаб:

— Ҳозир сизга хабар бергани кетаётувдим, — деди.

Кесакполвон Жамшидга ўқрайиб қараб, сўкинди. Бу сўкиниш Кесакполвон тилидан ўзимизнинг сўзлашув тилимизга ўгирилса тахминан «Бу хабарингни энди бир нарсага қўшиб пишириб е!» деган «ширин» маъно келиб чиқади. Жамшид Ҳайдар акасининг тилини таржимасиз ҳам яхши тушунгани учун «илтифотингиз учун раҳмат», дегандай ўнг қўлини қорни устига қўйиб жойида қотиб тураверди.

Кесакполвон Асадбек ўтирган уйга кириб саломлашгач, тўрдан, дераза томондан жой олди.

— Ҳа, баҳай? — деди у фотиҳа қилишни ҳам унутиб. — Саёҳатчи қурбақага ўхшаб жойингда ўтиролмайдими қолдингми?

Бу гап Асадбекка ёқмай, юзи учди. Кесакполвон илгарилари ҳам шунга ўхшаш қуюшқонга сифмайдиган гапларни айтиб турарди. Лекин унда Асадбек — хўжа-йин, илтифот қилиб Кесакполвон — хизматкорининг бу қилиғини кечирарди. Агар бу гап ўша дамларда айтилса Асадбек «Атрофимда шиллиққуртлар ғашимга тегди, бир айланиб келай», деганга ўхшаш илмоқли жавобни ҳаяллатмасди. Ҳозир бундай дегиси келмади. Қурбақага ўхшатиладиганидан оғринса-да, аламини ичига ютиб, Тбилисига қандай мақсадда кетаётганини айтди.

— Телеграмма бериб қўя қолмайсанми? — деди Кесакполвон.

— Биласан-ку, грузинлар нозик бўлишади. Айниқса оқсоқол жуда иззатталаб. Зайнабнинг тўйида хафа бўлган эди. Бу сафар ҳам бориб айтмасам «Ўзбеклар оқибатсиз экан», деб юради.

— Шунақа дардинг бор экан, олдин менга айтмайсанми?

— Сени телефонда қидиравериб қўлларим қавариб кетди-ку. Хотинингдан сўраб кўр-чи?

Таъбинг жуда нозик бўлиб кетибдимми, а?

— Гап унда эмас, бир бўтқа билган нарсани мен билмай лаллайиб ўтирсам алам қиларкан.

— Алам қилмасин, майда-чуйда ишларни сенга айтмасам дарров жириллама.

Бу танбеҳдан сўнг Кесакполвоннинг ҳовури сал босилди. Бўтқа келгач, Асадбекнинг эътирозига қарамай кузатгани чиқди.

### 3

Тбилисида учоқдан тушган Асадбекни бу ерларда «Анаконда» лақаби билан донг таратган Анзор кутиб олди.

Асадбек дастлаб Гуржистонга келганида Сулико уни ўғрилар оламида танила бошлаган дўсти Анзор билан таништирган эди. У дамларда Асадбекка «ўқилон» деган лақаб берилмаган, Анзор эса «Анаконда» сифатида қулоч ёймаган эди. Шундай бўлса-да, Асадбек отасини минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилнинг сўнгги кунинда уйдан олиб чиқиб кетганлардан бирининг изини Еревандан топгач, ҳукми ижро этишда айнан шу Анзор ёрдам берган эди. Суликонинг хотинини қиморда ютиб олган бу ўзбек йигитнинг мардлиги Анзорни ҳам қойил қолдириб, «Сен фахрий грузинсан!» деган эди. Ўшанда ҳаяжон билан айтиб юборилган бу гап Асадбек учун унвон бўлиб қолди.

Зинадан туриб Анзор билан қучоқлашиб кўришаётган Асадбекнинг кўзлари Иликони қидирди. Буни сезган Анзор «Илико шу ерда», деб уни тинчлантирди.

Улар учоқдан юз қадамча нарида турган, ойнаклари қорайтирилган оқ «Мерседес» томон юрдилар. Машина эшиги очилгач, орқа ўриндиқда ўтирган Илико кўринди. «Бу ҳам ўзининг соясидан кўрқиб қолганми?» Асадбек кўнглидан шу гапни ўтказиб, Иликони ёнидан жой

олди.

— Бек оға, тушиб кутиб олмаганим учун ранжима. Бу атрофларда бизни бирга кўрмай турганлари маъ-қул, — деди Илико сўрашиб бўлгач.

Анзор «Мерседес»га ўтирмади. У орқадаги машинада етиб борадими ё Тбилисида қоладими, Асадбек суриштиради.

То шаҳардан чиққунларига қадар икковлари учун ҳам аҳамиятсиз бўлган гаплардан гаплашдилар. Одатда ҳамсафарлар жим кетмаслик учун нималарнидир гапириб кетадилар. Шу «нималарнидир»га об-ҳавонинг ўзгариши ҳам, Канададаги автобус ҳалокати ҳам, Везувий вулқонининг уйғониши ҳам киради. Бунақа пайтда «Тбилисидаги бозорда олма нархининг ошишига Везувий вулқонининг нима даҳли бор?» деб сўраб ўтирилмайди. Асадбек билан Иликонинг суҳбатлари ҳам шунга ўхшаш бўлди.

Тоғнинг илон изи йўлларида боришаётганда Илико:

— Тўйингни сал орқага сурсанг бўларди, сенинг баҳонангда мен ҳам бобомнинг ёнида қолиб, озгина дам олардим. Бобомга анча далда бўлардик. Ҳозир унга қийин, — деди. Сўнг хўрсиндида, қўшиб қўйди: — Жуда қийин.

— Қолишнинг ҳеч иложи йўқ. Бугуноқ Томскка учишим керак, — деди Асадбек.

— У ерда нима қилмоқчисан? — деб ажабланди Илико.

— Козлов ўша ерда эмиш.

— Томскдами? — Илико бошидаги новвотранг шляпасини қўлига олиб, худди чангини қоққандай бир-икки чертиб қўйди. — Ўзим ҳам шунақадир деб ўйловдим. Демак, Балабуханнинг ёнида экан-да?

Асадбек фақат Томскни эмас, балки унинг атрофидагиларни ҳам бир сўзи билан ётқизиб-турғизишга қодир Балабуха деган одам борлигини эшитган, аммо ўзини кўрмаган эди. Унинг таърифидаги гаплар миш-мишми ёки ҳақиқат эканини ҳам аниқ билмасди. Козлов бу кунларда айнан унинг паноҳидами ёки бошқа бировнингми — буни ҳам аниқ айтолмаслиги сабабли:

— Билмадим, балки ёнидадир? — деб мужмал жавоб берди.

— Ҳа, ўша ерда, — деди Илико ишонч билан, — уни Балабухадан бошқаси ҳимоя қила олмайди. Суликонинг ўлимида сал олдин Хонгирей зўрларнинг зўрини тўплаб, Шаховскийдаги боғида зиёфат берувди. Шу зиёфат баҳонасида Козлов билан сенинг ўйиндан чиқишинга рухсат олди. Балабуха Козловни ҳимоя қилди. Лекин «унга тегма!» деб қаттиқ талаб қилмаганига ҳайрон бўлувдим. Ўзининг бир режаси бордир. Билиб қўй: зиёфатда ҳеч ким сенинг ёнингни олмади. Мен ҳам индамадим.

— Индаганинингнинг фойдаси бўлармиди? — деди Асадбек. — У ерда асосан ўғрилар йиғилишгандир. Улар қиморвозларни ёмон кўришади.

— Буни ўзинг тўғри тушунасан. У ерда гап талашишнинг мутлақо фойдаси йўқ эди. Биз ишимизни билиб қилаверамиз. Хонгирейнинг тақдири битта — мағлуб бўлиш. Тақдиридаги охирги сўзни биз ёзамиз. Ишончинг комил бўлаверсин.

— Суликонинг ўлимида унинг қўли борлиги исботландими?

— Менга исбот керак эмас. Мен ўзим ишонаман, шунинг ўзи етарли. Хонгирей «қиморбозларга тегмайман», деб сўз берган эди. У кавказлик эркак эмас, аллақаяқлик қанжиқ! У ваъдасини бузди — Тинян қиморбозни босибди. Тинян қиморбознинг Сулико билан шерикчилиги бор эди. Хонгирей буни биларди. Билиб туриб атай босган. Менинг ғашимга тегмоқчи бўлган. Сулико эса мандан аввалроқ уни кўпчиликнинг орасида қаттиқ сўккан. Суликони худди ўша кечаси ўлдириб кетишган. Сенга яна қандай исбот керак?

— Илико... — Асадбек айтар сўзларини яна бир ўйлаб олгач, гап бошлади: — Икковинг ҳам Москва учун бегона одамсанлар. Бир-биринга тиш қайрасаларинг славянлар сенларни чайнамай ютишади.

— Бу сенинг гапинг эмас, Бек. Бу — Хонгирейнинг фалсафаси. Менга ҳам айтган буни. Бунда иккита хатолик бор: Хонгирей ҳеч қачон менга эл бўлмайди. Унинг тили бошқа, қалби бошқа.

Грузинлар бунақаларни одам ўрнида кўрмайди. Иккинчи хато: Мен Москвага бегона эмасман, хўжайинман. Мен нима истасам шу бўлади. Руслар Кавказни уруш билан олишган эди, биз унинг пойтахтига урушсиз эга чиққанмиз. Шунинг учун сен бизнинг тақдиримиздан ташвишланма.

Москвадаги учрашувларида ҳам Илико Хонгирей билан ҳисоб-китоб қилажagini айтган эди. Ҳозир ҳам такрорлади. Асадбек бу гапдан кейин ўзини кўчада калтак еб акасига арз қилиб келган мишиқи бола ҳолатида кўриб, ғашланди. Чунки у Хонгирей «четга чиқ» дегани билан бир зумдаёқ тобега айланиб қолмаган, фурсати келишини кутиб озгина чекинган эди халос. Энг муҳими — Иликога «қасдимни олиб бер» демовди, ўла қолса ҳам бундай демасди. «Менинг ташвишимда юргани йўқдир. Акаси учун қасос олмагунича тинчимайди. «Қонга — қон, жонга — жон!» дедими, вассалом... Унинг дарди меникидан оғирроқ... Мен қўлимдан кетганини эртага қайтариб оламан. Бунинг йўқотгани эса қайтмайди...» — Асадбек ўзини шу гаплар билан овулган бўлди.

Тоғли қишлоққа нонушта маҳали етиб келишди. Бу томонларда ҳали қор эриб улгурмаган, айниқса мағрур чўққилар оқ папоқ кийган мўйсафидлар сингари гўё мудрарди.

Иликнинг бобоси худди уларни кутаётгандай айвон устунига суянганича йўлга тикилиб турарди. Аввал набирасини, сўнг меҳмонни кўргач ҳам юзида қувонч нишониси сезилмади, ғамгин қиёфаси ўзгармади.

Орқадаги машинада етиб келган Анзор чол билан кўришгач, ёрдамчи йигитлари билан бирга дастурхон тузашга киришди. Чол уларнинг ҳаракатларига монелик қилмай, заранг ҳассасини қўлдан қўймасдан ҳовлига тушди. Асадбек унга эргашиб, ҳол-аҳвол сўради. Чол унга жавобан «Худога шукр», деб қалин соқолини тутумлаб қўйди. Асадбек «чол яна бирон гап айтармикин», деб кутди. Лекин чол «ўзинг яхши юрибсанми?» деб ҳам сўрамади. Шунда Асадбек ўзбекларга хос тарзда «Ошнамни бериб қўйибсанми?» деди. Бу гапдан ке-йин чол ёнида турган меҳмонга қаради. Асадбек ҳаминиша чақнаб турувчи нигоҳ ўрнига ботиқ, нурсиз кўзларни кўриб, юраги ғалати бўлиб кетди. Чолга яна бир нима деб тасалли бермоқни истади, лекин шунга лойиқ гап келмади тилига.

— Анави чўққини кўряпсанми? — деди чол бир озлик сукутдан сўнг. — Чўққи ёлғиз, мен ҳам ёлғизман. Чўққи мендан олдин ҳам бор эди, мендан кейин ҳам яшайди. Чўққи беҳато яшайди, мен эсам хатою гуноҳларга бойиб умр кечирдим. Ванов ўғлим урушга кетатуриб икки ўғлини менга ишониб топширган эди. Мен ўғлимнинг омонатиغا хиёнат қилдим... Суликони асраб қололмадим...

Чол шундай деб йўлга қаради.

Бу тун туш кўриб эди: ўзи айвонда турган эмиш. Йўлдан эса ўғли Ванов билан набираси Сулико югуриб келаётганмиш. «Ота, сиз Суликони йўқотиб эдингиз, мен уни топдим!» деб қувонармиш Ванов. Фақат Сулико эллик ёшдаги одам эмас, балки уч ёшли гўдак эмиш... Отаси урушга кетганда шу ёшда эди Сулико... Қуш қанотларини ёйгани мисол чол қучоғини очиб уларга пешвоз чиқди. Улар эса чекиндилар, чекиндилар, сўнг қора нуқтага айландилар...

Ярим тунда нафаси бўғилиб уйғонганича чол бедор эди. Сулико билан Илико боболарини ёлғиз қолдирмай, ўзлари билан бирга яшашга кўндирди олишмади. Кутаисида туришганда чол розилик бергандай бўлди, аммо шаҳарда икки кунга ҳам чидай олмади. Қишлоқдаги қабристонда ётган аждодларини, хотинини, набираларининг онаси бўлмиш келинини ёлғиз қолдиролмаслигини айтгач, Сулико ҳам, Илико ҳам ноилоҳ қолишди, боболарини шаҳарга кўчириш ҳақида бошқа сўз очишмади.

Чол четан девор билан ўралган ҳовлисига тақалган йўл томон бир-икки қадам қўйиб, тўхтади.

Кейин яна чўққига тикилганича, худди ўзига ўзи гапиргандай деди:

— «Унинг иссиқ кўз ёшларини ҳайвонлар ялар йўлда,

Олов эса тўхтамайин авж олади кўнгилда...»

Чол яна сукут қилди-да, сўнг Асадбекка қараб «Бу— Руставели!» деб қўйди. Кейин унинг

билагидан ушлади.

— Илико «акам касалдан ўлди», дейди, мен бу гапга ишонмайман. Бизнинг уруғдаги эркакларнинг ҳеч қайсиси эллик ёшида касаллик билан ўлмаган. Тўсатдан ҳам жон бермаган. Ўлим билан олиша-олиша ке-йин ўлишган. Айб менда... Мен буларни шаҳарга қўйвормаслигим керак эди. Буларни шаҳарга бойлик ишқи чақирган, деб юрсам ўлим етаклаб кетган экан. Сен грузинмисан, ўзбекмисан, мусулмонмисан ё насрониймисан — фарқи йўқ, бойликка қўйилган кўнгилнинг оқибат иши шу бўлади. Мана бу тош кулбага қара: ота-боболарим шу уйда туғилишиб, шунда яшашган, менинг киндик қоним ҳам шунда тўкилди. Вано ҳам, унинг ўғиллари ҳам шу уйда туғилганлар. Биз сиққан бу уйга нима учун Сулико билан Илико сиғишмайди?— Чол «мен савол бердим, сен жавоб қайтармайсанми?» дегандай тин олди. Бу саволга чолнинг ўзи ҳам жавоб топа олмагач, Асадбек нима десин? Алҳол чол меҳмондан сўз кутмаётган, ичидаги ғалаённи босмоққа уринаётган эди. — Бир одамнинг яшаши учун нима керак? Оз, жуда оз нарса керак. Сен буларнинг Кутаисидаги уйларини кўргансан. Мана шу тоғларни уч хонали уйга алмашишди-я! Ўша уйларга қалаштирган лаш-лушларини мана бу арчалардан афзал кўришди. Мен уларнинг қалбларига бойлик уруғини экмаган эдим, билмадим, бойликка қандай ишқлари тушди? Мен қачондир ғафлатда қолганман. Ҳа, ғафлатдан бўлди бу, — чол чуқур хўрсинди. — Ҳазрат Ийсо дейдики, «Денгиз тўлқини устига ким уй қура олади? Бу дунё ҳаёти шунинг ўзидир? Уни абадий қароргоҳ қиламан, деб ўйламанг». Сулико шундай ўйлаган эди. Иликнинг фикри ҳам шу. Сен уларнинг дўстисан, демак, сенинг туруш-турмушинг ҳам шу. Қароргоҳларинг чўкажагини билмайсанларми?

Чол «бу саволимга жавоб бермоққа мажбурсан!» дегандай Асадбекка тикилди. У илгари ҳам кўп гапирарди. Доно гапларни бир-бирига улаб кетишга уста эди. Ўртага савол ташлаб, жавобни бегона қилмас эди. Донолигидан ўзи ҳам завқланарди, кўзларида олов ёнар-ди. Ҳозир завқ ҳам, олов ҳам йўқ. Синиқлик бор. Асадбек «Суликнинг ўлими оқсоқолни синдирибди», деб ўйлади, унинг атрофида соядек илашиб юрган ўлим шарпасини эса сезмади.

— Қароргоҳларинг чўкишини билмайсанми? — деб саволини такрорлади чол. Асадбек, унинг нигоҳига дош беролмай, кўзларини олиб қочди.

Қароргоҳи чўкажагини нега билмасин, билади. Фақат қаерда, қачон чўкишигина унга номаълум холос. Оқибат чўкишини билса-да, «балки омон қоларман», деб умид қилаверади. Чол саволини такрорлаганда Асадбек Мухиддин отанинг овозини эшитгандай бўлди. Йўқ, овоз уники эмас, отасиники эди... Агар бир мўъжиза бўлиб, отаси тирилик келса, шундай деб сўрарди... Шунини ўйлаб Асадбекнинг вужудини енгил титроқ кесиб ўтди.

Чол астойдил жавоб кутаётган эди.

— Чўкиш ҳар бир одамнинг пешонасида бор, — деди Асадбек ҳорғин ҳолда.

— Барча бир хилда чўкмайди. Суликнинг чўкиши бошқача бўлди-ку? Иликога айт, энди эсини йиғиб олсин. «Ей Мусо, охиратингни унутадиган тарзда дунё севгисига майл этма. Агар ҳузуримга дунё севгиси билан келадиган бўлсанг, бундан ҳам каттароқ гуноҳинг бўлмайди!» Бу кимнинг гапи биласанми?

Чол шоирдан мисол келтиришни яхши кўргани учун:

— Руставелими? — деди.

Бу жавобни эшитган чол ғазабланиб, хассасини ерга зарб билан урди-да:

— Аҳмоқ! — деди. Сўнг ўзининг тилида нимадир деб ғудуранди. Кейин бир оз юмшаган тарзда давом этди: — Бунчалар аҳмоқ бўлмасаларинг. Ахир бу Худонинг ҳазрат Мусога буйруғи-ку!? Эшит: Худо ваҳий йўли билан ҳазрат Мусога яна шундай хитоб қилади: «Ей Мусо! Золимларга хос дунё ҳаётининг сенга нима кераги бор? Золимларга ўхшаб яшаш сенга ярашмайди. Улардек яшаш фикрини хаёлингдан чиқариб от! Ақ-лингни ишлатиб, бундай яшашдан қоч! Золимлик билан ўтказилган бу дунё ҳаёти нақадар тубан! Гўзал амаллар билан ўтказилган дунё ҳаёти эса нақадар гўзал!» — Бу гапларга диққат қиляпсанми? Яна Худо дейдики: «Мен мазлумнинг ҳаққини золимдан олиб бериш учун бу золимни қадам-бақадам кузатаман... «Англадингми?

Золимларга ўхшаб яшаш фикрини хаёлдан чиқариб олиш керак. Худо яҳудийга ҳам, насроний, мусулмонга ҳам, ҳатто бутпарастга ҳам шундай буюрди. Ўзинг англаган бўлсанг, Иликога ҳам англат. Мен энди тушунтирмаққа ожизман. — Чол шундай деб оҳисталик билан қадам ташлади. Асадбек ундан ортда қолмай ёнида борди. Ўттиз қадамлар юрилгач, чол тўхтади. Кейин ўгирилиб, изига қайта бошлади. Шундагина Асадбекдан ҳол-аҳвол сўради. Асадбек фурсатдан фойдаланиб уни тўйга таклиф қилиш мақсадида атайин келганини билдирди. Чол таклифдан қувонгандай бўлиб, жилмайди:

— Мен ўғилларингга энг яхши тулпорлардан совға қиламан.

— Ўзингиз борсангиз, бизга энг улуғ совға шу бўлади, — деди Асадбек.

— Йўқ! — деди чол қайсарлик билан: — Эр йигитга от керак, ханжар керак, папоқ керак, бўрк керак! Ўғилларинг мен каби узоқ умр кўрсинлар, мен каби ҳалол яшасинлар, аммо фарзанд ҳажридан йироқ бўлсинлар, англадингми?

Дастурхон атрофида узоқ ўтирмадилар. Асадбек Томскка учиши шарт эканини эслатгач, Илико унга ижозат берди. Ўзи эса бобоси билан қолди. Асадбекнинг Тбилисига келишидан мақсади фақат тўйга таклиф қилиш эмас, балки Томскка бориш йўлидаги бир ниқоб эканини англаган Илико «Қайтишингда Анзорнинг ўзи кутиб олиб, кузатади. Мен эрталаб Москвада бўлишим керак», деб узр сўради. Асадбекнинг нияти ҳам Тбилиси орқали қайтиш эди. Бироқ, вазият уйига Москва орқали қайтишга мажбур этди.

## XVII б о б

### 1

Одам туғилиши билан яшай бошлайдими?

Бу савол ҳар бир инсон боласига бемаъни туюлиши табиий. Одам яшамок учун бу дунёга келади, деган ожиз ҳақиқат барчанинг онгидан муқим ўрин олган. Айрим олимларнинг айтишича, чақалоқ туғилиши ҳамон «Ана энди ўладиган бўлдим», деб йиғлар эмиш. Агар бунга ишонилса, одам боласи туғилиши билан ўлими онларини кутиш навбатига туради. Асли бу ёруғ дунё Азроил дўкони эшигига тизилган навбат занжиридан иборат. Ажабки, ўлим навбатида туриб ҳам баъзилар бошқаларни ўлдиришни истайдилар. Тирикликларида бировларни оёқости қилиб, ўлганларида ўзларининг оёқости бўлмақларини гўё билмагандай юрадилар. Азроилнинг дўкони кўзга ташланиб, навбат етгач эса қочмоққа гўр ҳам тополмай қоладилар.

Хонгирей айна шу тоифадан эди.

Бир куни Жалил Асадбекка заҳарли сўз нишларини санча туриб: «Агар оламнинг куни сенларга топширилса, ер юзида ҳалоллик ҳам, вафо ҳам, меҳр-оқибат ҳам қолмайди. Сенлар куртак очган ниҳолни синдириб ташлашдан, бойчечакми ё полапонларними аямай топташдан тоймайсанлар. Ҳатто бир-бировингни аямай янчасанлар. Сенларнинг ҳузур-ҳаловатларинг шу янчишдан. Нима учун Ҳайдар кессагинг билан дўстсан, айтайми? Икковингнинг ҳалқуминг бир, нафсинг бир», деган, Асадбек бу ҳақиқатга қарши жўяли жавоб қайтара олмаган эди.

Агар Жалил Хонгирейни таниса, қилмишларидан хабар топса унга ҳам айна шу гапларни айтиб, балки ундан «Дунё ўзи янчиш учун яралган, сенинг узилиб тушган хазондай ҳам қадринг йўқ», деган жавобни эшитармиди...

Хонгирейнинг туриш-турмуши фақат янчишдан, ўлимга ҳукм этишдан иборатдир, дейиш ҳам инсофдан эмас. Бир куни Зелихон унга «Одам ўлдириш бўйича чемпион бўлмоқчимисан, сал орқа-олдинга қараб фикр қил», деб танбеҳ берганида у «Мен душманларимни ўлдирияпман, душманларим кўп бўлса мен айбдорманми?» деб ўзини оқлаган эди.

Отасини ерга топшириб қайтгач, ўлимга ҳукм этилувчи одамнинг унга душманлиги йўқ, аксинча садоқати мавжуд эди. Аниқроқ айтилса, тасодиф билан қўлга тушиб қолган йигитини қамоқдан

қочишига ўзи ёрдам берган эди. Хонгирейни кутиб олган Маматбей қамоқдан қочган йигитнинг Москвага етиб келганини айтиб, «xabарнинг чаласи бор, уни ҳам айтаверайми?» дегандай унга қараб қолди.

— Яна нима дардинг бор, гапир, — деди Хонгирей.

— У бир ўзи қочмабди, шериги бор, — деди Маматбей.

— Ким?

— Танимайсиз, мен ҳам танимайман.

— Ким деяпман?! — Бу сафар Хонгирей зарда билан сўради.

— Ментлардан экан.

— Нима билан ўтирибди?

— Зўрлаш.

— Шу ёққа бошлаб келибдими?

— Йўқ. Бирга қочиб чиқишгану Тюменда ажралишган.

Хонгирей унга қовоқ уюб қаради-ю, бошқа гап айт-мади. Идорага келишганда Маматбей узилиб қолган сўхбатни давом эттирди:

— Айтишича, мент яхши йигитга ўхшайди. Хизматга олсак ҳам бўлармиш.

— Шунақами? — Хонгирей сигарет тутунини юқорига қараб пуфлади-да, кулини ёнида ўтирган Маматбейнинг тиззасига қоқди. Хўжайинининг кайфияти бузилганини сезган Маматбей кулни қоқишга шошилмади. Тағин ҳам Хонгирей ҳозир унга нисбатан марҳамат қилди. Агар сигарет чўғини юзига босганида ҳам Маматбей чурқ этмасдан ўтирган бўларди.

— Демак, хизматга оладиган бўлиб қолибсанлар-да, а? — деди Хонгирей, — Балки унга тож ҳам кийдириб қўйгандирсан?

— Мен унақа демадим, — Маматбей ўзини оқламоқчи бўлди.

— Ақлинг занглабди, — деди Хонгирей, — у аҳмоқ сенга тавсия этибди, сен аҳмоқ эса бир шилта ментни хизматга олиш мумкин, деб ўтирибсанми? Қачондан бери ментларни хизматга оладиган бўлиб қолдик?

— Ахир...

— Нима, «ахир»? Гапир!

— Ментлар хизматимизни қилишади-ку?

— Ростданам ақлинг занглабди. Ментлар бизга хизмат қилишмайди, мен уларни хизмат қилдираман. Фар-қи борми? Сен хизматга лойиқ кўраётган мент қамалмасдан аввал нега келмади? Қамалиб, шилтаси чиқиб кетгандан кейин ақли кирибдими? Сен шунга ишон-япсанми? Ичимизга кириб олиш учун қилинаётган найранг бўлса-чи?

— Мен ҳам шуни ўйладим.

— Ўйлаганинг йўқ, ўйлаганингда менга айтмас эдинг. МУР\*даги Рушайло хизматимизни қиладиган бўлди, десанг ишонардим ўйлаб иш қилишингга, — Хонгирей шундай деб мулозимининг тиззасига яна сигарет кулини тўқди.

Маматбей хўжайинининг ҳовури пасайишини кутгандай сабр қилиб, сўнг сўради:

— Бола нима қилсин?

— Мент билан бирга бўлганнинг қисмати бир: энди унинг яшашга ҳаққи йўқ.

— Балки...

— Нима, «балки»? Қонунни ўзгартирмоқчимисан? Гапир!

— Қонун ўзгармайди. Жойига қайтариб қўя қолайлик. Тинчиса ўша ерда тинчийди. Лагер телетайпига қўямиз.

— Мужмаллик қилма.

— Красноярдаги иш яхши бўлди. Лекин у ердагиларга яна битта ваъдамиз бор.

— Қанақа ваъда?

— Биз уларга иккита курер рўпара қилишимиз керак эди.

— Бунни биламан. Лекин кетма-кет юборилади, де-йилмаган. Орада ўзимиз ҳам иш қилиб

олишимиз керак.

— Ишни бошладик. Ҳозир Красноярда бизга ҳеч қандай қаршилик йўқ. Ментлар ваъдада туришибди.

— Уларга қаттиқ ишонворма. Эҳтиёт бўл. Молни фақат Ҳайдар орқали юбор. Кетса ўша кетсин, бу томонларга кавлаб келишмасин. Ҳайдарнинг юриш-туриши қанақа?

— Сиз ўйлагандай. Селимга тоқати йўқ, лекин сир бой бермаяпти. Фақат... Асадбек билан муносабатига тушуниш қийин. Асадбекнинг осонгина четга чиқиши менга ёқмаяпти.

— Бек ақлли одам, ўғилларини ўйлайди, болаларининг гаровда эканини яхши билади. Лекин... пайт пойлайди. Индамай кетаверса мен уни ақлли демас эдим. Лекин... ақлли одамнинг узоқ яшаши ҳам дуруст эмас. Шуни Ҳайдарга яхшилаб тушунтириб қўй. Бу ёғини ўзи эпласин, эплотмаса Селимга қўйиб берсин, унга шундай де, — Хонгирей сигарет қолдиғини унга узатди-да, ўрнидан туриб керишди.

Маматбей тиззасидаги кулни эҳтиётлик билан кафтига олиб кулдонга ташлади.

— Ҳайдар таъзияга келмоқчи эди, жойингда ўтиравер, дедим. Фотиҳага келиб-кетишмаса тинчишмайди, уларнинг одати шунақа.

— Одатини уйида қилаверсин. Айтиб қўй: бу томонларда умуман ўралашмасин. Керак бўлса ўзим чақираман. Сен эса бугун мени Марказий банкдаги одам билан учраштирасан. Ишни чўзиб юборди. Уни «Лебединая песня»га олиб бор.

— У ер унча тўғри келмас дейман. «Пекин»\*га та-йинлаб қўйсак-чи?

— Йўқ. Бегона кўзлардан холироқ бўлсин.

Маматбей бошқа эътироз билдирмади. Телефонда ким биландир гаплашди-да, Хонгирейга қараб елка қисди.

— Бугун иложи йўқ экан, хотинининг туғилган куни эмиш.

— Шунақами? — Хонгирейнинг кўзларида чўғ ялтилади. — Қаерда нишонлар экан, билчи, балки бизни ҳам таклиф қилар, а? Шундай тантанадан қуруқ қолмайлик.

Маматбей хўжайинининг хаёлида бир режа туғилганини фаҳмлади.

Хонгирей кейинги пайтларда омади юришаётганидан қувониб, қадамни янада каттароқ ташлашни мўлжаллаётган эди. Хонгирей «Шахсий банк очмоқчиман, номи «Гирей хон» бўлади», деганида Маматбей «Княз, банк ишончсиз нарса», деб ажабланган эди. Банкнинг ишончсиз экани Хонгирейнинг ўзига ҳам яхши маълум. Шу пайтга қадар омонат кассага сарик чақа ҳам қўймаган. Чангалига тушган одамларнинг уйидан жамғарма дафтарчаларини олганда уларнинг лақмалигидан куларди. Ярим йилча муқаддам бир иқтисодчи банкдан олиниши мумкин бўлган фойданинг миқдорини айтганда Хонгирей бу ишга қизиқиб қолди. Мўлжалича, узоғи билан икки ой ичида ҳал этилиши лозим бўлган ишнинг ярим йилга чўзилишига бошқа тоқат қилолмади. Айниқса ҳар бир ҳужжатдаги имзо учун ҳақ тўлаш унинг иззат-нафсига тегарди. «Куч билан битадиган иш учун ҳақ тўлаш аҳмоқликдир», деб сўкинарди. Сўкинарди-ю, куч ҳамиша ҳам натижа беравермаслигига ақли етиб, ўзини тиярди. Оқим асосий тўғонлардан бирига келиб тўхтаганда унинг тоқати тоқ бўлди. Маматбей хўжайинининг калласига қандай шумлик келганини билмасди, билганида ҳам тўхтатишга қурби етмасди. Чунки Хонгирей худди Ҳосилбойвачча каби ёнидагилардан маслаҳат сўрарди-ю, лекин ўз билганидан қолмас эди. Байгилдин — устоз, Мамат- бей — яқин ёрдамчи ҳисобланганлари билан вазифалари буйруқни бажариш, амрга сўзсиз итоат этишдан иборат эканини яхши билардилар.

Маматбей хўжайинининг амри билан туғилган кун нишонладиган жойни аниқлагач, белгиланган вақтдан ярим соат аввал «Прага» ресторанига келдилар. Хонгирей йигирма кишига мўлжалланган дастурхонга кўз югуртириб, яна ўн стул қўйишни, дастурхон устини янада тўкинроқ безашни буюрди.

— Ҳа, гапимга тушунмадингми? — деди Хонгирей буйруқни бажаришга шошилмаётган ресторан хўжайинига қараб.

- Тушундим, — деди ресторан хўжайини, — лекин... эгалари норози бўлишармикин?
- Эгалари деганинг банкдагиларми?
- Улар меҳмонлар. Дастурхонни «Орхидея» буюрган. — Ресторан, хўжайини «шуни ҳам билмайсизми?» дегандай қараб олди. Хонгирей ўз навбатида худди шу савол назари билан Маматбейга қаради. Маматбей «хабарим йўқ эди», деган маънода елкасини қисди. Темир буюмлар сотиш билан шуғулланадиган бу фирма Хонгирейга маълум эди. Бугай лақабли ўғрибоши касбини ўзгартириб, савдо фирмаси ташкил этаётганида Хонгирейнинг маслаҳатини, аниқроқ айтилса, розилигини олган эди. Тўда кичикроқ, кучсизроқ бўлгани сабабли Хонгирей уларга тўсиқ ясамади. «Прага» ресторани кўп йиллардан бери Бугай ихтиёрида экани, унга чўтал тўлаб туришини ҳам яхши биларди. Маматбей туғилган кун «Прага»да нишонланишини айтганда «бу тасодифми ё Бугай билан алоқаси борми буларнинг» деб ўйлаганди. Ресторан хўжайинининг гапидан кейин буйруғини бекор қилиб, ўзи учун ҳозирлаб қўйилган жойга бориб ўтирди.
- Бугайнинг булар билан қандай олди-бердиси бор?— деди Хонгирей Маматбейга ўтли нигоҳини қадаб. Хўжайинининг ғазабланганини сезган Маматбей нимадир дейишга мажбур эди. Шу сабабли ҳақиқатни эмас, тахминини айта қолди:
- Балки Банкдан қарз олмоқчидир?
- Хонгирейга бунақа мужмал жавоб керак эмасди. У ўт олдирган сигаретини рўпарасида ўтирган Маматбейга қараб отди-да:
- Шу зиёфат тугагунча аниқ билиб ол, аҳмоқ! — деб амр этди. Маматбей сигаретни кулдонга асталик билан қўйиб, ўрнидан турди. Ташқарида қолган йигитларнинг бирига амрни етказиб, жойига қайтди. Шодиёнага айтилганлар бирин-сирин келиб, зиёфат бошлангач, Хонгирей уларга қараб туриб:
- Маошга яшайдиган ҳалол одамлар шуларми? — деди пичинг билан.
- Ҳа, бу бечораларга қийин, — деди Маматбей бу пичинг оҳангини қувватлаб.
- Биз муттаҳамлармиз, булар эса ҳалол одамлар. Қара, хотини менбоп эканми?
- Сал қарилик қилади.
- Бугун уйига меҳмон бўламан.
- Маматбей «тушундим» дегандай бош ирғаб қўйди-да, чолғувчиларга яқин стол атрофида ўтирган йигитларга ишора қилди. Улардан бири яқинлашгач, қулоғига шивирлади. Зиёфатда одам кам эканлигидан шубҳаланаётган Хонгирейнинг хаёлига яна бир фикр келиб, ҳали кўчага чиқишга улгурмаган йигит қўшимча топшириқ олди. Улар зиёфатнинг охирига қадар ўтирмадилар. Вазифани бажариб қайтган йигит Маматбейга ҳисоб бергач, қўзғолишди. Машинага ўтирган Маматбей амрга маҳтал ҳайдовчига қарамаган ҳолда:
- Арбатга, — деб қўйиб, Хонгирейга ҳисоб бер- ди: — бу бечора камбағалнинг хотини ҳар ойда бир туғилиб турар экан. Яқинда «Россия»да нишонлашибди.
- Ўтиришларидан шунақага ўхшовди. Булар канага ўхшаган нарса, одамларни сиқиб, қонини ичиб туришмаса еганлари ичларига тушмайди.
- Бугай Австрия билан олди-берди қилмоқчи экан, иш валютага қадалиб қолибди. Бу зиёфат ўша тўғонни бузаркан.
- Бугай ўғирлигини эсдан чиқарибди. Ишни маданийчасига ҳал қилмоқчи бўлибди-да. Э, йўқ, — Хонгирей эснаб, керишди. — Булар билан маданий тилда гаплашиб бўлмайди. Буларнинг тақдирини ўғрилардан бошқа ҳеч ким ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас. Мен ўғриман, ўғри эканимдан фахрланаман. Булар ҳам аслида мендан баттар ўғри, лекин «ўғрисан», десанг жазавага тушади. Қараб тур, сенинг ҳужжатларинг узоғи билан индинга тайёр бўлади. Бугай эса зиёфатга кўйиб қолаверади.
- Княз... — Маматбей «булар ўлимга ҳукм қилинди», деб ўйлаб, эътироз билдирмоқчи бўлди.
- Овозингни ўчир, — деди Хонгирей бармоқларини қисирлатиб. — Мен уларни ҳатто



чертмайман.

— Княз, уйда қайнонаси билан иккита боласи ҳам бор.

Хонгирей «бўлса нима?» дегандай қараб қўйди-ю, жавоб бермади.

Хўжайиннинг амри билан йўл-йўлакай бир сават гул олволишди.

Ёши эллиқдан ошиб, пардозга зўр берган аёл гул кўтариб келган одамлардан ҳадиксирамади.

Қимматбаҳо совғалар қабул қилиб олишга кўниккани учун саватдаги ноёб гулларга менсимайгина қараб олиб, кийимилгич томонни кўрсатди-да, «шу ерга қўйинг» деб буюрди.

Маматбей гулни қўйиб:

— Шарлотта Моисеевнани туғилган кунлари билан табриклаймиз, — деб қандай мақсадда гул келтирганини яна такрорлади. Остонада турган Хонгирей эса аёлдан кўз узмай тикилиб турди. Ундан «Ие, қизимнинг туғилган куни эмас-ку», деган гапни кутди. Аёл киприк қоқмай тикилиб турган Хонгирейга қараб-қараб қўйди-ю, Маматбейга:

— Бораверинг, гулларингизни бериб қўяман, — деди.

Шундан сўнг Хонгирей остона хатлади. Унинг изидан икки йигит ҳам кириб, эшик ёпилгач, аёлнинг кўзлари жавдираб, тисланди.

— Сизга нима керак? — деди. Кейин овозини кўтариб, қичқирди: — Саня, милитсияга қўнғироқ қил!

Маматбей Хонгирейдан буйруқ кутмаёқ, тезлик билан ичкари хонага ўтди.

— Маргарита Иосифовна, сизни болалигингизда яхши тарбия қилишмаган экан. Биров гул олиб келса, аввало «раҳмат» дейиш керак, — Хонгирей аёлдан кўзларини узмаган равишда бостириб кела бошлади. Аёл эса беихтиёрлик билан тисланиб, чекинди. — Ундан ташқари, «Бу ажойиб гуллар кимдан совға?» деб сўраш керак, шундайми? Сиз қўрқманг.. Мени... танимаяпсиз шекилли, а?

— Танимадим... — деди катта хона ўртасида тўхтаган аёл, сўнг болалар ўтирган хона томонга хавотир билан қараб қўйди-да, титроқ овозда «Болаларга тегманг», деб ялинди.

— Болаларга нега тегарканмиз? Биз яхши болаларни ҳатто чертиб ҳам қўймаймиз. Сизга ҳам тегмаймиз, қўрқманг. Биз босқинчи эмасмиз. Сиз нега мени танимадингиз, ҳайронман?

— Қаердадир кўрганман,— деди аёл ишончсиз тарз-да.

— Ҳа, албатта кўргансиз, мен сизнинг ўғлингизман. Грузин ўйнашингиздан туғилганман. Мени Сухумидаги туғруқхонага ташлаб кетгансиз, — Хонгирей эшикнинг чап томонидаги оромкурсига ўтириб, оёқларини чалиштирди, сўнг чўнтагидан сигарет олиб, лабига қистирди. Аёл эса бу гапдан ажабланиб, «менинг бунақа ўйнашим бўлмаган», дегандай жавдираганича тураверди. Ундан садо чиқмагач, Хонгирей сигаретасини тутатиб, ғоят хотиржам равишда гапини давом эт-ди: — Мен ўгай синглим билан куёвимни кўргани келдим. Лекин, онажонгинам, синглимни қачон туққанингизни унутиб қўйибсиз. Ахир бугун унинг туғилган куни эмас-ку, тўғрими?

— Ҳа...

— Лекин «Прага»да нишонлашяпти. Биз ҳозир ўша ердан келяпмиз. Биз — яхши одамлармиз, ёмонликни истасак, уйингизга келиб ўтирмас эдик. Шунинг учун сиз титраманг, онажонгинам, чой берасизми ё қаҳвами, майли, ҳимматингиз. Фақат титраманг, синглимнинг пешонасидан ўпиб, куёвим билан танишаману кетаман.

Аёл Хонгирейнинг гапларига бир тушуниб, бир тушунмай ҳайрону лол қараб турди. Дастлаб, Хонгирей бостириб кираётганида у қўрқди. Айниқса Маматбей ичкарига ўтганда набираларидан хавотирланиб, жони чиқиб кетай деди, тили гапга айланмай ҳам қолди.

«Бақириб, ёрдамга чақирсам-чи?» деган фикрини ўзи бўғиб қўя қолди. Аввало бақирғи бу қалин деворларни тешиб ўта олармикин? Қолаверса, унинг ноласини эшитиб ким ёрдамга чиқади? Бу атрофда жонидан тўйган мард борми?

Пулдор оилаларни ўғрилар босаётганидан у хабардор эди. Ҳам молдан, ҳам жондан айрилаётганларни эшитганда «бизникига ҳам шунақалар келиб қолишар», деб чўчимаганди. У пул эвазига одам ўлдириб берувчи, «килер» деб ном олган касб пайдо бўлганини ҳам эшитган,

Бироқ, ўша килерлардан бирига мен ҳам дуч келарман, деб хаёл ҳам қилмаганди. Чунки у хонадонини камбағал билан бойнинг ўртасида — «ўртаҳол» деб билар, назарида босқинчилар фақат ошиб-тошиб ётганларнигина босишар эди. Дастлаб Хонгирейни ўшандай босқинчилардан деб ўйлади, сўнг эса унинг юшоқ оҳангда гапиришидан «милитсиядандир», деган фикр уйғонди. Лекин унинг бирданига қандайдир ўйнашдан бўлган ўғилга айланиб қолиши аёлни таажжубга солди. «Бу бўҳтон нима учун керак экан?» деб ажабланди. Хонгирей бу гапни аниқ бир мақсад билан эмас, шунчаки тилига келиб қолгани учун айтиб юборган эди. Аёл қаҳва тайёрлаш учун ошхонага кирганида Хонгирей ўтирган ерида овозини баландлатиб: — Тўртинчи қаватда бир хотин ўлиб, икки йилгача ҳеч ким билмабди, шу тўғрими? — деб сўради.

— Ҳа, — деди аёл, — кампир ёлғиз яшарди.

— Ошхонага кирганида ўлибдимми? — деб яна сўради Хонгирей.

— Ҳа...

Аёл шундай деди-ю, қўрқувдан баданига муз югурди: «Нега буни эслаб қолди, яна ошхонада... Шу ерда ўлдирмоқчимми мени?..»

— Ўлик сасиб кетарди-ку, ҳидидан ҳам билмадиларингми? — Хонгирейнинг навбатдаги саволи уни бу хаёллар чангалидан юлиб олди.

— Дераза очиқ экан...

— Ҳа, ошхонанинг деразасини очиб қўйган яхши...

Бу гапдан кейин аёл беихтиёр деразага қаради. Ҳали болаларга қуймоқ пиширганда деразани қиялатиб очиб қўйган эди. У энди эшик оғзида турган йигитга хавотирланиб қаради. Назарида йигит чўнтагидан тўппонча ёки тиф чиқаргандай туюлиб, қалтираётган оёқларини жон тарк эта бошлади. Йигит унинг аҳволини сезиб:

— Деразани ёпиб қўяйми, совқотяпсизми? — деб сўради.

Аёл «ҳа», демоқчи бўлди-ю, аммо овози чиқмади, бош ирғаб қўя қолди. Йигит деразани ёпгач, аёлга яқинлашди.

— Қаҳвангизни беринг, ўзим қайнатаман. Хўжайин менинг қаҳвамни яхши кўради.

Бу гапдан кейин аёл ўлмаслигини билиб, енгил тортди. Бироқ, саросимадан қутула олмай рўпарада турган қаҳвани кўрмади, токчаларни тимирскилаб қидирди.

Хонгирей йигити тутган қаҳвани олиб ичаётиб:

— Онагинам, энди ичкарига кириб жиянларимга қаранг. Овоз чиқармай ўтиринглар.

Жиянларимга «олтин балиқча» эртагини айтиб беринг. Тешик тоғора билан қолиш жуда қизиқ, а?

Орадан ярим соат ўтгач, эшик очилиб, аввал гул кўтарган Шарлотта, унинг изидан эса эри кириб келди. Жувон саватдаги гулни кўриб, эрига савол назари билан қаради:

— Меҳмон бор шекилли? — деди эри ичкарига имо қилиб.

Катта хонага ўтиб, бемалол сигарет тутатиб ўтирган Хонгирейни кўришди-ю, бир-бирларига савол назари билан қарашди.

— Кечирасиз, бу уйда чекиш мумкинмас, ёш болалар бор. Эрим ҳам балконга чиқиб чекади, — деди жувон энсаси қотганини яширмай.

— Аввал саломлашиш керак, — деди Хонгирей пинагини бузмай. — Ундан ташқари мен сенинг эринг эмасман, шу ерда чекавераман. Мен сенинг ўғай аканг-ман. Менинг отам сенинг онангнинг биринчи ўйнаши эди.

— Нималар деб валдираяпсиз, эсингиз жойида-ми? — деди аёл дағал оҳангда.

— Менинг эсим жойида, сингилгинам, аммо сенинг эсинг кирди-чиқди бўлиб қолибди. Сен қачон туғилганингни унутиб қўйибсан. Онагинам сени йигирма олтинчи июнда туққан эдилар, а? Марк Абрамович, хотинингизнинг паспортига ҳеч қарамаганмисиз?

— Сиз кимсиз, сизга нима керак? — деди Марк кескин оҳангда.

Саволига жавоб ўрнига хонада икки йигит пайдо бўлгач, қўполлигидан афсусланди. Хотини эса

салкам талвасага туша бошлади.

— Сингилгинам, ичкарида онанг билан болаларинг кутишяпти. Кичигингни бугун эмизганмисан, ё эмчақдан чиққанми? Сен ўша хонага ўта қол. Тўхта, сумкачангни эрингга бериб кет. Жувон буйруқни бажариб, болалари ётадиган хонага ўтди. У ерда йиғламсираган овоз эшитилди-ю, тезгина тинди.

— Марк Абрамович, куёвим бўлганингиз учун сизга яхшилик қилмоқчиман: «Орхидея»нинг совғасига учманг. Қани, нима совға қилган ўзи? Йигитлардан бири Маркнинг қўлидаги сумкачани олиб, Хонгирейга берди. Хонгирей уни очиб, ичидан тилла соат билан ёқут кўзли узукни олди-да, чироққа тутиб қаради. — Паст кетишибди. Австриядан оқиб келадиган пуллар эвазига тузукроқ совға қилишса ҳам бўларди, — Хонгирей шундай деб совғаларни чўнтагига солгач, сумкачани Маркнинг оёқлари томонга ташлади.

— Сиз кимсиз? — деди Марк бу сафар тобелик билан.

— Кимлигимни ҳали ҳам билмадингми? Қайноғанг-ман. «Орхидея»нинг иши билан ўртоқлар шуғулла- нишяпти. Камида ўн йилга учиб кетасан.

— Мен уларга ҳеч қандай ёрдам қилганим йўқ. Ваъда ҳам бермаганман.

— Лекин зиёфатини единг. Совғасини олдинг. Энди сен менга айт: «Гирей хон» банкининг ҳужжатларини нега босиб ўтирибсан?

— Бу фақат менга боғлиқ эмас. Яна хўжайинлар ҳам бор.

— Ҳаққини олдингми? Бу ёғи сенинг бош оғриғинг, кимларга боғлиқлиги билан ишим йўқ.

— Вақт керак.

— Вақтнинг бошини ўзинг еб бўлдинг, куёв. Энди бундай қиласан: эртадан қолдирмай ҳужжатларга ҳамма қўлларни қўйдириб, биздан олган пулингни учга кўпайтириб, топширасан. Карра жадвални биларсан-а, индинга қолса, учга эмас, ўнга кўпайтирасан. Саватдаги гулларни кўрдингми, ўша ерда мозорга қўйиладиган гулчамбарлар ҳам бор экан. Менингча, саватдаги гул яхши, а? Мен сендай куёвим борлигидан фахрланаман. Бугундан эътиборан энди сен билан тез-тез учрашиб турамиз. Мен сени ҳимоямга оламан. Сен эса совғаларни арра қиласан. Келишдикми? Довдирама, сен Бугайга ишонма, у сени ҳимоя қила олмайди.

Хонгирей ўрnidан туриб, Маркнинг рўпарасида керишди-да «Миша!» деб чақирди. Болалар хонасидан Маматбей чиқиб келгач:

— Қара, қандай куёвим бор менинг? — деб заҳарли тиржайди. Остонага етганда тўхтаб, Марк томонга ўгирилди: — Қара-я, куёв, тўртинчи қаватдаги кампирнинг ўлиги икки йилгача ошхонасида ётибди-я — деб қўйди. Машинага чиқиб ўтиришгач, Маматбейга: — Ўша кампирнинг ўлганини менга яхши айтдинг. Булар энди эрталабгача иштонларини ҳўл қилиб чиқишади,— деб кулди.

Чиндан ҳам бу гап Маркнинг хонадони тинчлигини олди. Эрталаб эшиклари ёнига тизиб қўйилган қора матоли бешта мотам гулчамбарини кўришгач эса, тақдирга тан беришди. Марк оқшомга қолмай Маматбейга қўнғироқ қилиб, вазифа бажарилганини билдирди.

---

\* Московский уголовный розыск — жиноятга доир қидирув бўлими.

\* Москвадаги ресторан номи.

## 2

— Бу ёғи мусулмончиликдан бўлмади, — деди Кесакполвон норози оҳангда. — Ҳар ҳолда бегона эмасмиз. Одамлар бегоналарникига ҳам фотиҳага борадилар. Битта самолетда бориб, кейингисида қайтиб келардим. Маматбейга қойил қолмадим.

Селим нард тошларини юмуқ кафтида айлантир-ган бўлиб, тахтага ташлади. Иккита олтиликни кўриб, Кесакполвонга «қойилмисан», дегандай тиржайди. Доналарни жойлашга шошилмай:

— Маматбей тўғри қилибди. Сен бу ердаги ишингни қойиллатсанг ҳам катта гап, — деди. Кейин биринчи донани бўш катакка жойлаб туриб, қўшиб қўйди: — Масковда сенга пишириб қўйибдимми?

Бу гапдан Кесакполвоннинг ғазаби қайнаб, ҳозиргина қўлига олган нард тошчаларини Селимга қаратиб отди.

— Сен бола, ҳаддингдан ошма! Худонинг ўзидан ваколатинг бўлса ҳам бир кунмас бир кун мендан тепки еб қоласан. Ўладиган дунёда сени би-ир тепиб ўларман, — Кесакполвон бу сафар аламини нард тахтадан олди — қаватларини шарт ёпиб, четга улоқтирди.

Селим Кесакполвоннинг вазоҳатидан астойдил қўрқди, чегарадан чиққанини англаб, гўё ўзини ҳимоя қилишга шайлангандай ўрнидан турди.

— Жаҳлинг чиқмасин, бу менинг гапларим эмас. Мен ҳам бормоқчийдим, Маматбей менга шундай жавоб қилди.

— Сенга жавоб қилган бўлса, бу сассиқ гапни ўзинг ҳазм қилиб юравермайсанми? Менга дастурхон қиласанми, сўтак! Сенинг боришинг бошқа, менинг боришим бошқа. Сен фотиҳа баҳонасида болаларингни кўриб келмоқчи бўлгансан. Улар аҳмоқми, буни тушунишмайдими?

— Болаларимни соғинсам, улардан сўрамаёқ бориб-келавераман.

— Энди бу ёғи чўпчак бўлиб кетди, ошна.

— Маматбейнинг нимадан аччиқланганини сезмабсан.

— Сен сездингми, қани айт-чи?

— Юборган одаминг ишнинг ишкалини чиқарган. Мол қўлдан кетган.

Бу янгилик Кесакполвонни таажжубга солмади. «Красноярда одам юбориш керак», дейишгандаёқ, ишдан куйган латта иси келаётганини сезган эди. Лекин ўйиндаги калтакнинг бир учи барибир ўзининг бошига тегажани эса ҳисобламаганди.

— Красноярда одамингни ментлар кутиб туришган экан, — Селим айтган янгилигига шундай изоҳ киритди.

— Қаерда, самолётдан тушадиган жойдами?

— Козловнинг уйида бўлса керак.

— Унда мен бу ишда фариштадек оппоқман. Агар одамимни аэропортда кутиб олишса-ю, у дипломатни «Мана, Селим афандим бериб юборди», деб топширса мен айбдор бўлардим.

— Бу ишқалнинг тагига етишади ҳали. Нима бўлганда ҳам иккаламиз ўйиндамиз.

Харажатларнинг бир улуши бизнинг бўйнимизга илинади. Шу билан қутулсак катта гап.

— «Қутулсак» дема, «қутулсам» деявер.

— Сен Хонгирейни яхши билмайсан. Маматбейнинг янги буйруғини ҳам билмайсан. Аслида сени шунинг учун чақирувдим.

— Қанақа буйруқ? — Кесакполвон унга сергакланиб қаради.

— Хонгирей банк очмоқчи экан.

— Банк? — Кесакполвон ажабланди. — Банкни нима қилади?

— Буни ўзидан сўрайсан. Лекин сўрашдан аввал битта лимонни тайёрлаб қўй.

— Нимага?

— Банкка қўясан ёки актсияларини сотиб оласан.

— Маматбейнинг гапими бу ё сендан чиққан ақлми?

— Бу Хонгирейнинг буйруғи. Ҳамма йигитларингга солиқ солинган. Энг ками уч юз минг. Ҳисоб-китобини қилиб менга берасан, мен йиғиб, эгасига узатаман.

— Менга «лимон»ми? Сенга-чи? Ё бунақа солиқдан озодмисан? — Кесакполвоннинг ўткир нигоҳига Селим дош беролмай, ерда сочилиб ётган нард доналарига қаради. Аслида Маматбей ҳар икковининг бўйнига беш юз мингдан илган эди. Маматбей воситачи эканидан фойдаланиб, ўзининг ҳиссасини ҳам Кесакполвонникига қўшиб қўя қолган эди.

— Сен даллоллик қилма, мен боллардан йиғиб, Маматбейга ўзим етқизаман.

Бир миллион пул беражани эшитиб, сал гангиган Кесакполвон дарҳол ўзини ўнглаб ололди.

Шу ёшга етгунича ёнидан бир сўмни чиқариб ўйлаб сарф этган Кесакполвон бир миллион чўз, деса, индамай бериб қўядиган аҳмоқ эмасди. Агар бу ростдан ҳам Хонгирейнинг талаби бўлса, сўраганини беради. Фақат ёнидан чиқармайди, йигитлар уч юз эмас, тўрт юз мингдан тўлашади, вассалом! Масалани шу тарзда ечган Кесакполвон Селимдан кўзини узмай, тиржайди:

— Сен мен билан нард ўйнасанг ўйнайвергин-у, аммо ўйнашма!

Кесакполвон Селим қўнган меҳмонхонадан чиқиб, Шариф Намозовнинг уйи сари йўл олди. Гарчи Асадбекнинг сўнги буйруғини бажаришга майли йўқ эса-да, ўзини мажбурлаб борди. Усталар янги уйга сўнги пардоз бериш билан, мардикорлар эса эскисини бузиш билан банд эди. Кесакполвон ишларни ташқаридан бир оз кузатди-да, лой кечиб дарвозахонага, ундан ҳовлига ўтди. Чап томондаги хона эшиги очилиб, пешонасини оқ рўмол билан боғлаган, кийими томган бўёқлардан ола-чалпоқ бўлиб кетган, калта соқол-мўйлабли уста чиқиб келиб, салом берди.

Ўзбекларда салом-алиқдан кейин «ҳорманглар», деб қўйиш фазилати борлигини унутган Кесакполвон у билан қўл учида, менсимаган тарзда кўришиб:

— Ҳа, ишлар кетяптими? — деб сўради.

— Оллоҳимга шукр, кам қилмаяпти, — нотаниш меҳмоннинг қўрслигидан қўнгли оғриси-да, уста сир бой бермай жилмайиб қўйди. «Сиз кимсиз, сизга нима керак?» деб ҳам сўрамади. Унинг ўрнига Кесакполвон сўради:

— Бўёқчимисиз?

— Ҳа, унча-мунча бўяб турамиз, асли касбимиз наққош, ганчкор, Худога шукр, — деди уста ҳилм билан

— Қанчага келишдиларинг бу ишларни?

Бу савол устани ҳайрон қолдирди. Одамлар унинг ишини кўриб таҳсин айтишарди-ю, аммо «қанча пул олдингиз?» деб сўрашмас эди. Бу киши эса ишни кўрмай туриб пулдан гап очяпти, мақсади нима экан?

— Худонинг ризқи-да, — деди уста ҳилмлиқдан чекинмай. — Тақсир, иморат қуряптиларми, бизга лозим юмушлари борми?

— Ҳеч қанақа юмуш йўқ, — деди Кесакполвон совуқ оҳангини ўзгартирмай, — хўжайинларинг қаерда?

— Хабарим йўқ, тақсир, хизматда бўлсалар эҳтимол.

— Ҳозир хизматга борасизми, уйигами, менга барибир, қаерда бўлса ҳам топинг. «Ҳайдар акам келиб кетдилар, тез чойхонага борар экансиз», деб айтинг. Тушундингизми?

— Тушундим, «қайси чойхонага экан?» деб сўрасалар-чи?

— Ўзи билади, — Кесакполвон шундай деб изига қайта бошлади. Дарвозахонага етганида «овсарроқ одам бўлса билмаслиги ҳам мумкин» деган ўйда тўхтаб, кузатиб келаётган устага қаради: «Асадбек аканг одамлар билан гаплашадиган чойхонага», десангиз ўзи тушунади. Шариф Намозовнинг уйини сотиб олиб, кўчиб келишга тайёрланаётган одам ҳаялламади. Асадбек акасининг чойхонасига йўқланаётганини эшитиши билан юраги така-пука бўлиб тезгина етиб келди. У шаҳарнинг кунботар томонида шундай чойхона борлигини, бунда ақлга сиғмас ишлар бўлиб туришини эшитган, «бунақа жойга дуч келишни душманамга ҳам раво кўрмайман», деб юрарди. Чақирилган жойга етиб келгунича «Худога нима ёмонлик қилувдимки, мени буларга рўпара қияпти», деб ўйлаб борди. Ўйлади-ю, саволга жавоб топа олмади. Агар ошхонасидаги таомга тушиши лозим гўштнинг тенг ярми «уриб» қолиниши, сомсаларга калла гўшти тиқилиши, баъзан эса ташлаб юборилиши шарт бўлган, қуртлаган жигарми, бошқасими, қиймаланиб, ишлатиб юборилишини эслаганидами, саволига жавоб топарди. Украинадан келтирилиб, радиатсия нурланиши кучли бўлгани сабабли куйдириб ташлашга тайёрланган гўшни арзон-гаров сотиб олиб ишлатиб юборганини эсламаса ҳам бошқа қилиқлари тарозунинг жазо палласига ўтириши учун кифоя қиларди.

Кесакполвон икки ёноғи қип-қизил бу одамга тикилиб қаради-ю, танимади. Шунинг учун гапни оддий савол-жавобдан бошлади:

— Отинг нима, қаерда ишлайсан?

— Отим Маъмурхўжа, кичкинагина ошхонам бор.

— Шунақа дегин? Ўша кичкинагина ошхонанг қаерда?

Маъмурхўжа тилга олган жой Ҳосилбойвачча ихтиёрида эди. Шу сабабли Кесакполвон унга савол назари билан боқди:

— Чўтални кимга берардинг? Ҳосилгами?

— Шундай, Ҳосилбойваччага, аммо ўзлари эмас, одамлари келиб турарди.

— Ким, ғилайми?

— Ҳа, биларкансиз, Шомилжон.

— Намунча латтачайнарсан! — Кесакполвон аччиқланиб, қўлидаги пиёлани стол устига ташлади: — фалончи бойвачча, пистончижон... бойваччанг билан жонинг чиққан жойига кириб кетган, эшитмовдингми?

— Узунқулоқ гапларни сал-пал эшитгандай бўлувдим.

— Эшитгандай бўлувдингми, а? Зўрсан-ку? Чўтал-чи, кимга беряпсан?

— Ҳеч кимга. Аталганга хиёнат қилмай тўплаб қўйганман.

— Тузуксан. Тўлаганларингни кечга қолмай анави акангга олиб келиб берасан, —

Кесакполвон шундай деб эшик томонда турган Қозини кўрсатди. — Бу ғилайга ўхшаган гадой эмас, чўтал бер, деб олдингга бормайди. Вақтида ўзинг келиб турасан.

— Хўп бўлади, шундай қилганим аслида дуруст.

— Янги уйни кимдан сотиб олганингни биласанми?

— Бир бева экан, эри қамоқда ўлибди...

— Ўша қамоқда ўлган бизнинг одамимиз эди. Сен кўчиб кирмоқчи бўлган уйни Бек аканг қурдираётувди. Сен уни зўрлаб олибсан!

— Астағфируллоҳ! Худо сақласин, ундай эмас.

— Бир иш қилсанг, сени Худо сақлайди. Бўлмасам чўтал берган акаларинг билан ачомлашиб ётасан.

— Нима қилай, айтинг.

— Уйнинг хат-ҳужжатларини тўғирладингми?

— Ҳали тўла бўлгани йўқ.

— Гап шу: уй эгасида қолади. Уларни шу ҳафта ичи ўзинг кўчириб қўясан. Ҳа, яхши ният билан эски уйни бузиб, янгисини қуришни бошлабсан, а? Энди, хўжа, савоб қилсанг бутун қил, шу ишни ўзинг охирига етказиб қўй, Бек акангни би-ир қувонтиргин... Ҳа, агар анави бева хотин ғиди-биди қилса, Шариф акахонимдан қарзим бор эди, дейсанми, хуллас, бир нима деб тинчитасан. Хўш, нега жим қолдинг, иш пишдимми?

Маъмурхўжа ичидан қиринди ўтаётган бўлса-да, жилмайишга ҳаракат қилиб:

— Пишди, акахон, пишди, — деди.

— Қани, мен билан элликта-елликта оласанми?

— Сиз билан олиш биз учун бахт акахон, лекин жигарнинг сал мазаси қочган, парҳездамиз.

— Жигардан қўрқма, ишдан чиқса янгисини қўйдириб бераман. Парҳезман, деб юриб яна ҳез бўлиб қолмагин.

Кесакполвон бўш пиёлага ароқ қуйди-ю, лекин узатмай «ол!» деган маънода имо қилди.

Маъмурхўжа бу марҳаматдан ийиб кетгандай қуллуқ қилди-да, бир кўтаришда пиёлани бўшатди. Газак таклиф қилинмагани учун лабини чапиллатиб қўя қолди.

— Ҳа, ўғил бола! — деди Кесакполвон уни эркалагандай.

Маъмурхўжа ҳозир ҳовли-жойини шу бир пиёла ароққа алмашгандай эди. Агар шайтон йўлдан уриб шу фикрини Кесакполвонга айтсами, у шубҳасиз «Йўқ, акаси жонидан, сен уйни ўзингнинг, бола-чақангнинг жони эвазига беряпсан», деган бўларди.

Кесакполвон ўлжасининг вужудини қандай ғам-алам куйдираётганини билиб турарди. Унинг тилидан камдан-кам ҳолларда «Худога шукр» деган калима учарди. Агар кўнглида Яратганга шукроналик туғилса, биринчи галда берган бойлиги учун эмас, балки бу дунёда кўрқоқларни яратгани учун айтиш керак эди. Кўрқиб-кўрқиб тўпланган бойлик қуши кўрқув туфайли қўлдан учарди.

— Энди сен боравер, — деб марҳамат қилди Кесакполвон. — Молдан айрилдим, деб ичинг кетмасин. Бола-чақангнинг бош-кўзидан садақа. Садақа қилиб туриш керак-ку, тўғрими?

— Ачинган номард, акахон, менга буюрмаган экан, эгасига буюрсин.

— Вей, ғирт ўғил бола экансан, менга ёқдинг! — деди Кесакполвон суйган отанинг меҳрли овози билан. Кейин пиёлага яна ароқ қуйди: — Жуфт қилиб кета қол. Сен хўжа, бошқа бир иморат сол, уй тўйингга ўзим той ясатиб бораман. Отарчиларнинг хўррози ҳам менинг бўйнимга. Қани, қўлни ташла!

Қўл ташланди. Ароқ ичилди. Уй қўлдан кетди. Жон фойдага қолди.

Маъмурхўжа кўчага чиққач, чуқур-чуқур нафас олди. Аввалига хўрлиги келди. Кейин боши-кўзидан қилинган садақа эвазига жонлари омон қолганидан шукр қилди.

Кесакполвон Асадбекнинг сўнги буйруғини шу тарзда, ўзининг номини ўртага қўйиб, хамирдан қил суғургандай осон ҳал этди. «Бу ишдан раҳмат келса ҳам, лаънат келса ҳам Асаднинг ўзига ураверади», деб ўйлади у Маъмурхўжа чиқиб кетгач.

Ишни осон ҳал қилгани билан Селимнинг ҳузурда бошлаган кўнгилашлиги тарқамади. Болалиги етимликда ўтган бу одам шу кунга келиб, ёнидаги энг яқинларидан ажраб яна етим ҳолига тушганини англай бошлади. Чувриндининг ўлими, Асадбекнинг ундан узоқлашуви уни ёлғизлик саҳросига ҳукм этди. «Асадбекни мен одам қилганман», деб юрвчи одам Асадбексиз яшаши қийинлигини била боргани сайин бу ҳақиқатни тан олмасликка тиришарди.

Қози кўтариб кирган бир лаган мошкичирининг ҳиди иштаҳасини қитиқлаб уйғотди. Уч-тўрт қошиқ егач:

— Дум солмадингми? — деб сўради.

Бу танбеҳни эшитган Қози оғзидаги луқмани чайнашни ҳам, ютишни ҳам билмай, бақрайиб қолди. «Хўжайин, ўтган сафар «каланг борми, мошкичирига ҳам дум соладими?» деб урушувдингиз-ку?» дея олмади. Чала чайналган луқмани ютиб:

— Бозорда тузукроғи учрамади, — деб қўя қолди.

— Оғзингга пашша қўндириб ётсанг, сенга яхшисини олдириб қўйишади, — Кесакполвоннинг бу танбеҳи жавобсиз қолди.

Шоир «Ҳар нимага ғам ема — ғам кўп дурур, айш бирла ўзни овутмоқ керак», деган экан. Гарчи Кесакполвон шоирнинг бу ҳикматидан беҳабар бўлса-да, ўзни овутмоқ чорасини излади. Ўйлай-ўйлай бу фароғатни Ойсанамнинг қўйнида кўриш мумкин, деган қарорга келди. Ойсанамдан ёш, ундан чиройли ва ишвалиларга эмас, айнан унга кўнгли чопаверишидан ўзи ҳам ажабланди.

## XVIII б о б

### 1

«Фараон, сен ваъдангда турмадинг» — деди «Қассоб» худди аждаҳо каби оғзидан ўт пуркаб. Бу ўт маёр Солиевнинг юзига урилиб, ҳароратидан нафаси қайтди.

«Ўлимингга мен айбдор эмасман, — деди Солиев, — Ўзинг ҳукм чиқариб, ўзинг ижро этдинг. Таслим бўлганигда бошингга бу кўргулик тушмас эди».

«Тирик қолармидим?» — деб сўради «Қассоб» яна ўт пуркаб.

«Ҳеч бўлмаса яна бир-икки ой яшардинг».

«Ўлимни кутиб яшашнинг қанчалик оғир эканини сен билмайсан. Мен ўзимнинг қисматимни энгиллатдим. Сени эса ўлимни кутиб ётишга ҳукм қилдим. Истасанг, бу кўргуликдан озод қиламан».

«Қассоб» шундай деб ўт пуркашдан тўхтамай, унга яқинлашди. Бу ҳарорат Солиевнинг бутун вужудини кўйдириб, бўғила бошлади. Кўкрагида санчиқ туриб, сесканганича кўзларини очди. Яқиндагина ҳамшира билан томирига игна санчиб, томгич дорини қўйган эди. Касалхонада ҳушига келганидан бери кўргани — шу томгич дори. Чалқанчасига ётганича дори томчиларига тикилади. Баъзан шу томчилар унинг бекатда учиб чиқиб кетган жонини аста-аста қайтараётгандай туюлади. Кайфияти тушкунлик тўрига ўралганида эса бу томчилар худди ёруғ дунёда қолган кунларини бир-бир санаётгандай бўлади. Ҳозир ҳам шундай бошланди. Хаёлини чалғитиш учун томчиларни санаб ётиб, кўзларига уйқу илинибди. Кўзлари уйқуда бўлса ҳам дахлиздаги овозларни эшитиб турарди. Ана шу ҳолда туш кўрибди. Тушида «Қассоб»нинг «онамни ўлдиришга ваъда берган эдинг, нега ваъдангни бажармайсан?» деб даъво қилавериши ғалати эди. Назарида бекатдаги воқеадан сўнг шу ёшга етгунига қадар кўрган-кечирганларининг ҳаммасини унутган, хотирасида фақат «Қас-соб»гина қолгандай эди. Солиев дастлаб бу хотирадан қутулишга уриниб ҳам кўрди. Лекин бу одамхўр одамнинг турқини кўз олдидан ҳайдай олмагач, «бунинг шифоси — вақт, бора-бора хаёлимдан чиқади», деб ўзини овутди. У фақат бир нарсага тушуна олмас эди. «Қассоб» ундан онасини ўлдиришни эмас, ўзини одамга ўхшаб кўмдириб, гўрига бут қўйдиришни илтимос қилган эди...

Қуш уйқусидан уйқонган Солиев кўкрагидаги санчиқни, вужудининг ловуллай бошлаганини ўткинчи, деб ўйлаб сабр қилди. Кейин ҳамширанинг «Бу янги дори, амаки, озгина чақади, агар ёқмаса, дарров айтинг», деган гапини эслаб, чақирув тугмасини босди. Ҳамшира кирди-ю, Солиевнинг бетларидан қон қочганини кўриб, «Нима бўлди?» деб сўраб ўтирмай, игнани шошилганича томирдан суғуриб олди. Кейин чойнақда совуб қолган чойдан уч-тўрт хўплам қуйиб, беморнинг бошини сал кўтаргач, пиёлани беморнинг лабига тутди. Сўнгра «тилингизнинг тагига ташланг», деб валидол берди. Ҳамшира ҳар сафар шундай таъкидлайвергани учун аввалги кун Солиев ҳазиллашиб «валидолни тилнинг устига ташласа нима қилади?» деб сўраганида, у ҳазилни англамай, бунинг сира-сира мумкин эмаслигини эринмасдан тушунтирган, шундан ке-йин Солиев «ҳазилни ҳам эплай олмай қолибман», деб ўкинган эди. Ҳозир ўша ҳазилни эслаб, ҳамширани хижолатдан қутқариш учун кулимсираб қўйди. Бу кулимсираш ҳамширага чиндан ҳам далда бўлиб, дори идишларини кўтариб чиқиб кетди.

«Томирларим қонга эмас, шу дориларга тўлди,— деб ўйлади Солиев.— Энди дорига жой ҳам қолмабди...»

Икки кун олдин Ҳамдам Толипов келганида Солиевга ўриндан туриб хонада юришга ижозат берилганди. «Тўшакнинг чангалидан қутулдимми, энди Азроилга бўйин эгиш йўқ», деб ўзининг кўнглини кўтарган Солиев Ҳамдам билан анчагина гаплашиб ўтирган эди. Одамлар билан суҳбатлашишга уста Ҳамдам бекатдаги воқеадан гап очмасликка, касаллик ҳақида, тузалиб чиққанда қутилаётган ногиронлик нафақаси ҳақида сўзлашмасликка интилди. Солиев булар ҳақда гап бошлаши билан чалғитиб юбораверди. Шунга қарамай, Солиев муддаосини айтди: — «Қассоб»нинг мурдаси нима қилинган, билиб қўйгин, куйдирилганми ё кўмилганми?

— Бунинг нима аҳамияти бор?

— Кўмилган бўлса қабрига бут қўйиш керак эди.

— Фойдаси бор эканми?

— Шундан умид қилувди... — Солиев «ваъда берувдим», дейишга истиҳола қилиб шундай дея қолди.

— Фойдаси йўқ, — деди Ҳамдам, — бут Худога ишонганларга қўйилади. Бунақа одамларда дин деган нарса бўлмайди.

— Қаҳринг қаттиқ-да сенинг... — деди Солиев танбеҳ оҳангида.



Ҳамдам Толипов гапни ортиқча чўзмаслик мақсадида «На илож, турган-битганим шу менинг», дегандай елка қисиб жилмайди.

Солиев истагини унга айтганидан афсусланиб, «Зоҳид бўлганида мени тушунарди», деб ўзига ўзи танбеҳ берди.

Орадан икки кун ўтиб, Зоҳид йўқлаб келганида шу истагини унга айтди. Зоҳид Ҳамдамга ўхшаб дарров қайириб ташламади. Бир оз ўйлангандек бўлди-да:

— Сиз буни ўйламанг, тезроқ тузалиб чиқишнинг ҳаракатини қилинг, — деди.

— Истагимнинг саломатлигимга ҳеч бир дахли йўқ. Очиғини айтавер, илтимосимни бажаргинг келмаяптими?

Зоҳид устозининг ранжиганини сезиб, вазиятни юмшатиш ниятида кулимсиради.

— Сиз айтасизу мен йўқ дейманми... Лекин...

— Ҳа, сенда ҳам, Ҳамдамда ҳам ана шу «лекин»лар кўп. Оналаринг сенларни ана шу «лекин»лар устига туққан.

— Бўпти, «лекин-пекин»сиз бажараман, — деди Зоҳид яна кулимсираб.

— Йўқ, энди «лекин»инг ичингда қолмасин, айт, мен билай.

— Менинг устозим, — Зоҳид «устозим» сўзига алоҳида урғу берди, — доно одамлар. Устозим «Касбимиз нозик, жиноятчининг оҳ-воҳига қулоқ солиб, раҳминг келса, унга шафқат кўзи билан қарасанг, ундан жабр кўрганга хиёнат қилган бўласан», деб қулоғимга қуйганлар. Ўзининг гапларини шогирдининг тилидан эшитган Солиев кулимсираган бўлди.

— Сенларнинг қулоқларинг ҳам ўз фойдаларингга ишлайди. Менинг у гапим жиноятчига нисбатан айтилган. Мен «одамгарчиликни биратўласи йиғиштириб қўй», демаганман. Менга қара, сенам бу касалимга бекатдаги ўша воқеа сабаб деб ўйлайсанми?

— Билмадим... ҳар ҳолда...

— «Ҳар ҳолда»нгни қўй. Ҳамма шунақа ўйлаяпти. «Бомбадан кўрқиб инфаркт бўлган», деяпти.

— Бунақа ўй умуман хаёлимга келмади, бошқалардан ҳам эшитмадим. Ўзингиз ҳам эшитмагансиз, илтимос, шунақа гумон қилманг.

— Эшитмаган бўлсам ҳам одамларнинг кўнглидан қандай гаплар ўтишини ҳис этаман. Кўл томчилардан тўпланадими? Тўпланиб-тўпланиб кейин тўғонни суриб ташлайдими? Менинг касалим ҳам шунақа. Тўғри, кўрқдим, тан оламан, лекин...

— Келинг, бошқа гаплардан гаплашайлик.

— Бошқа гапларни бошқа одамлар билан гаплашаман. Ҳамма ҳам мени тушунавермайди. Сен юраги сиқилиб қолади, деб кўрқяпсанми? Ё инфарктдан кейин мияси айниб қолган, деб ўйлаяпсанми?

Зоҳид ўзини оқлаш мақсадида эътироз билдиргиси келса ҳам сукут сақлашни маъқул кўрди.

— Мени ишимиздаги адолатсизлик еди. Ҳали у катта тоғанинг, ҳали бунисининг кўнғироғи билан қанча «иш»ни ёпганимни сен билмайсан. Ҳар ёпганимда жабр-ланувчига хиёнат қилдим. Ҳар ёпганимда юрагимнинг бир томири узилаверди. Буйруқ берган одамни ҳеч ким билмайди. «Пора олиб, «иш»ни ими-жимиди қилди», деб мени қарғайди. Мен шу қарғишларга қолдим.

— Қарғишлар ўша буйруқ берганларга тегади, — деди Зоҳид.

— Йўқ, — деди Солиев, қатъий тарзда. — Ижро- чи — менман. Иймоним ожиз эканки, бўйсунибман. Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизликнинг оқибатларини кўрсатиб туриш керак, деб ўзимни алдаб юрдим. Ким айтгани эсимда йўқ, бир донишманд «Адолат кучли, куч эса адолатли бўлиши керак», деган экан. Менинг ишларим бошқачароқ бўлди: кучсиз адолат ва адолатсиз куч — икки даҳшат мураса қилди. Сенинг ҳам бошингдан ўтяпти бу. Лекин бу даҳшатларнинг ҳам ўладиган куни бордир, а? Биз энг катта раҳбарнинг турли тоифаларини кўрдик. «Хўжа-йин бизни гипноз қилиб қўйди», деганини ҳам, «жанжал қулупнайдан чиқди» деганини ҳам кўрдик. Ҳозирги янгимиз бошқача эмиш. Кеча юқорига тааллуқли ошнам келиб умидли гапларни айтди. Қайси бир мажлисда каттаимиз вазиримизни тик турғазиб қўйиб: «одамларнинг осойишталигини таъминлай оласизми, жиноятчига

«жиноятчисан!» деб дадил айта оласизми?» деганмиш. Ишимиз шу томонга бурилаверса сен билан биз адолат нималигини кўрарканмиз.

Бундай гапларни Зоҳид ҳам эшитаётганди. Устозининг гапидан унинг кўнглига ҳам умид қуёши мўралади.

Солиев сал ҳовуридан тушгач, Зоҳиднинг ишларини сўраб-суриштирди. Зоҳиднинг баёнини, тахминларини эшитиб, сўз қўшмади, савол бермади. Ойсанамнинг уйини кузатаётган хизматчи бугун эрталаб бир хабар етказган эди. Зоҳид шуни айтганида Солиев пича ўйлаб қолди-да, сўнг сўради:

— Кесакполвонлиги аниқми?

— Агар Ҳайдар Асроров Кесакполвон бўлса, ўшалиги аниқ.

— Нимага бориши мумкин?

— Эржаева жуда гўзал жувон.

— Гўзал бўлиши мумкин. Лекин ўн олти ёшлилар билан маишат қиладиган одам чиройга эмас, ёшга қарайди,— Солиев яна озгина ўйлаб, қўшиб қўйди: — Яна ким билади, кўнгилинг қоидаси йўқ. Унда... занжир яна Асадбек атрофида боғланяптими?

— Шунақага ўхшайди.

— Унда яна «ишни ёп!» деб буйруқ берилмасмикин? Сен анави кавказликлар билан кейин қизиқмадинг, а? Нима эди, Петрашвилими? У Ленинграддаги қамоқда ўтириб буюртма бўйича одамларни ўлдириб бераверган. Камида еттита қотиллик ўшанинг бўйнида кетди. Ўйлаб топишганини қара, беш-олти соатга чиқаришади, буюртмани бажариб қайтгач, яна қамоқнинг шўрвасини ичиб ўтираверади. Мени ҳайрон қолдирган нарса — унинг бу томонларга ташланиши. Нега ташлашди? Нега ўлдиртириб юборишди? Уларнинг арзимаган ишга кўниши ҳам таажжубли.

Зоҳид «саломлашаману чиқаман», деган ваъда билан кирган эди. Ҳамшира эшикни очиб, «саломлашиш» ярим соатдан ошганини айтгач, гапни узишга тўғри келди. Петрашвилининг тақдири ҳозирги ишларга алоқасиз бўлгани учун Зоҳид у қадар эътибор бермади. Ҳолбуки, Солиев бу воқеани бекорга эсламаган эди. «Суриштириб кўр, балки бу атрофдаги қамоқхоналарда ҳам шунақа одам ўлдириб берадиганлар бордир», демоқчи эди. Гапнинг тагидаги гап маъносини Зоҳид тушунмади.

## 2

Дарё ёқасида туриб, сув остидаги қумнинг миқдорини аниқлаш мумкинми? Шунга ўхшаш, Зоҳид шайтанат оламини кўриб турса-да, унинг жиноятларини бўйнига қўйиб исбот этмоққа ожиз эди. Зоҳид руҳини азоб исканжасига олаётган ҳам айнан шу эди. Донишманд деб эканки, «Я Танграм, сен мендан «ҳузуригга қандай амаллар билан келдинг?» деб сўрайсанми? Ундан кўра «Ей бандам, сен қилган гуноҳлар маҳшар майдонига сиғадими?» деб сўраганинг маъқулроқмасми?» Аслида бу саволни иймон кўчасидан ўтмаётган бандаларининг бермоғи жоиз. Афсуским, уларнинг ноқис хаёлларига бундай ҳикмат келмайди. Келганда эди, гуноҳлари эвазига олажак жазоларидан қўрқиб, яхшилик хулқини одат қилар эдилар. Маҳшар майдонига сиғмовчи гуноҳларни кўриб, билиб турган Зоҳид ожизлигидан сиқилса-да, бугун бўлмаса эртага муддаосига етиш нияти билан яшарди.

Миркаримовнинг ўлимига доир гумонлар занжирининг бир учи Ойсанамга, иккинчиси Зариповага боғланиб турганида Кесакполвоннинг пайдо бўлиб қолиши занжирни асосан Ойсанам атрофида маҳкамлашга эҳтиёж туғдирди. Зоҳид энг аввало жасад сувга ташланишдан аввал кўмиб қўйилган жойни аниқлашга асосий эътиборини қарата бошлади: «Миркаримов қаерга кўмилган бўлиши мумкин? Кўмилган ўликни нима учун қазиб олишиб, сувга ташлашди? Бир нарсадан қўрқишдими?» Масала шу нуқтага тақалганда Зоҳид «Асадбеклар ўлдиртиришган», деган гумондан чекинади. Унинг назарида Асадбекнинг одамлари бундай

хом иш қилишмайди. Улар ўликни бирон эски гўрга тиқиб қўя қолишади, ёки бирон бир меровнинг бўйнига илворишади ёинки қалқиб, юзага чиқмайдиган қилиб чўктиришади. Унинг фикрича, бу ишни жиноят оламига эндигина қадам босган тажрибасиз одам қилган. Одам ўлдириш айтишгагина осон. Биринчи марта ўзганинг жонини олган одам маълум муддат телбага ўхшаб талмовсираб юради. Худди мурда таъқиб қилаётгандай ўзининг соясидан ҳам чўчийди. Бундай қотилларнинг қўлга тушиши осон. Қийналиб юра-юра баъзан ўзлари бош эгиб келадилар. Баъзан эса одам ўлдирилган жойга беихтиёр равишда келаверадилар, келаверадилар... Миркаримов ўлдирилгандан бери анча вақт ўтди. Қотил аввалига қўрққан бўлса ҳам, энди ўзини босиб олганлиги аниқ.

Зоҳид аввалига Ойсанамдан мутлақо гумонсирамаган эди. Унинг акасига қўшилиб ёлфон гувоҳлик бериши гумоннинг уйғонишига сабаб бўлди. Дастлаб кибр билан кутиб олиб, сўнг «акамни қўйиб юборинг», деган талаб билан келиши ҳам Зоҳиднинг диққатидан четда қолмади. Кейинги сўроқлардан сўнг Зоҳиднинг рўпарасида ажиб сурат пайдо бўлган эди: ...бир-биридан гўзал икки жувон.

...бири қонуний хотин.

...иккинчиси... «ўйнаш» деган сўзни тан олгиси йўқ. У — бўлажак хотин.

...бирининг ёнида акаси, иккинчисининг қанотида укаси...

Жувонларнинг ўзлари Миркаримовни ўлдиришмас. Ака ёки ука-чи?

Агар Миркаримов чиндан ҳам Зарипованикига келган, шу уйда ўлдирилган бўлса, қаерга кўмиш мумкин? Кўп қаватли уйларининг ҳовлисида бу ишни қилиб бўлмайди. Мурдани бутунича олиб чиқиб кетишнинг ҳам иложи йўқ. Имкон бўлган тақдирда ҳам узоқроқ ерга олиб бориб кўмилса, яна кавлаб олишга ҳожат бўлармикин? У ҳолда... ўз уйда ўлдирилганми, ўз ҳовлисига кўмилганми?

Ойсанам Эркаеванинг уйига Зоҳидни шу муаммо олиб келди. Уни сўрайдиган муҳим гапи йўқ эди. Ҳовлига киргач, атрофга ўғринча, аммо синчков назар ташлади. Унингча ҳовлининг бирон-бир ерида, бирон бир дарахтнинг атрофида чўккан жой бўлиши керак эди. Ойсанам унинг югурик назаридан хавотирланиб, чалғитиш мақсадида:

— Хўжайиним боғни яхши кўрардилар. Шу дарахтларнинг ҳаммасини ўз қўллари билан экканлар, — деб қўйди.

Зоҳид, ўғринча қараши ошкор бўлганини фаҳмлаб, ўзини сал ноқулай сизди, бироқ, сир бой бермаслик мақсадида, диққатини айнан шу дарахтлар тортгандай кўрсатиш учун жувоннинг гапини давом эттирган бўлди:

— Дидлари зўр экан...

Зоҳиднинг Ойсанам билан бўлган суҳбати эски савол-жавобдан иборат бўлди. Зоҳиднинг хабар етказилган вақт ҳақидаги саволидан сўнг яна «Винни-пух» мултфилми тилга олинди. Зоҳид ортиқча майдаламай, суҳбатни тезда якунлаб, изига қайтди. Ойсанам эса бу қисқа ташрифдан муддао не эканини англамай, гангиди.

### 3

Прокуратура терговчиси келиб-кетмасидан олдин Ойсанамнинг маҳзун кўнгли тор қафасда нола қилаётган қуш каби эди. Ғам-аламлардан фориг бўлармикинман, деб хориж сафарини орзу қилган эди, бу ҳам чиппакка чиқди. Ҳамма учун йўл очиқ бўлган Японияга бориб-келишга ижозат берилмади. «Ҳужжатларингизда чалкашлик бор экан», дейишди-ку, бироқ, бу чалкашлик айнан нимадан иборат экани тушунтирилмади. Улар изоҳ беришмаса ҳам Ойсанам бу монеликни эрининг ўлими билан боғлади.

Кўнглининг маҳзунлик тўрида нола чекишига яна бир сабаб бор эди. У Кесакполвоннинг маслаҳати билан прокуратурага борди-ю, қайтиб чиқишининг ўзидаёқ адашганини фаҳмлади. Акаси қамоққа олингани-да уйга келишиб тинтув қилишган эди. Янгасининг муҳтожликда

яшамаслиги буларга ойдай равшан эканини ҳисобга олмаган экан. Ойсанам бу терговчи ҳам бориб танишар, деган фикрда прокуратурадан чиқиб акасиникига йўл олди. Кўзга ташланиши мумкин бўлган қимматли жиҳозлар йиғиштирилиб, қудахоланикига жўнатилди. Ойсанам аввалги келганида янгаси «Ерим сенинг эрингинг касрига қолди, бекордан бекорга азоб чекиб ўтирибди», деган маънода ғишава қилган эди. Ойсанам «Сенлар менинг эримнинг соясида яйраб яшадинглар», деган гап билан узиб-узиб олмоқчи эди, лекин кичик ғалва катта жанжалга айланиб кетмасин деб тилини тийган эди. Бу сафар ҳам янгасининг минғир-минғирлари пичоққа айланиб, суюкка қадалса-да, чидади.

Акасиникидан қайтгандан кейин кўчага чиқишлардан безиб, ўзини ўзи уй қамоғига ҳукм этди. Ҳатто нон дўконига чиқишга ҳам оёғи тортмай, қўшни болаларни ишга солди.

Ерининг ўлиmidан сўнг назарида бу уй оғзи очик аждаҳога ўхшаб қолган эди. Айниқса шом қоронғулигини юрак ҳадиги билан қаршиларди. Хонадонга мавжуд барча чироқларни ёқиб қўйса-да, қоронғулик кўрқуви чекинмасди. Онаси келиб турса ҳам, ўзи онасиникига борганида ҳам бу аҳвол ўзгармас эди. Қоронғулик гўё гўрдаги эрини уйғотарди. Ҳаётлигида хўрсинмаган эри ўлганидан кейин келиб ҳар тун хўрсинарди. Ойсанамнинг уйқуси келса-да, ухлолмасди. Ширин уйқудаги ўғлига тикилиб ўтираверарди.

Бу уйда яшай олмаслигини билиб, сотишга қарор қилди, бироқ, эрининг ўлимига тааллуқли иш бир ёқлик бўлмагунига қадар қарорини амалга оширишни кейинга сурди.

Кеча, дунё кўзларига қоронғу ва тор кўринаётган дамда Кесакполвон келиб, кўнгли янада хуфтон бўлди. Кесакполвон аввалги сафар муддаосига етолмагач, уни ҳақорат қилиб чиқиб кетган эди. Ойсанам бу хорликка чидолмай йиғлаган, сўнг «сўкиб, юрагини бўшатиб олди, энди даф бўлади», деган хаёлда ўзини ўзи овутиган эди. Кесакполвоннинг яна кириб келиши уни оғир аҳволга солди. Кесакполвон ўзини меҳмон эмас, уй хўжаси каби тутиб, аввалига чой буюрди, сўнг коняк сўради. Айтганлари муҳайё бўлгач, жувонга ёнидан жой кўрсатди. Иккинчи қадаҳни узатиб, ичишни амр этди. Ойсанам ичмас ҳам, айрим замонавий аёлларга қўшилиб, чекмас ҳам эди. Қайси бир зиёфатда ўша ўзларини маданиятли санаган хонимлар даврасида сигарет тутилганда у олмаган, «вой, қанақасиз, чекмайсизми?» деган танбеҳли саволга «яқинда ташлаганман», деб жавоб бериб қутулган эди. Ҳозир Кесакполвонга бундай дея олмасди. Шу сабабли қадаҳни олиб, лабига теккизиб қўйди. Кесакполвоннинг шилқимлиги бошлангач, кўкрагидан итариб, ўрнидан туриб кетди. Бу сафар ҳам қуруқ қайтишини англаган Кесакполвон яна тилига эрк берди. Аввал Ойсанамнинг ўзини балчиққа булғаб ташлади, кейин «еринг ундай эди, бундай эди», деб тилига келганини қайтармади. Бу гаплар орасида Ойсанамга янгилик бўлгани — эрининг таксопаркда катта хатога йўл қўйиб Бек акаси олдида гуноҳга ботгани, Кесакполвоннинг меҳри-оқибати туфайли афв этилгани, яна айнан Кесакполвон марҳамати билан Ҳосилбойвачча қўлидаги заводнинг олиб берилгани эди. Бу марҳаматлар «Мавлоннинг чиройли қошу кўзлари учун» эмас, балки Ойсанамга бўлган ишқу муҳаббати туфайли экани ҳам шу ҳақоратлар орасида маълум бўлди. Кесакполвоннинг кетар чоғида «Аслида ўзинг ҳам эрингинг ёнида чиришинг керак», дегани жувонга ҳукм каби эшитилиб, оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Дастлаб ўзининг жони кўзига кўриниб, ташвишланган бўлса, кейинроқ яна «ўғлимга даф қилса-я!» деган фикр уйғониб, талвасага тушаёзди. Ҳатто «нафсинг гўрда чиригур»ни чақириб, «нафсингни қондир, аммо ўғлимга тегма!» дегиси ҳам келди. Лекин иффат қудрати кўрқув кучидан баланд турди.

Бугун уйқусиз тундан сўнг пича мизғиб, тиниқиб тургандай бўлди. Нонушта тайёрлади. Бир тишлам нон билан икки хўплам чой бу дунёда тирик яшаб юрмоқ учун кифоя қиладигандай, томоғидан бошқа ҳеч нима ўтмади. Баъзан овунчоқдай туюлувчи, баъзан эса юракни баттар сиқувчи телевизорни ёқди: зар дўппи кийган ашулачи қўлларини қовуштирганича хониш қиларди. Ойсанам бунақа ашулаларни ёқтирмасди. Ўчиргиси келди. Бироқ, бир байт қулоғига бошқача эшитилиб, аҳдидан қайтди.

Найларам, дарду алам

тортмоқдан ўзга чора йўқ...

Бу байт худди ўзининг қалби қаъридан отилиб чиққандай туюлди. Ашулачи унга ҳамдарддай кўринди: Бу жаҳонга ким келубдур Бўлмасун бахти қаро... Қўшиқ дарду алам тортмоқдан ўзга чораси қолмаган Ойсанамнинг ҳасратларини тўзитаиб юборди. Эрининг ўлимидан сўнг ўзини дунёда энг бахти қаро аёл деб ҳисоблаётган Ойсанам маъсуд кунларининг қайтишини жуда-жуда истарди. Бу истакларнинг амалга ошуви ёмғир томчиларини изига қайтариш каби эканини эса фикр қилмасди.

## ХИХ 6 о 6

### 1

Ўзбекистонда ҳукмини ўтказа олмаган қиш Томска кўчган экан. Бу шаҳар Асадбекни изғирин нафаси билан қарши олди. Асадбекни биров расман кутиб олмаган бўлса-да, изидан кимнингдир пойлаётганини ҳис этди. Унга қўлидаги суратлар йўл кўрсатиб, аввал меҳмонхонага борди. «Бугун меҳмонхонамизда жой йўқ» деган эълон осиб қўйилганига қарамай, Асадбекка энг шинам хона тегди. Унинг ихтиёрида бир неча соатча вақт бор эди, озгина дам олиб, сўнг керакли одамлар билан учрашиб, тонгда эса шу учоқнинг ўзида изига қайтмоғи зарур эди. Ювиниб, бир оз ётган бўлди. Ке-йин кўчага чиқиб, йўловчи машина ёллади-да, суратда акс этган кўчадаги уйни мўлжаллаб борди. Чамаси ўн беш дақиқа уй атрофида юрди. «Суратга ишониб, адашгандирман», деб хаёл қила бошлаганида тўр халтасига икки шиша қатик, битта нон солиб олган қария унга яқинлашди-да: «Сартарошхонанинг рўпарасидаги оқ «нол тўққиз»ни кўряпсанми, сени ўша ерда кутишяпти», деб нари кетди. Асадбекка бу эҳтиёт чораси малол келди. «Балабуха зўр бўлса ўзининг шаҳрида ҳам соясидан кўрқадими?» деб машинаси сари юрди. Кўчани кесиб ўтаётганида машина мотори ўт олдирилди. Олд ўриндиқдаги йигит қимирламагани сабабли Асадбек орқа эшикни ўзи очиб, индамай ўтирди. Машина қўзғолиб, нари кетгач, ҳайдовчи ҳам, ёнидаги йигит ҳам орқасига ўгирилмай салом бердилар. Уларнинг бу қилиқлари Асадбекка янада малол келди. Улар саломдан нарига ўтишмади, Асадбек ҳам гапга тутмади. Асадбекни шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда кутишаётган эди. Козлов салом-алиқдан сўнг Балабухани таништирди-да, Асадбекнинг ғашини келтирган эҳтиёт чораси учун узр сўради. — Биз билан алоқа ўрнатганингни ҳозирча биров билмагани маъқул, — деб изоҳ берди Балабуха.

Козлов оиласини паноҳига олгани учун Асадбекка миннатдорлик билдириб, Муҳиддин отанинг ҳол-аҳволини сўради.

— Уйларини ёқиб юборишибди, эшитдим, — деди у. — Айб менда, у ёққа бормаслигим керак эди. Сен оқсоқолга узримни етказ, бу ишлар тинчигач, биринчи галда уйларини қурдириб бераман.

— Шарт эмас, — деди Асадбек, — ота энди у ёққа қайтиб бормайдилар.

— Барибир узримни етказ. Бизнинг ўйинимиз деб яхши одамлар жабр чекмасликлари керак. Охирги вагонни деб иккаламиз кўйиб қолдик, Бек. Унинг ҳаққи тўлалигича менинг бўйнимда, тийин-тийинигача тўлайман, хавотир олма. Истасанг... оиламни гаров сифатида ушлаб тур. Бу гапдан сўнг Асадбек Козловни биринчи марта кўраётгандай қаттиқ тикилди. Балабуха эса «Бу таклифга қандай жавоб бўлар экан», деган ўйда Асадбекка зимдан қараб ўтирарди.

— Сен эсингни еб қўйибсан, Лёша, — деди Асадбек Козловдан кўзларини узмай. — Агар оилангни шунақа арзон-гаровга қўйишингни билганимда уларни бир соат ҳам ушлаб турмас эдим. Гаровга қўйинг бор экан, Хонгирейга бериб юборавермайсанми? Нима қилардинг уларни сарсонликка гирифтор этиб.

Асадбекдан айнан шундай танбеҳ кутган Козлов жилмайиб, миннатдорлик сифатида уни аста кучди.

— Сен ҳақсан, — деди Балабуха. — Ҳаммамиз шундай бўлишимиз керак. Пул — топиладиган, йўқотиладиган нарса. Оила эса — муқаддас! Менинг хотиним, фарзандларим йўқ. Мен ёлғизман. Шу туфайли оиланинг беқиёс даражада муқаддас эканини мен сенлардан яхшироқ биламан. Бек, мен сенга қойилман, чақирувимизни тўғри тушуниб, манзилни адашмай топиб келдинг. Тбилиси орқали келганинг ҳам менга маъқул бўлди.

Асадбек Тбилисига қандай мақсадда кириб ўтганини тушунтириб ўтирмади.

— Алексей Петрович билан маслаҳатлашиб, кучларни бирлаштириш қарорига келдик, — деди Балабуха.

— Қайси кучларни, нима мақсадда, кимга қарши?

— Хонгирейга қарши, — Балабуха «Жавобим сени ажаблантирдими?» дегандай Асадбекка саволмуз қаради.

Унинг мақсадини англаб тургани учун ҳам Асадбек жавобдан таажжубланмади. Қўшимча савол ҳам бермади, мезбоннинг гапини ҳам бўлмади.

— Хонгирей қоидани бузиб ўйнапти, — деди Балабуха. — Чегарадан чиқаверадиган одам жазоланиши керак. Сен бизларга қўшиласанми?

Асадбек Козловдан элчи келиб, Томскка отланганида Хонгирейга тааллуқли бирон гап чиқишини кутган эди. Аммо кучларнинг бирлашуви ҳақидаги гап унинг учун янгилик бўлди. У фурсати келганда Хонгирейни жазолашни истарди, аммо шу кунларда очилажак урушга тайёр эмасди, аниқроқ айтилса, бундай истак йўқ эди унда. «У ёқда Илико тиш қайрапти, бу ёқда булар. Икки ўртада менинг вазифам нима бўларкин? Булар бир-бирларининг мақсадларидан хабардормиканлар?» Асадбек Козловни яхши билгани, унга ишонгани билан сир айтишни маъқул кўрмади.

— Қайси кучлар бирлашиши керак? — деб такрор сўради Асадбек.

— Мен, Алексей Петрович ва сен. Ҳозирча шуни билсанг етарли.

— Менда ҳозир куч йўқ, ўйиндан чиққанман. Ҳамма иш шеригимнинг бўйнида, — деди Асадбек.

— Ҳайдарми? — деб ажабланди Козлов. — Сен унга ишондингми?

— Унга Хонгирей ишонди, шунинг ўзи кифоя.

— Сен адашибсан, — деди Козлов.

Асадбек у билан баҳслашишни истамай, хотиржам равишда:

— Баъзан адашиб туриш ҳам керак, — деб қўйди.

— Баъзан мумкин, лекин ҳозир хато қилишга ҳаққинг йўқ, — деди Балабуха.

— Хонгирей Ҳайдарга ишонган бўлса... демак, шеригинг қорадорига аралашибди, — деди Козлов бир оз ўйчан тарзда, сўнг нимадир эсига тушгандай Асадбекка савол берди: — Ҳалим дегани сенинг йигитинг эмасми?

Козловнинг бу саволи Асадбек учун кутилмаган бўлди:

— Ҳа, унинг изини йўқотиб юрувдим.

— Изини Красноярскдан топасан, — деди Козлов маънодор оҳангда, кейин изоҳ берди: — Ҳалиминг наркокурер эканини билармидинг? Уни милитсияга рўпара қилишган. Милитсия уни менинг уйимда кутиб, шу ерда қамоққа олган. Ҳозирча у ҳеч кимнинг номини тилга олмаган.

— Истасанг, биз уни қутқариб олишимиз мумкин, — деди Балабуха.

— Йўқ, истамайман, — деди Асадбек, — Ким юборган бўлса, ўзи қутқараверсин.

— Гапинг тўғри, — деди Балабуха, — биз қутқарсак, уйга борганида омон қолмайди. Яхшиси озгина чидаб ўтиргани маъқул. Улар бир ўқ билан икки қуённи уришмоқчи. Биттаси — наркокурерни рўпара қилиб, милитсиянинг кўнглини олишди. Энди бу ёғи кўкчи-роқ — бемалол келиб кетаверишади. Иккинчиси — энди қадрдонимиз Козлов жанобларини милитсия ҳам қидиради. Эрта-индин иттифоқ қидируви эълон қилинса мен ажабланмайман. Мўлжаллари ёмон эмас, а? Красноярскда «Шурка лўли» дегани бор, эшитганмисан? Қорадорига ишинг

тушмаган бўлса, уни танимайсан. Унинг бутун уруғ-аймоғи яралганидан бери от ўғриси бўлган. Бобоси Колчакдан от ўғирлаб қизилларга сотаркан, қизиллардан ўмариб, колчакчиларга пулларкан. Охири Колчакнинг қўлига тушиб осилган экан. Красноярскда граждандар уруши қаҳрамони Макар Квасов номидаги кўча бор. Макар — Шурка лўлининг ўша ўғри бобоси. Бир юмалаб қаҳрамонга айланган. Шурка лўли ҳам бир юмалаб от ўғрисидан «наркобарон»га айланди-қўйди. Алексейнинг илдизига аслида ўша болта урди. Мен кўп айтдим, лўли билан пачакилашма, дедим. Хонгирейнинг иши энди шу билан пишяпти. Сенинг шеригинг ҳам шу занжирнинг бир ҳалқаси. Ўйиндан чиқдим, деб хомтама бўлма, бизнинг ишимизда фақат ўлган одам ўйиндан чиқади. Одам йўқми, демак, муаммо ҳам йўқ. Сел келса, барчани баравар олиб кетади. Бу киши ўйинда йўқлар, деб ўзани ўзгартирмайди. Сен таклифимизга ҳозир жавоб берма. Ўйлашинг учун фурсат етарли. Биз — ўғрилармиз, ҳалол одамлармиз, сен буни яхши биласан. Ўйинга қайтганингда сенга учрашган йигит яна ҳузурингга киради. У Алёшанинг оиласини бу ерга олиб келиши керак. Сен эҳтиёт чорасини қилиб қўй. Эрталаб Тбилисига учмоқчимисан? Яхши. У ердан Москвага уч. Хонгирейнинг отаси ўлган, кўнгил сўраб қўй. Ҳозир бу ҳам муҳим. Балки... бирон нима деб гапидан илинар. Пайти келганда сени яна йўқлаймиз. Шу билан ишга доир масалага яқун ясашиб, учрашувнинг зиёфат қисми бошланди.

## 2

Москвага учиб келган Асадбек уйга қайтиш чорасини қилиб қўйгач, Хонгирей билан боғланди. Хонгирей қадрдонини орзиқиб кутиб, ниятига етган бахтиёр одам оҳангида гаплашиб, учрашиш нияти борлигини, уч соатдан сўнг «Будапешт» ресторанида кутажани билдирди. Уч соатдан сўнг Асадбек Москвадан учиб кетиши лозим эди. Хонгирей буни билиб туриб атай шу соатга белгиладими ё тасодиф бўлдими — Асадбекка қоронғу эди. «Барвақтроқ учраша қолайлик», деб илтимос қилишни ўзига эп кўрмай, кўнди.

У белгиланган вақтдан беш дақиқа аввал борди. Хонгирейнинг йигити уни кутиб олиб, одамлардан холи бўлган кичик хонага бошлади. Ўн кишига мўлжалланган стол усти дид билан безатилган эди. Буни кўрган Асадбек «яна бошқа одамлар ҳам бор экан-да», деб ўйлади. Хонгирей роппа-роса бир соат кечикиб келди. Ресторан хизматчисининг «нима буюрадилар», деб кириб тургани ҳисобга олинмаганда Асадбек ёлғиз ўтирди. Хонгирей кечикканининг сабабини ҳам айтмади, узр ҳам сўрамади. Асадбек билан қучоқлашиб, юзини юзига босиб омонлашди-да, ўтиришга улгурмай, амрга маҳтал турган хизматчига «қуй» деб имо қилди. Хизматчи икки қадаҳни тўлдиргач, Асадбекка «гапирасанми?» дегандай қаради. Асадбек телефонда таъзия билдирган эди, ҳозир ўша гапни такрорлади:

— Отангни худо раҳмат қилсин.

— Ҳа, албатта. Қани, ол! — Хонгирей шундай деб қадаҳни олди-да, ҳаволатиб чўқиштиргач, бир кўтаришда бўшатди.

Асадбек Кесакполвоннинг «мусулмончилиги бор-да шу йигитнинг» деган гапини эслаб ёжиниб қўйди.

— Ичмайсанми? — деди Хонгирей.

— Бизда таъзияга келганлар ичишмайди, — деди Асадбек.

— Аҳмақона одатларинг кўп сенларнинг. Ўлган одам ўлиб кетди, сен тирикларни ўйла.

— Хонгирей! Ўзимга тегишли даъволарингни гапирсанг гапир, аммо одатларимизни ҳақоратлама. Биз — ўзбеклармиз, одатларимизни ҳамма нарсдан устун кўрамиз. Индамас, мўмин экан, деб бошга чиқувчилар кўп янглишишган.

Асадбекка Хонгирейнинг гапи қанчалик ёқмаган бўлса, Хонгирей ҳам унинг айниқса сўнгги жумласидан шунчалик аччиқланди. Аммо сўхбатни асабий тарзда бошламаслик учун сир бой бермади.

— Мен чиройли гапиришни билмайман, жон қардош. Кўзимга аҳмақона кўринган нарсани

аҳмақона деявераман.

— Чеченларда аҳмақона одатлар йўқми?

— Ў, қардош, сен энди майдалашма. Бу биз талашадиган нарса эмас. Буни ана, файласуфларга, шоирларга қўйиб бер. Сен мени чечен, ўзингни ўзбек деб ажратма, сен билан менинг миллатим бир, биз битта оламнинг фуқароларимиз. Фарқимиз фақат бир нарсада — сен қиморбозсан, мен ўғриман!

Хонгирейнинг тилидан учган бу сўзлар ҳақиқат бўлса-да, Асадбек буни тан олгиси келмади. Агар Хонгирей фикрини давом эттириб «сен билан менинг борар ерим ҳам бир — дўзах» деганида Асадбек буни ҳам тан олгиси келмас эди. Кимдан эшитгани ёдида йўқ — Жалилми ё Собитхонми, ё бошқасими, «дўзах қават-қават бўлади. Одам гуноҳларининг миқдорига қараб жойлашаверади», деган эди. Агар дўзах ҳақида сўз очил-са Асадбек шубҳасиз: «Ей Худо, дўзахга лойиқлигимни биламан, фақат мени бу мараз билан бир қаватга қўймагин, майли, мени энг тубан, энг азобли қисмига ташлагин, бу итдан тарқаган билан бирга бўлмасам бас», деган бўларди. Агар одамларга эмас, ўз нафсига зулм қила олиш саодат эканини билганида эди, Яратгандан бошқа нарсани сўрарди, «Ожиз иймонимга қувват бер, бу оламнинг фуқаролигидан чиқариб Ҳидоят йўлига бошла, дўзахда у билан учраштира», деб муножот қилган бўларди. Иймонига қувват киргач эса, «бу биродаримга ҳам ҳидоят бер, уни дўзахилардан қилма», деб дуолар қилиши мумкин эди. Афсусларким, бу каби дуолар унга бегона эди... У ўзини банда сифатида Хонгирейдан устун қўяди, зулмдан кўра шафқатга яқинларданман, деб ҳисобларди. Вақтики келиб, зулм билан шафқат тарози паллаларига қўйилганда қандай ҳолат юзага келмоғини тасаввур эта олмасди. Бировга адолат қилиш, бошқасининг ноҳақ сотилган уйини қайтариб бериш савоблари шафқат палласининг оғир келишини таъминлайдими ёки йўқми, буни сизу биз билмаймиз. Бу ёлғиз Оллоҳнинг ўзига маълум.

Ҳозир эса икки гуноҳкор банда бир-биридан нафратланиб ўтирибди.— Бек, — деди Хонгирей асосий мақсадга ўтиб, — сенинг одамнинг менга хиёнат қилди. Мен жуда каттага тушдим. Асадбек гап Ҳалимжонга тақалганини англаса ҳам, тушунмагандай елка қисди:

— Қайси одамим? Қанақа хиёнат қилди?

— Ҳалим деган одамнинг борми? У анқов катта мол билан қўлга тушган.

Асадбек кулимсиради.

— Мен кулгили гап айтдимми?

— Агар арава қуласа олиб ташланган эски мурват айбдор бўладими ё янги қўйилганими? Хонгирей ўзининг гапини эслаб, ғижиниб қўйди.

— Аввалги учрашувимиздан кейин, — деди Асадбек гапини давом эттириб. — Мен бутун ҳокимиятни, шунинг орасида одамларни ҳам Ҳайдарга топширганман. Ҳалимнинг қаёққа, қанақа мол билан борганини билмайман.

— Наҳот билмасанг? — Хонгирей унга киприк қоқмай тикилди.

— Билмайман княз, билишни ҳам истамайман.

— Агар хоҳласанг у болани чиқартириб юбораман.

— Хоҳламайман. Бу сенинг ишинг. Сен билан иш ҳақида гаплашишни истамайман. Мен сени тўйга таклиф этгани келятувдим, йўлда отангнинг ўлганини эшитдим.

— Кимдан эшитдинг?

— Анзор «Анаконда»дан.

— Тбилисига нега бординг? Анзорда ишинг бормиди?

— Мен Анзор билан ҳеч қачон бирга иш қилмаганман. Ҳозир ҳам чатоғим йўқ. Мен Суликонинг бобосини тўйга айтгани бордим. Таъзия ҳам билдирдим.

— Мен тўйинг ўтиб кетди, деб ўйлабман.

— Биз дўстларсиз тўй қилмаймиз.

— Сен мени дўст деб биласанми? — Хонгирей захарли кулди. — Раҳмат, раҳмат. Мендан аразлаб душманга айлангандирсан, деб ўйловдим.



— Мен аразлайдиган ёшдан ўтганман.

— Умуман, Бек, сен бекорга четга чиқдинг. Чин дўст бўлиб ишлайверсак бўларди. Сен мени тушунмадинг. Боболаримга қилич солганларнинг зурриёдини қора дори билан «сийлайман».

Сенлар ҳам жабрдийдасанлар-у, аммо сенда ғурур йўқ.

— Сен ҳали қилаётган ишларингни ғурур деб ўйлайсанми?

— Сен-чи? Нима деб ўйлайсан?

— Бегуноҳ одамларни қириш ғурурга кирмайди, ёвузлик бўлади. Сенинг қорадоринг кофирни мукулмондан, славянни чечендан ажратиб ўтирмайди. Сен ғурур деб ўзингни алдама, менга ҳам таъна қилма. Ўзинг сўрадинг, энди очигини айтаман, ранжима, сен айтган ғурур — оқиб келадиган пул, бошқа нарса эмас. Пул оқиб келмаса ғуруринг ҳам сўнади. Сен адашяпсан, княз, оқибати яхши бўлмайди.

— Ҳм... оқибатни сен белгилайсанми?

— Йўқ.

— Ҳа яхши, кўрамиз. Очиқ гапирганинг учун раҳмат. Бу гапинг чиндан ҳам дўстона бўлди. Мен оқибатни сен билан бирга кўришни истардим. Менинг ҳақлигимни сен ҳам кўр. Унгача ўлиб қолма. Бек, хўпми? Қани, энди тўйинг қачон, айтмайсанми?

Асадбек тўй кунини айтгач, Хонгирей узун ҳуштак чалиб қўйди:

— Ўша куни мен Полшада сайр қилиб юрган бўламан. Менинг амаким Краковни озод қилишда ҳалок бўлган экан, отамнинг васияти билан кетяпман. Се-нинг тўйингга эса... Маматбей боради. Ранжима, жон қардош.

Хонгирей ўрнидан туриб, Асадбекни кучди. Бир оздан сўнг меҳмонни кузатиб қайтган

Маматбейни Хонгирей норози қиёфада қаршилади:

— У тўй қиляпти. Ўғиллари соғломга ўхшайди-ку?

— Унчалик эмас, мен хабар олиб турибман.

Бир туриб, бир ётяпти. Узоққа бормайди,

бу ёғи ишонч-ли.

— У анча дадиллашиб қолибди. Менга ақл ҳам ўргатди. Бунга нима дейсан?

— Княз, у эртага бутунлай синиб, чилпарчин бўлиб кетадиган одам.

Маматбей унга шу тарзда тасалли бермоқчи бўлди. Бу гаплар Хонгирейга тасалли учун кифоя қилмади.

Ясатиғлиқ дастурхон ясатиғлиғича яна меҳмон кутарди. Дастурхон Асадбек учун тузалмаган, хос меҳмонлар энди келишлари лозим эди. Учрашув вақти ҳам улар билан келишув асосида белгиланиб, Асадбекнинг «мени йўлдан қолдириш учун атай шу соатга чақирди», деган гумони ўринсиз эди. Хонгирей унинг Тбилисига учганини эшитган, бироқ, Москвага келиб, йўқлашини кутмаган эди. Шунинг учун ҳам Асадбекнинг соат нечада учиб кетишидан хабарсиз эди. Унинг аслида Асадбек билан суҳбатлашишга кўзи учиб турмовди.

Фақат ўйиндан чиққан «Ўқилон»нинг ранги-рўйини ўзи бир кўриб қўймоқчи эди. Шу сабабли жаҳли чиқса ҳам сир бой бермай, гапни кўпайтирмай унга ижозат бера қолди.

Асадбек ўтирган машина шаҳар ҳудудидан чиқмай туриб ресторанга Хонгирей кутган меҳмонлар кириб келишди. Ўн кишилиқ жойнинг тенг ярмини Хонгирей, Байгилдин, Маматбей ва ҳар балони қайтаришга шай бўлган икки соқчи эгаллади. Кутилган меҳмон — Бугай икки соқчиси билан келиб, Хонгирейнинг рўпарасига ўтирди. Ташқаридан қараган одам ўғрилар оламининг икки вакили жанжалли масалани ҳал қилишга тўпланган, деб ўйламасди. Аксинча, қуюқ зиёфат устидаги дўстлар даврасига ҳавас қилган бўларди. Давра чинакам зиёфат тарзида бошланиб, икки соатга яқин давом этди. Бир-бирларига яхши тилаклар билдирилди, латифалар айтилди. Яхши тилаклардан эриб кетган Бугай ўрнидан туриб бориб Хонгирей билан қучоқлашиб, ўпишиб ҳам олди. Ёлғон лутфу карамларнинг узоқ давом этмоғи мумкин эмасди. Давра совуй бошлагач, Бугай мақсадга кўча қолди:

— Княз, — деди у эҳтиром билан, — «Орхидея»ни очаётганимда ўзинг менга оқ йўл тилаган эдинг. Мен сенга ўхшаган чапдаст эмасман, нўноқ ўғриман. Шунинг учун ҳам ишларим тошбақа

юришда кетяпти. Яна сенинг далданга муҳтож бўлиб қолдим.

Бугай бу сўзларни шундай осойишта оҳангда айтдики, гўё Хонгирей «Прага» ресторанида ўтирмагандай, гўё Марказий банк хизматчисининг уйига бостириб кирмагандай, уни қўрқитиб олмагандай эди.

— Мен Худога бўйсунмаслигим мумкин, лекин биродарлик қонунига хиёнат қилмайман. Бизнинг орамизда мурувват қилиш йўқ, мажбурият бор. Шунинг учун бўйнига тасма таққан олифталарга ўхшаб мин-ғирламай, гапнинг дангалини айт. Мен эркаклар билан гаплашишни яхши кўраман.

— Чет билан катта ишни бошлаб қўювдим. Иш банкка тақалиб қолди, сен аралашмасанг куйиб қоламан.

Кечагина Хонгирейни бурдалаб ташлашни истаётган Бугай дардини шундай маданий тарзда баён этди. «Сен тумшуғингни тиққанинг учун ишим тўхтаб қолди, банкдан қарз ололмаяпман», деб даъво қилмади. Хонгирей унинг айёрлигига тан берди-ю, лекин эркакчасига «мен атай тўхтатдим, менинг ҳам нафсим бор», демади.

— Фойдани чамалаб кўрдингми?

— Фойда ёмон бўлмайди.

— Энди дўстим, ўғрилиқдаги биродарлик бошқа, тижоратдаги шерикчилик ўзгача, — деди Хонгирей тагдор оҳангда.

— Шартни айт, — деди Бугай. Ичида эса «биродарлик ҳақида гапирган ит сенмидинг?» деб сўкинди.

— Шахсан мен биродарликни ҳамма нарсадан устун кўяман, — деди Хонгирей худди Бугайнинг хаёлидан кечган гапни ўқигандай: — Ўғри ўғрини қўллагани учун ҳам барчанинг тақдирини ҳал этишга қудрати етади. Лекин тижоратда сарф-харажат деган гаплар бор. Менга сенинг бир тийининг керакмас.

— Шартни айт.

— Йигирма фоиз.

— Княз, унда мен икки бармоғимни бурнимга тиқиб қоламан. Менинг харажатларим кўп, сен беш фоизини ол.

— Бугай, биз бозордаги анқов чайқовчилар эмасмиз-ку, мен сен учун хизмат қиламан, керак бўлганда ҳимоямга оламан. Ўн беш.

Хуллас, чет элга чиқариладиган темир эвазига олингувчи фойданинг ўн фоизи Хонгирейнинг чўнтагига оқадиган бўлди. Унинг розилиги ўша куниёқ банкдаги Марк Абрамовичга етказилгач, Бугайнинг ишлари ҳам юришиб кетди.

### 3

Асадбекни Жамшид кутиб олди. Хонгирей билан телефонда гаплашмай туриб, уйга кўнғироқ қилган, борар вақтини бидириб қўйган эди. Орага ресторандаги учрашув суқулиб кириб, кейинги учоқда учинини эса маълум қилмаганди. Жамшид салкам тўрт соат кутган бўлса-да, «Бек ака, кечикиб қолдингизми?» деб сўрамади. Машинага ўтиришгач, Жамшид одатига кўра «Қаёққа борамиз?» деган маънода хожасига қаради. Илгарилари сафардан қайтган Асадбек кўпинча уйига эмас, идорасига борарди. У дамларда ёнида Чувринди бўларди... Асадбек Жамшиднинг қарашадаги савол аломатини ўқиб, ўша дамларни эслади. Кўз олдига Чувринди келиб юраги бир оз эзилди. Кейин:

— Уйга ҳайда, — деб буюрди. Машина ўрнидан қўзғолгач: — Сен тўғри фаҳмлаган экансан, Ҳалим Красноярга экан, — деди.

«У ёқда нима қилиб юрибди?» деб сўраб хожасини сўроққа тутиш одоб доирасидан чиқишдай туюлиб, Жамшид:

— Узоқ қолиб кетди-ку? — деб қўйди.

- Қўлига қорадори бериб, милисага рўпара қилишган. Ҳали-бери қайтмайди, бола.
- Ўзи ментлардан бўлса ҳам ўтирибдими?
- Шунга ҳайронман. Ё сен адашгансан, ё у ёқда кимлигини айтмаган. Балки бу ёққа қайтиб вазифасини охиригача етказишни мўлжаллагандир. Сен эҳтиёт бўлиб юр, Энди Ҳайдар аканг кўзига ёмон кўринган болаларни ўша ёққа рўпара қилаверади. Эсингда турсин: Красноярда «Шурка лўли» деган нарқобарон бор. Агар мол ўшанинг одамларига берилиши керак бўлса, тинч бориб, тинч келасан. Ундан бошқаси — қопқон. Ҳайдар акангни шу иш ейди. Лекин унғача беш-олти болани нобуд қилади. Сергак бўлиб юр.
- Бек ака, Ҳалиминг уйидан хабар олиб қўяйми?
- У томонга сира яқинлашма, ишинг бўлмасин.
- Жамшид «маъқул» ишорасини қилиб бош ирғади. Бир оз юришгач, йўлдан кўз узиб, хожасига қаради-да, унинг жимиб қолганидан фойдаланиб, ҳисоб берди:
- Бек ака, айтган йигитларингизнинг кимлигини аниқлаб қўйдим.
- Қайси йигитлар эди?
- Ресторандаги... айтувдингиз-ку, қизлар баҳонасида жанжал чиқарганлар.
- Ҳа, уларми? Хўш?
- Сизнинг тахминингиз тўғри чиқди. Фоҳишаларни рўпара қилиб, тентакларни каттага тушираркан.
- Ким экан улар?
- Зўрининг лақаби «Тарзан» экан. Атрофида етти-саккизта итбалиқлари бор.
- Етти-саккизта, дегин? Зўри билан гаплашдингми?
- Йўқ, аввал олдингиздан ўтай дедим.
- Бу хабар Асадбекни ўйлантириб қўйди: «Бир зўр чиқиб, етти-саккизта йигитнинг бошини қовуштирган бўлса, ёмон эмас. Битта Ҳосилнинг ўрнига янгиси келибди. Ҳозир тизгини тортилмаса, эртага бошга чиқиб олишади. Кеча ресторанда мени таниб, қочиб қолишди, эртага тап тортмасдан тўғри устимга бостириб келишади-да; «Йўлдан қоч!» дейишадими? Мен-чи? «Охирги нафасим қолганида ҳам сенларни уриб, гарданларингни синдираман», дейманми? Унда бу қуруқ гапдан ким чўчийди?..»
- Сен у болани менга рўпара қил, — деди Асадбек, — ўтирган эканми, аниқламадингми?
- «Тарзан» ўтирмаган. Отаси катталардан экан, ҳар қўлга тушганида қуруқ чиқарган. Отасининг машинасини уч марта олиб бориб урган. Биттасида машина ағдарилиб, тўрт-беш марта юмаласа ҳам ҳеч ери тилинмабди бу боланинг. Шунинг учун «Тарзан» деб лақаб қўйишибди.
- Нинага ўтирмаганми?
- Бу томондан тоза, суриштирдим. Болаларининг иккитаси қуруғидан тортар экан.
- Яхши текширмабсан. Иккита боласи тортса, ўзи четда ўтирмайди. Менга рўпара келганда кўзлари жавдираб турувди. Яна текшир.
- Хўп, — Жамшид бир оз сукут қилгач, яна хожасига қараб олди. Асадбек унинг нимадандир хавотирдалигини сизди.
- Гапинг ичингда қолмасин, айт.
- Ҳозир индамасам, барибир эртами-индин эшитасиз. Қўшнингиз Қамариддин аканинг уйни сотишлари бежиз эмас экан.
- Сен сотишини қаердан била қолдинг?
- Самад билан гаплашганларида қулоғимга чалинувди.
- Энди сабабини билдингми?
- Билдим. Қозидан эшитдим.
- Қозидан? — Асадбек ёмонликнинг нафасини сезиб, сергакланди, — Қани, очиқ айтавергин-чи?
- Қамариддин аканинг ўғиллари нинага ўтирган экан.

— Қайси бири?

— Кенжаси, уйланмагани. Сизнинг номингизни сотиб, «Бек акамнинг жияниман», деб автобазага ишга кирган экан. У ердаги лақмалар бунга ишониб, янги мошина беришган экан, бир ҳафтада уриб, мажақлабди. Бўшатиб юборишга қўрқиб, энди эски мошина бериб қўйишибди.

«Буни отаси билмасмиди? Менга бошқача гапирувди?» — деб ўйлади Асадбек.

— Бола қулоғига қарзга ботган, — деб гапни давом этди Жамшид.

«Демак, билган. Мақсади уйни сотиб бошқа уй олиш эмас, қарздан қутулиш... Мени нега алдади? Қўрқдимми? Ё уялдими?»

— Бугун Қози ота-болани чойхонага чақиртирган. Ҳисоб-китоб бўлади.

— Ҳайдар аканг биладими?

— Ҳа. Сизнинг йўқлигингизда гаплашиб олишмоқчи. Бунақада уй ҳам кетади, бола ҳам кетади.

— Жамшид хожасининг ўйга ботганини кўриб, жим бўлди, сўнг сўради: — Қозихонага ҳайдайми?

Асадбек унга ялт этиб қаради, кўзлари ёнди:

— Қозихонада нима бор?! Уйга ҳайда! — деди зарда билан.

Жамшид бу хабарни «агар аралашиб, тўхтатмасангиз, гап айланиб келиб, сизнинг номингизни булғайди», деган маънода айтувди. Асадбек аввалига «баттар бўлсин, буларга одамгарчилик қиламан, деган одамнинг ўзи аҳмоқ», деб ғазабланди. Кейин Жамшид айтолмаган фикр ўзининг хаёлига келиб, жаҳл ўтини ўчиришга уринди. «Менга чиққани бесабаб эмас. Унча-бунча бойваччанинг менга қўшни бўлишга юраги дов бермас. Айниқса бунақа гапдан кейин, биров яқинлашмайди. Ҳа... Ҳайдар олиши мумкин. Олиб менга сов-ға қиладимми?!» Шу фикрда тўхтаган Асадбек буюрди:

— Чойхонага ҳайда!

Асадбекнинг кутилмаганда қозихонага кириб келиши қозини ҳам, Қамариддин, унинг ўғлини ҳам довдиратиб қўйди. Даъвогарнинг эса ҳуши учиб, талвасага тушаёзди. Асадбек саломларга алик олди-ю, бироқ, ҳеч ким билан қўл бериб сўрашмади. Хона тўрига ҳам ўтмади. Хожасининг истагини фаҳмлаган Жамшид усти ёғ доғлари билан «безалган» стул устига кўрпача ташлади-да, пойгакка, эшикка яқин жойга қўйди. Асадбек ўтиришдан аввал айбдорларга, даъвогарга синчиклаб разм солди. Қамариддин нигоҳлар тўқнашувидан қочиб, ерга қаради. Чап юзи шилинган ўғли эса нима воқеа юз бераётганини фаҳхламаётгандай карахт ўтирарди.

Даъвогарнинг кўзлари олма-кесак терарди. «Бек аканг келгунича ё у ёқли, ё бу ёқли қил бу ишни», деган топшириқни бажараётган Қози эса ажинадан қўрқиб иштонини ҳўл қилиб қўйган бола каби сўппайиб қолган эди. Асадбек ўтириб «давом этсин», деган маънода Жамшидга қаради. Жамшид бу унсиз буйруқни кўз қараши билан Қозига етказди.

Қози аввалги шаштини йўқотган ҳолда сўроғини давом этди. Инсоф юзасидан қараганда гиёҳванд болага эмас, ота — Қамариддинга раҳм-шафқат қилинмоғи даркор эди. Ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб улғайтирганда, энди роҳатини кўраман, деб умид қилиб турганида бу аҳволга тушмоғи чиндан-да ачинарли эди. Беаёв ҳукми кутиб турган Қамаридин алҳол аламдан ўз кўксига мушти эмас, тош билан урса-да, хумордан чиқмас эди. Аксинча, қўшниси Асадбек ғазабли кўзлари билан қараш ўрнига кира солиб тепкилай бошлаганида руҳ азобидан қутуларди. Бундан бир неча дақиқа аввал ўғли калтакланганида жонҳолатда ҳимояга ташланиб, «боламини урманглар, ҳаммасига мен айбдорман», дейиши шунчаки тилдан учган нола эмас, балки қалбнинг фарёди эди. Агар Асадбек озгина барвақт келиб унинг бу ноласини эшитганида «Чиндан ҳам айбдор мана шу ота», деб ҳукм чиқарган бўларди.

Қўшнисининг ғариб кўриниши Асадбекда шафқат уйғотмади.

Қиморни ташлаган пайтлари бу ерда эмас, бошқа жойда Асадбекнинг шундай қозихонаси бўларди. Нажот истаганлар иймон мулки ғариб, нафс мулки тўла бу гўшага умид билан келишиб баъзан армон билан қайтардилар. Илтижоли боқишлар, эркакнинг кўз ёшлари,

фарёдлар, қасамлар... инобатга олинмас, қабул қилинажак ҳукмга заррача таъсир этмас эди. Ушанда Асадбек барча ҳукмларини адолатли деб ҳисобларди. Бир томоннинг қувониши, иккинчи томоннинг эса қозихона остонасини ҳатлаб ташқарига чиқиши ҳамон қарғай бошлаши эса уни мутлақо қизиқтирмасди.

Қозига қараб ўтирган Асадбек ўзининг қозилик дамларини эслади.

Қози чайнала-чайнала ҳукмини эълон қилди:

— Бир ҳафтада пул шу ерда бўлсин. Бир ҳафтадан бир соат ўтса ҳам кунига ўн фоиз қўшилаверади. Пул топилади, братан, бола топилмайди, — Қози «шу ҳукм етарлими?» дегандай Асадбекка қаради. Хожасидан бирон ишора бўлмагач, даъвогарга ҳам, айбдорларга ҳам кетишга ижозат берди. Улар хайрлашиб чиқишаётганда Асадбек даъвогарга қараб: «Сен кетмай пойлаб тур», деди.

Учовлари қолишгач, Қози «Бек ака, нарига хонада дастурхонимиз бор эди», деб илтифот қилди. Асадбек таклифга жавоб бермай, унга ўқрайиб қаради-да:

— Ҳар доим шунақа хотинчалишлик қиласанми? — деб жеркиб берди.

Қози бўйнини қисиб, ерга қаради. У яқиндагина ўзини бургут, бошқаларни чумчүк ҳис қилиб, кўзларни чўқигудай бўлаётганди. Билмади, кимнингдир қар-ғиши тегдими, ўзи патлари юлинган чумчүкқа айланди-қолди.

— Нега бир ҳафта бердинг?

Қози аввалги саволдан кейин сукут сақлай олган бўлса-да, бунисига жавоб қайтаришга мажбур эди. Фақат хожасининг мақсадини фаҳхламай гангиди: Асадбек буларга бир ҳафта камлик қилади, демоқчими ё аксинчами? Жавоб тилга келмай туриб, савол янада ғазабли оҳангда такрорланди.

— Бек ака, сизнинг ҳурматингиз...

— Менинг ҳурматимми? Сенга бир нима девдимми? Бошқаларга қанчадан вақт берардинг?

— Ҳар хил... кўпи билан уч кун...

— Буларга нега бир ҳафта бердинг, аммангнинг эримиди?

— Бек ака...

— Яна менинг ҳурматимми? Э, ўғил бола, эпласанг қил бу ишни! Бунақа ишда амма-хола, ҳурмат-пурмат деган гап бўлмайди. Ҳайдар аканг қани? — Асадбек аввалги ҳукмдорлик мартабасида туриб сўрагани учун Қози яна чайналиб қолди:

— Билмасам...

— Қозихонани ёпларинг, демаганмидим?

— Ёпганмиз... Бу... бир бўлиб қолди-да...

— Ундирганингдан кейин қанчаси сенга қолади?

— Тўртдан бири.

— Кам-ку, — деди Жамшид гапга аралашиб. — Сендан олдин милисага борган-ку?

— Худо урсин, буни билмас эдим, — деди Қози саросима билан.

— Боргани аниқми? — деб сўради Асадбек Жамшиддан.

— Аниқ. Милисадагилар «ҳурматли одамнинг қўш-нисси экан, муроса қилиб қўя қолларинг», дебди.

— Милисада бор ақл сенларда йўқ, а? Чақир анавинингни!

Қози хожасининг амрини бир зумда адо этди. Даъвогар киришга улгурмай, Асадбек уни сўроққа тутди:

— Милисага борганинг ростми?

— Ундириш қийин бўлганидан кейин...

Даъвогарнинг гапи оғзида қолди.

— Мен сендан ундириш қийин бўлдими, деб сўрамадим. Милисага бордингми?

— Бордим.

— Бу аканг пулнинг тўртдан бир қисмини олмоқчимиди? Милисага борганинг учун энди тенг

ярмини берасан. Қоидаси шунақа, ўғил бола. Сен қарз қилган одам менинг энг яқин қариндошим, аммамнинг ўғай ўғли бўлади. Менинг ҳурматим йўқми, қолган ярмидан ҳам кечиб қўя қолмайсанми?

Асадбек келмасидан аввал қўлдан кетган пулни икки баравар қилиб қайтариб олишга етишай деб турган даъвогарнинг тили айланмай қолди. «Бек ака, сизнинг ҳурматингиз олдида бу пул сариқ чақа», деса жони омон қолади, лекин «пул жигар қонидан бўлади», деганларидек, булар ўлдиришмаса-да, пулга қўшилиб жон ҳам чиқиб кетиши ҳеч гапмас.

— Қани, сен сўраб кўр-чи, менинг гапимга ту- шунмаяпти бу нусханг, — деди Асадбек Қозига қа-раб.

Қози урмади-ку, лекин ургандан баттар қилиб турт-ди. Даъвогар, бир қалқиди-ю, жонҳолатда: — Майли Бек ака, — деб юборди. Ҳартугул жони қаттиқ экан, пулдан айрилса ҳам қилт этмади. Аммо кўз олди бир оз қоронғулашди.

— Пулдан осонликча кечаркансан, нима қилардинг одамларнинг бошларини оғритиб? Сен у болани қаердан танирдинг?

— Жияним билан каратега бирга қатнашган экан.

— Жиянинг ҳам қорадоридан тортиб турадимми?

— Йўғ-е, Худо сақласин.

— Шунча пулни бирданига бермагандирсан? Нима учун ҳадеб сўрайверади, деб ўйламадингми?

— Ўйладим-ку... лекин... ҳожатини чиқарай девдим.

— Яна қанча бола сендан қарз олиб туради?

— Энди... сўраб келишади... устига озгина қўшиб бераман. Тирикчилигим ҳозир шу...

— Сен лақма болага ўхшамаяпсан. Калланг яхши ишлайди, а? Кўзингни олиб қочма, менга тик қара. Қара, деяпман! Ҳўш, мен лақмага ўхшайманми? Ёш болаларга қорадори учун пул бериб туришингни сезмасам ҳақиқий лақма бўлардим, шунақами? Шу ишинг учун сени оёғингдан осиш керак. Болаларингнинг каттаси неча ёшда?

— Бек ака, раҳм қилинг...

— Ёшини айт.

— Ўн иккида.

— Ҳа, уч-тўрт йилдан кейин нинага ўтирсин, ке-йин биласан қарз бериш қанақалигини.

— Худо сақласин, Бек ака.

— Сақламайди! — деди Асадбек овозини кўтариб. — Сендақаларни сақлаши ҳечам мумкинмас.

Жўна, тур-қинг курсин, кўзимга кўринма! Агар бошқа касб қилмасанг, ўлдим деявер.

Даъвогар чиқиб кетгач, Асадбек ўрnidан турди- да:

— Ҳайдар акангга келганимни айтиб қўй, — деб ташқарига чиқди. Дарвозага етмай тўхтаб,

кузатиб келаётган Қозига қаради: — Бу қарорни фақат учаламиз биламиз. Қўшнимга ҳам индамаларинг, уйини сотса сотсин. Хор бўлса, бўлсин. Шунда бошқаларнинг кўзи очилади.

Асадбек шу ҳукм билан қозихонани тарк этди.

— Бу одам Ҳосилнинг сарқитларидан бўлиши керак, бир текшириб кўр. Фақат пулни эмас, қорадорини ҳам қарзга берадиганга ўхшайди, — Асадбек шундай деди-ю, аммо хаёлидаги фикрини охиригача айтмади. Унингча агар даъвогар чиндан ҳам Ҳосилбойваччага тегишли бўлса, энди Кесакполвоннинг қанотидан паноҳ излайди. Балки паноҳ топишга улгургандир, бугунги ҳисоб-китоб ана шу паноҳ остида бўлгандир. У ҳолда бугунми, эртагами Кесакполвон ўртага тушади...

Итининг феъли эгасига маълум, деганларидек, Асадбек бу сафар ҳам янглишмаган эди. Фақат муддатни белгилашда бир оз хатоликка йўл қўйди: Кесакполвон даъвогарнинг бекордан бекор жабр чекаётганини тўйдан кейин айтди.

Жалил ошнасининг буйруғига итоат этиб, Муҳиддин отани олиб келди. Сибирдаги номсиз-нишонсиз қабристонда ётган биродарларини ташлаб келиши руҳини парчалаганми ё ота маконнинг ҳавосига кўникиши қийин кечдимми, ҳар нечук у илгаригидек дадил эмасди. Шунга қарамай, тўйнинг дарагини эшитиб, баҳонаи узрини айтиб ўтирмасдан отлана қолди. Жалил уни тўғри Асадбекникига бошлаб келди. Манзура Чўлпоной билан Муштарийни келинсаломга олиб чиқди. Муҳиддин ота худди ўз набираларининг бахтини кў-раётгандай тўлқинланиб, кўзларига ёш олди-да, дуо қилди. Кейин Манзурага қаради:

— Раҳматли қайнотангиз «уйга қайтаман, ўғилларимни уйлантириб, келинларимнинг қўлларидан бир пиёладан чой ичсам бутун ғам-андуҳларим тарқаб кетади», деб ишонарди. Унинг бу саодати менга насиб этди. Оллоҳ биродаримнинг умрини ҳам меникига қўшиб, набира келинларнинг саломига алик олиш бахтини ҳам берди.

Муҳиддин ота шундай дегач, тиловат қилиб, ўтганларнинг пок руҳларини эслади. Тўй тадориги билан юрган ака-ука куёв тўралар ош пишгунга қадар келиб, боболарининг қиёматли биродари билан кучоқлашиб кўришдилар.

— Дунёнинг ишлари ажабтовур-да, — деди Муҳиддин ота уларни дуо қилгач, — раҳматли бобонгиз Олмонда юз очган уруш зулмидан азият чеккан эдилар. Сизлар эса унда билим олмоқдасизлар. Сизларга билим бераётганларнинг оталари ёки боболари ҳарб майдонида балки сизнинг бобонгиз билан тўқнашгандирлар, бир-бирларини танимаган, билмаган ҳолда ўлдирмоқ қасдида бўлгандирлар, валлоҳи аълам. Сизларга кўз тегмасин. Оллоҳ сизларни ҳарб майдонига рўпара қилмасин...

Муҳиддин ота бу гапдан сўнг уларга боболари ҳақида сўзлаб берди.

Палов ейилиб, дастурхонга дуо қилинганча, Жалил уйга қайтишга изн сўраганда Муҳиддин ота «Мен-чи?» дегандай унга ажабланиб қаради.

— Болалар сизга руҳсат берадиганмас, — деди Жалил отанинг мақсадини тушуниб.

— Бўтам қайтганларида келарман, — деди Муҳиддин ота.

— Уйда йигитлар бор-ку?

— Уларнинг йўриғи бўлак. Хонадон хожаси бўлмаса, қолишим дуруст эмас. Мен бирон меҳмонхонада тура турарман.

Бу гапдан Жалил «уйингизга таклиф қилмасангиз кўчада қолмасман», деган маънони уқиб изза чекди. Сир бой бермаслик учун:

— Вой отам, вой отагинамей, — деб кулди. — Бўпти кетдик бўлмаса. Сизни энг зўр меҳмонхонага олиб борай.

Муҳиддин ота унинг гапига ишонган эди. Жалил уйига бошлаб боргач, ўзининг соддалигидан кулди.

Асадбек Муҳиддин отанинг келиб, сўнг Жалилникига кетиб қолганини эшитиб, ошнасида аччиқлан-ди. Манзура бир пиёла чой ичишга даъват этса ҳам ўтирмай, Жалилникига қараб кетди. Йўлда бозор яқинида тўхташиб, Жамшид учта қоғозхалтани тўлдириб чиқди.

Асадбек Муҳиддин ота билан кучоқлашиб кўришди, ошнасига эса қўл учини берди. Ҳол-аҳвол сўралгач, кутилмаган шошқич сафар туфайли ўзи боролмагани учун узр сўради. Ана шундан кейингина Жалилга қошларини чимириб қаради.

— Ҳа, яна нима бўлди, менга захрингни сочмоқчимисан, сочавер, отам сенинг феълингни биладилар, уялма, — деди Жалил.

— Отамни бошлаб келганинг учун раҳмат. Лекин ошнажон, кулбадеккина бўлса ҳам уйимиз бор эди, ё уйимдан илон чиққан эканми?

Жалил ширингина жавобини тайёрлаб турган эди. Муҳиддин ота бунга йўл қўймай, Асадбекка ўзининг узрини айтди-ю, икки ошна орасидаги масалани оппа-осон ҳал этди. Асадбек бир поғона пастга тушиб, гинахонлигини бас қилгач, «қани, кетдик», деб ўрнидан турди. Ана шунда заҳарли сўз игналарини санчиш навбати Жалилга тегди. «Ҳа, укахон,

камбағалларнинг уйидан илон чиқдими?» деб, хумордан чиққунча гапирди. Асадбек унинг кинояли, зил-замбил гапларини тинглашдан ўзга чораси йўқ эди. Муҳиддин ота икки ўртоқнинг ғаразсиз истехзоларини, қочиримларини кулимсираганича эшитиб ўтираверди. Оқибат — Асадбек ҳали моши очилмаган мошхўрданинг пишишини кутишга мажбур бўлди.

— Отамни кўч-кўронлари билан кўчириб келавермабсан. Айтаман, деб хаёлимдан кўтарилибди, — деди Асадбек Жалилга. Сўнг Муҳиддин отага қаради. — Ота, ўзингиз тўйбошисиз, тўйдан кейин ҳам силжиш йўқ, набираларингизни дуо қилиб шу ерда яшайсиз.

— Худди отангизга ўхшаган меҳрибонсиз, бўтам. Ҳамонки бу ёқларга қайтдимми, энди киндик қоним тўкилган жойда яшай.

— Менинг бир ниятим бор, йўқ десангиз, қаттиқ ранжийман.

— Қани, айтинг-чи?

— Маҳалламиздаги масжидимиз битиб қолди. Энди унга яхши бир имом керак. Нима дединг, Жалил, отам имомлик қилсалар узукка кўз қўйгандек бўладими?

Жалил маъқул ишорасини қилишга улгурмай, Муҳиддин ота инкор этди:

— Ҳай, ҳай, бўтам, асти-астидек бўлмайдирган юмушни юкламоқчисиз. Имом — олим бўлиши керак. Бандада бунақанги илм йўқ. Мени гуноҳга ботираман, деманг.

— Жалил, сен гапиргин: иккита кичкинагина сура билан тўртта ҳадисни дастмоя қилиб юрадиган имомлар камми? Отам уларнинг олдида профессорлар-ку?!

— Асад тўғри айтяпти, — деди Жалил ўртоғини қувватлаб. — Қайси бир жумада эски шаҳардан сал наридаги маҳаллага йўлим тушиб, масжидга кирувдим. Сен айтгандақа имоми бор экан.

Нима эмиш, одамнинг сочлари антеннамиш, нариги дунёдаги тўлқинларни қабул қилиб оларканда, шунда одам туш кўраркан. Шунда ёнимдаги бир намозхон «Ие, буниси қизиқ бўлди-ку, кал бошларда антенна йўқ-ку, туш кўрмайдими?» деб мендан секингина сўради. Менинг шайтоним кўзиб, «уларнинг кал боши — параболический антенна!» деб қўя қолдим. Бемаъни гапи тугармикин, десам, Худонинг мўъжизаларидан гапира туриб «ўрик нима учун сариқ, биласизларими?» деб ўзи жавоб беряпти: нима эмиш, ўрикни кўп еган одам ичкетар бўлармиш. Шунинг учун ўрик сариқ рангда яратилганмиш.

Асадбек буни латифа сифатида қабул қилиб кулди. Муҳиддин ота эса «Астағфируллоҳ!» деб бош чайқади.

— Шундай шоҳона масжидга ўшанақа телба-тескари одам имом бўлиб келсинми? — деди Асадбек.

— Насиб қилган одам келиб қолар.

— Ҳеч бўлмаса сўфилик қиларсиз?

Бу гапдан Муҳиддин ота кулди.

— Мендақа қари одамнинг сўфи бўлганини қаерда кўргансиз? Ўзимнинг овозимни ўзим зўрға эшитаман, мен азон чақирсам масжиднинг деворидан нарига ўтмас. — Ҳўп, унда қоровул бўласиз. Жалил, сен нима дейсан? — Худонинг уйда қоровул бўлмайди.

— Оббо, сен ҳам жуда тор оласан-да. Масжиднинг ёнидан ўтадиган одамларнинг ҳаммаси Худодан кўрқади, деб ўйлайсанми? Биттасининг бўлмаса иккинчисининг кўзига гилам чиройли кўринса, буклайди-ю, олади-кетади. Ё бўлмаса Худонинг уйидан табаррук деб кўтаради. Номи қоровул бўлмаса ҳам қараб турадиган одам керак. Ҳаж қилинадиган пайт ёздами? Ана, ке-йин Ҳажга ҳам борамиз.

— «Борамиз» деганинг кимлар? — деб сўради Жалил.

— Отам, сен, мен.

— Сен? Сен Маккаи мукаррамага борасанми? Аввал пешонанг жойнамозга тегсин.

— Буниси ҳам вақти билан бўлади, ошна. Сенам туғилишинг билан намоз ўқимагансан. Маккага борилса бутун гуноҳлар ювиларкан.

— Ол-а, — деди Жалил қўл силтаб. — Маккаи мукаррама сенга ҳаммомми, гуноҳларни ювиб ташлайдиган. Сен гуноҳларингдан шу ерда қутулиб, у ёққа покиза бўлиб боришни ният қил. Бу



йил отамни юбориш керак.

Муҳиддин отанинг шундай нияти бор, сафар харажатларига лойиқ маблағи ҳам етарли эди. Шу сабабли «қўйинглар, бўтам, қўйинглар», деб баҳсга якун ясади.

Бу орада Жалилнинг хотини косаларда қайноқ мошхўрда олиб кирди.

Овқатланиб бўлиб кўчага чиқишаётганда Асадбек Жалилни четга тортиб:

— Раҳмон табибни кига ўтмадингми? — деб сўради.

Жалил шу саволни кутиб турган эди, жаҳл билан унинг енгини силтаб тортди-да:

— Худо сенга миллион бойлик берган-у, тариқча ақлдан қисган, — деди, — билиб қўй, сенинг керилишингни мен кўтараман, бошқалар ҳазм қилишолмайди. Лайчанг буйруғингни менга етказди, Бек акахон. Биз қулингизмиз-да, айтасизу кетаверасиз. Биз бажариб турамыз. Отамга раҳмат, малол олмадилар. Табибга ўзинг борасан. У мени эмас, сени даволаган, мен эмас, сен тўй қиляпсан. Сал отдан тушинг, ҳов бойвачча...

Ҳозир жавоб қайтаришининг ўрни эмасди. Ундан ташқари Жалил тўғри гапираётган эди.

## XX 6 o 6

### 1

— Тўёнани гаплашиб олсак бўларди, бирпас ўтиришга ҳам тоқатингиз йўғ-а?

Кесакполвон тўёна масаласини аллақачон ҳал қилиб қўйган: куёв тўраларга инъом этилажак иккита оқ «жигули» эгаларига маҳтал эди. Шу сабабли у хотинининг ғишавасига эътибор бермай:

— Латта-лутталарингни ўзинг биласан. Бошимни қотирма, — деди.

— Вабше тўйни неудобна пайтда қилишяпти. Чут кейинроқ суришса, Япониядан классний материаллар олиб келардим.

— Бориб айтгин, бир-икки ойга суришади. Ўзи сенга ўхшаган битта аҳмақ маслаҳатчига муҳтож юришибди.

— Фу, дарров устимдан кулишни бошлайсиз. Сизга вабше гапириш керакмас.

Хотини бурилиб чиқиб кетаётганида телефон қўнғироғи жириглаб, Қози Бек акасининг келиб кетганини маълум қилди. Бу хабарни эшитган Кесакполвон сапчиб тушаёзди. У Асадбекнинг Москвага ўтганини эшитиб, ташвишланиб юрганди. Мўлжалича собиқ хожаси эртага эрталаб келмоғи лозим эди. Барвақт келиши, устига-устак қозихонага бостириб бориши уни бир оз гангитиб қўйди. «Нега? Нега?» деган қатор саволларга жавоб излаб боши қотди. Кейин аниқ бир қарорга келолмаган бўлса-да, Асадбекни кига отланди. Манзурадани «келдилару бир пиёла чой ҳам ичмай чиқиб кетдилар, қаёққалигини айтмадилар», деган гапни эшитиб, бир пас ҳовлида юрди, сўнг кутишга аҳд қилиб, уйга кирди. «Ақлини ўзига амир, нафсу ҳавосини эса асир қилган киши қандай яхши одамдир, нафсу ҳавоси амир, ақли эса асир кишининг ҳолига вой», дегувчилар нақадар ҳақ эдилар. Кесакполвоннинг ҳаёти шоми ҳақиқат чироғи билан ёритилса, билагидаги тилла соатнинг миллари ўлими сайин илгарилаётгани яққол кўринар қолар эди. Кесакполвон боши узра сузиб юрган ўлим булутининг совуқ нафасини сезарди. Аммо шайтон ёққан чироқдан кўзлари шамғалат ғофил банда буни тан олишни истамасди. У назарида Асадбек тахтини забт этганди, бироқ бу мулк ҳали қўлга кирмаганини англамасди. Бугунми-ертами бошқа тахт тикланиб, уни ер билан яксон қилажаги мумкинлигини хавотир билан ҳис этарди-ю, бу ваҳшат селидан омон қолишни умид қиларди.

Москвадан бир балони бошлаб келиб ғимирлаб юрибди, деб ташвишланаётган Кесакполвон Асадбекнинг Муҳиддин отани бошлаб келганини кўргач, «тўй ташвишида чиққан экан», деб бир оз тинчланди. Муҳиддин отанинг ҳузурда ишдан гап очилмади. Оқсоқол намозга

турганида Кесакполвон бошига оғир кулфат тушган одам каби дардли овозда:

— Асад, маслаҳатинг керак, — деди.

Кесакполвон Асадбекнинг илгаригидай «Қани, дардингни айт-чи» дейишини кутди.

Асадбек «қозихонадаги маш-машадан гапирар», деб ўйлаб, собиқ аъёнининг гап бошлашини унсиз равишда кутди.

— Асад, — деди Кесакполвон ғамли кўринишини ўзгартирмай. — Ҳалимни бир иш билан Карсноярга юбуровдим, қўлга тушиб қолибди...

— Ҳа, тулки, — деб ўйлади Асадбек, — ишкалингнинг иси чиққанидан кейин ёриляпсанми? Масковдаги хўжайинларинг телефон қилиб айтишгандир-да, а? Қани, аравангни қуруқ олиб қочавер-чи?

Кесакполвон бир неча нафас сукут сақлаб ожиз уф тортди-да, илова қилди:

— Нима қилишга ҳайронман.

— Қанақа иш билан юбуровдинг? — деб сўради Асадбек.

— Озгина майда-чуйда олиб кетувди.

— Кўпга тушдингми?

— Гап тушишда эмас, бола нобуд бўлмасин, дейман, ҳар ҳолда сенга яхши хизмат қилиб юрувди.

— Красноялда қўлга тушган бўлса бошингни оғритиб юрма. Бу бола менга унча ёқмас эди. Иш-пиш чиқиб қолса Жамшидга буюра тураман.

— Масковга ҳам ўтибсанми?

— Хонгирейни тўйга айтай деб ўтувдим, отаси ўлибди, сен эшитмовмидинг?

— Кечроқ эшитдим. Боришнинг иложи бўлмади.

— Иккаламизнинг номимиздан кўнгил сўраб қўйдим. Хонгирей сендан хурсанд, «ишнинг кўзини биладиган» экан деб мақтади.

Икки ёлғон дўстнинг ёлғон лутфи шу тариқа қисқа бўлди. Тўйга доир бир-икки масала ҳақида бундан-да қисқароқ тарзда гаплашиб олингач, Кесакполвон кетишга тараддудланди. Асадбек «Ўтир, қаёққа шошасан», демади. Дарвозахонага қадар кузатиб боргач Кесакполвон «Бу ёғига ўзим йўлни топиб кетаман», дегандай хайрлашди. Сўнг бўшаб ётган болохонага қараб бир энтикиб қўйди.

... Ҳамма ишлари сип-силлиқ кетаётувди. Болохонадаги йигитлар қуллуқ қилиб туришарди. Хонгирей деган шайтонвачча қаёқдан пайдо бўлди, қандай қилиб суқулиб кирди?.. Энди бундан буёғи хуфтонми?..

Кесакполвон Хонгирейни «шайтонвачча» деди-ю, аммо унинг шайтони билан ўзининг йўл кўрсатувчи шайтони ака-ука эканини ўйлаб кўрмади.

Кўчада машина ойнақларини артаётган Жамшид Кесакполвонни кўриши билан ишини ташлаб, пешвоз чиқиб кўришди.

— Ҳа, эркак, акахон келдилар, деб қўйишга ҳам ярамай қодингми?

— Ўзим ҳам ярим соат олдин билиб қолдим, — деб ёлғонлади Жамшид.

— Бу ердаги ишингни тугатиб, қозихонага ўт, гап бор.

Жамшид машинани артиб улгурмай Абдусамад чиқиб:

— Кетавераркансиз, эрталаб азонда келсангиз, табибникига бориларкан, — деди.

Жамшид янги хожасининг изидан кетма-кет етиб боришни истамай, касалхонага ўтиб, отасини зиёрат қилди. Отаси унга нимадир деб ғўдиранди. Унинг мақсадини ўгай онаси тушунтирди:

— Уйга кетгилари келяпти. Ўтиришга ҳам мадорлари қолмади.

— Дўхтирлар яхши қарашмаяптими?

— Боқишлари ёмонмас, лекин уйнинг ҳавоси бошқачада.

— Эртага бир жойга бориб келишим керак, индинга ўзим келиб, олиб чиқаман.

Жамшид машинага ўтирди-ю, касалхонанинг панжара девори ортида маъюс қараб турган ўгай онасига кўзи тушиб, юраги эзилди. Отаси бу хотинга ўйланган кезлари икковини лаънатлаб

юрганини эслади. Унинг назарида отаси уйланиб, онасининг руҳига улуғ хиёнат қилган эди. Отаси кўз очиб кўрган аҳли аёлининг хотираси олдида ўзини гуноҳкор деб биларди, бироқ дардини ичига ютарди. Ўгай онаси эса йигит ёшига етиб, қамоқхонанинг шўр шўрвасини тотиб кўрган ўгай ўғли ҳузурда ўзини ноқулай сезарди. Шу сабабли эр-хотин Жамшиднинг бевош юришларидан норози бўлишса-да, танбеҳ беришмади, тўғри йўлга тортишга уринишмади. Кўнгли яримта ўғилнинг кўнглига қарашга мажбур бўлишди. Жамшидни ўз ҳолига қўйиб беришларига яна бир сабаб бор эди: улар «Қамалиб чиққан йигит тамоман бузилиб бўлган, унга насиҳат қор қилмайди», деб ўйлашарди.

Кунларни, ҳафталар, ойлар, йилларни бу эр-хотин бир-бирига суянган ҳолда ўтказишди. Хонгирейнинг ҳузурдан қайтганидан сўнг Жамшидда яхшилик томонга ўзгариш сезилди. У отаси ва ўгай онасининг ёлғизликдаги ҳаётини ҳис қилди. Айниқса тўшакка миҳланган беморга ўгай онасининг меҳрибонлиги уни лол қолдирди. Отаси бу хотинга ёшлик чоғида беқиёс муҳаббати туфайли уйланиб, узоқ бахтиёр йилларни биргаликда ўтказса ҳам бу вафога ажабланмаса ҳам бўларди. Улган хотиннинг ўрнига хотин, бевош болага ўгай она бўлиб кириб келган эди бу хонадонга. Соғлом эр билан қанча яшади, неча йилдан бери касал боқади? «Тузалмас касал эрни бошимга урамани?» деб ташлаб кетиши мумкинми? Ахир ўртада фарзанд йўқ, эҳтиросли аҳду-паймон, қолаверса, мол-мулк йўқ-ку? Уни нима ушлаб турибди? Жамшид бу саволга аниқ жавоб бера олмасди. Чунки у ҳеч қанақа ўлчови йўқ меҳр-муҳаббат, одамийлик, вафо деган фазилатнинг моҳиятини англай олмасди. Кейинги пайтларда ўгай онасини кузата туриб «ойим тирик бўлсалар ҳам адамга шундай қарардилар», деган хулосага келиб, ўгай онасига муносабати ўзгарди.

Ҳозир кузатиб чиққан ўгай онасининг дардли боқишига парво қилмай кета олмади.

«Кўнгиллари бир нимани сездимиз?» деган ўй хаёлига келиб юраги «шув» этди. «Нега икки кундан кейин олиб кетишим керак? Ҳозир-чи?» деган хаёлда машинадан тушди.

— Ҳозир кета қоламиз, — деди Жамшид, — мен дўхтирга учрашиб чиқаман, сиз тайёрланиб туринг.

Отаси бир ҳафта уйда бўлса, йигирма-ўттиз кун касалхонада ётарди. Уни ҳозир олиб кетишга чоғланган Жамшид «Бўлди, энди бу ёққа олиб келиш йўқ, дўхтирлар уйга бориб боқишади», деб қарор қилди.

## 2

Жамшид отасини уйга қўйиб, кўчага чиқаётганида ўгай онаси уни остонада тўхтатди:

— Жамшиддон, — деди у синиқ овозда, — Худодан умидимиз кўп-ку, лекин... узоқ қолиб кетманг.

Жамшид тушунди. «Хўп» демоқчи эди, томоғига нимадир тиқилиб бош ирғаб қўя қолди. Қозихонага боришга оёғи тортмаса ҳам, ортиқча гап кўпаймасин, деган фикрда амрни бажарди. У қозихонага кирганда Кесакполвон ёнбошлаб олиб нок еяётган эди. Қозининг яқинида турган коняк шишасининг ҳали яримламаганига қараганда янги хожанинг маишатга кўнгли йўқроқ эди. Жамшид киргач, Кесакполвон «Кел» ҳам демади, «Бунча узоқ қолиб кетдинг?» деб гина ҳам қилмади. Жамшид ўтиргач, Қозига қараб:

— Ошнангга бақувват қилиб қуй. Ҳозир у тўйбоши, чарчагандир, — деди.

Жамшид бу гап замирида пичингни сезмагандай ўнг кафтини кўкрагига қўйиб, қуллуқ қилди. Қози кон-як қўйиб узатган пиёлани қўлга олиб «ёлғиз ўзим ичаверайми?» деган савол назари билан хожасига қаради. Кесакполвон «бирга ич» деган маънода Қозига ишора қилгач, икки оғайни акахонларининг саломатликлари учун бўшатдилар. Кесакполвон нокни еб бўлиб, лабини сочиқ билан артди.

— Сен бола, у ёқларга бориб келганингдан кейин айнидинг. Айниганингни ўзинг ҳам сезасанми? — деди у.

Жамшид унинг ўтқир нигоҳига дош беролмай ерга қаради.

— Гапирмайсанми? — деди Кесакполвон зарда билан.

— Агар хато қилган бўлсам... айтинг. Хатоларимни айтиб-айтиб тарбия қилгансиз.

— Сени Маҳмуд тарбиялаган. Маҳмуд аканг киндигини ўзи кесганлардан эди, ҳамма ақл ўшанда, баъзан ақли тошиб ҳам кетарди. Сенам акахонингга ўхшагансан. Сени, одам бўлармикин, деб ўлимдан олиб қолган эдим. Сен ниманга кериласан?

Жамшид бош эгиб, индамай ўтираверди. Кесакполвон аламдан чиқиш учун сўкишни бошлаганда ҳам бошини кўтармади. Фақат онасининг номи ҳақоратга қўшилганида бир сесканди-ю, бу жиккак одамчани янчиб ташлагиси келди. Сўкишлар поёнига етгач, тухмат саройининг дарвозалари очилди.

— Мен сенга бир иш буюрувдим, «ҳа» ҳам демадинг, «йўқ» ҳам демадинг, а? Ё эсингдан чиқдими?

Бу саволдан сўнг Жамшид бош кўтарди:

— Қайси иш эди?

— Ҳалимни текширишинг керакмиди?

— Ҳа.

— Хўш?

— Ҳали тагига етолмадим. Гапларидан милисага ўхшайди, лекин милисанинг идорасидаги рўйхатда бунақа номдаги одам йўқ. Агар милиса бўлганида ҳам бизнинг ичимизда бошқача номда юргандир?

— Мен сенга нима деб буюрувдим?

— Милисанинг одами бўлса ўлдир, девдингиз.

— Ўлдирдингми?

— Йўқ.

— Унда қаёққа ғойиб бўлди?

Жамшид Қозига қарашдан ўзини аранг тутиб қолди. Қози Жамшиднинг Ҳалимжондан гап очиб суриштирганини хожасига етказгани аниқ. Агар ҳозир унга ялт этиб қараса, фош бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳеч нарса билмагандай:

— Уч-тўрт кундан бери кўринмай қолди. Уйдан хабар олайми? — деб сўради.

— Сен уни ё чўчитиб қўйгансан, ё қочириб юборгансан. Ахир икковингнинг устозинг бир-ку, а?

— У кўринмай қолганига...

— Хўш, гапиравер, ичингда қолмасин.

— Сизми ё Бек акамми иш буюргандирсизлар, деб ўйловдим.

— Мен унга ҳечам иш буюрмаганман. У милисанинг одами эди, кўнглим сезиб турарди. Сен уни қаердан бўлса ҳам топасан.

— Хўп...

Жамшид шундай деб қутулмоқчи эди, бўлмади. Кесакполвон навбатдаги арининг уясини кавлади:

— Бек акангни нима учун бу ерга бошлаб келдинг? Бу сен аралашадиган ишмиди?

— Мен тўғри уйга олиб бордим. Боланинг онаси кеннайимга арз-дод қилиб чиққан экан.

Кеннайим Бек акамга айтдилар. Кейин Бек акам бир пиёла чой ҳам ичмай бу ёққа юришни буюрдилар.

Кесакполвон Манзуранинг шунга ўхшаган гапини эшитгани учун бу ёлғонга ишонди. Лекин бўш келмади:

— Пул берган хунасанинг милисага борганини нега айтдинг?

— Чўтал кўпроқ бўлсин, девдим...

— Ўша пулнинг ҳаммасини бўйнингга илворсам нима дейсан?

— Хатойимга яраша жазоланг, майли.

— Сен шунақа мўминтойлигинг билан ҳаммани енгиб келгансан. Бу қилиқ менга ўтмайди,

билиб қўй. Мен сени одам деб ёнимга олувдим. Ҳаммани ҳам яқинимга йўлатавермайман, биласан а? Ҳозир биз учтамыз. Учаламыз бир зўр иш қилишимиз керак. Бек аканг биринчи галда мен учун азиз, кейин сенлар учун қадрли. Агар унинг сочидан бир тола соч тўкилса, менинг юрагимда битта томир узилади. Сочи оқариб кетганини кўрганимда мен ўлиб қолай дедим. Гапимга тушуняпсанми? Бек аканг билан орамизда хусумат йўқ. Фақат у ҳозир Хонгирейга ўчакишиб, янглишяпти. Биз уни эҳтиёт қилиб сақлаб қолишимиз керак. Адашган йўлидан қайтармасак ҳаммамизга ёмон бўлади. Шунинг учун ҳам мен унинг босаётган қадамини билиб туришим керак. Бек сенга ишонади.

— Тушундим, — деди Жамшид.

Жамшид шундай деди-ю, аммо аввал ҳам айтилган бу гапларнинг нима учун қайтарилаётганига тушун-мади.

— Менга қара, сен бундай санқиб юрма, Уйлан, уй-жой қил.

— Мен бопи учраб қолса, ўзингиз бош бўласиз.

— Энди ҳалол гапни айт: Зайнабни ёқтирардинг? Ҳа, ёқтирардинг. Шунга уйлана қолмайсанми?

— Зайнабнинг эри бор.

— Эри ўлай-ўлай деб ётибди. Хоҳласанг эрталабгача ўлиб қолиши ҳам мумкин.

— Йўқ, ўлмасин, биз Зайнаб билан ака-сингил тутинганмыз.

— Зайнабнинг иккита акаси бор, сени бошига урадимми? Сен бола, маҳмаданалик қилмагин-у, таклифимни ўйлаб кўр?

### 3

Кесакполвон Элчиннинг тақдирини ҳал қилиб, Зайнаб билан Жамшидга ўзича никоҳ тўнини бичаётганида Асадбекнинг уйида ўзгача масала ечилаётган эди.

Хуфтон намозини ўқиб бўлган Муҳиддин отанинг кўзлари уйқуга мойиллигини сезган Асадбек у билан узоқ суҳбатлашмай, ётоққа бошлади. Кейин елкасига тўнни ташлаб, ҳовлига чиқди. Кўзи беихтиёр болохонага қадалди. Кимсасиз болохона сўнаётган шон-шуҳратининг рамзи сифатида кўзига хунук кўринди. Аста ўша томон юрди. Тепага кўтарилди. Чирокни ёқди. Тўртта каровот, ўртадаги хонтахта устида янги дастурхон. Атрофида тоза кўрпача. Аввал бир чиққанида димоғига сигарет тутуни ҳиди урилиб, кўнгли айниганди. Ҳозир бундай ҳид йўқ... Енгил оёқ товушини эшитиб, ўгирилди. Хавотирланиб, эрининг изидан чиққан Манзура унсиз равишда «Адаси, нима бўлди, нега бу ёққа чиқдингиз?» деб сўради. Бу саволга Асадбек ҳам унсиз равишда «Сен нега орқамдан юрибсан?» деб савол билан жавоб қилди. Кейин «Ясатиб қўйибсанми?» деб сўради.

— Тўйда ётиб қоладиган меҳмонларга тайёрлаб қўйдим. Кўрпа-ёстиқларгача алмаштирдим, — деди Манзура.

Узоқдан келувчи биродарлар учун марказдаги меҳмонхонадан жой ҳозирлаб қўйилган, болохонага муҳтожлик бўлмаса-да, Асадбек хотинининг кўнглини кўтариш мақсадида:

— Яхши қилибсан, — деди.

— Адаси, қизингиз сўрашга уяляпти. Куёвингизни тўйга олиб чиқсакмикин?

Асадбек буни ҳам ўйлаган, Элчиннинг тўйда яримжон ҳолатида ўтиришини истамаётган эди. Бу хоҳишини хотинига ҳам, қизига ҳам билдиргиси келмай:

— Дўхтирдан сўраш керак, — деди.

— Дўхтири билан маслаҳатлашдик. Аравачага ўтқазиб олиб юриш мумкинмиш.

— Дўхтар билан гаплашдингми? Ишни пишириб қўйиб, энди мандан сўрайсанми? Менга деса, аравачада эмас, бошингга ўтқазиб олиб чиқ. Тўрга ўтқазгинда «шунақа ажойиб куёвим бор», деб мақтан.

Манзура айтган гапидан афсусланиб, пастки лабини тишлади-да, эрининг елкасини силаган

бўлди:

— Адаси, дарров жаҳлингиз чиқмасин. Зайнабнинг ҳам кўнглига қарайлик-да.

— Зайнабнинг кўнглига?.. — Асадбек шундай де-ди-ю, жимиб қолди. Бу сукутдан фойдаланган Манзура Зайнабнинг кунда икки, баъзан уч марта касалхонага бораётганини, Элчиннинг жиянлари келгани, уларга жавобан «У менинг эрим, уни ўзим олиб чиқаман», деганларини айтиб берди. Бу гапларни эшитган Асадбек «Ерини ёмон кўрарди-ку? Энди Жамшиддан кўнгли совуб, унга муҳаббатли бўлдими?» деб ўйлади.

— Зайнаб бу ерда анча сиқилиб қолди, — деди Манзура. — Кеннайилари билан акалари кулишиб туришса унинг кўзларида ёш милтиллайди. Куёвингизни уйига олиб чиқсак...

— Тўйдан кейин, — деди Асадбек унинг гапини узиб. — Ҳозир олиб чиқсанг, ҳамма тўй ҳаракати билан овора бўлиб, қаровсиз қолади.

Онаси билан суҳбатлашганда Зайнаб «Елчин акам чиқмасалар мен тўй базмида нима қиламан? Бева хотинга ўхшаб шумшаб ўтираманми?» деган эди. Манзура эрига бу гапни айтай деди-ю, журъат этолмади.

Икковлари биргалашиб пастга тушиб, уйга кирдилар. Ўзининг хонасидаги деразадан ҳовлидаги ота-онасига қараб турган Зайнаб хўрсиниб қўйди.

Зайнаб нимани истаса онаси дарров рози бўлар, отасидан эса ижозат тегиши мушкул вазифа эди. Эрининг тўй базмига олиб борилиши бошқалар учун арзимас масала бўлса-да, Зайнаб учун ғоят муҳим эди. У тўйда хизмат қилиб юрган Жамшид билан рўпара келишдан ёки кўзлари тўқнашишдан қўрқарди. Яримжон эрининг ёнида ўтириши уни шайтон васвасасидан қутқарарди. Жамшид ўлдига чиқарилганида Зайнаб бир ўлиб, бир тирилувди. Ёшлик суруридан эсдалик бўлмиш бу йигит ҳовлида ҳар пайдо бўлганида у яна ўлиб, яна тирилаверди. Руҳи қайта-қайта азобланмоғи учун ҳам тирилаверди. Асадбек хотинининг гапларини эшитиб «Жамшиддан кўнгли қолибди», деб ўйлаб янглишган эди. Ёшликка хос чин севгидан қутулиш мумкин эмаслигини у билмасди. Чунки Асадбек бу каби сурурли дамларни бошидан кечирмаган эди. Дунёда «муҳаббат» деб аталмиш илоҳий туйғу борлигини англаш ёшида фикру зикри қимор билан банд, унинг муҳаббати ҳам, садоқати ҳам ўшанда қимор эди.

Яқиндагина хаёлан Кумушбибига айланиб, ўз Отабеги билан бахтиёр бўлувчи қиз бахтини созуриб, жувонликнинг зимистон оламига ўтиб қолгандай эди. Бу оламда саодатдан умидвор қилувчи битта учқунни ҳам кўрмас эди. У энди Кумушбиби эмас, эртақдаги тош маликага айланиб қолишни истарди. Ўн йилми, юз йилми ўтгач, аслига қайтса, атрофидаги ғам-андуҳни кўрмаса... У баъзан бир ёрилтошга учрамоқни орзу қилади. Суйгани билан ўша тошга борса-да айтса:

«Ёрилгин тош, ёрилгиней,  
олгин бизни ўз бағрингга...»

Сўнг тошга айланиб яшасалар. Ўн йилми, юз йилми...

Шафқатсиз дунё, аламли дунё бу орзуларга йўл берармиди?

Ўн йилми, юз йилданми кейин бу дунё шафқатлироқ, бахтга мўлроқ бўлиб қолармиди...

## XXI 606

### 1

Манзуранинг маслаҳати билан Абдулҳамид ҳам табибникига борадиган бўлди. Асадбек «узоқ йўлда уриниб қолармикинлар», деган ҳижолат билан Муҳиддин отани мужмалроқ оҳангда таклиф этган эди, у «биродаримни йўқлаб келай, бу ерда ўтириб нима қилдим?» деб отланди. Манзилга етиб боришганда Абдурахмон табиб уйда йўқ эди. Пешиндан кейин осмонда тоша бошлаган булут тўдалари бирлашиб, атрофни гўё зулумот қоплади. Сўнг изғиринли кучли

шамол туриб дарахт шохларида қолган-қутган барглари тортқилаб узмоқ истади. Ке-йин ёмғир савалай кетди. Ниҳоят, баҳор фасли эканини унутган табиат хатоликка йўл қўйди: лайлакқор ёға бошлади.

Егасиз уйга киришни беодоблик санаб, барчалари машинада ўтирдилар. Қор ёғиши авжга чиққан маҳалда муюлишда Абдурахмон табиб кўринди. У дарвозаси қаршисидаги машинани кўриб, ажабланди. Машина эшиги очилиб Муҳиддин ота кўрингач, совуқда қизарган юзларини хурсандчилик ели силаб ўтди.

Ичкари кириб ўтиришгач, хайрли дуодан сўнг Абдурахмон табиб ўрнидан туриб, қўл қовуштирганича «Хуш келибсизлар» деди. Унга жавобан аввал Муҳиддин ота, сўнг бошқалари ҳам туриб «хушвақт бўлинг», дедилар.

— Биродар, сиз мени анча ҳижолатга қўйдингиз, — деди Абдурахмон табиб, барча ўтириб, жойлашиб олгач. — Эшигим очиқ бўла туриб кўчада кутганингиз камина учун иснод.

— Тақсир, доврўғи етти иқлимга кетган сиздек мўътабар зотни озгина кутсак кутибмиз-да, — деди Муҳиддин ота хилмлик билан.

— Ҳай, ҳай, биродарим, бундай гапларни сира айт-манг. Банданинг мақтовлардан йироқ эканини аввал келганингизда сезмабмидингиз?

— Сезиш нима экан, кўриб-билганман. Сизни ўйласам ҳукамолардан мерос бир ривоят ёдимга тушаверади. Буни сиз биларсиз, ўрни келиб қолди, бу иниларимизга ибрат сифатида айтайин. Абдурахмон табибнинг набираси дастурхон, катта патнисда мева-чева кўтариб киргани учун бир оз сукут сақланди. Дастурхон ёзилиб, патнис жойига қўйилгач, Муҳиддин ота гап бошлади:

— Амал қилгувчи амалида қўй боқувчидан ўрнак олуви лозим экан. Ахир қўй боқувчи, агар намоз ўқиса, қўйларидан намозига мақтов олишни ўйламайди-ку? Худди шунга ўхшаб, амал қилувчи инсонлар унга қарашларини кўнгилга келтирмасликлари лозим. Инсонлар олдида ва ёлғиз қолганида ҳам Оллоҳ таоло учун бир хил тарзда амал қилади. Инсонларнинг мақтовини талаб этмайди. Тақсиримда мен шундай фазилат кўриб, ўргандим. Шоядким, Яратган танграм мўъминлар қаторида бизларни ҳам жаннат аҳлидан қилса...

— Оллоҳ Адн жаннатини яратиб «Гапир» деб амр қилганида жаннат тилга кириб уч марта «Мўъминлар нажот топади», деб сўнг эса «Мен бахилга, мунофиққа, риёкорга ҳаромман», деган экан. Одам фарзанди шунга кўра яшаса, инша Оллоҳ, нажот топар. Мен Яратгандан ихлосимга қувват сўрайман. «Ихлос нима?» деб савол берилганда донишманд «Одамлар сени мақташларини севмаслигингиз» деб жавоб берган экан.

— Кун ўтган сайин Оллоҳнинг раҳматига бориш онларини кўпроқ ўйларкансан киши. Саҳобалар Расулulloҳдан «Биз ҳаммамиз ўлимни нега ёмон кўрамиз?» деб сўраганида Набий алайҳиссалом дебдиларки: «Бу ёмон кўришлик эмасдир. Агар мўъмин киши ўлим тўшагида ётган бўлса, Оллоҳ таоло унинг ҳузурига яхшилардан бўлиб қайтишлиги ҳақида ўша бандага хушxabар келади ва унга Оллоҳ дийдоридан яхшироқ бирор нарса бўлмайди ва Оллоҳ ҳам уни учратмоқни яхши кўради. Агар фожир ёки кофир ўлим тўшагида ётган бўлса, Оллоҳ таоло учун ёмонлардан бўлганлиги, ёмонлардан ҳисобланганлиги айтилиб, қўрқитиб, огоҳлантириш келади ва у Оллоҳ билан бўладиган учрашувни ёмон кўради. Оллоҳ ҳам у билан кўришмоқликни хоҳламайди...» — Муҳиддин ота шундай деб бир оз тин олдида, кейин умидли оҳангда фикрига якун ясади: — Оллоҳ шунақалардан қилмасин бизларни...

Набира кириб чойнак-пиёлани бобосининг ёнига қўйди. Абдурахмон табиб чойни қайтариш учун қўлига пиёла олганида Асадбек «Чойни сен қўй», деган маънода ўғлига ишора қилди. Абдурахмон табиб «менга бера қолинг» деган йигитнинг раъйини қайтармади. Чой қўйилиб, бир ҳўпламдан ичилгач, Асадбек муддаога ўтай деганида табиб ўзига хос босиқ оҳангда сўз бошлаб, Муҳиддин отанинг фикрини давом эттирди:

— Мени бир нарса ажаблантиради: бегуноҳ ҳам — гуноҳкор ҳам, Худога, унинг жаннати мавжудлигига ишонувчи ҳам — ишонмайдиган ҳам ўлимидан сўнг жаннатдан жой тегишини истади. Баъзан одамларга жаннатга етишиш жуда қийинга ўхшайди. Менингча, бунинг

машаққати йўқ, одам боласи нафсини тийса, бошқаларга ёмонлик қилмай, яхшилиқни касб этса кифоя. Унинг бу дунёси ҳам жаннат каби роҳатли бўла-ди. Зулми ўзига ҳаром қила олмаса, — Абдурахмон табиб шундай деб Асадбек билан Жамшидга ўғринча қараб олди, — унинг жаҳаннами шу дунёдаёқ бошланади. Мен дадам раҳматлидан эшитгандим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан муҳаддислар шундай ривоят қилишган экан: «Қиёмат куни бир тоифа одамларга жаннатга боришлик буюрилади. Улар жаннатга яқинлашиб, ҳидини ҳидлаб, жаннатдаги қасрларни ва Оллоҳ таоло жаннат аҳлига тайёрлаб қўйган нарсаларни кўрганларидан сўнг: «Уларни олиб кетинглар, уларга жаннатда насиба йўқдир!» деб нидо қилинади. Улар шундай ҳасрат-надомат билан қайтадиларки, улардан олдин ҳам, кейин ҳам, ҳеч ким бунчалик ҳасрат-надомат қилмагандир. Улар айтадилар: «Я Оллоҳ! Дўстларингга тайёрлаб қўйган неъматларингни кўрсатмай туриб бизларни дўзахга киргизганингда бунчалик ҳасрат-надомат қилмасдик». Шунда Оллоҳ таоло: «Мен бундай қилмоқликни хоҳладим, чунки сизлар катта-катта гуноҳлар билан инсонлардан яширинча Менга қарши чиқдингиз, инсонлар кўзида эса покиза, виқорли кўринар эдингиз. Қалбларингизда йўқ нарсани риё қилар эдингиз. Одамлардан кўрқар эдингиз, мендан кўрқмас эдингиз, инсонларни улуғлар эдингиз. Мени улуғламасдингиз. Инсонлар учун баъзи нарсалардан қайтар эдингиз. Мен учун қайтмас эдингиз. Энди бугун савобимни айирганим баробарида қаттиқ азобга маҳкум этгайман...» дейди».

Набира косаларда қайноқ шўрва кўтариб киргач, бир-бирини соғинган икки қариянинг амри маъруфи поёнига етди. Асадбек уларнинг гапларига қулоқ тутиб «Менга теккизиб айтишяпти», деб ўйлади. Ҳолбуки, уларнинг бундай ниятлари йўқ, гап шу мавзуга бурилгани учун беихтиёр тарзда суҳбатлашишаётган эди. Шунга қарамай, Асадбекнинг гумонида жон бор, у ҳам жаннат ҳаром қилинган бандалардан эди...

Таомдан сўнг Асадбек тўйга айтиб келганини билдирди. Абдурахмон табиб ёшлар ҳақиқага дуо қилгач:

— Бир кўриб қўярмикинсиз, деб куёв болани ҳам бошлаб келувдим, сал тоби келишмайроқ турибди, — деди.

Табиб Абдулҳамиднинг билак томирини ушлаб, кўзларига тикилди, кейин кафтидаги чизикларни силаб-силаб ниманидир ўқигандай бўлди-да:

— Мен бир дори тайёрлаб бераман, — деб гапни қисқа қилди.

Асадбек «Нима бўлибди, қанақа касал?» деб сўрашдан ўзини тийиб:

— Тилла тангани олиб келганман, — деди.

— Бу муолажага тилла танга лозим эмас, — Абдурахмон табиб Асадбекнинг ўзини ҳам кўриб қўйиб: — Сиз дориларни яримлатмай, ичишдан тўхтабсиз, шундайми? — деб сўради.

— Иш билан бўлиб... — Асадбек ўзини оқламоқчи бўлди.

— Табибнинг айтганини қилмайдиган одам табибга учрамагани маъқул. Сиз ўзингизни яхши ҳис қилиб, батамом тузалдим, деган хулосага келгансиз. Касалнинг илдизи қуримаган, пайт пойлаб ётибди. Бугун бўлмаса эртага сиқувга олиши мумкин.

Намоз вақти бўлгани учун икки қария қўшни хонага чиқишди. Абдурахмон табиб ибодатдан сўнг жойнамоздан жилишга шошилмай, Муҳиддин отага қаради:

— Ёдингизда бўлса, худди шу ерда ўтириб, инимиздаги руҳ хасталигининг чекинмоғига умид қилиб эдик. Умидимиз сароб бўлиб чиқибди. Инимиз зулми аввалгидан кучлироқ ҳолда касб қилибдилар. Ожиз иймонлари янада ожизлашибди, — деди.

Муҳиддин ота дарров жавоб бермади. Тўпалончи фарзандини деб муаллимдан танбеҳ эшитган ота мисол бошини қўйи эгди.

— Замон буларнинг тилини ҳам, дилини ҳам тош қилиб қўйган... На илож... ҳар ҳолда Оллоҳдан умидимиз бор...

— Оллоҳ ноумид қилмасин. Мен куёв боламизга дори тайёрлаб бераман. Аммо... отаси билмасин, сизга маълум бўлса кифоя, йигитмиздаги хасталик не эканини аниқ билолмадим.



Менга номаълум бир хасталиқдан ақлим лол. Нимадир унинг юрагини ялаб адо қилай дебди. Ишқилиб янглишаётган бўлай, фолбинликдан Оллоҳ асрасин, йигитимиз кўпга боролмайдиган кўринадир...

Бу хунук хабар Муҳиддин отанинг аъзойи баданини музлатиб юборди. Тили гапга айланмай, табибга қараб қолди. «Тақсир, адашмаяпсизми? Айтинг, жон тақсирим, айтинг, адашдим, денг. Боланинг умри узоқ бўлади, денг...» Муҳиддин отанинг илтижо билан боқаётган кўзларида шундай маънолар зоҳир эди.

Улар меҳмонхонага қайтишганда Муҳиддин ота Асадбекка ҳам, Абдулҳамидга ҳам қарай олмади. Унинг руҳидаги тушкунликни Асадбек сизди. Табиб дори тайёрлаш учун чиққанида «Ота, нима бўлди, тобингиз қочдимиз?» деб сўради. Муҳиддин ота унга жавобан «Сал толиқибман, бўтам», деб қўя қолди.

Абдурахмон табиб тунда йўл юрмоқликнинг хосиятсиз эканини, довонни қалин қор босганини рўкач қилиб, уларнинг қайтишларига изн бермади. Ўрин солиниб, ётишга ҳозирланганларида Абдурахмон табиб Асадбекни қўшни хонага чорлади. Муҳиддин ота «боланинг аҳволини яширмасликка қарор қилдимиз?» деб ўйлаб Асадбекни хавотир назари билан кузатди. Унинг ташвиши ўринсиз эди. Табиб Асадбекни мутлақо бош-қа бир сабаб билан чорлаганди.

— Дев аканинг хужраси эсингиздами? — деб гап бошлади табиб. — Ҳали ўша ердан келаётувдим. Дев аканинг вафотидан кейин қишлоқдагилар хужрани бузиб ташлайлик, дейишувди. Мен гўри совумай туриб бузмайлик, девдим. Ҳар бир жойнинг бир яхшиси, бир ёмони бўлади. Биздан бир ёмон чиқиб, каллакесарликни касб қилиб олган эди. Қайси бир йили қамалиб кетувди, отувга ҳукм бўлди, деб ҳам эшитувдик. Отилмабди, тирик экан. Бир ҳафта илгари қишлоқда кўриниб қолди. Кеча ўзига ўхшаган яна уч-тўртаси пайдо бўлиб, Дев аканинг хужрасини макон тутишибди. Кўнглим ёмонликни сезиб, ўша ерга бордим. Нашани чекиб, ароқни ичиб ётишибди. Қамоқдан қочишган десам, кўрқиб, беркиниш ҳаракатлари йўқ. Абдурахмон табибнинг хавотирли гапларини эшитиб, Асадбек Зелихонни эслади. Ўтган йили Фарғонада фожиалар бошланмай туриб у ҳам табиб каби хавотирли гумони билан унга мурожаат этган эди. Бу йил яна қайтариладиганми бу фожа? Бунинг тепасида ким турибди? Мақсади нима? Асадбек жон талвасасидаги жамиятнинг сиёсатини таҳлил қилмоққа, макр-ҳийлаларини кашф этмоққа ожиз эди. Шу сабабли Абдурахмон табибга ҳамдард бўла олмади. Тайинли гап ҳам айтолмади.

## 2

Абдусамад, сўнг Абдулҳамид дунёга келишганида Манзуранинг, Асадбекнинг қалбларида орзу-умидлар ҳам туғилган эди. Бу оламда ҳисобсиз, ўлчовсиз нарсалар кўп. Шулардан бири — ота-онанинг фарзанди бахти-саодатига хос орзулардир. Барча ота-оналар каби Манзура билан Асадбек гўдақларини қандай авайлаб вояга етказсалар, орзу-умидларини ҳам йиллар мобайнида шундай эҳтиёт қилдилар Уларнинг етишолмаган орзуларига кўра ушалганлари кўпроқ эди. Узоқ вақт кутилган никоҳ базмига етишганлари шулар сирасидан бўлди.

Бир кун олдин Суликонинг бобоси ваъда қилган совға етиб келди. Зулукдек икки от кўрганларининг ҳушини олаёзди. Ҳатто отларни кўрганда кўз олдига фақат қази келувчи Кесакполвон ҳам бу гўзаллик олдида лол қолди. Мардонавор гуржи йигитларининг уст-боши ҳам ажабтовур эди. Маматбей Хонгирейнинг совғаси — қинига олтин суви юритилиб ёқутлар билан безатилган икки ханжарни тортиқ қилди. Эрталаб эса Асадбекнинг уйи қаршисидаги йўл четида Кесакполвоннинг совғаси — иккита оппоқ «Жигули» пайдо бўлди.

Хурсандчилик билан ўтиши лозим бўлган кун бир оз ташвиш билан бошланди. Нонуштада Абдулҳамид кўринмагач, Манзура унинг ётоғига кириб чиқди-да, ўғлининг яна иситмалаётганини эрига маълум қилди. Манзуранинг «дўхтир чақирайлик» деган гапига Асадбек «шошилмай тур», деб жавоб қилди. У «Табибнинг дориси касални бир қўзитиб олади,

иситма шу дорининг эм бўлаётганидан нишонадир, бугун табибнинг ўзи келиб қолар», деб ўйлади. Пешинга қадар кўзлари йўлда бўлди. Икки марта Муҳиддин отага «биродарингиздан дарак йўғ-а?» деб қўйди.

Пешинда дарвозадан анча нарида эскигина «Москвич» тўхтаб, ундан охори тўкилган кийимли бир киши тушиб, орқа ўриндикдан каттагина тугун олди. Юмуш билан кўчага чиққан Жамшид машинанинг тартиб рақамига қараб «Абдурахмон табиб келибди», деб ўйлаб, изига қайтди-ю, бу янгиликдан хожасини огоҳ қилди. Асадбек шошилиб кўчага чиққанида тугун кўтарган меҳмон дарвозага яқин келиб қолган эди. Асадбек уни табибникида кўрган, ҳамиша отлар билан овора бўлгани учун уни отбоқар деб ўйлаган эди. Меҳмон тугунни Жамшидга бериб, ўзи Асадбек билан қўшқўллаб сўрашди-да, «тўйлар қуллуқ бўлсин», деб қўйди.

— Абдурахмон ака қанилар? — деб сўради Асадбек «Москвич»га қараб олиб.

— Поччам узрларини айтиб юбордилар. Қишлоғимиз бир оз нотинчга ўхшаб қолди, ташлаб келаверишга кўнгиллари бўлмади.

Бу гапни эшитиб Жамшид «Нима бўлган экан?» деган савол назари билан хожасига қаради. Абдурахмон табибнинг хавотирли гапларини эслаган Асадбек бу қарашни жавобсиз қолдирди-да, меҳмонни ичкарига таклиф этди.

Сел каби оқиб келаётган қимматбаҳо совғалар орасида табиб юборган майдақавиқ икки тўн, қийиқ, дўппи, икки кийимли хонатлас ғарибгина кўринарди. Шунинг учун ҳам тавонхонадаги хотинлар тугуннинг бир учини очиб кўришди-ю, «ким олиб келди?» деб сўраб ўтирмасдан бир бурчакка қўйишди.

Абдурахмон табибнинг қайниси бу ҳашаматли уйда, шохона дастурхон атрофидаги димоғдор одамлар орасида ўзини бегона ҳис қилдими ё чиндан ҳам шошқич равишда изига қайтмоғи лозимиди, ҳар ҳолда бир пиёла чойдан иборат зиёфатдан қониқиб, ўрнидан турди. Унга биров «Нега турдингиз?» демади. Бундан унинг кўнгли бир оз чўкса-да, «тўйчиликда айби йўқ, танимагани сийламас», деб ўзини ўзи овутиди. Кўчага чиққанида масжиддан қайтаётган Муҳиддин ота билан Жалилни кўриб «Танишларим ҳам бор экан-ку», деб кўнгил чироғи ёришди. Жалил табибнинг узрини эшитиб бўлгач:

— Сиз қаёққа отландингиз? — деб сўради.

Шомга қадар довондан ўтиб олишни ният қилган меҳмоннинг узри қабул бўлмади. Жалил уни қочиб кетишига йўл қўймайдигандай билагидан ушлаб, ичкари бошлади. Ҳовлига киргач, хизматда юрган Жамшидни чақириб «Меҳмон сенларга хор бўлдими?» деб койиди-да, шийпон ёнига қўйилган ихчам сўрига қараб юрди. Сўнг «Шотирларингнинг биттасига айт, фақат бизга қарасин. Ҳадеб тўйганларингнинг атрофида гирдикапалак бўлавермаларинг», деб буюрди. Бир косадан манпар ичилгач, меҳмон қайтмоғи зарурлигини айтиб, дуога қўл очди. Муҳиддин ота ҳовлининг ўзида хайрлашди. Жалил уни то машинасига қадар кузатиб борди. Меҳмон машинасига ўтириб, эшикни ёпишга шошилмади:

— Поччамнинг бир топшириқларини бажара олмадим, агар малол олмасангиз... шу хизматни ўзингиз уддалаб қўя қолсангиз, — деди.

— Тортинмай айтовринг, қанақа хизмат?

— Поччам куёвларга атаб тўн тиктирган эдилар. Ўзинг елкаларига ташлаб, хайрли хос дуойимни етказ, Оллоҳ уларни ёмон шамоллардан асрасин, девдилар.

Жалил топшириқни бажаришга ваъда бергач, меҳмон изига қайтди. Жалил эса ҳовлига қайтиб, Жамшидни чақирди-да:

— Куёв тўралар қани? — деб сўради.

— Сочларини таратгани сартарошга чиқиб кетишувди, — деди Жамшид. — Ҳозир келиб қолишади.

— Сочни уйда тараса бўлмас эканми? — деб тўнғиллади Жалил.

— Тарашда ҳам тараш бор-да, ювади, қурутади...

— Бурунларинг оқса ҳам бировга арттирларинг. Ҳалиги меҳмон тўн олиб келган экан, қаерга

қўйдинг?

Жамшид «товонхонага берувдим», дегач, Жалил ўша томон юрди. Бурчакка ташлаб қўйилган тугунни олиб хотинларга «сенлар ҳам назарга илмадиларингми? Сенларга фақат тиллаю жавоҳир бўлса, а?» деб икки-уч оғиз ширин сўз айтиб чиқиб, Муҳиддин отанинг ёнига ўтирди. Дарвозахонада куёв болалар кўрингач, ўрнидан туриб уларни чақирди-да, тугунни ечиб тўнлардан бирини олди.

— Қани, қиблага қараб туриб кий-чи, — деди аввал Абдусамадни чорлаб. Кейин Абдулҳамидни чақириб оқарган юзига қаради-да, пешонасига кафтини қўйиб, бошини чайқади:

— Иситманг бор-ку, болам, яна костюмда юришингни қара. — Абдулҳамид тўнга елкасини тутган эди, Жалил амакисидан дакки эшитди: — Бетаҳорат одам тўнни елкага ташлаб юради. Кийиб ол. Ечма. Бу табаррук тўн. Сенларни ёмон шамоллардан асрасин, деб табиб боболаринг бериб юборибди. Сенлар ҳам табаррук инсоннинг ёшларига етларинг, иймонли, эътиқодли бўлларинг.

Дуодан сўнг уйга кириб кетаётган Абдусамад тўнни ечган эди, Жалилдан балога қолди.

Жалил турган ерида ҳаммага эшитиларли қилиб бақирди:

— Табаррук деган нарсага фаҳм-фаросатларинг етадими? Сенларнинг беўхшов зар чопонларингдан бу тўн минг марта афзал.

Асадбек ошнасининг танобини сал тортиб қўйиш мақсадида унга яқинлашиб «қўй энди, ёшларнинг диди бошқа» деди-ю, у ҳам балога қолди:

— Болларингни ўзингга ўхшатма. Сен тилла баҳосидан қиммат тўёналарга маҳлиё бўляпсанми? Холис ниятда бериляптими бу тўёналар, буни ҳеч ўйлайсанми? Миннатли нарсадан қўрқмайсанми?

Асадбек «бўлди, бўлди, сеники маъқул», деб нари кетишдан ўзга чораси қолмади.

Манзура хавотирланавергач, врач чақиртирилди. Манзура кечаси ўғлининг иситма оташида алаҳсираганидан беҳабар эди. Шундай бўлса-да, келинининг кўзларидаги изтиробни кўриб, аҳвол яхши томонга ўзгармаётганидан сиқилди. Врач Абдулҳамидни кўраётганида Асадбек аёлларни чиқариб юборди.

— Қимирламай ётишлари керак, — Врач шу хулосани айтди-ю, «Бу мумкинми?» дегандай Асадбекка қараб қолди.

— Бунинг иложи йўқ, — деди Асадбек.

— Дорининг кучи билан иситма сал аригандай бўлади, лекин яна кўтарилаверади, — деди врач.

— Сиз кетманг, шу ерда қолинг. Икки-уч соат келиннинг ёнида ўтирмаса бўлмайди.

Абдулҳамид отасини ташвишдан қутқариш мақсадида:

— Ада, хавотирланманг, аҳволим унча ёмон эмас. Ўрнимдан тураман, — деди. Унинг гапи Асадбекка далда бўлиб, ҳовлига чиқди.

Абдусамад онасига ўхшаш бўшашганроқ, Абдулҳамид эса отаси каби иродаси мустаҳкам йигит эди. Карнай-сурнай овозлари янграгач, у акаси ва куёв жўралари ҳамроҳлигида никоҳ базми бўладиган ресторанга бориб, меҳмонларни қаршилади.

Келинлар машинадан тушаётганида ҳамма куёвларнинг қандай қаршилашлари, келинларнинг оёқларини босиб қўйишларини кутиб, қизиқиб қарарди. Манзура билан Асадбекнинг кўзлари эса асосан Абдулҳамидда эди. Келинлар машинадан тушиб, куёвлар узатган беназир гулдасталарни олиб, танлаганлари ёнида тўйхона сари одимлашгач, Кесакполвон пайдо бўлиб ўйинга туша кетди. Кимдир буни қадрдон дўстнинг қувончи ифодаси деб қабул қилди, бошқа кимдир «кайфи ошиб қолдимми?» деб ўйлади. Баъзиларнинг эса энсаси қотди. Асадбек бу ҳолатни ғашлик билан кузата туриб анча вақт илгари кўрган тушини эслаб, юраги қалқиб кетди.

...Тобут олдида карнай-сурнай, бака-бакабум авжида. Тобут ичида кафанланган Асадбек.

Олдинда эса тўн кийиб белини боғлаган Кесакполвон ер тепиниб ўйнаб боряпти. «Ҳой ахмоқ,

— дейди кафанланган Асадбек, — бел боғлаган одам ҳам тобут олдида ўйнайдими?» Кесакполвон қаҳ-қаҳ отиб кулади: «Тўй бўлганидан кейин ўйнайман-да... Бизга тўй... Сенга эса аза...»

Кўринмас бармоқлар Асадбекнинг томоғидан бўғди. Ёнидаги Жамшидга қараб «ол уни!» деб ишора қилди. Жамшид илдам бориб, Кесакполвоннинг қулоғига «Бек акам чақиряптилар», деб шивирлади. Кесакполвон чексиз-чегарасиз шодон одам кўринишида Асадбекка рўпара бўлди.

Асадбек сир бой бермаслик учун:

— Маматбейни яхши жойга ўтқаздингми, хабар олиб тур, — деди.

«Ўйиним Асадга ёқмади», деган фикрдан йироқ Кесакполвон ичкари кириб кетди.

Келин-куёвларнинг изидан келаётган Чувриндининг хотинини Асадбек тўхтатди-да:

— Келганинг учун раҳмат, — деди. — Ўғилларингнинг тўйини худди шу ерда, бундан ҳам афзалроқ қилиб ўтқазамиз.

Чувриндининг хотини титроқ лаблари билан «раҳмат» деб қўйиб, бошқа сўз айтмай хотинлар оқимида ичкарига қараб юрди.

Никоҳ базмидан сал олдинроқ етиб келган Илико узоқ ўтирмади Асадбекни ранжитмаслик учун кетиши сабабини яширмай айтди:

— Тўйда хунук хабар айтиш яхши эмас, лекин сен бизга бегона эмассан... эртага бобомни сўнгги йўлга кузатишим керак.

Асадбек беихтиёр равишда уни бағрига босди. Руҳи тушкун қариянинг сўнгги гапларини эслади.

Иликони кузатиб ичкари кирганида Кесакполвон чап қўлида микрофон, ўнг қўлида иккита машина калитларини кўз-кўз қилиб ушлаганича дўсти Асадбек шаънига мақтовлар ёғдирарди. Мақтовлар яқун топиб, машиналарнинг калитлари куёвлар қўлига топширилгач, Кесакполвон машшоқларга «чал», деб ишора қилиб, яна ўйинга тушиб кетди.

Асадбек энсаси қотса ҳам ўзига тикилиб турган ўнлаб нигоҳларни ҳис қилиб, ўртага тушди, шу пайтгача қилмаган ишини қилди: Кесакполвоннинг устидан пул сочди...

Тўй базми авжга чиққанида Жамшид Асадбекка яқинлашиб:

— Бек ака, Ҳамид чарчади, куёв-келинларга жавоб беришсинми? — деб сўради.

Жамшид айтмаса ҳам Асадбек дам-бадам ўғлига қараб унинг ҳолсизланаётганини сезиб турарди.

— Ҳеч ким билмасин, аввал келин янгаси билан секин чиқишсин. Кетидан Ҳамидни ўзинг олиб чиқ. Самад ўтираверсин, — деди. Кейин тайинлади: — Кеннайинг эргашмасин. Меҳмонларга қарасин. Биз боргунча дўхтир Ҳамиднинг ёнидан жилмасин.

Асадбек айтгандай бўлди. Уларнинг чиқиб кетишганини биров билди, биров эътибор бермади. Нима воқеа юз берганини Маматбейгина сизди. Сизди-ю, мамнунлик билан кулимсираб қўйиб, Кесакполвонни чақирди-да, чўқиштириб ичди. Шу онда Асадбекнинг нигоҳи ўзига қадалиб турганини эса билмади.

### 3

Абдулҳамиднинг хасталиги Манзура билан Асадбек учун бир ташвиш бўлса, Зайнабнинг никоҳ базмига келмагани ташвиш устига нохушлик эди. Асадбек базм бошлангунга қадар ҳам қизининг келиб қолишига умид қилиб йўлга қараб-қараб қўйди. Кесакполвон Мардона ўлдирилганидан кейин «қизинг ўзингга ўхшайди», деганида Асадбек аччиқланган эди. Қизининг ўзи каби ўжар, чўрткесарлигига мана энди ишонди.

Елчинни тўйга олиб бориш таклифи рад этилган-нини Манзура юмшоқлик билан тушунтирса-да, Зайнаб отасининг мақсадини англади ва ўзининг айтганидан қайтмади. Базмда иштирок этмасликка узил-кесил аҳд қилиб, сартарошхонага отланган акалари билан кўчага чиқди-да, касалхонага қараб кетди. Жалил сочларини тараттириб келган куёв тўраларга тўн

кийгизаётган пайтда Зайнаб касалхонанинг машинасида эрини уйига олиб келган эди. Қўшнилари ёрдамида замбилдаги бемор янги аравачага ўтқазилгач, меҳмонхонага кирдилар. Меҳмонхонадаги ясастиғлиқ дастурхонни кўрган Элчин қайнотаси келмаса ҳам қайнонасининг келиб қолишига умид қилди. Зайнаб чой дамлаб, эрига қуйиб узатди-да, айвонга чиқиб онасига қўнғироқ қилди. Қизининг бу ишидан ҳайратга тушган Манзура:

— Вой қизимей, бугун шартмиди, а? — дейишдан бошқа гап айта олмади.

«Инсофга кириб қолармикинлар», деган умидда Асадбекка тўғриси айтди. Асадбек бу хабарни эшитиб, қошларини чимириб қўйди. «Майли, куёвни тўйга олиб келинлар», демади. Зайнабнинг кўринмай қолганидан энг аввало келинлар ҳавотирланишди. «Уларнинг «Зайнаб бону нечук кўринмайдилар?» деган саволларига «Ери оғирлашиб қолибди», деб, ичида тавба ҳам қилиб қўйди: Ёлғонни Худо кечирсин!»

Тўйдан беҳабар Элчин қайнонасининг келмаганига ажабланди. Бугун эрталаб ҳам касалхонадан чиқиш ҳақида гап йўқ эди. Зайнаб «жавоб тегди, кетамиз», деб кулимсираган бўлса ҳам Элчин унинг юзига соя ташлаётган ташвиш булутини сизди. Вақт ўтиб, кун ботганда ҳам эр-хотин ёлғиз ўтирардилар. Тилсиз, ҳаракатсиз қолади, деб ташхис қўйилган Элчин врачларнинг кутганларини пучга чиқарса-да, ҳали бемалол гаплашиб ўтириш даражасига етмаган эди. Тили бурро бўлгани билан нималарни гаплашиб ўтирарди?

«Менинг тирик қолишим сенинг комронлигингми ё бахтсизлигингми?» деб сўрайдими? «Отанг менинг ўлишимни истаган эди, тирик қолишим хонадонинг учун бахтсизликдир? Умуман... ўлсам нимани йўқотардим, тирик қолиб нима ютдим? Сен мени жиянларимдан тортиб олдинг ҳисоб. Бирга яшаб, хуш бахт бўлишимизга ишонасанми?» дермиди.

Бу гаплар тилга кўчмаса ҳам кўз қарашларида зоҳир эди. Зайнаб эрининг туйғуларини тўла бўлмаса-да, ҳис этарди. Гўё ўша машъум воқеа юз бермагандек, гўё қалбида интиқом чўғи йўқдек, гўё чалажонга айланган бу одамни азал-азалдан яхши кўрадиган бахтиёр жувондек кўрсатишга уринарди.

Элчин эса бахтиёрлик ниқоби ортидаги тоғдек дард-ни қалб кўзи билан кўриб турарди. Бу нозик жисм бу дард тоғини кўтариб туришга яна қанча чидаркин, деб чамаларди. У қорадори балосидан қутулишга куч топган жувоннинг бу дард тоғига чидашгина эмас, уни йиқишга ҳам қодир эканини хаёлига ҳам келтирмас эди. Элчин Зайнабни оддий аёллардан деб билиб, унинг ирода кучини ҳисобга олмаётганди. Балки бошқа аёллар дард олдида эгилиб қоларлар? Лекин Асадбекнинг қизи эгилмас, дардга енгилмас...

Зайнаб лаганчага икки кишилик таом сузиб киргач, Элчин:

— Ойинг келмайдиларми? — деб сўради.

Зайнаб «Келишлари керакмиди?» деган савол назари билан жавоб қайтарди. Эрининг бу унсиз жавобдан қониқмаганини билиб:

— Қариндошимизникида тўй, — деб изох берди.

— Сен нега бормадинг? Мен эртага чиқсам ҳам бўлаверарди, — деди Элчин.

Зайнаб ундан кўзларини олиб қочиб:

— Мен эртага борсам ҳам бўлади, — деди.

Таомдан сўнг телевизор кўришди. Ҳар икковининг кўзлари тамошада бўлса-да, хаёллари бошқа ерларда сарсари кезарди.

Акалари билан келиналарининг бахтиёр чехралари Зайнабнинг кўзи олдидан нари кетмади.

«Худо бахт бераман, деса беравераркан-да, — деб ўйлади у. — Бу қизлар дунёнинг нарига четида эди. Шунда ҳам хоҳлаганларига етишишди. Меники шундай ёнгинамда эди...»

Зайнабнинг тақдирига дил мақсудига етолмаслик ёзилган экан, на илож қилсин? «Ноумидлик ёмон, дунё умид билан қойимдир», дейишади. Зайнаб дардни умид билан енгишга уринарди.

Лекин... қуриган умид дарахти қайта гуллаши мумкинмикин?.. Бу ғам ман-зилида унга нелар қолмиш яна? Зайнабнинг юра- гада яраланган сурур бу саволга жавоб тополмай ингради.

Телевизордаги тамоша тамом бўлиб, қўшиқ бошланганида Зайнаб ошхонада эди. Маъюс оҳанг

диққатини тортиб, сўзларига қулоқ тутди:

Шўрпешона ишқни толега йўйиб,  
Жимгина тақдирга берганимда тан.

Ишончу, севгингни қўлимга қўйиб

Довдир ҳаётимга кириб келдинг сен...

Зайнабнинг кўз олдига Жамшид келиб беихтиёр титраб, қўлидаги ликопчани тушириб юборди.

Ликопча тушди-ю, лекин негадир синмади. Синганида «Келган бало-қазо шунга урсин», деб қўярди. Энди бало-қазо нимага уради?..

Елчиннинг кўзлари телевизорга қадалган бўлса-да, хаёли тўзонли шамол сингари тентирарди.

У Зайнабни ғамга солган эди, энди ғам унинг ўзини еярми? Еб-еб адо этарми? Касалхонада эканида врач юраги устига кафтини қўйиб, бармоқлари билан уриб-уриб қўярди. Худди бировнинг эшигини тақиллатаётгандек бўларди. Унинг қалб дарвозаси очилса нималарни кўрмоқ мумкин? Зулумот ва ўлимдан бўлак яна не қолган бу юракда?

Зайнабнинг қўлидаги ликопча тушган пайтда Элчин ҳам қўшиқни диққат билан эшитаётганди.

Уни ажаблантирган нарса — Анвар жиннихонада ўзини осмай туриб шу шеърни ёзган, қоғознинг бир четига эса «Дардли дўстимга бедард Анвардан эсдалик», деб имзо чекиб берган эди. Элчин анча пайтгача оҳанг излаб, ўзича ҳиргойи қилиб юрувди.

Анварнинг акаси унинг дафтарда қолган шеърларини газетага олиб борган, бу қўшиққа асос бўлган шеър ҳам эълон қилинган эди. Элчинни ҳайратга солган нарса қўшиқнинг сўзлари эмас, балки айнан у ҳиргойи қилган куйнинг янграётгани эди. Бу қўшиқни ўзидан бош-қа ҳеч ким эшитмаган эди. Ҳатто Зайнаб ҳам...

*Инонгил, бу севги эмасди асло,*

*Алданиб ўртанган дард эди бироқ,*

*Ёлғиз сендан— ёлғиз тасалли— севинч,*

*Ёлғиз сендан— ёлғиз бедаво— алам.*

*Ахир сен-ла бирга бўлолмасман ҳеч*

*Ахир сени ташлаб кетолмасман ҳам...*

*...Ёлғиз осмондандир юпанч— тасалло...*

Ошхонадан қайтган Зайнаб эрининг чарчаганини сезиб, аравагани каравот ёнига олиб келди.

Кеч кириб қолгани учун қўшнилари чақиришга ийманди. Элчин унинг бўйнига осилган ҳолда сурила-сурила каравотига ўтди. Ёстиққа бош қўяётган дамда кўзлари намланди. У шу топда юрагининг ёрилиб кетишини истарди. Жуда-жуда истарди.

## XXII б о б

### 1

Дунёда миллион ўғри бўлса, бирининг услуби бошқасиникидан фарқ қилади. Хонгирейнинг эса ўғирлик, босқинчилик услубидан ташқари яна бир қилиғи ортиқча: ёлғон гапириш бўйича у жаъмики ўғрилари доғда қолдириши мумкин эди. Катталар қамоқхонасига тушган Афтондил ҳали Хонгирей лақабини олмасдан анча илгари устози Зелихоннинг диққатини айнан шу одати билан тортган эди. Зелихон вақтида ишонарли ёлғонни тўқиб, ёв чангалидан қутулиб кетишни ўғрининг фазилати деб биларди. Кейинчалик Зелихон шогирдидаги бу фазилатнинг керагидан ортиқ эканини сезиб, кўп танбеҳ берган эди. Ҳатто бир куни «Ҳов бола, сен шайтонни доғда қолдириб, бир мартагина рост гапирсанг-чи», деганди. Баъзилар ёлғонига бош-қаларни ишонтириш учун кўп ўйлашади, турли баҳоналарни излашади. Хонгирей эса бу бош оғриқлардан холи: тили ҳеч қачон ёлғон гапга муҳтож бўлмайди. Марказий банк ходимининг қайнонасига «Мен ўйнашиндан бўлган ўғлингман», деган Хонгирей

«Бу гапимга ишонадими ё йўқми?» деб ўйлаб ҳам кўрмаганди. Чунки хотиннинг ишониш ёки ишонмаслиги у учун мутлақо фарқсиз, унга муҳими — хотиннинг боши қотади.

Асадбекка отасининг васиятини бажариш учун Полшага кетаётганини айтганида ҳам «ёлғоним фош бўлса-чи?» деган ўйи йўқ эди. У Полшага отасининг васиятини бажариш учун кетяптими, ростданам амакиси Краковда халок бўлганми — буларни билиш Асадбек учун ҳам фарқсиз эди. Шу сабабли Хонгирейнинг сафар ҳақидаги гапига унча эътибор бермаганди. Хонгирейнинг нима учун айнан Краковга боришини у ке-йинроқ ўйлаб қолади.

Хонгирей Шаховскийдаги қароргоҳида биродарларини зиёфат қилган куни ўзи кутмаган ҳолда қармоғига тилла балиқ илиниб қолган эди. Ярим тунга қадар давом этган зиёфат поёнига етиб, меҳмонлар тарқалгач, яқинда «жинни» деган ташхис билан қамоқдан чиқиб келган биродари кетишга шошилмади. Ўз отасини чавақлаб ташлагани учун «Гамлет» лақабини олган бу меҳмон қолишининг сабабини дарров айтмади. Маишатни тонгга қадар давом эттириб чарчаган Хонгирей «Энди дам оламиз», дегач, Гамлет муддаога кўчди:

— Сен қорадорига астойдил аралашибсан, — деди у. — Ҳозир энг тўғри йўл шу. Бир қўлинг Красноярга бир қўлинг Лвовга боргани яхши. Лекин қулочни яна ҳам чўзишинг мумкин. Лвовдагиларнинг найрангини биласанми?

— Ҳа, — деди Хонгирей, — Полша билан Вен-грияга ошириб сотишади.

— Билар экансан. Улар Полшадан мен қамоқдалигимда вақтинча фойдаланишди. Энди у ёққа бориш- са — ўлим топишади. Мен яқинда Канадага кўчиб кетаман. Агар келиша олсак, сенга Полшани бераман. Яна қорадорининг беҳисоб хазинаси ҳам бор. Уни ҳам сенга топширгим келяпти. Келиша олсак бас.

Бу таклифдан сўнг уйқу ҳам ўчди, чарчоқ ҳам унутилиб, шартлар, нарху наволар келишилгач, биргаллашиб Полшага боришга аҳдлашишди.

Асадбекнинг тўйидан бир кун аввал Хонгирей Гамлет билан бирга Варшавага етиб келган, икки кундан кейин эса Краков яқинидаги сароймонанд уйда музокарани бошлаб юборган эди.

Гамлет «пан Любомирский» деб таништирган одамнинг ёшини аниқлаш мушкул эди. Сийрак сочлари, бароқ қоши оппоқ оқарган, бир оз букчайиб юрвчи, аммо ўзини тетик тутувчи бу одамни биров етмишдан ошган демасди. Гамлетнинг айтишича, урушдан олдин ҳам, немислар хўжайинлик қилган йилларда ҳам, советлар эгаллаб турганида ҳам пан Любомирский ўз касбига содиқ қолган ноёб одамлардан эди. Турли жамиятлар, турли қонунларга бўйин элмагани учун ҳам у «Ўлмас Кашчей» лақоби билан машҳур бўлганди.

Гамлет Хонгирейни таништираётган маҳалда мақтов сўзларига бахиллик қилмади. Пан Любомирский — ўлмас Кашчей бу мақтовларни Хонгирейдан кўз узмаган ҳолда тинглади. Унинг ўткир нигоҳига хатто Хонгирейнинг чақчайган кўзлари ҳам дош беролмади. Гамлетнинг мақтовлари ўзининг ҳам жонига тегиб, «тезроқ тугатақол» деган маънода унга қараб-қараб қўйди.

— Янги дўстимиз бизга қанча миқдорда мол етказиб бера олади?— деб сўради пан Любомирский Гамлетнинг гаплари поёнига етгач.

— Буюртма берувчи — сиз. Қанча керак бўлса, шунча оламиз. Ўрта Осиёдан оқадиган йўл шуники. Хитойнинг сунъий дориларини Сибир орқали етказиши мумкин.

— Менга сунъий дори керак эмас. Мен янги дўстимнинг ўз оғзидан эшитмоқчиман: биринчи галда йигирма кило етказиб кела оласанми?

Хонгирей «Кўп-ку?» деб Гамлетга тезгина қараб олди. Гамлет ваъда беравер, деган маънода ўнг кўзини салгина қисиб қўйди. Қариянинг сергак нигоҳидан бу четда қолмаган бўлса-да, танбеҳ бермай, Хонгирейдан жавоб кутди:

— Мен яхши тушунмадим, — деди Хонгирей пинагини бузмаган кўринишда, — йигирма киломи ё йигирма тоннами?

Пан Любомирский Гамлет билан кўз уриштириб олиб, кулимсиради:

— Қандай шартларингиз бор?

— Шарт йўқ, фақат айрим масалаларни келишиб олиш керак. Биринчиси: молни олишга одамнингиз қачон боради?  
— Одамим бормайди. Мен «Йигирма кило етказиб кела оладими?» деб сўрадим. «Одамим бориб келади», демадим.  
— Ҳисоб-китоб-чи?  
— Ҳисоб-китоб шу ерда бўлади. Молни қўясиз, пулни оласиз. Хоҳланг долларда, ёки фунт стерлингда, ёки маркада олинг. Истасангиз Шветсария банкига ўтказамиз. Ҳа, шарт оғирлик қилиятими? Биламан, бу иш оғир, лекин шунга яраша ҳақ тўлайман.  
Бу ерга кела туриб Гамлет «шартлашишда жуда чуқурлашма, асосий масала ҳал этилса бас, майда-чуйдаларга эътибор қилма», деб огоҳлантирган эди. Шунга кўра, Хонгирей гапни чўзмасдан, келишганининг рамзи сифатида ўрнидан туриб, қўл узатди. Пан Любомирский ёши улуғлигининг имтиёзидан фойдаланиб, ўтирган ерида қўл узатди.  
— Биз Гамлет билан яхши ишладик, — деди у. — Сиз томондаги баъзи одамлар «Полшалик ҳамма нарчасини сотиши мумкин», деб гапириб юришади. Полшалик бошқа нарсаларни пулласа ҳам аҳдга садоқатини сотмайди. Гамлет буни биларди. Сиз ҳам шу ҳақиқатни унутмасангиз иккаламиз биргаликда узоқ яшаймиз.  
Улар Краковда яна икки кун меҳмон бўлишгач, Москвага қайтишди. Ваъдасининг биринчи босқичини бажарган Гамлет аҳддаги белгиланган ҳақини олгач, иккинчи босқичга ўтишдан олдин «Ўлмас Кашчейни доғда қолдираман, бошқа шаҳарлар билан ҳам ўзим гаплашаман», деб ўйлама. У тирик экан, Краковдан нарига сен учун йўл йўқ» деб огоҳлантирди.

## 2

Москвадан «Тез етиб кел!» деган буйруқни олган Селим бу чақирувдан бир оз саросимага тушди. У Кесакполвондан яширинча эски танишлари орқали камроқ бўлса-да, олди-соттисини бошлаган эди. Кесакполвондан махфий тутилган иш у томонга маълум бўлиб қолдимикин, деган ташвишли ўй уни Хонгирейнинг ҳузурига киргунича ҳам тарк этмади. Очқўзлиги учун ўзини ўзи лаънатлаб, бундан бу ёғига ҳалол хизмат қилишга қасам ичиб борди. Қароргоҳда эмас, «Лебединая песня» деб аталувчи ресторанда кутилажаги ҳам уни анчагина ташвишлантирди. Таксичи сўраб-суриштириб, уни манзилга ташлаб кетгач, у «Лебединая песня» деган ёзувга тикилганича бир оз ҳаракатсиз турди. Сўнг «Таваккалчининг ишини Худо ўнглайди», деган фикрда пастга олиб тушувчи зинага оёқ қўйди.  
Катта хонадаги дастурхон атрофида ўтирганларга бир-бир қарашга ботина олмади. Тўрда ўтирган Хонгирейнинг ёнидаги полковникни кўриши билан юраги уришдан нақ тўхтагандай бўлди. Москвага шошқич чақирилганининг сабабини англаб, Хонгирейга «Раҳм қилинг, жонимни олманг», дегандай мўлтиллаб қаради.  
— Одобли болалар кирганда салом беришлари керак, — деди Хонгирей уни ўтли нигоҳи билан қаршилиб.  
Дудуқланиб қолган Селимнинг саломига фақат Маматбейгина алик олиб, ўрнидан турди-да, уни Хонгирейнинг рўпарасидаги стулга ўтқазди. Хонгирей ҳол-аҳвол сўрамагани учун Маматбей ҳам индамади. Селимнинг қаршисидаги катта қадаҳга тўлдириб ароқ куйгач, паст овозда «ич» деб буюрди. Селим қадаҳни яримлаганда Хонгирей:  
— Полковникни танидингми? — деб сўради.  
Кутилмаганда берилган бу саволдан Селим қалқиб кетиб, йўталди. Лабига сочиқни босиб, ўзига келгач, «танияпман», деди.  
— Шундай ажойиб қаҳрамон билан танишлигингни бизга айтмовдинг? Нега айтмовдинг, а? Селим «билмадим», дегандай ерга қаради.  
— Тўғриси айтивер, сен буни ўлиб кетган деб ўйлагансан, а? Ҳа, умуман... тўғри ўйлагансан. Полковник сен тиқиб қўйган қамоқхонада ўлган эди. Биз уни тирилтириб олиб чиқдик. Буни



қараки, полковник сени ўлган, деб юрган экан. Сен қандай қилиб тирик қолдинг, бунга айтиб бер. Ахир тобутни очганингда портлаб кетувдинг-ку, тўғрими?

Селим айбдор бола каби ерга қаради.

— Тобут портлаганмиди, деб сўраяпман?!

— Ҳа...

— Сен бунга қаматдинг, қамокда ўлиб кетади, деб ўйладинг, бу эса тобут миналаштирилганини сенга айтмади. Икковинг ҳам фирром ўйин қилгансанлар. Биринчи галда сен ўлишинг керак. Нафси наҳангникидан баттар аблаҳ ўлса, ер ҳам мазза қилади.

Селим аста қаддини кўтарди, сўнг стулни суриб ташлаб, тиз чўқди-да, жазавага тушиб, тавба қила кетди. Унинг бу қилиғи Хонгирейга ёқмай, Маматбейга қараб қўйган эди, у Селимнинг гарданидан ушлаб турғизиб, жойига ўтқазди. Хонгирей унга нафрат билан тикилди. Селим унинг тилидан ўлим хабарини кутиб, нафас ютди. Хонгирей уни лол қолдириб, ҳукмини ошкор қилмади, Гамлет билан кўз уриштириб олгач, ўрнидан турди. Гамлет бу қарашнинг маъносини англаб, қадаҳини яримлатган ҳолда ташлаб кетгиси келмай, бир кўтаришда бўшатди-да, у ҳам ўрнидан туриб мезбонга эргашди. Улар чиқиб кетишгач, эндиги тақдири нима бўлишини билолмаётган Селим полковникка қаради. Полковник хуморбосди қилолмаганидан гарангмиди, ҳар ҳолда эси оғиб қолган одам каби ўтирарди.

Селим уни дастлаб шу ҳолда кўрганидаёқ қорадорисиз туролмайдиган тоифадан эканини сезган эди. Ҳордиқ чиқариш мақсадида Қора денгиз соҳилига келган Селим меҳмонхонанинг энг яхши, энг қимматбаҳо хонасида маишат қиларди. Афғонистондаги қаҳрамонона хизматлари учун таътил берилган полковник ҳам санаторийдаги даволанишини тугатгач, изига қайтишга шошилмай, меҳмонхонага жойлашиб, айшини суриб юрган эди.

Тақдирнинг ўйинини қарангки, даҳлизнинг бир томонидаги эшик Селимники, рўпарасидаги эса полковникники эди. Улар дастлаб айна шу даҳлизда учрашдилар. Иккови ҳам кун ёйилган маҳалда, айна бир хил юмуш билан — тунги меҳмон «қушча»ни кузатгани эшикни очган эдилар. Ўша куни пешинда ресторанда учрашдилар. Кейин бир-бирларига рўпара келганларида саломлашдилар. Шу зайлда бўлажак ҳамкорликнинг эшиги қия очила бошлади. Бир куни кечаси полковник Селимнинг эшигини тақиллатди. Кўзлари кирта-йиб, безгак тутгандай титраётган полковникни бошқа одам кўрса «бечоранинг тоби қочиб қолибди», деб ўйлаши мумкин эди. Лекин бунақа холатларни кўп учратган Селим унинг мақсадини дарров англади. Полковник у дамда Селимнинг қорадори билан шуғулланишини билмас эди. У тунда қорадори илинжида эмас, пул сўраб чиққанди. Селим «ярим тунда пулни нима қиласиз?» деб ўтирмай, сўраганини берди. Қорадорини шу меҳмонхонанинг ўзидан топиш мумкинлигини билгани учун ҳам гапни айлантормади.

Ертасига пешинга яқин полковникнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, хонасига қайтиб, телефон қилди. Гўшақда полковникнинг уйқусираган овозини эшитиб:

— Полковник, яхши дамларни уйқу билан ўтказиб юбориш гуноҳ, эшикни очинг, — деди.

Полковникда бир оз карахтлик сезилса ҳам, тундаги аҳволига нисбатан анча тетик эди. Битта олма билан, ярим шиша ароқ кўтариб кирган Селим қадаҳларни тўлдириб, биттасини сўзсиз, илтифотсиз тарзда кўтарди. Полковник эса қадаҳни афсун қилаётгандай тикилиб тургач, у ҳам бир кўтаришда бўшатди. Селим тунги чорловдан гап очмади. Аксинча, бу ердаги мароқли кунларни таърифлаб ўтирди-да, полковник учун сира кутилмаганда гапни қорадорига буриб юборди:

— Полковник, афғондаги кўп йигитлар нашаванд, гиёҳванд бўлиб қоларкан, шу ростми? — деб сўради.

Полковник «рост, менинг аҳволимни кўрмаяпсанми», дегандай унга сўзсиз қараб тургач, аста очила бошлади. Селим полковникнинг қитиқ патини тўғри топган эди. У афғондаги зобитларнинг айримлари ҳеч тап тортмасдан қорадори олиб ўтишаётганини биларди. Унинг мўлжалича, бу полковник ҳам шундайлардан эди. Чунки полковникнинг маишати учун ўнта

зобитнинг маоши ҳам камлик қиларди. Селимнинг мўлжалича, полковник бу ерга қорадори билан келган, бир қисмини сотгану пулини совуриб юборган. Ўзига олиб қўйганининг тугаб қолганига аҳамият бермай, тунда хуморнинг жазавасидан уйғонган...

Полковникдан сир олиш учун уни яна икки кун меҳмон қилишга тўғри келди. Улар бир-бирларидан ҳадиксираган ҳолда аста-секин бир-бирларига яқинлашдилар. Оқибат шу бўлдики, полковник Селим яшайдиган жойга яқин бир қишлоқдаги қабрда катта бойлиги борлигини билдирди. Жангда ҳалок бўлган йигитнинг жасадини темир тобутга солишдан олдин унинг қорнига ўн килодан мўлроқ қорадори жойлаганини айт-ди. Марҳумнинг исми-насабини, қабрнинг тартиб рақамини ҳам яширмади. Бу бойликка тенг шерик бўлиш ҳақидаги оғзаки аҳдномага қўл ташлашди.

Ҳосил бойвачча Селимни қайириб олмоқчи бўлганида «Сен майда баққолсан, катта ишларга фаҳминг етмайди», деб янглишмаган эди. Полковникдан сир олгач, бефаҳмлиги туфайли шошиб қолди. Аҳдномадаги бойликнинг ярмига қаноат қилмай, барчасига эга чиққиси келди. Бу ишни осонгина удалаш мумкиндай туюлиб, полковникнинг жомадонига қорадори солиб қўйди-ю, ўша заҳоти милитсияга қўнғироқ қилди. Қўллари кишанланган полковникнинг олиб кетилишини эшик тирқишидан кузатиб, «Худога шукр», деб қўйди.

Хонасига милитсия бостириб кириб, жомадондан қорадори топгач, полковник ким томонидан хоинлик бўлганини дарров англади. Шу боис ҳам қўли кишанланган ҳолда даҳлизга чиққанида Селимнинг тирқишдан мўралаб турганини сезгандай, аянчли равишда кулимсираб қўйган эди. Селим бу кулимсирашнинг маъносини кейинроқ тушунди.

У шошқинч равишда уйига қайтиб, айтилган мазористонга борди, айтилган қабрни топиб, қувончдан юраги тошиб кетай деди. У катта бойликдан бир қулоч юқорида турарди, темир тобут қазиб олинса бас... Бойликдан эмас, ўлимдан сал нари турганини у кейинроқ билди. Қўшни шаҳарга бориб бир майхўр пайвандчини топди. Аввал ҳовлисидаги ток сўриларини янгилашди. Ишдан кейин сахий тўра каби пайвандчини обдон сийлади. Пайвандчи галдираб қолган пайтда катта пул ваъда қилиб, мазористонга бошлаб борди. Қабр очилиб, белкурак темирга «тақ» этиб урилганда ҳовуч-ҳовуч тиллалар чўнтагини тўлдириб қўйгандай қувонди. Темир тобут усти тупроқдан тозалангач, уни юқорига кўтариш муаммоси туғилди. Шунда пайвандчи «тепага чиқариб нима қиламиз, жойида очаман, кейин кўмиб қўяверамиз», деб пастга тушди. Майитнинг қорнини мўлжаллаб, темир тобутнинг ўртасини кавшарлагичнинг ўтли тили билан доира шаклида кеса бошлади.

Қишлоқнинг кимсасиз мазористонида, юлдуз тўла осмон остида ваҳшийлик дейилса ваҳшийликдан-да юксакроқ, ҳайвонлик дейилса ундан-да устунроқ, ҳаромилик дейилса ундан-да тубанроқ бир юмуш билан банд эдилар. Темир тобут билан оловли тил орасида сачраётган учқунлар шайтонлар шодиёнасида отилаётган мушак каби эди...

Пайвандчи бир оз ишлагач, юқорига қаради:

— Хўжайин, юзта отиб олмасам бўлмайди, қўланса ҳид томоғимни ғип бўғди, — деди у.

— Озгина чида, олдинга юз шишани териб қўяман, ичаверасан, — деди Селим.

Пайвандчи яна озгина ишлаган бўлди-ю, яна зорланди. Учинчи марта ялингач, Селим кўчада қолдириб келган машинаси сари юрди. Мазористондан чиқишга улгурмай, кучли портлашдан эхонаси чиқиб кетди. Қўрқувдан ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмади. Бир неча дақиқа ҳушсиз ўтирди, кейин нима воқеа юз берганини англаб, шошилганича машинасига ўтирди-ю, қишлоқни катта тезликда тарк этди.

Қабристондаги портлаш ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Милитсия бир қанча вақт жиноят изини қидиргандай бўлди. Ашъвий далил сифатида йиғиб олинган одамнинг бўлак-бўлак аъзоларидан бирон-бир хулоса чиқариш имкони бўлмади.

Орадан кунлар ўтиб, Селимнинг ваҳимаси босилди. Жонини сақлаб қолгани учун бир қўй сўйдириб, худойи қилди. Бу дунёда полковникнинг турқини кўрмасам керак, деб юрарди.

Полковник билан Гамлетнинг бир қамоқхонада учрашиб, тил топишиб қолишларини у қаердан

билсин? Қорадори билан қўлга тушиб қамалган зобитда гап кўплигини сезган Гамлетнинг муддаога етишини Селим ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Алҳол, «Лебединая песня» ресторанидаги дастурхоннинг нариги бетида гарангсиб ўтирган полковникка тикилиб қолган Селим унинг бу ерда пайдо бўлиши тафсилотларини билмас эди. Ораларида ноз-неъматга тўла дастурхон эмас, балки ўлим жари устига тортилган қил кўприк мавжудлигини, бу қил кўприқдан аввал ким қулаши Хонгирейнинг марҳаматига боғлиқ эканини унинг калта фаҳми идрок этолмасди.

Селим полковникнинг бемаъно боқаётган кўзларига тикила туриб, унга лаънат ўқларини ёғдирди. Бошига тушган кўргулик учун уни айблади. Тобут портлаган пайтда ҳам шу фикрда эди. Ўшандан бери «бу кўргуликка полковник эмас, ўз нафсим айбдор», деган ҳақ фикр хаёлини ёритмади. Агар биров, айтайлик, Хонгирейми ёки Маматбейми шундай деса ҳам бу ҳақиқатни тан олмаган бўларди. «Ўлимнинг олдидан бир сўз айт», деб сўнги имкон берилса, ўшанда ҳам нафсини эмас, полковникни лаънатлай-лаънатлай жон берган бўларди. Маматбей «соғиниб қолган бўлса маза қилиб тикилиб тўйиб олсин», дегандай индамасдан турди. Сўнг бу манзара ғашини келтириб, эшик оғзидаги йигитга ишора қилган эди, у полковникни бошлаб чиқиб кетди. Шундан кейин Маматбей Селимнинг қадаҳини яна ароққа тўлдирди.

— Ич, қорнингни тўйғазиб ол.

Селим бир-икки қултум ичди-ю, қадаҳни яна жо-йига қўйиб, Маматбейга қаради:

— Маматбей, ахир... у пайтда сизларни яхши билмасдим... Мен ёлғиз ишлардим. Ўтган иш ўтиб кетди... Мен сизларга хиёнат қилмадим-ку?

— Сенга биров «хиёнат қилдинг?» дедими? Ол, ичиб қўй.

— Мен...

— Довдирама. Шунчалик қуёнюррак экансан, нима қилардинг катта овга осилиб. Сени ўлдирмаймиз. Сени бизга Ҳосил совға қилиб кетган. Биз совғани бекордан бекорга ташлаб юбормаймиз. Бундан бу ёғига қада-мингни билиб бос.

— Мен.. болаларимдан хабар олиб келай.

— Аҳмоқ экансан! Княз сенинг жонингни қайтиб берди. Бу мукофот учун хизмат қилишни ўйламай, болаларим, дейсан, а? Сен болаларингни унут. Ҳозир изингга қайтасан.

— Бир ўзимми?

— Агар йўқ демасанг бирга борардим.

Бу пичинг замирида «енди сен ёлғиз юрмайсан, шунга ақлинг етмадими?» деган маъно ётарди. Москвадан қайтишган куннинг эртасига Маматбей хўжайинига қўнғироқ қилиб, ундан топширик олди-да, гўшакни жойига қўйгач, бош чайқаганича, афсус билан:

— Княз хунук хабар етказди — полковникнинг ўлибди. Юраги чатоқ экан-да, а? Айтмоқчи, сенинг юрагинг ҳам безовталаниб турадими? — деди.

Селим бу айтилмиш гапнинг ёпинчиғи остида қандай маъно яшириниб ётганини англаса-да, бирон нима демоққа чорасизлиги туфайли тилини тийишга мажбур бўлди. Селим Москвага чорланиб, учиб бораётган маҳалидаёқ, Хонгирей томонидан тақдири ҳал этилиб қўйилганини билмасди. Изига қайтилиб, Ҳайдар йўқлангач, Хонгирейнинг бирон топшириғи айтилар, деб ўйлаб, янглишмади.

Кесакполвон келгач, Маматбей ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлди-да, Асадбекнинг айтган гапига зид равишда, Хонгирейнинг ундан норози эканини баён қилди. Наркокурер танлашда асосан Кесакполвон адашгани, Маматбей билан Селим унга тўла ишониб, хатога йўл қўйгани учун Хонгирей томонидан танбеҳга лойиқ кўрилгани ҳам билдирилди.

Норасмий хўжайиннинг шошқич равишда Москвага чорланганидан хавотирда юрган Кесакполвон «Селим шу мақсадда чақирилган экан-да?» деган ўйда ташвишини босди.

Маматбей хўжайинининг марҳамати туфайли бу сафар ҳеч ким жазоланмаслигини айтгач, янги наркокурер танлашда адашиш қимматга тушажагидан огоҳлантирди. «Қани, булар ўйлашсин-

чи, кимни таклиф этишаркин», деган фикрда улардан жавоб талаб қилиб, шоширмади.

Улардан садо чиқавермагач, икковини ҳайрат денгизига улоқтириб:

— Хонгирейнинг фикрича бу сафар таваккал қилмай, икковларингдан бирларинг боришларинг керак,— деди.

Бу кутилмаган таклиф Селимни ҳам, Кесакполвонни ҳам доводиратиб қўйди. Айниқса ўзини бу томонларнинг хўжайини деб юрган Кесакполвон дастёрликка тушиб қолишини ҳазм қила олмади. Ичида «Хонгирейингни ҳам, ўзингни ҳам...» деб сўкинди-да, «Бу сенбоп иш экан», деган маънода Селимга қаради. Селим ҳам ўз навбатида «Мен Хонгирейнинг бу ердаги вакилиман, демак, бу ишни сенга юклайман», деган маънода унга тикилиб олди.

Маматбей ички талвасадаги бу икки одамнинг ҳолатидан ўзича кулиб қўйди-да, ажрим чиқарди:

— Ҳайдар бу соҳани яхши билмайди. Селим, сен бунақа ишда ҳар қанақа итни тириклайин ютворадиган бўлиб қолгансан. Князга бир хизмат қилиб, ўзингни оқлаб олмайсанми? Ҳайдар ишончли йигитларидан бирини сенга дастёрликка беради.

Маматбей мулойим оҳангда гапирган бўлса ҳам, Селим таклиф эмас, буйруқ берилганини, итоат этишга мажбурлигини англаб, бу фикр Кесакполвондан чиққандай унга ўқрайиб қараб қўйди. Кесакполвон берадиган йигит дастёр эмас, уни бир қадам нари-берига юришга йўл қўймайдиган қўриқчи эканини англади.

### 3

Селимнинг ёнида ким бориши ўйланаётган пайтда Жамшид Тарзанни Асадбекка рўпара қилиб, учрашув натижасини кўчада кутиб турган эди. Хожаси атрофига ишончли йигитларни тўплаш нияти борлигини айтмаса-да, Жамшид унинг мақсадини ўқиб, Тарзанни ҳам, унинг йигитларини ҳам аввал ўзи чиғириқдан ўтказиб кўрган эди. Тарзаннинг Асадбекка маъқул келишига ишониб, янглишмаган экан. Асадбек Тарзанга ижозат бергач, Жамшидни чақириб «бу боллардан ўзинг кўз-қулоқ бўлиб тур, ҳозирча жим юришсин. Харажатлари менинг бўйнимда», деб тайинлади. Жамшид отасининг аҳволдан хавотирлангани учун рухсат сўраб уйга барвақтроқ қайтган эди. Ўғай онаси билан икки-уч оғиз сўзлашишга улгурмай, Кесакполвондан чопар келди.

Жамшид Маматбейни Асадбекнинг тўйида кўрганида у танимагандай ўтиб кетган эди. Ҳозир эса Жамшидни ўрнидан туриб қаршилади. Узоқ вақт кўрмай, соғиниб қолган укасининг дийдорига етган бахтиёр акадай сўрашди. Зарур топшириқ бериш учун эмас, шунчаки сўраб қўйиш учун чақиргандай гаплашиб ўтирди. Сўнг соатига қараб олди-да:

— Икки соатдан сўнг Красноярга учасан, — деб унга синовчан тикилди.

Асадбек томонидан огоҳлантирилган Жамшид бу амрни хотиржам равишда қабул қилди.

— «Нимага?» деб сўрамайсанми?

— Ҳайдар акам «нимага?» деган саволни ёмон кўрадилар. «Хўп», дейишни ёқтирадилар, — деди Жамшид Кесакполвонга қарамай.

— Боланинг тарбияси менга ёқди, — деди Маматбей кулимсираб, сўнг ўрнидан туриб, Жамшидни ён томондаги эшик томон бошлади-да, пардани сал тортиб, қўшни хонага ишора қилиб: «қара», деди. Жамшид оромкурсида ястаниб ўтирган Селимни кўрди-ю, Маматбейга «қарадим, энди бу ёғи нима бўлади, айтаверинг», дегандай боқди.

— Танийсанми?

— Сал-пал.

— Яхши. Йўлда дурустроқ танишиб оларсан. Сен шу акангни Красноярга кузатиб борасан. Киприк қоқмай кузатасан, сал нари-бери бўлса, аяб ўтирмай йўқотасан. Красноярга бориб, «Сибир» меҳмонхонасига жойлашасанлар. Унинг қўлидаги молга эҳтиёт бўласан. Кечаси у ухласа ухласин, сен ухламайсан. Тонгда кўчага чиқасан-да манави рақамга телефон қилиб Никита Варшавскийни сўрайсан, — Маматбей шундай деб унга бир парча қоғоз берди. — Унга

«молни олиб келдим, сизни қизиқтирадиган қоғоз аэропортдаги автомат юкхонанинг қирқ олтинчи катагида» десанг бас. Ўша заҳоти темирйўл бекатига борасану Новосибирга жўнайсан. У ердан бу ёққа учасан. Қолган гапни кейин гаплашамиз.

Маматбей топшириғини айтиб бўлгач, Кесакполвонга «чақир», дегандай қараб қўйди. Кесакполвон зийрак ва чаққон дастёр каби ўрнидан туриб эшикни очди-да, Селимни чақирди. Йўлда Селим ўзини мўминтой бола сингари тутди. Жамшидга оғирлиги тушмади. Меҳмонхонага жойлашишгач, ресторандан емоқ-ичмоққа лозим нарсаларни буюриб, яқиндан танишгандай бўлишди. Мўлжалдан кўпроқ ичиб олган Селим бу йигитга ҳасрат дафтарини очмоқни истади. Портлаган темир тобут, кутилмаганда пайдо бўлиб қолган полковник ҳақида гапириб, ўзининг жабрдийда эканини айтиб раҳм-шафқат уйғотишни мўлжал қилди. У Жамшидга берилган топшириқдан беҳабар, эрталаб мижозга қўнғироқ қилиш билан вазифасини уддалаб изига қайтишдан умидвор эди. Мижознинг Козловга тегишли йигит экани, унинг аллақачон ҳибсга олингани эса, шубҳасиз, Селимга маълум эмасди. Дастлаб ҳасратини очишни истаган Селим фикридан қайтиб, тилини жиловлашга ҳаракат қилган бўлса-да, ароқнинг кучи билан чулдирай-чулдирай, гап орасида Афғондан келган темир тобутнинг портлаганини айтиб қўйди. Жамшид бунини муҳим жиддий гап сифатида қабул қилмади. Уйга қайтгач, зиммасига янги вазифа юклатилганда Селимнинг мастликда айтиб қўйган бу гапини ўзича таҳлил қилди. Ароқ кучини кўрсатиб, Селимни кулатиб қўя қолди. Жамшид уни аранг судраб каравотига ётқизиб «ростданам қаттиқ ухлаяптими ё найранг қиляптими?» деган гумонда тез-тез қараб турди.

Жамшид белгиланган вақтда кўчага отланди. Селим қўлдан қўймай кўтариб келган дипломатга қараб олди-да, уйқудан уйғонганида кўражак томошаларни кўз олдига келтириб, унга ачинди. Красноярда ҳам, Новосибирда ҳам Асадбекка қўнғироқ қилиш имконияти бўлса-да, Жамшид бундан ўзини тийди. Қайтганидан кейин ҳам унга учрамай, Маматбей кўноқ тутган жойга келиб, ҳисобот берди.

Маматбей унинг гапларини эътиборсизлик билан тинглади. Жамшид арзимаган юмушни бажариб қайтиб, кўпиртириб мақтанаётган боладай ўзини ноқулай сизди. У гапдан тўхтагач, Маматбей Кесакполвонга қараб:

— Красноярдагилар қўнғироқ қилишди, Селим ҳам қўлга тушибди, — деди. Кейин арзимаган нарсани эслагандай илова қилди: — Бечоранинг юраги касал эди, уларнинг қийнашларига чидармикин?

Жамшид ҳам, Кесакполвон ҳам бу ачиниш замирида қандай аянчли оқибат ётганини англаб, бир-бирларига маънодор қараб олдилар.

Маматбей ён чўнтагидан қизил жилдли гувоҳнома чиқариб, Жамшидга узатди:

— Сен энди афғон урушининг фахрийсисан. Марказий кенгаш аъзоси сифатида афғонда ўлган уч-тўрт қуролдошининг оиласидан, қабрларидан хабар олиб келасан. Эсингдан чиқмасин, уларнинг қабрлари атрофи обод бўлса ҳам, қаровсиз қолибди, деб танбеҳ бериб келасан, — Маматбей стол устида турган газета парчасига ўроғлик пулни кўрсатиб, қўшиб қўйди: — Бу пулларни ўлганларнинг ота-оналарига бўлашиб берасан. Кийимларингни ўзгартир, уларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қил. Яқинда Москвадан махсус вакил келишини ҳам айт. «Ўғилларингга орден берилган экан», деб қувонтириб қўй.

Жамшид борадиган манзилларни ёзиб олгач, кетишга ижозат сўради.

## XXIII б о б

### 1

Қиш чилласида қайноқ қор ёғишини кутган каби Асадбек ҳам, Манзура ҳам ўғилларининг

соғайиб кетишига умид қилишарди. Чақирилган врачлар аниқ ташхис қўёлмай Асадбек қаршисида мулзам бўлишарди. Тўйнинг эртасига Абдурахмон табибниқига бориб келган Жалил ҳам тайинли гап айтмади. Табиб бериб юборган туркана дори озгина эм бўлгандай туюлди, ҳатто Абдулхамиднинг бетларига қизиллик югурди. Лекин орадан кун ўтгач, аввалги аҳволига қайтди. Абдулхамид ота-онаси, аҳли аёли ҳузурда ўзини тетик тутишга ҳарчанд уринмасин, тураридан ётари кўпайиб борарди.

Асадбек Абдурахмон табибнинг касаллик ҳақидаги мужмал жавобидан, кўргани келмаганидан нохушлик исини сезиб, юраги пораланди. «Худо хоҳласа отдек бўлиб кетади», деб Манзурани юпатса ҳам, бу юпанч сўзларига ўзи ҳам ишонмай борарди. Врачлардан бири «Бу касаллик бизга номаълум, Москвадан дўхтир чақирганингиз маъқул», дегач, Асадбек Иликога қўнғироқ қилди. Тавсия этилган врач Абдулхамидни кўр-гач:

— Ҳамкасбларим адашишмаган, — деди. — Бу тропик безгак эмас, лекин шу турдаги касалликнинг бизда ҳали яхши ўрганилмаган тури. Москвада саккиз кишининг оғригани қайд этилган.

— Тузалишганми? — Асадбек шундай деб сўради-ю, кейин афсусланди. Ундан «Йўқ, ҳаммаси ўлган, сизники тўққизинчиси», деган жавобни кутиб, юраги пораланди.

Врач унинг саволини эшитмагандай, жавоб қайтармади.

— Бу касал юқумли эмас, фақат қондан ўтиши мумкин.

— Қондан? Қандай қилиб?

— Масалан игна орқали... ёки бирон дорида аралашиб...

— Нима қилиш керак?

— Энг яхши дори — умид, азизим, — деди врач. — Ўғлингиз ёш, бақувват, касални ўзининг қуввати билан ҳам енгиши мумкин. Олаётган дориларини эса давом эттириш зарур...

Москвалик врачни кутиб олган Бўтқа уни иззат-икром билан кузатди.

Асадбекнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб турганида Жамшид кириб келди. У хожасининг аҳвол-руҳиясини кўрибоқ изига қайтишга ошиқди. Лекин Асадбек унга рухсат беришга шошилмади. Ҳозир ёнида сирдош бўлмаса ҳам, бир одам ўтиришини истарди. Худди мотамни бошлаб юборгандай тумтайиб ўтириш ўзига ҳам таъсир қилиб:

— Қаёқларда юрибсан? — деб сўради.

— Красноярга бориб келдим...

Бу гапдан кейин ғамнок Асадбек асл Асадбекка айлангандай бўлди. Жамшид сафари ҳақида батафсил маълумот бергач, афғонда ҳалок бўлганларнинг қабрларини зиёрат қилиб қайтганини ҳам айтди.

Бу янгиликларни эшитган Асадбек ўйга толди. Қабр-лар билан қизиққан Хонгирейнинг мақсадини англагандай бўлди. У қорадорини шаҳардан шаҳарга, мамлакатдан мамлакатга олиб ўтишнинг турли йўллари эшитган эди. Ҳатто қўйларга наша барглари едириб, қумалоқларини олиб ўтувчиларни ҳам биларди. Лекин бунақаси... Ҳатто ўликни тинч қўймасликлари... Асадбекнинг вужуди бир тўлғониб олди-ю, аммо ўзини босишга куч топди. Жамшид янгиликларини баён этиш жараёнида Хонгирейнинг мақсадини англаганига ишора қилганди. Шу сабабли Асадбек ўйлаганларини, гумонларини, хулосаларини унга ошкор қилмади. Фақат «Сергак бўлиб тур», деб огоҳлантирди.

Жамшид кетгач, Асадбек унинг гапларини яна фикр тарозусидан бир-бир ўтказди. Унинг Селим билан яқин салом-алиги бўлмаса-да, қорадори билан шуғулланишини яхши биларди.

Ҳосилбойвачча билан келишолмай юришидан ҳам хабардор эди. Ўтган йилги ғалвалардан сўнг унинг изини йўқотган эди. Бу йил кутилмаганда пайдо бўлиши, яна Кесакполвон билан ошқатик бўлишлиги сабабларини Асадбек ҳали тушуниб улгурмай, иш бу томонга айланибди. Маматбей «юраги чатоқ» деган бўлса, демак, Селимга биринчи сўроқ ҳам насиб этмайди. Милитсияга кўп гапларни айтиши мумкин бўлган одамнинг кўп яшашига йўл берилмайди.

Бу масалада Асадбек янглишмаган эди.

Жамшид Новосибирдан учган пайтда бир кишилик қамоқхонада ўтирган Селимнинг бақувват юраги уришдан тўхтаган эди...

Селим Хонгирейнинг қаҳрли нигоҳига рўпара келган ондаёқ унинг кўзларидан ўлим ҳукмини ўқиган эди. Ресторандаги талвасаси бежиз эмасди. Лекин Маматбейнинг гапига ишониб, шафқатга умид қилди. Красноярга жўнатилишида ҳам бир зулми сезиб турса-да, яна умидга алданди. Ҳатто милитсия машинасига ўтираётганида, қамоқ хонасига кирганида ҳам умидини узмаганди. Хонгирейнинг атрофида зир қақшаб яшагандан кўра, турмада умр кечириш унга роҳатдай кўриниб, бу қисматидан рози бўлди.

Бошидаги гаранглик чекиниб, хаёли бир оз равшанлашгач, кўргуликларини идрок этмоқчи бўлди. У Маматбей айтганидай, катта овга бир мартагина қўл урмоқчи бўлувди. Оғзи куйиб, тавба қилиб, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолса-да, барибир ҳали у томондан, ҳали бу томондан турткилайверишларига у ҳайрон эди. «Онангни кўрсатаман», деб юрган Ҳосилбойваччанинг ўзи кўрадиганини кўрди. Зелихон ҳам ўлдирмоқчи эди, у ҳам насибасига ярашасини олди. Энди Хонгирей... У «ўлдираман», дегани йўқ... Селим шунисидан кўрқди... У «Сўроқ қачон бошланаркин, қийнаса ҳам чидашим керак, Хонгирейни сотсам, шу ерда чиритади», деб ўйлаб ўтирганида эшик очилиб, икки йигит кириб келди-ю, ура бошлади. Селим буни «сўроқ олдидан тайёргарлик», деб билиб, букчайиб, бошини қўллари орасига олганича чидади, овоз чиқармади. Йигитлар тез чарчашдими ё биринчи галдаги «ишлов» шундай камроқ белгиланганмиди, уришни бас қилишиб, чиқиб кетишди.

Селим шундан кейингина ихранишини бошлади. Шундай кейингина калтак зарблари ўз кучини кўрсатди. Кўнгли ағдарилди. «Ичимда бир нима ёрилди», деб ўйлади у. Орадан ярим соат ўтмай, йигитлар қайтиб киришди. Селим аввалги сафар эътибор бермаган эди, йигитлар унинг юзига тегишмай, фақат қорни, биқинию кўкрагини мўлжаллаб уришарди. «Селим «нега шундай?» дейишга улгурмади. Ҳушидан кетди. Шу аснода яна қанча тепки, қанча мушт еганини билмади.

...Оғриқлар вужудини тарк этиб, қуш каби енгил тортди. Ҳатто уча бошлади. Далалар, тоғлар устидан учиб ўтди. Роҳатланди. Фарғонадаги уйигача борди. Қўнди. Лекин... Уйга қўндим, деб ўйлаб қувонувди. Йўқ... қараса, қамоқ хонасига қўнибди... Эшик оғзида кимдир турибди. Урган йигитларга ўхшамайди. Дикқат билан тикилди: Зелихонми? Ҳа, Зелихон...

— Бошингга итнинг куну тушибди-ку? — деди Зелихон кулиб.

— Мен бунчалик бўларини кутмаган эдим, — деди Селим.

— Қанақа бўлади, деб ўйловдинг?

— Билмайман.

— Сен нон берганларга хиёнат қилувдинг. Энди ҳақини тўла.

— Айб менда эмас.

— Менинг бобомга, Исмоилбей оғамга кафанни ўзбеклар беришган эди. Сен эса кафанга зор бўлиб ўласан. Шу нарсага ақлинг етадими сенинг?

— Ҳа, тушунаман.

— Тушунмайсан. Сен нафсингга қул бўлиб яшаган эдинг, энди кафанлигинг ҳам нафс бўлади.

— Мени ўлдирасизми?

— Ҳа. Эсингдами, Фарғонадан қочаётганингда қаёққа борсанг ҳам излаб топиб, отаман девдим.

— Зели оға, ундай деманг, мен сизни ҳурмат қиламан.

— Ҳа... ўшанда ҳам шундай девдинг. Сен мени ҳурмат қилолмайсан. Чунки мен ўлганман.

Эшитмовдингми?

— Эшитганман.

— Охирги кўришганимиздаги гапим эсингдами? «Сен мени кутгин, бир кунмас бир кун уйингга кириб бораман. Агар бир бало бўлиб қамалиб кетсам, одам юбораман. Сени ўлдириш — мен учун қиёмат қарз!» демаганмидим? Мен сени топдим. Энди қарзни узиш керак. Тўппончадаги ўқ сени кутавериш занглаб кетди.

Зелихон шундай деди, аммо қўлида тўппонча кўринмади. Панжаларини очган равишда унга яқинлашди. Сўнг бўғди...

Харидоргир дўзах аҳли қаторида умр кечирган Селимнинг ҳаёти шу тарзда поёнига етди. Шоир айтмоқчи:

Сесканмай шум нафснинг хоҳишларидан,  
Маст бўлиб шайтоннинг олқишларидан,  
Қўрқмасдан мазлумнинг қарғишларидан  
Умри ҳам ўтди...

Селимнинг сўнги нафаси шу тарзда кечиб, «юрак хуружидан жон берди», деб расмийлаштирилди.

Асадбек Селимнинг Хонгирей қармоғига қандай илинганини ўйлаб ўтирган пайтда «шахси номаълум» деб топилган наркокурернинг жасади куйдиришга тайёрланарди...

## 2

Жалил Абдулҳамиднинг кундан кун сўлиб бораётганини кўриб, Асадбекка билдирмай, Мухиддин отани олиб келди. «Ҳозир ошнамнинг ёнида суянадиган бир одам бўлиши керак. Менинг тилим ёмон, суянаман, деганида бир гап айтвориб, дилини баттар хира қиламан», деб қўйди. Отанинг келиши Асадбек учун айна муддао бўлди. Сухбатлашиб ўтирган чоқлари Асадбек ғам-ташвишдан бир оз узоқлашган бўларди-ю, лекин ёлғиз қолганида изтиробли хаёллар яна банд этаверарди. У москвалик врачнинг касаллик ҳақидаги гапини кўп ўйлади. Ўйлай-ўйлай гумонлари оқими Хонгирей томонга бурилавергач, Абдусамадни чақириб, гапга тутди. Абдусамад хорижда эканликларидан дўхтир зотиға яқинлашмаганларини айта туриб, Москвада тут-кун бўлган кечаси билан томиридан қон олишганини айтди. Асадбек эслади: ўшанда ҳам айтишувди, қорадори истеъмол қилинганини аниқлаш учун олишган экан. Ўшанда бунга ишонган эди. Абдусамаднинг гапидан сўнг гумон ҳақиқатга айланиб, Асадбек Иликога қўнғироқ қилди. «Ўғлимга ёмон касаллик юққан. Москвадаги қамоқхонада қон олишганда юқтиришган», дейишининг ўзиёқ Иликога кифоя қилди. Асадбекнинг «икки-уч кундан кейин бораинми?» деган таклифини бутунлай рад этди.

Москвалик врач «енг яхши дори – умид», деб бу хонадондагиларнинг умидига қувват бергандай эди. Бироқ, умид саройи гўё муздан барпо этилгандай кун сайин эриб борарди. Манзура туну кун мижжа қоқмай ўғлининг қошида ўтирмоқни истарди. Асадбек «боласининг рангига қарайвериб куйиб кул бўлмасин», деган фикрда уни чақириб, турли юмушлар буюраверарди. Хотинининг қўли ишда-ю, хаёли боласида эканини кўравергач, уни ўз ҳолиға қўйди.

Асадбек ўғлининг ёниға кирганида унга кўнгили кўтарувчи гапларни айтишни истарди. Лекин тилға гап кела қолмасди. Мўлтиллаб ўтириш ўзига ҳам ёқмай, ўқишдан гап очаверарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Унинг домлалари ҳақидаги гапига ўғли кутилмаган жавобни берди: — Ада, бизға берилган таътил чўзилиб кетди. У томонларда «ҳа, ҳечқиси йўқ», дейилмайди. Доктор Худоёр ҳам аямайдилар. Акам билан янгамға ижозат беринг, хўп десангиз, келинингиз ҳам бирға кетсин. Мен сал ўзимға келволсам, етиб бораман.

Асадбек бир оз ўйлангандай бўлди, бироқ, аниқ қарорға келмади. Ўғлининг жавоб кутиб, тикилиб ётганини кўриб:

— Ўзлари билан маслаҳат қилай-чи, — деб қутулмоқчи бўлди.

— Ўзлари билан маслаҳат қилманг, — деди Абдул-ҳамид. — Эртаға йўлға чиқишса, индинга у ёққа учишлари мумкин. Бўлмаса, яна бир ҳафта йўқотишади.

Асадбек «гапинг тўғри», дегандай ўғлининг бошини силаб қўйди.

— Ада, — деди Абдулҳамид, — Москвалик дўхтир «умид қилинг», деди, а? Агар устозимиз доктор Худоёр бўлганларидан «Оллоҳнинг раҳматидан умид қилинг», дердилар. Бир шарафли



ҳадис бор экан: Оллоҳ-таоло раҳматини юз қисмга бўлиб, тўқсон тўққизтасини ўзига олиб қолиб, фақат биттасини ер юзига туширган экан. Яралганлар, яъни бутун одамлару жонли зотлар бир-бирларига раҳм қилишлари учун шундай бўлган экан. От туёқларининг боласига тегиб кетишидан қўрқиб, туёқларни кўтариб юриши учун ҳам шундай экан...

Асадбек ўғлига «сен шунақа гапларни ҳам биласанми?» дегандай ажабланиб қаради.

Абдулҳамид отасининг бу қарашидаги яширин маънони уқиб, кулимсиради.

— Доктор Худоёр бизга дунёвий илм берардилар. Бир куни «сиз энг асосий илмдан узоқсиз», дедилар. Биз ажабландик. Шунда ҳадис айтиб бердилар. Абдуллоҳ ибн Мусаввир Ҳошимийдан ривоят қилинган экан: Бир киши Пайғамбаримиз ҳузурларига келиб, «менга илмнинг ғаройибларидан ўргатмоғингиз учун ҳузурингизга келдим», дебди. Шунда унга: «Илмнинг аввалида нима ишлар қилдинг?» дебдилар. У: «Илмнинг аввали нима?» деб сўрабди. «Улуғ ва қудратли Роббингни танидингми?» дебдилар. «Ҳа» деб жавоб берибди. «Оллоҳнинг ҳаққига нима ишлар қилдинг?» деб сўрабдилар. «Оллоҳ ҳоҳлаганича ишлар қилдим», деб жавоб берибди. Кейин «Ўлимни билдингми?» дебдилар. «Ҳа», дебди у киши. «Ўлим учун нима ҳозирлик кўрддинг?» дебдилар. «Оллоҳ хоҳлаганича», дебди. «Боргил ва у ерда ҳам шу тарзда давом эт, кейин келсанг, сенга илмнинг ғаройибларини ўргатаман» дебдилар. Бир неча йиллардан кейин у киши яна келганда Пайғамбаримиз унга: «Қўлингни қалбингга қўй, ўз нафсинг учун рози бўлмаган нарсани мусулмон биродаринг учун ҳам рози бўлма, ўзингга раво кўрган нарсани мусулмон биродарингга раво кўргин, мана шу илмнинг ғаройибидир», деган эканлар... – Абдулҳамид толиқиб, кўзларини юмди. Қуриган лабини тили билан намлаган бўлди. Асадбек илиб қолган чойдан қуйиб ичирди. Шундан сўнг Абдулҳамид гапини давом эттирди: — Яна бир ҳадисда Пай-ғамбаримиз ваъз айтган эканлар: «Беш нарсдан олдин беш нарсани ғанимат бил, — дебдилар у зот, — қарилигингдан олдин йигитлигингни, бир ишга машғул бўлиб қолишингдан олдин бўш вақтингни, фақирлигингдан аввал бойлигингни, ўлимнингдан олдин тириклигингни, касал бўлмасингдан олдин соғломлигингни-ни ғанимат бил...» Пайғамбаримиз айтган шу беш нарсада кўп илмлар жам қилинган экан...

Абдулҳамид «мен бу илмларни эгаллай олмадим», деган афсусини тилига чиқармади. Бунинг ўрнига чуқур нафас олди.

Асадбек ўғлининг армонини англаб, кўнглига малҳам бўлгувчи сўз айтмоқни ихтиёр этди-ю, шундай сўз тилига келмади. Буйруқ беришга, баъзан ҳақоратлашга ўрганиб қолган тил ўз фарзандига тасалли сўзларини айтмоққа ожизлик қилиб қолди.

Умри кузагининг адоғига етиб қолганини англаб етган Абдулҳамид ёлғиз қолган кезлари ўй ўйлаб ота-онасига баъзи гапларни айтмоқликни истарди. У онасини қандай овутишни билмасди. Оналик бахти нималигини энди кўраман, деб турган аёл кулфат бўронига дуч келганда уни қандай юпатиш мумкин?

«Ойижон, мендан рози бўлинг. Сиздай онага ўғил қилиб дунёга келтиргани учун Оллоҳга ҳазор-ҳазор шукрлар айтаман. Сизнинг хизматингизни қилиш қисматда йўқ экан... Худо сизга сабрни мўл-мўл қилиб берган. Ойижон, келинингизнинг боши қоронғу, агар Худо қиз берса унга «Ёдгора» деб исм қўйманглар. Ўзингизга ўхшасин, «Манзура» деб қўйинг... Келинингиз истаган ерида яшасин. Турмуш қурсин, мени деб ёлғиз ўтмасин, гуноҳ бўлади...»

Абдулҳамид шунга ўхшаш аллақанча гапларни ҳозирлаб қўярди-ю, онаси кириб келиши билан ўйлари буғ каби кўтарилиб кетарди. Бу гапларидаги ҳар бир сўз захарли ўққа айланиб, онаси юрагига санчилиб, уни яралаб, беадоқ азобларга гирифтор этмоғига ақли етарли.

Она ўғлини қучоқлаб, ўпиб, кўз ёш тўқарди.

Ўғил онани қучоқлаб, ўпиб, кўз ёш тўқишдан ўзини тиярди...

Дунёга келганида олам-олам қувонч бахш этган фарзанд онасини олам-олам андуҳи фурқат денгизига фарқ қилиб, тарки жон қилишга ҳозирланарди.

Абдулҳамид айниқса отасига кўп гапларни айтмоқни истарди. У отаси ҳақидаги миш-мишларга унча ишонмаса ҳам, бу бойлик, бу эътибор ҳаромлик сойининг оқавалари эканига ақли етиб

турарди. Хорижга кетмасидан аввал, айниқса доктор Худоёрнинг қаноти остига ўтмасидан олдин бу бойлик, бу шон-шўхратни Худо томонидан берилган табиий неъмат деб биларди. Кейин-кейин Худо эмас, шайтон алайҳилаъна мукофоти эканини англай бориб, кўп сиқилди. Ўғил ҳаддида туриш унинг учун ғоят оғир кечди. Унинг руҳи икки ўт оралиғида жизғанак бўлди. Шайтоннинг мукофотларидан шодон яшаганликлари эвазига Яратганнинг ажри ҳалитдан берила бошлаганини Москвадаги турмада ўтирганидаёқ ҳис этди у.

Абдулҳамид отасига айтар сўзларини Муҳиддин ота воситасида етказмоқни хаёл қилди. Муҳиддин ота кирганида у ўзини анча енгил ҳис этарди. Худди доктор Худоёр ҳузурида руҳига қувват олгандай.

Асадбек ўғлини юпатувчи сўзларни излаб ўтирганида Муҳиддин ота кириб, мушкулини осон этди.

— Ада, ишингизга бораверинг, бугун анча тетикман. Отам билан гаплашиб ўтираман, — деди Абдулҳамид жилмайишга ҳаракат қилиб.

Жилмайишга уринган лаблар билан ҳаёт нури сўнаётган кўзлар орасидаги масофа жуда қисқа, ота билан фарзанднинг айрилиқ онлари эса бундан-да яқин эди. Асадбекнинг ғаш кўнгли ниманидир сезгандай бўлди-ю, лекин айрилиқ омбури ишга киришганини идрок эта олмай, ўғлининг гапига ишонди. Ҳовлига чиққанида Манзуранинг одатдагидай «аҳволи яхшими?» деган савол назари билан қаршиланди.

— Ишга бориб келаверинг, деяпти, бугун анча тетик, а? — деди Асадбек.

Бир неча дақиқа аввал ўғлининг ҳузуридан чиққан Манзура унда тетиклик нишонасини кўрмаган бўлса ҳам, эрининг гапига ишонган бўлиб:

— Худога шукр! — деб қўйди.

Ҳакимлар айтадиларки: тўрт нарсанинг қадрини тўрт киши билгай: ёшликнинг қадрини ёши ўтиб қолганлар, тинчлик-хотиржамлик қадрини бошига бало тушганлар билади. Соғлиқ-саломатлик қадрини хасталаниб, ҳеч нарсага ярамай қолганлар, тириклик қадрини ўтганлар билгайлар. Агар буларга қўшимча жоиз бўлса, фарзанд қадрини фарзандининг сўнгги нафасларини кузатаётганлар билади, демоқлик балки мумкиндир?

Асадбек Зайнабни шармандали ҳолда учратганида отиб ташланган йигит ҳам кимнингдир фарзанди эди. Ҳосилбойвачча, Элчин ҳам... Элчинга рўпара қилинган Шилимшиқ ҳам, ўлимга ҳукм қилиниб, тирик қолган Жамшид ҳам... Ўз ўғлининг қайғусига банди Асадбек буларни ўйламасди. Жалилнинг «Худодан қайтибди», деган гапи ҳам қулоғи остида жарангламай қолган. Бу кўргуликни Худодан эмас, Хонгирейдан кўради. Ундан ўч олиш режаларини тузади. Баъзан инсоф уйғонган пайтларида эса «ўғлим тузалиб кетса бас, ҳеч ким билан ҳисоб-китоб қилмайман», деб ўзича онт ичади.

Абдулҳамид «ишга бораверинг», дегани билан Асадбекнинг борадиган иши йўқ эди. Шу сабабли нима билан машғул бўлишни билмай, шийпонга чиқиб ўтирди.

Бу пайтда Абдулҳамид Муҳиддин отанинг ёрдами билан ёстиқларни камайтириб, бамайлихотир чўзилиб олган эди.

— Умр ёнаётган шамга ўхшаркан. Бир пуфласа ўчаркан... — деди Абдулҳамид.

— Ҳай-ҳай, бўтам, асти бу гапни тилга олманг. Бу умрини яшаб бўлган кексаларга атаб айтилган, — деди Муҳиддин ота.

— Тез ёниб, тез ўчадиган шамлар ҳам бўлади-ку?

— Бу Оллоҳнинг иродасига боғлиқ, бўтам. Одамнинг кўзига шам тез ёнгандай кўриниши мумкин, аслида эса ўзгача бўлади.

— Сиз устозим доктор Худоёрга ўхшаркансиз. У киши билан учрашиб, бир суҳбат қурсангиз, биз бу суҳбатдан баҳраманд бўлсак...

— Шунақанги саодатли кунларга Оллоҳ етказсин.

— Доктор Худоёр айтиб берувдилар: Оллоҳ Юшаъ ибн Нуҳ алайҳиссаломга ваҳий қилибди: «Албатта мен сенинг қирқ мингта яхши умматингни ўз ихтиёри билан халок қилғувчиман ва

ёмон умматингдан ҳам олтмиш мингтани!» Шунда Юшаъ алайҳиссалом «Ёмонларни жазолашинг мумкин, я Раббим, яхшиларга нега бундай жазо беражақсан?» деб сўрабди. Шунда Оллоҳ «Улар менинг ғазабим келадиган ишлардан ғазабланишмади. Ўшалар билан бирга ейишди, ичишди», деб жавоб берган экан. Ота, биз шундайларданмизми? Биз ўзимизни яхшилардан дейишга ҳақлимизми? Оллоҳнинг раҳматига умид қила оламизми?

Кутилмаган бу савол Муҳиддин отанинг бутун вужудини зириллатиб юборди. Ҳушини йиғиб, жавоб қайтаришга улгурмай Абдулҳамид гапини давом этди:

— Пайғамбаримиз «Албатта одамларнинг бир тоифасида ёмонликни ёпувчи яхшилик калитлари бордир, — деган эканлар. — Одамларнинг баъзисида яхшиликни ёпувчи ёмонлик калитлари бордир. Яхшилик калитларини Оллоҳ уларнинг қўлларига тутган кишилар қандай ҳам яхши одамлардир! Вайл бўлгай, Оллоҳ-таоло ёмонлик калитларини қўлларига тутган кишиларга!» Бу ҳадисдан менинг тушунганим — яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар мўминлардан бўлишар экан.

Абдулҳамиднинг тин олганидан фойдаланган Муҳиддин ота уни қувватлади:

— Устозингиз гўзал хулқларни ўргатган эканлар. Ҳар бир онгли инсон биродарини ёмонликдан қайтариши керак. Оллоҳ таоло айтадики: «Вал мўминуна вал муъминоат баъдуҳум авлияу ва баъдин яъмуруна билмаъруфи ва янҳавна анил-мункари...» яъниким, мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар...

Бу гапдан сўнг Абдулҳамид Муҳиддин отага ялинувчи боланинг кўзлари билан тикилиб қаради. Ке-йин:

— Жон отажон, сиз шундай дўстлардан бўлинг. Тавба фасли ўтиб кетмасин, ҳеч кимнинг бошига Фиръавннинг кулфати тушмасин, — деб чуқур нафас олди.

Унинг «адамга шундай дўст бўлинг, тавбага етакланг, иймонсиз кетмасинлар» демоқчи эканини Муҳиддин ота тушунди. Сўнгги нафасларини олаётган йигит отасининг зулм йўлидан қайтишини истаб, бобо қадрдонига васият қилаётганини ҳам англади...

Муҳиддин ота айвонга чиқиши билан Асадбек унга ялт этиб қаради: отанинг салла ўрнига дўпписи атрофига боғлаб юривчи оқ чит рўмолнинг йўқлиги унга ёмонликдан хабар бериб, танасидан жон чиқиб кетгандай бўлди. Қимирлашга ҳам, сўз айтишга ҳам ҳоли қолмади. Меҳмонхонада ивирсиб юрган Манзура айвонга чиқиб туриб қолган отани кўриб, «Вой, болам!» деб югуриб қолганини ўзи ҳам сезмади.

Муҳиддин ота эр-хотин келгунича жойидан жилмади. Сўнг:

— Оллоҳ сизларга сабри-жамиил ато этсин. Инна лиллаҳи ва инна илаҳи рожиуън\*, — деди-да, илова қилди: — Оллоҳ фарзанду аржумандингизга имон калимаси билан жон таслим этмоқ бахтини берди...

Ўша онда на Асадбек, на Манзура бу бахтнинг маъносини англадилар...

---

\* Маъноси будир: «Биз барчамиз Оллоҳникимиз ва унга қайтгучимиздир.

### 3

Камалак — чиройли, лекин иситмайди. Астойдил ёки тил учида айтилган ҳамдардлик сўзлари қанчалар кўп бўлса-да, қалб ярасига малҳам бўла олмас эди. Асадбек заиф жисмига қувват, мажруҳ ва дардли кўнглига сиҳҳат етишмай бу дунёни ташлаб кетган ўғли ҳажрида ўртанган кезлари ўзича бир ҳақиқатни кашф этди: ҳар қанча қийинчиликка дуч келса баён этарга бир меҳрибон дўст, бошига ҳар қандай қаттиқчилик етса изҳор қиларга сирдош ўртоқлар зарур экан. Биргина Жалил унинг ярасига малҳам бўла олмас экан. Ҳар ким айбсиз дўст қидирса, дўсти камаявераркан, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяркан. Асадбек шундайлардан эканига ишонди. Бир куни Жалилга ҳазил аралаш «Сен мени яхши кўрасанми?» деганида,

ошнаси жиддий тарзда «Яхши кўраман, лекин Худони кўпроқ яхши кўраман», деб уни мулзам қилган эди.

Донишмандлар «дунё надир?» деб сўрашганида, у «бир оҳга арзимас матоҳ», деган экан. Ўғлининг ўлиmidан сўнг бутун топган-йиққанлари яримта оҳга арзимаслигини тушунди. Ҳаёт бор жойда ўлим ҳам муқаррар мавжудлигини барча билса-да, худди бундан беҳабардай дунёдан кўнгил узмай, тиришгандан тиришади. Билмайдики, барча хатоларнинг асли айнан шу дунёга муҳаббатдир.

Асадбек хасталаниб, ҳаётдан умидини узиб қўйган пайтда, аниқроғи, Жалил Бухородан тилла танга олиб келган куни, икки ошна ҳаёт ҳақида эзилиб суҳбатлашишган эди.

— Шу тилла танга неча юз йил аввал қўйилган экан. Нечта қўлдан ўтган, нечта одам шуни деб бир-бирини ўлдирган экан. Агар ҳозир кўчага чиқариб ташласанг, яна нечта одам шуни деб бир-бирининг гўштини еркин?

— Одамлар тилла учун олишмайдилар, аслида яшаш учун олишадилар. Бу тилла яхши яшашнинг бир воситаси, — деб жавоб берганди.

— Бировни абгор қилиб яхши яшашдан кўра, бировнинг қарғишига қолмай камбағалликда умр кечирган аъло эмасми? Пайғамбаримиз «камбағаллигим – фаҳрим» деган эканлар.

Эшитмаганмисан?

— Одам ўзини мажбурлаб камбағалликда яшаши шартми? Мен камбағал одамнинг бахтли бўлганини кўрмаганман.

— Унда сен бахтли экансанда, а?

— Менинг ўзимга яраша бахтим бор.

— Ана энди ўзингга келдинг. Сен бахт деб юрган нарса, аслида бахтсизлик, ошнажон. Чунки сен ҳаётинг-да сира ҳам бахт изламадинг. Сен қасос изладинг. Қасос излаб шу бахтсизлигингни топдинг. Болалиқда адангни қамоққа олиб кетишаётганда «Мен уларни ўлдираман», деганинг ҳали ҳам қулоғим остида жа-ранглаб турибди.

— Қасос олишим шарт эди. Бошқача яшашим мумкин эмасди.

— Бир донишманднинг гапига қараганда, агар керак бўлса, заҳарни асал, чўчқани тоға, эшакни амаки, дейиш керак экан.

— Эшакни амаки дейдиган доно сенмисан?

— Гапни бошқа ёққа айланторма. Сенинг яна битта хатоинг – дўзах азобидан қўрқмадинг.

— Дўзах азобидан дейсанми?.. Жалил, ошнам, бошимга тушган балоларни, азобларни бошқалар билмаса ҳам сен яхши биласан. Сен мени дўзах билан қўрқитма. У ерда одам куйса балки куяр, лекин «халқ душманининг боласи» деб афтига тупуришмас, а? Мен кўрган азоблар олдида дўзахинг ҳеч гап эмасдир?

— Дўзах меники эмас... Сен азоб, азоб, дейсан-у, лекин сенга душманларингдан кўра кўпроқ дўст деб юрганларинг зарар етказдилар. Чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстнинг душманлигидан қутулиш қийин...

— Гапириш осон. Сенинг ҳаётинг бошқа, меники бошқа...

— Сен ҳали шуни ҳаёт деб биласанми?..

Ўшандаги бу суҳбат осойишта тарзда кечган эди. Ўшанда Асадбек қалбида имонга мойиллик уйғонай деганди. Лекин «тун зулмати муваққат, қалб зулмати абадий» деганларидек, Асадбек қалби кўр шўрликлар тоифасидан юлқиниб чиқолмади...

Номус кучлилик қилиб, Асадбек қизига «ўзингни ос», деган мақсадда арқон ташлаб чиққанида фарзанд доғи нима эканини идрок қилолмасди. Балки ўшанда Зайнаб имилламай, ота амрини бажарганида Асадбек ҳозиргидай азоб чекмасмиди, ўзини оқлашга баҳоналар топа олармиди... Енди ўзини оқлай олмайди.

Айниқса Илико келиб-кетганидан кейин...

Ҳамдардлик билдиргани келган Илико Асадбекнинг аҳволини кўриб, топшириғининг натижасини айтишни лозим кўрмаган эди. Асадбек «илтимосим нима бўлди?» деб икки қайта

сўрагач, турмада қон олган ҳамширанинг ким эканини аниқлагани, лекин унинг изсиз йўқолганини айтишга мажбур бўлди. Шунинг ўзиёқ Асадбекдаги гумоннинг тўла ҳақиқатга айланиши учун кифоя бўлди. Оловни олов билан ўчириш мумкин эмаслигини Илико рад этмас эди, аммо қонни қон билан ювиш мумкинмаслигини тан олишни истамасди. Шунга қарамай, у қасос ўтида ёнаётган Асадбекни тўхтатишни хоҳларди. Асадбекка бу он насиҳат қилмаслигини билиб бемаслаҳат бир иш бошламай туришни сўради.

Абдулҳамиднинг жанозаси куни ёмғир бир майдалаб ўтганича ҳаво очилиб кетди. Шундан сўнг осмон булутдан ҳоли бўлди.

Кундузлари қуёш порларди.

Лекин Асадбекнинг хонадони зулмат ичра қолаверарди.

Кечалари Асадбек ҳовлиси устидан сузиб ўтувчи Ой чехрасида мотам, юлдузлар кўзларида эса алам зоҳир эди.

Одам тафтини одам олишини Асадбек кундузлари ҳис этарди. Тун кирди, дегунча унинг иситмаси кўтарилиб, алахсирай бошларди. Манзурага фарзанд доғи азоби камлик қилиб, эрининг тунги талвасалари минг ғамига яна ғам қўшарди. Манзура қайнонасининг ҳажри қаробатга чидолмай ақлдан озганини эшитган эди. Эрининг кеч кириши билан ўзгариши уни ташвишга солиб, Жалилга айтди. Жалилнинг кўнглидан ҳам «онасига ўхшаб жинни бўлса-я?» деган ташвиш ўтса-да, сир бой бермай «ташвишланма, бу ўткинчи нарса», деб қўйди.

Дўстининг ёнида ётиб қолишини айтганида Муҳиддин ота «бўтам баттар қийналадилар», деб шаштидан қайтарди. Ўзи эса Асадбекнинг қоровул бўлиш ҳақидаги таклифини қабул қилган бўлиб, масжидга кўчиб чиқди.

Асадбек ўзига ҳам хайрихоҳлик, ҳам ташвиш билан тикилаётган кўзларни ҳис этиб турарди. Аммо тунги талвасадан қутулишга ўзида куч тополмасди. Қоронғу тушиши ҳамон қорасоч кеча кокиллари билан уни бўға бошларди. Уйга кирди, дегунча бурчақда кўзойнакли илон лунжини шишириб тургандек бўлаверарди. Сукунатдан паноҳ топиш умидидаги Асадбекни шарпалар таъқиб этар, кимдир унинг орқа томонига келиб олиб, «ух» тортаверарди. Аввалига «онамлармикин», деб ўйлади. Кейин боланинг товуши келди.

— Самандар! — деб чақириб, орқасига ўгирилди: ҳеч ким йўқ...

Яна хўрсинди. Яна бола...

Ким бу? Абдулҳамидми? Юраги потраётган Асадбек яна ўгирилди: ҳеч ким йўқ...

Сўнг... кўзойнакли илон ўрнида отасини кўриб, у томон юрди. «Адажон!» деб кучоқлади.

— Менман, тойчоқ, мен келдим, — деди отаси.

— Адажон, сиздан тупроқ иси келяпти.

— Нега ажабланасан? Ахир мен қабрдан чиқиб кел-япман-ку?

— Ада, сиз менга ёғоч чана ясаб қўювдингиз, боламини олиб кетдингиз...

— Болангни олиб кетувчи мен эмасман... — Отаси шундай деб стол устидаги неъматлардан ея бошлади.

— Қорнингиз очдим, ада?

— Очди. Ўлик тўйса — тирик тўяди. Арвоҳларни зиёфат қилмайсанми?

— Албатта, албатта меҳмон қиламиз. Ҳаммани чақиринг. — Асадбек шундай деб очиқ дераза ёнига келиб чақирди: — Манзура, тез кел, адамларни меҳмон қиламиз... Ада, келинингизнинг қўлидан бир пиёла чой ичинг. Невара келинларингизни ҳам чақирайми?..

Бирдан ҳаммаси йўқолди: отаси ҳам, илон ҳам, стол устидаги неъматлар ҳам... Атрофни зулумот босди...

Бомдод азонини эшитиб, кўзларини очди: шийпонда ётибди. Ёнида қайғули кўзларидан ёш тўкаётган Манзура. Асадбек нима воқеа юз берганини идрок этолмай хотинига тикилиб ётди. Масжид томондан Муҳиддин отанинг товуши эшитилди:

— Ҳайя алал фалах...

Нажотга чорланган Асадбек жойидан жилолмади.

Кун ёришганда Жалил билан Муҳиддин ота кириб келишди.

— Иситманг бор-ку, укахон, — деди Жалил, Асадбек билан кўриша туриб, — шамолладингми, дейман?

— Шунақага ўхшайди, — деди Асадбек.

Кичик хонтахта атрофида нонушта қилишди.

— Жалил, тушимда адамларни кўрибман, — деди Асадбек, дастурхонга фотиҳа ўқилгач.

— Тушида ўлик кўрган, ўнгида тирик кўради. Соғинган одаминг келиб қолади, — деди Жалил.

— Арвоҳларни зиёфат қилиш керак...

— Нима?! Нима дединг? — Жалил «иситма аралаш валдираяптими?» деган маънода Муҳиддин отага қараб олди.

— Шунақа гап бор-ку? — деб изоҳ берди Асадбек.

— Гап бўлса, бу бир бидъат! Нима дедингиз, отахон?

— Ҳа, бўтам, арвоҳларни йўқлаш дуо билан бўлади.

— Мени адам анчадан бери чақирар эдилар, аслида мен кетишим керак эди.

— Бас қил, гўрдан чиқиб, гўрга кирадиган гапларни айтма.

— Ҳа... тўғри айтдинг, гўрга киради...

— Бўтам, Оллоҳга таваккул қилинг, Оллоҳдан нажот сўранг.

— Ҳадеб Оллоҳ, Оллоҳ дейсиз... Оллоҳга сўзингиз ўтса, айтинг, ўғлимни қайтарсин.

Бу гапни эшитган Муҳиддин ота беихтиёр овозини кўтариб «Астағфируллоҳ!» деб юборди.

Жалил эса «Воҳ!» деб нидо қилганича — бошқа гапирмасин, деган мақсадда унинг оғзига кафтини қўйди:

— Тавба қил, бунақа аҳмоқ гапни айта кўрма, тавба қил!

— Бўтам, шайтонга бўш келманг, шайтонни енгинг, — деди Муҳиддин ота. — Шайтони мағлуб этишинг энг осон йўли — масжидга чиқинг. Масжид қурдиришнинг ўзи кифоя эмас, унга кириб, саждага бош қўйинг.

Асадбек дўстининг қўлини четга суриб, Муҳиддин отага қаради. Унинг кўзлари ғалати жавдиради:

— Ота, менинг Худо билан шартномам бор: энди мен унинг уйига қадам босмайман, у меникига кирмайди.

Бу гапдан Муҳиддин ота сесканиб кетди. Жалил эса шапалоқ тортиб юборди. Сўнг елкасидан ушлаб силкиди:

— Тавба қил, аҳмоқ! Дарров тавба қил!

Жалилнинг вазоҳатини кўрган Муҳиддин ота ўрнидан туриб, уни ажратди-да, Асадбекнинг елкасини силади.

Бу бош, бу елка неча йиллар мобайнида силовчи бир меҳрибон қўлга муҳтож эди. Ширин сўз нондек арзанда бўлган кезлари ҳақорат эшитди. Отанинг меҳрибон қўллари силаши керак бу бетларга «халқ душмани»нинг ўғли деб тупурилди. Ҳозир силанаётган елка не маломатларни, не ташвиш тоғларини кўтармади. Жалилнинг ўзи баъзан дўстининг бу дунё аламларига дош беришига қойил қолиб, «ўртоғим тупроқдан эмас, темирдан яралган», деб қўярди. Ҳозир ўша таърифни эслаб, «темирлиги рост, юраги ҳам темирга айланиб қолибди», деб афсусланди.

Темир юракни эритиш йўлини билолмай ўзининг бошини чангаллаб, тебраниб ўтирди.

Бу манзарани кўриб турган Манзура шийпон томонга бир интилди-ю, қизи билан келинларининг ҳам шу ёққа тикилиб турганларини кўриб, жойида қотди.

Вужудида меҳрибон қўлнинг тафтини сезган Асадбек ота қадрдонининг кўксига бош қўйишни, тўйиб-тўйиб йиғлашни истади. Аммо ёлғизлигида бостириб келувчи йиғи бу сафар унга хиёнат қилди.

— Сабр қилинг, бўтам, тоқатлига тоғлар бош эгаркан. Оллоҳнинг «ей Одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут, сени ўзим олий даражага кўтараман», деган ваъдаси бор. Бу кўргулик сиз билан биз учун Олдоҳнинг бир синови.

«Фақат синов эмас, қилган гуноҳлари учун олган мукофоти» деб ўйлади Жалил. Муҳиддин ота эса йиғлоқи болани юпатаётгандай меҳрибонлик билан давом этди:

— Оллоҳ биз, ғофил бандаларга айтадики: «мен бир мўмин кишини бирон мусибат етказиб имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, гуноҳлардан онаси туққан кундагидек пок бўлиб туради...» Оллоҳнинг шу марҳаматига етишмоқ сиз билан бизга насиб этган.

Жалил бу гапдан сўнг армон билан бош чайқади-да, ялинди:

— Жон ошна, бир марта «тавба» деб қўйгин...

— Ҳа, бўтам, «астағфируллоҳ» денг...

Улар Абдураҳмон табибниқида шифо топаётган Асадбекнинг иймонга киришига ишониб, Яратганга шукрлар айтишган эди. Ундан сал илгарироқ гап таллашиб қолишганда Асадбек иймонга даъват этилишига жавобан ярим ҳазил, ярим чин оҳангида «Кўрамиз, сенинг иймонинг кучлимикин ёки менинг шайтоним қудратлироқмикин?» деб жавоб қайтариб, Жалилнинг дилини хуфтон қилган эди. Ўшанда ҳам Жалил тавбага ундаган, бироқ дўсти гапни ҳазилга буриб юборган эди. Бу гап Жалилнинг юрагига қиррали тошча каби ўрнашиб қолиб, гоҳи-гоҳида қўзғолиб азоб берарди. Табибнинг уйида дўстининг руҳи ҳам шифо топаётганини билган ондан бу тошча эрий бошлади. Жалил уни бутунлай эриб битди, деб янглишган экан. Асадбекнинг ҳозирги гапидан сўнг тошча яна қўзғолиб, шайтанатдан диёнатга ўтмоқ осон эмаслигига имон келтирди. Бу сафар қиррали тошча Жалилнинг юрагини қаттиқ тилди. Унинг руҳи қақшагандан қақшади. Агар ошнаси дард исканжасида эзилмаётганида уни дўппослаб қолишдан қайтмасди, хумордан чиқиш учун ҳам дўппосларди.

Агар бу онда Оллоҳнинг каломини мукамал билувчи олим улар ҳузурларига келиб:

— Сиз шайтон етовидаги шу муҳаббатсиз қалбга ачинапсизми? Фафлат уйқусидаги бу банданинг иймон сари юриши алдамчи манзара эди. У Исломдан фақат фойда кўзлади. У иймон йўли билан тижорат йўлини чалкаштириб юборди. Манфаат ва зиён тарозусига қараб юрмоқни ихтиёр этди. Сиз билмайсизмики, Оллоҳ: «Одамлардан Оллоҳга бир томонлама ибодат қиладиганлари ҳам бор. Агар унга яхшилик етса, кўнгли тўлур. Агар унга бало етса, юз ўгириб кетур. У дунёда ҳам, охиратда ҳам зиён кўрур. Ана ўша очик-ойдин зиёндир\*», деганида айнан шу биродаримиз кабиларни назарда тутган, — деса Жалил ҳам, Муҳиддин ота ҳам унга зид гап айтолмаган бўлишарди.

Муҳиддин ота иккинчи марта тавбага даъват этганидан сўнг Асадбек хаёлини жамлаб, айтган гапининг маъносини англади-ю, ўзи ҳам қўрқиб кетиб, тавба калимасини айтмоқни ихтиёр қилди. Бироқ, «Аззз...» деди-ю, у ёғига тили айланмади. Буни сезган Муҳиддин ота уни қувватлади:

— Худойим ўзинг кечир, денг, бўтам.

Асадбек дудук бола каби айтди.

Жалил бундан бир оз енгил тортиб, ўртоғига қаради-ю, унинг терга ботганини, оғзида кўпик пайдо бўлганини кўриб қўрқиб кетди. Муҳиддин ота ҳам чўчиб, шошилганича унга дам солди.

---

\* «Ҳаж» сурасининг 11-оятидан маъно таржима. («Тафсири ҳилол»-дан)

## XXIV 606

### I

Асадбек дастлаб Ҳалимжонни танимади, уни фотиҳага келганлардан, деб ўйлади. Озиб кетган, кўзлари киртайган, юзлари, қўлларига тошган яралар ҳали буткул тузалмаган бу йигитдан

«бошингдан қандай савдолар ўтди?» деб сўрашга ҳожат бўлмаса-да, Асадбек:

— Анча мазангни қочиришибди-ку? — деди.

— «Курорт»нинг қанақалигини ўзингиз биласиз-ку?— деди Ҳалимжон, кейин Асадбекнинг «Мен қаёқ-дан биламан, бир-икки марта қамалибмидим?» деган маънодаги қарашига жавобан изоҳ берди: — Терговни бирдан тўхтатиб, жиннихонага ўтказишди. Кейин чиқариб юборишди.

— Сени мен чиқартирмадим, — деди Асадбек.

Ҳалимжон «унда ким?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, ботинмади. Унга Асадбекнинг ўзи изоҳ берди:

— Мен бунақа ишларга аралашмайман. Сен қанақа лақмасан, ўзинг? Мол олиб бор, деса индамай кўтариб кетаверасанми?

— Ўйлаб кўришимга ҳам фурсат беришмади, — Ҳалимжон бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб берди. Асадбек унинг гапларини диққат билан эшитса-да, «бу йигит милитсиянинг одамими ё йўқми?» деган гумонини ажрим қилолмади. Ўзининг «одамга бутунлай ишонгандан кўра, ишонмайроқ турилгани маъқул», деган ақидасига амал қилиб, кўп сўраб-суриштирмади.

Ҳалимжон ҳикоясини тугатгач, фақат:

— Ҳайдар акангга учрашгандирсан, нима деяпти?— деб сўради.

— Ҳозирча дам ол, — дедилар.

— Тўғри айтибди. Энди кўзингни очиб юр, бола. Уларга ўчакишма. Кўрганларингни хатто хотинингга ҳам айтма. Сени қозонга солиб бир қовуриб, тортиб олишибди. Кейинги сафар қозонда жизғанак бўлиб қолиб кетишинг ҳам мумкин.

— Хизмат бўлса айтаверинг.

— Дамингни ол.

Ҳалимжон Асадбекнинг эҳтиёткор бўлиб қолганини сезди. Гарчи қамокда барча азобларга чидаб, бировнинг номини тилга олмаган бўлса-да, Кесакполвон ҳам унга ишонқирамай қаради.

Ҳалимжон айнан мана шунга тушунмади. Бекорга азоб тортибманда, деган хаёл билан Асадбекнинг уйини тарк этди.

Аср намозини масжидда ўқиган Жалил Муҳиддин ота билан келаётганда дарвозадан чиқиб кетаётган Ҳалимжонга дуч келди. Абгор ҳолатдаги йигитнинг саломига алик олди-ю, орқасидан ажабланиб қаради.

Тунов кунги тавбадан сўнг Асадбек ўзини қўлга ола бошлаган бўлишига қарамай, улар хавотирларидан қутулмаган эдилар. Кунда бир хабар олиш одатларига хилоф қилмай кириб келдилар. Улар ҳол-аҳвол сўрашишга улгурмай дарвозахонада аввал Кесакполвон, сўнг Хонгирей билан Маматбей, кейин Жамшид кўринишди.

— Оббо, калтакессагинг келди-ку, кўзинг учиб турувдимми? — деди Жалил. — Кимларни бошлаб келяпти?

Асадбек дарвозахона томон қараб, бир титраб олди. Юзлари учди. Муштумини қисди. Ундаги ўзгаришни Жалил ҳам Муҳиддин ота ҳам сезишди. Шунинг учун Асадбекни меҳмонлар билан ёлғиз қолдиришмади.

Хонгирей келиб, Асадбек билан қучоқлашиб кўришиб, ҳамдардлик билдирди. Асадбек уни шу оннинг ўзида бўғиб ўлдиргиси келди, ҳатто уни бир оз қисди ҳам. Лекин иложсизлигини билиб, Хонгирейнинг ўлим топадиган бахтиёр кунини нарига кўчирди. Хонгирей Асадбекнинг қаттиқроқ қучганини сезди, буни ёмонлик эмас, яхшиликка йўйиб, хушнуд бўлди. Маматбей, унинг изидан Кесакполвон ҳам қучоқлашишди. Кесакполвондан ароқ ҳиди гупуриб, Асадбек юзини четга бурди. Жамшид салом бериб сўрашди-ю, изига чекиниб, уч-тўрт қадам нарида, амрга маҳтал мулозим каби қўл қовуштириб турди.

Хонгирей қадрдонининг бошига тушган кулфатдан ғоят аламда эканини, отаси ўлганида ҳам бунчалик қайғурмагани, вақтида келолмагани учун ҳижолатда эканини айтаётганида Асадбек унинг сўзларини эшитмас, маъносиз боқётган кўзларини рўпарадаги атиргул ғунчасига қадаб олган эди.

Бировларнинг юрагида илон мудрайди, бировларнинг юрагида шер наъра тортади.



Асадбекнинг юрагида эса буларнинг барчаси мужассам: илон уйғонса, шер ҳамлага интилади. Уларни жиловлаш учун Асадбекдан қанчалар куч талаб этилаётганини ўтирганларнинг ҳеч бири хис этолмасди.

Асадбекнинг бахтига меҳмонлар узоқ ўтиришмади. Хонгирей ўрнидан туриб «соғ бўл», деб қўл узатди. Унинг бу тилаги Асадбекнинг қулоғига «йўқ бўл» каби эшитилиб, вужудига титроқ югурди.

Кесакполвон «сизлар ўтираверинглар, ўзим кузатаман», деб меҳмонларни бошлаб кетди. Асадбек орқасига ўгирилаётган Жамшид билан кўз уриштириб олишга улгурди. Бир ҳафта бўлдимикин, Жамшид дараксиз эди. Булар билан бошлашиб кириб келишидан Асадбек бир бало бошланаётганини сезди.

Мухиддин ота меҳмонларнинг ташрифи мезбонга ёқмаганини сезди. Бош эгганича сукутга берилган Асадбекни турли хаёллар оқимидан тортиш мақсадида сўз қотди:

— Ҳайдар ошнангиз кўп ичаркан, чамаси, а?

— Кўп эмас, тинмай ичади, у ҳароми, — деди Жалил. — Ўтган йили рамазондан олдин «балиқ еб, халқумни тозалаяпман», дедди. «Сен Қора денгизнинг барча балиқларини пишириб есанг ҳам халқуминг тоза бўлмайди», дедим.

— Ҳай-ҳай бўтам, бандани бундай ҳақоратламанг.

— Мен уни ҳақоратладим. Сиз унинг қилиқларини билмайсиз. Агар Абу Жахл тирилиб келиб шу калтакессакка рўпара бўлса, «оламда мендан ўтадиганлар ҳам бор экан-ку», деб кўнгли анча таскин топарди.

Мухиддин ота «ҳай-ҳай, астағфируллоҳ», деб Асадбекка қараб олди. Жалил бир куни Кесакполвон билан жиғиллаша туриб «сенлар кўп қон тўккансанлар», деганида унинг тиржайганча «қон ёруғлик, акахон», деб жавоб берганини ҳам айтмоқчи бўлди-ю, ошнасига гап ёқмаётганини билиб, индамади.

Асадбек Жалил билан Мухиддин отанинг гапларига беъетибор эди. Агар хаёли жойида бўлганида «Абу Жахл деганинг ким?» деб сўрар, Жалил эса чала илмини жамлаб, мусулмонларга, хусусан Оллоҳнинг расулига қилинган ёмонликлардан гапириб берармиди... Улар шом яқинлашганини баҳона қилиб ўринларидан туришди.

— Шомни мачитда ўқиб, ўшанақаси уйимга кетаман. Менда гапинг йўқми? — деб сўради Жалил.

— Самад олиб бориб қўяди, — деди Асадбек.

Жалил одатига кўра «автобусда кетавераман, онам мени машинада туғмаганлар», демоққа оғиз жуфтлади-ю, мавриди эмаслигини фаҳмлаб, «Раҳмат, ошна», деб қўйди.

Асадбек Жамшидни шу кеча келиб қолар, деб кутди. Лекин ундан дарак бўлмади. Эртасига ҳам келмади. Тунларни бедор ўтказиб, вужудининг қақшаб оғришидан хориган Асадбек тонгга яқин мизғиб оларди. Хонгирейнинг ташрифидан сўнг бу ҳам йўққа чиқди. Бу сафар субҳи козибда ҳам, субҳи содиқда ҳам Асадбек бедор эди. Тонг отди, аммо унинг вужудидаги зулматга нур ораламади.

Пешинга яқин Жамшид келди. Асадбек майдалаб сўраб-суриштирмаса ҳам, бир ҳафтага яқин нима учун кўринмаганини тушунтириб берди. Гапни Хонгирейнинг атайин фотиҳа ўқиш учун келмаганидан бошлади.

## 2

«Полковникнинг юраги касал экан, ўлди», деб Хонгирей навбатдаги ёлғонини ишлатган эди. Полковникнинг ўлиши ёки тирик қолиши ўзи учун аҳамиятсиз бўлгани сабабли Маматбей бу гапнинг чин ёки ёлғонлигини суриштириб кўрмаган ҳам эди. Хонгирейни кутиб олгани чиққанида ёнида полковникни кўриб, «ие, ўлган эди-ку?» деб ажабланмади ҳам. Кесакполвон «Хонгирей аввал фотиҳа ўқигани борар», деган мақсадда «ошнасининг ғоятда қайғуда

Ўтиргани»ни айтди. Хонгирей мамнун ҳолда Маматбей билан кўз уриштириб олгач:  
— Олдин ишни қилайлик. Фотиҳа қочмайди, — дегач, шаҳарда қолмай, йўлга тушишди.  
Жамшид уларни Афғон урушидан ўликлари келган аскарлардан бирининг уйига бошлаб борди.  
Марҳумнинг ота-оналари масковлик азиз меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олишди.  
Полковник «интернатсионал бурчини бажара туриб қаҳрамонона ҳалок бўлган ватан ўғлони  
орден билан мукофотланганини, тушунмовчилик туфайли орден вақтида топширилмаганини»  
айтиб уни СССР Мудофаа вазири номидан топширди. Яралари янгиланган ота-она фарзанди  
юзини силагандай орденни силашди. Улар билишмасдики, Москванинг Арбат деб аталмиш эски  
кўчасидан бунақанги ордендан истаганчасини сотиб олиш мумкин, гувоҳномасини эса  
компютер деган беминнат дастёр аслидан ҳам яхшироқ қилиб тайёрлаб берарди.  
Орденни топшириш пайтида Маматбей билан Кесакполвон қабристонда эдилар. Изма-из етиб  
келган одамлари юк машинасидан қабртошни туширишди. Иш шошқич равишда амалга  
оширилиб, қабр очилиб, темир тобут тешилганини гўрков ҳам сезмай қолди.  
Полковник темир тобут миналаштирилмаганига қа-сам ичган бўлса ҳам Маматбей унга  
яқинлашишга қўрқди. Қабристон дарвозаси ёнидаги чоғроқ хонада гўрковни гапга солиб  
ўтирди. Оқ мрамрдан ишланган қабртош тупроқ устига ўрнатилиб, иш бир соатга қолмай  
яқунланди. Ана шундан кейин Маматбей марҳумнинг уйига хабар юборди.  
Шу тарзда бошқа қишлоқларга ҳам боришгач, ишнинг зўр даражада уюштирилганлари учун  
Маматбей, Кесакполвон, Жамшид хўжайинларидан олқиш эшитдилар.  
— Қабртош ўрнатишни зўр топибманми? — деди Хонгирей, — ўлик бўлишса ҳам улар бизнинг  
шерикларимиз. Мен шерикларимнинг ўлигини ҳам ҳурмат қиламан.  
Иш охирига етгач, Асадбекниқига фотиҳага келишди.  
Сўнг Маматбейнинг қароргоҳида зиёфат бўлди.  
Зиёфатдан кейин Жамшид полковникни меҳмонхонага бошлаб кетди. Полковник у ерда ҳам  
ароқхўрлигини давом эттирди. Жамшидга уни ташлаб келиш эмас, эрталабгача ёнидан  
жилмаслик топширилган эди. Ярим кечагача полковникнинг жағи тинмади. Афғондаги  
ишларини айтиб, мақтаниб, шунинг орасида ўзи билмаган ҳолда темир тобутларга қорадорини  
қандай маҳорат билан жойлаштирилганини ҳам ошкор этиб қўйди.  
— Сен ким билан ишлаётганингни биласанми? — деди полковник Жамшиднинг бўйнига қўл  
ташлаб олиб.— Хонгирей! У ҳақиқий эркак! Селимни билармидинг? У мени лақиллатмоқчи  
бўлди. Мен эсам унга миналаштирилган тобутни рўпара қилдим. Менга қара, аҳмоққа  
ўхшайманми, а? Ҳа! Мен ўлжага бир тўда одамнинг ташланишини билардим. Хонгирей мардлик  
қилди. Селим билан тенг шерикликка келишувдим. Хонгирей ўттиз фоизига кўнди. Менга  
етмиш фоиз тегади. Тушуняпсанми? Мен энг бой полковник бўламан. Ўша етмиш фоиз  
ҳисобидан Хонгирей менга Шаховскийдаги уйини берди. Мен сени ўша ёққа бирга олиб  
кетаман, уйни ювамиз...  
Тун яримлаганда Маматбей қўнғироқ қилиб, полковникнинг аҳволи қандайлиги билан қизиқди.  
Жамшиднинг «ичиб, сайраб ўтирибди», деган жавобини эшитиб амр қилди:  
— Зийрак бўлиб тур, мазаси қочса, «тез ёрдам» чақир. Тўртинчи касалхонага олиб борасан.  
Орадан бир соат ўтмай, полковник юраги қаттиқ санчаётганини айтгач, Жамшид «тез  
ёрдам»ни чақирди. Бемор касалхонага етказилганидан сўнг ҳам Жамшид изига қайтмади.  
Эрталабга яқин врач чиқиб, полковникнинг «узилгани»ни айтгач, Маматбейга қўнғироқ  
қилди-да, «ўша ердан жилма», деган буйруқ олди...  
Жамшид шу воқеаларни Асадбекка батафсил баён қилгач:  
— Полковник учун махсус тобут ясатибди. Уни Хонгирейнинг ўзи олиб кетди, — деди. —  
Назаримда йиғилган қорадориларнинг ярми шу тобутда кетди. Полковникнинг ихтироси  
ўзининг бошини еди.  
— Ярми кетганини қаердан биласан, кўрдингми?— деб сўради Асадбек.  
— Кўрмадим, мени бу ишга яқинлаштиришмади. Қаерга яширишганини ҳам билмайман.

Хонгирей кетадиган пайтда Маматбейга «қолган ярми учун бошинг билан жавоб берасан», деганини эшитдим.

— Нима учун ҳаммасини олиб кетмади?

— Тобут оғир бўлиб кетармикин?

— Йўқ... ундай эмас... Маматбей шу ерда бўлса, демак, ишнинг чаласи бор.

— Бу ишнинг бир учини Ҳалимга айтайми?

— Нега?

— Агар хитларга хизмат қилиши аниқ бўлса, дарров хабар етказди. Улар Московга дарак беришади. Масковликлар ўликни очиб кўришади.

— Кейин-чи?

— Кейин?.. — Жамшид «билмайман» дегандай елка қисди.

— Кейин Хонгирей сенга ёпишади. Ҳозирча индама...

Асадбек бедор тунда ўйлай-ўйлай, чекиниб хатога йўл қўйганини англаб етган эди. Ҳарна бўлса ҳам ўрнида маҳкам турмагани учун ўзини лаънатлади. Энди пайсалга солмай хужумга ўтишни мўлжаллаб, қароргоҳини шаҳар марказидан Эски жўвадаги вассажуфтли уйга кўчиришга аҳд қилган эди. Ҳозир ўша аҳдига биноан Жамшидга топшириқ берди: Эски жўвадаги уйни қандай топишни тушунтириб, Тарзанни ёнига олишни буюрди.

### 3

Елчин аравада юриб ўзини ўзи эплаб қолгани учун Зайнаб кундузлари онасининг ёнида бўларди. Тунда эса отаси каби қийналиб чиқарди. «Мен ҳаётдан тўйган эдим, жонимни олмадинг. Акам яшаши керак эди, ўлимни юбординг», деб у ҳам Яратганга даъво қиларди. Даъволари тилга кўчмагани сабабли уни тавбага даъват этувчи йўқ эди.

Зайнаб отасининг хоҳишига кўра, пешинга қиймали шўрва қилди. Овқатланиб бўлишгач, Асадбек Абдусамадни чақирди-да, «келинлар уйда сиқилиб ўтираверишмасин, шаҳарни айлантириб кел», деди. Улар кетишгач, Зайнаб онаси билан бирга шийпонни йиғиштирди. Кўрпачаларни қоқиб, қайта солишаётганида Асадбек чиқиб, она-болага «ўтиринглар», деди.

— Кеча кечқурун доктор Худоёр қўнғироқ қилувди, — деди Асадбек Зайнабга қараб.

Манзурага бу маълум эди. Доктор Худоёрнинг нима дейиши мумкинлигини ҳам биларди.

Шунинг учун кечадан бери «у киши нима дедилар?» деб сўрашга юраги бетламаётганди.

Асадбек эса Манзуранинг сўрашини кутаётганди. Хотинидан садо чиқавермагач, Зайнабга қараб гап бошлаган эди.

— Доктор Худоёр сал хафа бўлиб гапирди.

— Нега? — деди Манзура.

— Сенга нима деб тайинлаганиди? Бир ойда қайтишсин, деганмиди?

— Вой, адаси... — Манзура эътирозини бошлай олмади, Асадбек унинг гапини шарт узди:

— Уларга баҳонанг ўтмайди... Мен Ҳамидни... айтмадим. Шу ҳафта буларни жўнатишга ваъда бердим.

— Шу ҳафта? — эри билан баҳслашишга одатланмаган Манзура чорасизликдан бош эгди.

— Ҳамид ҳам айтувди... Озгина чидагин энди... ўқишлари чала қолмасин.

Кейинги гапни Асадбек ялиниш оҳангида айтиб, Манзуранинг кўнглини баттар вайрон қилди.

Асадбек — Асадбеклигини қилиб, қатъий тарзда хоҳишини баён этганида Манзура ҳам, Зайнаб ҳам эзилишмас эди. Манзура пиқиллай бошлаганидан кейингина аввалги Асадбекнинг овози чиқди:

— Бўлди қил.

— Келин ҳам кетадими?

— Уларнинг ҳам ўқиши бор-ку? Хоҳласанг бирга кета қол.

— Вой... — Манзура «ўғлимнинг арвоҳини чирқиратиб ташлаб кетаманми?» дегандай эрига

қаради. Асадбек хотинининг бир қадам нарига жилмаслигини била туриб, бу таклифни айтган эди. Шу сабабли унинг қарашига эътибор бермади.

Абдусамаднинг ҳам, келинларнинг ҳам шаҳар айланадиган кайфиятлари йўқ эди. Оталарининг хоҳишига кўра чиққанлари учун узоқ юришмади. Улар қайтиб келишгач, Зайнаб акасини холи хонага чақариб, адасининг гапларини етказди.

— Сўрашга уялиб юрувдим, яхши бўлибди, — деди Абдусамад.

— Кетишни хоҳлаяпсизми? — деди Зайнаб.

— Ўқишни чала ташлашим керакми?

— Адам билан ойимни шу ҳолда ташлаб кетаверасизми?

— Сен борсан-ку?

— Кетманг.

— Нега?

— Адамни ёлғиз қўйиш мумкинмас.

— Нега?

— «Нега, нега?» деяверасизми?! Тушунмаяпсизми? Ҳамид акам ўзларича касал бўлдиларми?

— Нима деяпсан?

— Ҳамид акамни адамнинг душманлари ўлдиришган...

Абдусамадда ҳам шундай фикр бор, аммо бу гумон аниқ тасдиғини топмагани учун ишонмасликка ҳаракат қиларди. Синглисидан бу ҳақиқатни эшитиб, лол қолди.

— Кимдан эшитдинг?

— Бировдан эшитишим шартми? Мен аниқ биламан. Сиз бош ўғилсиз, қасос олиш керак!

— Зайнаб, сенга нима бўлди, бунақа гапларни гапирма.

— Қасос олмасак, Ҳамид акам гўрида тикка туради.

Зайнабнинг худди отаси каби кескин гапириши Абдусамадга таъсир этди. Синглисига бир нима демоққа қийналди. Сўнг сўз топишга уринди:

— Зайнаб, бунақа демагин. Агар душманларнинг иши бўлса ҳам адам нима қилишни ўзлари биладилар. Бизни бунақа ишларга барибир яқинлаштирмайдилар. Агар аралашишимизни истасалар бизларни ўқитмасдилар. Сен билан мен нимани биламиз? Лимонад тсехлари бор, такси кооперативлари бор. Яна нима? Қолган гапларни миш-мишлар орқали биламиз. Адам бизнинг олдимизда ишдан ҳеч гапирмаганлар. Демак, бизни бош-қа одам бўлишимизни истайдилар.

— Қанақа одам?

— Масалан, олим бўлишимизни...

— Қасос-чи?

— Бу гапни хаёлингдан чиқариб ташла.

— Ҳеч қачон! Агар сиз кетсангиз, ўрнингизга ўзим қоламан!

Зайнаб шундай деб чиқмоқчи эди, Абдусамад йўлини тўсди. Кесакполвон «Асадбекнинг асл қизи», деб янглишмаганди. Юмшоқ кўнгилли Абдусамад синглисининг йўлига ғов бўлолмади. Абдусамад билан келинлар сафар тадоригини кўришаётганида Зайнаб Жамшидни учратиш ҳаракатида бўлди. Учрашди ҳам. Мақсадини айтди ҳам. Бироқ, Жамшиддан ўзи кутмаган жавобни эшитди:

— Бу эркакларнинг иши. Агар мен ўлсам, менинг ўрнимга сен келасан. Унгача бу гапларни хаёлингдан чиқариб ташла. Бек акамнинг ёнларида мен борман, кўнглингни хотиржам қилавер. Абдусамад ҳам «бу гапни хаёлингдан чиқариб ташла», девди. Зайнаб чорасиз қолди. Аҳдидан отаси огоҳ бўлса, ўзининг уй қамоғига маҳкум этилувини англаб, Жамшиддан «Адамга айтманг», деб илтимос қилди.

## XXV 6 o 6

### 1

Ойсанам Эркаеванинг уйига пойлоқчи қўйиш кутилган натижа бермади. Кесакполвон бу уйга бошқа келмади. Асадбекнинг даврасидаги бўлак одамлардан ҳам дарак бўлмади. Шундан сўнг Зоҳид мўлжалидаги иккинчи ишни амалга оширишдан олдин ҳайдовчи Эшпўлатовнинг уйига бориб, унинг хотини билан гаплашди. Аввалига Зоҳид учун янгилик бўлувчи бирон янги гап чиқмади. Олдинги терговчининг баённомасидаги гаплардан нарига ўтмади. Шунда Зоҳид сўради:

— Эрингизни тўхмат билан ўтирибди, деб ўйлайсизми?

— Унда нимага ўтирибдилар?

— Эрингизнинг чиқиб келишини истайсизми?

— Вой, нега хоҳламас эканман? Болаларим «адам қачон чиқадилар?» деб сиқилиб кетишди.

— Унда яхшилаб эсланг: Шокаримов йўқолган кунлари эрингиз уйга вақтида келган экан.

Кейин-чи? Кечки пайт уни ҳеч ким чақирмадимми?

Хотин ўйланиб туриб:

— Чақирди, — деди.

— Ким чақирди?

— Қайинсинглим, Ойсанам.

— Нега чақирди?

— Билмадим.

— Олдин ҳам чақириб турармиди?

— Ҳа. Машинасиз бир қадам юрмайди. Сал нарсага якшанба кунни ҳам чақираверарди. Бояқиш адамиз дам олиш нималигини билмасдилар.

— Ўшанда қайси кийимда бориб-келдилар, эсланг.

— Ишга киядиган кийимлари.

Зоҳиднинг талаби билан хотин ўша кийимларни жавондан олиб кўрсатди. Зоҳид унинг ижозати билан бошқа кийимларини ҳам кўздан кечириб, айримларини текширтириш учун олди.

Текшириш натижаси ўша кунидея маълум бўлди: пиджакнинг енидаги қон доғи, шимдаги тупроқ қолдиқлари Зоҳидни гумон саҳросидан ҳақиқат водийси томон бошлагандай бўлди. У шош-қич равишда тинтувга рухсатнома олиб, қидирув гуруҳи билан Шокаримовнинг уйига борди. Ертўладаги кавлаб, жасад кўмиб қўйилган жой унинг барча саволларига жавоб берди. Ерининг ўша кунни барвақт келгани, сўнг орада машаққат чиқиб, катта жанжалга айлангани, оқибат мушт ишга тушганини Ойсанам уйда эмас, қамоқнинг сўроқхонасида айтди. «Мен ўзимни ҳимоя қилдим. «Бўғаман», деб ёпишганларида итариб юбордим, йиқилиб, бошлари дазмолнинг учига тегди. Шу билан... жонлари чиқди», деб уввос тортиб йиғлашни бошлади. Масала ечилгач, неча ой давом этган иш Зоҳидга оддий гапдай бўлиб кўринди. Зариповани озод қилиш ҳақидаги қарорни ёзиб берди. Бир кўнгли қарорни ўзи олиб бориб, бу жабрдийда аёлни кузатиб қўймоқчи ҳам бўлди. Лекин баҳсда енгилганини тан олиб боришни истамасди. Бунинг устига республика прокуратурасидан Саид Қодиров йўқлаб қолди.

Зоҳид «Иш»нинг якуни ҳақида ҳисоб берганидан сўнг Саид Қодиров:

— Асадбекларнинг иши янги босқичга киряпти, — деди. — Уларнинг орасидаги одамимиз топилди. Уни наркокурер сифатида Красноярга юборишган экан. Назаримда синаб кўришмоқчи бўлишган. Унинг хабарига қараганда, Асадбек ўзининг энг яқин шеригидан узоқлашган. Орага Москва мафияси аралашган. Демак, иши яна ҳам қийинлашади. Москва жиноий гуруҳининг милитсия билан алоқаси яхшига ўхшайди. Биз бир янги гап топиб у ёққа юборсак, йўқ бўлиб кетиши мумкин. Красноярда бизнинг одамни мол билан қўлга олишган. Лекин унинг уйига

текширув келмаган. Биз томонга хабар ҳам берилмаган. Кейин уни қамоқдан чиқаришган. Ҳозир унга иш буюрмай қўйишган.

— Чақириб олиш керакдир?

— Ҳали вақт бор. Асадбекнинг «Кесакполвон» лақабли шериги Москва гуруҳи билан қорадори бўйича катта иш бошлаганга ўхшайди. Асадбек четда эмиш. Нега? Шунини аниқлаш керак. Яна бир гап: Миродил деган одамнинг хотини бизга мурожаат қилди: эри йўқмиш. Маҳмуд Эҳсоновнинг жанозасидан кейин йўқолган. «КамАЗ»дан тушган одам ўшанга ўхшайди: паст бўйли, калласи катта. Лақаби ҳам шунга яраша — Хумкалла.

— Тинчитиб юборишганми?

— Шунақага ўхшайди. Бу ишлар бўйича маълумот юқори идорага қадар етиб борди. Янги каттамир бу масалада жуда қаттиқ талаб қиляпти. Биз сизни бу ёққа ишга чақириш маслаҳатини пишириб қўйдик. Асадбеклар доирасига боғлиқ ёпилган ҳамма ишлар қайта қўзғотилади. Нима дейсиз?

Зоҳид янги раҳбарнинг талаблари ҳақида маёр Солиев айтган гапларни эслаб, «демак, асосий ишлар энди бошланади», деб қўйди.

— Нега ўйланиб қолдингиз? Таклиф ёқмадимми? Ё Қўрқяпсизми?

— Қўрқяпман. Шу ишнинг чала қолишидан қўрқяпман.

— Энди бундан қўрқманг. Вақтинча, алдовчи чекиниш тугади.

Саид Қодировнинг бу гапидан Зоҳиднинг кўнгли яйраб:

— Қаҳва ичмаймизми? — деб сўради.

— Ҳа, албатта, энди ақлни пешлаб олиш керак.

Икки кундан сўнг Зоҳид Саид Қодировнинг ёнидаги хонадан жой олди. Уларга ҳаракатнинг асосий йўналишини ўн кун ичида ишлаб чиқиш топширилди. Улар гуруҳнинг жиноятларини бир-бир баён қилиб беришлари мумкин эди. Аммо уларнинг зиммасида буни исбот этиш, гуруҳнинг барча аъзоларини жиноят устида қўлга олиш вазифаси турарди.

У дамда Зоҳид ўзининг бу уринишдаги биринчи қурбон бўлишини билмас эди.

## 2

Зоҳид иш жойини ўзгартирган куни Асадбек ўғли, келинлари билан Москвага қараб учди. Унинг қароридан Кесакполвон Хонгирейни огоҳ этиб, «Жамшид бирга келсин», деган топшириқни олди. Жамшиднинг шаҳарда Тарзан билан қиладиган ишлари бор эди. Шунинг учун Асадбек унинг ўзига хамроҳ бўлишини нохушлик билан қабул этди.

Москвада уларни Иликонинг ўзи кутиб олиб, икки кундан сўнг Абдусамад билан келинлари ўзи кузатди.

Кузатадиган куни эрталабдан Асадбекнинг кўнгли ғаш бўлди. Назарида фарзандини, келинларини сўнгги марта кўраётгандай эди. «Шереметево-2»га етиб боришганда болалари текширувдан ўтаётган экан. Ўғлини бағрига босиб ўпганида, келинлари Оврупо одатига кўра унинг ёноғидан ўпишганда, айниқса Муштарий йиғидан овунолмаган ҳолда аста-аста узоқлашаётганида ундаги ғашлик аланга олди. Чап кўкрагидан бир нима узилгандай бўлди. У ҳатто «юрагим ҳозир ёрилади, бу айрилиққа чидай олмайди», деб ўйлади. Юраги ёрилиб ўлганларни кўп эшитган: аввал кўз олди қо-ронғулашади, нафаси қайтади, кейин чап курагида қаттиқ оғриқ сезади... Асадбек айнан шундай бўлишини истади. Ҳаммасидан биратўла қутулгиси келди. Лекин кўз олди қоронғулашмади, нафаси қайтмади, курагида оғриқ сезмади. Фақат бўғзига бир нима тиқилиб, йиғлагиси келди. Кўзларидан ёш оққанини ўзи ҳам сезмади. Учоқ учиб кетганидан сўнг ҳам Асадбек изига қайт-гиси келмай турди. Илико шу ердаги ресторанда жой тайёрлигини айтгач, унга ноилож эргашди.

Илико «уларнинг парвози беҳатар бўлсин», деб қадаҳ кўтаргач, бўғзида қадалиб турган нарсдан қутулиш учун ҳам ичди. Ароқ томоғини куйдириб ўтди-ю, аммо қадалиб турган нарса

йўқолмади.

Жамшиднинг соатга қараб олганини сезган Илико:

— Ишинг бўлса боравер, Бекни ўзим кузатиб қўяман, — деди.

Жамшид «ижозатми?» дегандай хожасига қаради. Асад-бек уни Хонгирей чақиртирганини биларди. Шу сабабли кўз қараши билан «боравер», деб рухсат берди.

Илико бобосининг сўнгги дамларини, Суликони кўп эслаганини айта туриб:

— Сени ҳам кўп ёдга олдилар, — деди.

Асадбек чолнинг армонларини хаёлига келтириб:

— Бобонг сенга насиҳат қилиб қўйишимни истагандилар, — деди.

— Қанақа насиҳат?

— Бобонг сени йўлингдан қайтишингни, бошқача яшашингни хоҳлардилар.

— Бунга биламан... ўзимга ҳам айтганлар. Энди ор-қага қайтиш йўқ. Орқада фақат ўлим бор.

Энди ўйиндан чиқиш мумкинмас, бу ўзингга ҳам маълум.

— Олдинда ҳам ўлим бор, — деди Асадбек ўйчан тарзда.

— Тўғри айтдинг. Истаймизми, истамаймизми, энди икки ўлим оралиғида «лезгинка»га ўйнайверамиз.

— Мен унганча озгина бўлса ҳам одамга ўхшаб яшаб олмоқчиман. Менинг ошнам бор. Бир куни «сен бахт излаб умр кечирмадинг, қасос деб яшадинг», деб таъна қилди менга. Умуман у тўғри айтди. Энди мен учун битта қасос қолди. Кейин бахт излаб кўрсаммикин? — Асадбек шундай деб аянчли кулимсиради.

Илико сигарет тутатиб, тутундан нимадир ўқигандай тикилди.

— Йўқ, — деди у. — Энди кечикдинг, Бек. Бизнинг бахтимиз — зўр бир душманнинг қўлидан ўлим то-пиш.

— Бахтга кечикдим... — деди Асадбек хўрсиниб, — Қасосга кечикмасам бас.

— Қасосинг — Хонгирейми?

— Ҳа. Яна бир киши.

— Шошилма. Хонгирейни менга қўйиб берасан. Унга энг аввал мен ҳақлиман. Иш пишяпти.

Яқинда у ўлим фариштаси билан ўпишади. Сен менга ҳалақит бермай тур.

— Йўқ, Илико, сен менга ҳалақит берма. Сендан кўра мен икки, йўқ, уч карра ҳақлиман. Ўртада сен учун аканг бор, холос. Менинг эса дўстим билан ўғлим бор. Яна тутинган укам ҳам бор.

— Сен нимага қасд қилаётганингни билмаяпсан. Бу ерда Хонгирейни чивин чақиши ҳам қийин.

— Шунинг учун у биз томонга бориши керак. Яқинда борганида ғафлатда эдим. У яна бир боради.

— Мен беҳабар қолмай.

Иликонинг кузатувида «Домодедово»га келган Асадбек Жамшидни кутиб, ҳатто кейинги учоқда учмоқчи ҳам бўлди. Лекин Илико бунга кўнмади.

Жамшид икки кундан сўнг қайтиб, ушланиб қолиши сабабини айтди.

Жамшидни йўқлаган Хонгирей олдинда катта ишлар турганлигидан гапириб, Кесакполвондан кўнгли тўлмаётганини билдирди:

— У бир меров, лақма экан. Бек аканг қандай қилиб уни ёнида олиб юрибди?

Жамшид «билмайман» дегандай елка қисди.

— Мен унинг ўрнида сени кўрмоқчиман, — деди Хонгирей ўткир кўзини унга қадаб.

Жамшид бу кутилмаган гапдан ноқулай аҳволга тушиб, ундан нигоҳини олиб қочди.

— Менинг устозим Зелихон оға одам танлашни биларди. Сени менга бекорга тавсия этмаган.

Сен ноз қилиб ўзингни у ён-бу ён ташламагину, Бекнинг ўрнига тайёрлан. Бек сени ўлдирмоқчи эди. Истасанг уни ўлдиришинг мумкин. Мен уни сенга совға қилдим.

Хонгирей бу мақтовлардан сўнг Жамшидга бўлажак вазифани тушунтирди:

— Кеча Москвага полшалик талабалар келишди. Комсомолнинг «Спутник» деган сайёҳлик

хизмати бор, биласанми? Полшаликлар шуларнинг таклифи билан келишган. Эртадан кейин улар сенинг юртинга учишади. Уларнинг орасида краковлик бир йигит бор. Сен Краковда бўлганмисан?

— Йўқ.

— Адашма, бўлгансан, эсингдан чиқдимми? Ахир «юксак аскарлик бурчингни» Краков яқинидаги Совет қўшинлари сафида ўтагансан-ку?

Жамшид Хонгирейнинг нима демоқчи эканини анг-лаб, «давом этаверинг, мақсадингизни тушуняпман», деб қараб тураверди.

— Полшаликлар «Юност» меҳмонхонасига жойлашишган. Сенинг хонанг ўша краковлик йигитнинг рўпарасида. Йигитнинг исми — Валдемар Вилчек.

Хонгирей шундай деб унга сурат кўрсатди. Кейин «Краков» деган суратли китобни қўлига тутқазди.

— Кечгача кўриб, ўқиб, сув қилиб ичиб юбор. Кечқурун у билан ресторанда танишасан. Қолган топшириқни Маматбейдан вақти келганда оласан,— деди Хонгирей.

Хонгирейнинг топшириғини, Валдемар билан танишиб келганини баён қилиб бўлгач, Жамшид «Энди нима қиламиз?» дегандай Асадбекка қаради.

Жамшид «Краков» деган сўзни тилга олганидаёқ Асадбек Хонгирейнинг Краковга бориши ҳақидаги гапини эслади. Отасининг васияти, амакисининг Краков учун бўлган жангларида халок бўлганини Жамшиднинг шу шаҳар яқинида хизмат қилгани билан бир нарса эканини тушунди. Хонгирейнинг мақсадини фаҳмлагандай ҳам бўлди:

— Полковникнинг ўлимини тўртинчи касалхонада тобутга жойлашганмиди? — Асадбек шундай савол берди-ю, жавоб кутмай, ўйланди: «Полковник яшаган меҳмонхонадан бу касалхона узоқ. Ёшларнинг меҳмонхонаси эса жуда яқин... Краковлик бола ҳам шу ерга тушмасмикин?..»

— Маматбей нима қилишни айтмадимми?

— Йўқ ҳали.

— Болани балки полковник сингари меҳмон қиларсан?

— Йўғ-е?

— Молнинг ярми шу ерда-ку? Сен тўртинчи касалхонага бор. Ўликни ёрган одамни топ. Сиқувга ол. Аммо қочириб юборма, бизга ҳам бир хизмат қилиб бериши мумкин. Агар мен Хонгирейнинг ўрнида бўлганимда қорадорини чет элга Масков орқали юбормас эдим. Чегарадан катта молни олиб ўтиш осонмас. Масковга олиб кетган молни ўша атрофда пуллайди. Чет эл билан аҳди бўлса — энг осон йўл шу. Божхонада ўлик титиб кўрилмайди. Сен Тарзанга тайинла. Йигитларни хитлатиб қўймасдан Ҳайдар акангни кузатсин.

Асадбекнинг тахмини тўғри чиққанини Жамшид полшаликлар Урганчдан қайтишганда билди.

Маматбей Краковлик йигитни яхшилаб меҳмон қилишни топшириб, қўлига ихчам елим халтачада кукун берди. Жамшиднинг вазифаси шу кукунни мусалласга солиш эди халос.

Полковникни кузатиб боргандай бориши, кутиб ўтириши лозим эмасди. Кечаси қорнида кучли оғриқ турган меҳмонни «Тез ёрдам» энг яқин жойга — тўртинчи касалхонага олиб бормоғи муқаррар эди.

### 3

Жамшид полшалик меҳмонлар билан учган куннинг индинига Хонгирей хос йигитлари билан бирга Варшавага, автомобил сафарига йўл олди. У ҳаммасини аниқ ҳисоблаб чиққан эди. Полшаликлар Урганч саёҳатидан қайтишиб, Жамшид Валдемарни меҳмон қилаётганида Хонгирейнинг машинаси Брест чегара постидан ўтган эди. Унинг мўлжалича, Полша ерларида сайру-саёҳат қилиб Краковга келгунича Валдемарнинг жасади солинган тобут Краковга келтирилиб, марҳум ерга топширилиши керак эди.



Хонгирейнинг режасидан беҳабар пан Любомирский меҳмонларни қароргоҳида кутиб олиб, зиёфат қилгач, олиб келинган қорадорининг миқдори билан қизиқди.

— Сиз айтгандан кўра кўпроқ, — деди Хонгирей унга айёрлик билан боқиб.

Сўнг молнинг қаердалигини айтди. Бу янгилик кўпни кўрган панни ҳам таажжубга солди.

Ўликнинг қорнига қорадори тиқиш ҳатто унга ҳам вахшийлик бўлиб туюлиб, қошларини сал чимирди.

— У ҳолда бериладиган пулнинг ўн фоизини чегириб қоламиз, — деди у.

Кашфиёти учун пандан олқиш эшитишни ният қилган Хонгирей унинг бу гапидан ажабланди:

— Нега энди? Аҳдни бузасизми?

— Аҳд бузилмайди. Биз бир полшалик йигитни ўлдиришга аҳдлашмаган эдик. Ўн фоиз марҳумнинг оиласига берилади.

— Уни биз ўлдирмадик. Кўп мева еб, заҳарланган.

— Ёш йигитлар бекорга заҳарланишмайди.

Хонгирей қовоғи солиқ паннинг бир сўзли эканини билиб:

— Хўп, унда беш фоизини берамиз, — деди.

— Мен савдолашмайман, — деди пан кескин тарзда. — Пулни сиз бермайсиз, биз оламиз.

Ортиқча эътирозга ўрин қолмади. Кеч кириши билан йўлга отланишди. Пан Любомирский Хонгирейнинг йигитларидан қуролларни олдириб қўйиб, уларни қароргоҳда қолдирди. Ўзи ҳам қабристонга бормади. Хонгирей унинг ёрдамчилари билан қабристонга бориб тобутнинг чиқариб олинишини, очилишини ўзи кузатди. Жасаднинг эғнидаги кийим ечилиши билан ёрилган қоринни тиккан ипларга қаради. Иплар келишилгандек зарҳал эди. Тугунлари ҳам белгиланганча эди. Хонгирей «демак, йўлда очишмабди», деб енгил тин олди. Бироқ, мурданинг қорни очилиб, қорадори ўралган тугунча кўринмагач, кўз олди қоронғулашди. Пан Любомирскийнинг ёрдамчиси «нега алдадинг?» ёки «сенга ким панд берди?» деб сўраб ўтирмади. Йигитларига имо қилиши билан Хонгирейнинг қўллари орқасига қайрилиб, кишан урилди.

Пан Любомирский ҳам «нега ундай бўлди?» деб суриштирмади.

— Сен билан иш пишмаслигини сезган эдим. Гамлет ҳадеб мақтагани учун ишонибман. Сен катта иш қилолмас экансан. Ўзингнинг бу ёққа келишинг, сенинг энг катта аҳмоқлигинг. Режангнинг нима учун амалга ошмагани билан менинг ишим йўқ. Бу сенинг масаланг. Бундан бу ёғига сен Лвовга ҳам яқинлашмайсан. Ўлган йигитнинг хунини эса барибир тўлайсан. Йигирма кило дорининг ҳисобидан берасан. Пул келгунча йигитларинг шу ерда туришади. Бир ҳафта ичида пул келмаса, буларнинг ўликларини олиб кетасан. Ҳа, олиб кетасан. Бу ерга кўмдирмайман уларни.

Катта бойлик ҳавасида йўлга чиққан Хонгирей орқасидан тепки еб хорланган ит каби Москвага қайт-ди-ю, Кесакполвонни чақиртирди. Хонгирейнинг режасини ўзича тўғри ўқиган Асадбек айнан шу ерда янглишди: Хонгирей нима гап бўлганини суриштириш учун ўзи келмай, айбдорларни чақиртиришни маъқул кўрди.

#### 4

Москвага шошқич чақиртирилганларининг боисини Маматбей ҳам, Кесакполвон, Жамшид ҳам билишмас эди. Хонгирей уларнинг ҳар бири билан алоҳида, алоҳида гаплашди. Унга қадар Кесакполвон ҳам, Жамшид ҳам зиндон каби қоп-қоронғу ва зах ертўлада маҳбус каби сақландилар.

Жамшид ўз вазифасини беҳато бажарган эди. У полшаликнинг вафотидан кейинги бўлажак воқеалардан беҳабар эди. Кейинги ишлардан фақат Маматбей билан Кесакполвонгина

хабардор эди. Шунинг учун Жамшиднинг боши устидаги гумон булут тарқалиб, Кесакполвон томонда қуюқлашди.

Полковникнинг тобути ёнида ҳам, краковликникида ҳам Кесакполвон турган эди. У тобут қопқоғини маҳкам михлатиб, қотириб кетганди. Кетиши билан Тарзаннинг келиши, тобут очилиб, қорадори олиниши, марҳумнинг қорни аввалгидай тикиб қўйилишини у етти ухлаб, бир тушида кўрмаган эди. Масалага қоринни ёрган дўхтир ойдинлик киритиши мумкин эди. Аммо Хонгирей Кесакполвонга бундай имконият бермади. Жамшид билан қайтган Маматбей ўша одамни қидирди. Бироқ, тополмади.

Хонгирей «Асадбекка совға», деб бир қути бериб юборган эди. Жамшид унда нима борлигини тахминан билганлиги учун кўрсатгиси келмади. Лекин совға олиб келганини билдирди.

— Кўрсат,— деб талаб қилди Асадбек.

Жамшид уни уйга олиб киришни истамади. Асадбек кўчага чиққач, машина юкхонасини очиб, қути боғланган шойи тасмани ечди.

Жамшиднинг тахмини тўғри эди — қутида Кесакполвоннинг калласи ётарди. Асадбек унга узоқ тикилмади. Бир пайтлар унинг юзига тупурган лаблар гўё алам билан қимтилган эди. Чақчайиб қолган кўзлар эса гўё «Мен ўлмаганман, тирикман, мен ўлмайман» дея-ётгандай эди. Асадбек бу ўлик башарага тупургиси, тупуриб хумордан чиққиси келди. Бироқ ўзини тутди. Қутининг қопқоғини ёпди-да:

— Кўндириб қўй, — деди.

— Қаерга? — деб сўради Жамшид.

— Малла гўрковга айт, Ҳосилнинг гўрига қўйсин.

Жамшид машинага ўтираётганида Асадбек уни тўх-татди:

— Маллага тайинла, кўзларини юндириб, кейин қўйсин.

Гўрков харчанд уринмасин, қотиб қолган мижжалар юмилмади. Шундан сўнг у очиқ кўзлар устига бир ҳовуч тупроқ тўқди-да, лаҳад устидан тупроқ тортди.

Бу дунёга сиғишмай, талашган икки одам бир лаҳадда жам бўлишди...

Бир ҳафтадан сўнг почтачи Асадбекникига қалин хатжилд ташлаб кетди. Асадбек бировга хат ҳам ёзмасди, мактуб ҳам олмасди. Шунинг учун ажабланиб, жилд-ни очди. Ундан газета чиқди.

Ярим бетга яқин жойни эгаллаган мақола ўртасида Хонгирейнинг расми бор эди. Йўғон ҳарфлар билан «XX аср: Гирей хоннинг ҳожатхонада ўлдирилиши» деб сарлавҳа қўйилган мақола «Ўтган куни Москвада «Хонгирей» номи билан машҳур қонундаги ўғри ҳожатхонада чавақлаб ташланди...» деган сатрлар билан бошланарди.

Асадбек мақолани охиригача ўқимади.

Илико уни доғда қолдиргани учун армон билан хўрсинди.

Хонгирейнинг ўлимини эшитган Илико ҳам шундай армон билан хўрсинганда, Хонгирейни томсклик Балабуханинг йигитлари ўлдириб кетишганидан у беҳабар эди.

Асадбек уйга сиғмай, кўчага чиқди.

Нима учундир кўча гавжум эди.

Асадбек нима учундир одамлар оқимига қарши юриб борарди...

Бу воқеадан бир йил ўтиб, Ўзбекистоннинг покиза осмонида озодлик байроғи ҳилпиради...

## АЙТАР СЎЗИМИЗНИНГ ИНТИҲОСИ

Васл тугаб, фироққа етишилди.

Узоқ йиллар мобайнида беҳисоб сатрлар орқали танишганимиз яхши-ёмон одамлар билан хайрлашиш фурсати етди.

Ҳазрат Навоий «Муншаот»ларида «Машаққат эса ибтидоси анинг, мурод ўлғуси интиҳоси анинг», деб ёзмиш эканлар.

Оллоҳ барчаларимизни машаққат саҳросидан кечиб ўтиб, муродга етишганлардан қилсин. Дастлабки сатрларни битишдан олдин Яратганга муножот этиб, баёнларимда Ҳақ йўлдан тойдирмаслигини тилаган эдим, яна илтижо этаман: Ё, Раб, бизларни, то қиёматга қадар зурриёдларимизни ҳам адашганлардан қилмагин.

Тангри таолога беҳисоб-беҳисоб ва яна беҳисоб шукроналаримиз бўлсинким, ўзининг мадади ила шунингдек, Сиз азиз китобхонларнинг дуолари туфайли мўлжалимиздаги яна бир баён ниҳоясига етди. Тангри тилагимизни раво айлаб, ажойиб бир бахт бағишлади. Бундайин бахт сиз азизларга, хусусан, ҳамасрларимизга ҳам насиб этсин! Эндиги тилагимиз: бажарган ишимиз хайрли бўлғай. Омийн я Раббил-оламийн. Шубҳасизки, бу баёнларда қаламнинг ожизлиги сабабли йўл қўйилган хатолар ҳам учрар. Бунинг учун тавбалар қилганимиз баробаринда Сиз, азизлардан узр сўраймиз.

Яна ҳазрат Навоий дебдиларким:

*Интиҳоси ишқнинг ҳижрон эмиш, эй аҳли ишқ,  
Васл даврони аро мағрур бўлманг асру ҳам.*

Бизнинг баёнимиздаги кўп одамлар дунё васлига мағрур бўлиб, оқибатда аламга банди бўлдилар. Улар Яратганнинг огоҳлантиришини эшитмаслик учун қулоқларига гўё қўрғошин қуйдилар. Раҳмоннинг эслатмаларини ўқимаслик учун гўё кўзларига нил тортиб, кўр бўлиб олдилар. Бу дунёда қул бўлишга арзийдиган матоҳнинг ўзи йўқлигини фаҳламадилар. Оқибат, Оллоҳ ўзининг ваъдасига кўра, уларга шайтонларни ҳамроҳ қилиб қўйди. Шайтон уларни тўғри йўлдан тўсди. Қачонки қиёмат чинқириғи янграб, бундайлар Оллоҳнинг ҳузурига боришгач, афсус чекадилар ва умрлари бўйи жонажон ҳамроҳ бўлган шайтон алайҳилаънага қараб «Қани эди, мен билан сенинг орамиздаги масофа мағриб ва машриқчалик узоқ бўлса. Сен энг ёмон ҳамроҳсан»\*, дер эканлар.

Оллоҳ ҳеч қайсимизни — ўзимизни, зурриёдларимизни, қавму қариндошларимизни, биродарларимизни, таниш-билишларимизни бундайлардан қилмасин, иншаоллоҳ! Барча, барчага, ҳатто ўзимизга душман деб билган кимсаларга ҳам ҳидоят берсин. Барчага ҳидоят насиб этса бу дунё қанчалар гўзал бўлар эди, валлоҳи аълам!

---

\* Зухруф сурасининг 39-оятидан маъно таржима.

© Тохир Малик

[Ислом.уз](http://Ислом.уз) маърифат марказидан олинди.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) - 2008